

ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

(дарслик)

Муаллифлар: К.Хошимов
С.Нишонава

Тошкент -2005

МУНДАРИЖА

	КИРИШ
I БОБ	<p style="text-align: center;">ЭНГ АДМИГИ ДАВРДАН VII АСРГАЧА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР</p> <p>1. Қадимги халқ оғзаки ижодиётида инсон тарбиясига оид фикрлар.....</p> <p>2. Қадимги ёзма ёдгорликларда таълим-тарбия масалалари.....</p> <p style="padding-left: 20px;">«Авесто» энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида.....</p> <p>3. Қадимги туркий халқлар ёдгорликларида тарбияга доир фикрлар.....</p>
II БОБ	<p style="text-align: center;">VII АСРДАН XIV АСРГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА МАКТАБ, ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАҚҚИЁТИ</p> <p>1. Ислон дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсири. Мусулмон мактабларида таълим-тарбия мазмуни.....</p> <p>2. Ҳадис илмийнинг пайдо бўлиши. Имом Исмоил ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг ҳадис илми ривожигаги хизматлари.</p> <p style="padding-left: 20px;">Имом Исмоил ал-Бухорий.....</p> <p style="padding-left: 20px;">Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий.....</p> <p style="padding-left: 20px;">Сўфийлик таълимоти. Аҳмад Яссавий.</p> <p style="padding-left: 20px;">Хожа Абдухолик ғиждувоний.....</p> <p style="padding-left: 20px;">Баҳоуддин Нақшбанд.....</p>
III БОБ	<p style="text-align: center;">ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ ВА УНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ</p> <p>1. Шарқ Уйғониш даврида илм-фан ва маданият Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг илмий мероси ва унинг дидактик қарашлари.....</p> <p style="padding-left: 20px;">Абу Наср Форобийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.....</p> <p style="padding-left: 20px;">Абу Райхон Беруний.....</p> <p style="padding-left: 20px;">Абу Али ибн Синонинг таълимий-ахлоқий қарашлари.....</p>
IV БОБ	<p style="text-align: center;">ШАРҚ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМОТИДА ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР</p> <p>1. Таълимий-ахлоқий қарашларнинг пайдо бўлиши Юсуф Хос Ҳожиб.....</p> <p>2. Унсурул Маолий Кайковус «Қобуснома»</p> <p>3. Аҳмад Югнакий «Ҳибат ул-ҳақойиқ».</p> <p>4. Муслиҳиддин Саъдий. «Гулистон».</p>
	XIV-XVI АСРЛАРДА ТАРБИЯ, МАКТАБ ВА

V БОБ**ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР**

XIV-XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти.....

Соҳибқирон Амир Темур.....
 Муҳаммад Тарағай Улуғбек.....
 Заҳириддин Муҳаммад Бобур.....
 Абдурахмон Жомий.....
 Алишер Навоий.....
 Жалолиддин Давоний.....
 Ҳусайи Воид Кошифий.....

XVII-XVIII АСРЛАРДА ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК

VI БОБ**ФИКРЛАР**

XVII-XVIII асрларда ва XIX асрнинг биринчи яримида Бухоро, Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият.

Жаҳон отин Увайсий.....
 Муҳаммад Содик Қошғарий.....

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

VII БОБ

1. Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбия муассасалари ва педагогик фикр тараққиёти.....

2. Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. Рус-тузем мактаблари ва матбуот.

3. Туркистонда жаҳидчилик ҳаракати ва таълим-тарбия.

.....
 Маҳмудхўжа Бехбудий.....
 Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли.....
 Исҳоқхон Ибрат.....
 Саидахмад Сиддиқий.....
 Абдуқодир Шақурий.....
 Абдулла Авлоний.....
 Абдурауф Фитрат.....
 Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.....

1917-1990 ЙИЛЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, МАОРИФ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

VIII БОБ

1. Ўзбекистонда 1917-1924 йилларда мактаб ва марифат.....

2. Туркистонда миллий давлат чегараланиши ўтказилганидан сўнг халқ таълими ва педагогик фикрлар (1924-1941)

3. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика

Сиддиқ Ражабов.....

4. XX асрнинг 70-80-йилларида Ўзбекистонда халқ таълими.....

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАҚҚИЁТИ

IX БОБ

1. Мустақиллик ва таълим тизимида ислохотлар
2. Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисида «Қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».
3. Педагогик илмий тадқиқот ишлари.

ЖАҲОН ПЕДАГОГИКА ФАНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ БАЁНИ

X БОБ

1. Қадимги Юнонистон ва Рим даврларида таълим-тарбия.....
2. ғарбий Европада мактаб, маориф ҳамда педагогик фикрлар тараққиёти.....
3. Ян Амос Коменский.....
4. Иоганн Генрих Песталоцци.....

Иоганн Гербарт.....

Адольф Дистервег.....

Константин Дмитриевич Ушинский.....

РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАЪЛИМ

ТИЗИМИ

Ҳамкорлик йўналишлари.....

XI БОБ

Америка Қўшма штатларида таълим тизими.....

Японияда таълим тизими.....

Жанубий Кореяда таълим тизими.....

Францияда таълим тизими.....

Германияда таълим тизими.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим–тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар педагогика соҳасидаги ўзгаришларни жамият тарақиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганишни талаб этади.

Педагогика тарихи қадим замонлардан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган турли тарихий даврларда тарбия, мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида ўрганиб келди. Ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Бинобарин мустиқиллик туфайли кўхна Туркистон диёрида истиқомат қилиб келган барча халқлар миллий кадриятларининг қайти тикланиши ва ривожланишига шарт-шароитлар вужудга келди.

Ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндошиш, ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳаётига татбиқ этиш каби улуғ ишлар амалга оширилди. Айни пайтда ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг миллий шаклланиши ва ривожланишини замон талабларига мос келадиган таълим – тарбия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан амалиётнинг қандай тараққий қилиб келаётганини билмай туриб, ёшларни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди. Бу аждодларимиз томонидан исбот қилинган илмий – назарий, фалсафий – тарбиявий ҳақиқатдир.

Ахлоқан пок ва етук инсонларни тарбиялаш масаласини мувафақиятли ҳал этишда халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий бойликлари, аждодларимизнинг бизга қолдирган илмий меърослари ва тарихий – тарбиявий тажрибаларини ўрганиб чиқиш, уларнинг ютуқларини ҳаётга, таълим – тарбия ишларига татбиқ этишнинг аҳамияти каттадир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти А.И.Каримовнинг қўйидаги сўзлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

«Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар. Аммо биз хурриятни орзу этишдан, хуррият учун куришишдан чарчамадик. Маслагимизни наслу насабаимизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусиятидир».

Диққат!! Бузилган жой

РОратганЮ

Ҳ0ттоРх>зиргиРў7бекРЕалқиРОшабРВурганР7аминдаР7ардуштийликР4ини
Р:енгРQйилганР4аврдаРх0мРқекбинР?елагогикР<афкураРхСкмРАурганЮ

Ўзбек халқи тарихан таълим тарбия соҳасида ўзига хос дорилфунун яратган. Ҳатто ҳозирги ўзбек халқи яшаб турган заминда зардуштийлик дини кенг ёйилган даврда ҳам некбин пелагогик мафкура ҳукм сурган. Бу зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»нинг бизгача етиб келган айрим саҳифаларида ўз ифодасини топган.

Бироқ исломгача давр тарбияшунослиги, фан ва маданияти тарихини ёритиш имкони чегараланган. Чунки, дастлаб Искандар бошчилигидаги Юнон – Македон кўшинлари, сўнгра ибн Муслим Қутайба раҳбарлигида араб истилочилари олиб борган жанглари, талончиликлар, вайронагарчиликлар туфайли ўша даврга тегишли деярли барча асарлар, манбалар ёқиб юборилган. Лекин ислом ва исломдан кейинги мавжуд педагогик қарашларни, миллий таълим – тарбияга оид анъаналарни, қадриятларни, халқ пелагогикасини илмий ўрганиш, пухта таҳлил қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб муаммосидир.

Истиқлолга эришганимизга қадар биз тарбия ишларимизга Оврӯпа педагогикасини асос қилиб олдик ва ўргандик. Эндиги вазифа Шарқ педагогикасини ўрганишга эътиборни қаратмоқ лозим. Чунки илму фан аввал Шарқда тараққий этган, ҳур фикрлилик биздан бошланган. «Шарқ Европанинг муаллимидир» деганда ҳақ эди Олмон олими Херлер. Ҳақиқатан ҳам шундай, ўзбек халқининг маданий мероси улкан бир денгиз.

Юқоридаги фикрларнинг ўзи маданият ва маърифат Шарқдан Европага тарқалган дейишга асос бўла олади. Чунки, саводхонлик мактабларининг, қадимий ёзувларнинг вужудга келиши энг қадимга манбаларда «Авесто», Суғд, Бактрия, Урхун – Енисей, Хоразм ва бошқа ёзувлар Турон заминидан келганлиги, шу муқаддас заминда яшаётган халқларнинг энг қадимги аждодлари саводхон кишилар эканлигидан далолат беради.

И.А.Каримов маданий қадриятларнинг қудрати ва тарбиявий аҳамиятига юксак баҳо бериб:

«Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. . .

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - буларнинг барчаси янгидан-янги авлодни тарбияладиган қадриятларга айланиб

колмоғи лозим», - дейди¹. Дарҳақиқат, миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш лозим. Чунки бирор миллат ўз қадриятини бошқа миллат қадриятларидан ажратиб олиб ярата олмайди. Ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос томонлар бўлса ҳам, у умуминсоний қадриятларнинг бир қисмидир. Шу билан бирга унутмаслигимиз керакки, биз қураётган янги жамият «биноси» учун биринчи галда миллий қадриятлар устун бўлмоғи лозим. Биз, энг аввало, миллий ўзлигимизни англамоғимиз, ўз тафаккуримизни кашф этмоғимиз лозим. Ўтмишимизда унутилган шундай улкан сарчашмалар борки, уларни пухта, атрофлича ўрганмоқ биринчи галдаги вазифадир.

VII-XII асрлар давомида Марказий Осиёда маданият, илм-фан бекиёс ривожлана борди. Айниқса, аниқ фанларга қизиқиш кескин орта бошлади. Ўша тарихий даврда ал – Хоразмий, Форобий, ал – Фарғоний, ал – Беруний, ибн Сино, аз – Замахшарий сингари қомусий олимлар дунёга келди. Улар билан ёнма-ён дунёвий илмлар туғилди. Ўша улуғ мутафаккирлар инсон маънавий ва тафаккур дунёсини бойитишда, инсоният онгини, маданий – маърифий қарашларни ўстиришда ўз даврида ва кейинчалик ҳам асосий роль ўйнадилар, инсон камолотига доир бекиёс таълимотни яратдилар. XV – XVI асрларга келиб қадимий Туркистон жаҳонга Қозизода Румий, Улуғбек, Али Қушчи, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, А.Навоий, Бобур, Абулғозий Баҳодирхон сингари алломаларни вояга етказди. Бу даврда Марказий Осиё шаҳарларида қатор маданий ва илмий марказлар вужудга келди. Демак, Марказий Осиё халқлари, хусусан ўзбек халқи ва унинг маданий – маърифий тараққиёти асрлар давомида мисли кўрилмаган даражада ривожланган. Қолаверса, унинг ахлоқ-одобга оид қарашлари педагогика фанлари бўйича таълимоти бутун жаҳонга ўрناк бўларли маъно ва мазмун касб этган.

Октябр тўнтаришидан кейин, яъни 1917 йилдан бошлаб Туркистон минтақасида «яшин тезлигида» Шўро ҳокимияти ўрнатилди бошлади. Бу тузум коммунистик фирқа мафқурасини тарғиб ва ташвиқ қилди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда янги мактаблар очиш ва уларни мустаҳкамлаш вазифалари кўндаланг қилиб қўйилди. Унда ёшлар онгига янги жамият ғояларини сингдириш, шу ишларни амалга оширадиган педагог ходимлар тайёрлашга эътибор берилди. Шу ишларни амалга оширишда Россия Халқ таълими йўналиши ва тизими раҳбарлик қилган. Тарихдан маълумки, қайси давлт ёки мамлакат ҳукумрон бўлса, у тобе мамлакат ва халқга ўз мафқурасини, маънавиятини, ахлоқ-одоб ақидаларини сингдиришга ҳаракат қилган.

1924 йил октябрда Туркистон парчаланиши оқибатида миллий маданият йўли аста-секин тўсила бошланди. Асрлар оша амалда қўлланиб келинган, қомусий илмлар битилган ёзув ман этилди. Аввал лотин графикаси, кейин рус графикаси асосига қурилган ёзувга ўтилди. Бу тадбир Марказий Осиё халқларини ўз маданият тарихини ўрганиш имкониятидан маҳрум этди.

¹ Сноскани киритиб қуйинг.

Мактабларда дунё фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қушган ўзбек фани ва маданиятининг асосчилари, мусулмон оламининг улуғ зотлари эмас, балки ўзбек халқи камолотига алоқаси бўлмаган шахслар фаолияти ўргатилди. Аҳмад Яссавий, Бедил сингари сўз усталари ва тафаккур гулшани боғбонлари халқ таълими тизимидан чиқарилди.

Мусулмон дунёсининг муқаддас китоби Қуръони Карим, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тақъиб остига олинди, йўқотилди. Натижада ўзбек халқи миллий ахлоқ-одоби ва тарбия анъаналаридан маҳрум бўла бошлади. Бу йўқотиш ўзбек фани, маданияти ва педагогика фанлари ривожланишига салбий таъсирини кўрсатди.

1991 йилга келиб Ўзбекистон халқи мустақилликка эришгач, ўзининг янги миллий Қомуси асосида ҳамма соҳада бўлганидек, ўзбек миллий фани ва маданияти, «Педагогика тарихи»га ҳам янгича ёндошиш имконияти туғилди.

Ўтмишда прогрессив педагоглар ва атоқли мутафаккирлар педагогикага доир муҳим фикрларни айтиб қолдирганлар, буларни ўрганиш педагогика тафаккурининг ўсишига, педагогик маданиятининг ортишига имкон беради.

Педагогика тарихи жамият тараққиёти қонунларига суянган ҳолда турли педагогик назарияларни, таълим-тарбиянинг мазмуни ва методларини ўргатади. Ўтмишнинг педагогик системаларида бўлган илғор ва прогрессив фикрларнинг ҳаммасидан ижодий фойдаланади.

Демак, педагогика тарихи ижтимоий фандир. У тарихий педагогика ходисаларига давр талаби асосида ёндошади, тарбия назарияси ва амалиётини турли босқичларда хилма-хил бўлганлигини очиб беради, илғор қарашларнинг тараққиёт йўлини кўрсатиб беради.

Педагогика тарихи фани қуйидаги фанлар, яъни, педагогика, психология, маданият тарихи, Ўзбекистон тарихи, жаҳон халқлари тарихи, фалсафа, этнография, археология, ахлоқшунослик ва бошқа бир қатор фанлар билан узвий алоқададир.

Биз педагогика тарихи фанини ўрганиш ва таҳлил қилишда: қадимги ёзувлар, битиклар, кўлёзма ёдгорликлари, шарқ мутафаккирларининг илмий – маънавий меъроси, халқ оғзаки ижоди, муқаддас китоблар, пандномалар, дастурлар, ўқув қуланмалари ва дарсликлар, халқ маорифи масалаларига оид материаллар, матбуот материаллари, президент Ислам Каримовнинг таълим-тарбияга, оир асарларига асосланамиз.

Педагогика тарихи фанининг метадологияси эса миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқ педагогикаси, Марказий Осиё ва Шарқ мутафаккирларининг илмий ва маънавий мероси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таълим – тарбияга оид асарлари ва миллий истиқлол ғояси ҳақидаги назариялари ҳисобланади.

Педагогика тарихини ўрганиш ўқитувчиларининг фақат педагогик маданиятини оширибгина қолмай, балки, шу билан бирга, унга педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради. Шунингдек, ўтмишнинг таълим – тарбия соҳасидаги энг яхши тажрибаларини ўрганади, бу эса унинг кундалик

педагоглик фаолиятида ёрдам беради, уни бевосита амалий фаолиятга тайёрлайди.

Бу борада яратилган тарихий, фалсафий, адабиётшуносликка оид асарлардан ҳам ижодий фойдаланишга ҳаракат қилдик. Хуллас, ушбу кўлланманинг яратилишида файласуф, шарқшунос, тарихчи, филолог олимлардан Б.Аҳмедов, А.Аҳмедов, А.Абдуллаев, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Баҳоутдинов, И.С.Брагинский, Б.Ғ.Ғафуров, В.Зоҳидов, И.Мўминов, О.Файзуллаев, Ш.Шомухаммедов, А.Қаюмов, Й.Жумабоев, А.Ирисов, М.Орифий, М.Ҳайруллаев, С.Ражабов ва бошқаларнинг ишлари кўлланма ва йўлланма вазифасини ўтади.

Назорат учун саволлар:

«Педагогика тарихи» фанини предмети, мақсади ва вазифаси нималардан иборат.

«Педагогика тарихи» фани қандай фан? У қайси фанлар билан узвий алоқадор?

«Педагогика тарихи» фанини ўрганиш бўлажак ўқитувчига қандай имконият яратиб беради.

I БОБ. ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРДАН VII АСРГАЧА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

1. Қадимги халқ оғзаки ижодиётида инсон тарбиясига оид фикрлар

Ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Дастлабки тош куролларида тирикчилик учун фойдаланиш, анча такомиллашган меҳнат куролларида яшаш, уруғчилик даврига келиб, хўжалик ҳаёти ва маданий тараққиётда эришилган ютуқларни ўз ичига олган давргача бўлган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадимий маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Бактрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия ҳамда Паркана каби давлатларида турли қабила ва элатлар яшаган. Улар саклар, массагетлар, сўғдиёнлар, хоразмийлар, бохтарлар, чочликлар, парканаликлар каби қабила ва уруғлардан иборат бўлиб, ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида яшовчи халқларнинг аجدодлари ҳисобланадилар.

Ушбу элатлар яшаган ҳудудларда ўзига хос маданий анъаналар таркиб топа борган. Масалан, эрамиздан олдинги асрнинг биринчи ярмида қадимий давлатлар: Бактрия ва Сўғдиёна, Марғиёна, Хоразм, Паркана, Парфия каби ўлкаларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ривожланиш ва тараққиёт рўй берган. Эрамиздан олдинги IX-VI асрларда пайдо бўлган Аҳмонийлар,

эрамиздан аввалги III аср ўрталарида ташкил топган Грек-Бақтрия, эрамизнинг I асрида ташкил топган Кушонлар, эрамизнинг V асрда юзага келган Эфталитлар, сўнгра Сосонийлар ва ниҳоят Турк ҳоконлиги давлатларида ижтимоий маданият юксала борди.

Аждоларимиз томонидан кўлга киритилган қадимий маданияти таркибидан таълим-тарбияга оид мероси ҳам алоҳида ўрин олган. Зеро, ҳозирги туркий ва форсийзабон халқларнинг бизгача етиб келган муҳим археологик топилмалари, тарихчилар, адабиёт ва санъат намояндаларининг ижодий мероси, санъат ва адабий асарларнинг намуналари бунинг далилидир.

Бундай муҳим манбалар сирасига юнон олимлари Геродот, Сукрот, Плутарх, Полиэнларнинг тарихий, географик ҳамда ахлоқий асарлари, алломаларимиз Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, файласуф, шарқшунос ва тарихчи олимлар: Е.Э.Бертельс, С.П.Толстов, В.В.Брагинский, И.М.Мўминов, Б.Ғафуров, И.В.Стеблева, А.О.Маковельский, Й. Жумабоев, М.Исҳоқов, адабиётшунослар А.Қаюмов, Н. Маллаев, Н.Раҳмонов, педагог-олимлар Ў.Алеуов, М.Орифий ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар киреди.

Энг қадимги тарбия ҳақидаги ёдгорликлар бизгача бевосита етиб келмаган. Туркий ва форсийзабон халқларнинг ҳаёт кечирish санъати, донолик мажмуаси сифатида юзага келиб, борлиққа амалий муносабатда бўлишнинг намунаси тарзида эътироф этилган маънавий маданият ёдгорликлари қадимги грек тарихчиси Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География” ҳамда Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” каби асарлари, шунингдек, Урхун-Енисей битиклари каби адабий-тарихий манбаларда сақланган ва улар орқали бизгача етиб келган. Ушбу ёдгорликлар моҳиятини ўрганиш инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта роль ўйнаганлигидан далолат беради. Хусусан, тарбия инсоннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан таркиб топа боришига таъсир этган бўлса, инсоннинг шакллана бориши ҳам ўз навбатида кишилиқ жамиятининг қарор топа боришига ёрдам берган. Хуллас, тафаккур юрита олиш қобилиятига эга бўлган инсон камолотининг таъминланиш жараёни ҳамда жамиятнинг ижтимоий тараққиёти ўзаро узвий алоқада шаклланган. Мазкур тарихий жараён моҳиятини билиш бизга инсон тафаккурининг жуда узоқ давр ва мураккаб шароитларда шакллана борганлигидан далолат беради.

Маълумки, кишилиқ жамиятининг вужудга келиши жараёнида инсон ҳам биологик жиҳатдан, ҳам ижтимоий жиҳатдан такомиллашиб борган. Дастлабки диний эътиқодлар, энг оддий ихтироларнинг такомиллашиб бориши каби ҳолатлар инсон онгининг ҳам шаклланиб боришига туртки бўлди. Бу жараён минглаб йилларни ўз ичига олган бўлиб, ана шу даврда инсон онги шаклланишининг асоси сифатида қабул қилинган хулқ-одоб қоидалари, ижтимоий талаблар юзага келган. Ушбу талаблар муайян даврда яратилган ёдгорликларининг асосий мазмуни ва моҳиятини ташкил этади.

Энг қадимги кишиларга хос бўлган хислатлар, уларнинг дастлабки, оддий истаклари, орзу-умидлари қадимги эпосларда акс этган афсонавий

образлар ҳамда қаҳрамонлар қиёфасида ўз ифодасини топган. Рухга сиғиниш (онимизм), аجدодлар руҳига сиғиниш (тотемизм), сеҳргарлик каби диний эътиқодлар ва маросимлар ёритилган афсона ва ривоятларда энг қадимий аждодларимизнинг тафаккур дунёси акс этган. **Аммо бу ривоят ва афсоналар ҳам массагет, сак, хоразмий, сўғд ҳамда парфиянлар яшаган даврлар руҳини ифода этади, холос.**

Энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишда қуйидаги уч гуруҳга ажратилган манбаларга таянамиз:

1. Археологик қазилмалар натижасида топилган кўрғазмали ашёлар.
2. Халқ оғзаки ижоди материаллари ҳамда ёзма манбалар.
3. Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси.

Маълумки, ибтидоий кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз эҳтиёжларини қондирган ва бу жараён ёш авлодда ҳам меҳнат қилиш, амалий фаолиятни йўлга қўя олиш борасидаги назарий билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга замин ҳозирлаган. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш жараёни дастлабки пайтларда бутун ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш негизида амалга оширилган бўлса, кейинчалик тарбия инсон фаолияти асосий жиҳати, ижтимоий онгни шакллантиришнинг муҳим омилига айланди. **Дастлабки уруғчилик жамиятидан олдин ҳам инсон яшаш учун курашган, мазкур даврда уруғнинг аарча аъзолари жамоа бўлиб ҳаракат қилганлар. Кейинроқ кишилар меҳнат фаолиятини жамоа аъзоларининг ёш жиҳатларига кўра қуйидаги уч гуруҳ асосида ташкил этганлар.**

- а) болалар ва ўсмирлар;
- в) ижтимоий ҳаёт ва меҳнатда тўла иштирок этувчилар;
- с) кексалар.

Ибтидоий жамиятда бола ўзи уддалай оладиган фаолиятнинг ташкил этилишида бевосита иштирок этиб, ҳаёт кечириш ва меҳнат қилиш кўникмаларини ўзлаштирган. Бу ҳолат оғир шароитда кечган. ўғил болалар эркаклар билан ов қилиш, қурол ясаш каби юмушларни бажарсалар, қизлар аёллар томонидан бажариладиган меҳнат сирларини ўзлаштирар эдилар. Ҳеч қаерда ёзилмаган одат ва анъаналарга кўра, ёш болалар кексалар назорати остида маълум тажрибаларга эга бўлардилар. Бола маълум тайёргарликлардан сўнг махсус синовлардан ўтиб, амалий фаолиятда фаол иштирок эта олиш ҳуқуқини қўлга киритар эди. Ушбу анъана, яъни, болаларни маълум ёшгача энага ёки мураббийга топшириш яқин даврларгача сақланиб қолган, ҳатто ҳозирги кунда ҳам кўзга ташланади.

Уруғчилик жамоаси босқичида эса болалар меҳнатининг кўлами кенгайиб, касб-ҳунар фаолиятининг турлари кўпайиб боради. Тажрибали кишилар болаларни тарбиялаш билан бирга уларни ёзишга ҳам ўргата бошлайдилар. Аста-секин ҳарбий тарбиянинг бошланғич кўринишлари юзага кела бошлайди. Болаларга ҳарбий санъат сирларини ўргатиш анча мураккаб иш бўлиб, ушбу тарбияни ташкил этиш махсус билим ҳамда тайёргарликка эга бўлишни тақозо этар эди. Шу боис махсус ҳарбий билим ва тайёргарликка эга бўлган кишилар болаларга бу борадаги билимларни бериш жараёнига жалб этила бошладилар.

Жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан тараққий эта бориши болаларга далаларни ўлчаш, сув тошқинларининг олдини олиш, кишиларни турли касалликлардан даволаш усулларига оид билимларни беришга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Мазкур эҳтиёжни қондириш йўлидаги ҳаракатнинг ташкил этилиши натижасида турли мактаблар фаолият юрита бошлади. Мактабларда асосий эътибор болаларга оғзаки билимлар бериш билан бирга уларда ёзув кўникмаларининг шакллантирилишига қаратилди. Дастлаб сураткашлик ривожланиб, пиктографик хат пайдо бўлган бўлса, кейинчалик кўшни мамлакатлардан кириб келган ҳарфлар ёрдамида ёзиш усули пайдо бўлади ва бу усул тез тарқала бошлайди.

Эрамиздан олдинги минг йиллик ўрталарида оромий, Александр Македонский истилосидан сўнг эса юнон, шунингдек, форсий миҳхат ёзувлари ҳам маълум вақтларда қўлланилиб келган. Эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарига келиб, оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Сўғд, Кушон, Рун (Урхун-Енисей), уйғур ва бошқа ёзувлар пайдо бўлади ва таълим-тарбиянинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу даврга келиб, ибтидоий жамоа бўлиб яшаш анъанаси аста-секин ривожлана борди, жаҳон маданиятида инмоният тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган кашфиётлар яратилди. Хитойда қоғознинг ихтиро этилиши, Ҳиндистонда ҳисоблаш, ўнлик сонлар тизимининг пайдо бўлиши, Месопотамияда ер куррасининг градусларга, суткани соатларга, минут ва секундларга бўлишнинг ўйлаб топилиши, Марказий Осиёда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни ўзаро боғловчи карвон йўлининг вужудга келиши, кейинчалик Хитойдан Марказий Осиё орқали Ўрта денгизга “Буюк ипак йўли”нинг очилиши каби воқеалар мазкур ҳудудларда яшовчи халқлар маданиятининг ривожланиши ва ёзувнинг тарқалишига сабаб бўлади.

Демак, эрамизнинг бошларида ҳозирги Марказий Осиё худудида биз юқорида санаб ўтган оромий, юнон ва форсий миҳхат алифбоси асосида шаклланган Хоразм, Сўғд, Бактрия ёзувлари қўлланилган.

Эрамиздан олдин тахминан 484(480)—431(425) йилларда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” китобида қадимги форслар, саклар, массагетларнинг таълим-тарбия тарзига оид муҳим маълумотлар берилган. “Форсларнинг энг шарафлайдиган нарсаси жасурликдир”, - дейди олим. Шунга кўра улар кўпроқ ўғил болалардан фахрланганлар. Подшоҳ ҳам кимнинг ўғли кўп бўлса, унга ҳар йили совға-саломлар юборган. Бундан ташқари болаларнинг ёшига ҳам эътибор беришган. Ўғил болаларни беш ёшдан йигирма ёшигача фақат уч нарсага: отда юриш, камондан отиш, тўғри сўзликка ўргатилган. Болани беш ёшгача отасига кўрсатмаганлар, у аёллар тарбиясида бўлган. Мабодо ўғил бола вафот этса, отасининг қайғурмаслиги учун шундай қилганлар.

Ўғиллар ҳеч қачон ота-онасига нисбатан ҳурматсизлик қилмаганлар. Улар бундай ҳолатни фақат никоҳсиз туғилган ёки ташландик болалардангина кутиш мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Бундан ташқари, Геродот форслар учун ёлғончилик ва қарздор бўлиш шармандалик ҳисобланган, дейди. Улар дарёларни муқаддас санаганлар. Шу боис дарё сувиға тупурмаганлар, ҳатто қўл юлмаганлар².

Геродотнинг ушбу маълумотларидан кўриниб турибдики, бизнинг аجدодларимиз ўғил фарзандларини жасоратли, ўз ватанининг ҳақиқий ҳимоячиси, кучли ва ботир инсон этиб тарбиялашга катта эътибор берганлар. Йигитлар ва эркаларгина эмас, ҳатто аёлларнинг ҳам жасорат кўрсатганлари борасидаги фикрлар юнон файласуфлари томонидан ёзиб қолдирилган. Масалан, Плутарх форс аёллари ҳақида гапириб, шундай воқеани келтиради: подшоҳ Кир форсларни шоҳ Астиаг бошлиқ мидияликларга қарши курашга отлантирганда, улар жангда мағлуб бўладилар. Форс жангчилари шаҳарга қараб қоча бошлайдилар. Душман уларни қувиб, шаҳарга бостириб киришига яқин қолганда, дарвозадан уларга қарши аёллар чиқиб келадилар ва ёқавайрон ҳолда шовқин кўтарадилар: “Эй, ноинсоф бандалар, қаёққа қочмоқчисизлар? Энди сиз дунёга келган жойингизга қайтиб яширина олмайсизлар-ку!” Форслар аёлларнинг бу ҳатти-ҳаракатига дош бера олмай, қайтиб жангга ташланадилар ва душманни орқага чекинишга мажбур этадилар.

Бу воқеага хотира сифатида Кир шундай қонун таъсис этади: “Бу шаҳарга қайси шоҳ қадам қўйса, ҳар бир аёлга биттадан олтин совға қилсин”³.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мавжуд ҳолатлар ҳамда шарт-шароитнинг ўзи ёшларга отда юриш, камондан отиш борасидаги билимларни ўргатиш, шунингдек, уларда жасурлик, тўғрилиқ ва ботирлик хислатларини тарбиялаш лозимлигини тақозо этган. Шу боис қадимги аجدодларимиз болаларни ўз халқининг эрки ва юрт мустақиллигининг ҳимоячилари этиб тарбиялаганлар.

Плутархнинг яна бир ўринда қайд этишича, Александр Македонский ерли халқларга яқинлашиш мақсадида македонияликлар билан маҳаллий халқларнинг урф-одатларини ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Шу мақсадда у ўттиз минг болани ажратиб олиб, юнон тили ва македонияликларга хос бўлган ҳарбий санъат сирларини ўргатишга буйруқ берган. Ана шу мақсадни амалга оширишга жуда кўп мураббийлар тайинланган. Юнон алифбосининг кейинчалик бу юртда қабул қилиниши ўша даврда кўплаб мактаблар очилгани ҳамда унда ерли аҳоли фарзандлари ҳам ўқитилганидан далолат беради.

Сўғд ёзма ёдгорликлари орасида В.Б.Хен томонидан аниқланган ва “Эски хатлар” номи билан юритиладиган қимматли манбалар эрамизнинг бошларида шаклланган сўғд ёзуви ҳақида маълумот беради. Ушбу манбаларни Дунхуан шаҳри (Шарқий Туркистон) яқинидаги савдо

² Геродот. История в девяти книгах (Перевод и примечания Г. А. Стартановского. Под общей ред. С.А. Утченко). – Ленинград, Наука, 1972, с. 55-56.

³ Плутарх. Сочинения. Перев. с древнегреческого. Сост. С.Аверинцева. Вступ. статья А.Лосева. Комментар. А.Столярова. - Москва, Худ. литература, 1982, с. 404.

кишлоғида яшаган сўғдлик тижоратчи (савдогар)ларнинг ўз она юртлари Самарқандга ёзган ва шахсий характерга эга бўлган хатлар⁴ ташкил қилади.

Император Ян Ли (615-617)нинг элчиси Вей Цзи ҳисоботларида ҳам Самарқанд шаҳрида йўлга қўйилган таълим-тарбия ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Самарқанднинг мохир савдогарлари ўғил бола беш ёшга тўлар экан, унга савдони ўргата бошлайдилар. Ўқишни ўрганиши билан савдо ишлари ҳам ўргатилган.

Сюань-Цзин номли бошқа бир Хитой тарихчиси эса Самарқанд аҳолисининг ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларига риоя этиши бошқаларга ўрнак бўлганлигини айтиб ўтган. Буларнинг барчаси қадимги даврларда болаларнинг беш ёшидан ўқитилгани, таълим жараёнида уларни амалий ҳаётга тайёрлаш асосий мақсад қилиб белгиллиги тўғрисидаги маълумотларни беради.

Бу маълумотлар қадимда болалар ўқитиладиган савод мактаблари бўлганлиги ва мактаблардан ташқари болалар махсус мураббийлар томонидан ҳарбий-жисмоний машқларни бажара олиш ва муайян хунар сирларини ўзлаштириш ишига жалб этилганлигидан дарак беради.

Энг қадимги даврларда йўлга қўйилган таълим-тарбияга оид қимматли маълумотларни биз яна халқ оғзаки ижоди намуналари: афсоналар, қаҳрамонлик эпослари, қўшиқлар, мақол ва ибораларда илгари сурилган ғоялардан ҳам олишимиз мумкин. Чунки халқ донишмандлигининг ёрқин намунаси бўлган халқ оғзаки ижодида халқ педагогикасига хос бўлган тарбия тажрибалари умумлашган.

Ибтидоий кишиларнинг табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлари, улар томонидан амал қилинган урф-одатлар, ижтимоий муносабатлари мазмуни халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири бўлган афсоналарда ифодаланган. Афсоналарнинг қаҳрамонлари яхшиликнинг тантана қилиши учун ёмонлик ҳамда нурнинг муқаррар мавжуд бўлиши учун зулмат билан кураш олиб борадилар, яхшилик ва бахт-саодатга чулганган ўлкаларини яратадилар. Аксарият афсоналарнинг қаҳрамонларини инсон сифатида гавдаланган худолар ташкил этган. Ибтидоий тузум кишиларининг орзу-истаклари, ўй-фикрлари, мақсад ва интилишларини ёритишга хизмат қилган афсоналарнинг кўпчилиги бизга энг қадимги ёдгорликлар - “Авесто”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарлари орқали маълумдир.

Қадимги мифларда кишиларнинг табиий офатлар ва ёвуз кучлардан сақланиш борасидаги дастлабки тасаввурлари тирик мавжудот бошига фалокат келтирувчи табиий кучларга қарши мардонавор курашган инсон ва унинг хатти-ҳаракатлари орқали ифода этилган.

Мифлар асосида яратилган афсоналарнинг қаҳрамонлари томонидан олиб борилган ҳаракатлар қаҳрамонлик эпосларининг яратилиши учун замин ҳозирлаган. Қаҳрамонлик эпосларида ватанга бўлган муҳаббат, эрк ва озодлик учун кураш, юртининг ҳар бир қарич ерини асраш, қадрдон қабиласининг фаровонлиги, тўкин-сочинлигини таъминлаш йўлида жонини

⁴ Исҳоқов М. Сыдиёна тарих чоррақасида –Тошкент, Фан, 1990. 6-7-бетлар

фидо этиш, қабиланинг шаъни, шарафи, ори ва номуси учун курашиш туйғулари тараннум этилган. Зарина, Спаретра, Тўмарис ҳамда Широқ (Сироқ)лар томонидан кўрсатилган юксак ватанпарварлик намуналари, Зарина ва Стриангей, Зариандр ва Одатида муҳаббатлари, мардлик ва қаҳрамонлик тимсоллари бўлган Рустам ва Сиёвуш (Хоразм-қанг эпоси)ларнинг жасоратлари тўғрисида ҳикоя қилувчи эпопеялар шулар жумласидандир. Бизгача етиб келган эпик асар (афсона ва ривоят)ларда асосан аждодларимизнинг юрт озодлиги, ватан равнақи ва қabila фаровонлиги йўлида олиб борган курашлари ўз ифодасини топган. қаҳрамонлар ватанни ва халқни севади. Ор-номусни муқаддас деб билиш, дўст ва сафдошларга садоқат, бурчни юксак даражада англаш, унга содиқлик, ватан ва халқни учун ўз жонини қурбон этиш, ҳар қандай машаққатга бардош бериш, ўз севги-муҳаббати йўлида азият кечишга тайёрлик каби инсоний туйғулар уларнинг асосий хусусиятларидир. Қаҳрамонлик эпосларида улуғланган энг асосий ахлоқий хислатлари - жасурлик ва мардликдир.

Жасурлик, кучлилик ва мардлик – қадимий кишиларда таркиб топиши зарур бўлган энг муҳим фазилатлар саналган. Тарихий шахсларнинг ҳаёти ва қаҳрамонликлари борасида маълумотлар берувчи ривоятлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Уларда муайян шахс фаолияти, донишмандлиги, қаҳрамонликлари, тарихий шахс эга бўлган ахлоқий фазилатлар: назокат, камтарлик, ақл-идрок, ўзгаларга муҳаббат, ёрга вафо, садоқат, бахт, одиллик, одамийлик, олий ҳимматлилик ва меҳнатсеварлик қабилар улуғланган.

Эпослар мазмунида баён этилишича, хотин-қизлар турли шароитларда эркаклар билан тенг шароитда фаолият кўрсатганлар. Улар хўжалик ишлари билан чегараланиб қолмай, урушларда ҳам жасорат кўрсатганлар.

Тарихдан маълумки, дастлаб Амударёнинг асосий тармоғи Ўзбой Каспий денгизига қуйилган. Унинг ўнг қирғоғи Турон, чап қирғоғи Эрон деб юритилган. Эрамиздан олдин Аҳмонийлар сак ва массагет қабилаларига кетма-кет ҳужум қилиб турган. Ана шу тарихий воқеалар сак ва массагетлар томонидан яратилган эпосларда ўз ифодасини топган.

Эрон шоҳи Кир кўчманчи сак ва массагет қабилаларига қарши урушиб мағлубиятга учрайди ва 529 йилда ҳалок бўлади. Тарихчилар Кир ва унинг қўшинларини аввал ўз ҳудудларининг анча ичкарасига бостириб киришларига имкон бериб, кейин қўшиннинг катта қисмини қирқиб ташлаган қаҳрамонлар ҳақида маълумотлар беради.

Полиэннинг “Ҳарбий хийлалар” асарида келтирилган ривоятларда Широқ (Сироқ) образи ватанпарварлик ва қаҳрамонлик тимсоли сифатида ҳали хануз ёшларни тарбиялаб келади.¹ Ёки Геродотнинг “Тарих” китобида келтирилган массагетлар ҳукмдори Тўмарисга уйланиш баҳонасида Эрон шоҳи Кирнинг Турон ўлкасига уюштирган ҳужуми ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.²

¹ Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. — III в. н.э.). Москва, 1940. с. 34-35.

² Геродот. История в девяти книгах. Перевод и примечания Г.А.Стартановского. Под общей ред. С.А. Утченко. - Ленинград, Наука, 1972. с.78-79.

Демак, халқимизнинг таълим-тарбияга оид қарашлари, хулқ-атвориға оид хислатлари энг қадимги эпик ёдгорликлар - “Авесто”, “Шохнома” каби асарлар, миф ва афсоналар орқали бизгача етиб келган.

Қадимги аждодларимиз инсонга хос жасурлик, адолат, садоқат ва инсонийлик каби хислатларни қадрлаганлар. Бу хислатлар инсонда ўз-ўзидан шаклланмаган. Табиат ва жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, ибтидоий уруғчилик даврида қарор топган турмуш тарзи инсонда ана шундай хислатларнинг шаклланишини тақозо этган.

Икки катта куч - яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги аёвсиз кураш инсонда юқорида қайд этилган хислатларнинг бевосита таркиб топишига туртки бўлган.

Энг қадимги кўшиқ ва лирик шеърларда жасурлик, адолат, садоқат ва инсонийлик каби хислатлар тараннум этилган. Бундай кўшиқ ва лирик шеърлар XI асрда яшаган улуғ олим Маҳмуд Қошғарий томонидан яратилган “Девону-луғатит-турк” асари орқали бизгача етиб келган.

Туркий халқларнинг тарихини ёритувчи қадимги манбаларда панд-насихат ва ўғитлар этилган асарлар ҳам кўплаб учрайди. Ана шундай асарлар жумласига Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асари ҳам киради. Аллома мазкур асарни 1076-1077 йилларда ёзган. Географ олим Ҳ. Ҳасанов шундай мисол келтиради: 1914 йил Туркиянинг Диёрбакир шаҳрида бир бева хотин пулга муҳтож бўлиб, китоб дўконига эски қўлёзмани келтиради ва 30 лирага сотишини айтади. Аммо бу нархга китобни ҳеч ким олмайди. Бир кун дўконга кекса китоб мухлисларидан Али Амирий кириб қолади ва бир дўстидан қарз олиб, китобни сотиб олади (Али Амирий 1857-1924 йилларда яшаган, ўз шахсий кутубхонасида 15 мингга яқин китоб йиғиб, ҳаммасини Шайх Файзуллоҳ мадрасасига ҳадя этган. Кейинчалик бу китоблар Фотиҳ кутубхонаси - миллий кутубхонага ўтказилган).

Бу китоб Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асари эди. Мазкур қўлёзма асл нусхасидан ҳаттот Муҳаммад бин Абу Бакр ибн Абдул Фотиҳ ас-Совий ал-Дамашқий томонидан девон ёзилгандан 200 йил ўтгач (1266 йилда) кўчирилган эди. Қўлёзма 219 варақли жилддан иборат бўлиб, саҳифалар рақамланмаган, фикрларнинг боши ва охири номаълум эди. Ҳозир бу қўлёзма Истамбулда Фотиҳ кутубхонасининг Али Амирий фондида сақланади.¹

“Девону луғатит-турк” асарида қадимги туркий сўзларнинг арабча изоҳли таржимаси ҳам берилган. Ушбу асарни қадимий туркий тилнинг изоҳли луғати ҳам дейиш мумкин.

“Девону луғатит-турк” 1928 йилда немис олими Брокелман томонидан немис тилига таржима қилинган. 1939 йилда эса Босим Аталай уни усмонли турк тилига таржима қилган ва мазкур таржима Анқарада чоп этилган. Ўзбекистонда асар Солиҳ Мутталибов томонидан таржима қилиниб, 1960-1963 йилларда уч жилддан иборат “Туркий сўзлар луғати” номи билан нашр қилинган. 1967 йилда индекс луғат кўрсаткичи ҳам чоп этилган.

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий (шаъти ва географик мероси). – Тошкент, Фан, 1968. 3-бет.

“Девону луғатит-турк” асарининг шеърий парчалари ҳам немис тилига таржима қилиниб, 1914 йилда нашр этилган.

Турк олими Фуад Куприлзода, рус туркологлари В. Радлов ҳамда С.Ф. Маловлар ҳам “Девону-луғатит-турк” асари юзасидан тадқиқотлар олиб борганлар. Абдурауф Фитрат ҳам шеърий парчаларни таржима қилиб, уларнинг луғатини тузган ва 1930 йилда Самарқандда нашр эттирган. Н.М. Маллаев “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигига “Девону луғатит турк”даги кўшиқ ва мақолларни киритиб, уларни таҳлил этади. А. Қаюмов эса ноёб қадимги ёдгорликларимиз - кўшиқлар (шеърий парчалар)ни биринчи марта насрдан назмга ўгириб, “Қадимият обидалари” номли асарига киритган.

Азиз Қаюмовнинг “Қадимият обидалари” номли асаридаги панд-насихатга оид ўғитлар билан суғорилган шеърий парчалар таржимаси мазмуни орқали уларда илгари сурилган маърифий ғоялар асосида ўша даврда олиб борилган тарбия мазмуни ҳақида маълумотларга эга бўламиз.²

Асарнинг моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи манбаларнинг аксариятида Маҳмуд Қошғарийнинг кўшиқларни халқ орасидан йиққанлиги таъкидланади. Азиз Қаюмов эса бу шеър парчаларининг асл нусхасида ўша даврда мавжуд бўлган бадий ижодга нисбатан юксак талабчанлик аниқ сезилиб туриши, шеърларни яратган шоирларнинг жуда маълумотли экани, чуқур билим ва нафис бадий дидга эга экани хусусидаги фикрларни қайд этади ва панд-насихатга оид кўшиқларни алоҳида гуруҳга ажратиб, уларни таржима қилиб, мазмунини таҳлил этади.

Шеърларда илм олишнинг қадри, билимли ва донишманд кишиларни ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, хушхулқлик, мардлик, жасурликни тарғиб этувчи, ўз манфаатини кўзлаган молпараст, бахил, очкўз, дўсти ва халқига хиёнат каби хислатларни қоралайдиган шеърлар кўп учрайди. Бундай шеърлар туркий халқлар қадим-қадимдан бошлаб инсон шахсини шакллантиришда таълим-тарбияга катта эътибор берганлигидан дарак беради.

Панд-насихат жанридаги асарларнинг мазмунида асосий ўринни илм олишга ундаш, унинг фойдалари, илм аҳлини ҳурмат этиш тўғрисидаги фикрлар эгаллайди. Ёшларга илмли кишиларга яқинлашиш, улардан ўғитлар олиш маслаҳат берилади:

Ўғлим , сенга қолдирдим ўғит,

Унга амал қил.

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил,

Тутиб дил* (3-т. 445-бет).

Демак, ўғилга насихат қилган ота билимли кишилардан яхшилик келишига ишонади, аммо уларнинг фикрини эшитибгина қолмай, амалда унга риоя этиш лозимлигини ҳам уқтиради.

Ўғитларда илм-маърифат ҳамда муайян ҳунар борасидаги кўникмаларнинг эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилишига эришиш керак дейилади.

² +аюмов А. +адимият обидалари. –Тошкент, Бадий адабиёт, 1972.

Панд-насихатлар шеърлар мазмунида образли, бадий тарзда ифодаланади, шу боис улар инсонга кучли таъсир кўрсатади. Чунончи:

Ўғлим, ўғит ол,

Билимсизликни итар,

Талқон бўлса агар,

У шиннига ботар (1-т. 412-413-бетлар).

Бу ўринда халқ орасида талқонни шиннига қориб ейиш одати мавжудлигига ишора қилинган. Шиннининг мазали экани ҳаммага маълум. Шеърда илм ва яхши фазилат ҳам шиннига қиёсланади. Инсон илм-маърифатли бўлса, талқон шиннига ботиб, одамларга ҳузур бахш этганидек, билими ҳам унинг ўзи ва инсонларга фойда келтиради, дейилади.

Шеърлар муаллифининг илми бу даражада улуғлаши ўша даврда илм-маърифатнинг юксак даражада улуғланганлиги ва маърифатпарварлик дидактик адабиётнинг узвий қисмини ташкил этганини кўрсатади. Бу дидактиканинг асосий йўналиши, асосан, кишиларга ҳаётда қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш, қандай амалларни бажариш борасидаги билимларни беришга хизмат қилган. Билимли бўлиш билан бирга, ёмон ҳатти-ҳаракатларни содир этишдан сақланиш зарурлиги, манманлик, мақтанчоқликнинг зарарли оқибатлари хусусида насихатларни баён этишдан иборатдир. Хусусан:

Илм-ҳикмат ўргангин, бўлма мағрур,

Мақтанчоқнинг шармандаси чиқар, кўр (1-т. 253-бет).

Маълумки, билимли, маърифатли бўлиш кишининг кибр-ҳаводан узокроқ туришини таъминлайди. ўғитларда инсоннинг кибр-ҳаводан узок бўлиши атрофдаги кишилар билан ижобий муносабатни ўрната олиши учун замин ҳозирлайди деб уқтирилади. Илм сари интилиш қутлуғ, эзгу иш саналади. Демак, ҳар бир киши илм ўрганиш сари интилиши, ўзлаштирилган билимларга амал қилиши, кибр-ҳаводан воз кечиши зарурдир.

Ўрган унинг билимин,

Боргин унинг сари.

Қутлуғ ишга бўйсунгин,

Кибрни қув нари (2-т. 161-162-бетлар).

Ақлли одамнинг зеҳни ўткир бўлади, у ҳар қандай ўғит-насихатни тезда ўз онгига сингдириб олади. Аллома инсон зеҳнининг ўткирлигини, ҳар қандай муаммони ҳал эта олиш лаёқатини худди юқорида парвоз этаётган қушнинг ердаги ўлжани кўриб, унга эга бўлиш илинжида пастга шўнғишида содир этадиган тезлигига қиёслади. Оқил одам зеҳнининг тезлиги қуш парвозига қиёсланади:

Қуш ов кўрса, юксаклардан пастга чўқар,

Олим киши ўғит берса дарҳол уқар (3-т. 53-бет).

Бу мисолда ақлли, билимли одамнинг табиати, ўзига хос хислати ифодаланган.

Ақлли, билимли кишилар беҳуда гапларга аҳамият, бефойда, ўзгаларга зиён етказувчи ишларни амалга оширмайди. Ножоиз берилаётган ҳадяларга учмайди, дейди шоир. Амалга ошираётган ҳар бир ҳаракати

эвазига инъом-эхсон кутмайди, баҳоси у қадар баланд бўлмаган совғаларни ўз кадр-қимматидан юқори қўймайди. Бу ўринда аллома “музни жавоҳир деб билмаслик” кераклигини таъкидлайди.

Илм ўрганиш йўлида азият чеккан, машаққат тортган кишигина уни тўлақонли ўзлаштира олиши, касб-хунар сирларини мукамал эгаллаши мумкин, дейди.

Билимли, юксак фазилатга эга бўлган кишилар ҳаёти доимо машаққатли кечади. Умр бўйи илм ва хунар асосларини ўзлаштирган олим ва фозиллар ҳаёти ҳам бир кун келиб поёнига етади. Билимларининг кўлами ортиб, юксак орзу-истаклари амалга ошаётган бир пайтда инсоннинг умри тугайди.

Ижтимоий муносабатлар мазмуни, одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқат ҳолати ҳам билимли, донишманд кишиларнинг азият чекишларига сабаб бўлади. Зеро, ҳаётда аксарият ҳолатларда манман, зўравон, худбин одамларнинг омадлари келади, улар юқори мансабларни эгаллаб, халқ ва юрт манфаатларига зид бўлган ҳаракатларни амалга оширадилар. Билимли кишилар эса уларни бундай йўлдан қайтариш имкониятига эга бўлмаганликларидан афсусланадилар, чорасизликларидан ранжийдилар. Ҳукмдорлар-нинг нодон, калтафаҳм бўлишлари туфайли оқил инсонлар муносиб равишда ҳурмат топмайдилар, кадр-қимматлари топталади. Маҳмуд Қошғарий ушбу ҳолат сўйилган жонлиқ танасининг ерларга судралиб хор бўлганига ўхшайди, дейди шоир. Зеро, ҳамма замонларда ҳам илм-фан аҳлининг ҳаёти оғир кечган, тафаккур, илм ва маърифат ҳамиша ҳам эъзозланавермаган, аксинча, қолоқлик ва жоҳиллик томонидан таъкиб этилган:

Бузулди бу замонлар,
 Авж олди кўп ёмонлар.
 Камайиб билимдонлар,
 Илми ҳикмат йўқолар (1-т. 128-бет).

Бироқ шоир ҳаётда билимдонлар борлигидан фахрланади, илм ҳақидаги шеърларида илму дониш эгаларини улуғлайди.

“Девону-луғатит-турк” асарида инсоний фазилатларнинг яна бири - хушхулқлик алоҳида ажратиб кўрсатилади. Билим ва хунар эгаси бўлиш, эзгулик, яхшилик йўлида ҳамда умум манфаати учун меҳнат қилиш хушхулқ инсонга хос фазилат эканлигини аллома алоҳида қайд этиб ўтади:

Улуғлигинг ошса агар,
 Хушхулқ бўлғил.
 Бек ёнида халқ учун
 Хўб иш қилғил (1-т. 95-бет).

Кишилар ўртасида тотувлик, ўзаро аҳилликнинг юзага келиши юртнинг фаровон бўлиши, одамларнинг тўкин-сочин яшашининг асосий омили эканлигига алоҳида урғу берар экан, аллома мазкур фикрларни қуйидагича ифодалайди:

Қўни-қўшни қариндош
 Кўрсин сендан яхшилик.

Не-не совға қилишса,

Яхшироғин қил тортиқ (1-т. 137-бет).

Ушбу панд-насихатлар шеърларнинг амалий ҳаёт билан узвий боғланганидан далолат беради.

“Девон”да инсон шахси ва унинг кадр-қимматини улуғлашга ундовчи, шунингдек, меҳмондўстликни мадҳ этувчи шеърлар ҳам мавжуд. Ана шундай ғояларни ифода этувчи шеърларни филолог олим А.Қаюмов “бир бутун меҳмондўстлик қоидалари”нинг мажмуи деб атайди. Махмуд Қошғарий меҳмонни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олиб, унга ғамхўрлик қилиш, муруват кўрсатиш ҳамда очиқ юз билан муомалада бўлиш дозимлигини энг зарур одат сифатида таърифлайди. Меҳмонни ҳурмат қилмаслик, иззат-икромини ўз ўрнига қўймаслик унинг чехрасига кул сочиш билан баробар, дейди.

Келса киши чехрасиға кул сочмағил,

Иззат билан кутиб унга яхшилк қил (1-т. 149-бет).

Ёки:

Кулиб боққан кишига сочмағил кул,

Яхшилик-ла улар учун табассум қил (2-т. 34-бет).

Шундай қилинса, меҳмон ушбу хонадон аъзолари ҳақида яхши фикрга эга бўлади, сенга очиқ юз билан боққан кишига сен ҳам муносиб жавоб қайтар, деган хулоса чиқади.

Яна бир шеърий парчада шоир инсон фақат ўз манфаати ва роҳатини ўйламаслиги, ўзгалар манфаати йўлида ҳам ҳаракат қилиши, меҳмонга иззат ва ҳурмат кўрсатиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтади:

Кўрклик тўнинг ўзингга,

Тотлиқ ошинг ўзгага.

Кўноққа кўргиз иззат,

Ёзсин шаънинг узоққа (1-т. 80-бет).

Шоир мол-мулкка ҳирс қўйиш, ортиқ даражада мол-мулкка эга бўлганда ҳам мағрурланиб кетиш ёмон оқибатларга олиб келиши, инсонни атрофдагиларнинг назаридан қолишига сабаб бўлишига урғу бериб ўтади. Бу ўринда кекса авлод ўғитларига риоя этиш фойдадан ҳоли эмаслигини эътироф этади.

Молу-давлат кўпайганда мағрурланиш, кибр-ҳавога берилиш ёмон ҳислат саналса, маълум сабабларга кўра мол-мулкдан ажралиб қолганда ўқиниш, тушкунликка тушиш ҳам иродасизлик белгиси ҳисобланишини баён этади.

Мол-дунё тўплашга нисбатан юзага келган ҳирсни шоир худди тоғдан келаётган селга ўхшатади. Молу-давлат йиғиш ҳирсига берилган киши сел остида қолган тошдек чил-парчин бўлади, дейилади:

Мол йиғишни сел келиш деб ҳисобла,

Мол эгасин тош каби юмалатар (3-т. 69-бет).

Шу боис ақлли инсон бундай хавф рўй беришининг олдини олиши, атрофдагиларнинг назаридан қолмаслиги лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган таълим-тарбияга оид панд-насихатларга бой шеърлар турмуш тарзининг турли томонларини ёритишга хизмат қилади. Шеърларда илгари сурилган ғоялардан яна бири инсон ҳаётининг абадий эмаслиги, шу сабабли имкон қадар кишиларга яхшилик қилиш лозимлиги, ёшлик кучи ва ҳуснига ишониш сувга суяниш билан баробар эканлиги алоҳида таъкидланади.

Шеъринг парчаларда қуйидагича фикрлар ҳам учрайди:

Кишининг кўнгли бўлса

Қашшоқ, камбағал.

Тўқ бўлмайдди,

Бой бўлмайдди (3-т. 257-бет).

Ушбу бандда ифода этилган қарашлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, маънавий жиҳатдан бой бўлмаган инсон камолотга ета олмайди, маънавий жиҳатдан бой бўлмаган мамлакат эса ҳеч қачон моддий фаровонликка эриша олмайди.

“Девону-луғатит-турк” асарида халқнинг таълим-тарбияга оид тажрибалари ифодаланган мақоллар ҳам мавжуд. Мақолларда ҳам кўшиқлардаги каби дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, меҳнатга муҳаббат, илм олиш ва касб-ҳунар эгаллашга нисбатан иштиёқ ва эҳтиёж, ватанпарварлик ва қон-қардошлик туйғусига эга бўлиш, тежамкорликнинг аҳамияти ва исрофгарчиликнинг олдини олиш, адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонликнинг оқибатлари, ахлоқ-одоб қоидалари, сиҳат-саломатликни сақлашга оид ўғитлар ўз ифодасини топган.

Буни “Девон”да келтирилган бир қатор мақоллар мазмунида кўраимиз:

“Тиришқоқнинг лаби ёғлик, эринчоқнинг боши қонлик” мақолида тиришқоқ одам ўз меҳнати билан яхши таомлар топади, шунга кўра мойли (ёғли) овқатлар ейди, эринчоқ, дангаса одам эса, ялқовлиги туфайли ишдан қочади ва пировардида камбағалик ва қашшоқликка маҳкум бўлади. Натижада афсус-надомат ҳамда фарёд чекади, деган маъно ётади (1-т. 100-бет). “Одамнинг оласи ичида, йилқиники таши (сирти)да” мақолида эса айрим кишиларнинг ёмон ниятлари, ўй-фикрлари, дилида бошқаларга нисбатан юзага келган хиёнатни яшириб, кишиларга зўрма-зўраки равишда кулиб қараш, уларнинг хатти-ҳаракатларини мақташи, ўзини гўёки уларнинг ютуқларидан қувонадигандай кўрсатиши айтилади (1-т. 17-бет). “Хўкизнинг оёғи бўлгўнча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ” мақолида мустақилликнинг мутелик ва тобеликдан, ўзгалар иродасига бўйсунитдан афзаллиги, айрим ҳаракатларни амалга оширишда ташаббускор, фаол, илғор ва ташкилотчи бўлиш мақсадга мувофиқ эканлигига урғу берилади (1-т. 94-бет). “Одобнинг боши-тил” иборасида эса хушхулққа эга бўлишга нисбатан қўйиладиган талаблардан бири - ширин сўзли, хушмуомала бўлиш эканлиги таъкидланади. Ширин сўз, хушмуомала киши эл орасида тезда иззат-икром топади, юқори мартабаларга эришади. Шу боис ёшларни ёшликданок ширин сўзли, хушмуомалали бўлишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир, дея таъкидланади (1-т. 3-бет). Халқ орасида ғийбатчи кишиларга нисбатан “Илон ўзининг эгрилигини билмай, туянинг бўйнини эгри дейди” қабилидаги мақол

қўлланилган (1-т. 147-бет). Инсон ўзини аяб, яхши еб-ичса, тез қаримаслиги “Маишатли одам қаримас” (1-т. 163-бет) мақолида ифодаланган. “Алп чирикда, билга тирикда, ботир жангда, доно мажлисда синалади” мақоли эса инсоннинг қандай киши эканлигини унинг жасорати ва оқиллиги билан баҳолаш мумкинлигини ифодланган (1-т. 169-бет). “Юзига қарама - арзам (илмини) тила, юзига қарама - фазилати (ахлоқи)ни тила” мақолида эса инсонга унинг хулқ-атвори, одоби ва билими даражасига қараб баҳо берилиши баён этилади (2-т.15-бет).

Ишда шошма-шошарликка йўл қўйишнинг кутилган натижага эриша олмасликка сабаб бўлиши “Шошган киши уйига етолмайди” тарзида ифодаланган (2-т. 27-бет). “Эрдамсиздан қут чертилур”- одоби ҳамда бирор бир хунарга эга бўлмаган кишидан бахт ва давлат кетади деган маънони англатувчи мақол ҳам юксак даражада тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, инсоннинг хунар ва хулқ-одобга эга бўлиши бахтининг калити эканлигига ишора қилинади (2-т. 266-бет).

Мақолларда яна илму хунар, меҳнатсеварлик хислатини ёшлиқдан эгаллаш зарурлиги ҳам ифодаланган: “Кичикда қатуғланса улгазу севинур” (2-т. 311-бет). Инсон ёшлиқда аниқ бир мақсадга интилса, унга эришиш йўлида машаққат чекса, тинимсиз ҳаракат қилса, вояга етганида унинг роҳатини, меҳнати натижасини кўради.


Мақолларда ёмонлик қилган кишининг ўзига ёмонлик қайтиши мумкинлиги “Кўкка сузса юзга тушар” - осмонга тупурган кишининг тупуги ўзининг юзига тушади тарзида баён этилган (3-т. 146-бет).

Кўриниб турибдики, энг қадимги даврларда яратилган мақолларда ҳам халқнинг таълим-тарбия борасидаги донишмандлиги ўз ифодасини топган. Халқ педагогикасининг энг қадимги намуналари бугунги к унга қадар сақланиб қолган ва ўзнинг педагогик, тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган.

Демак, инсон хулқ-атворини мукамаллаштиришга хизмат қилувчи “Девон”даги шеърый парча ва мақоллар кишилар ўртасида эзгуликни тарғиб қилиб, инсоннинг камолга етишига катта таъсир этиб келган.

Энг қадимги ота-боболаримиз улуғлаган ахлоқий хислатларни жадвалда қуйидагича акс эттириш мумкин:

Энг қадимги даврларда улуғланган ахлоқий хислатлар





Демак, энг қадимги маърифий ёдгорликларда ифода этилган ва кадрланган хислатлар - жасурлик, мардлик, адолат, садоқат, инсонийлик, хушмуомалаликдан иборат бўлган. Табиийки, ушбу хислатлар инсонда ўз-ўзидан шаклланмаган. Табиат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, ибтидоий уруғчиликка асосланган турмуш тарзи инсоннинг ана шундай хислатларга эга бўлишини тақозо этган. Икки катта куч - яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги аёвсиз кураш инсонда юқорида қайд этилган хислатларнинг бевосита шаклланишига туртки бўлган.

2. Қадимги ёзма ёдгорликларда таълим-тарбия масалалари

Матн берилмаган.

2. “Авесто” энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида

Эрамиздан аввалги мингинчи йилларнинг ўрталарида энг қадимги аждодларимиз томонидан қахрамонлик мавзусида жуда кўплаб афсона ва ривоятлар яратилган бўлиб, улар авлоддан авлодга оғзаки ва ёзма равишда ўтиб борган. Агар ушбу афсоналар зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” асари мундарижасидан ўрин олмаганда эди, биз улар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлолмаган бўлардик.

“Авесто” асари ким томонидан яратилгани борасида турли қарашлар мавжуд бўлиб, машҳур шарқшунос олим Е.Э. Бертельснинг фикрига кўра, ушбу асар 1278 йилда Райд Зардушт ибн Баҳром ибн Пажду деган киши томонидан ёзилган. Мазкур фикр “Зардуштнома” достонида баён этилган айрим фикрлар асосида юзага келган. Хусусан, достонда Авесто ва Зендни Зардушт дунёга келтиргани, унинг туғилиши ва кейинги ҳаёти хусусидаги маълумотлар келтирилади. Яъни,

ЗАРДУШТНОМА

Зардушт ибн Баҳром ибн Пажду (Достондан парча)

Мен паҳлавий деб аталган ёзувга битилган

Шоҳона китоблардан бирини кўрдим.

У асраб келингандир барча оқиллар ва

Устозлар устози мобедлар мобедида.
 Унда олам ҳодисалари, аждодлар
 Ва шоҳлар ишлари ҳақда битилган.
 Унда оламга саодатли Зардушт келтирган
 Авеста ва Зенданинг ҳикоятлари битилган.
 Шунингдек, Зардуштнинг онадан туғилиши
 Ва сўнгра у билан юз берган воқеалар
 Бандаларчун бу китоб эскидур энди
 Ва ҳеч ким уни ўқий олмайди¹

Мазкур достон 1760 йил машҳур француз олими Анкетиль Дю Перрон томонидан аввал лотин тили, кейин эса француз тилига таржима қилинган. Асарни инглиз тилига Иствих таржима қилган. Кейинчалик асарнинг Ф.А.Розенберг томонидан қилинган французча таржимаси ҳам эълон қилингандир.

Зардушт ибн Баҳром ибн Пажду достонда келтирилган маълумотларни қандай манбаларга асосланиб баён этганлиги ҳақида маълумот йўқ эди. Лекин тадқиқотчилар достонни ёзишда муаллифнинг икки муҳим манба- “Авесто”нинг йўқолиб кетган Читрадат (ўн иккинчи) ва Спент (ўн учинчи) нусхаларидан фойдаланганлигини эътироф этадилар.

Лекин “Авесто” таржимони Дж. Дармстетер Зардушт биринчи инсон Гайомард ҳақидаги афсонавий ривоятнинг афсонавий қаҳрамони бўлиб, халқ фантазиясининг “меваси”дир, дейди. Афсонада ҳикоя қилинишича, у жаҳолат рамзи саналган “илон” билан курашиб ҳалок бўлади. Ундан уч ўғил қолиб, улар уч табақа – қоҳинлар, ҳарбийлар ҳамда деҳқонлар авлодига асос солганлар.

Мавжуд манбалар, шунингдек, сўнгги йилларда эълон қилинган маълумотларга кўра зардуштийлик Шарқ халқлари сиғинган қадимги динлардан бири саналади. Мазкур диннинг асосчиси Зардушт (Сариқ тўн эгаси деган маънони англатади) бўлиб, дин ҳам унинг номи билан аталган.

Зардушт тахминан милоддан аввалги 570 йилда туғилган бўлиб, 77 ёшида, ибодат қилаётган пайтида душман қоҳинларидан бири томонидан ўлдирилган.

Зардушт ўз даврида икки худолик ғоясини кўтариб чиқади. Аста-секин у пайғамбар даражасига кўтарилади ва ўзини Ахура-Мазда, яъни, Олий Тангри элчиси дея эълон қилади. Зардушт дунёни яхшилик ва ёмонлик дунёси тарзида икига бўлади. Бу икки дунё ўртасида бир-бирига қарама-қарши ғоялар устувор бўлиб, улар ўртасида доимо кураш кетади.

Зардушт томонидан асосланган дин унинг ҳаётлигидаёқ кўплаб ўлкаларга ёйилади. Бироқ Зардушт вафот этганидан сўнг зардуштийлик динининг ғоялари янада кенг ёйила бошлайди.

“Авесто” асари эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва IV асрнинг бошларида яратилган бўлиб, у узоқ даврлар маҳсули саналади, даврлар

¹ Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. Изб. труды. – М. Изд-во Восточной литературы, 1960, - с. 33.

ўтиши билан қайта-қайта ишланади. Асарнинг тўлиқ китоб ҳолида шаклланиши эрамиздан аввалги биринчи асрга тўғри келиши барча манбаларда алоҳида қайд этилади.

ғарб, рус ва ўзбек олимлари мазкур асар мазмунини ҳар томонлама таҳлил этишга ҳаракат қилишган. Зеро, “Авесто” асарида инсон шахсининг камолотга эришишига оид маърифий фикрлар маълум бир тизимда ифода этилгандир. Мазкур асар ғоялари орқали қадимги даврларда мамлакатимиз ҳудудида яшаган халқларнинг табиий, илмий, маърифий ҳамда ижтимоий қарашлари борасида муҳим маълумотларга эга бўламиз. «Авесто» диний характерга эга бўлиш билан бирга ўзида фалсафий, сиёсий, филологик, таълимий ва тарбиявий масалаларни ҳам қамраб олган асардир.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида зардуштийлик дини қадимги Хуросон, Форс, Ироқ ва Балхдан тортиб Сурия ерларигача тарқалганлигини айтади.

Озарбайжон олими М. Рафилий эса “Мухтасар Озарбайжон адабиёти тарихи” китобида (1-жилд, Баку, 1943, 2-3-бетлар) “Авесто”ни фақат Озарбайжон адабиётининг маънавий мероси деб эътироф этади.

Тархичи олим В.М.Авдиевнинг фикрига кўра, “Авесто” номли қадимги диний тўпламнинг дастлабки қисмлари айнан Ўрта Осиё ҳудудида вужудга келган, дейиш учун барча асослар етарли. Зеро, асарда келтирилган айрим ривоятлар бу ҳақида далолат беради. Ривоятларда айтилишича, зардуштийлик динининг биринчи “Муқаддас олови” Хоразмда ёқилган. “Авесто” асарида тасвирланган “Айриана Вайжо” мамлакати Хоразм бўлган бўлиши мумкин. Бу мамлакатда Ахура-Мазда Зардуштга кўриниш берган. “Айриана Вайжо” деган афсонавий мамлакатнинг “Авесто” асарида сақланиб қолган тасвири Хоразмнинг географик шароитларига тўла мувофиқ келади. С.П. Толстов ҳам “Авесто”нинг энг қадимги замонга оид қисми Марказий Осиё (Хоразм)да эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида ёзилган деб қайд этади. “Авесто”да худолар ва қаҳрамонлар тўғрисидаги халқ эпик афсоналарига оид жуда кўп қимматли маълумотлар жамланган. Асарда тасвирланган худо ва қаҳрамонлар Ўрта Осиё мамлакатлари ва уларга қўшни бўлган Эрон ва Афғонистон ўлкаларида иш кўрадилар. “Авесто”да келтирилган мадҳияларда шундай бир ўлка тасвирланадики, унда: “Бир талай қўшинга қудратли йўлбошчилар бош бўлган, кенг ўтлоқлари ва сувлари кўп бўлган, баланд тоғлари чорвачилик учун зарур ҳамма нарсани етиштиради, унда чуқур-чуқур ва серсув кўллар, кемалар юриб турадиган кенг дарёлар Искат ва Поурта, Моур (Марв), Харова (Ҳирот), Гоу Сўғд ва Хвойрезм (Хоразм) томонига пишқириб оқадилар (Яшт X, 14)”. Бунда зикр этилган жойларнинг таърифи ва номлари бошқа қатор жиҳатлари билан бирга қадимги Зардушт динининг худди шу ерда, Амударё ҳавзасида вужудга келганига шубҳа қолдирмайди.

Зардушт эрамиздан аввалги VI асрда яшаган. Хоразмда яшаган чорвадорлар оиласи Спитама уруғидан бўлган. Отаси Паурушасп, онаси Дугдова от ва туя боқиш билан шуғулланганлар. Зардушт кўп худоликка сиғиниш ҳамда кўплаб қурбонликлар қилиниши натижасида моллар қирилиб

кетаётганлиги, шунингдек, турли қабилалар ўртасида низолар келиб чиқаётганлигини кўриб, унинг олдини олиш чораларини излайди ва ана шу мақсадда ўз таълимотини тарғиб қила бошлайди. Лекин қabila бошлиқларига унинг таълимоти ва унда илгари сурилган ғоялар ёқмайди. Зардушт худодан келган ваҳий орқали кўпхудоликка қарши якка худоликни тарғиб қила бошлайди, кучли ҳокимият ўрнатиб, ер юзида тинчликни барқарор этиш учун курашади, яхшилик ва эзгулик худоси Ахура Маздани ҳимоя қилади.

Зардуштнинг янги таълимотини қabila аъзолари орасида тарғиб қилишини истамаган қabila бошлиқлари уни таъқиб этадилар. Ана шу таъқиб туфайли у Рай (Эрон)га қочади ва ўз динининг ўша ерда тўлақонли шакллантиришга муваффақ бўлади. “Авесто”ни шоҳ Виштасп (Гуштасп)га тақдим этади. Шоҳ Виштасп унинг ҳомийсига айланади. Виштаспнинг фармонида биноан оташхона - ибодатхоналар қурдирилади, зардуштийлик динининг ғоялари кенг ёйила бошлайди.

Зардушт шоҳ Гуштасп вазирининг қизи Ҳавовига уйлангани, ундан уч ўғил - Иставатра, Урвататнара, Хварачитра ва уч қиз – Френи, Трити, Поуричисталарни кўрганлигини қайд этади.¹

Виштаспнинг фармонида кўра 1200 бобдан иборат “Авесто”ни олтин тахтга ёздирилиб, шоҳ оташкадасига топширилади.

“Авесто”нинг китоб ҳолидаги матни эрамиздан олдин ўн икки минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган. Бу нусха Искандар Македонский истилосига қадар Истаҳр шаҳрида сақланган. Искандар Истаҳрни босиб олгач, “Авесто” китобида баён этилган тиббиёт, нужум, илми ҳикмат соҳаларига оид ғояларни юнон тилига таржима қилиниб, қолган фикрлар битилган саҳифалар ёқиб юборилади.

Зардуштнинг мазкур китоби бизга қадар икки нусхада етиб келган.

Мазкур нусхаларнинг биринчиси - дуолар тўпламидан иборат бўлиб, “Вендидат-седе”, яъни, “Пок Вендидат” деб аталади. Ушбу китобга “Ясна” ва “Висперед”лар киритилган.

Иккинчи китобда ҳам биринчиси китобдаги каби “Вендидат”, “Ясна” ва “Висперед”лар ўрин олиб, унда шарҳлар ҳам берилади. Изоҳли таржима “Занд” (шарҳ маъносида) деб аталади. Шунинг учун ҳам асарнинг шарҳли нусхаси “Авесто ва Занд” ёки “Занд Авесто” деб номланган.

Иккинчи вариантга биноан “Авесто” асари қуйидаги қисмлардан ташкил топган:

1. “Вендидат”. Мазкур қисм 22 бобдан иборат бўлиб, асосан, Ахура Мазда билан Зардуштнинг ўртасида кечган савол-жавоби шаклида ёзилган. У ёмон руҳларни, девларни енгилш воқеалари, гуноҳлардан пок бўлиш қоидалари ҳамда мифологик унсурларни ўз ичига олади. Характерли жиқати сўз юритилаётган қисмда девларга қарши яратилган қонун матни, яъни, қонуннома мазмуни ёритилган. қонунномада айтилишича, ёмонлик тимсоли бўлган девларга нисбатан нафрат билан қараш даркор.

¹ Щамидов Ш. “Шоҳнома”нинг шушрати. - Т.: Ўзбекистон, 1991. 87-88- бетлар.

Ахура Мазда юртда яхшилик, хайрли ишларни юзага келтирса, Анхра Ману (Ахриман) ўз юртида ёмонликни қарор топтиради.

2. “Висперед”. У 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат кўшиқларини ўз ичига олади.

3. “Ясна”. Ясналар 72 бобдан иборат. Диний ибодатларни ўтказиш чоғида, шунингдек, қурбонлик чиқариш маросимида айтиладиган кўшиқлар, худоларга бағишланган мадҳиялар ва бошқалар ясналарни ташкил этган. Ушбу қисмнинг 17 боби Готлар деб юритилади. Готлар “Авесто”нинг энг қадимги қисмлари саналади.

4. Яштлар. Яштлар зардуштийлик динининг худолари ва маъбудалари шарафига айтилган 22 кўшиқ (гимн)ларни ўз ичига олади.

5. Кичик Авесто (Хурда Авесто, Хвартак-апастан). қуёш, Ой, Ардвисура, Митра, олов ва бошқа худо ҳамда маъбудалар шарафига бағишланган кичик ибодат (гимн) матнларидан иборат.

Зардуштийлик динининг ғоялари хусусида сўз борганда, уларнинг тўғрилиқ билан яшаш ва ахлоқий унсурларга асосланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Инсон ва унинг жамиятда тутган ўрнига нисбатан муносабат масаласи “гот”лар мазмунида ўз ифодасини топган.

“Авесто” тарбиявий манба сифатида катта аҳамиятга эга. Юқорида айтиб ўтилганидек, Зардушт қадимги қабилалар аъзоларининг диний эътиқодларига айланган қарашлар мазмунини ислоҳ қилган. Зардушт таълимотининг илғор ғоялари шундан иборатки, Ахура Мазда (қодир илоҳ) дунёда мавжуд бўлган адолат ва яхшиликнинг ижодкори саналади. Анхра Мани (Ёвуз рух) барча ёмонликларни юзага келтиради. “Авесто”нинг мазмуни борасида унинг бизгача етиб келган парчаларда илгари сурилган қарашлар моҳиятига асосланиб қуйидаги хулосага келиш мумкин:

“Вендидат”нинг дастлабки уч бобида халқ ҳаётида ернинг қай даражада аҳамиятга эга эканлиги куйланади. Чунончи, биринчи бобда ёвузлик ва адоват ҳукмрон бўлган ўлкалар таснифланар экан, Ахура Мазда Тинчлик ва Адолат ўлкасининг асосчиси, Анхра Манью эса жаҳолат уруғини сочувчи сифатида талқин этилади. Асарда ана шундай ўлкалардан 16 таси қайд этиб ўтилади.

“Авесто”да тасвирланган адолат ўлкасининг кейинги даврлардаги номлари: 1. Арйана Веджа - Хоразм ёки Аракс дарёси қирғоғи ёки Аму ва Сирдарё дельтасидаги ўлка. 2. Гава-Сўғдиёна. 3. Моуру (Маргав)-Маршана (Марв, ҳозирги Мари шаҳри жойлашган ҳудуд). 4. Бахди-Бақтрия (Балх). 5. Нисайя - Ниса, Парфия пойтахти. 6. Харой-Исфакхондаги бир жой. 7. Хнента-Гурканиа. 8.Харахвайти-Гарут (Арахозия билан боғлиқ). 9. Хэтумант - Гильменда ҳавзасидаги вилоят. 10. Рага-мидиядаги бир шаҳар. Рай Техронга яқин. 11. Чахра-Хуросондаги бир жой. 12. Варна - Жанубий Каспий бўйи вилояти. 13. Хапта Хиндав - Инда, Панжоб ҳавзаларида жойлашган ҳудуди. 14. Рангха ирмоқлари-мифологик ўлка¹.

¹ Маковельский А.О. Авесто. – Баку, Изд-во АН Азерб, 1960. с. 48-56.

Кейинги бобларда Йима ҳақидаги афсона келтирилади. Афсонада ерни уч баробар кўпайтириш, шунингдек, ўсимлик, ҳайвон ва одамларни химоя қилиш мақсадида чегара белгиланганлиги ҳикоя қилинади. Ушбу афсонада, шунингдек, қадимги Ҳинд-Эрон қабилаларининг Ернинг сувдан пайдо бўлганлиги борасидаги дастлабки тасаввурлари ҳам ўз ифодасини топган. 3-19-бобларда эса гуноҳ ва унинг жазоси, покликнинг моҳияти таърифланади, олов, сув, ер, чорва, дарахт ҳамда ўсимликлар улуғланади, коҳин, ҳарбий, деҳқон ва чорвадорлар шарафланади. Ҳайвонларга зулм ўтказиш энг катта гуноҳ сифатида қораланади. Мазкур бўлимда шахсий гигиенага амал қилишга оид қоидалар - тирноқ ва сочларни парваришлаш масалалари юзасидан фикр билдирилади.

XIX-бобда одамларнинг Ахура Маздага бўлган эътиқодлари даражасини ифодалаш мақсадида улар боқий дунёда қил кўприкдан ўтадилар, кўприкнинг ўртаси қилич каби ўткир бўлади, дейилади. Кимки Ахура Маздани тан олмаса, унга ишонмаса, у “қил кўприк”дан ўтолмай, жаҳаннамга тушади. Диндор ва доимий равишда ибодат қилувчилар эса жаннатга тушадилар. Ахура Мазда яратилган вақтдан бошлаб орадан ўн минг йил ўтгач, Ахриманнинг кучи тугаб, Адолат ўлкаси қарор топади. Шунда барча майитлар (қазо қилган кишиларнинг таналари) бир жойга тўпланади, уларга жон ато этилиб, яхши кишилар бир томонга, ёмон кишилар иккинчи томонга ажратилади. Шу тариқа яхшилар жаннатга, ёмонлар эса дўзахга тушади. Яхши одамлар уч кун давомида оташ ирмоғини кечиб ўтгач, гуноҳлардан покланиб, Ахура Мазда юрти - Адолат ўлкасига кирадилар. Бу ўлкада инсон ўзининг ахлоқи ва яхши амаллари, хатти-ҳаракатлари билан яхшилик тарафдори эканлигини исботлаши керак. Инсон ўз ҳаёт йўлини танлар экан, ўз зиммасига олган мажбуриятни бажаришга жавобгар саналади. “Гот”ларда Ахура Мазданинг ердаги ёрдамчиси ҳисобланган чорвадорларнинг дунёқарашлари ифодаланган. Яхши кишилар юксак ахлоқий хислатларга эга бўлсалар, ёвуз кишилар ёмон хислатларнинг эгасидир. Зардуштийликда яхшилик ва ёмонлик тушунчалари орқали ер юзида мавжуд бўлган яхшилик ва ёмонлик дунёсининг моҳияти очиқ берилади.

Тақводор чорвадор одил ва оқил бўлиб, атрофдагиларнинг ҳурматларига сазовор бўлса, катта поданинг эгасига айланади. Чорвадорларнинг назарларида кўчманчилар уларнинг душманларидир. Чунки улар одамларни талайди, молини ҳайдаб кетади. Асарда кўчманчилар ахлоқсиз махлуқларга қиёсланадилар. Улар азоб-укубатларга лойиқ, зеро серҳосил яйловларни яксон этадилар, яхшилик ҳомийларига хужум қиладилар. Билдирилаётган фикрлардан англашиналидики, зардуштийлик динининг ғояларига кўра шахснинг ахлоқий хислатларга эга бўлиши Адолат ўлкасини қарор топтиришда таянч омил бўлиб хизмат қилади. Зардуштнинг асосий йўриқларидан бири ҳам Ахура Мазданинг кўмакчиси саналган инсон саховатли бўлиши керак, деган ақидадир. Гарчи, зардуштийликда диний расм-русумларга риоя этиш, Зардуштнинг томонидан илгари сурилган барча ахлоқий йўл-йўриқларни бажариш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи

эканлиги эътироф этилиши билан бирга дунёвий ишлар ва уларнинг моҳияти ҳам очиб берилади.

Зардушт Ахура Маздадан дунёда шодлик ва бахт макони, энг севимли жой қаерда эканини сўраганда, у шундай жавоб беради: у шундай жойки, кишилар у ерда уй-жой курадилар, оташкада (ибодатхона)лар барпо этадилар, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, бола-чақали бўладилар; мен ҳар иккала қўли билан меҳнат қилувчи кишини қўллайман, унинг ишига барор, ҳосилига барака бағишлайман, дейди. Бунда меҳнат, деҳқончилик ёвуз кучларга қарши кураш, яхшилик манбаи, таянчи деб кўрсатилади.

Зеро, зардуштийликда ахлоқийликнинг асоси, саховатлилик белгиси - меҳнат деб кўрсатилса, ишёқмаслик барча нуқсонларни келтириб чиқарувчи сабаб эканлигига урғу берилади. Айниқса, деҳқончилик соҳасида қилинаётган меҳнат яхшиликни юзага чиқарувчи асосий омил дея таъкидланади. Деҳқончилик билан шуғулланиш, мўл-кўл ҳосил етиштиришга қаратилган ҳаракат Ахура Мазда қонунига бўйсунуш саналган. Дон экан киши такводорлик уруғини экиши, Маздага ихлосмандлик эътиқодини илгари суриши, имонни озиқлантириб туриши ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг дейилади. “Ғалла ердан униб чиққанда, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб, ун қилинаётганда улар қоча бошлайди, хамир қилинганда эса девлар маҳв бўлади. ғалланинг мўл-кўл бўлиши девларнинг лабига қизитилган темир босилгандек уларни тум-тарақай қилади”.

Ушбу мисолларда “Авесто”да инсон меҳнати туфайли барча ёмон ҳислат, ёмонлик ҳамда ёвузликлардан қутилиши мумкин, деган ғоя илгари сурилади.

Самовий дунёда ҳам учлик ҳукмронлик қилади: Ахура Мазда – Олий тангри, яъни “қодир илоҳ” - ўт, аланга руҳига, Аша (Арта) – Вазишта – “Энг яхши тартибот” (қоҳинлик ва катта қоҳиннинг самовий образи)га, чорва руҳи - Воху Мана, яъни, “Саховатли фикр” (ўтроқ чорвадорлар ва уларнинг бошлиқлари жамоасининг самовий образи)га таянади. Ана шу учлик фикр, сўз ва иш бирлигидан иборат ахлоқий учликни ҳам ўзаро бўлишиб олишган.¹

Ўша даврда жамиятда бош ҳоким (лашкар бошлиғи) катта қоҳин (қоҳинлар ижтимоий гуруҳининг бошлиғи) ёки уруғлар оқсоқолларига, ўтроқ чорвадор ва деҳқонларнинг жамоалари ҳамда хонадонларига таянган. “Авесто” асарининг ҳажман энг катта қисми - “Ясна”ларда инсон камолотини белгиловчи ахлоқ-одоб мезони учлик - Хумата (манбаларда Гумата, Humata) – яхши фикр, Хукта (манбаларда Гукта, Hukta) – яхши сўз ва Хварша (манбаларда Гварша, Hwarsha) – яхши ишлар бирлигида ифодаланади. “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман” (“Ясна”, 14-боб), дейилади асарда.

¹ Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы. Изб. работы. —М.: Наука, 1972. с. 51-51, 115.

“Авесто”да инсон фикри, сўзлари ва ишларига икки қарама-қарши куч: Воху Мана (Эзгу фикр) ва Ако Мана (Ёвуз фикр) таъсир кўрсатади, дейди. Барча фикр, сўз ва ишлар асосида аслида эзгулик ва ёвузлик ётади (“Ясна”, 30-боб). Аста-секин ахлоқий тушунчалар шахсий мазмун касб эта бошлайди. Масалан, “яхши сўзлар” деганда аҳдида туриш ва берилган ваъдани бажариш кабилар назарда тутилса, “яхши амаллар” деганда эса савдо-сотик ишларида ҳалол бўлиш, қарзни вақтида тўлаш, ўғрилик ва талончилик қилмаслик, ўзгаларнинг молига кўз олайтирмаслик, бузқликлардан ўзини тийиш, атрофдагиларга зиён етказадиган ҳар қандай ҳаракатни содир этмаслик ва ҳоказолар тушуниланган.

Эзгу кучларга ёвуз кучлар қарши бўлган. Ёвуз руҳларга Друджо (ёлғончилик руҳи) бошчилик қилган. Унга Ёвуз фикр (Ако Мана), Талончилик руҳи (Эшма) ёрдам берган. Ёвуз, ёмон фикр - Ако Мана, ёмон сўз – Друджо ҳамда ёвуз амал, ёмон иш – Эшма образлари тимсоли ёрдамида ифода этилган.

Зардушт ёвузлик кучларига кўмаклашган кишиларга нисбатан аёвсиз муносабатда, шунингдек, чорвачилик ривожига ҳалал берувчи ёлғончилик ихлосмандларига қарши курашда эса шафқатсиз бўлади. “Кимки менга содик бўлса, энг яхши нарсага мушарраф бўлади, кимки содик бўлмаса, унга энг ёмон нарса насиб этади... Кимки мени – Зардуштни қувватласа бунинг эвазига истаган барча нарсалари билан биргаликда бир жуфт соғин сигир ҳам олади” (“Ясна”, 46-боб), дейилади асарда.

“Яхши фикр” иборасининг мазмуни ўзида илоҳий қонун руҳидаги ғояларга эга бўлиш, яқин кишига нисбатан меҳрибонлик кўрсатиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши курашга доимо тайёр туриш, кишиларнинг бахт-саодати йўлида ҳаракат қилиш, аҳиллик, қабиладошлар билан бирга дўстлик ва тотувликда яшашга интилиш руҳидаги ният ва фикрлар мусаффолигини акс эттиради. Инсон фикран ҳам бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим. Яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди, жаҳолатларга берилмайди. Зеро, бундай руҳий ҳолатда инсон яхшилик ҳақида ўйламайди, бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади.

“Авесто”даги учликнинг ҳақиқий манбаларига ёндашиладиган бўлса, улар қадимги замон кишиларнинг ахлоқий тасаввурларига батамом мувофик бўлиб тушади. Фикр, сўз ва ишнинг бирлиги ибтидоий инсоннинг ҳам ажралмас хислати эди. Унинг онг, ахлоқ ва бошқалар хусусидаги тасаввурлари ўзи мансуб бўлган жамоа билан узвий боғланган. Жамоанинг фикри унинг ҳам фикри, жамоанинг сўзлари унинг ҳам сўзлари, жамоанинг ишлари унинг ҳам ишлари бўлган. Ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг уйғунлиги – уруғчилик жамиятининг муҳим белгисидир. Жамоанинг ҳар қандай топшириғини бажариш унинг аъзолари учун муқаддас қонун эди”.

“Яшт”ларда ифода этилган ҳар бир яшт муайян худо (Ахура Мазда, Меҳр Яшт, Ардвасур Яшт, Митра ва бошқалар)га бағишланади. “Яшт”лар доирасида қўлланган гимнларда Ахура Маздага бағишланган қасида алоҳида диққатга сазовор. Масалан, биринчи, “Яшт” - “Хурмузд Яшт”да Ахура Мазда тилидан зардуштийлик ғояси ифодаланади.

Зардуштийлик илоҳининг етмиш икки номи борлиги маълум. Юқорида таъкидланганидек, Зардушт бутун ҳаёти давомида эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амалдан иборат учлик ғоясини илгари суради ва ушбу ғояга аввало унинг ўзи амал қилади. Инсон ўлимидан сўнг марҳумнинг фаолияти устидан ўтказилган ҳисоб-китоб вақтида Ҳақиқат илоҳи у томонидан содир этилган эзгу ва ёвуз амалларни махсус тарозидан ўлчайди.

Тарозининг бир палласига эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал — хайрли ишлар, бошқа палласига эса ёвузлик ва ёмонликка асосланган хатти-ҳаракатлар қўйилади. Эзгу амаллар салмоғи оғирлик қилса, марҳум руҳи юқорига учди ва жаннатга тушади, ёвуз ва ёмон ҳаракатлар қўйилган палла оғирлик қилса, чоҳга тушади.

Ахура Мазда – Олий тангри элчиси сифатида “Хурмузд Яшт”да шундай таърифланади:

Менинг номим - сўровчидир,
 Вафодор Зардушт.
 Иккиламчи исмим - матлуб,
 Учтинчиси қудрат,
 Тўртинчиси ҳақиқатдир.
 Бешинчиси – барча эзгулик,
 Мазда билан бошлангувчи бор ҳақиқатлар.
 Олтинчиси – ақл эрур,
 Еттинчи - мен ақллидурман,
 Саккизинчи – таълимотчиман мен,
 Тўққизинчи – мен муаллимман,
 ўнинчи - мен авлиёдурман,
 ўн биринчи - муқаддасман мен,
 ўн иккинчи – мен Ахураман,
 ўн учинчи – қудратлидурман,
 ўн тўртинчи – ёвуз эмасман.
 ўн бешинчи – мен толибдурман,
 ўн олтинчи - ҳисобчиси барча нарсанинг.
 Ҳар нарсани кўргувчиман – ўн еттинчиси,
 Асрагувчи ҳам ўзимман – ўн саккизинчи,
 Яратгувчи менинг ўзим - ўн тўққизинчи,
 Йигирманчи – мен Маздаман (27; 8-11-бетлар).

“Авесто” таълимотида жисмоний ва маънавий дунё уч ҳаётӣ даврга бўлинади.

Биринчи давр энг қадимги давр саналиб, у илк ҳаётни билдиради. Бунда ҳам жисмоний, ҳам маънавий дунёда яхшилик тантана қилади. Дунёда ёруғлик ва инсоний саодат ҳукмрон бўлган. Ягона жиноятчи - ҳоким Йима Вивахвант бўлиб, у кишиларни батамом рози қилмоқ учун уларга мол гўшти едиради.

Иккинчи давр ҳозирги давр бўлиб, бу даврда яхшилик руҳлари билан ёмонлик руҳлари ўртасида кураш давом этади.

Учинчи давр - бўлғуси ҳаёт. Бу даврда ақл-идрок ва адолат тантанаси ўрнатилади. Бўлғуси яхши ҳаётни Арту ўрнатиб, деҳқонлар бадавлат, ҳокимият эса мустаҳкам бўлади, дейилади. “Яхшилик таълимни ва садоқатни амалга ошириб яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинлар”.

Заруштийлик таълимотида 15 ёш балоғат ёши саналган. Ўсмир балоғат ёшига етганда унга Зардушт қонунлари – фалсафа, ахлоқ-одоб қоидалари ва ахлоқий йўриқлар мазмуни ўргатилган. Ўсмирларнинг художўй меҳнаткаш, адолатли бўлиб вояга етишлари, ўй-ният, сўз ва ишида ҳалолликка таянишларига алоҳида эътибор берилган. Болаларга уларнинг ёшлигидаёқ кўчат ўтказиш, дарахтларни парвариш қилиш, уй-рўзғор буюмларини ясаш, ерга ишлов бериш ҳамда чорва молларини боқиш борасидаги билимлар берилиб, амалий кўникмаларнинг ҳосил бўлишига алоҳида эътибор қаратилган.

Зардуштийлик таълимотининг ахлоқий йўриқларига биноан инсон томонидан ўз бурчини ҳис этишнинг энг биринчи белгиси маънавий поклик саналган.

Аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш ижтимоий зарурат ҳисобланган. Айниқса, ҳомиладор аёлларга мурувват кўрсатиш асосий инсоний бурч ҳисобланган. Диний ғояларга кўра тупроқ, сув, ҳаво ҳамда қуёш муқаддас саналади, одамлар уларни эъзозлаш, қуёшга сажда қилишга даъват этилади. Зардушт таълимотида шахсий ва турмуш гигиенасига қатъий амал қилиш кишилар ўртасида турли хил касалликлар келиб чиқишининг олдини олувчи тадбир эканлиги алоҳида уқтирилади. Шу ўринда қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқлигига урғу берилади: қабристонларнинг шаҳар ёки қишлоқдан ташқарида бўлишига алоҳида эътибор бериш, ҳайвонларнинг қабрларни оёқ ости қилмасликлари учун қабристонларнинг атрофини ўраб қўйиш, майит (ўлик)ни ювиш вақтида озодаликка риоя қилиш, мурда теккан либос ёки мурда қўйилган жойни сув ёрдамида ювиб ташлаш, турли жонзотларнинг ўлиги (инсон мурдаси) тушган сув ҳавзаларини бир неча бор катрон қилиш (ҳавзани ёмғир ёки дарё сувига бир неча бор тўлдириб, сувни ҳавзадан чиқариб ташлаш), бадан ва сочнинг тоза бўлишига аҳамият бериш, тирноқларни вақти-вақти билан олиб туриш, кунига беш марта ювиниш ва ҳоказолар.

Зардушт ғояларининг амалий аҳамияти шундаки, уларда турли касалликларнинг олдини олиш ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини таъминловчи усуллар тўғрисида ҳам маълумотлар берилади. Бу борадаги усуллар қуйидаги уч гуруҳдан иборатдир: 1) ахлатларни беркитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош ёки кул билан кўмиб ташлаш; 2) олов ёрдамида, иссиқ ёки совуқ ҳаво воситасида микробларни йўқ қилиш; 3) кимёвий усул (кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар - сандал ва исириқ тутатиш, алоэ, пиёз, саримсоқ, қизил қалампир ва ҳоказоларни истеъмол қилиш) орқали микробларни йўқотиш, орқали юқумли касаликларга барҳам берилган. Таълимот мазмунига кўра касаллик тарқатувчи айрим

хашоратларнинг ўлдирилиши эвазига сувни сақлаш қоидаларини бузган ёки итни ўлдирган кишиларнинг гуноҳи кечирилган. Бу ўринда алоҳида меъёр белгиланган, яъни, юқорида қайд этилган гуноҳни содир этган киши 1000 та эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, ёки касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириши ёки 10.000 та руҳиятни тетиклаштирувчи ўсимлик барги, барсум бериши лозим бўлган. Бизга яхши маълумки, микроб ва юқумли касалликлар сув, ҳаво ва тупроқ воситасида тез тарқалади ва кенг ҳудудга ёйилади, шу боис “Авесто” ғояларига кўра уларни асраш, улардан фойдаланишга нисбатан оқилона муносабатни қарор топтириш ўта муҳим саналган. Уларни асраш қоидаларини бузган кишилар 400 қамчи уриш билан жазоланганлар.

Зардуштийлик таълимотида овқатланиш қоидалари хусусида батафсил сўз юритилиб, уларга қатъий риоя этиш лозимлиги алоҳида таъкидланади. Зеро, инсоннинг саломат бўлиши, ўз бурчларини тўлақонли адо эта олиш имкониятига эгаллиги унинг овқатланиш қоидаларига нечоғли амал қилганлигига боғлиқ бўлади.

Дарҳақиқат, инсон овқатланмаса фуқаролик, хизмат ва ахлоқий бурчни ҳам бажара олмайди. Инсоннинг маънавий ҳаёти унинг моддий турмуш тарзи билан алоқадор эканлиги асарда алоҳида қайд этилган, Хусусан, “Ясна”ларда “Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга қуввати етмайди”, - дейилади.

Зардуштийликда кишини ҳолдан тойдиради деган фикрга кўра рўза тутиш ман этилган. Инсон ҳолдан тойса, ўз зиммасига юкланган вазифани бажара олмайди, яъни, Ахура Маздага ёрдам бера олмайди, бу эса ёвуз кучларнинг эзгулик кучлари устидан ғалаба қилишига шароит яратиб беради, дейилади. Оч қолиш ва яхши овқатланмасликнинг инсон хулқининг шаклланишга ҳам таъсир этиши қўйидагича таъкидланади: “Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Нон мўл-кўл бўлса, ахлоқий сўзлар, илоҳий фикрлар яхшироқ идрок қилинади”. Зардуштийликда май истеъмол қилиш таъқиқланмаган. Майни меъёрида истеъмол қилиш киши организмни мустаҳкамлайди, яъни, овқат яхши ҳазм бўлади, қон яхши юришади, киши яхши ухлайди, бу ҳолатлар эса унинг унумли равишда ақлий меҳнат қилишига ёрдам беради, кишилар ўртасида дўстона муносабатларнинг қарор топишига кўмаклашади, ахлоқи ёмон кишилар билан ахлоқи яхши кишиларни бир-биридан ажратиб олишига ёрдам бериши қайд этиб ўтилади.

Зардуштийликда дунёвий ноз-неъматлардан воз кечиш талаб этилмайди, балки ноз-неъматларни меъёрида истеъмол қилиш, уларнинг мазасидан лаззат олиш, инсон ҳаётининг “яхши кун кўриш учун зарур нарсалар мўл-кўлчилигида” хушчақчақлик ва бахтиёрлик билан ўтказиши лозимлиги тўғрисидаги фикрлар илгари сурилади.

“Ард Яшт”нинг 17-боби бахт муаммосига бағишланиб, унда моддий фаровонликка эришиш биринчи ўринга қўйилади. Ахлоқан мукамал бўлган инсоннинг бахт-саодатга эришиши муқаррар эканлиги таъкидланади. Инсоннинг бахт-саодатга эга эканлигини кўрсатувчи омиллар сифатида қўйидаги ҳолатлар келтирилади: унинг соғ-саломатлиги, узоқ умр

кўрганлиги, сеvimли хотини ва болаларининг борлиги, шунингдек, озиқ-овқатининг мўл-кўллиги. Уларнинг уй-жойлари шинам, чорваси мўл, узоқ-узоқ вақтларгача мўл-кўлчиликда яшайдилар.

Бироқ бахт-саодатга эришиш учун меҳнат қилиш лозим. Шу боис, бахтга эришишнинг ягона ва ишончли йўли меҳнат қилиш эканлигига алоҳида эътибор қаратилади: “Чорвадорлар тўқ бўлсин учун чорвани муттасил парвариш қилмоқ лозим”.

Зардуштийлик таълимотига кўра оила муқаддас ҳисобланган. Оила куриш ижтимоий аҳамиятга эга бўлган. Эркак киши зурриёт қолдириш лаёқатига эга бўлган ҳолда оила қурмаса, унга муайян жазо берилган. У қопга солиб калтакланган, пешонасига тамға босилган ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. Кўп болали оилаларнинг давлат томонидан маблағ билан таъминлаши йўлга қўйилган. Эгизак ёки бир йўла учта фарзанд кўрган аёлларнинг махсус равишда тақдирланишлари эътироф этилган. Зардушт ғояларига кўра наслнинг соғлом бўлиши, қавм қонини тоза сақлаш, турли ирсий касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида яқин қариндошларнинг ўзаро оила куриши ман этилган.

“Авесто”да инсон омили, унинг саломатлигини таъминлаш масаласи алоҳида баён этилган. Бугунги кунда халқ табобатида қўлланилиб келаётган ва кишилар саломатлиги сақлашда муҳим аҳамият касб этган айрим усуллар хусусида маълумотлар берилди. Билдирилган фикрлар мазмунига кўра мавжуд касалликларни даволашда доривор ўсимлик (гиёҳ)лар ёрдамида тайёрланган воситалардан самарали фойдаланилгани маълум бўлади. Ана шундай доривор воситалар сирасида кунжут, кўкнори, зира, пиёз, савсан, турп, хурмо, сабзи, беҳи, асал, зайтун мойи, шакар, шира ҳамда седананинг номи қайд этилади. Айрим касалликларни бартараф этишда доривор ўсимликларнинг илдизи, пояси, барги, гули, меваси ва уруғларидан тайёрланган қайнатмаларнинг фойдаси катта эканлиги таъкидланади. Касалликлар ривожланиш даври, ҳолати ва турига кўра режим асосида, дуо ўқитиш, парҳез сақлаш, дори истеъмол қилиш, шунингдек, жарроҳлик амалларини ташкил этиш каби йўллар билан даволанган. Асарда табиблар томонидан эътироф этилган ва уларнинг фаолиятларида асосий ахлоқий-маънавий ғоя бўлиб хизмат қилган қасамнома матни ҳам келтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Авесто” асарида инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг **сўзи, фикри ҳамда иши эзгу бўлиши ва эзгуликнинг тантанаси учун хизмат қилишига** катта эътибор берилди. Ушбу ахлоқий учлик ғояси энг қадимги даврлардан бошлаб кишилик жамияти таракқиётининг кейинги босқичларида яратилган барча маърифий асарлар мазмунининг шаклланишига асос бўлган. Зеро, унда инсоннинг инсон сифатида маънавий ва моддий жиҳатдан камол топиши учун зарур бўлган муайян талаблар ўз ифодасини топиб, ҳаёт кодекси сифатида нафақат Шарк балки ғарб халқларининг ҳам муҳим маънавий мероси бўлиб қолди. Асарда ифода этилаётган масалаларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олганлиги Зардушт ғояларининг назарий ва амалий аҳамиятини ошириб, унинг қиммати бугунги кунда ҳам юқори бўлишига олиб келган.

3. Қадимги туркий халқлар ёдгорликларида тарбияга доир фикрлар

Туркий халқларнинг ёзма маърифий ёдгорликлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, педагогика тарихи, хусусан, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Булар “Урхун-Енисей ёдгорликлари”, “Ирк ёзувлари” (“Таъбирнома”) каби манбалар бўлиб, улардан янги давр кишисини тарбиялашда фойдаланиш муҳим вазифалардан саналади.

Энг қадимги туркий тилда яратилган ва турк-румий ёзувида битилган Урхун-Енисей битикларини “тошларга битилган китоблар” ҳам деб атайдилар. Ўзига хос хат (ёзув)да битилган бу битиклар эрамизнинг VI-VIII асрларда ёзиб қолдирилган. Тошларга битилган мазкур ёдгорликлар таълим-тарбияга оид қимматли маълумотларни беради.

Урхун-Енисей ёдгорликлари дастлаб Енисей ҳавзасида, сўнгра Мўғилистоннинг Урхун дарёси бўйида топилиб, ушбу ёзувларни 1893 йилда биринчи бўлиб даниялик олим Вильгелм Томсон ўқиган. В.Томсондан сўнг олимлар – Н.М.Ядринцев, В.В.Радловлар мазкур манбаларни излаб топиб, ўқишга муваффақ бўлдилар.

Урхун-Енисей ёдгорликлари С.Е.Малов ҳамда И.В.Стеблевалар томонидан рус тилига таржима қилинди. Ўзбекистонда Ойбек, О.Шарафуддинов, Н.Маллаев, Азиз Қаюмов ва Н.Раҳмоновлар Урхун-Енисей битиклари устида тадқиқот ишларини олиб бордилар ва ушбу манбанинг таълим ва тарбия ишларини йўлга қўйишдаги аҳамиятини ёритиб бердилар.

Маълумки, эрамизнинг VI асри ўрталарига келиб, Олтой, Етгисув ва Марказий Осиё ҳудудларида яшовчи турк қабилаларидан иборат Турк ҳоконлиги давлати таркиб топди. Бу ҳоконлик ғарбдан Византия, жанубдан Эрон ва Ҳиндистон, шарқдан Хитой билан чегарадош бўлган. Турк ҳоконлиги Туркют давлати деб ҳам аталган. Ҳоконлик 604 йилда Шарқий ва ғарбий ҳоконликка ажралган. Эрамизнинг 745 йилига келиб эса Турк ҳоконлиги барҳам топган.

Турк ҳоконлиги асосан уч киши: Билга ҳокон (Моғилиён), Култегин, Тунюклар томонидан бошқарилган. Билга ҳокон (Моғилиён) - ҳокон, Култегин – саркарда, Тунюк эса - вазир бўлиб, уларнинг ҳамкорлигида бошқарилган давлат ушбу даврда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган.

Битиктошларда турк ҳоконларининг юришлари, юришлар даврида алп кишилар, саркардалар томонидан кўрсатган жасоратлар, уларнинг билимли, мард, халқпарвар эканликлари баён этилади. ўз ватанининг мустақиллиги учун курашиш, халқни асоратдан олиб чиқиш, уларнинг бирдамлигини таъминлаш ҳоконлар Бўмин, Истами, Элтариш, Элтаришнинг ўғиллари - Билга ҳокон, лашкарбоши Култегин, маънавий оталари Тунюкларнинг зиммасига тушгани ҳикоя қилинади. Масалан, Култегин битигида унинг таърифи берилган. Култегин халқпарвар, тадбиркор, халқнинг келгуси тақдирини ҳам ўйлайдиган жонкуяр саркарда сифатида таърифланади. У ўз

жонидан ватан тақдири, халқ манфаатини юқори қўйган шахс. Култегин Элтариш ҳоконининг кичик ўғли. У 713 йил 27 февралда қирқ етти ёшида вафот этади. Битиктош 732 йилда ўрнатилган. Ушбу битиктошда барча воқеалар Култегиннинг акаси Билга ҳокон тилидан ҳикоя қилинади. Унинг асли исми Муғилиён бўлган. Битигни Култегиннинг жияни Йўллуғ тегин ёзган. Демак, битигнинг муаллифи ҳам маълум.

Култегин битигида Билга ҳоконнинг оға-инилари ва қариндош-уруғларига мурожаат қилиб, уларнинг хатолари туфайли турк элида кўп фалокатлар юз берганини баён этганлиги ифодаланади. Туркийларнинг ҳарбий юришлари, уларга қўшни бўлган табғачларнинг босқинчилиги туфайли халқ бошига тушган кулфатлар ҳақида сўз юритилади, шунингдек, халқнинг ёлғончилик, фирибгарлик қурбони бўлганлиги таъкидланади: “Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган Табғач халқи сўзи ширин, ипак кийими нафис экан. Ширин сўзи, ипак кийими билан алдаб, йироқ халқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яхши қўшни бўлгандан кейин ёвуз илмни у ерда ўрганар экан.

Яхши, доно кишини, яхши алп кишини йўлатмас экан. Бирор киши алдаса, уруғи, халқи, уйи, ёпинчиғигача қўймас экан. Ширин сўзига, нафис ипагига алданиб, кўп турк халқи ўлдинг... Турк халқининг айримини у ерда ёвуз киши шундай пишиқлар экан: йироқ бўлса ёмон ипак беради, яқин бўлса яхши дебо беради. Илмсиз кишилар бу сўзга ишониб, унга яқинлашдилар ва кўплари ўлдилар”.

Ҳокон томонидан халққа қилинган мурожаатда туркий халқларни ҳокимиятни мустаҳкамлаш, ўзаро урушларга чек қўйиш, тинч-тотув бўлиб яшашга ундашдек эзгу мақсад ҳам этади.

Култегин эса, доно, баҳодир, жасур инсон сифатида тасвирланади.

Култегин битигида Билга ҳокон энг муҳим инсоний хислатлар, ҳаётий заруриятлар борасидаги фикрларни насихат, ўғит тарзида баён этади.

Турк халқи ўзаро бирлашмагани, бир-бирларига ишонмаганликлари учун ҳийла ва фириб қурбони бўлиб, табғачлар уларни кул ва чўри этгани, оқибатда улар қашшоқ, эрксиз ва муте бўлиб қолганликларини куюниб сўзлайди.

“Беклари, халқи инсофсиз бўлгани учун, табғач халқи ҳийлакор бўлгани учун, тоймас бўлгани учун, фирибгар бўлганлиги учун, оға ва ини бир-бирига қарши бўлишини хоҳлаганлари учун, беги ва халқини бир-бирига чакқани учун турк халқи эллашган давлатини қўлдан чиқариб юборган”.

Сўнг турк халқини қандай қилиб бирлаштиргани, укаси Култегиннинг жасорати туфайли эл босқинчилар ҳужумидан омон қолгани, тўқ ва фаровон ҳаёт кечиргани, у жасур ва енгилмас алп йигитлардан экани баён этилади.

“Тангри ярлақасин, бахтим бор учун, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб тарбият қилдим, яланғоч халқни кийимлик қилдим, яланғоч халқни кўп қилдим. Тўрт жиҳатдан халқни бутунлай эл қилдим, бир-бирига дўст қилдим, бутунлай менга қаради. Мехнатни, кучни берувчи шундай ҳокимиятни қозониб иним Кул тегин вафот этди”, - дейди. Бу ёднома ёшларни ўз элини севиш, дўст ва иттифоқ бўлиб яшаш, ватан ва халқ

манфаати учун курашга тайёр туриш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Турк ҳоқонлари Билга ҳоқон ҳамда Кул тегин жасоратлари ҳақиқий ватанпарварлик ҳамда жасоратнинг ибрат намунаси бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи битиктош - Билга ҳоқон битигидир. Бу битиктош Элтариш ҳоқонининг катта ўғли - Култегиннинг акаси Билга ҳоқон шарафига 735 йилда ўрнатилган. Билга ҳоқон 734 йилда эллик ёшида ўз яқинлари томонидан захарлаб ўлдирилган. Бу битиг ҳам Йўллик тегин томонидан ёзилган.

Билга ҳоқон битигида халқнинг тинч-тотув яшагани, Билга ҳоқон даврида тинчлик ҳукмрон бўлгани, у давлатни адолат билан бошқаргани, туркий халқларни бирлаштиргани, ўз юртини бой- бадавлат этиб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлагани маҳорат билан тасвирланган. Бу битигида халқ ҳоқонидан, ватанидан айрилмаса, беташвиш ҳаёт кечириши ифодаланади. ўз навбатида давлат бошлиқларининг ҳатти-ҳаракатлари баён этилади. Кейин Билга ҳоқон юришлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Билга ҳоқон турк эли ўртасида элпарвар ҳоқон деб танилган эди. “Билга” сўзининг ўзи ҳам “доно” деган маънони англатади. У турк халқининг ватани абадий бўлиши учун курашади. Халққа қарата шундай ўғит қилар эди: “Ватанни сақлаб қолмоқ, фақат ҳоқонга эмас, халққа ҳам боғлиқ. Аждодларимизнинг хато ва ютуқлари бунинг далилидир. Халқ ўз ҳоқонининг йўл-йўриқларини амалга оширмаса, бошига кўп кулфатлар тушади. Ҳоқон ўта ишонувчан бўлмаслиги, бошқаларнинг гапини ўйлаб, мулоҳаза қилиб амалга ошириши лозим. Самимий сўз билан ёлғонни фарқлай олиши керак. каттиққўл ҳоқон ўз халқига ёмонликни раво кўрмайди. Ишонувчан бўлса, яхши-ёмонни ажрата олмаса, фожиага йўл очилади, мамлакатда тартибсизлик юзага келади”.

Билга ҳоқон тарқоқ халқни бирлаштиради, оёққа турғизди, юртда фаровон ҳаёт қарор топади. У халқ фаровонлигини таъминлаш давлат бошлиғининг бурчи, мамлакатнинг озодлиги, халқнинг осойишталиги унинг моддий фаровонлигига боғлиқ деб билади. Битикларда юртбошининг бойликка ҳирс қўйиши халқнинг ночор ҳаёт кечиришига олиб келувчи сабаб эканлиги қайғу билан ифодаланади. У ўз халқига шундай мурожаат этади: “Мен яшадим, турк беклари, турк халқим. Бу ҳоқонингдан, бу бекларингдан, ерингдан, сувингдан айрилмасанг, турк халқи, ўзинг эзгулик кўражаксан, беташвиш бўлажаксан”.

Тунюкук битиги 310 мисрадан иборат бўлиб, 717-718 (баъзи манбаларда 712-716-йиллар кўрсатилган) йилларда ёзилганлиги қайд этилган. Тунюкук ўз битигини тириклигида ёздирган. Мазкур битикда Тунюкук ватанпарвар шахс сифатида таърифланган. Тунюкук эга бўлган инсоний фазилатлар – инсонпарварлик, эзгулик ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашиш унинг қўшни халқлар ўртасидаги обрўсини янада ошириб юборади. Хусусан, Тунюкук томонидан туркий халқлар қўлига тушган асирларни ўз юртларига жўнатиб юбориши душман қабилалар аъзоларининг бош эгиб келиши, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш чоғида эзгуликнинг ғалабага эришиши каби ҳолатлар шу асосида қон тўкишнинг олдини олиш мумкинлигидан далолат эканлигига ишора қилинади. У адолатсизлик

қилмайди, балки инсонпарварлик намунасини кўрсатади, аммо ҳоконлик давлати қонунларини ҳам қаттиқ ҳимоя қилади.

Юқоридаги ёзувлардан ташқари, алпларнинг жанговарлиги мадҳ этилган битигтошлар ҳам кўплаб топилганки, буларда алпларнинг ахлоқи, одоби ва билими уларнинг асосий фазилати бўлганлиги қайд этилади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Урхун - Енисей ёзма ёдгорликлари гарчи йўналиш нуқтаи назардан таълим-тарбия масалаларига бағишланмаган бўлса ҳам, уларда баён этилган фикрлар ўша даврда амал қилинган ахлоқий қоидалар ва талабларнинг моҳиятидан бирмунча хабардор бўлишга ёрдам беради. Хусусан, ҳокон ва алпларнинг ҳарбий фаолияти, туркий халқларнинг турмуш тарзи, уларга хос бўлган маънавий-ахлоқий хислатлар - ватанпарварлик, мардлик, жасорат, самимийлик, инсонпарварлик, эзгулик каби инсоний фазилатлар жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ахлоқий қиёфасини белгиловчи муҳим мезонлар сифатида маърифий кадриятларимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга бизга сўз юритилаётган давр хусусияти ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунидан огоҳ этади. Битиктошларда баён этилган қарашлар энг юксак инсоний фазилатлар сифатида эътироф этилган хислатларни замонавий таълим-тарбия жараёнида ёш авлодда ҳосил қилиш, уларда ватанпарварлик, мардлик, шижоат, халқ манфаати йўлида курашиш туйғуларини шакллантиришда ўзига хос йўлланма, йўриқнома бўлиб хизмат қилади.

Энг қадимги маърифий ёдгорликлардан бири саналган “Ирқ битиги” (“Таъбирнома”) ҳам Урхун-Енисей ёдгорликлари сирасида таълим-тарбия тарихида ўз ўрнига эга. Мазкур қўлёзмани XIX аср охирида А.Стейн Шарқий Туркистоннинг Диньхуан деган жойидан топган. Ҳозирги кунга қадар “Ирқ битиги” ва унинг моҳияти хусусида батафсил, тўлақонли маълумотларга эга эмасмиз. Айни вақтда манба Н.Раҳмонов томонидан тузилган “Қадимий ҳикматлар” китоби ва унда келтирилган маълумотлардир. Ёднома қоғозга ёзилган бирдан бир, ягона қадимий туркий ёдгорлик бўлиб, юз бетдан ортиқ саҳифадан иборат китоб тарзида бизгача етиб келган. Асар Исиг Сангун ва Ите Чуқ исмли моний жамоасининг аъзолари бўлган икки бола учун битилган. Асар бошидан охиригача нима яхши-ю, нима ёмонлигини болаларга тушунтириш тарзида ёзилган. Асарда баён этилган яхши ва ёмонлик таърифи негизида ахлоқий талаблар ўзига хос шаклда талқин этилади. Мазкур асар туркий халқларнинг турмуши, ахлоқий муносабатлари мазмуни тўғрисида маълумотлар беради. Ижтимоий муносабатлар моҳияти асосан қушлар ва ҳайвонлар образи орқали очиб берилади.

“Ирқ битиги”да энг қадимги аجدодларимизнинг мифологик ҳамда тотемистик қарашлари халқ оғзаки ижоди намуналари тарзида ўз аксини топган. Анъанага кўра, ҳар бир эпизодда яхшилик ғоялари тарғиб этилади.

Воқеалар туш ва унинг таъбирлари тарзида ёритилади. Баъзи тушлар яхшиликнинг, баъзилари эса ёмонликнинг тимсоли дея таъбир қилинади. Инсон доимо турмуши, ҳаётининг яхши кечишини орзу қилган. Ана шунга интилган. У ўз орзуларига етишишига ишонган, бу йўлда Тангри ёрдами вп

мададига таянган. “Ирқ битиги”да бу ҳолат жуда ишонарли тарзда баён этилган. Чунончи:

Мен Осмон ўғли кундуз ва кечқурун

Олтин тахтда ўлтириб.

Шодланяпман,

Билиб қўйинг: бу яхши”.

“У икки ой олдин

Одам ўғлини учратди.

Одам кўрқди,

Билиб қўйинг: бу яхши”.

“Ирқ битиги”да ёзилишича самовий қахрамонлар инсон тақдирини белгилайди ҳамда унга ёрдам беради. Ушбу фикрлар қуйидаги мисраларда ўзининг ёрқин ифодасини топган:

“Юқорида туман ёйилди,

Пастда тўзон тўзиди,

қуш боласи учди ва йўлдан озди,

Кийик боласи югурди ва йўлдан озди,

Одам боласи юравериб йўлдан озди.

Осмон шафоати туфайли учинчи йилда яна

Ҳамма омон-эсон ва тугал кўришди.

Ҳамма суюнишди ва қувонишди,

Билиб қўйинг бу яхши”.

Ёвуз кучларнинг тимсоли бўлган туман ҳамда тўзон ёрдамида тўғри йўлдан адаштирилган, сарсон-саргардонлик, хору-зорликка маҳкум этилган жонли мавжудотлар - қушлар, кийиклар ва одам болалари буюклик ва қудратнинг тимсоли бўлган – осмон, унинг шарофати туфайли яна бир-бирлари билан кўришишга муяссар бўлдилар, бирга ҳаёт кечири бошладилар. Шеърин мисраларда ўз ифодасини топган мазкур ғоялардан Ер юзидаги мавжуд ҳаёт қушлар, ҳайвонлар ҳамда одамлардан иборат ягона биологик (ҳозирда кенг қўлланилаётган экологик)тизимни ташкил этишлари тўғрисида болалар (айни вақтда одамлар)га тушунча беришга йўналтирилган ҳаракат мазмуни англанилади.

Инсон доимо яхши ҳаёт кечиришга интилар экан, бу йўлда у жуда кўп қийинчиликларга дуч келади. Лекин инсон қийинчиликларни илоҳий қудрат - Тангри ёрдамида енгиб ўтиб, гўзал ҳаётга етишишади. Ана шу ҳолат ҳам таъбирларида ўз аксини топган.

Аммо яхшилик бор жойда унга ёмонлик ҳам мавжуд бўлади. Айрим тушларга нисбатан берилаётган таъбирларда ёмон ҳодиса-воқеалар негизида ёмонликнинг ётишига алоҳида урғу берилади.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида ёмонлик, ёвузлик тимсоли сифатида қўлланилган айрим образлар туш таъбирларини белгилашда салбий тимсол сифатида баҳоланадилар. Хусусан:

“Мен олти бошли илонман,

Олтин қорин -қулоғимни

қилич билан чопиб,

Менинг танамни йўл четига,
 Бошимни уйим йўлига қўйишди, - дейишди.
 Билиб қўйинг: бу-ёмон”

Аmmo “Ирқ битиги” (“Таъбирнома”) асари мазмунида оптимизм (келажакка ишонч) руҳининг устуворлиги кўзга ташланади. Асарда илгари сурилаётган фикрларда яхшиликнинг ёмонлик, эзгуликнинг ёвузлик устидан эришилажак ғалабаси борасидаги қарашларнинг етакчи ўрин эгаллаганлигига гувоҳ бўламиз. Халқ доимо ўз келажакнинг яхши бўлишига ишонган, ёмонлик устидан яхшилик, эзгуликнинг ғолиб келишига бўлган ишонч етакчи ўрин тутган:

“Тонг ота бошлади,
 Сўнг унинг изидан ер ёришди.
 Сўнг куёш чикди
 Ҳамма ер ёруғ бўлди”, - дейишади,
 Билиб қўйинг: бу-яхши.

Кўриниб турибдики, “Ирқ битиги” (“Таъбирнома”) асарининг мазмунида ҳам асосан инсон ва унинг қайғуси, ҳасрати, дарди, қувончи, шодлиги ётади. Яхши ҳаётга етишиш йўлида олиб борилган кураш жараёнида ёмонлик, ёвузлик маҳв этилади, унинг устидан яхшилик, эзгулик ғолиб келади. Яхши хислатларнинг эгаси, яхшилик ва эзгуликни қарор топтирувчи мавжудот инсон саналади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқи томонидан энг қадимги даврлардан эрамизнинг IX асригача қарор топтирилган маърифий қарашлари инсон шахсининг шаклланишида, унинг камолотини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Уларда туркий халқларнинг инсон хулқ-одоби ва уни тарбиялашга оид дастлабки тасаввурлари ифодаланган. Муайян турмуш тарзини қарор топтирувчи ижтимоий шарт-шароитга кўра инсон ахлоқига нисбатан қўйилаётган ахлоқий талаблар моҳияти ҳам ўзгариб борган. Бироқ ҳар қандай замон ва маконда ҳам инсон эзгуликнинг жаҳолат, яхшиликнинг ёмонлик ва зиёнинг зулмат устидан ғолиб келишини истаган ва ана шу истаги инсоннинг маънавий камолотини белгиловчи асосий мезон бўлиб, ахлоқ-одобга оид қарашлар мазмунида марказий ўрин эгаллаган. Мазкур ҳолатни юқорида сўз юритилган энг қадимги маърифий мерос намуналари мисолида ҳам яққол кўришга муяссар бўлдик.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида жасурлик, мардлик, садоқат, инсонийлик, хушхулқлик хислатларига эга бўлган инсон қиёфаси гавдаланган. Ибтидоий турмуш тарзи ҳамда одамлар ўртасидаги муносабатлар мазмуни инсонларда ана шундай сифатларнинг шаклланишини тақозо этган. Икки катта куч - яхшилик ва ёмонлик ўртасида аёвсиз кураш борган. Мазкур кураш жараёнида инсонда энг яхши хислатлар шаклла борган. Билимлилик, хушхулқлик, муайян касб ёки ҳунарга эга бўлиш инсон камолотини белгиловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобланган.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ибтидоий одамлар ҳаётида тарбиянинг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?
2. Қадимги ёзувлар ва уларнинг келиб чиқиши ҳақида нималарни биласиз?
3. Халқ оғзаки ижодида инсондаги қайси хислатлар улуғланган?
4. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асаридаги ўғитлардан мисоллар келтиринг.
5. «Авесто»даги ахлоқий учлик жадвалини тузинг.
6. Қадимги туркий битигларда улуғланган хислатларни ёзиб чиқинг ва мазмунини изоҳланг.

II БОБ. VII АСРДАН XIV АСРГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА МАКТАБ, ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАҚҚИЁТИ

1. Ислom дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсири. Муслмон мактабларида таълим-тарбия мазмуни.

ҮII аср бошларида Ислom ғоясига асосланган Араб халифалиги ташкил топиб, бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа мамлакатларни забт эта бошлади. Бутун Арабистон ярим ороли, шунингдек, Эрон, Сурия, Жанубий Испания, Кавказ орти ҳамда Шимолий Африкада жойлашган бир қатор мамлакатлар халифалик таркибига киритилди.

ҮII аср ўрталаридан бошлаб араблар Мовароуннаҳрга ҳам ҳужум қилиш режасини туза бошладилар. Араб истилочиларининг Мовароуннаҳрга бўлган биринчи юриши 651 йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигида амалга оширилди. 676 йилда эса Саид ибн Усмон раҳбарлигида Бухоро, Суғдиёна, Кеш ҳамда Насаф каби шаҳарларга ҳужум уюштирилди ва босиб олинди.

Араб истилочилари томонидан уюштирилган иккинчи юриш 705 йили Хуросон ҳокими Қутайба ибн Муслим бошчилигида олиб борилиб, ниҳоятда кескин тусга эга бўлди. Қутайба ибн Муслим 706 йили Зарафшон водийсига юриш бошлаб, оқибатда Пойкенд, Бухоро, Самарақанд, Сўғд, Фарғона ва бошқа шаҳарларни қўлга киритди. Кейинчалик эса Хоразм забт этилди. Қутайба ибн Муслимнинг Мовароуннаҳрга уюштирган юриши 715 йили унинг Фарғонада кўзғолончи араб жангчилари томонидан ўлдирилиши билан тўхтади.

Араб истилочилари ҮIII асрнинг ўрталарига келиб Мовароуннаҳрни тўла забт этишга эришдилар.

Араблар томонидан босиб олинган ерларда халқлар Ислom динини қабул қилишга мажбур этилди. Араб истилочиларининг Мовароуннаҳр халқининг Ислom динини қабул қилиш жараёни қийин кечган ва бу жараён бир неча йиллар давомида амалга оширилган. Чунки Мовароуннаҳр юрти араб истилосига қадар ҳам ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жихатдан

тараккий этган бўлиб, бу мамлакатда яшовчи халқлар турмуш тарзига кўра ҳам арабларга нисбатан бир қадар устунликка эга эдилар. Зеро, мазкур худудда яшовчи халқларнинг аксарияти ўтроқ халқлар бўлиб, турғун ҳолда деҳқончилик билан шуғулланар эдилар. Шу боис улар тезда араб истилочиларига бўйсунмади. Аҳолининг истилочиларга бўйсунганини истамаганлигининг асосий сабабларидан бири улар томонидан кўрсатилган истибдод ва қатоғонлар эканлиги билан бир қаторда босқинчиларнинг маҳаллий халқнинг йиллар даомида таркиб топган маънавий-маданий мероси – санъати, адабиёти, ёзуви, осори-атиқалари ҳамда меъморий ёдгорликларини поймол этишга қаратилган ҳаракатни ҳам олиб борганлиги бўлди. Шу боис араб истилочилари халқни ўзларига бўйсундириш ва улар томонидан Ислом динини қабул қилинишига эришиш мақсадида ҳарбийлар ҳамда Ислом дини тарғиботчиларининг хизматидан бирдек фойдаландилар. Натижада ўз олдларига кўйган асосий мақсадга эришдилар. Мовароуннаҳрда Ислом таълимоти ғоялари ёйилгунга қадар бу ерда яшовчи халқлар кўп сонли худоларга, қуёшга, Кўк дин (шаман)га ҳамда ўзлари муқаддас деб билган нарсаларга сиғинишар эди. Шунга кўра ўлкада ягона бир ғоявий эътиқод таркиб топмаган бўлиб, бу ҳолат аксарият вазиятларда турли элатлар ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқарар ва ўзаро жанжалларга сабаб бўлар эди. Мовароуннаҳрда Ислом таълимоти ғояларининг ёйилиши, кишилар томонидан Шариат қоидалари, Ислом дини ақидаларига бўйсунуш, ягона ва қудратли Оллоҳга сиғинуш, шунингдек, Оллоҳнинг ердаги расули (элчиси) бўлган Муҳаммад Алайҳис-салом кўрсатмаларига риоя этиш халқнинг онгига чуқур сингиб, улар томонидан мазкур дин асосларининг қабул қилинишига замин ҳозирлади. Натижада Мовароуннаҳрда исломий кадрятлар таркиб топа бошлади.

Араблар ўлкада Ислом дини ғояларини ёйишда турли усуллардан фойдаландилар. Ана шундай усуллардан бири мазкур динга эътиқод қилган кишиларнинг жон солиғидан озод этилиши бўлди. Мовароуннаҳр халқлари ўртасида Ислом таълимоти асосларини ёйишда араб истилочилари томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатларнинг моҳияти хусусида тарихчи Абу Муҳаммад Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» номли китобида куйидаги фикрларни баён этади: “Бухоро аҳолиси ҳар сафар (Ислом лашкари келганда) мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса улар яна диндан қайтар эдилар. қутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна диндан қайтиб, яна кофир бўлган эдилар. У тўртинчи марта (келганида) Қутайба жанг қилиб, Бухоро шаҳрини олди, кўп қийинчиликлардан кейин (бу ерда) Ислом динини юзага чиқарди ва ҳар турли йўллар билан уларга қийинчиликлар туғдириб, дилларига мусулмончиликни ўрнаштирди. Улар эса Ислом динини юзакигина қабул этиб, ҳақиқатда бутпарастлик қилар эдилар. Қутайба араблар бухороликлар билан бирга туриб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисини ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқаришни тўғри деб топди ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда шариат

хукмларини бажаришга мажбур қилди. қутайба масжидлар бино қилди, кофирлик ва оташпарастилик асарларини йўқотди. У кўп жидду жаҳд қилиб, кимда шариат хукмларини бажаришда камчилик содир бўлса, уни жазолар эди. У масжиди жоме бино қилди ва одамларга жума намозини ўқишга буйруқ берди»⁵.

Истилочилик юришлари даврида араблар маҳаллий халқнинг бой маданий меросини йўқ қилдилар. Бу ҳақида буюк аллома Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Қутайба эса Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва (билимини) бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) Ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди. Кейин: Қутайба ибн Муслим ал-Воҳиший хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига таянадиган бўлдилар»⁶.

Ислом дини ана шундай ғоявий-сиёсий курашлар жараёнида шаклланди ва ривожланди.

Араб халифалари босиб олинган мамлакатларда истилочилик сиёсатини олиб борар эканлар, тобе халқлар устидан маданий устунликка эришишга ҳаракат қилдилар. Чунки араб халқи ҲII аср бошларида ўзига хос маданият ва адабий тилга эга бўлиб, нотиклик санъати ҳамда шеърятни юксак даражада кадрлар эдилар. «қуръон» ҳам ўзига хос услубда яратилиб, мазкур услуб назмий хусусиятларни ўзида намоён этар эди. Шу боис у ўрта аср араб адабиётининг энг нодир дурдонаси сифатида эътироф этиб келинмоқда. IX асрда яратилган «Минг бир кеча» асари ҳам ўрта аср араб адабиётига хос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттирган бўлиб, ўзининг мундарижаси ва ғояларнинг баён услубига кўра жаҳон адабиётининг энг нодир намуналаридан бири сифатида тан олинган.

Мазкур даврларда шаклланган янги араб тили араб халқлари яшаган ҳудудларда истемолда бўлган аввалги тиллар негизида шаклланиб, тақомилига етди ва маданий тил бўлиб қолди.

Улкан ҳудудни қамраб олган Араб халифалиги давлатининг хукмронлиги даврида ижтимоий ҳаёт, турмуш тарзи, шунингдек, илм-фан ва маданият янада ривожланди. Ушбу даврларда қадимги юнон ва рим маданий мероси негизида бир қатор фанлар янги тушунча ва билимлар билан бойиди. Юнон ва рим мутафаккирлари томонидан яратилган ва астрономия, тиббиёт, кимё, математика ва географияга оид деярли барча йирик асарлар араб тилига таржима қилинди.

Юнонлардан эса фанлар таснифи (классификация) олиниб, фанлар назарий ва амалий фанлар тарзида икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга қуйидаги учта фан киритилган: табиёт тўғрисидаги фанлар, илоҳиёт тўғрисидаги фанлар ва математика фани киритилган бўлиб, ушбу фанлар

⁵ Абу Мушаммад Наршахий. Бухоро тарихи, —Т.: Фан, 1966. 47-бет.

⁶ Абу Райшон Беруний. +адимги халқлардан =олган ёдгорликлар. Танл.асарлар —Тошкент, Фан, 1968. 72-84-бетлар

таркибидан арифметика, ҳандаса (геометрия), астрономия ва мусиқа фанлари ўрин олган. Иккинчи гуруҳга киритилган фанлар қаторида этика, иқтисод ва сиёсатга оид фанлар эътироф этилган. Ўша давр нуқтаи назаридан бир мунча юксак тараққий этган ҳинд фани араб маданиятининг умумий ривожига, хусусан, арифметика, алгебра ва тиббиёт фанлари асосларининг бойишига муносиб ҳисса қўшди. Сонларнинг моҳиятини ёритиб берувчи ҳинд назарияси мазмуни билан европаликлар Араб халифалиги тасарруфига кирувчи ҳудудларда истиқомат қилган мутафаккирларнинг саъи-ҳаракатлари орқали танишишга мушарраф бўлганлар. Бу борада маълумот берувчи муҳим манба Муҳаммад ал-Хоразмий томонидан асосланган «Ал-жабр» («Алгебра») асари бўлиб хизмат қилди.

Араблар улкан ҳудудда халифалик давлатини барпо этиш натижасида география фанининг ҳам бир қадар тараққий этишига ўз хиссаларини қўшдилар. Мазкур даврда араб халифалигининг умумий мулкани акс эттирувчи дастлабки хариталар яратилди. IX асрда яратилган ана шундай хариталарда Араб халифалиги ҳудудларидан оқиб ўтувчи дарёлар ва уларнинг оқимлари хусусидаги маълумотлар ўз аксини топган. Шунингдек, хариталар ёрдамида Жанубий Испаниядан то Марказий Осиё ҳамда Ҳинд дарёсигача чўзилган халифалик ерлари, уларнинг географик ўрни, иқлими ҳамда табиий бойликлари (ўрмон, дарё, тоғ ва ҳоказолар) борасидаги қимматли маълумотлардан хабардор бўлиш мумкин эди. Хариталарда аксарият ўлкалар арабча номлар билан кўрсатилган. Хусусан, аждодларимиз яшаган ҳудуд “Мовароуннаҳр” (“Дарё орти” маъносини англатади) деб номланган.

Ислом дини Арабистон ярим оролида унинг кўп асрлик тарихи негизида шаклланган. У ўзига хос диний-сиёсий оқим, шунингдек, умуминсоний тараққиётни белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга маънавий омил саналади. Айни вақтда Ислом дини кишилик жамиятининг ибтидоий даври хусусиятларидан воқиф бўлиш ва Ўрта аср Уйғониш даврининг рўй бериши учун маънавий-ғоявий пойдевор қўйган ижтимоий эҳтиёж сифатида юзага келди. Ислом таълимоти ўзининг инсонпарвар ғоялари ва уларни инсонлар онгида чуқур сингдира олиш имкониятлари туфайли ўн тўрт асрдан буён борлиқни онг ёрдамида мафкуравий тарзда идрок этишнинг асосий шакллари билан бири бўлиб келмоқда. Ислом таълимотининг бу қадар улкан ҳудудга ёйилиши ва умуминсоний кадрият сифатида эътироф этилишида Оллоҳнинг расули (ердаги вакили) бўлган пайғамбар Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ўрни ва шахсий роли беқиёсдир. Қуръон оятларини ўрганиш ўзгалик билан ўзликнинг Исломдаги уйғунлашувини аниқ белгилаш, унинг асосчиси шахсини кўра олиш, ҳис қилиш имконини беради.

Араб истилочиларининг Мовароуннаҳрдаги ғалабасидан сўнг барча мустамлака мамлакатлар қатори у ерда ҳам Ислом диннинг асослари хусусида маълумот берувчи муқаддас китоб – “Қуръон” яратилган тил - араб тилини ўрганиш жорий этилди. Диний уламоларнинг махсус кўрсатмаларига мувофиқ муқаддас китобни бошқа тилларга таржима қилиш таъқиқланди. Шу боис мусулмон мактабларида асосий манбанинг тили ҳамда фан

сифатида араб тилининг ўқитилиши йўлга қўйилди. Мавжуд фанларнинг асослари араб тилида ўрганила бошланди. Араб халифалиги тасарруфига олинган барча мамлакатларда масжидлар қошида махсус мактаблар ташкил этилди. Бироқ ўғил болаларгина мазкур мактабларда савод ўрганиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Мактаблар, шунингдек, кейинчалик бунёд этилган ва мақоми жихатидан ҳозирги олий ўқув юртларига тенг бўлган мадрасаларда таълим ва тарбия ишлари Шариат қоидаларига мувофиқ йўлга қўйилган бўлиб, ушбу ўқув масканларида Ислом таълимоти хусусида маълумотлар берувчи илоҳиёт фанлари билан бир қаторда дунёвий фанларнинг асослари ҳам ўқитилган. Мачитлар қошида фаолият юритган мактабларда имомлар, мадрасаларда эса мударрислар ёшларга таълим ва тарбия бериш иши билан шуғулланганлар.

Болаларга дастлабки сабоқ ҳарфлари ўқишдан бошланган, бу усулда ҳар бир бола алифбе тартибида ҳарфнинг номини билиб олиши (алиф, бе, те, се, ва ҳ.), сўнгра шу ҳарфларни қўшиб ўқишни машқ қилар эди. Ана шу машқ охирига етгандан сўнг, болалар қўлларига “Қуръон” берилган ва домла раҳбарлигида “Қуръон”нинг ҳар бир сураси такрорланиб ўрганилар эди.

Лекин “Қуръон”ни ўқиш болалар учун жуда оғир эди. Чунки мактабларда фақат оғзаки машқ усулига — “Савод” чиқарилишига ўтгач, савод чиқариш янада қийинлашди. Ёзув алоҳида “фан” сифатида ажратилиб, котиблик касбига ўқиётганларгагина ёзув ўргатилар эди. Шунга қарамай, мактабларга деярлик ҳамма болалар тортилади ва “Қуръон”ни ўрганиш мажбур қилиниб, араб бўлмаган болалар учун уни ёдлаш ҳар қанча оғир бўлса ҳам, Мовароуннаҳр мактабларида “Қуръон”нинг бу усули қабул қилинади ва тўғри деб топилди. Бу усул кейинчалик болаларнинг мадрасада ўқитиш учун ҳам керак эди.

Аста-секин ота-оналар болаларни 6-7, ҳатто 5 ёшидан мактабга бера бошлайдилар. “Қуръон”ни ёд билган киши қори деб аталарди. Қорилар катта ҳурматга сазовор эдилар.

Аста-секин ўқимишли кишилар, яъни домла алоҳида ажралиб, улар ўз хонадонларида ҳам мактаб очади. Талабалар мактабдор домлалар мактабида хуснихат, оғзаки ҳисобни ҳам ўрганар, аста-секин форс-тожик тилида ва туркий тилдаги китобларни, қўлёзмаларни ҳам ўқитилар, ўргатилар эди.

Ҳуснихат ва арифметика билан яна хусусий муаллимда шуғулланар эдилар.

Мовароуннаҳрда араб бўлмаган болаларга “Хафтияк” VIII асрда тузилган бўлиб, “Қуръон” сураларидан еттидан бири танлаб олинган дарслик сифатида ўрганилган.

X—XII аъдәә ёñейì аеіе ðóéóіеәðè òіæеè òеёеәà øаúð àà іаñð аеёәі ааён килинган, “Чоркитоб” ўқитила бошланди.

XII асрдан бошлаб Аҳмад Яссавий, унинг туркий тилда ёзилган шеър ва бошқа асарлари воситасида ислом дини руқунлари туркий тилда ўрганила бошланди.

Мактабларда фақат ўғил болалар ўқир, қизлар эса отинойилар уйида ўқитилар, улар ёзувни эмас, фақат ўқишни ўрганар эдилар.

Х аср бошларида мадрасалар ҳам пайдо бўла бошлайди. “Мадраса” сўзи “дарс ўқитиладиган жой”, “Маъруза тинглайдиган жой” маъносини англатади. Маълумки, мадрасаларда мусулмон диний оқимлари араб тили грамматикаси ва қоидачилик, илоҳиёт, мантик, нотиклик маҳорати, калом ўргатилган. Аста-секин мадрасаларда астрономия, математика, география, кимё каби дунёвий фанлар ўқитила бошланди.

Мадрасаларда 15—20, 30—40 ва 100—150 тача талаба ўқиган. Мадрасани битириб чиққанлар имом-хатиб, қозихоналар ва бошқа маъмурий ишларда иш олиб борар эди.

Ислоннинг шаръий маъноси - бу Аллоҳ ягона деб эътиқод қилиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга имон келтирмоқлик демакдир. Аллоҳга итоат қилган ва Аллоҳ юборган пайғамбарларга эргашган киши мусулмон дейилади.

Илоҳиётда ислом дини имон, ислом ва эҳсондан иборат деб эътироф этилган. Имон талаблари Аллоҳнинг борлиги ва ягоналиги, фаришталар, муқаддас китоблар ва пайғамбарларнинг мавжудлиги, охират кунининг келиши, тақдири азалнинг ҳақлиги ва инсон жисмининг ўлгандан кейин тирилишига ишончдан иборатдир.

Ислом дини таълимотига кўра, ҳар бир мусулмон ушбу бешта асосий рукни бажариши шарт: Биринчиси, “Ла илааҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадур-расулуллоҳ” деб Оллоҳнинг борлиги, ягоналиги ва унинг қудратига, шунингдек, Муҳаммад Аллайҳис-саломнинг Тангрининг ердаги элчиси, расули эканлигига шаҳодатлик бериш; иккинчиси, намоз ўқиш; учинчиси, закот бериш; тўртинчиси, рамазон ойида рўза тутиш; бешинчиси; имконият даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳаж сафарини ўташ.

Ислом динининг асосчиси ва тарғиботчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 570 йилда Маккада курайш қабиласига мансуб Ҳошимийлар хонадониде туғилади. Отаси Абдуллоҳ Шом сафарига кетаётиб Мадина шаҳрида вафот этганда, ёши 30 га етмаган эди. Ёш Муҳаммад беш ёшида онаси Оминадан ҳам ажралади. Шундан сўнг уни бобоси Абдул Муталлиб ўз тарбиясига олади. Бу чоғда Абдул Муталлибнинг ёши юздан ошган эди. Кўп ўтмай у ҳам вафот этади. Бобосининг вафотидан сўнг унинг васиятига кўра, ҳали вояга етиб утгурмаган Муҳаммадни амакиси Абу Толиб тарбиялайди. Ушбу йилларда у савдогарлик касбининг сир-асрорларини ўргана бошлайди. Вояга етгач Макка шаҳрининг бадавлат аёлларидан бири бўлган Хадичанинг хизматига ишга киради.

609-610 йиллардан бошлаб Муҳаммад пайғамбар сифатида ягона оллоҳга эътиқод қилиш ғоясини тарғиб эта бошлади. Ислом динининг ғояларини курайиш ва бошқа қабилаларнинг аъзолари ўртасида тарғиб этишда Муҳаммад Аллайҳис-саломга Хадича ҳар жиҳатдан кўмак беради, улар бир умр маслакдош, ҳамфикр бўлиб қоладилар.

Ислом дини ғоялари тарғиботининг дастлабки йиллари пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳис-саломнинг ғоявий эътиқодларига қарши кофирлар ва Макка мушрикларининг адовати тобора кучайиб боради. Бир неча урушлар бўлди. Шундан сўнг Аллоҳнинг изни билан Макка шаҳридан

Мадина шахрига хижрат этишга рухсат бўлди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом 622 йилда ўз саҳоба ва тарафдорлари билан Мадина шахрига йўл олдилар. Мусулмонларнинг хижрий йил ҳисоби худди шу йилдан бошланади.

Мадинада қабилалар қўшилиб, янги иттифоқ – жамоа тузилади. Бора-бора Мадина шахрида мусулмон жамоалари кучли давлатга айланади.

632 йилда Муҳаммад Алайҳис-салом Макка шахрига яна бир бор ҳаж қиладилар, орадан уч ой ўтгач, Мадина шахрида вафот этадилар.

Бу пайтда мусулмон давлати Ямандан Синай ярим оролигача, қизил денгиз соҳилларидан Марказий кум саҳросигача бўлган худудни ўз тасарруфига олиб, мавқеини анча мустаҳкамлаб олган эди.

Муҳаммад Алайҳис-салом вафотларидан сўнг давлатни қуйидаги халифалар бошқардилар: Абу Бакр ас-Сиддик (632-634 йиллар), Умар ибн ал-Хаттоб (634-644 йиллар), Усмон ибн Аффон (644-656 йиллар) ва ниҳоят Али ибн Абу Толиб (Муҳаммад Алайҳис-салом амакиларининг ўғиллари ва пайғамбаримизнинг куёвлари).

Халифалар даврида ислом таълимоти мустаҳкамланди. Пайғамбаримизга нозил бўлган “Қуръони Карим” ғоялари саҳобалар томонидан китоб ҳолида жамланди.

ғарб ва Шарқ тадқиқотчилари “Қуръон”ни жаҳон маданиятининг энг нодир асарларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Хат-саводи бўлган Абу Бакр ас-Сиддик, Умар ибн ал-Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Зайд ибн Собит, Убай ибн Коааблар “Қуръон” оятларини йигирма уч йил давомида ёд олиб борганлар ва хат билан битганлар.

Учинчи халифа Усмон ибн Аффоннинг топшириғига кўра “Қуръон” суралари ва оятлари биринчи бўлиб саҳоба Зайд ибн Собит томонидан кийик терисидан тайёрланган саҳифаларга битилган. Сўнгра ушбу манбадан 6 нусха кўчиртирилиб, марказий шаҳарларга битта нусхадан юборилган ҳамда қуръоннинг фақат ана шу нусхаларидан фойдаланишга фармон берилган. Шундай қилиб, “Қуръон” мусулмонларнинг диний, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида асосий қўлланма бўлиб қолади.

Маълумки, ислом ғоялари, мусулмончиликнинг талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари “Қуръон” ва унинг тафсирлари, “Ҳадиси Шариф”, шариат қоидалари битилган қўлланмалар ҳамда илоҳиётга оид адабиётлари мазмунида батафсил ифодаланган.

“Қуръон”- дунё маданиятининг улкан бойлиги, мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб, араб тилида “қироат” маъносини англатади. “Қуръон” 114 сурадан иборат бўлиб, уларнинг 90 таси Муҳаммад Алайҳис-салом Макка шахрида, 24 таси эса Мадина шахрида истиқомат қилган даврларда нозил бўлинганлиги тўғрисида манбаларда маълумотлар келтирилади. “қуръон” ғоялари кишиларни тенглик, биродарлик, тинч-тотув яшаш ва эзгуликка ундайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий қимматга эга. “қуръон” ғояларининг маънавий-ахлоқий хусусиятлари хусусида сўз юритилар экан, унинг инсоннинг маънавий камолга етишида қай даражада

муҳим ўринга эга эканлигига амин бўламиз. Шунинг учун у мана неча асрлардан бери инсониятнинг энг улуғ қадрияти сифатида эъзозланиб келинмоқда.

Қуръони Карим кишиларни тинч-тотув яшаш, биродарлик, тенглик, сахийлик ва бир-бирига меҳр-муҳаббат кўрсатишга ундайди. Шунга кўра у катта ахлоқий аҳамиятга эга. “Қуръон”нинг ахлоқий қиммати унинг инсонни маънавий камолотга эришишида риоя этиши лозим бўлган талабларни бир бутун ҳолда мужассам эта олганлиги билан белгиланади. Шу боис у неча асрлардан буён инсониятнинг энг улуғ қадриятларидан бири сифатида эъзозланиб келинмоқда.

Аслини олганда, исломда илоҳий ва дунёвий ҳодисалар алоҳида-алоҳида олиб қаралмайди. Ислом таълимотида инсоннинг руҳий ва жисмоний камолотига ҳам бирдек эътибор берилади.

Исломий ғоялар одамларни яхшиликка даъват этади, уларни ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ, руҳий-маънавий поклик, меҳнат қилиш ҳамда ер юзини обод ва гўзал этишга ундайди. У адолат, тенглик, тинчлик, эркни тарғиб этади.

Буни биз “Қуръон”нинг инсон камолотга эришишидаги аҳамияти, унинг инсонга ва бутун борликқа нисбатан муносабати мазмунидан ҳам билсак бўлади. Сура ва оятлар воситасида зоҳир этилган мусулмон олами, хусусан, ислом динига эътиқод қилувчи халқларнинг маданияти, маънавияти ва маърифатига оид қарашлар ахлоқий меъёрларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, инсон камолоти аввало унинг билим ва тафаккур даражаси билан белгиланади. Ислом дини асрлар давомида инсонларни чуқур билим олиш, илм-фан сирларини пухта эгаллаш, ўзлаштирилган билимлар асосида ижтимоий фаолиятни ташкил этишга ундаб келган. Илм-фан, маърифат тараққий этган жамиятгина ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланади. “Қуръон”нинг “Зумар” сураси 9-оятида кишиларни илм ўрганишга даъват этувчи шундай фикрлар баён этилади: “Айтинг: Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми? Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насихат қила олурлар”.¹

Исломда инсоннинг ақлий камолоти ва тафаккурини ривожлантиришга катта эътибор берилади: булар илм ва ҳақиқатни далиллар ёрдамида исботлаш; сўзлаганда ва амалий ҳаракатни ташкил этганда аниқликка эътибор бериш, фикр юритишда ва муайян фаолиятни йўлга қўйишда ўзгаларга тақлид қилишдан сақланиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайта-қайта уқтирилади.

Шунингдек, “Қуръон”да илмни ишончли далиллар билан асослаш, тақлид қилишга йўл қўймаслик масалалари ҳам талқин этилган. Унда ҳар бир фикрни кўр-кўрона, ақл ишлатмасдан илгари суриш қораланади. Мавжуд билимлар моҳиятини таҳлил этиш асосида улар орасидан энг тўғри ва мақбул деб топилган ғояларни танлаб олиш мақсадга мувофиқ эканлиги уқтирилади:

¹ +уръони Карим. Ўзбекча изошчи таржима, Таржима ва изошлар муаллифи Алоуддин Мансур.—Т.: /афур /улом номидаги нашриёт, 1992. 339-бет (Кейинги мисоллар шам шу манбадан олинди)

“Менинг бандаларимга - сўзга кулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни, нажотга элтувчи рост сўзга) эргашадиган зотларга хушхабар беринг! Ана ўшалар Оллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир” (“Зумар” сураси, 18-оят). Ҳар бир фикрни диққат билан тинглаб, унинг моҳиятини чуқур англаб, тушуниб, сўнгра унга риоя этганлар ҳақиқий ақл эгаларидирлар. Албатта, илм ақлий мушоҳада ёрдамида ўзлаштирилади. Шу боис “Қуръон” ғоялари инсонни ўзида ақлий мушоҳада юритиш кўникмаларини ўзлаштиришга ундайди.

Кўриниб турибдики, ислом дини таълимотига кўра, билимлилик ва ақлий камолот инсон етуклигининг асосий мезони саналган. Шу боис кўриш, эшитиш ва ақлий мушоҳада юритиш асосида инсонда билиш қобилиятининг шаклланишига алоҳида урғу берилади. Буни биз “Қуръон”да инсонларни ҳам дунёвий илмлар (табиий, психологик, жўғрофик, социологик ва тиббий билимлар), ҳам диний қарашларни ўрганишга тарғиб этувчи ғоялардан ҳам билсак бўлади.

Маълумки, илм-фан тараққиёти инсоннинг ахлоқий камолга етишида катта аҳамиятга эга бўлади. Шу боис “Қуръон”да хулқ-одоб қоидалари мажмуининг яратилишига асосий эътибор қаратилади. Муайян шахс, шунингдек, жамиятнинг равнақ топишида ахлоқнинг ўзига хос роли ва ўрни тавсифланади. Зеро, ўзи яшаб турган жамият аъзоси бўлган ҳар бир кишининг ахлоқсизлиги жамиятга сезиларли даражада зарар етказса, ахлоқли кишилар унинг гуллаб яшнашига муносиб ҳисса қўшадилар.

“Қуръон”да ҳар бир мўмин-мусулмон бажариши зарур бўлган яхши амаллар инсон камолотини белгиловчи омиллардир, деб тушунтирилади. Зеро, Ислом дини ғояларининг асл моҳияти ҳам кишиларга ёмонликнинг салбий оқибатларини кўрсатиш, уларни доимо тўғри йўлда юришга даъват этиш ва ёмонликнинг олдини олишдан иборатдир.

Бева-бечора, етим-есир ва қаровсиз кишиларга нисбатан эҳсон кўрсатиш, хайр қилиш инсонга хос бўлган энг муҳим ахлоқий хислатлардан бири эканлиги, инсонда имоннинг ўзига хос мезони саналган саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр ва қаноат, тўғрилиқ, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилади. Шунданми, инсондаги ахлоқий хислатлардан энг муҳими хайру эҳсон ҳақида алоҳида фикр юритилади. «Эҳсон» тушунчаси мазмунан кенг қамровли бўлиб, унда муомала ҳам, инсон томонидан амалга ошириладиган барча яхши амаллар моҳияти ҳам акс этади. Ўзгаларга нисбатан эҳсон кўрсатиш - ҳар бир инсоннинг энг оддий инсоний бурчи бўлиши лозимлиги айтилади. Зеро, икки оламнинг яратгувчиси бўлган Оллоҳ барча неъматларни ўзи яратган мавжудотларга эҳсон этган. Оллоҳ томонидан қилинган эҳсондан фойдалангувчи бандалар ҳам аҳолининг энг ночор қатлами вакилларига нисбатан мурувватли бўлишлари, уларга хайру-эҳсон кўрсатишлари лозим: “Оллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Оллоҳнинг бандаларига) инфоқ-эҳсон қил” (“қасос” сураси, 77-оят). Шунингдек, ким бировга эҳсон қилса, унинг фойдаси ўзига қайтиши, чунки бировга яхшилик қилган киши ўзида руҳий қаноат ҳис этиши, бошқалар томонидан хурмат-эҳтиромга сазовор бўлиши

таъкидланади. Мазкур фикрлар «қуръон»да қуйидагича ифодаланади: «Ким чиройли амал қилса, унга ўн баробар бўлиб (қайтарилур). Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробаринда жазоланур» («Анъом» сураси, 160-оят).

Ота-оналар «Қуръону Карим» ғояларига кўра энг биринчи навбатда эҳсон кўрсатилишига лойиқ кишилар сифатида қайд этилгани ҳолда уларнинг ҳақлари белгилаб берилади. Ота-онанинг фарзанд олдидаги ҳаққи қуйидагилардан иборатдир:

- фарзандга ота-она хатти-ҳаракатларининг малол келмаслиги;
- ота-она билан гаплашганда уларнинг дилларига оғир ботадиган сўз айтмаслик;
- ота-онага эҳтиром бажо келтириш;
- отан-онага раҳм-шафқат кўрсатиш;
- ота-онанинг ҳақларига дуо қилиш.

“Қуръон”да фақат ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзоларига, қариндошлар, етимлар, камбағаллар, кўни-қўшниларга ҳам яхшилик қилиш таъкидланган. “Нисо” сурасининг 36-оятида “Ота-онангизга ҳам қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош, қўшни ва бегона кўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга яхшилик қилингиз!” (58-бет) дея, кишиларни бир-бирига яхшилик қилишга ундайди.

Бу оят катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги жамиятни мустаҳкамлашга, ҳар бир етимга ғамхўрлик эса жамиятнинг тақдири учун ҳаракат қиладиган маънавий юксак инсонни камолга етказишга олиб келади. Кўни-қўшнилари билан тотувлик эса маҳалла ҳаётининг тинч-тотув бўлишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида жамиятнинг барқарорлигига олиб келади. Демак, юқоридаги сура оила ва жамият ўртасидаги мустаҳкам алоқа моҳиятини ҳам ифода этади.

“Қуръон”да сабр-қаноатга ҳам юксак ахлоқий фазилат сифатида катта эътибор берилади. Шунинг учун ҳам сабр “Қуръон”да энг кўп зикр этиладиган хислат бўлиб, қуйидаги хислатларни камол топтиради. Шу ўринда шижоат қийинчиликларга, ифбат - шаҳвоний ҳирсга, ҳалимлик эса жаҳлга сабр қилишнинг мезони сифатида талқин этилади.

“Қуръон”да таъкидланганидек, сабрли, саботли бўлиш - бу қийинчиликларга бардош бериш, ёмон кишилар томонидан етказган ноҳақликларга чидаш, бошга тушган мусибатларга нисбатан бардошли бўлишдан иборатдир. Қуйида келтирилувчи оятларда қайд этилган фикрларга риоя этиш инсонда сабр-тоқат ҳамда матонат каби хислатларни тарбиялайди: “Ва албатта, сизларни хавфу-хатар, очлик, молу жон ва мевачеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: “Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчиларимиз”, дейдиган собирларга хушхабар беринг (Эй Мухаммад)! Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловат (маърифат) ва раҳмат бордир. Ана ўшалар ҳақ йўлини топгувчилардир” (“Бақара” сураси, 155-157-оятлар).

Юқорида келтирилган оятлар мазмунидан англанадики, сабрли кишилар ҳаётда доимо тўғри йўлни танлаб оладилар, ҳар қандай қийинчиликларга бардош берадилар, мусибатлар олдида бош эгмайдилар. Қуръону Карим инсонни сабр-бардошли бўлишга ундайди. Бу эса ҳар бир кишининг энг олий хислати саналади.

“Қуръон”да инсонда таркиб топиши керак бўлган олий хислатлардан яна бири садоқат деб таълим берилади.

Ҳар бир жамиятнинг равнақи шу жамиятда яшаётган кишиларнинг ўз ватани ва халқига бўлган садоқатига ҳам боғлиқдир. Зеро, садоқат бор жойда ишонч, эътиқод мавжуд бўлади. Жамият аъзоларининг ватани ҳамда халқига нисбатан садоқатли бўлишлари жамият равнақини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи омиллардан бири ҳисобланади. “Қуръон”да садоқат барча яхшиликларнинг дебوحаси сифатида, шунингдек, ростгўйлик маъносида ҳам талқин этилган. Садоқат ўзгаларнинг омонатига хиёнат қилмаслик, берган ваъдасига вафо этиш каби ҳолатларни ҳам ифода этади. Шунга кўра Аллоҳ мусулмонларни бир-бирларига садоқатли бўлишга ундаган: «Эй мўъминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва иймонларида садоқатлилар билан бирга бўлингиз», — дейилади «Тавба» сурасининг 119-оятида.

“Қуръон”да кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида ҳам гап боради ва бу олий даражадаги инсоний хислат бўлиб, пок қалбли кишиларгина бунга эриша олади, дейилади. Жамият аъзоларининг бундай хислатга эга бўлишлари ҳам жамиятда, ҳам одамлар орасида тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишига замин ҳозирлайди. Шу боис ҳам кишилар ўртасидаги ўзаро алоқани мустаҳкамлаш мусулмончиликнинг асосий талабларидан бири саналади. “Ҳужурат” сурасининг 10-оятида бу хусусда: “Мўъминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, оға-инилардир. Бас сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар”, - дейилади.

Кишилар ўртасидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш ёки уларнинг ўзаро тотув яшашларига эришиш жамият аҳамиятига эгадир. Ижтимоий ҳаётда ҳар бир шахс ёки умумхалқнинг фаровон ва бахтли ҳаёти кўп жиҳатдан уларнинг ўзаро тинч-тотув яшашларига боғлиқ. “Қуръон”да кишилар ўртасида йўлга қўйилувчи ўзаро ёрдамга алоҳида аҳамият берилади. Атрофдагиларга нисбатан яхшилик қилиш ҳамда такводорлик йўлида бир-бирига ёрдам беришга чақирилади. “Қуръон”да яхшилик тушунчаси остида ростгўйлик, омонатга хиёнат қилмаслик, саҳийлик, шижоат ва бошқа барча фазилатлар назарда тутилади. Шу билан бирга “Қуръон”да жамият, шунингдек, бирор кишининг манфаатига зарар етказувчи ёмонлик ҳамда душманлик қораланади.

“Қуръон”да инсондаги энг зарур хислатлардан саналган олийжаноблик ҳақида ҳам фикр юритилади. Олийжаноблик-яхшиликни ўзи учун эмас, бошқалар учун ҳам зарурлигини англаш истагидир. Демак, олийжаноблик руҳий ҳолат бўлиб, инсон камолотини кўрсатувчи хислатдир. “Ҳашр” сурасининг 9-оятида “Гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг

бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот олгувчи зотлардир”, – дея ўзгаларга нисбатан олийжаноблик қила олган инсонлар шарафландилар.

“Қуръон”нинг бир қатор оятларида ширинсуханлик, тўғри сўз ва муомала маданияти борасида сўз юритилади. Муомала маданиятига риоя қилиш қонун-қоидалари Исломи дини ғоялари яратилгунга қадар ҳам тизимланган бўлсада, бироқ Исломи таълимотигина унинг асли моҳияти, шунингдек, инсон камолоти ва жамият тараққиётидаги аҳамиятини тўлақонли равишда очиб берди. Кишиларида ширинсўзлик, маданий муомала қила олиш кўникмалари тараққий этган мамлакатлардагина ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий тараққиёт рўй беради. Ширинсўзлик инсоннинг муомала маданиятига эга эканлигини кўрсатади, унинг обрўсини оширади, элнинг хурматиغا сазовор қилади. Шу боис “Қуръон”да ҳар бир инсоннинг ширинсўз бўлиши ҳам ўзи учун, ҳам жамият учун фойдали эканлигига алоҳида урғу берилади. Бошқа оятда эса Оллоҳ кишиларни сўзлашганда паст овоз билан сўзлашга ундайди: “Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз” (“Бақара” сураси, 53-оят).

Сўзлашганда очик юзли бўлиш, қўполлик қилмаслик, хушмуомала бўлиш одоблари ҳаётда тинчлик ва бахт-саодатга элтувчи ёруғ йўл сифатида талқин этилади. Ҳақиқатдан ҳам сўзлашиш маданияти ҳар бир инсон учун энг зарур бўлган, унга бахт-саодат, жамиятга эса равнақ келтирадиган муҳим фазилатдир. Келтирилган мисоллардан шу нарса аён бўлмоқдаки, муомала маданияти барча даврларда ҳам инсонийликнинг энг улуғ сифати тарзида талқин этилган. Зеро, халқаро майдонда давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрнатишда ҳам муайян давлатнинг расмий вакили саналган элчиларнинг сўзлашув маданияти қоидаларининг моҳиятидан нечоғлик хабардор бўлишлари ҳамда уларга қатъий амал қила олишлари ниҳоятда муҳимдир.

“Қуръон”да яхши фазилатларга эга кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш инсоннинг камолотга эришувини таъминловчи омиллардан бири эканлигига ҳам алоҳида урғу берилади. Бу ҳолат яхшилар билан дўст бўлиш имкониятини яратади, дўстни душмандан ажрата олиш лаёқатининг шаклланишига имкон туғдиради, ўзига нисбатан ҳамкор - дўст танлашига ёрдам беради.

“Ва-н-нажм” сурасининг 24-оятда “Бизнинг зикримиздан кечган ва фақат ҳаёти дунёнигина истаган кимсалардан юз ўғиринг”-дейилади.

“Кахф” сурасининг 28-оятда эса “Биз қалбини бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга шижоат этманг”-дея таъкидланиб, ахлоқан тубан кишилар билан дўст тутиниш хато эканлиги уқтирилади. Яхши кишилар билан ҳам, ёмон кишилар билан ҳам муомала-мулоқотда бўлганда, албатта унинг ўзига хос одоб қоидаларига риоя этиш талаб этилади.

Исломида руҳсат сўраш ва саломлашиш одобларига амал қилинишига ҳам алоҳида эътибор берилади. “Нур” сурасининг 27-28-оятларида бу борада аниқ тавсиялар берилганки, бу тавсияларга риоя қилиш инсон маънавий камолотидан далолат беради (“Нисо” сурасининг 86-оят).

“Қуръон”да инсоннинг маънавий пок бўлиш, ҳавойи нафсдан сақланиш масалаларига ҳам эътибор берилган. Унда кишиларни ҳавойи-нафсга берилмаслик, ўзини турли рағбат ва шаҳватлардан сақлаш кераклиги ҳақида таъкидланади, ҳавойи-нафсга берилишнинг сабаблари тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Ҳавойи-нафсга берилишининг асосий сабаби сифатида киши иродасининг заифлиги ва илмсизлиги ёки илмининг камлигидир дея кўрсатилади. Чунки инсон билимсизлиги туфайли ҳавойи-нафсга маҳкум этилади, шунга кўра ақли ишлатиб, ҳаётда тўғри йўл тутишга даъват этилади. Масалан, “Анъом” сурасининг 119-оятида “Шубҳасиз, кўп кишилар ўз хою-ҳаваслари билан билмаган ҳолларда ўзларини йўлдан оздирурлар”. “Рум” сурасининг 29-оятида “золим кимсалар бирон билим-ҳужжатсиз ҳавойи-нафсларга эргашиб (Оллоҳга) ширк келтирадилар” каби фикрлар бунинг далилидир.

“Қуръон”да яна инсонни ахлоқий камолга етказишга зид хусусиятлар: манманлик, ароқхўрлик, қиморбозлик, ёлғончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, жосуслик, ғийбатчилик, маиший бузуклик, ғазабноклик, ҳасадгўйлик, очкўзлик кабилар хусусида ҳам муҳим фикрлар билдирилган.

Манманлик - ўз айбини тан олмаслик, такаббурлик саналади. Манманлик иллоти кишиларни соғлом фикр юритишдан, ўзини такомиллаштириб боришдан маҳрум этади. Натижада жаҳолат иллоти пайдо бўлади (“Аъроф” сурасининг 146-ояти).

“Қуръон”да ароқхўрлик ва қиморбозлик ҳам инсонни тубанлик сари етакловчи, ор-номусини оёқ ости қилувчи иллат сифатида қораланади. Чунки ароқхўр аста-секин ор-номусини унута бошлайди, маиший тубанликка юз туттади. Инсон наслининг бузилиши, жамиятнинг инқирозига сабаб бўлади. Ароқхўрлик ва қиморбозлик руҳан ва жисмонан инсоннинг маънавий қашшоқланишига олиб келади. Бундай инсон ҳам оила, ҳам жамият учун бевосита зарар келтиради. Шунга кўра, ислом таълимоти ғояларида ароқ ҳаром ҳисобланиши қайд этилади.

Қимор эса инсонга ҳам моддий, ҳам маънавий жихатдан зарар келтиради, инқирозга юз тутишга олиб келади. Шунинг учун ҳам ушбу ёмон иллатларнинг олдини олиш таъкидланади.

“Қуръон”да ёлғончилик ва унинг турлари, зарарли оқибатлари ҳақида ҳам батафсил тўхтаб ўтилган. Унда ёлғончилик разолат билан бир қаторга кўйилади. Одамлар ёлғончи кишининг гапларига ишонмай кўядилар, унга бўлган ишончларини йўқотадилар.

Шунингдек, мазкур китобда ёлғончиликнинг турлари ҳам баён этилади. Шулардан энг хавфлиси хиёнат деб таъкидланади. Зеро, хиёнат жамият учун ҳам, шу жамиятда яшовчи одамлар учун ҳам зарар келтириб, уни хароб этади. “Анфол” сурасининг 27- ҳамда “Нисо” сурасининг 107- оятида хиёнат қилганларни Оллоҳ кечирмаслиги таъкидланган. Ёлғончиликнинг яна бир тури ваъдага вафо қилмаслик деб кўрсатилади. Иродасиз, бировга яхшиликни раво кўрмайдиган, ишончсиз кишилар ваъдага вафо қилмаслиги баён этилади.

Исломда ваъдасининг устидан чиқмаслик - мунофиқлик деб тушунтирилади. Бу хусусидаги фикрлар ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топган, хусусан, “Мунофиқликнинг белгиси учта: гапирса-ёлғон гапиради, ваъда берса-вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади” тарзида ифода этилган.

Ёлғон гувоҳлик бериш ҳам кишиларга жабр-зулм ўтказишга сабаб бўлишига “Қуръон”да алоҳида эътибор берилади.

Чақимчилик ҳам ёлғоннинг бир тури сифатида, кишилар ўртасига нифоқ солувчи разолат тарзида қораланади. “Қуръон”да ҳақиқий инсон ўзгаларни камситмаслиги, бошқаларни ҳурмат қилиши, шу билан кишилар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаш мумкин эканлиги каби ғоялар ҳам мавжуд.

Кишиларнинг бир-бирини ҳурмат қилиши, ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, келишмовчиликларнинг олдини олишда, хуллас, комил инсонга хос бўлмаган пасткашликлардан сақланишда катта аҳамиятга эга.

“Қуръон”да инсоннинг рухий ва маънавий камолга етишига тўсқинлик қилувчи салбий хислатлардан яна бири ғазабдир, деб кўрсатилади ва у рухий разолат сифатида талқин этилади. Зеро, ғазаб келганда ақл қочади, инсон ўз иродасини идора қилолмай қолади. ўз манфаати ва обрўсини ҳимоя қиламан деб жоҳиллик қилиб қўйиши мумкин. ғазаб инсон саломатлигига ҳам зарар етказади. Шунинг учун ҳам Ислом таълимоти инсонни ақл билан иш кўриш, инсоф эгаси бўлиш, шунингдек, босиқлик билан ўз ҳиссиётларини бошқара олишга чақиради. Чунки ғазаб келганда чиқарилган ҳукм, амалга оширилган хатти-ҳаракат жоҳиллик белгиси бўлиб қолиши мумкин. ғазабни боса, шунингдек, ғазабни кўзгаган шахсни кечира олиш мустаҳкам иродага эга бўлган кишининг қўлидангина келиши уқтирилади.

“Ол-Имрон” сурасининг 134-оятида “Яхши-ёмон кунларда инфоқ-эхсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хатокамчиликларини) авф этадиган кишилардир. Оллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади”, - дейилади. Демак, Ислом таълимотида ўзини бошқара олиш қувватига эга бўлишгина эмас, кечирувчилик хислатига эга бўлиш ҳам муҳим эканлигига айтилади. Ана шундай инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўлақонли шаклланган шахс бўла олади.

Ислом таълимотида ҳасад ҳам энг қабиҳ хислат сифатида қораланади. “қуръон”да инсоннинг ахлоқий камол топишида бекорчи гап-сўзлардан йироқ юриш, майда ва беҳуда гапларга вақт кетказмаслик, улардан ўзини четга олиш кабиларни ҳам бажариш фарз эканлиги таъкидланади.

Инсоннинг маънавий камол топишига салбий таъсир этувчи хислатлардан бири - очкўзлик эканлиги таъкидланиб, кишиларнинг бундай хислатга эга бўлмаслиги даркор эканлиги уқтирилади. Чунки молу дунё орттиришга бўлган рағбат манманлик, бераҳмлиқ, исрофгарчилик каби ёмон хислатларнинг пайдо бўлишига олиб келади (“Аъроф” сурасининг 31-ояти). Очкўзлик, хасислик эса мол-дунёга ружу қўйишга олиб келади.

“Қуръон”да таълим берилишича, мол-дунё инсонни синаш учун берилади. Мол-дунёга эришган ҳар бир инсон уни тўғри йўлда сарфлаши лозим (“Анфол” сураси, 28-оят).

“Қуръон”да бойлик эмас, ҳақиқат ва яхшилик абадийдир, дейилади. Баъзилар мол-дунёси ортганда манманлик касалига гирифтор бўладилар, ақл ва адолатни унутадилар. Инсон бойлик орттирса, ҳаддидан ошади, шу сабабли кишиларнинг бойлик орттирган чоғида кеккайиб, гердайиб кетишларидан сақланиш масалалари кенг ёритилади.

Ислом таълимотида илгари сурилган ғоялардан яна бири ва унинг энг муҳим таркибий қисми поклик ва тозалikka риоя қилишдир. Хулоса қилиб айтганда, Ислом ва унинг асосий таълимоти мужассамлашган Қуръони Карим инсонда ақлий, ахлоқий ҳамда жисмоний хислатларни шакллантириш, бир сўз билан айтганда, комил инсонни тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

2. Ҳадис илмийнинг пайдо бўлиши. Имом Исмоил ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг ҳадис илми ривожига хизматлари.

Ислом дини таълимоти асосларини ёритувчи Қуръонè Каримдан кейинги асосий манба ҳадис ҳисобланади. Ҳадисларни тўплаш ва уларга муайян тартиб бериш асосан VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, уни энг билимдон, турли фан асосларини мукамал ўрганган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган киши (муҳаддис)лар тартиб берган. VIII-XI асрларда тўрт юздан ортиқ муҳаддис ҳадис илми билан шуғулланган. Мазкур билимларни ўрганишнинг ўзига хос йўналиши бўлиб, «ҳадис илми» номи билан юритилган. Кейинги йилларда Муҳаммад Алайҳис-саломнинг ҳаёти, фаолияти ҳамда унинг диний-ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳих” («Ишонарли тўплам»), “Ал-адаб ал-муфрад” («Адаб дурдоналари»), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийнинг “Аш-Шамойл ан-набавия” асарлари нашр этилди. “Ҳадис” ёки “Сунна” сўзлари бир маънони англатиб, Расулуллоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ишлари, эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий-ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари, панд-насиҳатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Пайғамбар Муҳаммад Алайҳис-салом араб бўлмаган кишиларнинг ҳадисларни Қуръони Карим оятлари билан адаштириб юборишларидан чўчиб, ҳадисларнинг ёзиб борилишига рухсат этмаганлар. Бироқ пайғамбар Муҳаммад Алайҳис-салом ҳузурда саҳоблар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларини ёдлаб борганлар. Жумладан, ҳазрати Абу Ҳурайра ана шундай мўътабар кишилардан бири бўлиб, ҳадисларни мукамал ёдлаб борган. Абу Ҳурайра томонидан қайд этилган ҳадислар тўғри, ишонарли (саҳих) ҳадислар ҳисобланган.

Лекин ҳадисларни ёд олган кишилар сонининг тобора камайиб бориши натижасида уларнинг аста-секин унутилиб кетиши борасидаги хавф юзага келади. Ана шу хавфнинг олдини олиш мақсадида халифалар

ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон берганлар. Ҳадисларни тўплаш хусусидаги фармон дастлабки халифа Умар ибн Абдулазиз томонидан берилган.

Ҳадисларни ёзиб бориш билан машғул бўлган илк муҳаддислар сифатида Рабъ бин Сабах, Саид ибн Аби Аруба, Молик бин Анас, Абдумалик бин Журайж Маккий, Абдурахмон ал-Авзойи Шоший, Сўфён Саврий Куфий ва бошқалардир.

VIII-IX асрлар ҳадис илмининг ривожланишида “олтин давр” ҳисобланади. Бу даврга келиб, Ислом уламолари томонидан ҳадисларнинг қай даражада тўғрилиги, уларнинг қандай манбаларга таянилиб тўпланганлиги жиддий тадқиқ этила бошланди. Чунки баъзи сохта, ишончсиз ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган, уларни текшириб, асл ҳадисларни тиклаш ва ёзма равишда қайд қилиш замон талаби бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам биринчидан, ҳадисларни ёддан билувчи ҳақиқий, билимдон, ўткир мулоҳазали кишиларнинг аста-секин камайиб кетаётганлиги, иккинчидан, ҳадисларнинг ҳақиқий, ишонарли, яъни саҳиҳларини сақлаб қолиш мақсадида улар текширилиб, асл ҳолига келтириб, ёзиб йиғила бошланган. Ана шу тарзда ҳадис илми ривожлана бошлаган.

Ислом оламида олтига ишончли тўплам (ас-саҳиҳ ас-ситта) энг нуфузли манбалар сифатида эътироф этилган. Ушбу манбаларнинг муаллифлари IX асрда яшаб ижод қилган қуйидаги муҳаддислар бўлганлар: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 194 (810), - 256 (870), Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож 206 (819), - 261 (874), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 209 (824), - 279(892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний 202 (817), - 275(880), Имом Аҳмад ан-Насоий (215 (830), - 303 (915) ва Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа 209 (824), - 273(886).

Муҳаддислар томонидан яратилган ва ишонарли манбалар дея эътироф этилган “Ал-кутуб ас-ситта” (“Олти китоб”) қуйидагилардан иборат:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан ёзилган “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асари.

2. Имом Муслим ан-Нишопурий (Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож) томонидан ёзилган “Ас-саҳиҳ” асари.

3. Имом ибн Можжа томонидан ёзилган “Суннан”.

4. Имом Абу Довуд Сулаймон–Сижистоний томонидан ёзилган “Суннан” асари.

5. Имом Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзилган “Аж-жами ал-кабир” асари.

6. Аҳмад ан-Насоий томонидан ёзилган “Суннан”.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб ҳадис тўплаган муҳаддис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий саналади. Алломанинг сафдошлари сифатида Имом Аҳмад ибн Ханбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раҳовайҳ ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн қулайб аш-Шоший, Ҳофиз ал-Хоразмий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий каби ватандошларимизнинг номлари ҳам машҳур.

3. Имом Исмоил ал-Бухорий

“Саҳиҳ” йўналишининг асосчиси энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Исмоил ал-Бухорий ҳадис илмида “Амир-ул-мўминин”, “Имом ал-муҳаддисийн” (“Барча муҳаддисларнинг пешвоси”) деган шарафли номга сазовор бўлган. У 810 йилнинг 13 майида (баъзи манбаларда 810 йилнинг 20 июлида) (ҳижрий 194 йил шаввол ойининг 13 куни) Бухорода туғилган. Гўдаклигида отадан етим қолган. Дастлабки саводини мактабда чиқарган, 10 ёшидаёқ араб тилида яратилган китоблар ёрдамида ҳамда ровийлардан оғзаки равишда эшитиш асосида ҳадисларни ёдлай бошлаган. Аллома ҳадис илмини зўр иштиёқ ва катта қизиқиш билан ўрганди. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак, Вақиъ ибн Жарроҳ каби олимлар томонидан тўплаган ҳадисларни ёд олган, шунингдек, ҳадис ривоятчилари хусусида сўз юритилган баҳсларда иштирок этган.

Имом Исмоил ал-Бухорий 825 йилда, ўн олти ёшида онаси ва акаси билан Ҳижозга сафар қилади. Маккаю Мукаррама ва Мадинаи Мунавварада бўлиб, ҳаж ибодатини адо этади. Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хуме, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадина каби шаҳарларда бўлиб, сафар жараёнида муҳаддислар билан билан учрашади. Муҳаддислар билан уюштирилган суҳбатларда улар томонидан айтилган ҳадисларни ёдлаб борар эди. Олти йил Ҳижоз шаҳрида яшаб, у ерда етук муҳаддислардан ҳадис илми бўйича, Дамашқ, қоҳира, Басра ва Бағдод шаҳарларининг машҳур олимлардан эса фикр илми бўйича таълим олади. Шунингдек, алломанинг ўзи ҳам турли баҳс ва мунозараларда иштирок этиб, толибларга дарс ҳам беради.

Имом Исмоил ал-Бухорий истеъдодли, ўткир зеҳнли ҳамда зийрак олим бўлган. “Манбаларга кўра, Бағдод шаҳрида истиқомат қилган вақтда кўпинча қоронғу кечалари шам ёруғи ва ойнинг нурида ижод қилиб, китоб ёзар экан. Тунда ёдига беҳосдан бирор-бир фикр-мулоҳаза тушиб қолса, шамни ёқиб, дарҳол ўша фикрни қоғозга туширар, шу таҳлитда баъзан шамни йигирма мартагача ўчириб-ёқар экан”¹.

Имом Бухорийнинг ўткир зеҳн эгаси эканлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин.

Ривоятларга кўра, у қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутоала қилса, унда баён этилган барча фикрлар, маълумотларни ёдда сақлаб қолаверган. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг қайд этишича, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билган. Шогирдларидан Амир ибн Фаллос “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта ишончли ҳадис эмасдур”, - дейди. Устоз Имом Аҳмад ибн Ханбал ал-Марвазийнинг айтишича, “Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас”.

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг ўткир зеҳни хусусида яна шундай ривоят келтирилади: “Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган

¹ Уватов У. Шаҳадис илмининг султони. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 29 октябр. №43-44

шерикларидан бири Ҳошид ибн Исмоил айтади: “Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?, -деб таъна қилган вақтимизда: Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман, - деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганларидан тузатиб оладиган бўлдик”².

Имом Исмоил ал-Бухорий жуда кўп забардаст олимлардан таълим олади. Манбаларда аллома устозларининг сони тўқсон нафарга яқин бўлган деб кўрсатилади. Муҳаммад ибн Юсуф ал-ғартобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамийдий, Исҳоқ ибн Иброҳим ар-Раҳавайх, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ал-Мадиний каби олимлар унинг устозлари саналадилар.

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг ўзи ҳам йирик ва машҳур олимлар Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Рамозий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халаф ибн қутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Муҳаммад Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжожларга устозлик қилган.

Имом Исмоил ал-Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулқ-одобда тенгсиз, саҳоватли инсон ҳам бўлган. У ҳадис илмининг етук олими саналсада, замондошлари ҳамда шогирдларидан ҳам илм ўрганган. Аллома бир минг саксон нафар муҳаддисдан ҳадис эшитган. Алломанинг ўзидан эса тўқсон минг нафар киши ишонарли ҳадисларини эшитган. Маълумотларга кўра, Имом Исмоил ал-Бухорий 600 мингга яқин ҳадисни тўплаган., 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисларни ёд олган.

Имом Исмоил ал-Бухорий узоқ сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талаба ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради ва мазкур илмнинг тарғиботчисига айланади. Ривоятларга кўра, халифанинг Бухородаги ноиб Холид ибн Аҳмад ибн Холид аз-Зухалий уни саройга келиб ҳадис илмидан сабоқ беришга таклиф этади. Аммо Имом Исмоил ал-Бухорий бу таклифни қабул этади ва: “Мен илмни хорлаб султону амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларни (иккинчи ривоятда саройидагиларни) уйимга ёки масжидимга юборсин”, -деб жавоб беради¹. Шу боис аллома билан амир Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий ўртасидаги муносабатга бир оз путур етади. Бунга айрим ҳасадгўй шахсларнинг иғволари ҳам сабаб бўлади. Амир алломанинг шаҳардан чиқиб кетишга фармон беради. Самарқанд уламолари Имом Исмоил ал-Бухорийни ўз юртларига таклиф этадилар. Йўлга чиққан Имом Исмоил ал-Бухорий Самарқанд шаҳрига яқин бўлган Ҳафтанг қишлоғи (ҳозирги Пойарик

² Ал-Бухорий ша=ида замондошларининг хотиралари. Шамсиддин Бобохоновнинг Имом Исмоил ал-Аухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” (адаб дурдоналари) китоби таржимасидан олинди. Таржима, му=аддима ва изошлар муаллифи Шамсиддин Бобохонов. —Тошкент, Ўзбекистон, 1990. 6-8 бетлар.

¹ Бобохонов Шамсиддин. Қырсатилган асар, 9-бет

туманининг ҳудуди)да бетоб бўлиб қолади ва шу ерда хижрий 256 йили рамазон ойининг охири куни (милодий 872 йил 1 сентябр) 62 ёшида вафот этади ва шу ерга дафн этилади.

Имом Исмоил ал-Бухорий жуда бой ижодий мерос қолдирган. Унинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Ал-адаб ал-муфрад” («Адаб дурдоналари»), “Ат-тарих ал-кибор” (“Катта тарих”), “Ат-тарих ас-сағийр”, (“Кичик тарих”), “Ал-қироату халфа-л-Имом” (“Имом ортида туриб ўқиш”), “Вафъул-йадини фи-с-салоти” (“Намозда икки кўлни кўтариш”) каби асарлари мавжуд бўлиб, уларнинг қўлёзмалари бизгача етиб келган. Аммо “Ат-тарих ал-авсат” (“Ўрта тарих”), “Ат-тафсир ал-кабир” (“Катта тафсир”), “Ал-жомеъ ал-кабир” (“Катта тўплам”), “Китоб-ул-ҳиба” (“Ҳадя китоби”) номли асарлари ҳам бўлганлиги маълум, бироқ улар бизгача етиб келмаган. Шубҳасиз, юқорида номлари қайд этиб ўтилган асарларининг энг йириги, шоҳ асари “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам дунёга машҳур. 4 жилддан иборат мазкур китобда пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳис-салом ҳадисларидан ташқари, ислом ҳуқуқшунослиги, ислом маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, тарих ва этнографияга оид маълумотлар ҳам берилган. Унга 600 минг ҳадисдан 7275 та энг “саҳиҳ” ҳамда 4000 та такрорланмайдиган ҳадислар киритилган. Бó китоб Ислom таълимотида Қуръони Каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади.

Ислom дини инсонни маънавий камолот сари етакловчи таълимотдир. Шу сабабли Қуръони Каримда ҳам, ҳадисларда ҳам яхши хулқ-одоб қоидалари ва уларга кишиларнинг қатъий амал қилишлари лозимлиги борасидаги қарашлар кенг тарғиб этилган. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг бир жилдига одоб-ахлоқ масалаларини ёритувчи ҳадислар жамланган бўлса, “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) номли асарда ҳам ижтимоий турмушда ҳамда инсонлар ўртасида ўзаро муносабатларни ташкил этиш чоғида амал қилиниши лозим бўлган одоб-ахлоқ қоидалари борасида янада батафсил маълумотлар берилган. Ушбу асар 644 бобда баён этилган 1322 та ҳадисни ўз ичига олган.

4. Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий

Машҳур муҳаддислардан яна бири ватандошимиз Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий бўлиб, у 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғи (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани)да туғилган. Унинг оиласи ва онаси ҳақида маълумотлар йўқ. Баъзи тадқиқотчилар унинг отаси асли марвлик бўлган деб қайд этадилар.

Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий болалигидан илм ўрганишга қизиққан, айниқса ҳадис илмини чуқур эгаллаган.

Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 850 йилдан қатор мамлакатларга сафар қилади. Ҳижоз шаҳрида бўлиб, Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилади. Ироқ ҳамда Хуросонда ҳадис, фикх, қироат, баён, тарих ва бошқа илмларни ўрганadi. Мазкур сафарда Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий устози Имом Исмоил ал-Бухорий билан учрашади. Аллома устозига нисбатан

алоҳида ҳурматда бўлиб, унинг ёрдамида ҳадис илмидан тўлақонли равишда хабардор бўлади. Манбаларда эътироф этилишича, Имом Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий устозининг вафоти туфайли кўп йиғлаганидан кўзи кўр бўлиб қолган.

Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийнинг зеҳнининг ўткирлиги, хотираси, ва ёд олиш қобилиятининг кучлилиги туфайли Имом Исмоил ал-Бухорий ҳам уни фақатгина шогирд сифатида эмас, балки ҳамкор, ҳамфикр ва дўст сифатида ҳам ҳурмат қилган.

Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий узоқ сафарда манбалардан ўқиган ёки муҳаддислардан эшитган ҳадисларни тўплаб, китоблар таълиф қилишга киришади. У 863 йилда ўз ватанига қайтади ва ўзи ҳам шогирдларга таълим беради, айти вақтда китоблар ҳам ёзади.

Аллома томонидан ўндан ортиқ асарлар яратилганлиги маълум. Булар қаторидан “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Аш-шамоил ан-набавия” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”), “Ал-илал фи-л-ҳадийс” (“Ҳадислардаги иллатлар ва оғишлар ҳақида”) каби асарлари ўрин олган бўлиб, улар жуда машҳурдир.

Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзиб қолдирилган асарларда ўз ифодасини топган ҳадислар ҳам Имом Исмоил ал-Бухорий томонидан баён этилган ҳадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, мурувватлилиқ, меҳр-шавқат, ёши катталар,, ота-она ва қариндошларга ҳурмат ғояларини илгари суриш хусусиятига кўра шахс таълими ва тарбиясини ташкил этишда катта аҳамиятга эга.

Ҳадисларнинг мазмуни ва тарбиявий аҳамияти

Ҳадисларда инсоннинг камолотга эришиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар ифода этилган бўлиб, ушбу фазилатлар сирасига ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсатиш, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она, катталар ва қариндошларга нисбатан мурувватли бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-хунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, дўстлик, олийжаноблик, раҳм-шафқатлилиқ, камтарлик, ростгўйлик ва виждонлилиқ каби хислатлар киритилади. Бундан ташқари, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиши, яхшилиқ сари интилиши кераклиги борасидаги панд-насихатлар ҳам ўз аксини топганки, буларнинг барчаси Қуръони Каримда қайд этилган кўрсатмаларга асосланган ва комил инсонни шакллантиришда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Ислом таълимоти ғояларига кўра ҳар бир мусулмон энг аввало иймонли бўлиши керак. Қуръони Каримда таъкидланганидек, Ислом дини таълимотининг яратилишидан муддао, мурод кишиларда иймон, эътиқодни шакллантиришдир. Ҳадисларда иймоннинг мукамал ва мустаҳкам бўлиши куйидаги уч шартга қатъий амал қилинишига боғлиқлиги кўрсатилган:

- тўғри эътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;

- киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чақирмоғи¹ (Кейинги мисоллар ҳам ушбу китобдан олинди).

Иймон дарахтга тенглаштирилади ва унинг 60 дан ортиқ шохлари бор дея иймоннинг белгилари санаб ўтилади. Санаб ўтилган белгиларнинг ҳар бири инсон маънавий қиёфасини шакллантирувчи ва мукамаллаштирувчи хислатлардир. Булар қуйидагилардан иборат: “қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир”, “ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўмин бўла олмайсиз” (3-4-боблар); “Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукамал бўлғайдир:

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ” (20-боб).

Бундан ташқари, кишилар учун хос бўлмаган мунофиқлик хислати хусусида ҳам сўз юритилади, чунончи, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам айтганлар: “қуйидаги тўртта хислат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлғайдир, кимдаки, улардан биттаси бўлса уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир хислати бор экан, дейилдир:

- омонатга хиёнат қилғайдир;
- сўзласа ёлғон сўзлайдир;
- шартнома тузса, шартида турмағайдир;
- уришиб қолса, кек сақлағайдир ва ноҳақлик қилайдир (25-боб).

Ҳадисларда инсон маънавий камолотининг мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, илмий билимларни қай даражада эгаллаганлиги, ўз билими билан атрофдагилар ва жамиятга фойда келтиргувчи шахс бўлиб етишишида муҳим омилдир дея кўрсатилади. “Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам”. Билимсизлик кишиларнинг нодонлигига замин ҳозирлаши, илмсиз жамиятда эса жаҳолат ҳамда разолатнинг ҳукмронлик қилиши алоқида таъкидлаб кўрсатилади. “Илм ўрганмоқ ва ўргатмоқнинг фазилати” борасидаги ҳадис (21-боб) да илм ўрганиш кўп ёққан ёмғирга қиёсланади ва илм аҳли қуйидаги уч турга бўлади: “Баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдиради-да, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстиради ва баъзи ер курғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эммасдан ўзига тўплайдир, ундан Оллоҳ таоло бандалари фойдаланғайдир. Одамлар сувдан ичгайдирлар, ҳайвонлари ва экинларини суғоргайдирлар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайди, кўкатни ҳам кўкартирмайдир. Буларни қуйидагича муҳояса қилиш мумкиндир: Бир киши Оллоҳ илмини (Исломи) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан манфаатланади ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайди. Учинчи бир киши мутакаббурлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам

¹ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Мушаммад ибн Исмоил. Шадис. 4 жилдди китоб. 1-китоб. Ал-жомеъ ас-сашиш (Ишонарли тыптам). Арабчадан 3. Исмоил таржимаси. – Тошкент, Ёмуслар бош ташририяти, 1991. 14-бет

ўргатмайдир”.

Аммо илмга эътиборсизлик ва нодонлик (жаҳолат)нинг авж олиши жамиятнинг инқирозига олиб келади. Ҳатто “Расулulloҳ қуйидагилар қиёмат аломатларидир, деганлар:

- илмнинг сусаймоғи;
- жаҳолатнинг кучаймоғи;
- зинонинг авж олмоғи;
- хотинларнинг кўпаймоғи;
- эркакларнинг озаймоғи”

Демак, қиёматни одамларнинг ўзлари содир этадилар. «Илм равнак топмаган мамлакатда зино авж олган, ўзаро урушлар кучайиб, эркаклар озайиб кетганда албатта, қиёмат қойим бўлади” (22-боб). Шу боис “Илмга амал ва риоя қилувчи бўлинглар, уни фақат ҳикоя қилувчи бўлманглар”, - дейилади (637-ҳадис). Исломда икки хил илм ҳақида сўз юритилади: бири ҳукуқий (фикх), диний йўл-йўриқлар тўғрисидаги илм бўлса, иккинчиси дунёвий илмлардир. Ҳар икки турдаги билимларни чуқур эгаллаш ва уларга катъий амал қилиш ҳар бир мўъмин учун фарз ҳисобланади.

“Илмнинг офати унутишдир. Уни ноаҳил кишига гапириш эса уни зое қилишдир”¹ мазмунидаги ҳадис орқали ўзлаштирилган илмни такрорлаб бориш, фақат чуқур ва пухта билимларгагина эга бўлган кишиларнинг атрофдагиларга илм беришининг мақбул эканлигига урғу берилади. Шунингдек, ҳадисларда илмнинг кишиларни фаҳм-фаросатли, ўткир зехнли, зукко ҳамда хотирани кучли қилишдаги аҳамияти ҳам таъкидланади ва “Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар”, -дея даъват этилади. “Олим бўл, илм берувчи бўл ёки илм ўргатувчи бўл ёки тингловчи бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан” мазмунини илгари сурувчи ҳадиснинг баён этилиши орқали ҳам илмли бўлиш инсонни фалокат ва унинг ёмон оқибатларидан сақловчи омил эканлигига урғу берилади (41-ҳадис).

Бир қатор ҳадисларда илмнинг ибодатдан устун эканлиги кўрсатиб ўтилади. Хусусан, “Илм ибодатдан афзал ва у тақво динининг устунидир” (268-ҳадис). Бироқ илмнинг манфаатсиз ҳолда сарфлашдан сақланиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтилади ва илм аҳлини ана шунга даъват этилади (173-ҳадис), ҳақиқий комил инсоннинг билимга бой, хушхулқ, соғлом бўлиши (182-ҳадис), уни фақат фойдали ишлар ва инсонларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари йўлида сарф этиш кераклиги ҳам уқтирилади: “Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи-вассаламнинг саҳобалари ёшлари улғайганда ҳам илм ўрганганлар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи-васаллам: икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эмас, бири-кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берса-ю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси-кишига Оллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса”, – дейдилар»¹.

¹ Мушаммад пайғамбар =иссаси. Шадислар. – Тошкент, Камалак, 1991, 60-бет.

¹ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Мушаммад ибн Исмоил. Шадис. 4 жилдли китоб. 1-китоб. Ал-жомеъ ас-саиш (Ишонарли тыплам). Арабчадан 3. Исмоил таржимаси. – Тошкент, Ёмуслар бош таъширияти, 1991.

Маълумки, ислом таълимотида энг юксак хислатлардан бири сифатида ота-онага ғамхўрлик, уларни эъзозлаш, ота-она ҳаққини ўз ўрнига кўйиш, фарзанднинг улар олдидаги ҳаққи борасидаги масалаларнинг ёритилигига алоҳида эътибор берилади. Ҳадисларда ҳам ана шу талаблар ўз ифодасини топган. Ота-онани хафа қилиб йиғлатиш энг катта гуноҳлари сифатида эътироф этилгани куйидаги, яъни, Оллоҳ Таолонинг мавжудлигига ширк келтириш, одам ўлдириш, уруш майдонидан қочиш, афифа (ўзини покиза сақлаган) хотинни фоҳиша деб тухмат қилиш, рибо (ижарахўрлик), етимлар молини емоқ, Оллоҳ Таолонинг қудрати ва иродасини инкор қилиш, одамларни масхара қилиш ҳамда уларни камситиш каби ҳолатлар қаторида тилга олиб ўтилади. Ҳадисларда ота-онанинг дилини оғритиб, озор бериш, уларни хафа қилиб, буйруқларини бажармаслик ҳам қораланади: “Абдуллоҳ ибн Амр (Розиёллоҳу анҳу) айтадилар: бир киши Расуллоҳ ҳузурларига хижрат қилмоқ учун байъат қилишга келди. Аммо ота-онаси унинг кетишига рози бўлмай, хафаликдан йиғлаб қолган эдилар. Шунда Расуллоҳ: “Сен ҳозир ота-онанг олдида бор! Хижрат қиламан деб уларни хафа қилганингдек, энди хижрат қилмайдиган бўлдим, деб уларни хурсанд қил”, -дедилар (13-ҳадис). Исломда энг катта гуноҳ Оллоҳ Таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш ҳисобланиши 15-ҳадисда алоҳида таъкидланади. Ота-онанинг ҳам ўз навбатида фарзандларини тарбият этмоғи, одоб ўргатиши, яхшилик қилиши лозимлиги таъкидланади: «Намир ибн Авс айтишларича, ўтмиш кишилари болаларнинг солиҳ-қобил бўлишлари Оллоҳ Таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталари вазифасидир, дер эдилар” (92-ҳадис)»².

Ҳар бир кишининг ота-онасига яхшилик қилганидек, болаларига ҳам яхшилик қилиши шартлиги, зеро, инсон бўйнида ота-онанинг ҳаққи бўлганидек, боланинг ҳам ҳаққи борлиги хусусидаги ғоялар куръони Каримда ҳам, Ҳадиси Шарифда ҳам уқтирилади.

Ҳадисларда кишиларнинг бир-бири билан дўст, тинч-тотув яшашлари, ўзаро мурувватли, меҳр-шафқатли бўлишлари кераклиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сурилади. Бу ғоя опа-сингил, ака-ука, қариндош ҳамда қўшнилари ўртасида ташкил этиладиган муомала ва муносабатлар мазмунининг очиқ беришга йўналтирилган ҳадислар моҳиятида акс этади. Маънавий-ахлоқий хислатларга эга бўлган инсон ота-она, опа-сингил, ака-ука ва қўшниларга яхшилик қилади, бу яхшилик улар ўртасидаги тотувликни келтириб чиқарадики, пировардида жамият таракқий этади, тинчлик барқарор бўлади, аҳоли фаровон ҳаёт кечиради.

Ҳар бир инсон қилган эзгу амаллари ва одоб-ахлоқи билан яхши ном қолдиради. Мазкур ҳолат ҳадислар мазмунида шундай талқин этилади: «Мўмин кишига вафотидан кейин савоби тегиб етиб турадиган амали солиҳлар қуйидагилардир:

1. Тарқатган илми.

33-бет.

² Ал-Бухорий , Абу Абдуллоҳ Мушаммад ибн Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад (Араб дурдонлари). Таржимон, му=аддима ва изошлар муаллифи Ш.Бурхонов. – Тошкент, Ўзбекистон, 1990, 16-бет

2. Қолдирган солих фарзанди.
3. Мерос қолдирган қуръони.
4. Қурган масжиди.
5. Йўловчилар учун қурган меҳмонхонаси.
6. Қазиган ариғи.
7. Тириклигида ва соғломлигида садақа - эҳсон учун ажратган моли”¹.

Ҳақиқатдан ҳам инсон ҳаётдан ўтади, лекин у илм-маърифат, зиё тарқатишда, халқ фаровонлиги йўлида қилган ишлари билан халқ орасида абадий қолади. Ана шундай хислатлардан энг муҳими саховатдир.

Бир қатор ҳадислар мазмунан инсоннинг саховатли бўлишга ундайди. Саховатли инсон жамият тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшади, унинг равнақи йўлида меҳнат қилади, атрофдагиларни ўзи эга бўлган неъматлардан баҳраманд этади.

Ҳадисларда кишилар ана шу хислатга эгалиklarига кўра қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинадилар:

1. Аллоҳ таоло бир бандага мол берган ва илм берган. У бандага берилган мол ва илмнинг тасарруфида тақво қилади ва силаи раҳм қилади. Илми ва молидан Аллоқ учун ҳақ ажратади. Бу энг афзал ўрин.

2. Бир банда бор. Аллоҳ унга илм берган, лекин мол бермаган. Лекин унинг нияти тўғри: агар Аллоҳ менга мол берсайди фалончига ўхшаб сарф қилардим. У шу ниятига қараб тенг ажр олади.

3. Бир банда бор. Аллоҳ унга мол берган, илм бермаган. Мол тасарруфида Аллоҳдан кўркмайди. Молидан қариндошларига бермайди. Бу эса энг ёмон ўриндир.

4. Бир банда бор. Аллоҳ унга мол ҳам, илм ҳам бермаган. У айтадики, агар Аллоҳ менга ҳам бергандайди фалончига ўхшаш иш қилардим. У шу нияти билан ўша кишига баробар ҳисобланади (савоб ва гуноҳда)¹.

Ҳадисларда инсоний хислатлардан эзгулик, иффат, сабр-қаноат, шукроналик кабилар улуғланса, исрофгарчилик, таъмагирлик, очкўзлик, нафсу ҳаво ҳамда шахвоний ҳиссиётларга берилиш, бахиллик, жоҳиллик каби иллатлар қораланади. Аксарият ҳадислар мазмунини ёритишда «яхши сийрат» ва «иктисод» тушунчалари қўлланилади, чунончи, «Яхши сийрат, чиройли хайъат ва ҳар бир ишда иқтисодчилик етмиш хислатдан бир бўлагидир» (468-ҳадис)². «Яхши сийрат» тушунчаси яхши муомала, гўзал одоб-ахлоқ, ибратли ҳаёт, шунингдек, чиройли ҳаёт-ташқи кўриниш маъносини англатса, «иктисод» тушунчаси ҳар бир хатти-ҳаракатни ташкил этишда маълум меъёрга амал қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини назарда тутди. Ушбу ғоя қуйидаги ҳадисда ҳам ўз ифодасини топган: “Сизларнинг учта ишингиз учун Оллоҳ Таоло рози ва учта ишингиз учун ғазаблик бўлади: биринчиси, ибодатни Оллоҳнинг ўзигагина қилиб, ибодатда бошқа нарсаларни унга шерик қилмасликларингизга; иккинчиси, Оллоҳ Таолонинг

¹ Ыша асар, 71-бет.

¹ Ал-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). – Тошкент, Ўзбекистон, 1990. 357-бет.

² Ыша асар, 137-бет.

дини ва қуръонига эътиқод қилмоғингизга; учинчиси, Оллоҳ Таоло сизга бошлиқ қилиб қўйган кишига хайрихоҳ бўлмоғингизга рози бўлса, бўлар-бўлмас гапни нақл қилишиб юрмоғингизга, кўп суриштиравирилиқ ёки сўрашлиқ (гадойлик қилиш) ва молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилмоғингизга ғазабланади” деганларини исботлайди” (206-боб, 242-ҳадис).

Шу билан бирга, ҳадисларда яна кишиларни бахиллик ва мол-мулкка хирс қўйишдан сақланиш кераклиги, шунингдек, келажакка нисбатан ишонч билан яшаш хусусидаги фикрлар ҳам ўрин олган. Чунончи, “Бирортангиз экиш учун қўлингизда бирор кўчатни ушлаб турган вақтингизда қиёмат қойим бўлиб қолса-ю, қойим бўлишидан илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта экиб қўйинг”, - деган фикрлар ҳаётга бўлган умид, келажакка бўлган ишончнинг ёрқин ифодасидир.

Хулқ-одоб ҳақидаги ҳадислардан эзгу инсоний хислатлар улуғланиб, гуноҳ саналган иллатлар қоралади.

Бундан ташқари, шаърий удум ва урф-одатларга амал қилиш, уларни ўтказишга оид хулқ-одоб қоидалари ҳам баён этилади. Турли маросимларнинг ўтказиш тартиби, сафар қоидалари, саломатликни сақлаш, саломлашиш, муомала маданияти, бемор киши ҳолини сўраш одоби, кийиниш қоидалари, емоқ-ичмоқ, сўзлашиш одоби ва ҳоказолар ҳақида турли тавсиялар бериладики, улар бевосита кейинги даврларда яратилган одоб-ахлоқ қоидалари борасидаги рисоаларнинг мазмунини ёритишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳадисларда жамият равнақи, инсоният тараққиётининг таъминланишига таъсир этувчи муаммоларга ҳам жиддий эътибор берилган. Уларнинг орасида экологик муаммоларга алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, неча асрлардан буён ўз долзарблигини йўқотмаган. Ана шундай муаммолар моҳиятини ўз мазмунида акс эттирган ҳадисларда экин ҳамда кўчатларни ўтказиш, уларни ҳимоя этиш, ариқ-зовурлар қозиш ва уларни вақти-вақти билан тозалаб туриш, сув чиқариш каби эзгу ишларни амалга оширишга ундовчи ғоялар мужассамланган. Масалан, тирик жониворларни ўлдирмаслик (шариатдан ўлдиришга буюрилган илон ва чаёндан бўлак), жониворларга ғамхўрлик қилиш, уларга озор бермаслик, инсон яшайдиган жойни унга озор берадиган нарсалардан тозалаш (227 ва 446-ҳадислар), кишиларга соя берувчи дарахтларни кесмаслик, ҳовли саҳнларини тоза тутиш ҳақидаги ҳадислар¹ шулар жумласидан.

Ҳадисларда ёмон ишлар, ёмон иллатлар, ёмон ҳатти-ҳаракатлар “гуноҳ” сифатида қораланса, инсон фаровонлиги, жамият равнақи учун қилинадиган яхши, эзгу ҳатти-ҳаракатлар, фаолият “савоб” тарзида олқишланади.

Шунга кўра, етим молини ейиш, мол-дунёга хирс қўйиш, ёлғончилик, ғийбатчилик, тухмат, зино, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фойдасиз гапни кўп гапириш ва бошқа иллатлар гуноҳ ҳисобланаса, ота-она, кексалар, заифлар ва муҳтожларга ғамхўрлик қилиш, уларни йўқлаб туриш, марҳумларни яхши

¹ Ал-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). – Тошкент, Ўзбекистон, 1990, 78-, 123-бетлар.

сўзлар билан хотирлаш, биров уларнинг устидан кулмаслигини таъминлаш, омонатга хиёнат қилмаслик кабилар савоб саналиши алоҳида таъкидланади.

Маълумки, инсон камолоти бевосита унинг саломатлиги билан боғлиқдир. Зеро, соғлом инсонгина ҳам оила, ҳам жамиятнинг раванк топиши йўлида фаолият кўрсатувчи кишилар бўлиб етишади. Ҳадислар, умуман, Ислом таълимотида тозалик ва поклик, шу жумладан, руҳий ва жисмоний покликка катта эътибор берилади. “Ҳақ таоло ўзи пок, покликни яхши кўради. ўзи тоза, тозаликни яхши кўради. ўзи олийҳимматдир, олийҳимматликни яхши кўради. Ўзи очикқўнгил, очикқўнгилликни яхши кўради. Эшикларнинг олдини покиза тутинглар” (190-ҳадис).

Ҳадисларда инсон эрки, озодлиги ва унга даҳл қилмаслик масалаларининг ёритилишига ҳам катта аҳамият берилган.

Ислом таълимотида ҳар томонлама етук бўлиши учун инсоннинг эркин бўлиши кераклиги борасидаги фикрлар қуръони Каримда ҳам, Ҳадису Шарифда ҳам бирдек эътироф этилган. Хусусан: “Оллоҳ таолога фарзлардан сўнг амали солиҳларнинг энг севимлиси мусулмон кишининг дилига хурсандчилик солишдир” (33-ҳадис); “Оллоҳ ўзи кечиргувчи зот, кечиргувчини яхши кўради” (191-ҳадис); “Оллоҳ таоло зулм қилмаган қози билан биргадир. Агар қози жабр қилса, Оллоҳ ундан узоқлашади ва шайтон унга яқинлашади” (194-ҳадис) каби ҳадислар⁷ бунинг яққол далилидир. Чунки инсон қанчалик қадрланса, барча эзгулик ва яхшилиқлар, инсонга йўналтирилган бўлса, унинг манфаати учун хизмат қилса, инсон ҳам шунга кўра камол топаверади, юксакликка кўтарилади, ўз навбатида бундай инсонлар яшайдиган жамият ҳам ривожланаверади.

Демак, Ҳадислар Муҳаммад пайғамбаримизнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўминнинг ишончи, эътиқодини мустаҳкамлайди, шу билан инсонни маънавий камолотга етаклайди. «Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний жиҳатдан камолга етказишга оид эътиқод ва иймондан иборат бўлиб, фақат эзгуликка хизмат қилиш, олийжаноб бўлиш, покиза юриш, бир бурда лўқмани ҳалол қилиб ейиш, жаҳолат ва жаҳолатпарастликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош-уруғларининг, миллатининг ва ватанининг қадриятларини асрашдан иборатдир»⁸. Шундай экан, ҳадислар комил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади ва ундан ёшлар тарбиясида фойдаланиш шу куннинг долзарб муаммоларидан саналади.

5. Сўфийлик таълимоти

Сўфийлик таълимоти VIII аср охири ва IX аср бошларида пайдо бўлиб, бутун мусулмон мамлакатлари, шу жумладан, Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалган. Сўфийлик бутун Шарқ маънавий ҳаётида инсон камолоти

⁷ Ал-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). – Тошкент, Ўзбекистон, 1990, 71-бет.

⁸ Асрор Самад. Пайғамбар, дин ва диндорлик. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») китобига сынгги сўз. – Тошкент, Ўзбекистон, 1990, 183-184-бетлар.

хусусидаги ғояларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Сўфийлик мусулмон шарқи халқларининг кўп асрлик маънавий ҳаётининг ғоявий асосини белгилаб берган таълимот бўлиб майдонга чиқди. У илоҳий поклик ва инсоний гўзалликни идрок этиш йўли, ҳақ ва ҳақиқатни ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Сўфийлик кўп қиррали оқим бўлиб, “соф”, “ягона” сўфийлик ҳеч қачон бўлмаган. У турли кўринишлар, оқимлар тарзида намоён бўлган. Аммо ҳар бири ҳам инсон такомили муаммосига турлича ёндошиб, уни ўзига хос йўл, қараш асосида талқин этган. Сўфийлик таълимоти ғояларига эътиқод ва амал қилувчи кишилар сўфийлар деб номланади.

Сўфийлик таълимотида комил инсон – бу доно, оқил, пок ниятли одамдир. Сўфийлар илоҳий поклик, нафосат, эътиқод ва тафаккур инсониятни бало-қазолардан асрайди, уларни авайлаб асрайди деб билганлар. Улар мазкур ғояларга мувофиқ ҳамда уларга амал қилган ҳолда ҳақиқат учун интиланганлар. Аслида эса, комил инсоннинг шаклланиши – бу уларнинг идеали, орзуси бўлган. Шундай бўлсада, улар комил, етук ва маърифатли инсон идеалини яратиш асосида жаҳолат, нодонлик, хирс ва таъмага қарши курашганлар.

Комилликнинг мезони икки нарса: биринчиси, ахлоқ, яъни, мўмин-мусулмон, солиҳ инсон бўлиш, иккинчиси, ўз-ўзини танишдан иборатдир.

Ҳар қандай ғоявий таълимот моҳиятида акс этгани каби, Ислом таълимотида ҳам зиддият ва ихтилофлар пайдо бўлиб, натижада VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли йўналиш, маҳзаб ва оқимлар юзага кела бошлади.

Улардан суннийлик йўналиши VIII-XII асрларда Араб халифалиги тасарруфидаги ҳудудларда вужудга келган энг йирик йўналишлардан бири сифатида шакланган бўлиб, бугунги кунда жаҳондаги барча мусулмонларнинг тўқсон фоизи сунний маҳзабининг вакиллари саналадилар.

Суннийлар ўзларини аҳли ас-сунна – сунна тарафдорлари деб атаб, Қуръон билан бирга суннага ҳам эътиқод қиладилар. Улар пайғамбар Муҳаммад Алайҳис-салом ва халифа Али билан бир қаторда, шиалик тарафдорлари рад этадиган дастлабки халифалар-Абу Бакр, Умар ва Усмоннинг Ислом таълимоти ғояларини мустаҳкамлашдаги хизматларини ҳам бирдек эътироф этиладилар. Сунний йўналишида куйидаги тўртта мазҳаб - Ҳанафия, Маликия, Шофиия, Ҳанбалия бўлиб, моҳиятига кўра шариатга хос диний-ҳуқуқий тизимлар саналади ва ҳар бири ҳам ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда ҳадис талабларига таянади. Ушбу мазҳабларнинг намояндалари Абу Ханафа (699-767 йиллар), Малик ибн Анас (713-795 йиллар), Аш Шафий (767-819 йиллар) ва Ибн Ханбал (780-855 йиллар)лар бўлиб, улар Ислом таълимотининг диний-ҳуқуқий назариётчилари ҳисобланадилар. Суннийлик йўналишининг мазҳаблари ҳокимият ва унинг мавжудлиги борасида ҳам шиалик йўналишида устувор саналган қарашлардан фарқли ғояларга таянади. Суннийлар халифалик ҳокимияти мавжудлигининг тарафдорлари бўлсалар, шиалар имомат тарафдорларидир.

Ислом таълимотида яна бир йўналиш - шиалик (арабча сўз бўлиб,

“гурух”, “тараф” маъносини англатади) мавжуд. Бу оқим моҳияти жиҳатидан суннийликдан сўнг иккинчи ўринда туради. Ҳозирги даврда, жаҳон мусулмонларининг ўн фоизи шиа мазҳабига мансубдир. Шиалик халифа Али ҳокимиятининг тарафдорларидан иборат диний-сиёсий гуруҳ сифатида VII аср ўрталарида пайдо бўлган. Ироқ ва Эронда бу йўналиш ғоялари кенг тарқалган. Шиалик диний-ғоявий масалаларни ҳал этиш ҳамда диний урф-одат, маросим ва анъаналарга амал қилиш, уларни ўтказиш борасида илгари сурилган қарашларга кўра суннийликдан фарқ қилади. Унинг тарафдорлари халифалик ҳокимиятига қарши кураш олиб борган. Шиалик ҳокимият учун кураш жараёнида майдонга келган бўлса-да, асосий ихтилофлар диний таълимотни талқин этиш борасидаги тафовутлардан иборатдир. Шиалар ҳам суннийлар каби Қуръонни эътироф этадилар, аммо халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган, деб ҳисоблайдилар. Улар Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин этиш асосида ўз таълимотларини асослайдилар. Ҳадислардан фақат Али ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлганларини тан оладилар ва ана шундай ҳадисларни жамлаб мустақил тўпламлар тузганлар. Мазкур тўплам Ахбор деб номланади. Суннийлик ақидаларидан фарқли равишда, шиалар тавҳид, адл, набувват, имомат ва қиёмат каби беш ақидага эътиқод қиладилар.

Тавҳид - Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш; адл - адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир; нубувват - пайғамбарлик; қиёмат ёки маод – қиёматнинг содир бўлиши, охиратнинг мавжудлиги, ўлганларнинг тирилиши каби қарашлар моҳиятига кўра суннийлик йўналишида устувор бўлган ғояларга мос келади. Шиаликда бешинчи ақида - имомат (имом томонидан бошқариладиган ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши) бўлиб, мазкур ғоя суннийлик ва ушбу йўналиш томонидан эътироф этилган халифалик ҳокимиятининг мавжуд бўлиши хусусидаги ақидага зид келади. Шиалик йўналишининг тарафдорлари Али ва унинг авлодлари саналган ўн икки имом томонидан бошқарилган ҳокимиятни тан олади.

Шиалар ҳам муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинага бориб, Каъбани зиёрат қилсалар-да, Карбало ва Нажаф шаҳарларидаги шиалик имомлари қабрларини ҳам муқаддас деб эътироф этадилар. Шиалик асосан Эронда устувор бўлган эътиқод ҳисобланади.

Кейинчалик, суннийлик ва бир қатор прогрессив оқимлар доирасида, VIII аср охири ва IX аср бошларида сўфийлик таълимоти пайдо бўлди. Мазкур оқим бутун мусулмон мамлакатлари, шу жумладан, Марказий Осиё худудида кенг тарқалди.

Сўфийлик таълимоти бутун Шарқ маънавий ҳаётида комил инсон ва уни шакллантириш борасидаги ғояларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Сўфийлик таълимоти ва унинг моҳияти хусусида қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, мазкур манбалар сўз юритилаётган таълимотни ўрганишда бой манба бўлиб ҳисобланади. Айниқса, Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асари сўфийлар силсиласи ҳақида қимматли меросдир.

Мазкур оқим VII-VIII асрда араб мамлакатларида пайдо бўлиб, сўнгра бошқа мусулмон мамлакатлари, хусусан, Мовароуннаҳрда ҳам кенг ёйилди. Лекин олимлар бу оқимнинг баъзи кўринишлари исломгача ҳам мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар.

Сўфийлик назариясига кўра, дунё, мавжуд борлиқ худонинг мужассамланиши. Худо барча кўринадиган нарсаларда, нарсалар эса худо мавжуд. Борлиқ-дунёвий рух шаклида бутун оламга тарқалган ва худо сингари ягонадир. Инсон эса ана шу рухнинг бир қисми, шу боис эртамикечми у билан қўшилади.

Амалий қисм ахлоқий меъёр ва хулқ-атвор қоидаларининг муайян тизимидан иборат бўлиб, бу меъёр ва қоидалар худбинлик ва шахсий манфаатлардан ўзини тийишни талаб этади.

Сўфийлик мусулмон Шарқи халқларининг кўп асрлик маънавий ҳаётининг ғоявий асосини белгилаб берган таълимот бўлиб майдонга чиқди. У илоҳий поклик ва инсоний гўзалликни идрок этиш йўли, ҳақ ва ҳақиқатни ҳимоя этиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Сўфийлик асосан уч оқимга мансуб:

Биринчи оқим Мансур Халлож, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румийлар мансуб бўлган оқим. Уларнинг таълим беришича, худо ҳар жихатдан комилдир, энг олий гўзаллик, шодлик, бахт унинг васлидадир, фоний бўлишидадир. Инсон ўзини ҳақиқатга,-худога нисбатан ҳеч деб билиши керак. Инсон яшаётган ҳаёт ҳақиқий бахт-саодат бера олмаслиги, асл, ҳақиқий осудалик, бахт, саодат фақат худога, унинг васлида эканлиги, у билан ваҳдат ташкил этиш, яъни, унинг васлига етиш кераклиги хусусидаги қарашни илгари сурадилар. Лекин улар тақвони риёдан ажратиб, олий ҳақиқатга интилишни жаннат ва дўзах ҳақидаги интилишлардан фарқ этиб боришлари билан ажралиб турадилар. Инсоннинг ички кечинмалари ҳолатига аҳамият бериб, чин ихлос ва сидқни биринчи ўринга қўядилар. Сўфийлар қалбни ҳар қандай худбинлик, риё, таъмагирлик, ҳашам ва мол-дунёга ўчликдан тозалаб бориш билан олий ҳақиқат кўзгусига айлантиришни, яъни, покликни асосий мақсад қилиб қўядилар.

Сўфийлар инсон маънавий-руҳий комилликка эришиш йўлида куйидаги тўрт босқични ўтиши керак деб ҳисоблайдилар.

Биринчи босқич – Шариат. Диний маросим ва шариат ақидалари (тақволар)ни айнан, изчил бажариш. Чунки шариат-қонун бўлиб, бу қонун вужуд ва қалбни тарбиялайди.

Иккинчи босқич –Тариқат. Нафсни тийиш, хушнудлик, хилват, маънавий муҳаббатни такомиллаштириб, худо тўғрисида ўйлаш, яъни, ўздан кечиш, кўнгилни поклаб, руҳни нурлантирувчи фаолият шакли.

Учинчи босқич – Маърифат. Ҳамма нарса, бутун борлиқнинг асоси - худо эканини, ўзликнинг моҳияти худонинг моҳияти билан уйғун эканлигини билиш ва англаш. Мазкур ҳолатда одам учун кибру ҳаво, манманлик ҳамда шон-шуҳрат беъмани бўлиб кўринади. Шунда у ориф, яъни, билимли ва худони таниган инсон бўлади.

Тўртинчи босқич - Ҳақиқат. Мазкур босқичда сўфий худонинг

даргоҳига етишади, васлига восил бўлади, у билан бирлашади, ваҳдат (таваххуд) ташкил этади ва шу асосида инсон фоний, яъни “анал-ҳақ” бўла олади.

Мазкур оқим тарафдорларидан биринчи сўфий эронлик Абу Яздит Тайфур ал-Бистамийдир (875 йилда вафот этган). Сўфий Ҳусайн ибн Мансур Ҳаллож эса ўзининг худо билан “қўшилганини” исботлаш учун “Анал-ҳақ” (“Мен ҳақман”, “Мен худоман”) деб даъво қилади ҳамда ўз таълимотини илгари суради. У Қуръоннинг муқаддаслиги ва Муҳаммад Алайҳис-саломнинг пайғамбар эканлигини инкор этишга уринганликда айбланиб, хурофотчилар томонидан қатл этилди. Зеро, ушбу таълимот сарой аҳли ва жаҳолат билан яқинлашган баъзи калом ва фалсафа илми уламоларига ёқмади, оқибатда қалбни олий ҳақиқатга эришиш йўлида поклаш мақсадини илгари сурган эзгу таълимот бидъат дея баҳоланди.

Сўфийликнинг иккинчи оқимига мансуб бўлган сўфийлар биринчи оқим намояндалари томонидан илгари сурилган қарашларни қабул қилганлар, бироқ мазкур қарашларни ислом таълимотида тарғиб этилган тартиб-қоидаларга мослаштирганлар. Бу оқимнинг энг машҳур назарийчиси Зайниддин бинни Муҳаммад Имом ғаззолий (1058-1111 йиллар) ҳамда Аҳмад Яссавийлар саналадилар.

Имом ғаззолий Сўфийлик таълимотининг асосчиларидан бири бўлиб, “Ҳужжат-ул-ислом” лақабини олган. Аллома тўғрисида сўз юритилганда ҳатто “қуръон йўқолиб қолса, уни ғаззолийнинг асарлари бўйича тиклаш мумкин” деган фикрларни билдирганлар. Имом ғаззолий томонидан яратилган “Таҳофут ал-фалосифа” (“Файласуфларни рад этиш”), “Кимёи саодат” (“Саодат кимёси”), “Ихйа улум ад-дин” (“Диний илмларни тирилтириш”) каби ислом илоҳиёти тизимининг шаклланишига замин ҳозирлаган асарлар аллома фаолиятига нисбатан шундай юксак баҳо берилишига сабаб бўлган.

Имом ғаззолий инсон камолга етиши, яъни, худо “васли”га етиши учун маълум шартларни бажариб, муайян йўлни босиб ўтиши керак, дейди. Ҳар бир сўфий ислом талаблари – қонун-қоидалари, ақидалари ҳамда қуръонни ҳақиқат деб билиб, унга тобе бўлиши ва уларга сўзсиз амал қилиши юқорида қайд этилган йўлнинг босиб ўтиш шартларидир дея уқтиради.

Аллома сўфийлик назариясининг моҳияти хусусида сўз юритиб, улар ҳақиқатни мантиқий мулоҳазалар асосида эмас, балки ички кечинмалар воситасида бевосита ҳиссий тарзда англайди, деб кўрсатади. Сўфийларнинг ички ҳолатини назарий билимларни эгаллаш, суҳбатлар ташкил этиш, манбаларни ўқиш орқали эмас, балки уларнинг турмуш тарзини қабул қилиш орқалигина англаш мумкин. Мазкур йўл кўнгилни ҳис билан яратилган маълумотлардан озод этади ва ана шунда маърифат манбаи пайдо бўлади, дунё равшан бўлади. ўрганиш йўли билан эмас, балки ўздан чекиниш, маънавий вужуднинг қайтадан яралиши туфайлигина охирги чегарага эришиш мумкинлиги аллома қарашларининг асослари сифатида намоён бўлади.

Сўфийликнинг учинчи оқими Нақшбандия таълимотининг яратилиши билан боғлиқдир. Мазкур оқим XIII асрнинг охирларида шакллана борди. XIV-XV асрларда эса Марказий Осиёда устувор мавқега эга бўлган таълимотга айланди. Нақшбандия тариқати ривожлангунга қадар, Марказий Осиёда Аҳмад Яссавий томонидан асос солинган Яссавия тариқати ҳукмрон таълимот эди.

Аҳмад Яссавий

Аҳмад Яссавий 1041 йилда Сарём (Сайрам) қишлоғида Шайх Иброҳим хонадонидан туғилади. Етти ёшида отасидан, сўнг онасидан етим қолади. У Арслонбоб номли инсон қўлида ҳамда аксарият толиби илмлар каби Бухорода тарбия ва таҳсил олади. У ерда машҳур Юсуф Ҳамадонийдан сулук одобларини ўрганиб, сўнг Туркистонга қайтади ва ўз тариқатига асос солади. У сўфийлик ғоялари, шунингдек, ўз тариқати асосларини тарғиб этишда шеърларидан фойдаланади. Ислом дини ақидалари ва ўз асослаган ғояларни шеърлар тарзда баён этиш асосида кенг омма орасига кириб боради. Яссавий ҳикматларининг ахлоқий, фалсафий, илоҳий асослари тўғридан-тўғри “Қуръон” ғоялари ва пайғамбар Муҳаммад Алайҳис-салом ҳадислари негизида шаклланади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида пайғамбар Муҳаммад Алайҳис-салом таълимотида улуғланган маънавий-ахлоқий хислатлар - мурувват, саховат, қаноат ва ростгўйлик тарғиб қилинади, билдирилаётган фикрлар кишиларни фақат Аллоҳга тобе бўлишга ундайди. Унинг ҳикматларида панд-насиҳат асосий ўрин тутди. Уларнинг барчасида сўфийлик тариқатининг амоллари - ҳақиқатни билиш. Ҳақни севиш, нафсу дунёдан чекинишга даъват этувчи ғоялар ўз аксини топгандир. Инсон руҳи ва онгини ҳар қандай иллат, қабоҳатдан озод этиш керак, ана шундагина инсонда ахлоқида кўзга ташланувчи айрим нуқсонлар юзага келмайди, деган фикрлар комил инсонни шакллантиришнинг асосий йўлларида бири сифатида эътироф этилади. Зеро, тасаввуф-нафс лаззатларидан воз кечишдир. Нафс - очкўзлик, ўғрилик, жаҳолат, худбинликни келтириб чиқаради. Шунинг учун қаноат Аҳмад Яссавийнинг ҳаётини шиори саналади. Озига қаноат қилиш, шукроналик, ҳалол лўқма ейиш орқали инсон Ҳақ билан “кўриша” олади, нафсга муте бўлганлар эса худбинликдан қайтмайди, нафс балосига учрайди. Хусусан:

Нафсдан кечиб, қаноатни пеша қилғон,
 Ҳар ким топса, рози бўлиб, бўйи сунғон
 Яхшиларга хизмат қилиб дуо олғон,
 Андоқ ошиқ маҳшар куни армони йўқ.

Жондин кечмай ху-ху деган бари ёлғон,
 Бу гумроҳдин сўрманг савол, йўлда қолган,

Ҳақни топган ўзи пинҳон, сўзи пинҳон
Ул сабабдан олтмиш учда кирдим ерга.

Банда бўлсанг меҳнат тортғил ғофил одам,
Оқил эрсанг ғаниматдур сенга шул дам
Омонатдир азиз жонинг юрма беғам,
Эшитиб ўқиб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Аҳмад Яссавий нодонлик туфайли ҳаётда саводсизлик, диёнатсизлик, ота-она ва устозларга ҳурматсизлик, маънавий қашшоқлик, ёвузлик, такаббурлик, нодон инсоннинг энг тубан шахс эканлиги, нодонлик, разолат ҳукм сурган жойда, маърифат бўлмаган ўлкада мамлакатнинг инқирозга юз тутишини алоҳида қайд этиб ўтади.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида Ҳаққа етиш йўлини тарғиб қилар экан, инсонни жаҳолат ботқоғидан халос қилиш лозимлигига урғу беради. У “Шариатда ориф-билоҳ бўлишни, тариқатда воқиф-асрор бўлишни, ҳақиқатда комил-мукаммал бўлишни, маърифатда дарёи уммон бўлишни талаб қилади”.

Юқорида баён этилган фикрлардан англанадики, Аҳмад Яссавий томонидан илгари сурилган ғоялар инсонни ёмон иллат, нафс балосидан воз кечишга ундайди. Ёмон иллатлар ва нафс балосидан халос бўлиш инсонни руҳий ва жисмоний комиллик сари етаклайди.

Аслини олганда, Мансур Халлож ҳам, Имом ғаззолий ҳам, Аҳмад Яссавий ҳам руҳий камолотга интилганлар. Зеро, улар интилган комиллик - Ҳаққа етишиш,-унга муҳаббат кўйиш, шу ишқ дарди билан яшаш, тавба-тазарру, сабру қаноат, шижоат, тўғрилиқ, ростгўйлик, самимият, нафсни тийиш, ундан ғолиб келиш, ҳар бир инсон қалбини чиркин иллатлардан халос этувчи фақру фано каби хислатларнинг мажмуидан иборатдир. Улар инсон камолотининг таъминланиши учун турли йўлларнинг самарали эканлигини асослашга ҳаракат қилганлар. Шу билан бирга, тадқиқотчилар Яссавия таълимоти ғояларига кўра золим ҳукмдор, нопок дин пешволари, нодон ва жоҳил кишиларга нисбатан мухолифот мавжудлиги таъкидланганлигидан гувоҳлик берадилар.

XIV асрнинг бошларига келиб, Мовароуннаҳрда сўфийликнинг яна бир оқими Нақшбандия тариқати шаклланди.

Нақшбандия таълимоти ўзининг ҳаётий ғоялари билан бошқа тариқатлардан тубдан ажралиб туради. Нақшбандия тариқатининг “илдизи” узоқ даврлар, яъни, Шарқ Уйғониш даврига бориб тақалади. Марказий Осиёда икки буюк олим- Абулқосим Али ал-Хороқоний (1034 йилда 80 ёшида вафот этган) ҳамда Абу Али ал-Фармадий (1084 йилда вафот этган)ларнинг сўфийлик таълимоти ривожда катта ҳиссалари бор эканлигини таъкидлайди. Тасаввуф оламининг машҳур файласуфлари Аҳмад ал-ғаззолий ва Юсуф Ҳамадонийлар (1049-1140 йиллар) Абу Али ал-Фармадийнинг шогирдлари саналадилар.

Хожа Ҳасан Андокий, Хожа Абдуллоҳ Барракий (Баркий), Хожа

Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний тасаввуф илми бўйича Юсуф Ҳамадоний кўлида чуқур таълим олган тўрт машҳур шайхлар саналадилар.

Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний

Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний кейинчалик Хожагонлар (Нақшбандия) тариқатига асос солади. Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний 1103 йилда Бухоро вилоятининг ғиждувон туманида таваллуд топган. Хожа бошланғич таълимни ғиждувонда олгач, Бухорога келиб, Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушади. Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний Юсуф Ҳамадоний кўлида таълим олиб, “зикри дил” (“Хуфя усули билан зикр айтиш”)га ижозат бўлгач, ушбу сулукка ўтади.

Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний маълум таҳсилни олиб, тариқат пешвоси даражасига етгач Хожагон (кейинчалик Нақшбандия) тариқатининг моҳиятини белгилловчи ва мазкур таълимнинг асосий ақидалари ҳисобланадиган талабларни яратади. Бу ақидаларнинг тўрттасига дастлаб Юсуф Ҳамадоний томонидан тартиб берилган бўлиб¹, улар:

1. Хуш дар дам - тириклик нафасда. Ичкаридан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва хузур юзасидан бўлиши, ғафлат унга йўл қўймаслиги керак.

2. Назар бар қадам, яъни назар қадамда, Солик йўл юрганда унинг назари доимо оёқ панжаларида бўлсин, назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин, деган маънони билдиради. Бу инсонни ҳар бир ишга масъулият билан қарашга, беҳуда нарсалар учун ҳаётни, вақтини сарф этмасликка ундайди.

3. Сафар дар ватан - солик одамийликнинг табиатида сафар қилсин, яъни, ёмонликдан яхшилик томон юрсин деган маънони билдиради.

Юқоридаги рисолада келтирилишича, Абдурахмон Жомийнинг бир байти шарҳида “юрракнинг маънавий ойнаси оламнинг забт этувчи захматларидан халос бўлса, софлик ва нуронийлик билан безанса, табиий ҳоҳишлар зулмат ундан кўтарилса, яратувчи тажаллиёти ва илоҳий сифатларни қабул этиш учун сафар ва сулукка ҳожат қолмайди. Чунки сафар, сайр ва сулукдан мақсад юракка сайқал бериш ва уни тозалашдир”¹, -деб таъкидланар экан, сулук сафар қилиш-қилмаслиги уларнинг хожагонлар малакасини ҳосил қилишларига боғлиқ. Агар ўз юртларида бундай таълимни амалга оширувчи азизни топсалар, тарки сафар айлаб, “чидам хислатини” ҳосил қилмоғи, “хожагонларнинг нисбат малакасини қўлга киритиш”и мумкин,- дейилади.

4. Хилват дар анжуман - солик ташқи томондан халқ билан, қалбан Ҳақ билан бирга дегани.

¹ Биз ақидаларнинг шарҳини Абул Мушсин Мушаммад Боʻир ибн Мушаммад Алининг “Башоуддин Балогардон” китобига Машмудхон Машдум Шасанхон Машдум ылининг сызбошисидан. Ҳаранг: Абул Мушсин Мушаммад Боʻир ибн Ёшаммад Али. Башоуддин Балогардон. Форсийдан таржима. Машмудхон Махдум Шасанхон ыли. —Тошкент, Ёзувчи, 1993. 9-14 бетлар.

¹ Абул Мушсин Мушаммад Боʻир ибн Ёшаммад Али. Башоуддин Балогардон. —Тошкент, Ёзувчи, 1993. 12-бет.

Юқорида келтирилган тўрт ақидага Абдулҳолиқ ғиждувоний куйидаги тўрт ақида-(талаб)ни кўшади:

Ёдкард - бу тил ёки дил зикри бўлиб, “Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расуллоҳ”ни уч марта дилда айтиш, яъни, Оллоҳнинг ягоналиги ҳамда Муҳаммад Алайҳис-саломнинг унинг ердаги расули эканлигини қайд, зикр этиш.

Бозгашт - турли фикрлардан халос бўлиш, ташқи оламдан ажралишга интилиш. Бунда калимаи таййибани неча марта айтса ҳам хаёлни бошқа нарсаларга бўлмасликдир. Бу – фикрни, диққатни бир жойга тўплашга ёрдам беради.

Нигоҳдашт – турли фикрлардан халос бўлиш, хаёлни бошқа нарсаларга бўлмаслик. Бунда хаёл қувватини Оллоҳ ёди борасидаги ягона ғояда сақлаб қолиш малакаси ҳосил бўлади.

Ёддашт - Аллоҳ билан доимо бирга эканлигидан завқ олишдир. Ёддашт ҳосил бўлганда Ҳақ муҳаббати кўнгилни қамраб олади, хузур бахш этади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, ўз навбатида, куйидаги уч талабни кўшади:

Вуқуфи замоний - солиқ ўз йўлида ҳар вақт, ҳар бир нафасда Аллоҳга шукроналик ва узр айтмоқликдан воқиф бўлиш керак.

Вуқуфи-ададий - бу талаб илоҳий илм мартабасининг бошланиши саналиб, “Ло илоҳа иллоллоҳ” калимасини такрорлашдан мақсад уни кўп айтиш эмас, балки ҳақиқатни англаш ва зикр тоқ сонни ташкил этишига этибор бериш.

Вуқуфи-қалбий - айтилган зикрдан қалбнинг тўлиқ огоҳ бўлиши.

Хожа Абдулҳолиқ ғиждувонийнинг таълим-тарбияга оид ўғитлари ҳозирги даврда ҳам ўз қиматини йўқотмаган. Улардан баъзиларини келтирамиз:

- Эй ўғил, сенга насиҳат қиламан:

Жамоат хизматида бўлгин, ҳадис, фикҳ илмларини ўрган, жоҳил сўфийлардан ўзингни сақла, ҳаргиз шуҳратталаб бўлмагинким, шуҳрат офатдур, мансабни кўзламагил. Номинг тилларга кам олинсин, қабулгоҳингга номингни ёзма, хонақони маскан қилмагил, ҳукмдорлар ва уларнинг кишилари бирла дўсту ҳамсуҳбат бўлма, оз сўзла, кам егил, кўп ухлама, ҳалол егил ва ҳаромдан сақлан, ҳамма кишиларга шафқат кўзи бирла боқ, ташқи кўринишингга оро бермаким, зоҳирга оро бериш ботин (дил, қалб)нинг хароблигидандир, кишидан хайр сўрамагил, кишини хизматга буюрма ва ҳоказолар.

Бу ўғитлар Хожа Абдулҳолиқ ғиждувонийнинг тариқат сулукларига мувофиқ келади.

Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний 1220 йилда (баъзи манбаларда 1174 йил кўрсатилади) вафот этган.

Баҳоуддин Нақшбанд

Муҳаммад ибн Муҳаммад Фазл Бухорий – Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 718 (милодий 1318) йилда Бухоро шаҳрига яқин Кўшки Ҳиндувон (қасри Орифон) қишлоғида туғилади. Нақшбанд унинг лақаби бўлиб, ота касби - кимхоббофлик билан шуғулланганлиги учун берилган бўлса керак.

Муҳаммаднинг бобоси сўфийлар билан яқиндан муносабатда бўлганлиги учун ҳам, унда тасаввуф илмига қизиқиш болалиқдан пайдо бўлади ва шу йўлда тарбият топади.

Муҳаммад ибн Муҳаммад тариқат сулукига оид илк сабоқларни Шайх Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосий ва Саййид Амир Кулолдан олади. Аммо Ҳазрат Ҳожа Баҳоуддин Ҳожа Абдулҳолик ғиждувонийни ўзига устоз билиб, унинг йўлини қабул қилади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги “Мақолот”ларда унинг Саййид Кулол билан бир қаторда, Ориф Деккироний, Кусам Шайх ва Халил оталардан ҳам тасаввуф таълимоти бўйича сабоқ олганлиги қайд қилинган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад Фазл Бухорий икки марта ҳаж қилади. Ҳаж сафаридан Бухорога қайтгач, бутун умрини шу ерда ўтказди. Амир Кулолнинг васиятига кўра унинг халифаси бўлиб қолади. Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 791 (милодий 1389) йилда вафот этиб, қасри Орифон қишлоғида дафн этилади.

Унинг муридларидан энг машҳурлари Ҳожа Алоуддин Аттор ва Ҳожа Муҳаммад Порсодир.

Баҳоуддин Нақшбанд ваъз ва панд-насихатларни ўз ичига олган “Ҳаётнома” номли шеърӣ тўплам ва тасаввуфга оид “Далил ал-ошиқин” номли китоб ёзган. Бироқ мазкур асарлар бугунги кунга қадар топилган эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия тариқатининг асосчисидир.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти унинг ҳаётлик чоғидаёқ Мовароуннаҳрда фақат шаҳар ҳунармандлари орасидагина эмас, балки кўчманчи туркий қабилалар орасида ҳам кенг тарқалган.

Нақшбандия тариқати Ислом динидаги суннийлик йўналиши ғояларига асосланган бўлиб, унинг маънавий силсиласи бир томондан, Абу Бакр Сиддиқ (632-634 йиллар) ҳамда иккинчи томондан, Али ибн Абу Толибга бориб тақаладиган 12 тариқатнинг бири саналади. Бу силсила «Силсилат аз-заҳаб» («Олтин силсила») деб номланади. Тариқат маънавий жиҳатдан Абу Бакр, жисмоний жиҳатдан эса Али ибн Абу Толиб орқали пайғамбар Муҳаммад Алайҳис-салом фаолияти негизида шаклланган.

Нақшбандия сулукининг бошқа сулуқлардан фарқи нималардан иборат?

Аввало, Нақшбандия сулуки ҳалол меҳнат қилиш орқали кун кечирish ғоясини тарғиб қилади. Баҳоуддин Нақшбанд томонидан илгари сурилган “Дил ба ёру, даст ба кор” (Дил ёрда, кўл иш (меҳнат)да) шиори фикримизнинг ёрқин исботидир. Шунинг учун ҳам Нақшбандия сулукига кирган кишилар меҳнат қилиш эвазига ҳаёт кечирар эдилар. Туну кун тоат-ибодат билан шуғулланиб, оила, жамият юмушларини тарқ этиш эмас, балки оилани фаровон, мамлакатни обод этиш йўлида меҳнат қилиш талаб этилар

эди. Ушбу талаб ҳадислар мазмунида олға сурилган ғояларга тўла мос тушади. Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи ҳам оддий, пок инсон бўлиб, меҳнат қилиш эвазига кун кечирган.

Нақшбандия тариқатининг бошқа сулуклардан яна бир фарқи шу эдики, бошқа сулукларнинг тарафдорлари пир олдига йиғилиб, “Зикри алония”ни амалга оширалар, яъни, овоз чиқариб зикр тушсалар, Нақшбандия тариқатининг тарафдорлари “Зикри хуфия”ни амалга оширганлар, яъни, улар томонидан Оллоҳга қилинаётган тоат-ибодат овоз чиқармасдан бажарилар эди. “Зикри алония”нинг моҳиятига кўра Аллоҳ исми ёки “Ло илоҳа иллоллоҳ” калимаси бор овозда оҳанг ёрдамида айтилиб, рақсу самоъ асосида бажарилган. Аҳмад Яссавий сулукида зикрнинг мазкур шакли “Зикри арра” деб юритилар эди. Мазкур амални адо этиш чоғида зикр қилаётганларнинг овози ёғоч кесаётган вақтда аррадан чиқадиган овозига ўхшар эди. “Мақомати Нақшбандий” асарида келтирилишича, Жалолиддин Румий асос солган Мавлавия сулукидагилар ҳам ана шу одатга амал қилганлар.

“Зикри хуфия” амалини бажариш вақтида эса муридлар бир жойга тўпланишлари шарт эмас, ҳар ким ўз уйида тинч, осуда, шовқин-суронсиз, рақсу самоъсиз Аллоҳнинг исми ва муқаддас сўзларни дилда ёд этиб, кундузлари ўз иши билан машғул бўлаверади. “Зикри хуфия” амалини Ҳазрати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандий юқорида қайд этиб ўтилганидек, Абдулҳолик ғиждувонийдан ўзлаштирган. Мутафаккирлар - Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам шу сулук вакиллари саналганлар.

Учинчи фарқ шундан иборат эдики, Нақшбандия сулукининг валийлар бемордан ўзларига касалликни тортиб олиб, сўнгра касалликни ўз вужудларидан чиқариб ташлаш хислатига эга бўлганлар.

Тўртинчи фарқи, Нақшбандия сулукидаги авлиёлар бошқа баъзи авлиёлардек, кароматфурушликка йўл қўймаган. Ҳар бир муриднинг Аллоҳга етишиши ҳамда ваҳдат ҳосил қилиши учун маънавий ва руҳий покланиш мақсади йўлида унинг ҳар қандай бидъатга қарши курашиши талаб этилган. Авлиёлик куч-қувватини эса фақат эзгу ишлар: илм-маърифатни ривожлантириш, шунингдек, халқнинг маънавий жиҳатдан покланишини таъминлаш йўлида ҳар қандай зулм ва бидъатга қарши курашишга сарфлаган. Ушбу сулук валийлари шу каби эзгу амаллари билан халқ орасида бевосита обрў қозонган. Буни биз “Мақомати Ҳожа Нақшбанд” асарида баён этилган воқеалар ва Ҳазрати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандий томонидан ифода этилган ҳикоятлар мазмунидан ҳам англаш мумкин. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд мусулмонликнинг моҳиятини қуйидагича ёритган эди: “Мусулмонлик - бу иложи борича ҳукмларга бўйсунуш, тақвога риоя қилиш, амални бажаришга интилиш ва бекорликдан узоқ бўлиб, буларнинг ҳаммаси нури сафо ва раҳмат ҳамда валоят даражасига етишиш воситасидир. Авлиёларнинг азиз манзили ва мақомларига мана шу сифат ва парвариш орқали етилади”⁹. Ушбу фикрнинг мантиқий давоми сифатида ўз

⁹ Абул Мушсин Мушаммад Бо³ир ибн Мушаммад Али. Башоуддин Балогардон. -Тошкент, Ёзувчи, 1993. 75-78-бетлар

тариқатининг мақсадини Ҳазрати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд яна шундай баён этади: “Бизнинг тариқамиз жаҳрия зикри-ю, рақс эмас, бизнинг тариқамиз, анжуманда хилват (хилват дар анжуман), ватанда сафар (сафар дар ватандир. Хилватда шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир. Жамъиятда хайрият бўлади, жамъият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру барака кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан яқунланади”¹.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд инсон баркамол бўлиши учун, аввало, иймонли бўлиши зарур деб билади.

Маълумки, тариқат йўли одобдан иборат, ҳар бир мақомнинг ўз одоби бўлганидек, Нақшбандия тариқатининг ҳам ўз хулқ-одоб талаблари бор. “Кимки ана шу одобни ушласа, уни балоғат аҳлининг балоғатига етказди. Адаб бу – хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Хизмат одоби улуғ бахтдан яхшироқ, унинг белгиси - амалнинг қабули, туғён эса амалнинг бузуклигидир. Адабни сақлаш-муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир”.

Бу ҳикматлардан кўриниб турибдики, Нақшбандия тариқати одоб-ахлоқ тариқати, чунки бу тариқат айнан инсоннинг маънавий-ахлоқий камолга етиши унинг хулқ-одоб талаблари моҳиятини англаши, ушбу қоидаларга амал қилишига боғлиқдир. Буни биз Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий-ахлоқий қиёфасидан ҳам билсак бўлади. “Мақомати Ҳожа Нақшбанд” асарида шундай дейилади: “Уларнинг ахлоқларидан бир шингили шуки, агар улар бирор дўст ёки дарвешнинг уйига бориб қолсалар, уларнинг барча фарзандлари ва яқинларининг ҳамда хизматкорларининг аҳволини сўрар ва ҳар бирининг кўнглини бир йўл билан топар эдилар. Дўст ҳамсоялар ва дарвеш ошинолардан ҳамиша рози ва хушнуд бўлардилар. Уларнинг бу лутфи ҳар бир кишига тўғри йўл учун далолат қилувчи эди”².

Нақшбандия тариқати асосида ҳар бир инсоннинг ҳалол, пок бўлиши, ўз меҳнати билан ҳаёт кечириши кераклиги, сабр-қаноатли бўлиши, камтар, самимий бўлиши, иймон ва эътиқодини мустаҳкам тутиши, дилда худони жо этиб, амалда халқ билан бирга бўлиш каби олижаноб хислатларни таркиб топтириш этади. Бу хислатларни ўзлаштириб бориш жараёнида инсон поклана боради ва руҳан Аллоҳга етишига ўзини тайёрлайди.

Нақшбандия тариқати кишиларни меҳр-оқибат, самимийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, сабр-қаноатга эга бўлиш сари йўллар экан, уларда ёмон иллатлар: ҳаром ишлар, яъни, ўғрилиқ, нопоклик, ҳасислик, ёлғончилик, фирибгарлик, таъмагирлик, бойликка хирс қўйиш кабиларни қоралайди. Буни биз Ҳазрати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг куйидаги фикрларидан ҳам билсак бўлади:

“Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл, “Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси

¹ Ёша китоб, 78-бет

² Ёша китоб, 56-57 бетлар.

залолат (адашув)дан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир”, “Киши ўзининг нафсига тухмат қилиши керак. Кимки Ҳақ субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг хийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади”.

Бу ҳикматларда комил инсонни тарбиялаш услублари ҳам баён этилган: “Сухбатимизга етишадиган гуруҳлардан баъзилари шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи бор, аммо халақит берувчи хасу хашаклар туфайли ўсолмайди, бизга эса уни поклаш лозим. Баъзиларида муҳаббат уруғи йўқ, бизга эса уни пайдо қилиш лозим”; “Муршид толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидан бохабар бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади”; “Толиб амал қилиши зарур бўлган шартлардан бири шуки, у Ҳақ Таоло дўстларидан бири бўлган дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур. Сухбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун фарзи айн ҳисобласин”.

Хулоса қилиб айтганда, Нақшбандия тариқати икки муҳим тариқат: Абдулҳолик ғиждувоний ҳамда Аҳмад Яссавийларнинг йўлини бирлаштирди ва ҳаётга мослаштирди.

Нақшбандия сулуки (Худога яқинлашиш йўли) ўн битта ахлоқий қоидани ишлаб чиқди ва амалиётга тадбиқ этди.

Сўфийнинг покланиш ва худога етишиш даражаси маънавий мураббий-шайх, муршид ёки пир томонидан амалга оширилади.

Ва ниҳоят, муршид билан мурид ўртасидаги маънавий-руҳий алоқанинг пайдо бўлиши муриднинг камолотга етишганлигини кўрсатади ва муршид муридга ўз ҳирқасини ечиб беради. Бу йўл мушоҳаба, мушоҳада, мусоҳаба каби уч босқичдан иборат бўлади. Нақшбандия сулукига кирган инсон ўзини ҳам руҳан, ҳам жисмонан чиниқтириши, маънавий поклаши ва қалбга сайқал бериши лозим.

Нақшбандиянинг асосий йўли Ҳаққа етишга интилиш, хуфия зикр қилиш бўлиб, баъзи бидъатларни рад этади. Масалан, дарбадарлик, қашшоқлик, мусиқа чалиб, ашула ва рақс тушиб, зикр тушиш (самоъ) ва овоз чиқариб (жаҳр) зикр қилиш ва бошқалар. Азиз-авлиёлар, уларнинг мазорларига сиғиниш ман этилиб, ҳар қандай мададни фақат Аллоҳдан сўраш кераклиги таъкидланади. Руҳан покланиб, манманлик, кибру ҳаводан воз кечиб, оддий ўз меҳнати билан кун кечиришга даъват этади.

Демак, Нақшбандия тариқатининг асосини инсоннинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланиши ташкил этиб, бу жараён ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги кунда ёш авлодни етук инсон этиб тарбиялашда Нақшбандия тариқатининг ахлоқий тизими, йўл ва усуллари кўл келади. Зеро, ақлий, ахлоқий, жисмоний камол топган шахсни шакллантиришда мазкур тариқат ғоялари муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқий сўфийлик таркидунёчилик ғоясини илгари сурмайди, у

инсонни маънавий покланишга йўллайди. Лекин баъзи жоҳил ва нодон кишилар (ҳатто дин пешволари ҳам) инсоннинг руҳан худо билан бирлашиши, “Анал ҳақ”лик, яъни “Мен худоман” деган ифоданинг моҳиятини тушунмасдан, уларни таъқиб этдилар. Аслини олганда, сўфийлик - бу мурувват, саховат, меҳнат, қаноат ва диёнатдир. Улар инсон хулқида мавжуд бўлган иллатларга қарши курашувчилардир. Сўфийлар ҳаётни қабоҳат ва разолатдан тозалаш йўлида ҳар бир инсоннинг маънавий жиҳатдан пок бўлишини таъминлаш учун курашганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом ер юзида кенг тарқалган динлардан бўлиб, у мусулмон маданиятининг таркиб топишида муҳим роль ўйнади. Ислом таълимотининг муқаддас китоби - “Қуръон”да илгари сурилган хулқ-одоб, турмуш тарзига оид қарашлар мусулмонлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Барча мусулмон мамлакатларида “Қуръон”нинг шарҳловчилари томонидан шариат қонун-қоидалари, ахлоқий талабларини тарғиб этилиши кейинчалик мусулмон адабиётида ахлоқий-дидактик мазмундаги асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Ислом барча мусулмон мамлакатларида бўлгани каби Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам асосий дин ҳисобланади. Шунинг учун халқ ҳаётида Ислом таълимотида ифодаланган хулқ-одоб қоидалари моҳиятини чуқур ўрганиш асосида ёш авлодда маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Мусулмон мактабларида таълим тизими ва мазмуни қандай эди?
2. Қуръони Каримда илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ҳақида сўзланг.
3. Ҳадис илмида қайси давр «Олтин давр» деб ном олди.
4. «Ҳадим» ва «Сунна» тушунчаларининг мазмунини сўзлаб беринг.
5. Ҳадисларда илгари сурилган ахлоқий тамойилларни дафтارينгизга ёзиб чиқинг.
6. Сўфийлик таълимотининг жадвалини тузинг ва унинг асосий сулуқларининг маъносини тушунтириб беринг.

III БОБ. ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ ВА УНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

1. Шарқ Уйғониш даврида илм-фан ва маданият

Араб халифалиги юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ягона Ислом динининг таркиб топиши маданий ҳаётга ҳам таъсир этди. Маданий ҳаётда юз берган кўтаринкилик маънавий ҳаётда ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Ана шу кўтарилиш бутун Араб халифалигини, Яқин ва ўрта Шарқни камраб олганлиги учун ҳам Шарқ уйғониш даври деб аталди. Бу уйғониш

жараёни IX асрдан бошлаб XV-XVI асрларгача давом этди.

Араб халифалигида IX асрда вужудга келган Уйғониш даври халифаликнинг Бағдод, Дамашқ, Халаб шаҳарларида бошланиб, барча бошқа халқлар маданий ҳаётига тарқалган, бу эса у давлатларнинг ҳам маданий ривожланишга замин тайёрлаган. Халифалик емирилиши жараёнида ташкил топган мустақил давлатлардаги маданий ривожланиш халифалик давридаги маданий ривожланишнинг давоми эди.

Халифа Хорун ар-Рашид даврида (786-833 й.й.) ва унинг ўғли ал-Маъмун даврида Бағдодда “Байт-ул-ҳикма” (“Донишмандлик уйи”) (ҳозир Академия маъносида) ташкил этилади. Мазкур Академия барча илм соҳибларининг илмий марказига айланади. Унинг қошида жаҳон кутубхонаси ташкил этилган. Академия 813-833 йилларда янада ривожланган. Академия қошида расадхона ҳам бўлган, кейинчалик янги кутубхона қурилган. Бағдоддаги мазкур илм маркази, ўз навбатида Шарқ ва ғарбда илм-фаннинг тараққий этишига, маънавий ҳаётнинг ривожланишига таъсир этган. Бу ўринда халифа ал-Маъмуннинг илм-фан равнақида кўрсатган ҳомийлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, халифа ал-Маъмун илм фанни жуда қадрлаган. У IX аср бошларидан халифаликнинг Хуросондаги ноибни бўлиб турганда ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросондаги олимларни тўплаб, уларнинг илмий ижодига шароит яратиб берган. Булар орасида ал-Хоразмий, ал-Хутталий, ал-Жавҳарий, ал-Фарғоний, ал-Маразвий каби ватандош олимларимиз ҳам бўлган. Ал-Маъмун халифалик тахтига ўтиргач у олимларнинг барчасини Бағдодга чақириб олади ва “Байт-ул-ҳикма” -донишмандлик уйи (“Маъмун академияси”)да араб олимлари билан ҳамкорликда илм-фан равнақ топади.

Шунингдек, қадимги яратилган маданий ёдгорликлар, улар хоҳ юнон, хоҳ араб, хоҳ Мовароуннаҳр ва Хуросон халқининг энг қадимги антик даврлар маданияти бўлсин, Уйғониш даври маданиятининг яратилиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Агар араблар Марказий Осиёни босиб олиб, бу ерда илгари мавжуд бўлган фан ва маданият ўчоқларини йўқотган бўлсалар, кўп ўтмай қадимий илмий анъана аста-секин тикланиб, натижада илм-фаннинг етук сиймолари етишиб чиқа бошлайди. Буларнинг барчасининг бир-бирига қўшиливи натижасида Шарқда бир бутун маданият таркиб топади ва ривожлана бошлайди.

Яқин ва ўрта Шарқда, жумладан, Эрон, Кавказорти ва Мовароуннаҳрда савдо алоқаларининг ривожланганлиги, илм-фан, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши моддий ва маданий алоқаларнинг барчаси умумий ривожланишга таъсир этди. Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида маданий юксалишга олиб келган асосий сабаб-феодал муносабатларнинг янги босқичи бўлди. Бу давр маданий тараққиётида араб халифалигига бўйсунган мамлакатларнинг хўжалик-иқтисодий алоқаларининг кучайиши ва бунинг оқибатида турли маданиятлар-ҳинд, Мовароуннаҳр, Эрон, араб, Миср, грек-юнон-рим маданиятларининг яқиндан ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир этиб бориши катта роль ўйнади.

Ҳақиқатдан ҳам бу даврда иқтисодиёт тараққий этди, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ривожланди.

Бу даврда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонлари кенгайди, кўплаб суғориладиган ерлар очилди, суғориш иншоотлари тикланди, янгилари қурилди, пахта, зиғир, каноп экилиб, уларнинг толасидан мато тўқилди. Мовароуннаҳрда, хусусан, Хоразм, Урганч, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро тўқимачилик маҳсулотлари, айниқса Самарқанд ва Бухоро шойиси дунёга машҳур бўлган.

Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик, саноат маҳсулотларинингишлаб чиқарилиши савдонинг ривожланишига йўл очди. Натижада Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг чет давлатлар: Испания, Ҳиндистон, Хитой, Византия билан савдо ишлари кўлами ортиб борди.

Пиреней ярим оролининг араблар томонидан босиб олиниши инсоният тарихининг янги саҳифаларини очиб берди. Бу жараённинг, айниқса, Оврўпа учун аҳамияти бекиёс бўлди. Шарқ фақатгина Оврўпо маданиятининг ривожига таъсир этибгина қолмай, балки умуман, Оврўполик одамнинг психологияси, тафаккури, характери, ҳаёт тарзини тарихий жараёни тубдан ўзгартириб юборди. Бу эса ўз навбатида математика, фалсафа, астрономия, табиийёт, тиббиёт, хулқ-одоб, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсир этди.

Х асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил феодал давлатлар—Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатларининг пайдо бўлишида халифаликнинг емирилиши ҳам маданий ҳаётнинг янада раванқ топишига олиб келди.

Бу даврда пул муомаласи ривожланди. Жамият сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, албатта маданий ҳаётга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Сомонийлар давлатида Марв, Бухоро, Самарқанд ва Урганч ўша даврнинг маданий марказлари саналарди.

Бу даврда араб тили илмий ва алоқа тили эди. Мактабларда дарслар араб тилида олиб борилар эди. Расмий ҳужжатлар, шариат қоидалари араб тилида юритилар эди. Илмий асарлар ҳам араб тилида ёзилар эди. Х аср ўрталарига келиб, форс-тожик тилида ҳам иш юритила бошланди. Аммо ҳужжатлар, ишлар форс-тожик тилида бўлса ҳам, араб имлосида ёзилар эди.

Бу шаҳарлардаги мактабларга ҳатто теваарак-атрофдаги қишлоқлардан оддий халқ болалари ҳам келиб ўқиганлиги манбаларда келтирилади.

Ўша даврда Бухорода катта китоб бозори бўлган. Китоб дўконларида олим ва фозил кишилар учрашиб, илмий мулоқот, мунозаралар ўтказганлар. Абу Али ибн Сино китоб дўконларидан бирида Форобийнинг Аристотел “Метафизика”сига ёзган шарҳларини сотиб олганлигини таржимаи ҳолида хикоя қилади.

Бухоро амири саройида эса йирик кутубхона мавжуд бўлган.

Амир кутубхонасини ўша даврдаги Шероз кутубхонаси билан беллаша оладиган ягона кутубхона сифатида тан олганлар.

Сомонийлар даврида Рудакий, Фирдавсий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино каби мутафаккирлар ижод этганлар. X асрнинг иккинчи ярмидан ташкил топган Қорахонийлар давлатида ҳам баъзи хонлар ўз саройларида кутубхоналар ташкил этдилар. Бу кутубхоналарда араб ва ҳатто ғарбий Европа олимларининг асарлари ҳам мавжуд эди. Бу даврда туркий тил шаклланиб борди. Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий каби олимлар жаҳон аҳамиятига эга бўлган асарларини яратдилар. XI аср бошида ғазнавийлар давлати, кейинроқ Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлати ташкил топди. ғазнавийлар даврида ҳам илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланди. Маҳмуд ғазнавий ўз саройига жуда катта маданий бойликларни тўплайди, олимларни илмий ишга таклиф этади. Жумладан, Абу Райхон Берунийнинг машҳур “Ҳиндистон” асарини шу ерда яратган эди.

Салжуқийлар даврида Алп-Арслон Муҳаммад ҳокимиятни бошқарганда унинг вазири Низом ул-Мулк ўз даврининг машҳур сиёсий арбоби ва энг маърифатпарвар кишиларидан бўлган.

Салжуқийлар ҳокимияти ҳарбийлашган бўлиб, бу ҳокимиятнинг ички ва ташқи сиёсатини Низом ул-Мулк бошқарар эди. У ғазнавийлар иш услубига бир оз ўзгартиришлар киритиб, ҳокимиятни бошқариш услубини ишлаб чиқади ва ўзининг “Сиёсатнома” асарини яратади (1091-1092 й.й.). Бу асарда давлатни бошқариш тамойиллари-принциплари баён этилади. Низом ул-Мулк маорифни ривожлантиришда катта хизмат қилади. 1067 йилда Бағдодда ўзининг шахсий жамғармасига ўша даврнинг энг машҳур ўқув юрти- “Низомия” мадрасасини қурдиради. У олимлар, дин пешволари, сўфийларга катта эътибор бериб, ғамхўрлик қилади. Унинг катта хизматларидан яна бири тақвимни ислоҳ қилгани. У 1074 йили ўрта Шарқ мамлакатлари учун календарь-тақвим тузадики, бу тақвим ҳозиргача энг такомиллашган календарлардан бири ҳисобланади.

XI асрда Хоразмда илм-фан тараққий этади. Хоразм шоҳи Маъмун II ўз саройига забардаст олимларни таклиф этади. У ташкил этган “Байт-ул-ҳикма” -Донишмандлар уйи тарихда “Маъмун академияси” деб ном қолдирган. Бу академиянинг ривож топишида Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, тарихчи Мискавайх, риёзиётчи Абу Наср ибн Ироқ, файласуф Абу Саҳл ал-Масихий, табиб Абулхайр Хаммор каби олимлар илмий ижод билан шуғулланганлар. Лекин тож-тахт учун кураш натижасида бу илм даргоҳи ўз фаолиятини тўхтатиб, олимлар тарқаб кетади.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX асрларга келиб маънавий кўтарилиш Шарқ Ренессанси – Уйғониш даврининг бошланишга олиб келди.

Мовароуннаҳрда илм-фан ва маърифат соҳасида ўз хизматлари билан дунёга машҳур бўлган файласуф ва мунажжим, математика, физика, тиббиёт, тарих, тил ва адабиёт, педагогика соҳасида илмий мероси билан ном қолдирган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар фаолият олиб бордилар. Қомусий олимлар ўз илмий меросида таълимий-ахлоқий асарлар яратишга ҳам катта эътибор бериб, бу асарларда илгари

сурилган ғоялар инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, эстетик ва жисмоний жихатдан камол топишида, педагогик фикр тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Шарқ уйғониш даврида соф педагогик асарлар ҳам яратилиб, таълим-тарбияда инсон такомилнинг хусусий ва умумий методлари ҳақида ўлмас таълимоти билан ном қолдирган тарбияшунос олимлар ҳам майдонга чиқди.

2. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг илмий мероси ва унинг дидактик қарашлари

Қомусий олимлар ўз илмий меросида инсоннинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик такомил масалаларига катта эътибор берганлар. Масалан, Муҳаммад Ал-Хоразмий (783-850) инсоннинг камолга етиши ва инсоний муносабатларни йўлга қўйишда илм-фаннинг муҳим аҳамиятига эга эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган ҳолда педагогик фикр тараққиётида муносиб ўрин эгаллайди.

Айниқса, у математика соҳасида янгилик яратган назарий ва амалий педагог-услугиётчи олим сифатида тарихда қолган. Хоразмий ўз давригача бўлган қадимий математика фани ривожланган мамлакатлар Вавилион (Бобил), Юнонистон, Ҳиндистон, Хитой, Мисрдаги деярли барча математикларнинг кашфиётларини ўрганди ва ўзи ҳаётий талаблар нуқтаи назарида улардан фарқ этувчи янги кашфиёт яратди.

Муҳаммад ал-Хоразмий илмий мероси билан билиш назариясига ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. “Ал-китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва-л муқобала” асарида (“алжабр ва –л муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”) сонли квадрат ва чизиқли тенгламалар ва уларни ечиш йўллари баён этади. Бу асар уч қисмдан иборатдир. Биринчиси алгебраик қисм. Унинг охирида савдо муомаласига оид кичик бир бўлим киритилади; иккинчиси, геометрик қисм-алгебраик усул қўллаб ўлчашлар ҳақида; учинчи қисм васиятлар ҳақида бўлиб, муаллиф уни “Васиятлар китоби” деб атади.

Муҳаммад ал-Хоразмий математика фанида абстракция тушунчасини кенгайтиради. Индукция йўли билан умумий ечиш усуллари хал этади, дедукция йўли билан умумий усуллар ёрдамида хусусий масалаларни ечади. “Алжабр ва-лмуқобала” асари билан ҳам математика фанини ривожлантириб, ўзидан аввалги билимларни ўрганди ва уларни синтезлаштирди ҳамда амалда қўллаш усуллари баён этди.

Муҳаммад ал-Хоразмий ўша пайтларда амалда учрайдиган барча чизиқли ва квадрат тенгламаларни жамлаб, ҳозирги математик символ орқали бериладиган қуйидаги олти типга келтирди:

$$ax^2 \times vx(1)$$

$$ax^2 \times c$$

$$vx^2 \times c$$

$$x^2 - vx \times c$$

$$x^2 - cx \times vx$$

$$x^2 \times vx - c$$

Мутафаккир ушбу тенгламаларни ечиш учун “Ал-жабр” ва “ал-муқобала” (“тиклаш” ва “қиёслаш”) амалларини киритди. Бу амалларнинг моҳияти тенглама ҳадларининг ишорасини ўзгартирган ҳолда уларни бир томондан иккинчи томонга ўтказиш ва йиғишдан иборатдир. “Ал-жабр” кейинчалик математика фанининг алоҳида бўлимига айланди ва “алгебра” деб аталадиган бўлди. Мазкур амаллар ёрдамида ҳар қандай тенгламани кононлик шаклига, яъни асосий типлардан бирига келтириб, кейин ечилади. Бу усул фан оламида муҳим аҳамиятга эга эди. Шу асар туфайли “Ал-Хоразмий” номи лотинча транскрипцияда “Algoritmi” шаклини олди, кейин “Algoritmus” ва ниҳоят ҳозирги замон ҳисоблаш математикасининг асосий тушунчаси “алгоритм” (“алгорифм”) га айланди. У математиканинг назарий ривожланиши билан бирга, ундан турмушда фойдаланиш йўллари хам берди. Мерос тақсим қилиш, васиятномаларни тузиш ҳамда мол тақсим этиш учун зарур бўлган ҳисобларни таълиф этди.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг математикага оид иккинчи китоби “Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб” (“Ҳисоб ал-хинд”)дир. Асар ўнлик тизим рақамлари (1,2,3,4,5,6,7,8,9)га бағишланган. Мутафаккир ҳиндларнинг фалакиёт ва математикага оид “Синдихин” номли қўлланмасини ўқиб, унинг янглиш ва қийин томонларини қайта тиклади, унинг мундарижасига янги бобларни қўшди ва бу асарни “қисқарган Синдихинд” (“Алгоризми ҳинд ҳисоби ҳақида”) деб атади. Мазкур асар фақат Шарқдагина эмас, Европада ҳам қўлланма сифатида шуҳрат таратди. У Ҳиндистонда кашф этилган рақамларни содалаштирди ва биринчи марта араб тилида баён этди. Унгача анча кўпол санок усулларида фойдаланиб келинган. Ўнлик тизимининг кашф этилиши фан оламида санок тизимида инқилобий ўзгариш деб таърифланади. Европага 1,2,3,4,5,6,7,8,9 рақамларидан фойдаланиш ва ноль ёрдамида энг катта сонларни ёзиш ва жойларни аниқ кўрсатиш X-XI асрларда араблардан кириб келган.

Муҳаммад ал-Хоразмий арифметиканинг алгоритмлари бўлган кўшиш, айириш, бўлиш ҳамда кўпайтириш қоидаларини яратган. Шунингдек, турли “жинс”даги сонларни кўпайтириш алгоритмини хам берган. Масалан, минут ва секундларни бир-бирига кўпайтириш учун, аввало бир хил шаклга келтириш, яъни, секунд ёки минутга айлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатган. Махсус бобда каср ва илдиздан чиқариш амалларининг моҳиятини баён этган.

Муҳаммад ал-Хоразмий ўзининг фалакиётга доир ишларида ҳиндларнинг фалакиёт жадвалларини таҳлил этиб, “Хоразмий зиж” номи билан машҳур астрономик жадваллар тузди.

Маълумотларга кўра VIII-XV асрларда ҳаммаси бўлиб, юзтача зиж (тригонометрия ва фалакиётга оид) жадваллар мавжуд бўлган. Бу зижлар орасида бошқа олимлар билан бирга Муҳаммад ал-Хоразмий тузган зижлар хам бор эди. Бу китоб хам бир неча асрлар бу соҳа олимларига қизиқиш уйғотади ва 1126 йилда лотинчага таржима қилинади. Араб тилида биринчи ёзилган синуслар ва тангенслар зиж Хоразмийга тааллуқли. Тадқиқотчилар фанда текис, учбурчак тригонометрияси ва сферик учбурчак

тригонометриясини тадқиқ қилиш ҳам Хоразмийдан бошланган дейишади. Унинг синус зижлари латин тилига ўгирилиб, Европа фалакиётчи ва геодез олимларига қўлланма сифатида хизмат қилди. Алломанинг бу асари XII асрда латин тилига таржима этилиб, бир неча аср давомида ундан фойдаланиб келинди. Бундан ташқари “Китоб сурати-л-ард” (“Европа сурати китоби”) биринчи ёзилган географияга оид китоб саналади. Бу асар харитани тавсифлаган асардир. Асар Муҳаммад ал-Хоразмийнинг кўп йиллик олиб борган текшириш-кузатиш ишларининг натижаси эди. Аллома шарқ мамлакатлари устида кузатишлар олиб бориб, мамлакат ва шаҳарларнинг хариталарини чизади, номлар рўпарасига узунлик ва кенглик даражаларини кўрсатади. У географияга оид асарларида ерни етти иқлимга бўлади ҳамда ернинг харитасини чизади. Олимнинг тўрт харитаси (Азов денгизи, Нил дарёси, Яқин ва ўрта Шарқ халқлари харитаси) сақланиб қолган¹. Унинг юқоридаги асари ҳам Шарқ ва ғарбда катта ҳамиятга эгадир.

827 йилда Хоразмий раҳбарлигида ер куррасининг катталигини аниқлаш мақсадида ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилди. Бағдодда ёзилган тригонометрияга оид дастлабки асар ҳам Хоразмийга тегишли бўлиб, унда синус, тангенесларнинг ўзгариш қонунияти кўрсатилди. Унинг тригонометрик жадвали ўша давр жадваларидан фарқ қилган.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг тарих ва мусиқага оид, қуёш соатлари тўғрисида ҳам асарлари бўлиб, “Тарих китоби” (“Китоб ат-тарих”) халифалик тарихига оид ва халифаликнинг биринчи тарихчиларидан саналади.

Шуни таъкидлаш жоизки, аллома ўзигача бўлган илмий билимларнинг асосий ғоялари, тамойил ва методларини синтезлаштирди. У илмий билимларни ўрганувчиларнинг мустақил билим олишларига эътиборни қаратди.

Хоразмий билим олишда талабанинг шахсий кузатишларига ҳамда олган билимларидан фойдаланишга катта эътибор берди. Бунда у илм изловчиларнинг илмий манбаларни тўплаш, уларни ифодалаш ва кузатганларни тушинтира олиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилишга катта баҳо берди. Масалан, “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва-л муқобала” асарида олимларни уч гуруҳга бўлиб шундай ёзади: Улардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларни амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетади ва уни ўзидан кейин қолувчиларга мерос қилиб қодиради.

Бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди ва бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, ёпиқни очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади. Ёки бу айрим китобларда нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганни тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг бу фикри бир томондан, олимлар фаолиятининг эзгуликка хизмат қилишини ёритса, иккинчи томондан, ўша даврда илмий тадқиқот ишлари ва ўқитишнинг метод ва воситаларидан қай

¹ Ирисов А. Хоразмий ва Фаробий. –Тошкент, Ўзбекистон, 1961, 8-9 бетлар

даражада фойдаланганлигини кўрсатади.

Барча мутафаккирлар каби Муҳаммад ал-Хоразмий ҳам кўрғазмали-тажриба методлари, билим беришнинг турли воситалари, савол-жавоб, малака ва кўникмаларни шакллантириш методлари, билимларни синаш методларидан фойдаланган. Алломанинг арифметикага оид рисоалари тафаккурни ривожлантириш учун билимларни изчил баён этишга эътибор берганлигини кўрсатади. “Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи “Алжабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”ни таълиф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, геометрияда ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун зарурдир”¹. Муҳаммад ал-Хоразмий билишни сезгидан мантиқий тасаввур орқали фарқ қилиш ҳақида фикр баён этган: “сезги” орқали билиш бу қисман билиш бўлса, мантиқий билиш эса ҳақиқий билимнинг муҳим томонини намоён этади.

Муҳаммад ал-Хоразмий билиш назариясига муҳим ҳисса қўшди. У биринчилардан бўлиб, синов-кузатиш ва синов методларига асос солди (самовий объектларнинг ҳаракатини акс эттирувчи жадвал асосида математик масалаларнинг алгоритм методида ечишни ишлаб чиқди). У математик ғоялар асосида одамларнинг ҳаётий зарурати ётишини, илмий кашфиётлар одамларнинг амалий талаблари асосида пайдо бўлишини асослади. Масалан, ер ишлари, бинолар қуриш, каналлар очиш шундай пайдо бўлган, дейди. У биринчи марта инсонлар ўртасидаги муносабатларни математик шаклларда ифодалади.

Аллома илмий фаолиятининг методологик жиҳатларига катта аҳамият берди.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Шарқ Уйғониш даврида илм-фан, маданият, таълим-тарбия тараққиёти нималарда намоён бўлди?
2. Ал-Хоразмийнинг илмий мероси ва дидактик қарашларининг аҳамияти нималарда кўринади?

Абу Наср Форобийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари

Абу Наср Форобий
(873 - 950)

Ўрта аср ижтимоий – фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таъмоти таълим – тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машҳур Юнон файдасуфи Арастудан кейин Шарқда ўз билими, фикр доирасининг кенглиги

¹ Ἀε-Ὀἰδαῖς, Ἰσχυρὰ εἰ Ἰόνι. Ὀαίε. ἀπαδεᾶδ. —Ὀἰοεἰο, 77-78-бетεᾶδ.

билан ном чиқарган Форобийни йирик мутафаккир – «Муаллимий соний» - «Иккинчи муаллим» деб атайдилар.

Абу Наср Форобий (тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узалиқ ибн Тархон ал-Форобий) ҳижрий 260 йил (милодий 873 йил)да Шош – Тошкентга яқин Фороб (Ўтрор) деган жойда ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Форобда бошланғич таълимни олгач, Шошда, Бухорода, Самарқанда таълим олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин араб халифалигининг йирик маданий маркази Бағдодга халифаликнинг турли томонларидан келган олимлар йиғилганлиги, унинг йирик илмий марказга айланганлиги туйғайди Форобий ҳам илм олиш истагида Бағдодга жўнайдди. Бағдодда Форобий ўрта аср фанини, турли фан соҳаларини ўрганайди. Масалан, унга Юнон тилида Абу Башар Матта (Матта ибн Юнус), тиббиёт ва мантиқдан Юханна ибн Ҳайлон (Жилон) таълим берган. Умуман, Форобий Бағдодда математика, мантиқ, тиббиёт, илми нужум, мусиқа, табиийёт, ҳуқуқ, тилшунослик, поэтика билан шуғулланди, турли тилларни ўрганди.

Баъзи манбаларда Форобий 70 дан ошиқ тилни билганлиги ҳақида гапирилади.

Абу наср Форобий қомусий олим ҳисобланади. Тадқиқотчилар унинг 160 дан ортиқ илмий асарлар яратганлигини қайд этадилар.

Форобий таҳминан 941 йиллардан бошлаб Дамашқда яшайди. Шаҳар чеккасидаги боғда қоровул бўлиб ишлайди ва фақирона ҳаёт кечириб, илмий иш билан шуғулланади. 943-967 йилларда эса Ҳалабда яшайди. 949-950 йилларида Мисрда ҳам бўлган. Сўнг яна Дамашқга қайтиб, шу ерда 950 йилда вафот этган. Дамашқдаги «Боб ас – сағир» қабристонига дафн қилинган. Ривоятларга кўра Абу Насрнинг ҳикмат фалсафани ўқишига бир киши сабаб бўлган экан. Уша киши унга Арастунинг бир неча китобини, шу ерда тура турсин, кейин олиб кетаман деб қўйиб кетгани сабаб бўлган, дейишади. Иттифоқо, китобларга кўзи тушиб, уларнинг Абу Насрнинг кўнглига маъқул бўлиб қолади ва ўқишга киришади натижада етук файлу суфга айланади. Ҳақиқатдан ҳам Абу Наср Форобий ўрта аср даври илм – фани таракқиётига катта ҳисса қўшган олим, Форобий табиий, илмий ва ижтимоий билимларнинг барча соҳаларида илмий иш олиб борган. Форобий ўзидан кейин жуда бой илмий мерос қолдирган. Фалсафа, мусиқа, филология ва бошқа табиий, илмий билимларнинг турли соҳаларида асарлар яратган. Демак, Форобий инсон бахт – саодатга эришуви учун уларни бахтли – саодатли қила оладиган жамоа раҳбари бўлиши керак дейди. У фозил шаҳарни бошқарадиган Ҳоким табиатдан: 1 – соғ – саломат бўлиб, ўз вазифасини бажаришда ҳеч қандай қийинчилик сезмаллиги; 2 – табиати нозик, фаросатли; 3 – хотираси мустаҳкам, 4 – зехни ўткир, 5 – ўз фикрини тушунтира оладиган нотик, 6 – билим-маърифатга ҳавасли, 7 – таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладига бўлиши (қимор ёки бошқа ўйинлардан) завқ, ҳузур олишдан узок бўлиши, 8 - ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва елғончиларни ёмон кўрадиган, 9 – ўз қадрини билувчи ва ориятли бўлиши, 10 – мол дунё кетидан қувмайдиган, 11 – адолатпарвар, 12 – қатиятли,

саботли, журъатли, жасур бўлиши муҳимлигини қайд этади. Форобий бу фазилатларни ҳар бир етук инсонда кўришни истади.

Форобий ўзининг фозил жамоасида одамларни турли белгиларга қараб гуруҳларга бўлади. Бунда у, кишиларнинг диний масхабига, миллатига, ирқига қараб эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, ақлий иқтидорига, билим кўникмаларига эътибор беришлик зарур дейди. У ўзининг «Бахт саодатга эришув йўллар ҳақида рисола» асарида «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт – саодатга олиб боришдир, - деб ёзади. У, - бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритади». Форобий давлатни етук шахс бошқариши лозим дайди; яъни жамоани идора этувчи адолатли, доно бўлиши, қонунларга риоя этиши ва қонунлар ярата олиши, келгусини олдиндан кўра билиши, бошқаларга ғамхўр бўлиши лозим дейди.

Форобий таълим тарбияга бағишланган асарларида таълим – тарбиянинг муҳумлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим – тарбия усуллари ва услуби ҳақида фикр юритади. «Фозил одамлар шахри», «Бахт саодатга эришув тўғрисида», «Ихсо – ал - улум», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида ижтимоий – тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий ўз ишларида таълим – тарбияни узвий бирликда олиб бориш ҳақида таълим берган бўлса ҳам, аммо ҳар бирининг инсонни камолга етказишда ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Форобий «Бахт – саодатга эришув тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этган. Унинг таъкидлашича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу – олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўргангач, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг, умуман, жонли табиат ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади, дейди.

Форобий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди.

У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашувчи ёки муносабатларига мухтож бўлади. Унинг фикрича тарби жараёни тажрибали педагог, ўқитувчи томонидан ташкил этилиши муҳумдир. Чунки ҳар бир одам ҳам бахтни ва нарса ҳодисаларни ўзича била олмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим.

Бунга Форобий таълим – тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин, дейди. Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим – тарбия инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жихатдан камолга етказди, хусусан, инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади, жамият тартиб қоидаларига риоя этади.

Демак, Форобий таълим – тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

Форобий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим – деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия – назарий фазилатни, маълум хунарни эгаллаш учун

зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, дейди олим.

Абу наср Форобий яна айтади: «Таълим – деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш - ҳаракат, касб - ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир»

, - 4ейдиЮ

Фаробий қазарий илимларни амаллашга киришган ҳар бир киши билан

, - дейди.

Форобий назарий билимларни амаллашга киришган ҳар бир киши хулқ – одобда ҳам қай даражада пок бўлиши кераклигини «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида»ги рисолада шундай таърифлайди: «Фалсафани ўрганишдан аввал ўзингизни ҳирс-ҳаваслардан шундай тозалашингиз лозимки, сизда маиший ва шаҳвоният каби нотўғри туйғуларга эмас, балки камолотга бўлган ҳирс-ҳавас қолсин.

Бунга хулқ ахлоқни фақат сўздагина эмас, балки ҳақиқатда (амалда) тозалаш орқали эришиш мумкин. Шундай сўнг хато ва адашишдан сақловчи, ҳақиқат йўлини тушуниб олишга бошловчи (нотик – сўзловчи, фикрлаш маъносида) нафсини, жонини, руҳини тозалаш зарур»

Фаробий ахлоқий фазилатлар деганда билимдонлик, донолик ва мулоҳазали бўлиш, виждонлилик, камтарлик, кўпчилик манфаатини юқори кўйиш, ҳақиқат, маънавий юксакликка интил, адолатлилик каби ҳислатларни тушунади. Аммо бу ҳислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун ҳам Форобий ахлоқ тушунчасига ақл билан узвий боғлиқ ҳолда, тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида қарайди. Бундан биз Фаробийнинг ахлоқни хулқ меъёрлари ифодаси сифатидагини эмас, балки кишиларнинг ақлий фаолиятининг натижаси сифатида ҳам талқин этганлигини кўраемиз. Фаробий «Ақл маънолари ҳақида» рисолада ақл масаласини таҳлил қилиб, ақл билиш ҳақидаги таълимотида мантиқ (логика) илми муҳим ўрин тутди дейди. У мантиқ илми билан грамматика ўртасидаги муштараклигини қайд этиб, мантиқнинг ақлга муносабати, грамматиканинг тилга муносабати каbidир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлда олиб бориш учун ақлни тўғирлаб туради дейди.

Форобий «Музыка ҳақида катта китоб» деган кўп жилди асари билан ўрта асрнинг йирик музикашуноси сифатида ҳам машхур бўлди. У музикага илмини назарий, амалий жиҳатдан ёритиб, музикани инсон ахлоқини тарбияловчи сихат саломатлиғни мустаҳкамловчи восита деб қараган. Унинг музика соҳасида қолдирган мероси музика маданияти тарихида муҳим аҳамиятга моликдир.

Форобийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари воситалри ҳақидаги қарашлари ҳам қимматлидир. У инсонда гўзал фазилатлар икки йўл – таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим назарий фазилатларини бирлаштирса, тарбия эса туғма фазилат – назарий билимлар ва амалий касб - хунар, хулқ одоб фазилатларини бирлаштиради. Таълим сўз ва ўрганиш билан тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади, дейди. Ҳар иккаласи бирлашса етуклик намоён бўлади, аммо бу етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганганлигига қараб пайдо бўлади, деб кўрсатади.

Форобий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий – ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-хунарга оид малакалар ҳосил қилинади, деб уқтиради.

Бу муҳим вазифа тажрибали тарбиячилар томонидан таълим-тарбиянинг турли методлари ёрдамида амалга оширилади. Форобий таълим – тарбия ишларини икки йўл билан амалга оширишни назарда тутади.

«Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб-хунар)лар ва уларни бажаришга одатланиш масаласи»га келганда, бу одат икки йўл билан ҳосил қилинади: булардан биринчиси – қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илхомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд-интилиш ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи йўл (ёки усул) – мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмовчи, қайсар шаҳарликлар ва бошқа сахройи халқларга нисбатан қўлланилади. Чунки улар ўз истакларича сўз билан ғайратга кирадиганлардан эмаслар. Улардан бирортаси назарий билимларни ўрганишга киришса, унинг фазилати яхши бўлади. Касб хунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиш бўлмаса, бундай одамларни мажбур этмаслик керак. Чунки шаҳар халқларига тарбия беришдан мақсад – уларни фазилат эгаси қилиб ва санъат аҳлларига айлантиришдир

†СларниРДазилатРМгасиРҲилибР2аРАанъатР0тцларигаР0йлантеришди рҲ.

Демак, Форобий таълим – тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. Ҳар иккала усул ҳам пировардида инсонни ҳар томонлама камолга етказиш мақсадини кўзлайди.

Хулоса қилиб айтганда Форобий педагогик таълимотининг асосида комил инсонни шакллантириш, инсонни ўз моҳияти билан ижтимоий, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида комилликка эришади, деган фалсафий қараш ётади.

Инсоннинг камолга етишида ҳам ақли, ҳам ахлоқий тарбиянинг ўзаро

алоқаси муҳим аҳамият касб этади. Бунда Форобий тавсия этган таълим – тарбия усуллари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан диққатга сазовордир.

Назорат учун саволлар:

Абу Наср Форобий яшаган даврда ижтимоий тузум қандай эди.

Абу Наср Форобий фанлар тасниви ҳақида.

Абу Наср Форобийнинг таълим – тарбияга оид қандай асарларини биласиз?

Мустақил иш.

Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» Т., 1993 й. китобини ўқиш ва таҳлил қилиш.

Абу Райхон Беруний (973 - 1048)

Қомусий олим Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний Х асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг бошларида, ғоят мураккаб тарихий даврда яшади ва ижод этди. Абу Райхон Беруний 362 йил 3-зулҳижжада (милодий 973 йил 4-сентябр) Хоразмнинг Қиёд (Кот) шаҳрида дунёга келди. Берун ёки бирун сўзи «ташқари» деган маънони англатади.

XIII аср бошларида Хоразмда бўлган машҳур саёхатчи ва географ Ёкут Ҳамавийнинг айтишича, Ватанидан ташқарига кетган ҳар бир кишини хоразмийликлар «Беруний» лақаби билан атаганлар. Кейинчалик бу лақаб шу анъанага кўра унинг номига кўшилиб қолган бўлса эҳтимол. Чунончи, олимни шахсан билган машҳур тарихчи Абул Фазил Байҳақий унга нисбатан «Беруний лақабини қўлламай, фақат «Абу Райхон» деб атайди. «Абу Райхон» эса «марҳаматли», «рахматли», «рахмдил» маъноларини билдиради», - деган фикрларни айтадилар

буР айц>nh МсаР «<арц0матлиh, «@ац<атлиh, «@ац<дилh <аънолариниР1илдирадih, - 4еганРДикрларниР0йтадиларЪ.

Абу Райхон Беруний бошланғич таълимни олгач, ўша даврда фан – маданият тараққий этган Хоразмнинг пешқадам олимларидан сабоқ олади.

Беруний Хорзам тили билан бирга суғдий, форсий, сурёний, Юнон, қадимги яҳудий тилларини, ҳатто қадимги ҳинд тили санскритни ҳам ўрганган. У Юнон классик илми, астрономия, география, ботаника, математика, геология, тарих, этнография, фалсафа ва филологиядан ҳам чуқур билим олади.

Беруний йирик олим Абу Наср Ибн Ироқдан Евклид геометрияси, Птолемейнинг астрономик таълимотларидан дарс олган.

Бундан ташқари ўзидан олдин ўтган математик, мунажжим ва география олими Муҳаммад Хоразмий, география олими Абул Аббос, Аҳмад Фарғоний (IX аср), Марвазий (IX аср), Жавҳарий (IX аср), файласуф ва табиатшунос Абу Наср Форобий, Абул Вафо Жузжоний (940-998), сейстонлик Абу Саид ас-Сижий (951-1024), Абу Муҳаммад Ҳамид Хўжандий ва бошқаларнинг асарларини мустақил ўрганади.

995 йилгача Беруний астрономия, география, геодезиянинг амалий масалаларини ҳал этиш билан бирга, Шарқда биринчи бўлиб Ер ва Осмон глобусини ясади ва астрономияга оид бир неча китоб ёзди («Картография», «Глобус яшаш китоби», «Ердаги жойларнинг узунлама ва кенгламаларини аниқлаш ҳақида мақола» ва бошқалар).

Беруний ҳали жуда ёш олим бўлишига қарамай, Кот шаҳрида 994-995 йилларда астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган.

994-995 йилларда Қорахонийлар самонийлар давлатига қарши ҳужум қиладилар. Урганч амири Маъмун I томонидан Беруний ижод этаётган Кот шаҳри забт этилиб (бу шаҳар Жанубий Хорзамнинг пойтахти бўлган), ягона Хоразм давлати ташкил топади. Амир Абу Абдулло Муҳаммад хизматида бўлган Беруний ҳам бошқа олимлар каби Кот-Қиётни тарк этиб, Журжон (Каспий денгизининг жануби-шарқи)да, сўнг Райда (Техрон яқинида) яшайди, Райдан яна Журжонга қайтиб, олим ва келажакдаги устози Абу Саҳл Исо Масихий билан танишади ва ундан таълим олади.

Ўша даврда Хоразмда ва Каспий олди вилоятларида Қобус ибн Вушмагир ёш олимга хайрихоҳлик кўрсатади. «Шамс ал-Маолий» («Олий мартабалар куёши») лақаби билан машҳур бўлган бу подшоҳга бағишлаб Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини ёзади ва унга тақдим этади. Бу асар Беруний номини Яқин ва Ўрта Шарққа машҳур қилди.

1004 йилда Беруний Маъмун II ибн Маъмун томонидан Хоразмга чақириб олинади ва унинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади.

Маъмун даврида Урганчда «Маъмун академияси» номли илмий марказ ташкил этилади ва у ерда мусулмон Шарқининг йирик олимлари фаолият кўрсатади.

Беруний бир неча йил камёб металллар ва қимматбаҳо тошлар устида кузатишлар ва тажрибалар олиб боради ва кейинчалик ана шу тадқиқотлари асосида «Минералогия» асарини яратади.

1017-1018 йилларда яна тахт ва ҳокимият учун кураш бошланиб, Мовароуннаҳрда қорахонийлар давлати барпо этилади. Хуросон ва Авғонистонда Маҳмуд ғазнавий (998-1030) ҳукмронлиги ўрнатилиб, қорахонийлар билан тузилган шартномага мувофиқ Хоразм Маҳмуд давлатига тобе бўлиб қолади.

Маъмун академиясидаги кўплаб олимлар қатори Беруний ҳам ғазнага олиб кетилади ва у ерда кўп қийинчиликлар билан ўз ижодини давом эттиради.

Беруний бу ерда ўзининг «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Таҳдид ниҳоёт ал-амокин ли тасҳиҳ масофот ал – масокин», («Турар жойлар

орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охириги чегараларини аниқлаш», яъни «Гиодезия») асарини яратди. Бу асарда география ва астрономия фанлари билан бир қаторда палеонтологик кузатишлар натижалари ҳам баён қилинган.

Берунийнинг яна бир муҳим асари «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар»дир. Бу асарда ҳам у бир қанча фанлар юзасидан дастлабки тушунчалар, маълумотлар берган.

Маълумки, Маҳмуд ғазнавий Ҳиндистонга қарши босқинчилик урушларини олиб борган. Мана шу юришларнинг бирида Беруний ҳам Маҳмуд ғазнавийга ҳамроҳ бўлиб борди. У санскрит (эски ҳинд тили)ни билганлиги учун ҳинд халқи маданияти, адабиёти ва санъати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди ва бу меҳнатлари натижасида 1030 йилда ўзининг Шарқ ва ғарбда кенг эътироф қилинган машҳур «Ҳиндистон» асарини яратади.

Китобнинг тўлиқ номи «Китобу фи таҳқиқи молил Ҳинд мин мақулатин фил ақли ав марзулатин», яъни «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» бўлиб, айтишга қулай бўлишлиги учун қисқача «Таҳқиқу мо - мил ҳинд» - («Ҳиндистонга оид тадқиқлар» ёки «Ҳиндистон») деб юритилади.

Унинг бу шох асари ғарб ва Шарқ олимлари, шу жумладан, ҳозирги замон ҳинд олимлари томонидан юксак баҳоланган. Академик В.Р.Розен «Шарқ ва ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиёти орасида бунга тенг келадиган асар йўқ», - деб баҳоласа, Ҳиндистон олими Ҳамид Ризо олим ҳақида гапириб, «Ҳинд маданиятининг чигал муаммоларини бирон-бир ўрта аср ёки ҳозирги замон муаллифи Абу Райҳон Берунийдек муваффақиятли равишда тушуниб етмаган. Унинг «Ҳиндистон» асари қадимги Ҳинд маданияти ва фанининг классик намунаси бўлиб қолади»

4ебР1ац>Р1ерганЮ

деб баҳо берган.

Асарда Берунийнинг Ҳиндистон ҳақидаги барча қарашлари ўз ифодасини топган.

Ўша йили (1030) Маҳмуд ғазнавий вафот этади. Унинг кичик ўғли Муҳаммад ворис сифатида тахтга ўтирган бўлса-да, кўп ўтмай Маҳмуднинг катта ўғли Масъуд (1030-1041) укасини тахтдан ағдариб, ўзи ҳокимиятни қўлга олади. Билимдон ва зукко, илм аҳлини қадрловчи Масъуд Берунийни ўз ҳимоясига олиб, унинг ижод қилишига шароит яратиб беради.

Беруний астрономияга оид «ал – Қонун ал-Масъудий» («Масъуд қонуни») номли йирик асарини шох Масъудга бағишлайди. Олимлар бу асарни математика ва астрономияга оид унғача ёзилган барча асарлардан юқори қўядилар. Ўша аср олимларидан бири Ёқутнинг ёзишича: «Масъуд қонуни» китоби математика ва астрономия бўйича унғача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган дейди.

Беруний яна «қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами» («Минералогия»), «Доривор ўсимликлар ҳақида Китоб», «Китоб ас Сайдона фи – т-тибб» каби асарларни ҳам ёзди. «Минералогия» Шарқдагина

эмас, Европада ҳам қимматбаҳо тошларни излаш усуллари ва улар билан савдо қилиш, конларни ўрганиш, ер ости бойликларини текшириш ҳақида маълумот берса, «Саидона» номи билан машҳур бўлган кейинги асарда Шарқдаги доривор ўсимликларнинг тавсифи баён қилинган.

Беруний «Саидона» китобида ўзининг 80 ёшдан ошганлигини ёзади, шунга кўра уни 1050-1051 йилларда вафот этган деб тахмин этиш мумкин. Баъзи манбааларда эса, 1048 йил 13 декабрда ғазна шаҳрида вафот этган деб кўрсатилади.

Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Ўқувчига билим беришда:

ўқувчини зериктирмаслик;

билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;

узвийлик, изчиллик;

таҳлил қилиш ва таққослаш;

маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа, соддан қийинга қараб бориш; такрорлаш;

янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўргазмали баён этиш ва ҳоказога эътибор бериш кераклиги ўқтирилади.

Беруний фан соҳасидаги ёдгорликларни, илмий билимларга оид қолдирилган барча бойликларни кунт билан ўрганишга даъват этади.

Олим илм толибларига қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, беҳуда рақобатдан, очкўзликдан, шон-шуҳратдан сақланиши зарурлигини ўқтирган.

Шунингдек, ҳар бир халқнинг ўзига хос таълим усуллари, йўллари, шакллари борлигини таъкидлаш билан бирга ҳар бир халқнинг ҳам ўқитиш тизими алифбодан бошланишини кўрсатади. Грамматика, математика фанларини ўқитишга оид қимматли фикрлар баён этади.

Беруний тил ва адабиёт, тарих, география, геодезия, биология, минералогия фанлари, тиббиёт ва доришунослик, физика, фалакиёт илмига оид тадқиқотларини ўзи тарғиб этган назария ҳамда кузатишлар натижасида амалиётда синаб кўриб, фанда ҳақиқат устивор туришини таъкидлади.

У барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизликда деб билади. Илмларни эгаллашда эса шахсда интилиш ва қизиқиш, муҳитни алоҳида таъкидлайди.

Билим олишда тушуниб ўрганиш, илмий тадқиқотчининг покликка риоя этишига алоҳида эътибор беради. Жамиятнинг равнақи, маърифатнинг ривожига боғлиқ деган ғояни илгари сўради.

Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Зеро, инсонда комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқлиликдир.

Берунийнинг инсон камолотида ахлоқий тарбиянинг муҳим ўрнини таъкидлашини унинг юқорида қайд этилган «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Китоб ас - Саидона», «ал - Қонуни ал - Масъудий», «Гиодезия» ва бошқа асарларида кўрамиз.

Беруний фикрича, ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши

керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ижтимоий муҳит – жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади.

Беруний ҳам ахлоқий тарбияга мусулмон дини талабларидан келиб чиққан холда таъриф беради. Ахлоқийлик яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади ва таркиб топади дейди, у. Яхшилик ва ёмонлик инсоннинг хулқ-атворини белгилайдиган мезон сифатида қўлланилади.

У яхши хислатларга тўғрилиқ, одиллик, ўзини вазмин тутиш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, ширинсуханлик, раҳбарликда адолатлилик, тадбиркорлик кабиларни киритади.

Ёмон иллатларга эса хасадгўйлик, бахиллик, носоғлом рақобат, ўз манфаатини кўзлаш, мансабпарастлик ва ҳоказоларни киритади.

Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб, «Ёдгорликлар»да шундай дейди: «Фахрланиш - ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму хикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади»

Демак, Беруний инсоннинг маънавий қиёфасидаги барча ахлоқий хислатларни яхшилик ва ёмонлик каби икки турга бўлади. Бу инсоният яратган педагогик фикр тараққиётида «қизил ип» бўлиб ўтганидек, шу анъанага мувофиқ Берунийда ҳам ахлоқий тушунчалар ахлоқий баркамолликнинг муҳим томонларидир.

Беруний саховат (ўзаро ёрдам, бир-бирига фойда келтириш учун ҳамкорлик), мурувват (одамларга хайрихоҳ бўлиш, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, ўз меҳнати билан кун кўриш в.б.)ни инсоннинг ахлоқий камолотини кўрсатувчи хислатлар деб билади.

Инсоннинг ахлоқий камолга етиши муаммоси бутун таълим-тарбия тизимида марказий масала бўлиб келган.

Абу Райҳон Беруний эзгу тилакка етишга тўсқинлик қилувчи зикналик, ёлғончилик, мунофиқлик, манманлик, таккабурлик каби нуқсонларни қорлайди, бойликка ружу қуйиш ва таъмагирлик, ғазаб ва жоҳиллик инсон учун энг ашаддий душман деб қарайди.

Мутафаккир илгари сурган ахлоқий ҳислатлардан яна бири адолатдир. У жамиятда адолат ўрнатиш, уни ёвузликлардан халос этиш учун доно, адолатли ҳукмдор бўлиши керак, дейди.

Беруний кундалиқ турмуш масалаларига ҳам катта эътибор берган. Ҳар бир ахлоқан баркамол инсон ўзининг турмуш тарзини ҳам уйғун, гўзал эта олади. уйғунлик, гўзаллик ва нафосатнинг асоси саналади. Беруний инсоний хислатлардан муҳими – озодлик, тарбиялилиқ бўлса, инсонга энг яқин нарса унинг табиати, руҳи дейди. Шунинг учун инсон ўз табиатига ёқадиган ишларни бажариши зарур, деб кўрсатади. Бунда инсоннинг ички дунёси билан ташқи гўзаллиги, турмуш тарзидаги гўзалликнинг уйғун бўлишини талаб этган. Бунга инсон киядиган кийимидан тортиб, кундалиқ турмушидаги юриш-туруши, сўзи, қалби, қилган иши - ҳаммасининг гўзал

бўлиши таъкидланган.

Ҳар бир шахсда шарм-ҳаё, озодалик, нафис дид, иффат, латофат, ширинсуханликнинг таркиб топиши турмушнинг янада гўзал бўлишига олиб келади.

Олимнинг инсон турмушига хос ҳулқ-одоб қоидалари ҳақидаги фикрлари педагогик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳам ички, ҳам ташқи томондан гўзал бўлсагина ҳақиқий камолотга эришиши мумкин дейди. У озодлик ва аросатликни олижаноблик билан тенглаштиради. Инсон доимо буларга риоя этиши зарур деб таъкидлайди. Бунда инсон ўзини бошқара олишга қодир бўлиши, ҳар бир етук инсон учун зарур бўлган хислатларни таркиб топтиришда куч ва иродага эга бўлиши зарур, дейди. «Минерология» асарида бу фикрни қуйидагича ифодалайди. «Инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтагулик нарсаларга айланттиришга ҳамда аста – секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир»

Беруний инсонни камолотга етакловчи хислатлардан яна бири олижаноблик деб кўрсатади.

Олижанобликнинг мазмунини яхшилик ташкил этади. Бунда олим инсонга инсон сифатида муомала қилишни назарда туттади.

Энг муҳими, мутафаккир, инсон камолотида, меҳнат ва меҳнат тарбияси ҳақида муҳим фикрларни баён этади. У ҳар бир ҳунар эгасининг меҳнатига қараб турларга бўлади. Оғир меҳнат сифатида бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини келтиради. Айниқса илм аҳли – олимлар меҳнатига алоҳида эътибор бериш, ҳайрихоҳ бўлишга чакиради, уларни маърифат тарқатувчилар, жамият равнақиға ҳисса қўшувчилар деб, биллади: шу билан бирга, оғир меҳнат қилувчи кончилар, ер остида гавҳар изловчилар, деҳқонлар ҳақида гапириб, уларнинг меҳнатини рағбатлантириб туриш керак, дейди. Айниқса, подшоҳлар бундай меҳнат аҳлиға ғамхўр бўлиши кераклигини алоҳида эслатади. Чунки, ана шу меҳнат аҳли улар ҳукмронлигининг таянчи, деб таъкидлайди.

Олим болаларни меҳнатға ўргатиш методлари, йўллари ҳақида ҳам фикр юритади. Масалан, болаларни энг кичик ёшидан меҳнатға ўргатиш керак дейди. Меҳнат тарбиясида ўша давр тарбия анъанасиға биноан ворисликка катта аҳамият беради. Буни Э.Тўрақулов ва С.Раҳимовлар «Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида» номли рисолаларида жуда яхши баён этишган. Берунийнинг «Минерология» асарида фақат қимматбаҳо металллар, тошлар ҳақида эмас, ҳунармандчиликка оид, шогирд тайёрлаш жараёни, усталарнинг ҳунар ўргатиш методлари ҳақида ҳам қимматли фикрлар баён этилган. Бунда ҳозирги педагогика Фани тили билан айтганда, шахсий намуна методидан фойдалангани, иш жараёни бевосита ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан устаҳонанинг ўзида бажарилгани шогирдларнинг малакали уста бўлиб етишишида катта аҳамиятға эга бўлган. Шунинг учун ҳам ўша даврда Хуросон ва Мовароуннаҳр металлургия, кончилик, тўқувчилик, зеби-зийнат буюмлари ясаш, қоғоз ва ойна ишлаб чиқариш ва

бошқа соҳаларда дунё бозорида ном чиқарган.

Хунармандчиликнинг бундай якка ҳолда ўргатилиши малакали касб эгаларининг етишиб чиқишига ёрдам берган, ҳалол ва виждонан меҳнат қилишга йўллаганки, бу инсоннинг камолга етишига муҳим поғона бўлган. Зеро, қадимдан ҳар бир етук инсон у шоҳми, оддий фуқароми, хунарнинг бир ёки бир неча турини билиши зарур саналган. Шунга кўра буюк шоҳлар ҳам, беклар ҳам, мол-мулк эгалари бўлган бойлар ҳам, оддий фуқаро ҳам ўз фарзандини билимли бўлиши билан бирга, хунарли бўлишига ҳам эътибор берган ва бу ёзилмаган қонунга барча бирдек амал қилган. Чунки, кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан бошлаб, кишилар ўз меҳнати ва хунари билан кун кечиришга мажбур бўлган ва бу ҳаёт тақозоси сифатида қабул қилинган.

Шунинг учун ҳам Беруний инсон ҳар томонлама камолга етиши учун у илмли бўлиши билан бирга меҳнатсевар ва хунар эгаси бўлиши ҳам керак дейди.

Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги давр педагогикаси ҳам эътироф қилувчи ирсият, муҳит, тарбиядир.

Маълум бир даврда олимлар инсон камолотига ирсият, муҳитнинг таъсирини инкор этиб, фақат тарбияни тан олдилар. Лекин Беруний ўз замондошлари – буюк мутафаккирлар Форобий, ибн Синолар каби инсон камолотида ҳар учаласини ҳам муҳим деб ҳисоблайди. Яъни у инсоннинг камолотга етишида илму маърифат, санъат ва амалиёт асосий роль ўйнаса-да, насл-насаб, ижтимоий муҳит ва ижтимоий турмуш қонуниятлари ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Абу Райҳон Беруний назарида инсон камолга етишининг энг муҳим омиллари илм-маърифатли бўлиш ва юксак ахлоқлиқдир. Беруний илмий билишга оид, таълим методлари ҳақидаги қарашлари билан таълим назариясида ўзига хос мактаб яратди.

Ёшларни тарбиялашда эса ахлоқий меҳнат тарбияси, нафосат тарбияси, оила тарбияси, инсоннинг шахсий гигиенаси, халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ҳақидаги тушунчалар катта аҳамиятга эгадир. Олим ахлоқлиқнинг белгилари сифатида яхшилик, тўғрилиқ, адолат, камтарлик, саховат, олижаноблик, дўстлик ва ҳамкорлик, меҳнат ва хунар эгаллаш, поклик, гўзалликка интилиш кабиларни илгари сурган. Буларнинг барчасини у яратган асарларидаги ижтимоий-фалсафий фикрларга боғлаб тушунтирган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Берунийнинг комил инсонни шакллантиришга оид бу фикрлари фақат ўз замонаси учун эмас, ҳозирги давр таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Зеро, унинг ўзи ҳам ҳақиқий комил инсонга хос хислатларга эга эканлигини, ҳаёти ва ижодий фаолияти, ёзган асарлари билан исботлаб, келажак авлодларга катта маънавий меърос қолдирди.

Беруний «Шарқ Ренессанси» даври қомусий олимларидан бири сифатида ном қозонди.

Машҳур Амриқолик тарихчи олим Ж.Сартон жаҳон фани тарихида XI асрнинг биринчи ярмини Беруний даври деб атади. Шунингдек, уни ўз

даврининг жаҳондаги биринчи донишманди деб баҳолайди.

Берунийнинг ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанларни камраб олган 150 дан ортиқ йирик илмий асарлар яратганлиги ҳам бу фикрнинг ўринли эканлигини тасдиқлайди.

Назорат учун саволлар:

Берунийнинг фозил инсонни шакллантиришга оид қарашларининг ҳозирги даврдаги аҳамиятини изоҳланг.

Берунийнинг ахлоқий, ақлий, нафосат тарбияси ҳақидаги фикрларини изоҳланг.

Беруний илмий мероси ва унинг фанлар тараққиётида тутган ўрни.

Абу Али ибн Синонинг таълимий-ахлоқий қарашлари

Абу Али ибн Сино (980-1037)

Шарқ ва Обрўпада маърифат, маданият тараққиётига катта ҳисса қўшганлиги туфайли, «Шайх – Ур - Раис» Шарқда «Олимлар бошлиғи», Оврўпада «Олимлар подшоси» номи билан машҳур бўлган алломалардан бири ўрта аср буюк мутафаккири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино ҳам бошқа замондош қомусий олимлар қатори математика, астрономия, физика, кимё, биология, тиббиёт, доришунослик, руҳшунослик, физиология, фалсафа, филология, таълим – тарбия соҳаларида ижод этган ва дунёга машҳур йирик асарлар мерос қолдирган олим.

Абу Али ибн Сино 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида кичик амалдор оиласида туғилади. Унинг тўла исми Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Синодир. Абу Али унинг куниясидир. Оти Хусан, отасининг исми Абдуллоҳ эди. Кейинроқ унинг оиласи Бухорога кўчиб ўтгач, у бошланғич мактабда ўқий бошлайди. Ибн Синонинг мутоласи зўр, меҳнатсевар эди. Ундаги туғма қобилият, ўткир зеҳн, кучли хотира ўзаро бирикиб кетган эди. Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ ҳамда унинг дўстлари билимдон кишилар бўлиб, уларнинг илмий мунозаралари ўтадиган оилавий муҳит ёш ибн Синога ҳам таъсир этади. Шу билан бирга унинг болалик ва ўсмирлик йиллари ўтган Бухоро шаҳри сомонийлар даврининг йирик маданий маркази бўлиб ҳисобланар эди. Бухорода кўплаб мактаб, мадраса, касалхона ва нодир китоблар сақланадиган кутубхона бўлган. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган олимларнинг илмий мунозараларида ёш ибн Сино ҳам қатнашиб, турли фанларга оид билимларини чуқурлаштириб борган. У устозларидан ҳинд ҳисоби, фикҳдан билим олган. Кейин эса файласуф Абу Абдуллоҳ Нотилийдан фалсафа, мантиқ, ҳандаса ва бошқа фанлардан таълим олади. Шундан сўнг ибн Сино ўзи мустақил ҳолда барча фанлар билан шуғуллана бошлайди. У айниқса тиб илмини чуқур эгаллаб

олади, бу соҳада унга таълим берган киши бухоролик Абу Мансур Камарий бўлди. Ибн Сино сўнгра фалсафани ўрганишга киришади. Айниқса, Аристотель фалсафасини, унинг «Метафизика» асари моҳиятини буюк мутафаккир Абу Наср Форобийнинг ёзган шарҳи туфайли тўлиқ ўзлаштириб олади.

IX аср охири – X аср бошларига келиб, ўлкада сиёсий-ижтимоий вазият мураккаблашди. Шу туфайли ибн Сино Хоразмга – Урганчга кўчиб ўтади. Хоразмда у бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райхон Беруний бошқараётган «Маъмун академияси»да илмий иш билан шуғуллана бошлайди. Хоразмда ўзининг йирик асарлари – «Тиб қонунлари», «Аш-Шифо» китоблари устида иш олиб боради.

Маҳмуд ғазнавий 1017 йилда Хоразмни ўзига қарам қилиб олгач, нуфузли олимларни ҳам ўз саройига чақириб ола бошлайди. Ибн Сино Маҳмуд ғазнавий саройига бормай, бошқа юртларга кетишга мажбур бўлади. Гурганжда, Райда, кейин эса Ҳамадонда ва умрининг сўнгги йиллари Исфаконда яшайди. Ибн Сино 1037 йилда вафот этди.

Ибн Сино ҳақиқий қомусий олим сифатида ўз давридаги фанларнинг ҳаммаси билан муваффақиятли шуғулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам

зР4авридагиРДанларнингРх0ммасиР1иланР<уваффақиятлиРНуғулланганР2аРСларгаР>идР8лмийР0сарларРОратганЮ "урлиР<анбалардаРСнингР4504анР>ртиқР0сарлариРВайдРМтилганР1ўлсаРх0мЎ - 7амонларР

- законлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган

тишиР1иланРСларнингР:ўпиР9ўқолибР:етганР2аР1изгачаРДақатР242ВасиР5тибР:елганЎ.

(уР242 4анР80 ВасиРДалсафаЪ 8лоц8ётР2аРВасаввуфгаРВегишлиЪ 43 ВасиРВабобатгаР>идЪ 19 ВасиР<антиққаЪ 26 ВасиР?сихологиягаЪ 23 ВасиРВиббиётР8лмигаЪ 7 ВасиР0строномиягаЪ 1 ВасиР<атематикаЪ 1 ВасиР<узикагаЪ 2 ВасиР:имёгаЪ 9 ВасиРМтикагаЪ 4 ВасиР0дабиётгаР2аР8 ВасиР1ошқар>лимларР1иланР1ўлганР8лмийРQзишмаларгаР1ағишланганЮ

Шу 242 дан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси психологияга, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси астрономияга, 1 таси математика, 1 таси музыкага, 2 таси кимёга, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишланган. Алломадан кейинги авлодлар унинг илмий асарлари бой мерос бўлиб қолди.

Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун», «Ҳайй ибн Яқзон», «Рисолат ат - тайр», «Рисолат фи-л-ишқ» («Ишқ ҳақида рисола»), «Рисолат фи моҳият ас-салот» («Номознинг моҳияти ҳақида рисола»), «Китоб фи маъно зиёрат» («Зиёрат қилишнинг маъноси ҳақида»), «Рисолат фи - даф ал – ғам мин ал мивт» («Ўлимдан келадиган ғамни даф қилиш ҳақида рисола»), «рисолат ал-кадр», «Ан-Нажот», «Аш Шифо», «Донишнома», «Китоб аш - ишорат» ва ат

танбиҳот асарлари шулар жумласидандир.

Маълумки, ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус рисолаларда талқин этган. Шунингдек, фанларни тасниф этади. Бунда у биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга, яъни назарий ва амалий гуруҳларга бўлади. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга йўлласса, амалий қисм бизга бу дунёда нималар қилишимиз кераклигини ўргатади дейди.

У биринчи гуруҳга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дунё қонуниятларини ўрганувчи барча фанларни киритади.

Абу али ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган маърифатни эгаллашга даъват этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонунларини очиб авлодларга етказиши керак. Бу мақсадга етишиш учун инсон қийинчиликлардан кўркмаслиги зарур, дейди. «Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан кўркмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўрқоғидир»

Зеро, маърифатли киши жасур, ўлимдан ҳам кўркмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади, дейди у фикрини давом эттириб.

Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига кушади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди.

У ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш кераклиги, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келмаслиги, инсон ўз билимининг ҳақиқийлигини билиши учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини уқтиради. Ибн Синонинг таълим методлари ҳақидаги таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак деган ғоя ётади.

Ибн Сино болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш зараурлигини қайд этиб, мактабга барча кишиларнинг болалари тортилиши ва бирга ўқитилиши ва тарбияланиши лозим деб, болани уй шароитида якка ўқитишга қарши бўлган. Болани мактабда жамоа бўлиб ўқишини фойдаси қуйидагича ифодаланган:

Агар ўқувчи бирга ўқиса у зерикмайди, фанни эгаллашга қизиқиш юзага келади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат, мусобақалаш истаги ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ўқишнинг яхшиланишига ёрдам беради.

Ўзаро суҳбатда ўувчилар бир-бирига китобдан ўқиб олганлари, катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар.

Болалар бирга тўпланганларида бир-бирини ҳурмат қила бошлайдилар, дўстлашадилар, ўқув материалларини ўзлаштиришда бир-бирига ёрдамлашадилар, бир-биридан яхши одатларни қабул қиладилар

злаштиришдаР1ирЭ1иригаРҚрдамлашадиларЪ

1ирЭ1ириданРОхшиР>датларниРВабулРВиладиларЪ

Билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:
 болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
 таълимда энгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
 олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
 ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;
 билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
 ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш
 қитишниРбисмонийР<ашқларР1иланРVTЦНиБР>лиБР1оришЪ.

Бу талаблар ҳозирги давр таълим тамойилларига ҳам мос келиши билан қимматлидир. Юқоридаги масалаларга ўзининг «Тадбири манзил» асарида махсус бўлим бағишлайди. «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» («Омўзиш ва парвариш мадраса фарзанд») бўлимида таълим ва тарбия жараёнини очиб беради. Юқоридаги тамойиллар эса болаларни энгил-елпи билим олиш эмас, балки ҳар томонлама чуқур ва мустаҳкам билим олишига ёрдам беради.

Талабага билим бериш ўқитувчининг маъсулиятли бурчидир. Шунга кўра ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йўриқлар беради. Булар қуйидагилардан иборат:

болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
 берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериши;
 таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиши;
 талабалнинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
 фанга қизиқтира олиши;
 берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;
 билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши;

ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиши зарур, дейди олим

злаштириБР>лаётганигаРМътиборР1еришил
 ВаълимдаРВурлиР<етодР2аРНаклларданРДойдаланишил
 ВалабалнингРЕотирасиЪ 1илимларниРМгаллашРВобилиятиЪ
 НахсийРЕусусиятлариниР1илишил
 ДангаРВизиқтираР>лишил
 1ерилаётганР1илимларнингРМнгР<утц8миниР0жратиБР1ераР>лишил
 1илимларниРВалабаларгаРВушунарлиЪ СнингРQшиЪ
 ОқлийР4аражасигаР<осР@авишдаР1еришил
 х0рР1ирРАўзнингР1олаларРх8ссиётиниРСйғотишР4аражасидаР1ўлиши
 гаРМришишиР7арурЪ 4ейдиР>лимЪ.

Ибн Сино таълимотида билишда қайси методлардан фойдаланилмасин – у оғзаки ифодами, билимларни тушунтириши, турли кўринишдаги суҳбатми, тажрибаларми, барибир талабада ҳақиқий билим ҳосил қилиш мустақил, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Шу жиҳатдан олимнинг «Ҳай ибн Яқзон» асари кишиларнинг дид – фаросатини ўстириши, фикр доирасини кенгайтириши билан таълим – тарбияда катта аҳамиятга эга. Унинг номи ҳам шунга ишор қилади: «Ҳай ибн Яқзон» (Уйғоқ ўғли Тирик). Бу асар фаросат илми ҳақида эканлигини ибн Синонининг ўзи ҳам таъкидалайди.

Мазкур асарни ибн Сино 1023 йилда Ҳамадонга яқин бўлган Фараджон қалъаси қамокхонасида ёзга дейишади

амадонгаРОқинР1ўлганР\$араджонРВалъасиРВамокхонасидаРQзгаР4ей ишадиЉ.

Ибн Сино бу асарида илм – маърифатни ўрганишга киришиши натижасида кўзи очилгани, унинг натижасида Ақл (Ҳай ибн Яқзон) кўзига кўрингани ва илм ҳам унга ўз жамолини намоён қилганини ҳикоя қилар экан, илм-ақлни ўлим билмайдиган Уйғоқ, қаримайдиган, ёш, бели букилмайдиган – барваста, нуроний сифатида тасвирлайди. Тафаккур қилиб зарур бўлган ва билиши мумкин бўлган нарсаларни ўқишга киришгани, бу йўлда ақлни ишга солиб, ўзини ёмонликлардан четлаштирадиган турли хусусиятларини билиб олганлигини қайд этади

зиниРQмонликларданРGetлаштирадиганРВурлиРЕусусиятлариниР1или бР>лганлигиниРVайдРМтадиЉ.

Демак, «Ҳай ибн Яқзон» мантиқ илмига бағишлангани билан ҳам ақлий тарбияда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, инсондаги ёмон иллатларни ҳам бартараф этишда илму фан, зиёнинг аҳамияти, инсондаги ақл – тафаккур қувватининг ёмон иллатлардан қутилиши, ўзлигини англаш воситаси эканлиги билан адабий-фалсафий асарини бўлиб қолмай, тарбиявий асар сифатида ҳам қимматлидир.

Ибн Сино инсоннинг камолга етишида унинг ахлоқий камолоти муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Тадқиқотчилар унинг фалсафий асарларида ахлоққа оид фикр юритганлари ўн иккита деб қайд этадилар

бнР!иноР8нсоннингР:амолгаР5тишидаРСнингР0хлоқийР:амолотиР<уц8 мР0ц0миятгаРМгаРМканлигиниРВтаъкидлайдиЮ

"адқиқотчиларРСнингРДалсафийР0сарларидаР0хлоққаР>идРДикрРНри танлариРўкР8ккитаР 4ебРVайдРМтадиларЉ.

Ибн Сино ахлоққа оид асарларини «Амалий ҳикмат» (Донишмандлик амалиёти) деб атайди. Олимнинг фикрича, ахлоқ фани кишиларнинг ўзига ва

бошқаларга нисабатан хатти - ҳаракати меъёрлари ва қоидаларини ўрганади.

Ибн Сино ахлоқлиликнинг асосини яхшилик ва ёмонлик каби икки тушунча билан таърифлайди:

Дунёда мавжуд бўлган жами нарсалар табиатига кўра камолот сари интилади. Камолот сари интилишнинг ўзи эса моҳият эътибори билан яхшиликдир...»

Ибн Сино инсон камолотининг муҳим ахлоқий жиҳатларини ҳам таҳлил этади ва ҳар бирига таъриф беради : масалан, адолатни руҳий лаззатнинг бош мезони санайди. Инсон қаноат, жасурлик, донолик билан адолатга эга бўлади, ёмон иллатлардан ўзини тийиб, яхшиликни мустаҳкамлайди, ҳақиқий руҳий лаззат олади, дейди олим. Инсондаги ижобий, ахлоқий ҳислатларга саҳийлик, чидамлилик, камтарлик, севги – муҳаббат, мўътадиллик, ақлилик, эҳтиёткорлик, қатъиятлилик, садоқат, интилиш, уятчанлик, ижрочилик ва бошқаларни киритади.

Қаноат ва мўътадилликни инсоннинг ҳиссий қувватига киритади, чидамлилик, ақллиликни ғазаб қувватига, донолик, эҳтиёткорликни зийракликка, садоқат, уятчанлик ижрочилик, ачиниш, софдилликни тафовут қувватига киритади.

Олим қаноатни ҳиссий фазилатлардан санайди ва инсон ўзини таъмагирликдан тийса, мўътадилликка риоя қилса, ўзида хирснинг намоён бўлишини енгади, инсон ёмон иллатларни енгилда ўз имкониятларини онгли сарф этиши лозим, дейди.

Ибн Сино ҳар бир ахлоқий ҳислатнинг таърифини беради: мўътадиллик – тан учун зарурий озиқ ва хулқ маъёрларига тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик;

саҳийлик – ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашувчи инсоний қувват;

ғазаб – бирор ишни бажаришда жасурлик; чидамлилик – инсон ўз бошига тушган ёмонликларга бардош берувчи қувват;

ақллилик – бирор ишни бажаришда шошма – шошарликдан сақловчи қувват дейди. Зийракликни нарсалар ва ҳатто ҳаракатларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват, ачиниш, кишилар бахтсизлик, азоб – уқибатга дучор бўлганда, улар билан хушмуомалада бўлувчи инсоний қувват; камтарликка худбин ишлар билан шуғулланишдан тўхтатувчи куч сифатида таъриф беради.

Ибн Сино инсоннинг камолга етишида тўсиқлик қилувчи нуқсонлар сифатида жоҳиллик, нодонлик, шафқатсизлик, такаббурлик, нафратни кўрсатиб ўтади. Жоҳилликни – илмга, нодонликни – зеҳни ўткирликка, шафқатсизлик, такаббурликни адолатга, нафратни – севги-муҳаббатга карама-қарши иллат сифатида таърифлайди.

Ибн Сино юксак ахлоқий ҳислатларга яна кишиларнинг бир-бирларига дўст бўлиб яшаши, ҳамкорлик қилишини ҳам киритади. Чунки ҳар бир киши жамиятда, одамлар билан бирга яшар экан, улар билан дўстона яшашга интилади.

Модомики, инсон алоқага муҳтож экан, бошқа биров билан кўшинчилик қилиш учун унинг уйи ёнига уй солади, ўзининг эҳтиёжини қондириш учун

эса ишлаб чиқариш маҳсулотларини алмаштиради, душманлардан сақланиш учун ўзгалар билан бирлашади. Мана шу тариқа кишиларда бирлик ҳисси, бошқаларга нисбатан севги-муҳаббат ва умумий ахлоқий негизлар ишлаб чиқила бошлайди. У инсонда яхши хулқнинг шаклланишида хушхулқ, илмли дўст муҳим роль ўйнайди, дейди. Олим дўстликни шундай таърифлайди:

хар қандай қийинчиликларга қарамай ўз дўстини хавф-хатарда ёлғиз колдирмайдиган дўстлик;

манфаатлари ўхшаш ва ғоявий яқин дўстлик;

ўз шахсий манфаати ва эҳтиёжини қондиришга қаратилган дўстлик. Ибн Сино биринчи ва иккинчи хил дўстликни ҳақиқий дўстлик деб эътироф этади.

Олим ҳақиқий дўстлик натижасида севги-муҳаббат пайдо бўлиши мумкинлигини айтади. У «Рисолаи ишқ» асарида севги-муҳаббатнинг асл моҳиятини ҳам ижтимоий, ҳам физиологик жиҳатдан ёритиб беради. Инсонларга уларнинг ташқи кўринишига қараб эмас, балки уларнинг ички, маънавий дунёсига қараб баҳо бериш кераклигини уқтиради. Ҳар бир киши табиатан севги туйғусига эга, у табиий зарурат сифатида намоён бўлади, лекин инсон ўз туйғуларини бошқара олиши, ақл ва фаросат билан ҳақиқий севгини ҳирс туйғусидан, эҳтирос кучидан ажрата олади. Чунки ҳақиқий севги, олимнинг фикрича, инсон зиммасига ахлоқий, ҳуқуқий бурч юклайди. Бу эса олимнинг севгига ижтимоий омил сифатида ҳам қараганлигини кўрсатади.

Тадқиқотчилар ибн Сино мусиқага оид ҳам асарлар яратганлиги, лекин уларнинг фақат бир қисмигина бизгача етиб келгани ҳақида маълумот берадилар

урМсаР>лимнингРАевгигаР8жтимоийР>милРАифатидаРх0мРVараганл
игиниР:ўрсатадиЮ

"адқиқотчиларР8бнР!иноР<усиқагаР>идРх0мР0сарларРОратганлигиБ
;екинРСларнингРДақатР1ирРVисмигинаР1изгачаР5тибР:елганиРх0қидаР<аъ
лумотР1ерадиларБ. (уларданР1ириР«

. Шулардан бири «Мусиқа билимига оид тўплам» бўлиб, бунда товушнинг сезги аъзоларига таъсири, унинг ёқимли ва ёқимсизлиги, товушни эшитганда лаззатланиш ё нафратланиш ҳиссининг пайдо бўлиши каби масалаларга тўхтайдди. Унда мусиқанинг киши ҳаётида қанчалик зарурлиги ҳақида ҳам фикрлар баён этилади. Олимнинг фикрича, инсон табиатан ёқимли нарсалар орқали енгил тортса, унинг аксида ороми йўқолиб, нафрати пайдо бўлади. Ибн Сино мусиқа овозларининг киши руҳига таъсири ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этади.

Ибн Синонинг мусиқага оид асарлари у яшаган давр мусиқа илмидан жуда муҳим маълумотлар бериши билан ҳам қимматлидир.

Ибн Сино ақлий тарбия турли билимларни ўрганиш натижасида амалга ошса, ахлоқий тарбия кўпроқ яхши ахлоқий хислатларни машқ қилдириш, одатлантириш, суҳбат орқали амалга ошади, деб таълим берди.

Инсон ҳиссий ва маънавий талабларни ажратиб олиш имкониятига эга экан, бу имконият аста-секин инсон феъл-атворида хос хислатга айлана

боради. Ибн Сино инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб олган ташқи муҳит, одамлар алоҳида роль ўйнайди, ана шу ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг атроф-дунёни билишигагина эмас, балки унинг ҳулкида яхши ёки ёмон жиҳатларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш кераклигини, бола ёмон одатларга ўрганмаслиги учун, уни ёмон одамлардан, ёмон муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини уқтиради.

Ибн Синонинг тарбиявий қарашларида оила ва оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Чунки инсон аввало оилада камолотга етади.

Олим оилада ота-онанинг вазифаси ва бурчига катта эътибор беради. Оила муносабатларига тўхталар экан, айниқса ота-оналарнинг оилада меҳнатсеварлиги билан фарзандларини ҳам касб ва ҳунарга ўргатиши борасида муҳим фикрлар баён этади. Инсоннинг ҳулки ва руҳига меҳнатнинг ижобий таъсирини таъкидлаш билан бир қаторда турли касб эгалари: ҳунарманд, деҳқонлар меҳнатини улуғлайди ва қиморбоз, судхўр кабиларни қоралайди. У меҳнатсиз ҳаёт кечириш инсонга ҳам жисмоний ҳам руҳий томондан салбий таъсир этишини тўғри талқин этади.

Ибн Сино ақлий, ахлоқий тарбия билан бир қаторда инсон камолотида жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таҳлил этади.

Ибн Синогача инсоннинг камолга етишида жисмоний тарбиянинг таъсири ҳақида бир бутун, яхлит, таълимот ёритилмаган эди. Ибн Сино биринчи бўлиб жисмоний тарбиянинг илмий педагогик жиҳатдан бир бутун тизимини яратди.

Жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, уйқу, баданни тоза тутиш тартибига риоя этиш инсон соғлиғини сақлашда муҳим омиллардан эканлигини ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан асослади.

Болага ҳам ҳали у туғилмасдан туриб ғамхўрлик қилиш, гўдаклик лавридан бошлаб тарбияни бошлаш зарурлигини таъкидлайди. Боланинг етук инсон бўлиб шаклланишида унга ғамхўрлик, поклик, масъулиятни ҳис этиш, дўстона маносабатлар туйғусини сингдириб бориш зарур, дейди олим.

Чунки, Ибн Сино меросинининг асосий қиммат ва қудрати унинг кенг ва кучли гуманистик мазмунидир.

У ўз илми, мероси билан ўрта аср Шарқининг илмий маданий қудратини бутун дунёга намоён қилди. Бутун инсоният маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшди.

Шунинг учун ҳам Ибн Сино жаҳон маданиятининг буюк сиймоси, инсоният учун ҳурмат қилган олим, буюк табиб, энг катта файласуф, табиатшунос, инсоншунос, машҳур энциклопедист сифатида тан олинди.

Ибн Синонинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини эътиборга олиб, Жордано Бруно Ибн Синони қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи Аристотель, (врач) табиб Голенлар билан тенг қаторга қўйса, А.Данте ўзининг «Илоҳий комедия»сида олимни Птоломей, Эвклид, Гиппократларга тенглаштиради. Немис файласуфи Л.Фейрбах олимни

«машхур табиб ва файласуф»дир деса, Ҳиндостоннинг буюк давлат арбоби Ж.Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг очилиши»деган асарида Ўрта Осиё олимларининг тилга олар экан, Ибн Сино номини алоҳида таъкидлаб: «Улардан энг машхури (врачлар) табиблар подшоҳи» деган номни олган бухоролик Ибн Сино (Авиценна) дир

виценнаХ 4ирЎ - 4ебРхСрматР 1иланРВилгаР>ладиЮ

- деб хурмат билан тилга олади.

Демак, ибн Синонинг шахсий фаолияти дунёвий илмларни ўрганиш ҳақидаги таълимотлари, таълим-тарбия ҳақидаги мулоҳазалари, умуминсоний педагогик фикр тараққиётида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Назорат учун саволлар:

Ибн Синонинг ҳаёти ва сиёсий ижтимоий тузум.

Ибн Синонинг таълим ва тарбия усуллари, шакл ва методларини изоҳлаб беринг.

Ибн Сино оилада бола тарбияси ҳақида қандай фикрларни илгари сурган.

Мустақил иш.

Абу Али ибн Синонинг «Тадбири ал-манозил» асарининг оилада бола тарбияси бағишланган бўлимини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

IV БОБ. ШАРҚ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМОТИДА ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР

1. Таълимий-ахлоқий қарашларнинг пайдо бўлиши

Маълумки, Шарқ Уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган. Дидактик асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, руҳий камолоти, олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган. Инсонийлик, инсонни улуғлаш ғояси таълим-тарбияга оид яратилган асарларнинг асосий ўзаги саналган. Бу ғояни, яъни инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва хислатларни таркиб топтиришга олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Зеро, инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодалангани учун ҳам Шарқ Уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълимий-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этди. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг ҳам, буюк мутафаккирларнинг ҳам, тарихчи-ю шоир ҳамда адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлди. Таълимий-ахлоқий рисолалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. «Қутадғу билиг», «Ахлоқи Носирий», «Қобуснома», «Ҳиббат

ул-хақойиқ», «Гулистон», «Бўстон», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Муҳсиний», «Маҳбуб ул-қулуб» каби Юсуф Хос Ҳожиб, Насириддин Тусий, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий асарлари юқорида таъкидлаганимиз инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этиш соҳасида яратилган соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етишида юксак ахлоққа эга бўлиши илм-фанни эгаллаши асосидагина амалга ошиши мумкин, деган ғоя илгари сурилди.

Чунки биз назарда тутаётган даврдан бошлаб савод ўргатиш «Қуръон» ва «Ҳадис»ларни ўрганиш ва улардаги кўрсатмаларни ўзлаштириб олиб билан бирга олиб борилган. Шунга кўра, «Қуръон» ва «Ҳадис»лардаги панд-насиҳатлар ҳам олимлар, ҳам адиблар ижодига таъсир этган. Ҳадисларнинг таъсирига сабаб умуминсоний фазилатларга алоҳида урғу берилган. Уларда илгари сурилган мусулмонликнинг муҳим хислатлари: ҳалоллик, саховат, ҳиммат, меҳру-оқибат, эҳсон, шарм-ҳаё, илм излаш, муомала қоидалари, ахлоқ мезонлари ва бошқалар ўз ифодасини топган ва Шарқ адабиётига, жумладан, таълимий-ахлоқий асарларга таъсир этган. Таълимий-ахлоқий асарлар бевосита Ҳадисларда илгари сурилган ғоялар асосида яратилди. Ҳадислар таъсири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридан бошланиб, Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул-хақойиқ», Саъдийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарлар негизида кўринади. Ҳам ғоя, ҳам мазмун, ҳам шакл бунинг далилидир.

Масалан «Қуръон»да ҳам, «Ҳадис»ларда ҳам, таълимий-ахлоқий дostonларда ҳам илм таърифи билан бирга, хулқ-одоб қоидалари, турмуш одоби ёритилади.

Хуллас, Шарқ таълим-тарбиясида илмни тарғиб этиш, хулқ-одоб қоидалари исломий тамойилларга асосланган, таълимий-ахлоқий асарлардаги мундарижаларнинг ўхшашлиги улар таянган маънавий заминга боғлиқдир.

2. Юсуф Хос Ҳожиб

1. Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва фаолияти. «Қутадғу билиг»нинг яратилиши ҳақида қисқача маълумот.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра Юсуф Хос Ҳожибнинг таржимаи ҳолини фақат унинг ўз асарида ёзиб қолдирган маълумотлардан биламиз, холос:

Мўнуқи таруғлақ Қўз ўрду эли,
Туб—асли насабдин юришиш тили
Бу туғмиш элиндин чиқиб борғони,
Китобни қўшубон тугал қилғони.
Барусин битимиш, етурмиш низом,

Бу Қошғар элинда қўшулмиш тамом.
 Қўз ўрду ўлкаси аслида эли,
 Туб асли насабдан сўз очди тили,
 Туғилган элидан чиқиб боргани
 Китобни жам этиб тугал қилгани.
 Борини битибдир не эса калом,
 Бу Қашқар элида тугади тамом¹.

Юқоридаги мисралардан Юсуф Хос Ҳожибнинг туғилган жойи Қўз Ўрду (яъни Боласоғун) эканини, аммо уни ёзишда турли ўлкаларга сафар қилгани, ва ниҳоят уни ватани Қашқарда тугатгани тахмин қилинади.

Демак, Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғунда туғилган, ўз асарини ёши эллиқдан ўтганда ёзган. Асарнинг ҳижрий 462 (1069—1070) ёзиб тугалланганлиги, уни ўн саккиз ойда, яъни 461 йилнинг биринчи ярмида бошлаб, 462 йилнинг ўрталарида тугатганлиги, агар бу даврда Юсуф Хос Ҳожиб 50 ёшлар атрофида бўлса, 410 (1019 милодий) йилларда туғилганлиги тахмин этилади.

Тегурди менга элчи эллиқ йашим,
 Қуғу қилди узғун туси-тег башим
 (Эллиқ ёшим менга қўл тегизди,
 Қора (қузғун) тусидек бошимни оқ (қуш)
 қилди (яъни, сочим оқарди)¹.
 Йил алтмиш эки эрди тўрт юз била
 Бу сўз сўзладим ман тутиб жан сура,
 Тугал ўн саккиз айда айдим бу сўз,
 Ўқурдум, адирдим сўз эвдиб тера².

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари 6500 байтдан ёки 13000 мисрадан иборат. Буюк мутафаккир асарни ёзиб тугатгач, қорахонийлар ҳукмдори Тавғачхон (китобда Тавғоч Улуғ Буғра Қорахон (хоқон), Або Али Ҳасан бинни Сулаймон Арслон Қорахон (хоқон) номлари билан зикр этилган) ҳузурига келиб, унга тақдим этади. Китоб хонга манзур бўлиб, унинг муаллифига Хос Ҳожиблиқ унвонини беради. «Қутадғу билиг» асари катта шуҳрат қозонади. Шунинг учун ҳам «Қутадғу билиг»ни чинликлар (Хитой) «Адаб ул-мулук» («Ҳукмдорлар одоби»), мочинликлар (Шарқий Туркистон) «Анис ул-мамолик» («Мамлакатнинг тартиб усули»), эронликлар «Шоҳномаи туркий», Шарқ элида «Зийнал ул-умаро» («Амирлар зийнати»), туронликлар «Қутадғу билиг», баъзилар эса «Пандномаи мулук» («Ҳукмдорлар насиҳатномаси») деб атагани китоб муқаддимасида

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. +утадғу билиг (Саодатга йилловчи билим). Транскрипция ва шозирги ызбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи +аюм Каримов. Тошкент, «Фан» нашриёти, Т., 1971, 57-бет.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. +утадғу билиг. Нашрга тайёрловчи +аюм Каримов. Тошкент, «Фан» нашриёти, Т., 1971, 115-бет. (Биз келтирган манбаларда ана шу нашрга таянамиз.)

² Кырсатилган асар, 949-бет.

келтирилади.

Мазкур асарнинг шуҳрат топиши бежиз эмас эди. Чунки Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг етук мутафаккири, чуқур билимли, донишманд кишиси эди. Буни асарнинг мундарижаси ва мазмунидан билсак бўлади. У ўз асарида тиббиёт, фалакиёт, тарих, табиёт, география, риёзиёт, хандаса, фалсафа, адабиёт, таълим-тарбия, фикҳга оид фикрларни баён этиб, файласуф ва комусий олим сифатида ўзини намоён этди. Чунончи у барча ижтимоий табақалар ўртасидаги муомала, муносабатларни ёритиш билан дипломатияга оид қоидалар тизимини яратди, турли касб эгаларининг касб корига оид талаблар ва жамиятнинг ахлоқий тамойилларини тараннум этиш билан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос услубни яратди.

Қутадғу билиг — бахт ва саодатга элтиувчи билим, таълим деган маънони билдиради. Демак, асар номидан ҳам унинг панд-насихатлар, таълим-тарбияга оид, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялайдиган етук дидактик асар эканлиги яққол кўриниб турибди.

«Қутадғу билиг»нинг тадқиқотчиларидан бири Б.Тўхлиев таъкидлаганидек, Юсуф Хос Ҳожиб «Комил инсон ҳақида гапирар экан, камолотнинг қатор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алоҳида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чиқиб, бошқалар ғами билан яшаши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишдир»¹.

Ҳозиргача «Қутадғу билиг»нинг Ҳирот, Қоҳира, Наманган нусхалари маълум бўлиб, Венага келтирилган Ҳирот нусхасини Ҳерман Вамбери нашр қилди ва таржимасини берди.

1890 йилда В.В.Радлов Вена нусхасини факсимилесини, 1891 йилда шу факсимиле асосида матнини нашр қилдиради.

1896 йилда Қоҳира нусхаси топилгандан сўнг, ундан кўчирма олгач, В.Радлов ҳар икки нусхасини қиёслаб, 1910 йилда рус графикасига асосланган тўлиқ транскрипциясини немис тилига таржимаси билан нашр эттирди.

1913 йилда эса унинг учинчи нусхаси Наманганда топилиб, кейинчалик олимлар бу асарни тадқиқ этишга киришдилар.

Демак, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарини илмий жиҳатдан ўрганишга жуда кўп олимлар ҳисса қўшган. В.В.Радлов, Ҳ.Вамбери, С.Е.Маловлар уни таржима этиб, нашр қилган бўлсалар, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, И.В.Стеблева, О.А.Валитовалар ҳар томонлама тадқиқ этдилар.

Асарнинг мукамал нашрини тайёрлашда ҳамда уни тадқиқ этишда ўзбек олимларининг хизмати айниқса диққатга сазовор.

Биринчи бўлиб профессор Фитрат 1924 йилда Наманган нусхасини олиб, кутубхонага келтиради ва у ҳақда мақола эълон қилади.

«Қутадғу билиг»нинг мукамал нашри ўзбек олими Қ.Каримов томонидан амалга оширилди ва тадқиқ этилди. Уни таҳлил этишда

¹ Тўхлиев Б. Хос Юсуф Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарига сўзбоши. Қырсатилган асар, 6-бет.

С.М.Муталлибоев, Н.М.Маллаевларнинг хизмати катта.

«Қутадғу билиг»нинг ҳозирги ўзбек тилидаги болаларбоп баёни эса Боқижон Тўхлиев томонидан нашр этилди. Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий дидактикаси Қ.Каримов, Й.Жумабоев томонидан ҳар томонлама тадқиқ этилди.

Қорақалпоғистонлик Ахметова А.К. эса «Юсуф Хос Ҳожибнинг педагогик қарашлари» тўғрисида илмий иш олиб борди.

2. Асар яратилган тарихий шароит. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари педагогика тарихида таълимий-ахлоқий мавзуда ёзилган барча асарларнинг тамал тоши десак бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб Х асарнинг ўрталарида ташкил топган Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этди. Қорахонийлар Сирдарёдан Еттисувгача, Шимолий Фарғона ва бутун Шарқий Туркистонда ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг Мовароуннахрнинг ички ҳудудларига ҳам кириб бориб, Қошғардан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонда ўз давлатини таркиб топтирган эди. Унинг маркази Қошғар (Ўрдукент) бўлиб, шимолда Боласуғун (Кузурда), ғарбда Самарқанд, марказидаги Ўзганд йирик шаҳарлардан ҳисобланарди. Ҳар бир давлатда бўлганидек Қорахонийлар давлатининг ҳам идора қилиш усули, юргизадиган сиёсати, қонунлари, тарбия тамойиллари ифодаланган қомус — низомнома зарур эди.

«Қутадғу билиг» асари ҳам шундай зарурият туфайли яратилди. Бу асарда қорахонийлар давлатини мустаҳкамлаш, унинг идора усулларини яратиш, барча табақа, тоифадаги кишиларнинг хулқ-атвори, жамиятда тутган ўрни, давлатни иқтисодий, ижтимоий, маданий жиҳатдан мустаҳкамлаш, давлат мустаҳкамлигининг бош таянчи — инсонни маънавий камолга етказиш масалалари қамраб олинади.

Юсуф Хос Ҳожиб бу мураккаб вазифани ҳал этишда фақат донишманд, қомусий мутафаккир сифатидагина эмас, балки тарбияшунос олим сифатида ҳам ўзини намоён этди. Шунга кўра у яратган «Қутадғу билиг» асари таълим-тарбия тарихи, унинг назарий масалалари, комил инсонни шакллантиришда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

«Қутадғу билиг» асарида ҳокимият қорахонийлар қўлига ўтиши муносабати билан таълим ва тарбиянинг ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун хизмат этадиган ўзига хос талаб ва тамойилларни белгилаш зарур эди. Шунинг учун ҳам мазкур асар дидактик, яъни таълимий-ахлоқий услубда ёзилди.

Ўша даврларда бундай асарлар (масалан Низом ул-Мулкнинг «Сиёсатнома», Кайковуснинг «Қобуснома») ёзиш анъанага кирган бўлса ҳам, ҳар бири ўзига хос йўл-услуга эга бўлиб, «Қутадғу билиг» улардан анча олдин яратилгандир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари таълимий-ахлоқий асар сифатида педагогика тарихида энг юқори ўринларда туради.

3. Асарнинг тузилиши, сюжети. «Қутадғу билиг» асари Шарқда панднома йўлидаги анъанавий китоб тузиш тартибига риоя қилган ҳолда тузилган. Аввал насрий муқаддима, сўнг 73 бобдан иборат китобнинг

мундарижаси берилади. Дастлабки ўн бир фасли дебоча бўлиб, ҳамд, наът ва Қорахонни мадҳ этиш, таълиф мақсади, етти кавокиб ва ўн икки бурж, тилнинг аҳамияти, муаллифнинг узри, эзгулик ҳақида, билим олишнинг аҳамияти, китобга ном берилиши, кексаликдан афсусланиш каби фасллардан иборатдир. Ўн иккинчи фаслдан бошлаб асосий воқеа баён этилади. Лекин асарда маълум бир сюжет йўқ. Асарда тўрт қаҳрамон – Кунтуғди – адолат рамзи, вазир - Ойтўлди-давлат ва бахт рамзи, вазирнинг ўғли Ўгдулмиш – ақл рамзи сифатида, Ўзғурмиш – вазирнинг қариндоши – қаноат тимсоли ўртасидаги мунозара асосида ҳаётини масалалар бир-бирига боғланган ҳолда баён этилиб, китобни ёзишдан ўз олдига қўйган мақсадга бўйсундирилади.

“Қутадғу билиг” Қ.Каримов тўғри таъкидлаганидек, “адабий асар, бадиий адабиётнинг типик намунаси. Лекин у эпопея ҳам эмас, тўлиғи билан лирик руҳда ҳам эмас. У ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ҳамда маълум маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштирган қомусдир. Бу асар том маъноси билан дидактик руҳда ёзилган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ва ҳикмат дасрлигидир”¹

Юқорида таъкидланган тўрт қаҳрамоннинг суҳбатлари, мунозаралари асосида Юсуф Хос Ҳожиб ўз мақсад ва ғояларини баён этади.

Масалан, Ойтўлдининг Элиг билан учрашувида унинг Элиг синовидан ўтиш жараёнидаги савол-жавоблар натижасида давлатнинг сифати ва фазилатлари, унинг бевафолиги ва бебаҳолиги, адолатнинг хислатлари, шунингдек, эл-юрт бошқарувчиларининг хислатлари баён этилади.

Ойтўлдининг ўғли ўгдулмиш билан Элигнинг суҳбатида эса сарой амалдорлари: беклар, вазирлар, лашкарбошилар, хожиблар, элчилар, саркотиб, хазинадор, дастурхончилар, шаробдорлар, бегларнинг ўз хизматкорларига муносабати қандай бўлиши кераклиги баён этилади.

Ўгдилмиш билан Ўзғурмиш мунозаралари, элиг билан Ўзғурмиш мунозарасида эса инсоний хислатлар, хизмат ва турмуш одоблари борасида фикрлар баён этилади, турли касб эгалари васфи берилади.

“Қутадғу билиг”даги бош ғоя-инсонни ҳаётда бахт-саодатга элтувчи асосий қарашлари тўрт рамзий қаҳрамон: Кунтуғди-элиг подшо – адолат тимсоли, Ойтўлди-вазир-давлат тимсоли, Ўгдулмиш-вазир-ақл тимсоли, Ўзғурмиш – вазирнинг қариндоши – қаноат тимсолининг ҳаёти ва давлатни бошқариш жараёнидаги ҳатти-ҳаракатлари ва фикрлари орқали берилганки, булар инсон камолотининг муҳим мезони саналади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида етук инсонни камолга етказиш масалалари

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурч ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос тарзда баён этилади.

¹ Каримов Ғ. Илк бадиий дoston. –Тошкент, Фан, 1976, 21-22 бетлар.

Буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” китобининг анъанавий бошламасидан кейиноқ инсоннинг ҳақиқий бахти билимда эканлигини баён этади. У илм, заковатнинг аҳамияти ҳақида фикр юритиш билан бирга унга алоҳида боблар ҳам бағишланган. Лекин олим фақат илм-маърифатнинг аҳамиятини кўрсатибгина қолмайди, у билим ва заковатнинг амалиётдаги ўрнини ҳам ёритади.

У билимли буюк, уқувни улуғ деб таърифлайди. Чунки заковатли инсон улуғ бўлади, билимли киши буюк бўлади, деб илмли кишиларни асл тоифадаги кишиларга қўшади. Олим эзгу ишларнинг барчаси илм туфайли амалга оширилишини айтади. Ўша даврдаёқ олим “Билим ҳатто осмон сари йўл очур” деб башорат қилади.

У дунёда одам пайдо бўлибдики, фақат билимли кишиларгина эзгу иш қилиб, адолатли сиёсат юргизиш келган, ана шу билим ва заковати туфайли кишилар разолатдан покланганлигини таърифлайди. Ҳатто ҳукмдорлар ҳам юртни, давлатни ақл, илм, заковат билан идора этса, эл-юрт фаровон бўлади, тўқ ва тинч ҳаёт кечиради, дейди. У куч ва қуролни ақл ва билимдан кейинги иккинчи ўринга қўяди.

Сечу (яъни ҳар ерда маълум худо) инсонни яратти, танлади,
Унга хунар, билим ва уқув берди.

Унга кўнгил (яъни ақл) берди, тилини йўриқ (равон) қилди,
Андиша, хулқ ҳамда гўзал феъл ато қилди,
Билим берди, (шу туфайли) инсон бу кун улуғликка эришди.
Уқув берди, сўнг (шу туфайли берк) тугунлар ёзилди¹.

Юсуф Хос Ҳожиб илмли, маърифатли кишиларни қадрлаш керак, чунки улар машъал каби йўлни ёритиб, тўғри йўл кўрсатади, яхши-ёмонни фарқ этишни ўргатади, дейди. Шунинг учун олимларни ҳурмат этиш кераклигини таъкидлаб, илм аҳлини ўта қадрласа, илмсизларни жоҳил кишилар деб билади. Агар шундай жоҳиллар мансаб ва амалга эга бўлса, улар эгаллаган тўрни пойгак деб билади.

Дунёда инсон билим ва заковати туфайли орзу-тилақларга, улуғликка эришиши мумкинлигини айтади.

Лекин шундай билим ва заковатнинг қадрига фақат худди ўзларига ўхшаган донолар ва заковатлилар етади, жоҳил ва телбалар бундай хислатларга эга эмас, дейди. Чунки жамиятдаги барча хатолар билимсизлик, нодонлик, жаҳолат туфайли содир бўлишидан у қайғуга тушади, ҳаётда нодон ва жоҳиллар кўпайиб кетганлигидан афсусланади.

У юртни идора этувчиларни ва халқни бошқарувчиларни икки тоифага бўлиб, биринчиси адолатли сиёсатни юритувчи беклар ва иккинчиси доно олимлар дейди. Чунки сиёсатчилар юртни бошқарса, олимлар маърифий йўл-йўриқ кўрсатади.

Олим билимни зиёга, тенги йўқ жавоҳирга ўхшатиб, у инсонни юксалтиради, жаҳоннинг сир-асрорини билиб олишга ёрдам беради, дейди. Инсоният нимага эришган бўлса, билим туфайли эришганлигини

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” (Саодатга йилловчи билим) Тронскрипция. Шозирги Ўзбек тилига тавсиф ва нашрга тайёрловчи Ҳ.Каримов. –Тошкент, Фан, 1971, 84-85 бетлар

таъкидлайди. Аммо бу бойликни ҳеч ким ўғирлай олмайди, деб билим ва заковатни муқаддас дўст, меҳрибон қариндош, кийим ва озуқа сифатида таърифлайди.

Лекин Юсуф Хос Ҳожиб илм-фанни англашни тарғиб этибгина қолмасдан, уни ҳаётга татбиқ этиш, амалда қўллаш билишга ҳам даъват этади.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонга хизмат этмаган билимни денгиз тубида фойдаланилмай ётган инжуга ўхшатади. Шунингдек, ер остида ётган олтинни ҳам қазиб олинса, беклар бошига тож бўлганидек, илмни ҳам фойдали нарсаларга сарф этишга даъват этади.

Олим билимлилик ва билимсизликнинг натижаси ҳақида ҳам фикр юритар экан, инсон билимсиз, нодон, жоҳил бўлса, ярамас ишлар қилиши, аксинча, билимли, доно, зукко бўлса эзгу ишларни рўёбга чиқаришини таърифлаш билан кишиларни тинмай илм олишга ундайди.

Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, буюк аллома мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва моддий, маънавий юксалишида, элу халқнинг бой ва фаровон турмуши-барчаси илм ва маърифатнинг равнақиға боғлиқ эканлигини тўғри ва ишонарли далиллар билан бадиий ифодасини бера олган ва ўзи ҳам ана шу эзгу ишни амалга ошириш учун тинмай фаолият кўрсатган.

Мутафаккир ўзининг ахлоқий қарашларини, яъни, ижтимоий муносабатлар, жамият аъзоларининг барча типлари ўртасидаги ахлоқий муносабатларни амалиётга таянган ҳолда ёритади. Бу ахлоқий, хулқ-одоб тамойиллари, талаб ва вазифалари бутун асар давомида қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари асосида ифодаланган. Унда Элиғ (хон), унинг вакиллари, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабати, ахлоқи, муомаласи талаблари баён этилади, турли касб эгаларига хос хислатлар, одатлар ёритилади.

Асарда илгари сурилган ахлоқий хислатлар моҳиятининг тўлақонли очиб берилиши олимнинг таълим-тарбия, ахлоқ масалаларини қай даражада чуқур билганлигидан далолат беради: инсонийлик, ростгўйлик, тўғрилиқ, софлик, меҳр-муҳаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалиқ, ширинсўзлик, саховат, мардлик, ҳимматлилик, тавозе, ҳурмат ва эҳтиром, тadbиркорлик. Ақл заковат, ҳалоллик, эзгулик каби хислатлар улуғланади, уларга ёлғончилик, ноинсофлик, фисқу фасод, бевафолик, меҳрсизлик, дағаллик, кўполлик, бахиллик, номардлик, қувлик, ҳурматсизлик, нодонлик, жоҳиллик, ҳаромхўрлик, очкўзлик каби хислатларни қийслаб, эзгу хислатларнинг яхши оқибатлари ва салбий хусусиятларнинг ёмон оқибатларини мисоллар воситасида ишонарли қилиб баён этади.

Бунда дастлаб, барча яхши ишларнинг манбаини эзгулик, ёмон ишларнинг асосини эссизлик номлари билан талқин этади. У инсон ҳаётда қилган иши билан ё яхши ном қолдиради, ё ёмон ном олади, дейди. Аллома барча эзгуликнинг боши тил одоби, асар унинг фойда ва зарарларига бағишланади дея таъкидлайди.

Тил инсоннинг кадр-қимматини оширади ёки шу тил орқали инсон юз тубан ҳам кетиши мумкин. Киши икки нарса билан ҳаётда мангу қолади: бири хушхулқлик бўлса, иккинчиси яхши сўз, дейди.

Инсоний муносабатларнинг энг олий мезони саналган ҳурмат ва эҳтиромни таркиб топтиришнинг барча кўринишлари асарда ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Ҳожиб жамият тақдирини ҳал этувчи энг улуғ мансабдорлардан тортиб, оила аъзоларигача бир-бирига бўлган муомала-муносабат масалаларини ҳам ҳаётгий мисоллар воситасида ёритади. Катта ёшлиларнинг кичикларга, кичикларнинг улуғларга, амалдор ва мансабдорларнинг ўз хизматчиларига, хизматчиларининг ўз хўжаларига, турли ижтимоий гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига, оилада оила аъзоларининг бир-бирларига муомала маданиятининг энг оддий кўринишларигача тасвирлаб, кишининг кўз олдида яққол намоён этади. Буни биз фарзанд тарбиясида унинг туғилганидан бошлаб хулқ-одоб қоидаларини, билим ва хунарни ўргатиш, бунинг учун пок ва билимли муаллим-мураббий танлаш, фарзанднинг хатти-ҳаракатини доимо назоратда сақлаш каби масалаларнинг баён этилишидан ҳам билсак бўлади.

Мутафаккир улуғлар ва кичиклар ўртасидаги хулқ-одоб қоидалари ҳақида гапирар экан, шу аснода камтарлик, саломлашиш одоби, талаблари, қоидаларини ҳам тавсия этади.

Айниқса, Юсуф Хос Ҳожибнинг амалдорлар ахлоқи ҳақидаги ўғитлари диққатга сазовор ва бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам қимматли саналади. Алломанинг беклар, ҳожиблар, вазирлар, саройбошилар, элчилар, лашкарбошилар, девонбошилар, хазинадорлар, саркотиблар каби кўплаб амалдорларнинг ҳатти-ҳаракатлари, иш юритишлари, хулқ-одоби ҳақидаги ўғитлари ва йўл-йўриқлари ҳар бир амалдор учун дастур саналади. Масалан, ҳар бир амалдорнинг ўз ишининг устаси, илм-фанни эгаллаган, унинг турли соҳалари борасида фикр юрита оладиган, сўзга чечан, зеҳнли, фаҳм-фаросатли, ҳимматли, кўзи тўқ, очик қўл, сахий, тадбирли, зукко, хушёр, жиддий, қаноатли, жасур, соғлом, самимий, садоқатли, ўз сўзининг устидан чиқадиган, андишали, шеър баҳсида иштирок этиб, ўзи ҳам шеър тўқий оладиган, турли тилларни биладиган ва ёза оладиган, нард, шатранж, човгон ўйинларида ўйнай оладиган, мерганлик каби хислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг камолга етишида тўсқинлик қиладиган ёмон иллатлар, нуқсон ва камчиликлардан биринчи навбатда эл-юрт хизматида бўлган амалдорлар ҳам холи бўлиши лозимлиги уқтирилади: маишат, ишратпарастликка берилиш, кек, гина, адоват, низо, хусумат, фисқи-фасод, маиший бузуклик, майпарастлик, кайфу сафога берилиш, мутакаббирлик, хиёнат, давлат кетидан қувиш, манфаатпарастлик, худбинлик, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини топташ, таъмагирлик, ҳақорат кабилар шундай иллатлардирки, бунинг натижаси давлатнинг ривожига путур етказиб, жамиятни маънавий қашшоқликка олиб боради, деб бундай ёмон иллатлардан тийилишни маслаҳат беради. Масалан:

(Агар) дунё беглари ичимликка (маишатга) берилса,

Эл ва халқнинг дардлари (қисмати) аччиқ бўлади.

Жаҳонгир киши айш-ишратга маҳлиё бўлса,
Элини бузади (хароб қилади), ўзи (эса) тиламчи
Бўлиб қолади¹

Юсуф Хос Ҳожиб такаббурлик, мағрурланиш, кеккайишга камтарлик, хушсуханлик, хушфёълликни қарши кўяди. Шунингдек, амалдорларга хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, баланд ҳимматлилик, мурувватли бўлиш, самимийлик, хос фазилат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Инсоннинг ҳақиқий бойлиги унинг кўз ва кўнгил тўқлиги деб баҳо беради. Зеро, очкўзлик, таъмагирлик инсонда порахўрлик каби ёмон иллатнинг томир отишига олиб келади, дейди.

Юсуф Хос Ҳожиб оилавий-маиший турмуш икир-чикирларига ҳам катта эътибор беради. У кишиларни ўйлаб оила қуришдан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг эзгу зарурий вазифаларни бирма-бир баён этади. Шунингдек, йигитлик ва кексалик фасллари ҳақида ҳам фикр юритиб, йигитликни эҳтиёт қилиш, йигитлик даврида қариликнинг ғамини ейиш, бу тўғрида қайғуриш каби зарурий нарсалар ҳақида тавсиялар беради.

Шунингдек, олим инсоннинг турли маросимлар, йиғинлар, учрашувлар, зиёфатларда ўзини тутиши, хулқ-одоб қоидаларига риоя этиши ҳақида ҳам фикр юритиб, инсоннинг меҳмон ва мезбоннавозлик қоидалари, шартлари, тартиб-интизомлари ҳақида ҳам муҳим ўғитларни ҳам беради. Масалан, “Қутадғу билиг”даги элчилар (дипломатлар) хузурида, шоҳлар саройида, тўй ва азаларда қилинадиган меҳмондорчиликларда киши ўзини қандай тутиши, ҳатти-ҳаракати, одоби масалалари ҳозирги даврда ҳам ўта долзарбдир.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарини ёзишда Шарқда кенг ёйилган ўғит-насихат жанрига таяниб иш кўрса ҳам мулоҳазаларни баён этишда уларга одамларни тўлиқ иқрор қилиш муайян ишонч ҳосил қилиш учун ҳаётий далилларга кўпроқ мурожаат этади. Масалан, инсонга яхшилик билан ёмонлик қилишнинг оқибатларини қуйидагича баён этади:

Ўзинг эзгу бўлсанг, отинг мақтовга лойиқдир,
Агар ёмон бўлсанг, таҳқирга маҳкумсан, эй латиф.
Тубан Захҳок не туфайли таҳқирга лойиқ бўлди,
Бахтли фаридун қандай қилиб мадҳга сазовор бўлди.
Бири эзгу эди, уни мадҳ қилдилар,
Бири ёмон эди, уни сўқдилар.
Демак, эзгулик ва эссизлик бу ўринда қиёс этилади.

Шундай қиёсни биз яхшилик билан ёмонлик, рост билан ёлғончилик, ёруғлик билан зиё, самимийлик билан қувлик, камтарлик билан такаббурлик, билимлилик билан жоҳиллик, сахийлик билан бахиллик ва бошқа жуда кўп ахлоқий хислатларни таққослаганда ҳам кўрамизки, бу услуб ҳам маълум у ёки бу мақсадни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йилловчи билим). Шозирги Ўзбек тилида баён қилувчи ва сўз боши муаллифи Б.Тўхлиев. –Тошкент, Юлдузча, 1990, 350-351 бетлар.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи кишиларга муносабатда ўртамиёна йўл тутишни тавсия этади. Шунда дўст душманга айланмайди, эзгу ишлар амалга оша боради, деб таълим беради.

“Қутадғу билиг”да яна жумбоқларни ечиш усулларида ҳам фойдаланилган. Бу услуб ўқувчини асарга қизиқтиради, уни ўқимишли қилади. Ҳозирги даврда бу муаммоли таълим деб юритилади. Аммо тарбия ва таълим меросимизда жумбоқ-муаммоли таълим ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, асардаги Кунтуғмиш (Элиг) билан Ойтўлди мунозарасини олайлик.

Бу мунозарада олим қуйидаги фикрни илгари суради: Элиг Ойтўлдига ўрин берганда ўтирмагани, “хон ёнида менга ўрин йўқ”, -деган эди. Ерга копток қўйгани ва унга ўтиргани билан Ойтўлди -давлат копток каби барқарор эмас, бир жойда турмайди, дегани. Элиг боққанда кўзини юмиб олгани-давлат ҳам кўр киши каби бўлади, кимга илашса, унга қаттиқ ёпишиб олади, деган эди. Юзини яширгани эса, барча қилмишларим - яъни давлат жафо, унга ишонма, дегани, деб киши давлат ва бахтга қувониб кетмаслиги, улардан қувониб, ортиқча ғурурланиб кетмай, аксинча, ўзини эҳтиёт қилиши, йиғилган нарсаларни меъёрида сарфлаши, беҳуд бўлиб, ичкиликка берилмаслиги, нарсаларни совурмаслиги керак деб кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Юсуф Хос Ҳожибнинг мазкур асари инсонни ҳар томонлама камолга етказишда йирик таълимий-ахлоқий асардир. Шунинг учун ҳам бу асар ўзининг илмий, маърифий, тарбиявий аҳамиятини шу пайтгача сақлаб келмоқда.

2. Унсурул Маолий Кайковус «Қобуснома»

Кайковус 412 ҳижрий йилда (милодий 1021—1022) туғилган. Унинг авлодлари гилон қабиласидан бўлиб, Табаристонда (ҳозирда Каспий денгизининг жанубидаги худуд) яшаганлар.

Аммо биз Кайковус ҳақида батафсил маълумотларга эга эмасмиз.

Кайковус ўз ҳаёти давомида кўрган-билганлари асосида ўзининг буюк «Қобуснома» асарини яратган. Китобни у ўғли Гилоншоҳга бағишлаган. Бу пайтда Кайковус тахминан олтмиш ёшларда эди.

«Қобуснома» Шарқда, хусусан Эроннинг ўзида ҳам сақланиб келаётган анъанага кўра панд-насихат тарзида ёзилган бўлиб, мана бир неча асрлардан бери халқларни, жумладан ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда, уларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб келмоқда.

Лекин асарнинг «Қобуснома» деб аталишининг сабаби, унинг умуман Қобусга алоқаси ҳақида эслатилмайди.

Китоб Эронда саккиз марта нашр этилади. Буларнинг энг мукаммали машҳур оли Ризо Қулихон Ҳидоят томонидан 1890—1891 йилларда чоп этилган нашри ҳисобланади. Асар кейинчалик Бомбейда, Исфохонда Фатхулла ибн Амулла Вали Урдуни Бахтиёрӣ томонидан чоп этилди.

Бундан ташқари, «Қобуснома» кўплаб Шарқ ва ғарб тилларига ўгирилиб, нашр этилган. Жумладан, 1432 йилда Мержомак Аҳмад ибн Илос

томонидан, 1705 йилда Ҳасан поша Назмизода Муртоза томонидан, 1881 йилда Қозон татарлари тилида Қаюм Носирий томонидан, 1860 йилда Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан ўзбек тилига, ғарб тилларидан — немис, француз, инглиз тилларига таржима қилиниб, чоп этилди.

Энди бир-икки оғиз сўз Шамсул-маолий Қобус ҳақида. Шамсул-маолий Қобус ўз даврининг фозил кишиларидан бўлган. У кенг билим эгаси бўлиш билан бирга шеърлар ҳам ёзган. Ҳукмдорлиги даврида ўз саройида замонасининг пешқадам олимлари ва шоирларини йиғиб, пойтахти Журжонни йирик маданий марказга айлантирган. Тарихий манбаларда Қобуснинг араб тилида ёзган, учта китобдан иборат машҳур «Номалар»и бўлганлиги қайд этилади. Булар «Камол ал-балаға» («Сухандонлик камолоти»), мақол ва ҳикматлар тўғрисидаги «Ал-фориди фи-л амсал ва-л адаб» («Нодир номалар»), «Рисола фи-л ифтихор ва-л итоб» («Танбеҳ ва мақтов номалари»)дир.

«Қобуснома» мураккаб йўлни босиб ўтди. Шўро мафқураси даврида асарнинг инсонни ақлий, ахлоқий тарбиялашдаги аҳамияти ҳоким синф ахлоқини тарғиб қилиш деб баҳоланди. Кайковуснинг Ватан ҳақидаги, касб-хунарни улуғловчи, билимларни эгаллаш ҳақидаги фикрлари, диний қарашлари сиёсий нуқтаи назардан қораланади. Асарнинг қиммати фақат унинг адабий-бадий, тил хусусияти ва тарихий жиҳатларида деб таъкидланди.

Аmmo «Қобуснома» асарига давр ва шарт-шароитлар, сиёсий қарашлар таъсирида қай даражада соя ташланмасин, бу асар машҳур ҳинд асари «Калила ва Димна», изом ул-Мулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Саъдийнинг «Гулистон», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний», Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий» каби ахлоқий-таълимий асарлари билан бир қаторда Шарқ педагогик фикр таракқиётида инсон камолотини шакллантиришда муҳим ўринни эгаллайди. Унда Шарқ пандномаларидаги анъанага биноан ва X асрда пайдо бўлган ёшлар жамоаси жувонмардлик тарбияси ифодаланади.

Муаллиф жувонмардлик ҳақида энг охирги бобда сўз юритади. У одамларнинг хислатларини уч хилга бўлади: бири ақл, бири ростлик ва яна бири жувонмардликдир. Жувонмардликни асосини Кайковус уч нарсада деб билади. Биринчиси, айтган сўзнинг устидан чиқиш, яъни ростлик; иккинчиси ростликка хилоф қилмаслик; учинчиси, хайр ишини илгари тутиш¹.

Инсондаги бошқа барча хислатлар шу уч нарсага боғлиқ, дейди Кайковус. Жувонмардлик (ёки иёрлик)нинг устунларини (рукнлари) қуйидагиларда деб кўрсатади: жасурлик, мардлик, сабр-матонат, ваъдага вафо қилмоқ, пок дил ва пок забон бўлмоқ; асирларга зиён етказмаслик, бечора кишиларга мадад бериб, ёмонларнинг ёмонлигини яхшилардан йироқ тутиш, ростгўйлик, яхшига ёмонлик қилмаслик, зиён-заҳматдан сақлаш,

¹ Кайковус. +обуснома. Нашрга тайёрловчи С.Долимов. Тошкент, ЁИ=итувчи, 1986. 153-бет. (Бош=а мисоллар ҳам шу нашрдан олинди.)

одамларга зиён-заҳмат етказмаслик. Жувонмард сипоҳийлар эса сабр-бардош билан иш тутиши, камтарлик ва меҳмондўстлик, саҳийлик, тўғрилиқ, ҳақшунослик, пок кийиниш, яхши қуролланиши зарурлигини қайд этади.

Мазкур бобда яна жувонмардлик йўлини танлаган ёшларга уч нарсадан ўзини: кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан, тилни ёмон сўздан сақлашни тавсия этади.

Уч нарсани дўст ва душманга очиқ тут: уй эшигини, суфра бошини, ҳамённинг боғичини, дейди. Сўнг ҳамма вақт ростгўй бўлиш, хиёнат қилмаслик ҳам жувонмардликнинг кўринишларидан, деб билади. Шунингдек, Кайковус жувонмардликнинг камолот нуқтасини кўрсатувчи мезон деб ўз мол-мулкини ўзганикидан ажрата билиш, халқ мулкига таъма қилмаслик, бировнинг мол-мулкига хиёнат қилмаслик, халққа ёмонлик қилмаслик, қаноатли бўлиш кабиларда деб билади.

Шунингдек, мазкур бобда Кайковус ақл ҳақида ҳам фикр билдириб, инсон қобилиятининг бир хил эмаслигини, инсон ақлининг туғма, яъни азалий ақл (табиий ақл) ва касбий ақл, яъни муктасиб (ўргатилган ақл) кабиларга бўлинишини баён этади. Касбий ақлни дониш ҳам дерлар, дейди. Муктасиб ақлни ўрганиш мумкин, аммо азалий ақлни ўрганишга йўллайди. Кайковус ақл ҳикма (фалсафа) билан камол топади, деб кўрсатади. Муктасиб ақлнинг такомиллашиб боришини, табиий ақл ҳам муктасиб ақлсиз ривожланиши мумкин эмаслигини таъкидлайди ва фикрлари билан таълим-тарбиянинг аҳамиятига катта эътибор бериб, инсоннинг камолга эришишида ақлий шакллантириш ғоясини илгари суради.

Кайковуснинг ўзи таъкидлаганидек, бутун бир аср ана шу охириги бобида таъриф берган жувонмардлар тарбиясига бағишланган. Кайковус унда «... барча фикр ва тушунчаларимнинг сенинг учун китобга ёздим ва ҳар бир илм, ҳам ҳунар ва ҳар пешаким билур эдим, ҳаммасини қирқ тўрт бобда баён этдим»¹, дейиш билан ҳар бир ёшнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбиясига оид турмуш тажрибаси билан боғлаган ҳолда камолга етказиш йўллари ва усулларини баён этган.

Китобда жувонмардлар эгаллаши зарур бўлган қуйидаги йўналишларда таълим-тарбия бериш назарда тутилган:

1. Кайковус билим олиш ҳақида.
2. Ҳунар ва турли касб эгалари ҳақида.
3. Турмуш ва хулқ-одоб қоидалари ҳақида.
4. Жисмоний етуклик ҳақида.

Чунки ҳар бир жувонмард учун тан, жон, ҳавос ва маоний, яъни ҳам сипоҳийлик, ҳам маърифат, ҳам донишмандликка эга бўлиш зарур бўлиб, бу хислатлар ана шу юқоридаги тўрт йўналишда зикр этилган. Кайковус илмни учга бўлади: бирор касб-ҳунарга боғлиқ бўлган илм; илм билан боғлиқ касб-ҳунар ҳамда хайр ва далолатга тааллуқли одат.

Биринчисига, яъни бирор касб билан боғлиқ илмларга табиблик, мунажжимлик, муҳандислик, ер ўлчаш, шоирлик ва бошқалар киритилади.

¹ Кайковус. +обуснома. 159-бет.

Илмга тааллуқли касблар мусиқа асбоблари устаси, ҳайвонларни даволовчи, бинокорлик ва бошқалар бўлиб, ҳар қандай уста бўлса ҳам бу борадаги илмни билмаса, ҳеч иш қила олмаслиги таъкидланади.

Шунингдек, илм олиш йўлига кирган толибларга ҳам йўлланмалар беради:

Ҳамма вақт парҳезли ва қаноатбахш бўлиш, бекорчиликдан ўзини тийиш, доимо шод-хуррам ва ҳаракатчан бўлиш, китоб ўқишга берилиш, илм йўлида қайғу-ҳасратга берилмаслик, илмни ёдда сақлаш учун такрорлаб бориш, ёд олиш, илмда ҳақиқат учун курашиш, тақлид қилмаслик, доимо ўз ёнида китоб ва бошқа ўқув қуролларини сақлаш, оз сўзлаб, кўп тинглаш ҳақида фикр билдиради. Илм йўлида мунозарадан чекинмаслик, лекин уни жанжалга айлантирмаслик, исбот ва далиллар билан ўз фикрини баён қилиш зарурлигини таъкидлайди. Яна у олимнинг айтгани билан қилган иши бир бўлиши кераклиги, илмни чуқур ўрганиш, ҳар бир касб, соҳанинг билимдони бўлишда доимо камтар, оқил, халқпарвар, ҳар бир нарсани олдиндан кўра биладиган бўлиш кераклигини ҳам кўрсатиб ўтади. Зеро, илмни фақат китобдан ўрганиш билан чекланиб қолмай, ақл, тафаккур билан ҳукм чиқариш зарурлигини ҳам таъкидлайди. Ана шу талаблар асосида у тижорат илми, тиб илми, нужум (юлдузлар) илми, ҳандаса (геометрия) илми борасида ўз қарашларини тарбиялашда уларга илму одоб ўргатишлари зарурлиги ҳам таъкидланади.

Кайковус билим ва ақлнинг аҳамиятини улуғлар экан, уни мол-дунёдан ҳам юқори қўяди: «Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузгилки, мол била бой бўлгандан, ақл била бой бўлгон яхшироқдур, нединким ақл била мол жам этса бўлар, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас»¹ — деб таърифлар экан, инсон адаби ҳам ақлнинг белгиси, («ал-адаб-суратил ақл») дея хулоса чиқаради.

Кайковус жамият тараққиётида илм билан бирга касб-ҳунарнинг ҳам зарурлигини таъкидлайди: «Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса-ю, аммо ҳунари бўлмаса, у ҳалойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур, насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғурра бўлмағил ... Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил»¹. Шунинг учун ҳам асарда турли касб эгалари улуғланади. Касб-ҳунар ўрганишни билим олиш билан қўшиб олиб боришни тавсия этади. Фанни амалиёт билан узвий алоқада қарайди. Кайковуснинг бу қарашлари ўша даврнинг илғор қарашларидан саналади.

Асарда мунажжимлик, ер ўлчаш, мусиқа, тиббиёт соҳасидаги касб эгаларининг фаолияти илмий нуқтаи назардан ёритилади. Айниқса, тиббиёт илмига оид қарашлари Кайковуснинг зукко, донишманд, ҳар томонлама етук билимга эга киши бўлганлигидан далолат беради.

Айниқса, унинг турли касб-ҳунар вакиллари ҳақидаги фикрлари амалиётга татбиқ этишда ўта муҳимлиги билан диққатга сазовор. Масалан,

¹ Кайковус. +обуснома. 31-бет.

¹ Ёша китоб, 32-бет.

«Дабирлик ва котиблик зикрида» бобида ёзма нутқни яхши эгаллаш, чиройли ёзиш ва машқ қилишни маслаҳат беради. У хат ёзишда сажъга риоя этиш, ҳар бир сўзни ёқимли, тушунарли, қисқа ёзиш, зукко ва сезгир бўлишни таъкидлайди. Хаттотликнинг улуғ ҳунар эканлиги, аммо бу ҳунарда ҳеч қачон сохталик, пасткашлик қилмасликни, сир сақлашни тавсия этади ва бу борада ибратли ҳикоятлар келтиради.

Касб-ҳунарга оид унинг «Дехқончилик ва бозор пешалари баёни зикрида» боби ҳам диққатга сазовор.

Тадқиқотчилар шу вақтгача Кайковусни фақат юқори табақа вакиллари манфаатини кўзлаган тарбияшунос сифатида бирёклама талқин этдилар. Аслини олганда Кайковус юқори табақа вакиллари ҳам илм, ҳунар эгаллашга, меҳнат қилишга ундаган. Хусусан, «Дехқончилик ва бозор пешалари баёни зикрида» бобида ҳам у, аввало, деҳқончилик илмини эгаллаш, мазкур ишда ерни тарбия қилиш, тезкор ва ғайратли бўлишни таъкидлайди. Бошқа ҳунарларни эгаллашда ҳам ростгўй бўлиш, хиёнат қилмаслик, мухтожларга ёрдам қилиш каби хислатларга эга бўлишга ундайди. Айниқса, унинг бозор билан боғлиқ касб-ҳунар кишиларига берган ўғитлари қизиқарли. Масалан, у: «Бозор халқи била бозори бўлғил. Тош ва тарозини рост қилғил. Ўз ақчанг ҳақида икки дил ва икки ҳамён бўлмағил. Шерикларингга хиёнат қилмағил, ҳар пешақим қилсанг, унга ҳийла қилмағил ва ҳамиша ҳамма ишингни бирдек қилғил. Агар молдор бўлсанг, мухтожга қарз бермоқни ғанимат билғил», — деб тўғри таъкидлайди. Бу пандлар ҳам ҳукмдорга, ҳам оддий фуқарога баб-баравар зарур бўлиб ҳисобланади. Бу билан Кайковус ёшларда меҳнатсеварликни, меҳнаткаш инсонга ҳурмат туйғусини тарбиялайди, жисмоний меҳнат билан ҳам ақлий меҳнат каби шуғулланиш лозимлигини баён этади.

Кайковуснинг «Қобуснома» асаарида ёшлар тарбиясида — жувонмардлик талабларидан энг муҳими — ахлоқ тарбияси деб кўрсатилади. У ёшларда инсонга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, адолатлилик, самийлик, саҳийлик каби хислатларни таркиб топтиришни истайди ва асарнинг бошидан охиригача ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, Кайковус қарашларида инсон тарбияси омили муҳим ўрин тутди.

У ахлоқлиликнинг биринчи белгиси, суҳандонлик деб билади. У (суҳангўйлик) нотикликда рост сўзлаш кераклигини таъкидлайди. У сўзларни тўрт хилга бўлгани каби одамларни ҳам тўрт хилга бўлади. Биринчи хил кишилар кўп нарсани билади ва яна билгиси келаверади. Булар олимлар бўлиб, уларга бўйсунуш керак, дейди. Иккинчиси, билмаган нарсасини билишга ҳаракат қилади, улар қобил кишилар бўлиб, бундай кишиларга ўргатиш керак. Учинчиси, билганини ҳам билмайди, уйқуда яшагандек, уларни «уйғотиш» керак. Тўртинчиси, билмайди ва билмаганини тан олмайди. Булар жохил кишилар бўлиб, улардан қочиш керак, дейди.

Сўзларнинг эса биринчи хили билинмайди ва айтилмайди; иккинчиси айтиладиган ва биладиган; учинчиси ҳам билинади, ҳам билишга зарурати йўқ, аммо айтса бўлади. Тўртинчиси, билинадиган ва айтиладиган. Энг

яхшиси, тўртинчиси, яъни билинадиган ва айтиладигани дейди. Сўзлаганда андишалик бўлиш, совуқ сўзлик бўлмаслик, кам гапириш, камтарлик, мақтанмаслик, бировнинг сўзини диққат билан эшитиш одобларини таъкидлайди.

Унинг ахлоқий ўғитлари китобда ота-она ҳаққини билиш билан бошланади. Унда Кайковус «Қуръон» ва «Ҳадислар»даги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзининг нуқтаи назарини баён қилади: «Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдир»¹.

Кайковус оилада отанинг вазифаси ва бурчига алоҳида аҳамият беради. Фарзанд туғилганда аввало унга яхши от қўйиш, ундан сўнг ақлли ва меҳрибон мураббийга топшириш, ўқитиш, улғая бошлаганда касб ва ҳунар ўргатиш, ҳарбий иш билан таништириш, сўнг сувда сузишни ўргатиш керак, дейди. Кайковус отанинг бурчи яна ўз фарзандларига нисбатан қаттиққўл бўлишини талаб этади. Лекин болаларни жазолашни отанинг ўзи эмас, мураббий томонидан бажарилишини истади. Чунки отанинг ўз қўли билан фарзандини жазолаши унда адоват ҳиссини пайдо қилади, дейди. Лекин отадан фарзанд ҳайиқиб турсин, агар у ҳайиқмаса, ота-онани хор қилади, дейди.

Кайковус ота-онанинг яна бир муҳим вазифаси фарзанд балоғатга етгач, ўғил бўлса уйлантириб, қиз бўлса узатиб, ўз бурчини адо этиши керак, деб кўрсатади. Айниқса қиз бола тарбиясига эътибор бериш, унга ғамхўрлик қилиш кераклигини алоҳида қайд этади: «Агар қизинг бўлса, уни мастура дояларга топширғил, токи яхши парвариш қилғайлар ва каттароқ бўлгандин сўнг муаллимга топширғил ... Балоғатга етгандан сўнг ҳаракат қилиб эрга берғил, унга шафқат ва марҳамат кўргузғил, нединким қиз отанинг асири бўлур»².

Кайковуснинг ҳаётида хулқ-одоб қоидаларига қандай риоя этиш ҳақидаги, ёшларни адолатпарвар, инсонпарвар, саховатли, қаноатли, мурувватли бўлиши ҳақидаги қарашлари, айниқса диққатга сазовор. Улар яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги қарама-қаршилик асосида баён этилган:

«Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилғон яхшиликдан ҳаргиз пушаймон бўлмағил. Бир кишига бир яхшилик қилсанг, кўргилки, яхшилик қилғон вақтда у кишига нақадар роҳат етғон бўлса, сенинг кўнглингга ҳам ундан зиёдроқ шодлик ва хуррамлик етишур. Агар кишига ёмонлик қилсанг, унга нақадар ранж етса, сенинг кўнглингга ҳам ул миқдор танглик етишур. Демак, бу жаҳонда яхшилик ва ёмонлик мукофоти, албатта, етгусидур»³.

Кайковуснинг кундалик турмушдаги хулқ-одоб қоидаларига оид фикрлари асарнинг «Мажоз (ҳазил-мазах) қилмоқ, шатранж (шахмат), нард ўйнамоқ зикрида», «Шикорга (овга) чикмоқ зикрида», «Чавгон ўйнамоқ

¹ Кайковус. +обуснома. 30-бет.

² Кайковус. +обуснома. 86-бет.

³ Ўша китоб

зикрида», шунингдек, овқатланиш, дам олиш, ҳаммомга бориш, меҳмондорчилик, шароб ичишга бағишланган бобларида баён қилинган бўлиб, ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бундай хулқ-одоб коидалари инсон камолотини кўрсатувчи севги ва мухаббат, дўст танлаш ва душмандан сақланиш масалаларида айниқса, намоён бўлади. «Ишқ ва унинг одатлари зикрида» бобида Кайковус ишқда янглишмасликни, латиф таъб бўлишни манзур кўради.

«Эй фарзанд, то кишининг таъби латиф бўлмагунча ошиқ бўлмагусидир, нединким ишқ бешак таъби латифликдин пайдо бўлур. Ҳар нарсаки, таъби латифликдан пайдо бўлса, у бешак латиф бўлур. Шул важданким, латиф таъбдин латифлик туғилур ...»

«Ғализ таъб ва ялқов киши ҳеч вақт ошиқ бўлмас», — деб ҳақиқий ошиққа хос ҳис-туйғуларни ифодалайди. У ошиқликда эҳтиёт бўлишга ундайди. «Ўзингни сақлағил ва ошиқликдан парҳез қил», — дейди. У ишқ дардига мубтало бўлиш жараёнини шундай таърифлайди: «... аввал бир зебо суратни кўргусидур, ундир сўнг кўнгулга писанд (маъкул) тушгусидир. Кўнгулга писанд тушғондин сўнг таъб унга мойил бўлур, кўнгил унинг суратини тақозо қилур», — деб биринчи кўрганда «Уни (маъшукани) яна бир кўрмоқ таъбирида» бўлади, иккинчи марта «кўнглинг хавоси ғолиб» бўлади, учинчи марта кўрганда «ихтиёрни кўлингдан берурсан», — дейди. Шунинг учун ҳам ошиқ ўзини қўлга олиши кераклиги, «ақлни кўнгулга муаккал (вакил этилган)» қилиб, ўзга нарсалар билан машғул бўлса, ишқ дардидан аста-секин халос бўлиши мумкинлигини уқтиради. У айниқса, кексаларнинг ҳамда пошоҳ-хукмдорларнинг кексалик даврида ошиқликдан ўзини тийиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Демак, Кайковус севгини инсоний туйғу сифатида таърифласа ҳам ундан ўзини тийиш йўллари баён этади, лекин ҳар бир ёш бошига ишқ савдоси тушганда ҳар қандай насиҳатга итоат эта олмаслигини ҳам қайд этиб, шуни кўрсатади:

«Бас, агар ошиқ бўлсанг шундоқ кишига бўлгилки, ул маъшукликка лойиқ бўлсин, Батлимус ва Афлотундек киши бўлмаса ва Яъқубнинг ўғли Юсуфдек сабоҳати (хусни) бўлмаса ҳам, бир оз малоҳати бўлсун... Аммо бир жойга меҳмон бўлсанг, маъшукангни ўзингга ҳамроқ қилиб олиб бормоғил. Агар олиб борсанг, бегоналар қошида унинг била машғул аўейàғее àà êÿîàлeîãîe óíãà àáîã кeèîàғее, íãëèîèèì óíè хã÷ êèì òèèãà îèìàeèè àà хàììà óíè ўçeîãããè êÿðããè àãá ðãèè кeèîíғее. Ñãíeîíã êÿçeîããã у ҳар қанча яхши кўринса ҳам ўзгаларнинг кўзиға шу миқдор ёмонроқ кўринур»¹.

Кайковус юксак ахлоқлиликнинг яна бир таркибий қисми дўстлик деб билади ва дўст тутмоқ одоби ҳақида фикр баён этар экан, унинг асосий талабларини талқин этади.

Кайковус, аввало, инсон дўстсиз бўлгандан кўра, биродарсиз бўлгани дурустдир, дейди. Кишининг дўсти қанча кўп бўлса, айби шунча сир тутилади ва фазилати кўпаяди. Кайковус қийинчиликларда ҳамдард, таянч бўладиган, садоқатли, таъмагир, ҳасадчи бўлмаган, ақлли, илмли, мурувватли

¹ Кайковус. +обуснома. 65-бет.

кишиларни дўст тутиш мумкин, деб таъкидлайди. Шунингдек, дўст билан душманни ажрата билиш, душман олдида ўзини ожиз кўрсатмаслик, кучли душман ва хиёнатчи, чақимчи, сир очувчи дўстдан сақланишни маслаҳат беради. У қуйидаги хислатларни ҳар бир киши ўзида таркиб топтиришни таъкидлайди. Булар: ўзидан зўр киши билан урушмаслик, ҳасадчи киши билан бирга жамоат ўртасида ўтирмаслик, нодон билан мунозара қилмаслик; риёкор, иккиюзламачи киши билан дўст бўлмаслик; ёлғончи киши билан муомала қилмаслик; бахил билан суҳбатда бўлмаслик; душман киши билан шароб ичмаслик; хотинлар билан бир ерда кўп ўтирмаслик; кишиларга сир айтмаслик; бирор киши айбингни айтса, шу айбни йўқотишга ҳаракати килиш, бирор кишини ортиқча мақташ ёки ортиқча ёмонламаслик, муҳтож бўлган одамни ҳожатини чиқариш, кечиримли бўлиш, кичикларга меҳрибон бўлиш; бир ишни икки кишига буюрмаслик, яъни шериклик иш қилмаслик каби ҳаётий тавсиялардир.

Булардан кўриниб турибдики, Кайковус дўстликни инсоннинг камолотини кўрсатувчи ахлоқий хислатлардан бири сифатида талқин этган.

Кайковус «Қобуснома» асарида жисмоний тарбияга ҳам катта аҳамият берган. Зеро, Кайковус асарини мувонмардлар тарбиясига бағишлар экан, уларнинг энг аввало жисмонан соғлом бўлиб камолга етишини алоҳида таъкидлайди.

Буни биз асардаги «Шикорга чикмоқ зикрида», «Уруш қилмоқ зикрида», «Чавгон ўйнамоқ зикрида», Сипоҳсоларлик шартлари ва одатлари зикрида» ва бошқа бобларда кўрамыз.

Кайковус, аввало ҳар бир тартибли, ақлли киши ўз вақтини тўғри тақсимлаши ва ундан тўғри фойдаланишини тавсия этади: «Ҳушманд (ақлли) кишилар ўзларининг ҳар бир ишларига аниқ вақтни тайин этибдурлар. Улар кеча ва кундузнинг йигирма тўрт соатини ўз ишларига тақсим қилибдурлар. Бир ишни яна бир ишдан фарқ этиб, унга вақт, ҳад (чегара) ва андоза (ўлчов) пайдо қилибдурлар, токи ишлар бир-бирига аралашмағай»¹.

Кайковус бир кеча-кундузни шундай тақсим этади: саккиз соати ибодатга, саккиз соати ишратга ва руҳни тозаламоққа ва саккиз соатни мана шу ўн олти соат давомида қийналғон аъзоларга ором бермакка тайин этмоқ керакдур, токи аъзо ҳаракат такаллуфидин осуда бўлсин².

Инсон саломатлигида тўғри ва оқилона овқатланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунга Кайковус алоҳида боб ажратган. У бир кеча-кундуз икки маҳал — эрта тонг ва пешинда овқатланишни тавсия этади. Кечки овқатни эса тавсия этмайди. У оҳиста, шошилмасдан, ҳамтовоқлари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг лўқмасга боқмасдан овқатланишни маъқул кўради.

Кайковус инсон ўз танининг тоза, покиза бўлишига ҳам эътибор бериши керак, дейди. Унинг «Ҳаммомга бориш зикрида», «Ухламоқ ва осуда бўлмоқ зикрида», «Тамкин шарофатининг ва таом тартибининг баёни» каби бобларида ухламоқ, емоқ-ичмоқ, ҳаммомга бормоқ қоидалари асосида ёшларга жисмоний-ахлоқий тарбия асослари сингдирилган.

¹ Кайковус. +обуснома. 53-54 бетлар

² Ўша китоб, 67-бет.

Демак, Кайковуснинг «Қобуснома» асари XI асрда юзага келган йирик тарбиявий асардир. Бунда ўша даврга хос ҳар бир ёш эгаллаши зарур бўлган ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия билан боғлиқ фаолият турлари: отда юриш, мерганлик, сувда сузиш, ҳарбий машқлар санъати, ифодали ўқиш, ҳаттотлик санъати, шеър ёза олиш, мусиқий билимга эга бўлиш, шатранж ва нард ўйинини билиш кабилар ҳам ўз ифодасини топган.

Кайковуснинг катта хизмати шундаки, у ёшларни ҳаётга тайёрлашда уларни ҳар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолиятга татбиқи нуқтаи назаридан ифодалаши билан ҳамма замонларда, ҳар қандай тузумда ҳам ўз қимматини йўқотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

3. Аҳмад Югнакий «Ҳибат ул-ҳақойиқ».

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида яратилган таълимий-ахлоқий асарлардан яна бири Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат-ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар армуғони”) асаридир. Асар мазмунини ҳам мазкур даврнинг ижтимоий-сиёсий, диний, ахлоқий ҳамда иқтисодий масалалар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар моҳияти борасидаги қарашлар ташкил этади.

“Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари Тўғрул қилич Сипоҳсолорбекнинг номига атаб ёзилган. Асарнинг ёзилган вақти тахминан XII аср бошларига тўғри келиши алоҳида таъкидланади¹.

Аҳмад Югнакийнинг ҳаёти ва фаолияти борасида маълумот берувчи манбалар жуда кам. Мавжуд маълумотлар ҳам асар мазмунидан келтирилган далиллардангина иборат.

Аллома “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарининг сўнгида ўзи ҳақида қуйидаги маълумотларни баён этади:

Адиб Аҳмад отим, адаб, панд сўзим,
Сўзум мунда қолур, борур бў ўзим.
Адибнинг ери оти Югнак эрур,
Сафолик ажаб ер кўнгуллар ёрур.
Отаси оти Маҳмуд Югнакий,
Адиб Аҳмад ўғли, йўқ ул ҳеч шакли.

Юқорида келтирилган мисралар мазмунидан “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарининг муаллифи Аҳмад, отасининг исми Маҳмуд эканлиги, шунингдек, адиб Югнак номли масканда таваллуд топганлиги англонади. «Югнак» номли манзил (шаҳар ёки қишлоқ)нинг қаерда жойлашганлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бу хусусида Аҳмад Югнакий ва унинг асари моҳияти юзасидан тадқиқотлар олиб борган олимлар бир қатор фикрларни илгари сурадилар. Чунончи, Е.Э.Бертельснинг фикрича, ушбу маскан

¹ Югнакий, Аҳмад. Шибат-ул-ша=ойи= (Нашрга тайёрловчи ва сызбоши муаллифи +.Маҳмудов). – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1971, 3-28-бетлар; =адимий шикматлар (Тузувчи Н.Раҳмонов). – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 414-428 бетлар.

Фарғона водийсида мавжуд бўлган бўлса, В.В.Бартольднинг нуқтаи назарига кўра, бу манзил Самарқанд вилояти ҳудудларида жойлашган туманлардан бирига тегишлидир.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари юзасидан тадқиқот олиб борган ҳамда мазкур асарни нашрга тайёрлаган олим Қ.Маҳмудов тарихий манбалар, хусусан, Ибн Хавқал ва Арат Раҳматий Ибнул Якуб томонидан яратилган асарларда баён этилган фикрларга таянган ҳолда «Югнак» сўзи қадимда «Арноқ», «Арнак» каби шаклларда ҳам ёзилганлиги, Арноқ ва Арнак номли маскан Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган бир қаторда қайд этилганлигини ишонч билан таъкидлайди.

Бизга қадар асарнинг бешта нусхаси етиб келган. Улардан учтаси тўлиқ ҳолда сақланиб қолган бўлса, қолган икки нусхасида эса айрим парчаларгина сақланган. Асарнинг тўлиқ ҳолда сақланган нусхалари ХҮ ва ХІҮ асрларда Хирот ва Истамбул шаҳарларида Абдураззоқ Бахши томонидан кўчирилган. Асарнинг Истамбул нусхасида кўчирилган сана сифатида 1480 йил қайд этилган. Айни вақтда асарнинг тўлиқ нусхалари Туркия давлатида жойлашган кутубхоналарда, тўлиқ бўлмаган нусхаси эса Берлин шаҳрининг кутубхоналаридан бирида сақланади.

Асар 1915-1916 ҳамда 1925 йилларда Истамбул шаҳрида Нажиб Осим томонидан чоп этилган. Айнан мана шу нашр асосида 1951 йилда Арат Раҳматий томонидан ҳам нашр қилинган. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари юқори даражада бадиий, филологик ҳамда педагогик қийматга эга бўлганлиги боис кейинги йилларда ҳам уни қайта нашр этилишига нисбатан эҳтиёж юзага келди. Ана шу эҳтиёжнинг самараси сифатида 1971-1972 йилларда Қ.Маҳмудовнинг саъий-ҳаракатлари туфайли Тошкент шаҳрида, 1980 йилда Пекин шаҳрида ҳамда 1984 йилда Олмаота шаҳарларида чоп этилган.

Аҳмад Югнакийнинг мазкур асари бир оз қисқартирилган ҳолда 1986-1987 йилларда Тошкент шаҳрида, айрим тўпламлар таркибида нашрдан чиқарилди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари каби Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари ҳам Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг маънавий ҳаёт даражасини кўтаришга улуш кўшиш мақсадида ёзилган. Асар мазмун жиҳатидан дидактик характерга эга. Асарнинг мундарижаси ана шундан дарак беради.

Асар ўн тўрт бобдан иборат бўлиб, мазкур боблар ўзида 256 байт ҳамда 512 мисрани мужассам этган. Достоннинг дастлабки тўрт боби анъанага кўра муқаддима бўлиб, бешинчи ҳамда ўн тўртинчи бобларда асосий ғоялар ифода этилади. Мазкур бобларда асосан билимнинг аҳамияти, жаҳолатнинг зарари, тил одоби, дунёнинг фонийлиги, саховат, камтарлик, бахиллик ҳамда инсонларга хос бўлган бошқа хислатлар, уларнинг хусусиятлари борасида сўз юритилади.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида ҳам марказий ўринни инсон шахси, унинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, шунингдек, шахсни камолотга этишувини таъминлаш масаласи туради. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарининг биринчи бобидаёқ илм манфаати, илмсизлик ва жаҳолатнинг

зарари ҳақида фикр билдирилади. Илмли ва илмсиз кишини бир-бири билан таққослаш асосида илм-маърифатнинг афзаллиги, унинг инсон учун қай даражада фойдали эканлигини очиб берар экан, Аҳмад Югнакий билимли инсонни қиматбаҳо динорга, билимсиз кишини эса қимматсиз иликка ўхшатиб, эр кишининг кўрки ақл, дея таъкидлайди. Илмли инсон ўз илми билан машҳур бўлиб, номи ўчмагани ҳолда, илмсиз киши гарчи тирик бўлсада, номи ўлик эканлигини эътироф этади. Аллома билим эгаллаш кишини юксакларга кўтарса, илмсизлик тубанликка томон етаклашига алоҳида урғу беради. Бу борадаги фикр қуйидаги мисраларда ўзининг ёрқин ифодасини топган:

Билик бирла били(и) нур саодат йўли,

Билик бил саодат йўлини була.

(Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра илмли бўл, бахт йўлини изла).

Баҳолик динар ул билимлик киши,

Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши.

(Билимли киши (қиммат) баҳолик динордир, илмсиз жоҳил киши қимматсиз емиш (мева)дир.

Биликсиз йиликсиз сўнгатек ҳоли,

Йиликсиз сўнгатекка сунулмас элик.

(Илмсиз иликсиз сўнгатек каби бўшдир, иликсиз сўнгатекка эса қўл урилмайди).

Билим бирла олим юқор йўқлади,

Биликсизлик эрни чуқарди кўди.

(Билим билан олим кўтарилди, илмсизлик эса кишини тубанлаштирди)¹.

Юқорида билдирилган фикрлардан англанадими, Аҳмад Югнакий билимли кишиларни мукамал кишилар санайди. Чунки билимлилик барча яхши ишлар ва эзгуликларнинг омили бўлса, билимсизлик жоҳиллик ёки разолатга йўл очади.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат-ул-ҳақойиқ” асарида бошқа таълимий-ахлоқий асарлар каби инсоннинг баркамол эканлигидан далолат берувчи иккинчи белги - бу унинг хушхулқилигидир, деган ғоя илгари сурилади. Шунинг учун адиб асарда ахлоқлиликнинг асосий мезонлари бўлган ижобий хислатлар ва инсон қиёфасида уларнинг қай даражада акс этиши юзасидан фикр юритар экан, тилни тийиш, мол-дунёга муҳаббат қўйиш салбий фазилат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, инсонда ушбу хислатларни шаклланишига таъсир этувчи муҳит, шарт-шароитлар, бахиллик, жамият ва атрофдаги кишиларнинг манфаатларига зарар етказишдан сақланиш, ҳаром ва ҳалолни бир-биридан фарқлай олиш, уларнинг фарзлари ҳақида тўхталиб ўтади.

Аҳмад Югнакийнинг таъкидлашича, инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфасини кўрсатувчи муҳим белгиларидан биринчиси тил одобидир.

¹ Югнакий, Аҳмад. Шибат-ул-шаъойи= (Нашрга тайёрловчи ва сазбоши муаллифи Ғ.Мащмудов). – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1971, 40-48- бетлар

Алломанинг фикрича, тилни тиймаслик, ҳуда-беҳуда сўзларни айтавериш бошга бало келтиради. Шу боис у тилни тийишни, ҳар бир сўзни ўйлаб сўзлашни маслаҳат беради. Хусусан,

Тилинг бекта тутғил тишинг синмасун,
ғоли чикса бекта тишинг сиюр.

Яъни, тилингни тий, тишинг синмасин, агар (сўзлаб юборсанг) тишинг чиқиб қолса, тишингни синдиради, дея беҳуда сўзлашнинг ёмон оқибатлари хусусида ўз қарашларини илгари суради. Фикрини давом эттирар экан, Аҳмад Югнакий қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтади:

Сўзунг бўшлуғ эсма йиға тут тилинг,
Етар бошқа бир кун бу тил бўшлуғи.

Яъни, сўзингни бўш қўйма, тилингни тийиб тур, эрк берилган тил бир кун бошингга етади.

Аллома, шунингдек, тилни бўш қўйиш ақлли инсоннинг иши эмаслигига ҳам алоҳида урғу беради:

Хирадликму (в) бўлур тили бўш киши,
Телим бошни еди бу тил сўз буши.

Мазкур мисраларда тили бўш, сўзлари кишиларнинг қалбига озор етказувчи кишининг ақли етук бўлмаслиги, кимнингки тили ва сўзи бўш бўлса бошини ейиши хусусидаги фикрлар ўз ифодасини топган.

Тил воситасида кишиларнинг қалбига етказилган яранинг битмаслигини аллома қуйидаги тарзда баён этади:

Ҳуктурма эрни тилинг бил бу тил,
Бошоқ турса бутмас бутар ўқ боши.

(Яъни, кишини ўчакиштирма, унинг тилини бил, агарда тил инсон қалбини яраласа, унинг жароҳати битмайди).

Аҳмад Югнакий айни ўринда тилингни тий, сўзингни қисқа қил, тилинг тийилса, ўзинг ҳам сақланасан, дея тилни тийиш йўлларини кўрсатади. Хусусан:

Кудазгил тилингни, кел оз қил сўзунг,
Кудазилса бу тил кудазлур ўзунг.

Алломанинг нуқтаи назарига кўра кишида қуйидаги икки ҳолат, яъни, ҳаддан зиёд кўп гапириш ва айни вақтда ёлғон сўзлаш одатлари мавжуд бўлса, у ҳолда унга нисбатан мурувват йўли ёпилади. Шунга кўра адиб, ёлғон ва кўп сўзлашнинг олдини олиш йўлларини кўрсатиб беришга уринади:

Ёлғончи кишига мумкин қадар яқин бўлмаслик, умр кечириш даврида тўғриликка амал қилиш, оғиз ва тилнинг безаги сўз эканлиги, шу боис тўғри сўзлаш ва ёлғон гапирмаслик, тўғрисўз бўлиш билан дилни безаш зарурлиги тўғрисида фикр юритар экан, тўғри сўзни асалга, тўғрисўз инсонни эса шифога қиёс қилади:

Тили ялғон эртин йироқ тур теза,

Кечур сен-ла умрунг кўнилик уза.

Оғиз тил безаги кўни сўз турур.
Ғўни сўзла сўзни дилингни беа.

Ғўни сўз асал тек бу ялғон басал,
Басал еб ачитма оғиз ё асал.

Ё ялғон сўз йигтек кўни сўз шифо,
Бу бир сўз ўзаги урулмиш масал¹.

Адиб тўғри сўзлаш билан бирга, сир сақлай олиш хислатининг ҳам инсонга хос бўлган ижобий фазилатлардан бири дея эътироф этади ҳамда ушбу фазилатни ўзлаштириш хусусида бир қатор фойдали маслаҳатларни беради:

Инсон сир сақланиши лозим деб ҳисоблаган воқеа ёки ҳодиса юзасидан ҳатто дўстга ҳам гапирмаслиги шартлигига алоҳида урғу беради. Зеро, кишининг ўзики сир сақлай олмаган экан, бошқалар ҳам шундай йўл тутиши мумкин. Натижада сир атрофдагиларга аён бўлади ва унинг сирлиги қопмаслиги аллома томонидан ишонарли мисоллар ёрдамида очиб берилади¹.
Яъни:

Ғатиф қизла розинг киши билмасин,
Сўзунгни ўзунгга ўкунч кел (а) масун.

Эшим деб инонил сир айма сақин,
Неча ма инончлик эш эрса яқин.

Сериб сенда розинг сингиб турмаса,
Серурму эшингда шуни кед сақин.

Асарнинг тўртинчи бўлими саҳоват ва бахиллик каби сифатларнинг моҳияти ҳамда уларнинг оқибатларини ёритиб беришга йўналтирилган. Аҳмад Югнакий ҳам бошқа мутафаккирлар каби саҳоватни энг эзгу инсоний хислатлардан бири деб билади. Сахийлар ҳамма томондан улуғланиши, фақат яхши ва нуқсонсиз ном қолдириши мумкинлигини таъкидлар экан, қўллар ичида инъом берувчиси бахтли (қўл)дир, ўзи олиб, бошқаларга бермаган (қўл) қўлларнинг қутсизидир, дейди. Бахиллик хислатини эса аллома даволаб бўлмайдиган касалликка қиёслайди.

Аҳмад Югнакий сахийликни камолот белгиси деб тушунади. Сахийлик хислатига нисбатан бахиллик ва очкўзлик каби иллатлар қарама-қарши қўйилади, бойлик тўплаб, емай-ичмай, бошқаларга бермай яшаган кишининг мол-дунёси охири дўстга эмас, душманга буюриши хусусидаги

¹ Югнакий, Ашмад. Ғибат ул-ща=ойи= (Нашрга тайёрловчи ва сызбоши муаллифи Ғ.Машмудов). – Тошкент, ./улом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1971, 50-51-бетлар.

¹ Ёша асар, 52-бет.

фикрларни қуйидагича ёритади:

Татурмас ошин-да туз дўстина,
Ўлур қолур ахир еюр душмани².

Аҳмад Югнакий камтарлик ҳам инсоннинг етуклик даражасини кўрсатувчи белгилардан бири бўлиб, кибрли ва хасис бўлиш инсонни руҳан тубанлаштиради, деган ғояни илгари суради.

Кимки кибру ҳавога берилиб, бошқалардан ўзини баланд тутса, уни ҳеч ким ҳурмат қилмайди, аксинча, тавозеъли, камтар ва мулойимлик сифатларига эга бўлишни эса инсоннинг ҳусни дея ҳисоблайди.

У яхши хулқ-одобни шакллантириш ва ёмон иллатлардан соқит бўлиш йўллари ҳам тавсия этади. Масалан, бойлик тўплашга муккасидан кетган кишиларга мўътадил ҳаёт кечиришни маслаҳат беради:

Агар йиғдинг эрса умурлуқ тавор,
Бурун бошқа бўркни кияр бош керак.
Ҳарислик ма эрга ёвуз хислат бул,
Ҳарислик сўнги ғам ўкунч ҳасрат ул¹.

Аллома сабр-тоқат, қаноат инсонга шараф ва хотиржамлик олиб келишига ишонади, шу боис у кишиларни сабр-тоқатли ҳамда қаноатли бўлишга ундайди. Уларни тинчлик ва тотувликда ҳаёт кечиришга чақиради:

Бало келса сабр эт, фарраҳқа кутиб,
Кутиб тур фараҳқа бало-ранж ютуп.

Ҳчар меҳнат ўти, кечар навбати,
ғолур сабр идиш савобин тутуб.

Аҳмад Югнакий киши гуноҳ қилса кечириш, ғазаб ўтини иложи борица ўчириш зарур, дейди.

Шоир бошлиқлар билан эҳтиёт бўлиб муомалада бўлиш, фойдасиз тортишувлар улуғларнинг ғазабини келтирса, кичикларнинг хулқини бузади, дейди. Хусусан:

ғудазгил, аё дўст, улуғлар ақин,
Осиқсиз жадал ҳам мизожтин соқин.

Улуғларни бушруб сенга бу мижоз,
Кичикларни густоҳ қилур бил яқин.

У кишиларни, айникса, мартабага эришгач, камтар, самимий бўлишга чақиради, мавқеини суистеъмол қилмасликни маслаҳат беради:

Улуғликқа тегсанг енгилма ўзинг,
ғоли кейсанг атлас унутма бўзинг².

(Улуғликка етсанг янглишма, агар атлас кийсанг, бўз кийганингни

² Ыша асар, 65-бет.

¹ Ыша асар, 70-бет.

¹ Ыша асар, 81-бет

унутма).

Инсонларга бошчилик қилаётган амалдор, мансабдор кишиларнинг ўз мавқеларига яраша иш тутишлари, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек мурувват кўрсатишлари, сўзларини мулойим қилишлари мақсадга мувофиқ эканлигига алоҳида урғу беради:

Улуғ бўлдуғунгча тузунрак бўлуб,

Улуғка, кичикка силиқ тут сўзунг.

(Яъни, улуғлигинга яраша яхшироқ бўлиб, каттага, кичикка сўзингни силлиқ, мулойим қил).

Адиб дўст ҳамда душманнинг фарқига бориш, яхши кишиларни дўст тутиш, бадхулқ кишилардан узоқроқ юриш, шунингдек, дўст танлашда хато қилмаслик кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, доим яхши ишлар билан ҳамкор бўлишни, кишининг ўзи ҳам эзгу, эзгу ишлар қилиб яшаса, ўзгалардан яхшилик топиши мумкинлигига урғу беради.

Аё эдгу умгон эсизлик қилип,

Тикан эйлаган эр узум бичмас ул¹.

(Эй, ёмонлик қилиб яхшиликдан умидвор бўлувчи, тикан изган (кидирган) киши ҳеч вақт узум узмайди).

Айрим тадқиқотчилар Аҳмад Югнакий асарларида замондан норозилик кайфиятлари мавжудлигини айтадилар. Лекин адибнинг асарларидаги қўйидаги мисралар мазмуни унинг замондан эмас, баъзи кишилардан, уларнинг хатти-ҳаракати ва хулқидан норози эканлигини кўрсатади. Чунончи:

Йиарсан замонангни халқин кўдиб,

Замонангни йирма кишисин йир².

(Халқингни қўйиб замонангни айблама, замонангни эмас, балки кишиларни айбла).

Шунинг учун ҳам аллома кишиларга ярамас ишлар қилмаслик, тинч ва фароғатда яшаш, ҳалол бўлиш, очкўз-суқ бўлмаслик, ҳаромдан сақланиш каби ҳаётий панд-насихатларни беради.

Аҳмад Югнакий ҳам ўзининг инсонни камолга етказиш борасидаги қарашлари билан педагогик фикр тараққиётида ўз ўрнига эга. У инсон камолотини тўлақонли намоён этувчи “Ҳибат –ул-ҳақойик” асарида комил инсонни шакллантиришнинг ўзига хос тизимини яратди.

Аҳмад Югнакий томонидан асосланган баркамол инсонни шакллантириш тизими ўзида қўйидагиларни акс эттиради: юксак даражада назарий ва амалий билимларни эгаллаш, тил ва сўз одобига эга бўлиш, шунингдек, ўзида ҳалоллик, ростгўйлик, сахийлик, камтарлик, қаноатлилик, самимийлик каби хислатларни намоён эта олиш, вафодор дўст бўлиш.

² Ыша асар, 65-бет

Алломанинг нуқтаи назарига кўра ўзгалар сирини сақлай олиш, камгап бўлиш ҳамда ҳар бир сўзни ўз ўрнида ва лозим топилгандагина сўзлаш, юқори мансаб ёки мавқега эга бўлганда катталарга хурмат, кичикларга иззат кўрсата олиш кишининг обрўсига обрў қўшувчи сифатлар бўлибгина қолмай, айна вақтда ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида юзага келиш эҳтимоли бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олади. Инсонда бахиллик, очкўзлик, ёлғончилик, иккиюзламачилик, такаббурлик, золимлик, жаҳолат, танбаллик, шошқалоқлик, билимсизлик, сабрсизлик, кўп гапириш ва ҳоказо каби хислатларнинг мавжудлиги эса кишилар ўртасида адоват, ўзаро уруш-жанжалларнинг келиб чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилишини Аҳмад Югнакий юқорида мазмуни хусусида сўз юритилган асарда алоҳида қайд этиб ўтади.

Аҳмад Югнакийнинг ушбу асари ўзига хос педагогик қийматга эга бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур асарда илгари сурилган ғоялар кишилар, айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий камолотга йўллайди, ижтимоий муносабатлар жараёнида юзага келган зиддиятларни аҳиллик, саховат ҳамда ҳамжихатлик асосида бартараф этиб, адолат ўрнатишга чорлайди.

4. Муслиҳиддин Саъдий. «Гулистон»

Муслиҳиддин Саъдий Шарқ мумтоз маданиятининг йирик намояндаларидан бири бўлиб, унинг номи бутун дунёга машҳур.

Бу буюк алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Шерозий бўлиб, Шарқ ва ғарбда Шайх Саъдий деган ном билан улуғланади. Донишманд шоир Муслиҳиддин Саъдий ижодининг довуғи Шероздан Қашқаргача, Хитой, Ҳиндистон ва Мисрдан Шимолий Африкагача ёйилгани боис унга “Шайх”, яъни, устоз номи берилгандир.

Олим ва таржимон Ш.Шомуҳаммедовнинг таъкидлашича, мутафаккирнинг номи, туғилган йили, тахаллуси турли манбаларда турлича кўрсатилган. Хусусан, айрим манбаларда алломанинг номи Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Абдуллоҳ, бошқа манбаларда эса Муслиҳиддин Саъдий Шерозий дея келтирилган.

Аллома таваллуд топган йил ҳам турлича кўрсатилади. Чунончи, мазкур сана баъзи манбаларда ҳижрий 580 (милодий 1184), ҳижрий 589 (милодий 1193) ҳамда милодий 1204 йил тарзида қайд этилади.

Адибнинг ўзига “Саъдий” тахаллусини танлашига ҳам тадқиқотчилар турлича ёндошадилар. Ана шундай ёндошувларнинг бирида мутафаккир мазкур тахаллусни форслар орасида машҳур бўлган ҳамда Отабек ҳокимлари сулоласини бошлаб берган Саъд бинни Занги номи асосида танлаганлиги қайд этилса, яна бир бошқа ўринда эса ушбу сулоланинг вакили ҳисобланган Саъд II, яъни, Саъд ибн Абубакр номига нисбат бериш тарзида қабул қилганлиги эътироф этилади.

Муслиҳиддин Саъдийнинг умумий ёши хусусида ҳам турлича фикрлар мавжуд, Айрим тадқиқотчилар алломанинг 102 ёшга кириб вафот этганлигига урғу берсалар, бошқа бир тадқиқот натижаси адибнинг 120 йил умр кечирганлигидан далолат беради. Аксарият манбаларда мутафаккирнинг вафоти йили ҳижрий 691 (милодий 1291-1292) йил деб белгиланган¹.

Муслиҳиддин Саъдий кўхна Эроннинг қадимий шаҳри саналган Шерозда туғилади. Унинг отаси Шероз ҳокими Отабек Саъдийнинг мулозимларидан бири бўлган. Ёш Муслиҳиддин отасидан эрта ажралади. Шу боис унга сарой нафақаси белгиланади. Муслиҳиддин бошланғич маълумотни Шероз шаҳрида олади, сўнгра Бағдод шаҳрига бориб, у ерда машҳур “Низомия” мадрасасида таҳсилни давом эттиради. У мадрасада таълим олиш чоғида араб ва форс тиллари грамматикаси ҳамда адабиётлари асосларини чуқур ўзлаштиради. Шарқ фалсафаси асосларини катта қизиқиш билан ўрганadi. Мадрасада таҳсил муддатини тамомлагач, Шарқнинг энг машҳур, шу билан бирга илм-фан ва маданият ўчоқларига айланган шаҳарлар бўйлаб саёҳатга чиқади.

Қадимги тазкирачилар Муслиҳиддин Саъдий кечирган умр йўлини куйидаги босқичларга бўладилар:

Вариантлар	1-босқич	2-босқич	3-босқич	4-босқич
1-вариант (алломанинг 102 йил умр кўрганлигини ҳисобга олиш асосида)	12 йил болалик йиллари	30 йил таълим олиш йиллари	30 йил саёҳат йиллари	30 йил ижод йиллари
11-вариант (алломанинг 102 йил умр кўрганлигини ҳисобга олиш асосида)	40 йил таълим олиш йиллари	40 йил саёҳат йиллари	40 йил ижод йиллари	-

Муслиҳиддин Саъдий 1255 йилда саёҳатдан Шероз шаҳрига қайтиб “дунё ғовғаларидан” четда, шаҳар чеккасида жойлашган Шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф хонақосида фақирона ҳаёт кечиради.

Муслиҳиддин Саъдий томонидан яратилган барча асарлар 19 бўлимдан иборат куллийетида тўпланган. Бу тўплам унинг вафотидан 37 йил ўтгандан сўнг Абубакр Бесутун деган киши томонидан тўпланган. Бирок кейинчалик номи қайд этилган ана шу муаллиф куллийетни қайтадан тузиб, ғазал ва бошқа майда шеърларни радифи ва қофиясига мувофиқ алфавит

¹ Шомушамедов Шоислом. Форс-тожик адабиёти классиклари (Шарқ адабиёти классиклари шаънида суқбатлар). - Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963. 114-115 бетлар; Мушрифиддин Саади. Гулистан (Подготовка текста, вступительная статья и примечания Рустама Алиева). - М.: 1957, 45 с. Орифи М. Аз таърихи афкори педагоги халқи тоҷик. - Душанбе, Нашриёти давлати адабиёти таълимий-педагогии РСС Тоҷикистон, 1962.

тарзида жойлаштириб чиққан, ушбу куллиётга алломанинг тўртта девони (ғазаллар тўплами) киритилган. Куллиётнинг таркибий тузилмасидан жой олган ҳамда мутафаккир номини машхур қилган учинчи девон “Ҳавотим” деб номланади.

Тадқиқотчилар Шарқда муайян муаллифга тегишли бўлган асарларни уларнинг радиф ва қофиясига кўра алфавит тарзида девон ҳолатига келтириш анъанаси Али бинни Абубақр Бесутун бошлаб берган ҳаракат асосида юзага келган бўлса керак, деган тахминни илгари сурадилар.

Муслиҳиддин Саъдийнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган “Гулистон” ва “Бўстон” асарларида алломанинг таълимий-ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топган. Манбаларда таъкидлаб ўтилишича, муаллиф “Бўстон” номли асарини 1257, “Гулистон” деб номланувчи асарини эса 1258 йилларда яратгандир.

Саъдийнинг «Гулистон» асарида илгари сурилган таълимий-ахлоқий қарашлар

Мутафаккирнинг комил инсонни тарбиялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи “Гулистон” асари Шарқ халқларининг педагогик фикрлари тарихида ўзига хос услубга эга дидактик асар сифатида тан олинган. Ушбу асар муаллифнинг бой ҳаётий тажрибаси асосида яратилганлиги билан ҳам қимматлидир.

Таниқли шарқшунос олим Ш.Шомухамедовнинг таъкидлашича, “Гулистон” асари XVII асрдаёқ француз, немис ва лотин тилларга таржима этилган ва ғарб мамлакатларида катта шуҳрат қозонган. Асарнинг рус тилидаги биринчи таржимаси XVII асрда Адам Олеарий томонидан қилинган немисча таржимасига мувофиқ яратилган. XIX асрга келиб, А.Козимбек (1829 йил), С.Назарянц (1857 йил), К.Ломбарс (1862 йил), И.Холмогоров (1882 йил) каби тадқиқотчилар ҳам мазкур асарнинг рус тилидаги таржимасини тайёрлаганлар. 1922 йилда эса машхур шарқшунос олим Е.Э.Бертальс томонидан тайёрланган русча варианты нашр этилган.

1957 ҳамда 1959 йилларда асарнинг бадиий ва академик таржималари СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида шарқшунос олим Р.Алиев томонидан тайёрланиб, нашр этилди.

“Гулистон” асарининг ўзбек тилидаги таржималари 1390-1391 йилларда Сайфи Саройи, XIX асрда машхур шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳамда 1909 йилда Муродхўжа Солиқхўжа ўғли томонидан тайёрланган. Форс-тожик адабиётининг билимдони, шарқшунос олим Ш.Шомухамедов 1968 йилда 1959 йилда Москва шаҳри ҳамда 1966 йилда Техрон шаҳрида чоп этилган нашрлар асосида мазкур асарнинг ўзбек тилидаги вариантини чоп этишга муваффақ бўлди.

Асар саккиз бобдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида ахлоқий тарбиянинг у ёки бу жиҳатлари борасида сўз юритилади. Асарнинг таркибий тузилмасидан ўрин олган боблар қуйидагича номланган: «Подшоҳлар одати баёни» (1-боб), «Дарвешлар ахлоқи баёни» (11-боб), «ғаноатнинг фазилати

баёни» (111-боб), «Сукут сақлашнинг фойдалари баёни» (1Ү-боб), «Заифлик ва кексалик баёни» (Ү-боб), «Ишқ ва ёшлик баёни» (Ү1-боб), «Сухбат қоидалари баёни» (ҮШ-боб).

“Гулистон”нинг мундарижасидан ҳам англанадики, асар мазмун ва моҳиятига кўра инсонни етуклик, камолотга етакловчи омиллар тўғрисидаги маълумотларни ёритишга хизмат қилади.

Асарда Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб ҳамда Низом ул-Мулк каби мутафаккирларнинг асарларида баён этилгани каби инсоннинг бахтли, саодатли бўлишини таъминлай олувчи жамият, фозил, одил ва адолатли ҳукмдор ҳамда унинг фазилатлари, сарой аъёнлари ва уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, давлатни адолатли бошқариш шартлари, шунингдек, мавжуд жамиятда устувор ўринга эга бўлган ахлоқий меъёрлар хусусида сўз юритилади. Мутафаккирнинг нуқтаи назарига кўра, табиатан олиб қараганда ҳукмдор ҳам оддий инсон саналади, у ҳам шахсий манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга, бироқ зиммасига юкланган ижтимоий вазифага кўра у эл-юрт манфаатини шахсий манфаатларидан юқори қўйиши шарт. Ҳукмдор, энг аввало, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида сабот билан курашар экан жамият тараққий этади.

Муслиҳиддин Саъдий подшоҳларнинг юксак инсоний сифатларга эга бўлишларини орзу қилади. Элу юрт ҳукмдори сифатида эътироф этилган инсон куйидаги фазилатларни ўз қиёфасида намоён эта олиши мақсадга мувофиқдир: адолатли, тадбирли, ғайратли, шижоатли, фаҳм-фаросатли, билимдон, доно, зийрак, олийжаноб, саховатли, жасур, мард ҳамда фуқароларига нисбатан ғамхўр бўла, шунингдек, дўст билан душманнинг фарқига бора олиш. Муайян мамлакат фуқароларига етакчилик, бошчилик қилаётган подшоҳларнинг юқорида қайд этилган фазилатлар эгаси бўлишлари ҳаётий заруриятлигини муаллиф ибратли ҳикоятлар мисолида очиб беради.

Асарда ушбу ўринда куйидаги ҳикоят келтирилади: “Кунлардан бир куни ов чоғида мулозимлар Нўширавони Одилга кабоб тайёрлаб беришмоқчи бўлибдилар. Бироқ ўзлари билан олишган масалликлар ичида туз йўқ эди. Мулозимлар бир хизматкорни ов уюштирилаётган манзилга яқин қишлоқдан туз олиб келгани жўнатадилар. Нўширавон хизматкорга шундай дейди: «Тузнинг баҳосини тўлаб ол, токи текинга олиш одат қаторига кириб, қишлоқ харобаликка юз тутмасин». Мулозимлар ундан сўрадилар: «Шу зиғирдек нарсадан қишлоққа қандай зарар етади?» Нўширавон шундай жавоб берди: «Аввалда оламда зулм оз эди, кейинчалик ҳар бир келган одам бир оз бир оздан қўшди, натижада зулм ҳозирги даражасига келиб етди».

Фуқаронинг боғчасидан султон узса бир олма,
Навқарлари қўпоради дарахтларнинг илдизин.
Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,
Аскарлари сихга тортар товуклардан беш юзин»¹.

¹ Саъдий, Муслиҳиддин. Гулистон (Таржимонлар //улом, Ш.Шомушамндов (назм) ва Р.Комилов (наср). Мушаррир Васфий. – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1963, 49-бет.

Аллома подшоҳларнинг адолатли бўлмоғларини ниҳоятда муҳим деб ҳисоблайди. Ҳукмдорнинг ушбу сифатга эга бўлиши мамлакатда тинчлик, фуқаролар ўртасида ўзаро аҳиллик, ҳамжихатлиликини таркиб топишига замин ҳозирлашини алоҳида қайд этади. Адолатли султон ҳукмронлик қилаётган мамлакатда халқ юртбошидан ибрат олади, унингдек иш юритишга ҳаракат қилади. Мазкур ўринда Муслиҳиддин Саъдий қуйидаги мисраларни келтиради:

Ўз халқига жабру зулм раво кўрган подшоҳнинг,
Ўз дўстлари ёв бўлади қийин дам келган куни.
Фуқарога шафқат қилсанг, душмандан омондасан,
Адолатли шаҳоншоҳнинг халқи – бу ўз кўшини².

Муслиҳиддин Саъдий адолатли подшоҳларнинг ёрқин тимсоли сифатида Искандар Зулқарнайинни эътироф этади. Унинг образи асосида мамлакатни адолат мезонлари ёрдамида бошқаришнинг муҳим аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилади ва қуйидаги ҳикоятни мисол тарзида келтиради: Искандар Румий (Зулқарнайн)дан сўрадилар: «ғарбу Шарқдаги мамлакатларни нима ҳисобига забт этдинг? Аввалги подшоҳларнинг хазинаси, ёши ва лашкари кеникидан ортиқ бўлса-да, бундай фотиҳлик уларга насиб бўлмаганди». Искандар Зулқарнайн шундай жавоб беради: «Забт этган мамлакатим фуқароларига озор бермадим ва подшоҳларнинг номларини фақат яхшилик билан ёд этдим:

Ақллилар улуғламас шундайлар зотин,
Улуғларнинг ёмонлик-ла, ёдласа отин,
Тахту бахт фармонлар, таъқиқ ва зўрлик,
Барчаси бекорчи, ўтиб кетади.
Сийласанг ўтганлар азиз номини,
Сенинг номингга ҳам ҳурмат етади»¹⁰.

Мутафаккир юртга бошчилик қилаётган ҳукмдорнинг юксак ақл-заковат эгаси бўлиши мамлакатда адолатнинг қарор топиши, шунингдек, маърифатнинг ривожланишида зарур омил эканлигига ҳам алоҳида урғу бериб ўтади. Ҳукмдорнинг нодон ва бефаросат бўлиши халқ ўртасида унинг обрў-эътиборини тушишига сабабгина бўлиб қолмай, кулгу бўлишига олиб келади. Асарнинг ушбу ўрнида мутафаккир қуйидаги ҳикоятни келтиради. «Хорун ар-Рашид Мисрни эгаллагач, оломонга қарата шундай деди: «Миср салтанатига мағрурланиб, худолик даъво қилган нобакорнинг қасдига ўлароқ, бу мамлакатни ўзимнинг энг манфур кулимга топшираман». Хорун ар-Рашиднинг бир занжи қули бўлиб, номи Ҳусайб эди. Миср мамлакатини идора этиш вазифасини ана шу қулга топширади. Ҳусайбнинг фаҳм-фаросати шу даражада эдики, Мисрнинг бир гуруҳ деҳқонлари унинг ёнига шикоятга келиб, «Пахта эккан эдик, бевақт ёмғир ёғиб, пахтамыз нобуд бўлди», - деганларида, у: «Жун экиш керак эди, нобуд бўлмасди», - дея жавоб беради».

Билимли, доно ва зукко инсонлар ҳамиша ҳам элу юртда ўзларига муносиб ҳурматга сазовор бўлавермайдилар. Аксинча, нодон, жоҳил ҳамда

² Ыша китоб, 32-бет.

¹⁰ Ыша китоб, 64-бет.

такаббур кимсалар кўп ҳолларда юқори мартаба ва мансабларга эга бўладилар. Ушбу фикрлар Муслиҳиддин Саъдий қарашларида куйидагича таъқин этилади:

Агар билим тўқ яшашга важ бўлса, бўлса,
Ажабмасди нодонлар очдан ўлса,
Лекин нодон шунча келим олади,
Кўп донолар бунга ҳайрон қолади.
Бахтли ва давлатли бўлмас билимдон,
Бунинг барчасига сабаб осмон.
Жаҳонда учрайди такрор ва такрор
Ахмоқлар ҳурматда, ақллилар хор.
Кимёгар қийналиб ўлиб кетади,
Аблаҳга хазина насиб этади¹¹.

Асарнинг “Дарвешлар ахлоқи баёни”, “Қаноатнинг фазилати баёни”, “Сукут сақлашнинг фойдалари баёни”, “Ишқ ва ёшлик баёни”, “Заифлик ва кексалик баёни”, “Сухбат қоидалари баёни” каби бобларида эса ҳар бир инсон ўзида тарбиялай олиши зарур бўлган маънавий-ахлоқий, ақлий ҳамда жисмоний сифатлар, уларнинг моҳияти, шунингдек, ушбу хислатларга эга бўлишнинг йўл ва усуллари борасида сўз юритилган.

Муслиҳиддин Саъдий ҳам бошқа мутафаккирлар каби илм ўрганишнинг аҳамияти, билим олиш жараёнида амал қилиниши лозим саналган шартлар, мазкур шартларга мувофиқ фаолиятни ташкил этиш қоидалари, илм аҳли ва уларнинг одоби масалалари юзасидан тўхталиб ўтар экан, мавжуд билимларни чуқур эгаллаган олимларнинг халқ ўртасида обрў-эътиборлари юқори бўлишини айтади. Баён этилаётган ҳикоятлар мазмунида жамият аъзоларини оқил ва доно кишиларни ҳурмат қилишга ундовчи даъват ўз ифодасини топган. Айни ўринда илмли кишиларнинг ўз билимларини жамият ҳамда инсонлар учун фойда келтирувчи ишларга сарф этишлари муҳимлиги алоҳида таъкидланади: “Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб фойдаланмаган ва иккинчиси эса илм олиб унга амал қилмаган одам”. Хусусан:

Ҳарчан ўқибсан, билимдонсан,
Агар амал қилмадинг, нодонсан,
Устига китоб ортилган эшак,
На олим ва на донодир бешак”.

Мазкур фикрни янада бойитиб, бир ўринда «Илмига амал қилмаган олим машъала кўтарган кўрга ўхшайди!», – деса, яна бир ўринда ерни шудгор қилиб, уруғ сочмаган дехқонга ўхшатади, яъни:

Кимки бефойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан, олтин кетказди.

Муслиҳиддин Саъдий билимли ва фозил кишиларнинг сўз ва амал бирлигига таянишлари мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. Эзгу сўзларни айтувчи олимларнинг билдирилган фикрларга ўзлари амал

¹¹ Ыша асар, 63-64-бетлар

қилмасликлари кишилар олдида обрўларининг тушишига сабаб бўлувчи омиллардан биридир деган ғояни илгари суради. Мазкур ҳолатнинг исботи сифатида куйидаги ҳикоятни келтиради:

Бир факих (ҳуқуқшунос) отасига деди: «Воизларнинг дабдабали ва безакли сўзлари менга сира таъсир этмайди, чунки уларнинг гапирган гаплари қисман ишларига мос келмайди»:

Ҳар олим айтганни ўзи қилмаса,
Не ажаб халқ унинг сўзин илмаса?!
Олим ўша киши - ёмонлик қилмас,
Ўз сўзин аксини қилғучи эмас.

Отаси деди: «Эй ўғлим, шундай бир асосиз мулоҳаза билан насиҳатгўйлардан юз ўгириб, барча олимларни қоралаш, айбсиз олим ахтараман, дея илм ўрганишдан бебаҳра қолмоқ оқилларга муносиб иш эмасдур Воизлар (насиҳатгўйлар) мажлиси ҳам чопонфурушлар дўкони кабидир. Нақд пулинг бўлмаса, чопонфурушлик дўконидан мол ололмайсан, воизлар мажлисига ихлос қилмасанг, кўнглингда хотиржамлик пайдо бўлмайди.

Олим айтганига жон қулоғинг тут маҳкам,
Ўз сўзи ишга тенг бўлмаган чоғида ҳам.
Мақтанчоқ кишиларнинг гаплари эрур бекор.
Ухлаган ухлаганни уйғотганми бирор дам?
Деворга ёзилган бўлса ҳам ўчиб,
Унга амал қилгай эси бор одам.
Хонақоҳдан мадрасага келди юракли киши
Ва тариқат аҳли билан улфатчилик узди».

Мазкур ўринда аллома, яна шунингдек, доно ва оқилларнинг насиҳатларини эшитиш, уларга оғишмай амал қилиш инсон ҳаётининг мўътадил кечиши учун пойдевор бўлиши мумкинлигига эътиборни қаратади. Олимлар томонидан айтилаётган фикрга амал қилиш ўрнига уларнинг фаолиятлари мазмунини таҳлил этиш нодоннинг ишидир, дейди. Дарҳақиқат, инсон ҳар қандай вазиятларда ҳам рўй берган ёки рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан ўзи учун тегишли хулоса чиқара олиши, ўз ҳаёти, ўзгаларнинг хатти-ҳаракатлари учун даҳл этмайдиган ҳолатлар моҳиятини ўрганишга уриниш қимматли вақтни беҳудага сарфлашдан бошқа нарса эмас.

Аллома илм ўрганиш жараёнида мунозара услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. Муслиҳиддин Саъдийнинг нуктаи назарига кўра, баҳс-мунозара ойдин бўлмаган фикрларни ойдинлаштириш, аниқ бўлмаган далилларни асослаш, шунингдек, ҳақиқатни тўлақонли англашга ёрдам беради. Баҳс-мунозарани ташкил этиш маълум қоидаларга асосланиши зарур. Чунончи, ўзгаларнинг фикрини диққат билан тинглай олиш, ўз фикрини илгари суришда ишончли далиллардан фойдаланиш, асосли бўлмаган далилларни келтириш орқали вақтни беҳудага сарф этмаслик, нодон билан баҳслашмаслик. Мунозара чоғида ўзини билимдон этиб кўрсатиш ўз нодонлигини намойиш қилишдир, – дейди аллома. «Ўз навбатида жоҳил билан баҳслашган олим иззат умид қилмай кўя қолсин.

Башарти, жоҳил беллашувда олимдан устун чикса, ажабланарлик ери йўқдир,
зеро, тош ҳамиша гавҳарни синдиради, хусусан:

Оқилга паст киши кўргузса жафо,
Кўп алам чекмасин бўлиб дилсиё.
Арзон тош синдирса зар косани гар
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар»¹.

Айрим вазиятларда нодон кишилар одил ва доно инсонларни асосиз фикрларни баён этиш орқали уларни мағлуб этдим деб ҳисоблайдилар. Мунозара жараёнида доно инсон ўзининг ушбу фазилатига таянган ҳолда нодон билан баҳслашишни ўзи учун ор деб билади ва ана шу хатти-ҳаракати туфайли бадфеъл кишилардан устун бўлиб қолаверади, халқ орасидаги ҳурмати янада ошади. Муслиҳиддин Саъдий ушбу фикрни қуйидаги мисралар ёрдамида янада тўлдиради:

Донони шарманда қилдим-ку, дея,
ғурурга берилмиш мақтанчоқ, нодон,
Билмаски, ноғора овози доим,
“Ҳижоз” куйин босиб кетади осон¹.

Илм-фаннинг илмий баҳс-мунозараларсиз ривожланмаслиги ғояси аллома томонидан илгари сурилган мазкур фикрда ҳам ўз ифодасини топгандир: қуйидаги уч ҳолат абадий мавжуд бўлмайди: мол савдосиз, илм баҳссиз ва давлат сиёсатсиз.

Муслиҳиддин Саъдий таълим ва тарбия ишларини самарали йўлга қўйишнинг аҳамиятини очиб бериш билан бирга аксарият болаларнинг туғма қобилиятга эга бўлишларини эътироф этади. Муайян қобилиятга эга болаларга берилаётган таълим ва тарбиянинг изсиз кечмаслиги, шунингдек, маълум касб ёки ҳунар сирларини ёки илм асосларини ўрганишга нисбатан қобилиятга эга бўлмаган болани донишманд қилиб вояга етказиш мумкин эмаслигини қуйидаги тўртлик ёрдамида ёритиб беради:

Қобилият бўлса аслида
Тарбият унга қилади асар
Қанча уринма бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмас жавҳар².

Мутафаккир ҳам таълим-тарбия ишларини олиб боришда муаллимнинг талабчан ва қаттиққўл бўлиши борасидаги қарашни ёқлайди. Зеро, илм ўрганишдек машаққатли жараён узлуксиз, изчил ташкил этилиши замонавий педагогикада ҳам алоҳида эътироф этилган. Таълим жараёнининг узлуксиз ва изчил кечиши маълум талабларга оғишмай амал қилиш эвазига кечади. Таълим олувчиларнинг мазкур талабларга амал қилишлари доимо муаллимнинг назорати остида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ғуйидаги тўртликда ана шу қараш ўз ифодасини топган:

Юборди ўғлини мактабга подшо,
Қилиб қўйнига нуқра тахтача жо

¹ Ыша китоб, 157, 158, 170-бетлар

¹ Ыша китоб, 170-бет

² Ыша китоб, 143-бет

Кумуш ул тахтага зардин битиб ёд:
 “Ота меҳридан афзал жабри устод”³.

Муслиҳиддин Саъдий ҳам билим олишнинг афзалликларини ёритиб бериш билан бирга маълум ҳунар сирларини эгаллашнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб беришга уринади. Алломанинг қайд этишича, муайян ҳунарнинг эгаси бўлган инсон энг машаққатли дамларда ҳам ўзгаларнинг ёрдами ва мададига муҳтож бўлмайди, балки ўз ҳунарининг шарофати билан муаммоларни ҳал эта олади. Шунингдек, ҳунарманд халқ ўртасида ҳурматга эга бўлади. Зеро, у инсонларнинг корига ярайди, уларнинг мушкулларини ечилишига ёрдам беради. Ҳунарсиз кимса эса ҳамиша ўзгалардан мадад кутиб яшайди, хору зорликда умр кечиради. Мутафаккир таъкидлаб ўтганидек, “Ҳунар қайнар булок, туганмас давлат. Агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади”:

Истар эсанг отангдан мерос,
 Боғла отанг илмига ихлос .
 Не нафи бор отанг бойлигин,
 Бир кун тугатурсан неча ойлигин¹.

Алломанинг мазкур фикрларидан, бугунги кун ёшларининг ҳам муайян касб ёки ҳунар сирларини қунт билан ўрганишлари ҳаётий зарурият эканлигини англаш мумкин. Атрофдаги кишиларнинг турмуш тарзлари моҳиятини таҳлил этсак, маълум касб ёки ҳунар бўйича маълумотга эга инсонлар билан касб ва ҳунарсиз кишилар ўртасидаги фарқни яққол сезамиз. Уларнинг дунёқарашлари, атрофдагилар билан муносабатлари, ҳаётий ёндошувлари ҳам бир-бирларидан фарқ қилади.

Муслиҳиддин Саъдийнинг “Гулистон” асарида инсон камолотининг таъминланишида тарбиянинг алоҳида ўрин тутишига ҳам урғу беради. Тарбия жараёнини ташкил этиш мураккаб жараён эканлигини таъкидлаган ҳолда болага жуда ёшлигидан тарбия бериш мақсадга мувофиқлигини уқтиради. Зеро, ёшлик йилларида бола онгига сингдирилган ахлоқий талаблар унинг характери, хулқ-атворининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Ушбу фикр мутафаккир қарашларида шундай акс этади:

Кимга ёшлигидан берилмас одоб,
 Улғайгач, бўлади бахтсиз, дили ғаш.
 Ҳўл новда эгилар қай хилда эгсанг,
 Қуруқни тўғрилар фақат ўт-оташ².

Муслиҳиддин Саъдий мазкур асарида юксак даражадаги инсоний хислатлар ва уларга эга бўлишнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти борасида ҳам батафсил сўз юритади. Аллома инсонийлик ҳамда саҳийлик сифатларига эга бўлиш шахс камолоти даражасини кўрсатувчи энг юқори мезонлар эканлигини қуйидаги сатрлар орқали баён этади:

³ Ыша китоб, 146-бет

¹ Ыша китоб, 144-бет

² Ыша китоб, 145-бет.

Қутида турганда бурқмайди уд,
 Сен олов устига уни ташлагил.
 Улуғлик ниятинг бўлса сахий бўл,
 Уруғ сочилмаса, унмайди ҳосил.

Асарда сахийлик фазилати улуғланиши билан бирга, ўзгалар мурувватига сазовор бўлгандан кўра машаққатли меҳнатни афзал деб билади. Зеро, аксарият ўринларда сахийлик сифатида намоён бўлган ҳолатларнинг заминида таъма, миннат кўзга ташланиб ҳам қолади. Миннатли, таъмали лаззатли таомлардан кўра, миннатсиз бир бурда қаттиқ нон, меҳнат эвазига топилган ризқ афзалдир, дейди. Шу ўринда куйидаги ибратли ҳикоят келтирилади: «Ҳотам Тойидан сўрадилар: Ўзингдан кўра сахийроқ бирор одамни ҳеч кўрганмисан, ёхуд эшитганмисан? Шундан Ҳотам Тойи шундай жавоб берди: Ҳа, кўрганман. Бир кун араб амирларини зиёфат қилиш учун қирқта туя сўйдирдим. Иттифоқо, бир зарурият билан сахрога чиқишимга тўғри келди. У ерда чўп-чумак териб дасталаётган ўтинчини кўрдим. Мен унга қараб дедим: Нега, Ҳотамнинг уйига бомайсан, ахир, ҳозир бир талай одам унинг зиёфат дастурхони атрофида ўтиришибди-ку?! Шунда у деди:

Ўз меҳнатида нон еган киши,
 Ҳотам миннатида озод ёз-киши¹.

Ҳотам деди: Ана шу ўтинчини мен ўзимдан кўра саховатлироқ деб билдим».

Инсонийлик фазилатларига эга бўлган, ўзгалардан ёрдамини аямаган, бошига кулфат тушган кишиларга ёрдамга ошиққан, энг оғир дамларда дўст ёнида бўла олган, унга нисбатан ғанимлик қилган кимсаларга нисбатан ҳам мурувват кўрсата олганлар комил инсонлар эканлиги алломанинг қарашларида мужассам этади. Ўзида юксак даражада инсонийлик хислатларини намоён эта олган Нўширавони Одилни барча учун ибрат қилиб кўрсатади. Хусусан,

Ер остига кўмилдилар талай ном чиқарганлар
 Ва уларнинг борлигидан ерда нишон қолмади.
 Ўлакани тупроқларга топшириб кетгандан сўнг,
 Тупроқ уни еб битирди-ю, бир устухон қолмади.
 Нўширавоннинг қутлуқ номи ҳалигача тирикдир,
 Аммо қанча ўтиб кетиб Нўширавон қолмади.
 Эй фалончи, яхшилик қил, умрингни бил ғанимат,
 То кишилар айтгунча, “фалон, фалон қолмади”².

Муслиҳиддин Саъдий асарларида ҳам меҳнат улуғланади. Инсон ўз меҳнати эвазига юксак қадр-қимматга эга бўлади деб ҳисоблаган аллома инсоннинг ҳамиша ўз меҳнати, билими ва ҳунарига таянишини мақсадга мувофиқлигини эътироф этади. Ҳз меҳнати билан кун кечираётган инсонга таъма, очкўзлик, ҳасадгўйлик, хирс ва нафс балоси бегонадир. Зеро, доимий равишда меҳнат қилиш билан банд бўлган киши руҳан юксалиб боради. Натижада унда қаноат, нафсини ўзига бўйсундира олиш туйғуси шаклланади.

¹ Ыша китоб, 99-бет.

² Ыша китоб, 23- бет

Қаноатли бўлиш уни очкўзлик, хирс ва нафс балосига йўлиқишдан ҳимоя қилади. Меҳнати натижасида хонадонида қуту барака бўлади, эҳтиёжи учун зарур нарсаларни меҳнати орқали топа олишига ишонади. Шу боис у ўзгаларга ҳасад қилиш туйғусидан йироқда бўлади. Асар мазмунида куйидаги ўринда ушбу ҳикоят келтирилади:

Ҳикоятларидан бирида “Мен бир донишманддан: “Энг ашаддий душманинг икки кифтинг орасида жой олган нафсингдир”, деган ҳадиснинг маъноси нима?” деб сўрадим. Донишманд шундай жавоб берди: “Маъноси шуки, ҳар бир душманга эҳсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади.

Маромида овқат еган фаришта бўлур,
 Ҳайвон каби еса тушар оғир тош мисол.
 Ким истагин бажо қилсанг амрингга тобе.
 Нафс айтганин қилдингми, бўйсиндирмоқ, маҳол¹.

Муслиҳиддин Саъдий дўст ва унинг садоқати хусусида ҳам сўз юритади. Унинг фикрларига кўра, инсон ҳамиша дўст ва унинг ҳамроҳлигига эҳтиёж сезади. Ҳаётидаги қувончли ва фожиали кунларида дўстнинг суҳбати дилига шодлик ва руҳий енгилликни олиб киради. Аллома дўст кишининг ўзгалардан фарқи энг оғир дамларда бошига мусибат тушган биродарининг ёнида бўла олиш, унга мадад бериш, шунингдек, дўстлигидан таъма қилмаслик каби хислатларга эга бўлишида деб билади. Шу билан бирга инсон дўст танлашда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши лозим деб топади. Зеро, дўст кишининг ҳаёти ва фаолиятида рўй бераётган барча ҳодисалардан хабардор бўлади. Бадхулқ киши дўстлигидан фойдаланиб, қулай вазиятларда унга нисбатан зиён етказиши мумкин. Шу сабабли инсон, энг аввало, дўст билан душманни фарқлай олиш лаёқатига ҳам эга бўлмоғи зарур. Мутафаккирнинг бу хусусидаги қарашлари унинг куйидаги тўртлигида ўзининг яққол ифодасини топган:

Қўлинг очиқ, дастурхонинг мўл куни,
 Дўсту ёринг мана, менман деганмас
 Дўст ўшаки, қийин кунга тушганда
 Қўлтиғингдан даст кўтариб қўйган кас.

Алломанинг назарида, дўст ўз манфаатини биродарининг манфаатидан юқори кўяди, дўстининг манфаати йўлида бераётган ёрдами беғараз бўлади. Дўст ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятларда ҳам душманнинг ишини қилмайди, дея таъкидлайди. Шу билан бирга дўстлар ўртасида ташкил этилаётган муносабат жараёнида ҳам ўта даражада эҳтиёж бўлиш зарурлигини уқтиради. Хусусан:

Бировга сир айтиб, сақла дегандан,
 Дил сирин ҳеч кимга айтмаган маъқул.
 Ариқ тошиб кетса, боғлаб бўлмайди,
 Сувни энг бошидан қайтарган маъқул.
 Беркитмоқчи сўзни айтиб бўлмайди,

¹ Ыша китоб, 156-бет.

Ҳар мажлисда айтиб, қайтиб бўлмайди.
 Дўст-ла сўзлашсанг ҳам бўлгил эҳтиёт,
 Душман қулоғига етишмасин, боқ.
 Девор ичра ҳар не десанг ҳушёр бўл,
 Девор орқасида бўлмасин қулоқ¹.

Дўстлик борасидаги фикрларни баён этиш билан бирга душманнинг кирдикорларини ҳам очиб беришга уринади. Муслиҳиддин Саъдий душманни кишиларнинг турмуш тарзи, ўзгалар билан бўладиган муносабатлари ва унинг мазмунидан бохабар бўлиб, сўнгра уларга зиён етказадиган, зарба берадиган кимса қиёфасида тасвирлайди. Душманнинг уддабуронлиги шундаки, у турли йўллар билан инсонларни ишончини қозона олди. Шу боис мутафаккир одамнинг феъл-атвори, характерини яхши билмай туриб, уни ўзига яқин олиши хато эканлигини айтади. Бу ўринда душманнинг макр-хийлаларига учмаслик, ундан қутилиш йўлларини ҳам кўрсатиб ўтади. Чунончи, заиф душман итоат изҳор этса, буни зўр душманга айланиб олиш мақсадида қилади. “Дўстларнинг дўстлигига эътимод йўқ, - дейдилар, - бас, шундай экан, душманни хушомад қилишининг қандай эътибори бор?! Заиф душманни назар-писанд қилмаган киши озроқ оловини бепарволик билан ташлаб кетган одамга ўхшайди. Душман насиҳатин қабул этмак хато бўлса-да, лекин насиҳатига қулоқ солмоқ раводир, чунки унинг айтганининг аксини қилсанг, тўғри иш тутган бўласан!” ғуйида келтирилган тўртлик мазкур фикрларнинг моҳиятини янада ёрқинроқ ифода этади:

Душманнинг кўрсатган йўлига юрма,
 Сўнг пушаймон бўлиб, тиззангга урма.
 Сенга ўқдек тўғри йўл кўрсатган он,
 Сен ундан бурилиб, юргил чап томон.

Ўзини дўст этиб кўрсатган айрим кимсалар душман томонидан қилиниши мумкин бўлган ишни бажариши мумкин. Зеро, аллома таъкидлаб ўтганидек, «Барча хийлалари барбод бўлган душман ўзини дўст қилиб кўрсатишга чалишади, дўст бўлиб олгач, шундай ишлар қиладики, буни ҳеч қандай душман ҳам қила олмайди¹.

Муслиҳиддин Саъдийнинг “Тулистон” асарида инсон камолотининг асосий омиллари бири жисмоний етуклик эканлигига алоҳида урғу беради. Мардлик, чаққонлик жасурлик, кучлилиқ турли замон ва маконларда ҳам улуғланиб келинадиган ҳамда ҳар бир йигит киши ўзида мужассам эта олиши лозим саналган асосий хислатлардир. Бу хислатлар инсон гавдасига эмас, уни эгаллаб олишига боғлиқдир. Мазкур сифатларнинг акс этиши йигитнинг гавда тузилиши, бақувватлигида намоён бўлиши шарт эмас, балки унинг кучли ирода ва мустаҳкам характер эгаси бўлишида намоён этиши зарур. “Тулистон” асарида жасурлик, эпчиллик, чаққонлик, мардлик хислатлари улуғланадиган ҳикоятлар талайгина. Ана шундай ҳикоятлардан бирининг мазмунида устознинг ўз шогирдига кураш сирларини ўргатиши ҳикоя қилинади: “Бир одам кураш санъатида зўр маҳорат қозонди, у уч юз олтмиш

¹ Ўша китоб, 44,159,160-бетлар.

¹ Ўша китоб, 159-161-бетлар.

хийлани билар ва ҳар куни бир хийлани ишлатиб, курашар эди. Шогирдларидан бирига уч юз эллик тўққиз хийлани ўргатди. Аммо бир хийлани ўргатишни ҳар турли баҳоналар билан пайсалга солиб юрди.

Хулосаи калом, шогирд қудрат ва санътда камолотга эришди. Бир куни у подшоҳ хузурида деди: “Устозимнинг фақат биргина афзаллиги бор, у ҳам бўлса, унинг ёши улуғлиги ва менга тарбия берганлигидир, йўқса, кучда ҳам, маҳоратда ҳам мен ундан қолишмайман!

Бу сўз подшога ёкмади. Устозу шогирднинг кураш тушмоқларини буюрди. Катта майдонни ҳозирладилар. Шогирд бамисоли маст филдек жўшиб, майдонга кирди, гўё қаршисида темир тоғ бўлса уни емириб ташлагудек эди. Устоз шогирди кучда ортиқ эканини англади. У пинҳон тутиб юрган мазкур нодир хийласини ишга солиб кураша бошлади. Шогирд устознинг ҳамласини даф этишдан ожиз қолди. Устоз ҳарифини икки қўли билан боши узра кўтариб, ерга урди. Халойиқнинг ҳой-ҳув садолари кўкка ўрлади.

Подшоҳ устозга сарпо буюрди, шогирдга эса таъна-маломатлар қилиб, деди: Ўз устозингга бевафолик қилиб, уни мағлуб этаман деб мактандинг, лекин айтган сўзингнинг уддасидан чиқа олмадинг?! Шогирд деди: Эй подшоҳи олам, устозим куч билан мендан устун келгани йўқ, балки кўп вақтдан бери менга ўргатмай яшириб юрган бир хийласи туфайли мени мағлуб эта олди.”

Устоз деди: Мазкур хийлани ана шундай бир кун учун сақлаб қўйиб эдим, чунки уламолар: дўстга бир куни агар у душманлик қилса, ўзингни мағлуб эта олажак куч бермагил, деганлар. Шогирдлардан жафо кўрган устоз нима деганини эшитмаганмисан?

Ёки вафо йўқдир оламда
Ё киши қўлламас уни бу замон
Ўзимдан ўқ отиш ўрганган киши
Бу кун кўкрагимни қилмоқчи нишон»¹.

Бу ҳикоятдан қуйидаги уч ҳикматни англаш мумкин:

а) ҳар бир инсон ўзини жисмоний жиҳатдан чиниқтира олиш маҳоратига эга бўлиш зарур;

б) қийин дақиқаларда мазкур маҳоратидан фойдалана олиши имкониятига эга бўлиши мумкин;

в) дўст деб ишониб ҳамма вақт ҳам унга ўз сирларини очавермаслик

Бироқ баён этилган ҳолатларнинг ҳар бир ишда ҳам инсон вазиятни аниқ баҳолай олиши, ўзини ҳимоя эта олиш маҳорати, шунингдек, ҳаётда тўғри йўл топа олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Юқорида келтирилган ҳикоят мазмуни орқали ана шу ғоя илгари сурилади.

Муслиҳиддин Саъдий жисмоний етуклик ахлоқий камолот билан уйғун ҳолатда мавжуд бўлишига алоҳида урғу беради. Дарҳақиқат, жисмоний етукликнинг муҳим белгиси бўлган кучли ирода ҳамда мустаҳкам характер ёрдамида жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий меъёрларга амал қилишга эришилса, айна вақтда ахлоқий сифатларни ўзида акс эттира олиш,

¹ Ёша китоб, 56-58 бетлар

хусусан, меҳнатга муҳаббат қўйиш ва уни ташкил этиш ирода ва характери тарбиялайди. «Гулистон» асарида бу борадаги фикрлар ёритилар экан, кўйидаги ҳикоят келтирилади:

“Бош ҳамда оёқ яланг бир пиёда мусофир Ҳижоз карвони билан Куфадан келиб бизга қўшилди. Унинг ҳеч нарсаси йўқ эди, лекин виқор билан қадам ташлаб дерди:

Хачир миниб бормайман, на туяда юким бор,
На султоннинг қулиман, на кулларга шахриёр.
Дунёда ҳеч қайғум йўқ, дилим кўрқувдан озод,

Хотиржамман бус-бутун, кўнглим эса доим шод.

Туя минган бойлардан бири унга деди:

“Эй дарвеш, қаёққа борасан, йўл оғир, йўл машаққатига бардош бера олмай ўлиб кетасан, қайт орқангга”. Дарвеш унинг гапига кулоқ солмай, йўлида давом этаверди. Карвонимиз Нахлан Маҳмудга етганидан бояги туя минган бой оламдан ўтди. Дарвеш унинг ўлиги тепасига келиб деди: “Мен пиёда юриш машаққатидан ўлмадим, сен нор туяда юриш роҳатидан ўлдинг!”

Бир талай арғумоқ йўлларда қолди,
Манзилга оқсаган эшак етолди.
Ярали йигитлар соғайиб кетди,
Не-не соғломларни қора ер ютди»¹.

Мазкур ҳикоятда жисмоний жиҳатдан чиниқишнинг инсон саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти очиб берилиши билан бирга, инсоннинг ўз кучи ва иродасига бўлган ишончи, кўнгили хотирижамлиги билан яшаш завқи унинг ҳар қандай машаққатларга бардош бера олишини таъминловчи омил эканлиги кўрсатиб берилади.

Муслиҳиддин Саъдийнинг таълим ва тарбия масалалари борасидаги қарашлари ҳаётий ҳамда амалий эканлиги билан эътиборга сазовор. Хусусан, аллома таълим олиш ёки ёшлар тарбиясини ташкил этишнинг у ёки бу жиҳатлари хусусида сўз юритар экан, айти ўринда бу борада йўлга қўйилувчи фаолиятнинг услубини ҳам баён этади. Хусусан:

Хушхулқ кишига қаттиқ гапирма,
Сулҳ истаб келса, жангга чақирма,
Раҳмдиллик одамга олий хулқ, аммо,
Дилозор ярасига қўймагил малҳам.
Айлама раҳм-шафқат илон-чаёнга,
Бундан озор топар фарзанди одам.

Ёки

Бўлсин қаттиқлигу юмшоқлик баҳам,
Табиб ҳам кесару, ҳам қўяр малҳам.
Доно киши қаттиқ бўлмайди доим,
Ғадри кетар бўлса ҳамон мулойим.
Кибру димоғдорлик қилмас ихтиёр,

¹ Ёша китоб, 72-бет

Аммо ўзини ҳам ҳеч айламас хор.
 Чўпон дер отасига: «Эй хирадманд,
 Дегил таълимима пирона бир панд».
 Дедиким: «Хушфёллиқ қилма чандон,
 Бўрилар бўлмасинлар тез дандон»¹.

Мазкур мисралар мазмунида Муслиҳиддин Саъдийнинг таълим-тарбия ишларини ташкил этиш жараёнида муайян меъёрларга таяниб иш кўриш, болаларга нисбатан қаттиққўл ёки юмшоқфёлли бўлишда ҳам мўътадилликка эришиш мақсадга мувофиқ деган ғоянинг илгари сураётганлиги англанади. Шунингдек, ижтимоий муносабатларни ташкил этишда бадхулқ ва ёвуз кимсаларга нисбатан қаттиққўл, аксинча, хушхулқ ва яхши фёлли инсонларга нисбатан хушмуомала бўлишни тавсия этади.

Юқорида баён этилган фикрлар мазмунидан англанадики, Муслиҳиддин Саъдий ҳам бошқа алломалар каби инсонни табиат, Оллоҳ яратган энг олий мавжудот дея эътироф этади. Бироқ инсоннинг олий мавжудотлиги қачонки унинг юксак даражадаги инсоний фазилатларни ўзида намоён эта олгандагина тан олиншига урғу беради. Мутафаккирнинг фикрларига кўра, етук, комил инсон ўзида қуйидаги хислатларни акс эттира олиши мақсадга мувофиқ:

Қатра одам суратига киради буткул,
 Қирқ кун она қорнида топса оромин.
 Агар қирқ ёшлиқнинг бўлмаса ақли,
 Унга бериб бўлмас инсонлик номин.
 Жавонмардлик карамдир, одамий
 Дема одам агар бир сурати бор.
 Хунар лозим, нақшни чизса бўлғай,
 Деворларга бўёқлар пушти, зангор.
 Агар бўлмас экан фазлу ҳунар ҳеч,
 Билиб бўлмас одамми, нақши девор.
 Бисот, мол қўлга киргизмоқ ҳунармас,
 Қўлингдан келса бир дил овла, эй, ёр².

Хулоса қилиб айтганда, Муслиҳиддин Саъдий ўзининг “Тулистон” асарида инсон камолотининг асосий омиллари саналган маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний камолотга эришишнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, илм ўрганишнинг ўзига хос афзалликлари, муайян касб ёки ҳунар ўрганишнинг ўзига жиҳатлари, шунингдек, инсонда ахлоқий сифатларни тарбиялаш масалалари хусусида сўз юритади. Алломанинг фикрича, қуйидаги фазилатларни ўз қиёфасида мужассам эта олган инсонгина ҳақиқий маънода комил, етук инсон саналади: билимли, меҳнатсевар, камтар, олийжаноб, ҳиматли, саховатли, сахий, шижоатли, ғайратли, ҳатъиятли, мард, жасур, жисмонан кучли, тўғрисўз, берган ваъдасига вафодор, адолатли, дўстга содиқ, ўз кучи ва меҳнатига таяниб иш кўрувчи ва ҳоказолар. Мутафаккир томонидан таълим-тарбия масалаларига бағишлаб яратилган асарлар ҳамда

¹ Ыша китоб, 160,161, 162 бетлар

² Ыша асар, 151-152-бетлар.

уларнинг мазмунида илгари сурилган ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар педагогик фикр тараққиётида ўзига муносиб ўринга эгадир.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. IX-XII асрларда таълимий-ахлоқий асарларнинг пайдо бўлиши шарт-шароитлари.
2. Таълимий-ахлоқий асарлар мазмунидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқланг.
3. Таълимий-ахлоқий асарларда ифодаланган комил инсонга хос хислатлар жадвалини тузинг.
4. Жавонмардлик тарбияси ҳақида гапиринг. Унинг асосий талаблари қайси асарларда ўз ифодасини топган?
5. Ҳозирги давр таълим мазмунида фойдаланиш мумкин бўлган тарбия тажрибаларимизга мисоллар келтиринг.

V БОБ. XIV-XVI АСРЛАРДА ТАРБИЯ, МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

XIV-XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёт

Қарийб бир ярим аср давомида мўғуллар истибдоди остида хонавайрон бўлган Мовароуннаҳр халқи XIV асрнинг бошларига келиб мўғул истилочилари зулмидан қутула бошлади. Мовароуннаҳрда кучли давлат тузишга бўлган интилиш ғолиб келди. Мўғул истилочиларига қарши Бухорода халқ Маҳмуд Торобий бошчилигида кўзғолди, Самарқанд ва Хуросонда эса Сарбадорлар кўзғолонлари рўй берди. Натижада Сарбадорлар узоқ муддат ҳатто ҳокимиятни ҳам бошқариб турдилар.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрнинг феодал тарқоқлигига барҳам берилди, мамлакат мўғул босқинчиларидан тозаланди. XIV асрнинг охири ва XV асрларда Марказий Осиёда феодал муносабатлар янада ривож топа бошлади.

Сохибқирон Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қилган давр Мовароуннаҳр тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Марказлашган буюк Темур давлатининг барпо этилиши билан Мовароуннаҳрда яна фан ва маданият, маориф қайтадан раванқ топа бошлади.

Шунинг учун ҳам XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср тарихида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичи деб аталади. Чунки, бу давр маданияти ўз тамойиллари, йўналиши, иқтисодий асоси жиҳатидан IX-XII аср маданиятининг давоми саналади.

Шу боис XIV аср охири ва XV асрларда Мовароуннаҳрдаги Шарқ Уйғониш даври маданий раванқини IX-XII асрлардаги маданий

ривожланишидан ажратиб олиб кўрсатиш мумкин эмас. XIV асрнинг учинчи чораги ва XV асрда Марказий Осиёда иқтисодиёт, фан ва маданият ўсди. Амир Темур хукмронлиги даврида жаҳоннинг кўплаб шаҳарларида Самарқандга ҳунармандлар, олиму фозиллар, санъаткорлар, муҳандислар олиб келинди ва уларнинг бой тажрибалари, ижодий маҳоратларидан илм-маърифат, маданият, қурилиш жабҳаларида кенг фойдаланилди. Самарқанд ва Ҳиротда мадрасалар, кутубхона ва расадхона қурилди. Тиббиёт илмини ўрганишга қизиқиш янада кучайди. Риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, тарих, адабиёт, фалсафа ҳамда тарбияшуносликка оид асарлар яратилди. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём, Саъдий меросларини, шунингдек, юнон-рим маданиятини ўрганишга ҳавас кучайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Темур ва унинг издошлари, темурийлар даврида фан ва маданият ривожланди. Айниқса Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари маданият, илм-маърифат марказига айланди.

Амир Темур салтанатни бино қилиш ва уни мустаҳкамлаш учун жуда катта хизмат қилди. Ана шундай буюк хизматларидан энг муҳими мамлакатда таълим тизимини ривожлантириш соҳасига қаратилганлиги эди. Чунки унинг эътиқодига кўра билимдон ва тадбиркор инсонгина мамлакатнинг ривожланишига ҳисса қўша олади. Шунинг учун ҳам соҳибқирон билимли ва ишбилармон, тадбиркор кишиларни тарбиялашга катта эътибор беради. Бу борада таълим тизимининг ўзига хос ўрни бўлиши кераклигини англаган ҳолда мактаб ва мадрасалар қурдилади. Салтанат пойтахти Самарқанд атрофида ўн икки боғ ва қаср яратади, шаҳар арки Кўксарой, унинг атрофида эса Бўстонсаройлар бино этади. Жомеъ масжиди, мақбаралар, меъморий ёдгорликлар қурдилади. Бу ишларга фақат Амирнинг ўзи эмас, унинг атрофидаги яқинлари ҳам турли мадрасалар қуришга бошқош бўладилар. Булардан Амир Темурнинг амирларидан Идигу Темур, мавлоно Қутбиддин, умр йўлдоши Сароймулкхоним, набираси Муҳаммад Султонлар ҳам мадрасалар қурдиладилар.

Мадрасалар маълум даражада ихтисослашган эди. Масалан, бошқарув кадрларни тайёрлаш Муҳаммад Султон мадрасасида, диний муассасалар учун кадрлар тайёрлаш мавлоно Қутбиддин садр мадрасаси, умумий мутахассислар, яъни зиёли, имом, олим, мактаб ўқитувчиси тайёрлашга Идигу Темур, Сароймулкхоним мадрасалари ихтисослашган. Лекин уларнинг ҳаммасида Қуръон, Ҳадис, фикҳ ўрганилган. Шунингдек мадрасаларнинг ихтисослигига кўра умуми ақлия, умуми асқария, умуми маъмуриялар ҳам ўргатилгани ҳақида маълумотлар бор.

Мадрасаларда дарслар араб, форс, туркий (ўзбек) тилларида олиб борилган. Араб тили грамматикасини ўргатишга кўпроқ вақт ажратилган. Шунинг учун Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», «Бўстон», Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» ва бошқалар ҳам ўқитилган.

Ҳар бир мадрасанинг вақфномасида толиби илмлар, мударрислар ва бошқа ходимларни қабул қилиш, ўқув ишларини юритиш белгиланган¹.

¹ Валихъжаев Ботурхон. Самар=андда олий таълим—мадрасаи олия—Университет тарихидан лавшалар. Абдулла +одирий номидаги хал= мероси нашриёти, Самар=анд, 2001. 38—47-бетлар

Улуғбек замонига келиб эса математика, астрономия каби фанлар айниқса ривож топди. Тиббиёт, тарих, адабиёт ва шулар билан баробар диний билимларнинг ҳам равнақ топишига катта эътибор берилди. Олий мактаб — мадрасалар қурилди. Бухоро, Самарқанд ва ғиждувонда қурилган уч мадрасада фан тараққиётида илмий марказ бўлиб келди.

Бухородаги мадраса пештоқиға битилган қуйидаги ёзувлар ҳалигача кўзга яққол ташланади: «Илм олмоққа интилмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир».

Улуғбек 1428—1429 йилларда Самарқандда расадхона қурдиради. 1437 йилда ана шу расадхонада «Кўрагоний жадвали»ни, яъни юлдузлар жадвалини тузади. У яратган кутубхонада эса фаннинг турли соҳаларига оид 1500 жилд китоб мавжуд эди.

Самарқанд шаҳрида X асрда 17 та мадраса бўлиб, уларда йирик олимлар дарс берган бўлса, XIV— XV асрларга келиб улар сони янада ортди. Табобат илми, тарих, адабиёт ва санъат ҳам ривожланди. Бойсунқур Мирзо даврида сарой кутубхонаси кенг ривож топади. Унинг раҳбарлигида китобларни рўйхатдан ўтказиш ва илмий матн ишлари ҳам олиб борилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг шу даврда тўлиқ матни тузилиб, миниатюралар билан безатилган.

Булар XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Марказий Осиё тарихида уйғониш даври бўлиб тарихга кирган дея олишимизга асос бўла олади.

Бу даврда ўзбек адабиётида ҳам анча силжиш рўй бериб, Атоий, Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек ва Лутфийлар томонидан қимматли асарлар яратилди. Шунингдек, тарихий ва адабий асарларни ўзбекчага таржима қилиш ишлари жонланди.

Улуғбек олимларга ҳомийлик қилиб, фан аҳлини рағбатлантирди, унинг ўзи, айниқса, астрономия ва математика фанлари бўйича муҳим ишларни амалга оширди. Самарқандда Улуғбек томонидан расадхонанинг барпо этилиши ва унинг ўша давр илмий марказига айланиши муҳим воқеа ҳисобланди. Шу даврда Самарқандда Қозизода Румий, Жамшид бин Маъсуди, Мўйиддин ва унинг ўғли Мансур Коший, Али ибн Муҳаммад Биржонди ва бошқалар ижод этдилар. Ҳиротда эса Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, улуғ рассом Бехзод, тарихшунос Хондамир, ҳаттот Султон Али Машҳадий ва бошқалар ижодиёт чўққиларига кўтарилдилар.

Улуғбекнинг шогирди Аловиддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий (1403—1474) ўша даврда Мовароуннаҳрнинг маданий ва илмий ҳаётида катта роль ўйнади. Астрономия тўғрисида «Рисолаи дар фалакиёт» деган китоб ёзган Али Қушчини ўз даврининг Птоломейи дейишарди. Унинг мазкур асарида геометрик билимларнинг асослари баён қилинди, нуқта, чизиқ, юза, айлана ва шу каби тушунчалар тўла таърифлаб берилди, табиёт фанлари ва шунинг сингарилар соҳасида бошланғич билимлар баён қилинди. Бу асар ҳамма нарса оддий ва мураккаб нарсаларга бўлиниб таърифланади.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида олимлар ва шоирлар Самарқанддан Ҳиротга кўчиб ўтдилар. Ҳирот илмий-маданий марказга айланди. Алишер

Навоий Ҳиротда фан, маданият, маърифат ишларини йўлга қўйишда, у ерни ободонлаштиришда катта хизматлар қилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Ҳирот тўғрисида ёзар экан бутун дунёда бундай обод шаҳарни кўрмаганлигини айтади.

Алишер Навоий ҳам масжидлар, мадрасалар, ҳаммомлар, касалхоналар, ҳовуз ва кўприклар, рабоблар қурдирган. У шаҳарнинг энг хушхаво жойида барпо этган Халосия ва Ихлосия бинолари гуруҳи фан, адабиёт, санъатга хизмат қиладиган маданий марказга айланган.

Ҳиротда Алишер Навоий билан бирга Абдурахмон Жомий, Камолиддин Бехзод, хаттотлар — Султон Али Машҳадий, котиб Мир Али, созанда — Қулмуҳаммад, тарихчилар — Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир ва бошқалар яшаб ижод этган.

Ҳиротда хаттотлик санъати ривожланган. Ҳатто Бухорода «Ҳирот ёзуви» мирзалар, хаттотлар томонидан 1920 йилгача қўлланилганини тарихчилар манбаларда келтирадилар.

Бу даврда Мовароуннаҳрда ҳам санъат, архитектура, бинокорлик техникаси анча раванқ топди. Мусиқа, тасвирий санъат, маданият, адабиёт, таълим-тарбияга оид қатор асарлар яратилди. Ҳасан Бухорий Нисорийнинг (1556) «Музаққир ал-аҳбоб» тазкираси, Мутрибийнинг «Тазкира — туш шуаро» (1604—1605) тўпламлари, тарихий ва адабий ёдгорлик бўлган «Бобурнома» ўша даврда яратилган асарлар орасида ўзига хос аҳамият касб этди. Амин Аҳмад Розий «Ҳафт иқлим» («Етти иқлим») деган географик библиографик луғат тузди.

XVI асрда хаттотлик санъати юксак даражага етди. Султон Али Машҳадий, Мирали Ҳалавий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шихайбий ва бошқалар устоз хаттот бўлиб ном қозондилар. Дарвеш Муҳаммад ибн Дўстмуҳаммад Бухорий хаттотлик санъатининг назарияси тўғрисида асар ёзди.

Бу даврда бир қатор илм масканлари бунёд этилди. жумладан: Шайбонийхон мадрасаси, Абдурахим садр мадрасаси, Мирараб мадрасаси, масжиди Калон ва бошқа иншоотларнинг қурилиши таълим-тарбия жараёнида муҳим босқич бўлди.

Аҳолининг саводхонлигини ошириш, болаларга таълим-тарбия бериш борасида ҳам маълум даражада имкониятлар яратилди. Хусусий мактаблар юзага келди, муаллим ёллаб болаларни уйда ўқитиш тадбирлари одат тусига кирди.

Шаҳар ва қишлоқларда, овулларда очилган мактабларда болаларни ўқитиш 6 ёшдан бошланди. Олти ёшли болалар мактабга бориб, алифбени ўрганар, унинг айрим ҳарфларини чизишни машқ қилар эдилар. Ўқувчилар мактабларда савод чиқарганларидан кейин мадрасага кириб ҳам диний, ҳам дунёвий фанлардан билим олар эдилар.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, XIV— XVI асрларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар юксак тараққиёт босқичига кўтарилди.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР (1336—1405)

Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай Кеш (Шаҳрисабз)нинг Хўжаилғор (ҳозирги пайтда бу қишлоқ Яккабоғ туманига қарашли) қишлоғида 1336 йилнинг 9 апрелида таваллуд топган. Унинг отаси Амир Тарағай ўзига тўқ, бадавлат киши бўлган. Онаси Тегина Бегим эса бухоролик таниқли олим Убайдуллоҳнинг кизи бўлган.

Темур 7 ёшидан билим олишни бошлайди. У ёш болалик давридан бошлаб мард, довюрак, жасур бўлиб ўсади. Ҳарбий санъатни мукаммал эгаллайди. Қуръони Каримни ёд олади, ҳадис илмини ўрганеди. Дунёвий билимларга ҳам эга бўлади. Шунинг учун ҳам иймон-этиқодли, ҳалол пок, ақл-заковатли, ўз этиқодига мустаҳкам риоя қиладиган, адолатли инсон бўлиб етишади.

Амир Темур ўз давлати кудратини юқори кўтариб дунёга танитади.

Амир Темур жоҳиллик, ёвузликни, зўравонликни ёқтирмас. Инсонпарвар, адолатли ҳукмдор эди. Масалан, «Темур тузуклари» ҳукмдорнинг ҳокимиятни бошқариш қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ меъёрини белгилаб берувчи йўриқномадир. Таниқли олим Бўрибой Аҳмедов «Темур тузуклари» подшоларнинг туриш-турмуш ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисоладир, деб таърифлайди.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур асарни турмуш одоби, ҳуққ-одоб қоидалари тартиб берилган анъанавий асарлар қаторига қўйсақ бўлади. Зеро, тарихан таълимий-ахлоқий асарларнинг барчасида ҳам дастлаб давлатни бошқаришга оид қарашлар, сўнг ахлоқ меъёрлари баён этилади. Шунга кўра бу асардан таълимий-ахлоқий асар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Амир Темур бу асарида инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, адолатлилиқ, ватанга садоқат, жасорат, тўғрилиқ, дўстлик ва ҳамкорлик, меҳр ва мурувват кўрсатиш, сабр-қаноат, яхшилиқ каби хислатларни улуғлайди ва хиёнат, бевафолик, сотқинликни қоралайди. Ҳаётда «рости-русти» қоидасига риоя этган Амир Темурнинг ўзи накшбандийлик тариқатидаги «Дил ба ёру, даст ба қор» тамойилига кўра иш тутиб, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Жалолиддин Давоний ва бошқалар томонидан тарғиб этилган ва ҳақиқий комил инсон, адолатли ҳукмдор учун зарур бўлган қуйидаги ўн икки қоидани ўзига йўриқ қилиб олганини кўрамыз:

Ҳар ерда ва ҳар вақт Ислом динини қувватлаш; давлат ва салтанатни бошқаришда ўн икки табақа, тоифадаги кишиларга таяниш; душман билан курашда маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик билан иш кўриш, фаоллик, хушёрлик, эҳтиёткорлик кўрсатиш, салтанат ишини юрғизишда муросаю мадора, мурувват ҳамда сабр-тоқат билан иш кўриш; давлат ишларини юрғизишда давлат қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш; адолат ва инсоф билан иш юритиш; саййидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳандислар, тарихчиларни иззат-ҳурмат қилиш; азму жазм билан иш кўриш (айтганига риоя этиш), бузуқчиликнинг олдини олиш; фуқаронинг аҳволидан огоҳ бўлиб

туриш; барчага ҳурмат-эътиборда бўлиш, яхшилик, мурувват, эҳсон, иззату икром, ҳаққини адо этиш; фарзандлар, қариндошлар, ошнолар ва дўст биродарларни доимо ёдда тутиб, улар билан яқин алоқада бўлиш; сипоҳийларни ҳурмат этиш ва уларга ғамхўрлик қилиш.

Кўриниб турибдики,

Амир Темур мазкур талабларга риоя этгани туфайли унинг салтанати ривож топди, фан ва маданият тараққий этди, давлатининг нуфузи ошиб, нафақат Шарқда, балки ғарбда ҳам машхур бўлди.

Бу ўн икки қоидага риоя қилишдан ташқари, Амир Темур ўзининг ҳаёти тамойиллари ҳақида шундай деган:

«Мен ўз ҳаётим мобайнида беш нарсага қатъий эътиқод қўйдим ва ҳамишалиғ уларга амал қилдим, улар ушбулардир:

Оллоҳ — ул ҳар нарсага қодир куч, сидқидилдан сиғинсанг, истаган муроду мақсадингга етказди;

тафаккур — фикрлаш ва мушоҳада қобилияти;

қилич — ул йигитнинг йўлдоши, эл-юрт осойишталигинининг посбони, ҳар қандай душманнинг маҳв этиш қуроли, анинг қудрати ила динсизларни динга солмоқ мумкин;

имон — ул инсонни барча жонлилардан фарқлантириб турувчи хусусиятдир. Имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу-халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билади;

китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир».

Демак, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида ўзи қатъий риоя этган, ҳақиқий етуклик белгиси саналган дин, имон, ақл билан иш юритиш ва илмга эътиқодни бошқаларга ҳам тавсия этган ҳамда авлодларни ҳам шу руҳда тарбиялашга эътибор берган.

Амир Темур замонида мусиқа, бадий адабиёт, рассомлик санъати ривож топиб, ёшларга шеър ёзиш, расм чизиш, мусиқа асбобларини чалиш, китобхонлик, лисон илми, ҳуснихат ўргатилар эди. Бу санъат турлари ўша давр тарбияси таркибига киритилган эди. Соҳибқироннинг буюк салтанатида ижод қилган шоирлар, рассомлар, машшоқлар ва бошқалар бунинг яққол далилидир. Бу даврда катта шаҳар хунармандлари ҳам ашула, рақс, суҳандонлик билан шуғулланганлари ҳақида Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида қайд этилган.

Амир Темур жисмоний тарбияга ҳам катта эътибор берган. Шарқда диловарлик тарбияси, яъни ёшларда мардлик, жасурликни тарбиялаш асосий масалалардан саналган. Йигитлар болалиқдан мерганлик, чавандозлик, сувда сузиш, овчилик, қиличбозлик, шахмат ўйини кабиларни моҳир мураббийлардан ўрганиб, бу борада машқ қилар эдилар. Амир темурнинг ўзи кучли лашкарбоши сифатида ҳарбий илмнинг «Минг аскар» услуби асосчиларидан бири бўлган. Буюк соҳибқирон шундай таъкидлайди:

«Черик тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: биринчидан, йигитнинг куч-қувватига, иккинчидан, унинг қилични ўйната олишига, учинчидан, ақл-заковатию камолотига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамул-жам бўлса, навкарлик хизматига олдим. Негаким, куч-қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азобу укубатларга чидамли бўлади, қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идроқини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин», — деб аскарларнинг фақат жисмоний эмас, балки ақлан ҳам баркамол бўлишига эътибор берган. Ўғиллари Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳлар, набиралари Амирзода Муҳаммад Султон, Амирзода Пирмуҳаммадлар моҳир жангчи бўлиб, катта-катта жангларда шахсан иштирок этганлар. Амир Темурнинг ўзи ақлни чархлаш воситаси бўлган шахмат ўйинида ҳам моҳир бўлган. Зеро, ўша давр тарбияси — шатранж ўйинини ҳар бир ёш ўрганиши зарур саналган. Ҳатто Амир Темурнинг суюкли ўғли Шоҳруҳга исм қўйилиши ҳам шахмат ўйини билан боғланганлиги ҳақида ривоят юради.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темурнинг буюк давлатчилик сиёсати — мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш билан бирга тарих олдида маърифий хизматлари ҳам беқиёс. Унинг таълим-тарбияга оид ўғитлари, тутган сиёсати ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотмаган.

Амир Темурнинг таълим-тарбияга оид ишлари, қарашлари ҳозирги баркамол инсонни шакллантиришда катта роль ўйнайди.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек

Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартда Эроннинг ғарбидаги Султония шахрида бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юриши пайтида таваллуд топди. У Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, унга Муҳаммад Тарағай исми берилди. Лекин уни бобоси алоҳида меҳр билан «Улуғбек» деб атавергани учун унинг асосий исми Улуғбек бўлиб қолади ва жаҳонга ана шу ном билан шуҳрат тарқатади.

Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлиб, Хуросон ҳукмдори, маърифатли, илм-фанга қизиққон шоҳ эди. Онаси

Гавҳаршодбегим ҳам ўз даврининг оқила, билимдон аёлларидан ҳисобланарди.

...«Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди».¹

Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришларида ўтди. Гарчи Улуғбек туғилганда бир оз заиф бўлган бўлса-да, ҳарбий юришлар даврида чиникди.

Амир Темур набираси Улуғбекнинг ўткир зехнли, ақлу фаросатли бўлганлиги учун жуда севарди. «Кўзимнинг нури, салтанатимнинг умидли ниҳоли», деб эркататарди. Бироқ, Улуғбек Мирзо нозик бўлиб ўсди. Бунинг устига кўп вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтказар, давлат ишларига рағбати йўқ кўринар эди.

Улуғбекнинг тарбияси билан бувиси Сарой Мулк хоним шуғулланиб, севимли набирасига ўқув-ёзувни ўргатгани, тарихий мавзуларда ҳикоя ва эртакларни сўйлаб бергани унинг ҳаётида ўзига хос мактаб бўлди.

1405—1411 йилларда, ўша даврнинг қонун-қоидаларига биноан амир шоҳ Малик ёш мирзога отабеги бўлиб тайинланган.

Отабеги Улуғбекка асосан ҳарбий ва сиёсий тарбиядан илм ўргатган.

Ўрта асрлардан сақланиб қолган китобларда маълум бўлишича, салтанатга ворислар давлатни бошқаришда муайян тартиб-қоидалар баён қилинган қўлланмалар асосида тайёрланган. Шулардан бири Шаҳзодалар ва Хонзодалар билиши зарур бўлган «Сулук ул-мулук» (Подшоҳларга қўлланма) китобидир.

Улуғбек ҳам анъанага кўра мазкур китобни мукамал ўрганар ва унда кўрсатилган давлатни идора қилиш санъати — турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўплаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйича кўникмаларни эгаллайди.

Улуғбек ёшлигидан кўп китобларни мутолаа қиладиган бўлиб, у айниқса, математика, астрономия илмларига қизиқди.

У бобсининг хос мунажжими мавлоно Бадриддин билан кўп вақтини ўтказар, ундан ҳисоб ва тақвимдан дарс олар, баъзи кечалари, қор тиниб осмон ёришган пайтларда юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатиш билан машғул бўлар эди.

Таниқли олим Бўрибой Аҳмедовнинг маълумотларига кўра мавлоно Бадриддин Самарқандда бўлган вақтда Улуғбекни Кўксаройдаги хос кутубхонасига бошлаб бориб, кутубхонага янги келиб тушган Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини кўрсатади. Шу ерда мавлоно Бадриддин Улуғбекка аллома ал-Фарғоний тарафидан битилган «Китоб фи жавомеъ илм ан-нужум ва усул ал ҳаракат ас-самовия» («Юлдузлар ҳақидаги илм билан

¹ И.А.Каримов. Истилол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994й., 96-бет

осмон ёриткичлари ҳаракатининг асосини (бир-бирига) қўшувчи китоб»)ни кўрсатадилар.

Шундай қилиб, Улуғбек болалик йилларидаёқ мавлоно Бадриддин Тусий, Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём китоблари билан ҳамда Оксулот ва Ўтрорда «Зижи Маликшоҳи» билан танишди.

Фанга бўлган зўр муҳаббати, катта қобилияти ва меҳнатсеварлиги туфайлигина Улуғбек астрономия мактабининг асосчиси ва раҳбари сифатида ажойиб муваффақиятларга эриша олди. Бу мактаб бутун дунёда ҳамма томонидан эътироф этилди, шухратга сазовор бўлди.

Зўр қобилият, ўткир хотира ва аста-секин билимларни тўплаш шунга олиб келдики, Улуғбекда фанга қизиқиш ва интилиш ривожлана борди. Улуғбек билимларини тинмай чуқурлаштириши ва ўз устида мунтазам равишда ишлаши натижасида ўзининг кўпгина замондошларидан ўзиб кетди. Шундай қилиб, олдин ўтган аждодлар — Марказий Осиёдаги қадимги халқларнинг маданий мероси Улуғбек билимларининг асосий манбаи бўлди.

1411 йилда 17 ёшли Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинланиши Темурийлар хонадонида Улуғбекнинг мавқеи нақадар юксак эканлигидан далолат беради. Улуғбек ҳоким бўлгач, бобосидан фарқли ўлароқ ҳарбий юришлар билан қизиқмади. Аксинча, у ўрта асрлардаги бошқа ҳокимлардан ўзгача йўл тутди, кўпроқ илм-фанга мойил эди.

Ҳақиқатан ҳам Қозизода 1360 йилларда туғилган бўлиб, 20—25 ёшларида, яъни Улуғбек туғилмасданок Темур саройига ўтади. Натижада Улуғбек умрининг илк давриданок Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий — фалакиётшунос ва риёзиётчилар таъсирида улғаяди. Шу сабабли унинг ҳаётида аниқ фанлар муҳим аҳамият касб этади. Йигирма ёшларида у ўз даврининг йирик олимларидан бири бўлиб шаклланди. У ҳоким бўлган пайтидаги оламшумул ўзгаришлар бутун ўрта аср маданияти тарихида бетакрор воқеа бўлиб қолди.

Улуғбек ихлосмандларидан ғиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқанддан Кошондаги ўз отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаолияти ва билимини қуйидагича таърифлайди:

«Аллоҳга ва унинг неъматларига шукроналар бўлсинким, етти иқлимнинг фармонбардори, ислом подшоҳи Улуғбек донишманд кишидурлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало у кишим Қуръони Каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсирларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар, арабчада ғоят яхши ёзадилар. Шунингдек, у кишим фикҳдан хабардорлар: мантик маъноларининг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар».¹

¹ А.Ашмедов, «Улуғбек». Т; «Фан», 1991. 50-бет.

У киши риёзиёт (математика) фанининг барча тармоқларини мукаммал эгаллаган ва шундай жиддий маҳорат кўрсатганларки, ҳар қандай сонни тезлик билан қўшиш ва кўпайтириш иқтидорига эга бўлганлар. Инсон бино бўлганидан бери шу кунгача ҳали ҳеч кимса у қадар аниқ ва тез ҳисоблай олмаган. Улуғбек, Самарқанд, Бухоро ва ғиждувонда учта мадраса барпо этди.

Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда қуриб битказилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг фалакиётшунослик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларга қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самарқандга келган Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек отасининг мулки Хуросоннинг Кошон шаҳридан ғиёсиддин Жамшид Кошийни чақиртирди. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимлар сони 1417 йилга келиб 100 дан ортиб кетди. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, рассомлар, меъморлар бор эди. Лекин юлдузшунослик ва риёзиёт соҳасидаги олимлар шарафлироқ ва обрўлироқ эди. Улар орасида Қозизода ва Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар.

1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлди. Манбаларда қайд этилишича, «мадраса биноси битишига яқинлашганда, бу ерга тўпланган адабиёт, санъат ва фан намояндалари Улуғбекдан мадрасага кимни мударрис этиб тайинламоқчисиз, деб сўрашганда, Улуғбек, барча фанлардан хабардор бирор одамни қидириб топаман, деб жавоб берган. Шу ерда ғиштлар орасида оддий кийимда ўтирган мавлоно Муҳаммад Улуғбекнинг бу гапини эшитиб қолган ва шу онда ўрнидан туриб, бу вазифага мен лойиқман, деган. Шундан кейин Улуғбек уни имтихон қилиб, унинг чинакам билимдон одам эканлигига ишонч ҳосил қилган ва уни ҳаммомда ювинтириб, яхши кийинтириш тўғрисида буйруқ берган. Мадрасанинг очилиш кунида мавлоно Муҳаммад мударрис сифатида маъруза ўқиган; мавлоно Муҳаммаднинг олимлардан 90 киши иштирокида қилган маърузасини Улуғбек билан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушуна олмаган. Чунки бу маъруза хаддан ташқари илмий жиҳатдан кучли ва мураккаб масалаларни ўз ичига олган эди.»

Бу ерда тилга олинган Қозизода Румий (Салоҳиддин Муса бин Маҳмуд) машҳур математик ва астрономдир.

У Улуғбек мадрасасининг дастлабки мударрисларидан бири эди. ғоят билимли бу олимни замондошлари «Ўз даврининг Афлотуни» деб атаганлар.

Улуғбек асарларининг шарҳчиси, Қозизода ва Улуғбекнинг истеъдодли шогирди, самарқандлик математик ва астроном Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчидир. У «Ўз даврининг Птоломейи» деб ном олган. Али Қушчи илмий ишда Улуғбекнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири эди. Улуғбек мактаби намояндаси сифатида Улуғбек асарининг шарҳчиси, астроном Чалабий номи ҳам диққатга сазовордир.

Мадрасада бошқа мударрислар билан бир қаторда, Улуғбекнинг ўзи ҳам астрономия бўйича маърузалар ўқир эди. Учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган бир градус ёйнинг синусини аниқлаш — Улуғбек ва унинг мактаби эришган ажойиб ва энг муҳим муваффақиятлардан бири бўлди.

Улуғбек атрофида тўпланган Самарқанд олимлари катта аҳамият берган энг муҳим илмий йўналишлардан бири фалакиётшунослик фани эди. Шуни ҳам айтиш керакки, мусулмон мамлакатларида ва умуман ислом маданиятида аниқ фанлар, айниқса фалакиётшунослик ва риёзиёт муҳим ўрин тутди. Чунки, мусулмон киши қаерда бўлишидан қатъий назар эрта тонгдан окшомгача қадар унинг учун беш вақт намоз фарздир. Намоз юзни қиблага — Маккадаги Каъба йўналишига қараб ўқилади.

Намознинг вақтлари эса ҳар бир жўғрофик кенгликда ҳам Қуёшнинг ердан баландлигига қараб белгиланади. Ундан ташқари, исломда қабул қилинган ҳижрий йил ҳисоби 354 кунни ташкил қилувчи 12 қамарий ойдан иборат бўлиб, янги ой — ҳилолни масжид минорасидан ёки расадхона тепасидан кўз билан кўриб аниқланган.

Шунинг учун мусулмон кишининг ҳаёти фалакиётшунослик, риёзиёт, жўғрофия, ҳунармандчилик ва меъморчиликка алоқадор қуйидаги масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган:

- 1) жойнинг жўғрофик йўналишларини аниқлаш;
- 2) маҳаллий меридиан билан қибла йўналишини кўрсатувчи катта доира орасидаги бурчакни аниқлаш;
- 3) жўғрофик йўналишларни ҳисоблаш учун аниқ риёзий (тригонометрик) ҳисоблаш қоидалари ва усулларини билиш;
- 4) жўғрофик йўналиш асосида Қуёш баландлигини аниқлаш қоидаларини билиш;
- 5) қуёш, Ой, сайёралар ва бошқа ёритгичларнинг кечакундузнинг исталган вақтидаги ҳолатларини аниқлайдиган сферик астрономиянинг аниқ қоидаларини билиш;
- 6) турли шаҳарлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун геодезик ўлчашларни бажариш;
- 7) турли вақт ўлчаш асбобларини ясаш;
- 8) ернинг маъмур қисми ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун хариталар тузиш;
- 9) хариталар тузиш учун риёзиётга тааллуқли кўриниш ҳолатларини билиш;
- 10) фалакиётшунослик, жўғрофия ва геодезияга тааллуқли ҳисобларни бажариш учун юксак аниқликдаги риёзий ҳисоблаш усулларини билиш;

11) ёриткичларни кузатиш об-ҳаво билан боғлиқ бўлганлиги учун метеорология ва геофизикадан маълумотга эга бўлиш;

12) масжид, мадраса ва расадхоналар барпо этиш учун меъморчилик санъати ва анъаналаридан хабардор бўлиш.

Юқорида кўрсатилган ва бу рўйхатга кирмаган бошқа кўплаб масалалар шунчалик чамбарчас боғланиб кетганки, уларни ҳал қилиш учун олим ва ҳунармандларнинг катта жамоа ва гуруҳлари керак эди. Ана шунинг учун Улуғбек ўз атрофига турли илм ва ҳунар намояндаларини тўплаган.

Келтирилган масалалар рўйхатидан кўриниб турибдики, уларнинг кўпи фалакиётшуносликка алоқадор. Ислондаги энг аввалги юлдузлар ҳақидаги асарлар «Зиж» деб аталиб, улар асосан жадваллардан иборат бўлган.

Улуғбек бошчилик қилган астрономларнинг муваффақиятли равишда олиб борган таълим ва илмий ишлари уларни аниқроқ асбоблар билан таъминланган намунали расадхона қуриш керак деган фикрга олиб келди. Тарихий манбалар ана шундан далолат берадики, Мирзо Улуғбек ўз мадрасасини қурдириб битказгандан кейин орадан тўрт йил ўтгач, Қозизода Румий, мавлоно ғиёсиддин Жамшид ва мавлоно Муиниддин Коший билан маслаҳатлашиб, Кўҳак этагида, Обираҳмат сойининг бўйида расадхона биносини қурдирди. Расадхона кутубхонаси кўплаб илмий асарлар, жаҳондаги машҳур кишиларнинг асарлари билан тўлдирилди ва у ерда сақланаётган китоблар сони 150 мингдан зиёд бўлди.

Бу ҳақда тарихчи олим Вальтер «Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадваллар тузишда иштирок этди», деб ёзган эди. Ўша вақтларда Самарқандда Улуғбек теварагида 100 дан ортиқ олимлар уюшган бўлиб, шунда расадхона академия вазифасини ўтаган эди.

Мадраса билан расадхона орасида мустаҳкам алоқа бор эди. Расадхонада ишлаб турган илмий ходимларнинг бир қисми мадрасада мударрислик қилишган. Улар орасида ғиёсиддин Жамшид Кошоний ва Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам бўлган.

Улуғбек мадраса толиблари билан тез-тез баҳслашиб, имтиҳон қилиб турган. Бир куни Улуғбек мадраса толибларини риёзат билан тақвимдан имтиҳон қилмоқчи бўлибди. У ўртага мана бу саволни ташлабди: «Қани, толиби илм, айтинг-чи, ҳижрий 818 йил, ражаб ойининг ўн иккинчи бирлан ўн бешинчи ўртаси, 918 йил ражаб ойининг ўн иккинчи бирлан ўн бешинчи ораси қайси айёмга тўғри келадур?» Бунинг учун жуда кўп рақамларни ёдда тутатиш зарур экан. Талабалардан бирортаси ҳам бу масалани ечолмабди. Шунда Улуғбек буни уйга вазифа қилиб топширибди ва устозларга хос ҳусну одоб билан меҳрибонлик кўрсатиб, ўртага қўйилган масалани тушунтирган ва ечиб берган. Сўнг Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» китобини очиб, олтинчи мақоласининг еттинчи бобидан парча ўқиб берган.

Улуғбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг “Зижи” бўлиб, бу асар “Зижи Улуғбек”дир. “Зижи жадиди кўрагоний” деб ҳам аталади. “Зижи”дан ташқари унинг қаламига мансуб риёзиёт асари — “Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола”, юлдузларга бағишланган “Рисолаи Улуғбек” (ягона нусхаси Ҳиндистоннинг Алигарх университетининг кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир “Тарихи арбаъ улус” асаридир.

Улуғбек “Зижи” ўрта асрлардаги энг мукаммал асар бўлиб, тезда замондошларининг диққатини ўзига жалб этди. Энг аввал, бу асар Самарқандда Улуғбек атрофида тўпланган олимлар ижодига катта таъсир кўрсатди.

1449 йили Улуғбекнинг фожиали ҳалокатидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Улар ўзлари борган ерларга Самарқанд олимларининг ютуқларини ва “Зижи”нинг нусхаларини ҳам етказадилар. Жумладан, Али Қушчи 1473 йили Истамбулга бориб, у ерда расадхона қуради. Шу тариқа Улуғбек “Зижи” Туркияда тарқалади ва Туркия орқали Оврўпа мамлакатларига ҳам етиб боради.

Ҳозирги кундаги маълумотларга кўра “Зиж”нинг 120 га яқин форсий ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки риёзий асар бунчалик оммалашмаган. “Зиж” мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган.

Улуғбек “Зижи”, айниқса, Ҳиндистон олимларига кучли таъсир кўрсатди. Самарқанд олимларининг илмий анъаналарини Ҳиндистонга Бобурнинг ўзи етказган деган маълумот бор. Бобурнинг ворислари ўтмишдаги шоҳларга ўхшаб атрофига олимларни тўплайдилар ва уларнинг илмий изланишларига шароит яратадилар.

“Зиж”нинг ғарбий Оврўпа фанига ҳам таъсири катта бўлди. Умуман олганда, ғарбий Оврўпа Темур ва унинг фарзандларини, айниқса, Улуғбекни XV асрданоқ биларди. Али Қушчининг Истамбулдаги фаолияти туфайли Улуғбекнинг олимлиги ҳақидаги хабар ҳам Оврўпага тарқалади.

1638 йили Истамбулга инглиз олими ва шарқшуноси, Оксфорд дорифунунининг профессори Жўн Гривс (1602—1652) келади.

Қайтишида у ўзи билан Улуғбек “Зижи”нинг бир нусхасини Англияга олиб кетади. 1648 йили аввал “Зиж”даги 98 юлдуз жадвалини чоп этади. Ўша

йилнинг ўзида Гривс “Зиж”даги жўғрофий жадвални ҳам нашр этади. 1650 йили эса у “Зиж” биринчи мақоласининг лотинча таржимасини нашр этади.

Чексиз ақл-идроки, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукамал ҳарита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукамал астрономик жадвалини яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узоқ замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди. Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ғурурланиши табиий ҳолдир, чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умубашарий гуллаб-яшнаш учун хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

“...Мирзо Улуғбекнинг умубашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси бекиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда. Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, маҳаллалар, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга келиб кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг муборак исми берилпти деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Буларнинг барчаси — миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтиромларидан дарак беради.¹”

Мирзо Улуғбек хизматларидан яна бири шундаки, у аввало ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даъват этди, ҳар қандай жоҳиллик ва билимсизликка қарши курашди. У инсоннинг имкониятлари чексиз эканлигига ишора қилиб, ёшларни илм эгаллашга, инсофли ва ҳимматли бўлишга, ҳалоллик ва ростгўйликка даъват этади.

Улуғбекнинг билимларини нафақат китоблардан, балки бевосита ҳаётнинг ўзидан ҳам олишни тавсия этади.

Улуғбек янги-янги илмий кашфиётлар қилишни инсон учун олий фазилат деб билади. У Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиради. Улуғбек “Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган шиорни илгари суради ва уни мадрасанинг пештоқига ёздириб қўяди. Мадрасада эса илмнинг турли соҳаларининг ўқитилишига жиддий эътибор берилади.

¹ И.А.Каримов. Истилол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994 й., 97—98-бетлар.

Масалан, Самарқанд мадрасасида илоҳиёт илмлари: Қуръон, Ҳадис, Тафсир, фикҳ билан бирга риёзиёт, ҳандаса илми, ҳайъат (фалакиёт), тиббиёт, тарих, география, илми аруз, илми қофия, араб тили каби дунёвий илмлар ўргатилган.

Улуғбек илм фани равнақи учун курашган, таълим-тарбия ривожига ҳисса қўшган фуқароларни доимо рағбатлантириб, ўқитувчи-устоз, мударрисга ҳурмат эҳтиром билан қарашни тарғиб этган. Унинг мана шу сайъи ҳаракатлари туфайли таълим-тарбия сифати яхшилана борди, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш таълимни жонлантиришга катта аҳамият берилди. Мадрасадаги ўқув тизими ислоҳ қилиниб, унда фалакиёт, математика, география каби аниқ фанларни ўқитишни жорий этди, таълим мазмунининг сифатини оширди, мадрасаларда ўқиш муддатини 15—20 йилдан 8 йилга туширди.

Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий ҳунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради.

Улуғбекнинг фикрича, таълим-тарбияда математика, фалакиёт фанлари боланинг ақлий қудрати ва қобилиятини ўстиришда муҳим восита бўлса, тарих ва адабиёт фанлари эса болаларнинг ватанпарвар бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Улуғбек таълим-тарбияда мударрисларнинг одил ва ҳалол бўлишига, ўз педагогик маҳоратларини, билимларини ошириб боришга, ҳар бир машғулотни юксак савияда ўтказишга даъват қилади, ана шу билангина ўқувчиларда билимга қизиқиш орттириш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тарбиячи аввал ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларини эгаллаши лозим.

Улуғбек болаларни тарбиялашда уй шароити ва ота-оналарнинг фаолиятига юқори баҳо беради, уларни ҳаётда чидамли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш жуда зарур дейди. Бунинг далили сифатида “Зиж” устида ишлаш пайтидаги қийинчиликлар ҳақида шундай дейди: “Юлдузлар жадвалини тузиш мақсадида биз кечаю кундуз ишладик, ўз мўлжаллаган мақсадимизга етгунча биз ўзимизга қадар яратилган жадвалларни таққосладик, қайта туздик ва шу тариқа юз қайталаб тузатишлар киритгач, ўн саккиз йилдан сўнггина ўз кўзлаган ниятимизга етдик”¹.

Улуғбек ахлоқий тарбия ҳақида гапирар экан, бу масалада инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, дўстлик ва биродарлик алоҳида аҳамият касб этиш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳақиқий ва сохта дўстларни ажрата билиш лозим, ғаразли киши ҳеч вақт дўст бўлмайди, кишиларни у тўғри йўлдан оздиради. Шу боис ғаразли кишилардан ҳар қандай йўл билан бўлса-да, йироқ бўлиш, касби ва хулқ-атвори яхши, ҳамма ҳурмат қиладиган, хушфеъл киши билан дўстлашиш лозимлигини тавсия этади.

Ҳар бир киши дўстона ҳамкорлик билан ҳаётий муаммоларни ҳал этиши мумкин, киши ёлғиз ўзи, дўстларсиз ҳеч нарса қила олмайди. Унинг

¹ Улуғбек. Новые Гураганова астрономические таблицы. Т., изд. «Фан» АН. РУз, 1994й. 31—32-бетлар

таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг ахлоқий шаклланиши олимлар ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқдир, улар ўртасидаги яхши ҳамкорлик талабаларнинг ахлоқий тарбиясида ғоят муҳимдир. Бундай дўстона ва беғараз ҳамкорлик моҳиятини биз Улуғбек фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, Али Қушчи умрининг охиригача унга содиқ қолди. Улуғбек ўзининг кўп йиллик меҳнати эвазига яратилган “Зижи Кўрагоний” асарини унга ишониб топширди ва у ўз навбатида устозининг ишончини оқлади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда фан, маданият, таълим қандай ривожланди?
2. Нима сабабдан XIV асрнинг иккинчи ярми — XVI асрлар Шарк Уйғониш даврининг иккинчи босқичи дейилади?
3. Амир Темурнинг таълим-тарбия тараққиётида тутган ўрни ҳақида гапириб беринг.
4. Улуғбекнинг фан ва таълимни ривожлантиришдаги хизмати нималардан иборат?
5. Бобурнинг илм-фан тараққиёти ва маърифий-ахлоқий тарбияда тутган ўрни ҳақида сўзлаб беринг?

Мустақил иш.

«Бобурнома» асарини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

5. Абдурахмон Жомий. Ҳаёти ва фаолияти (1414-1492)

Абдурахмон Жомий XV асрда яшаган мутафаккирлар каби инсон ва унинг юксак ахлоқий хислатлари, гўзал фазилатларини тараннум этиш орқали кишиларнинг бахт-саодатини таъминлаш йўллари хусусидаги ғояларни ифода этади.

Абдурахмон Жомийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, таълимий ва тарбиявий қарашлари борасида машҳур шарқшунос олимлар - Е.Э. Бертельс, М.Орифий, Ш. Шомухамедов, А.Қаюмов, Ҳ.Алиқулов ва бошқалар самарали равишда тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Алломанинг тўлиқ исми Нуриддин Абдурахмон ибни Аҳмад бўлиб, у 1414 йилнинг 7 ноябрида Жом шаҳрида таваллуд топган.

Абдурахмон Жомийларнинг оиласи кейинчалик Ҳирот шаҳрига кўчиб ўтади. Бу даврда Хуросонда Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлик қилар, Ҳирот шаҳри эса энг йирик маданий марказлардан бири саналарди.

Ёш Нуриддин Абдурахмон мактабга жуда эрта қатнай бошлаган.

Унинг отаси ўз даврининг зиёли кишиларидан бири бўлганлиги учун ўғлининг болалиқдан билим олишига катта эътибор берган.

Абдурахмон Жомий мактабни тамомлагач, «Низомия» мадарасида таҳсилни давом эттирди. Мадрасада таҳсил олиш даврида у араб тили грамматикасини пухта ўрганди, шунингдек, араб тилида яратилган ҳамда аруз вазни ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда қофия илмидан сабоқ берувчи асарлар мазмуни билан танишиб чиқди. Кўплаб бадиий асарларнинг шарҳлари билан танишишга мушарраф бўлди. Айна вақтда Саъиддин Қошғарий, Шайх Баҳовиддин Умар ва Мавлоно Муҳаммад Асад каби алломаларнинг қўлида таҳсил олди. Абдурахмон Жомий бадиий асарларни яратишга оид илмларни пухта ўзлаштирганлиги ҳамда насрий ва назмий асарларни бирдек муваффақиятли ярата олиш қобилияти билан устозларининг таҳсинига сазовор бўлди.

Бироқ Абдурахмон Жомийда ўзи эгаллаган билимлари даражасидан қониқмаслик ҳисси устун эди. Шу боис билимларини янада ошириш мақсадида Самарқанд шахрига йўл олади. Мазкур даврда Самарқанд шахри улуғ мутафаккир Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг бошқаруви остида бўлиб, у маданият ва маърифат ўчоғига айланган эди. Мирзо Улуғбекнинг раҳбарлиги остида математика, физика ва астрономия каби фанларнинг ривожини йўлида самарали тадқиқотлар олиб борилаётган эди. Самарқанд шахрида бўлган вақтда Абдурахмон Жомий ўз замонасининг етук олими ғозизода Румий томонидан ўқилган маърузаларни тинглашга муваффақ бўлди. Ҳирот шахрига қайтгач, машҳур олим, Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг сеvimли шогирдларидан бири Али Қушчи томонидан синовдан ўтказилди.

Абдурахмон Жомий тинимсиз изланиш, ўқиб-ўрганиш эвазига математика, араб тили ва адабиёти, синтаксис, бадиёт илми, мусиқа, фалакиёт, фалсафа, фикҳ, нотиклик илми, Қуръонни қироат билан ўқиш ва шарҳлаш каби фанлардан чуқур билимга эга бўлди. Чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлганлиги боис Абдурахмон Жомий халқ орасида шоир ва олим сифатида шуҳрат қозонди, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Алломанинг ўта даражада камтарлиги ҳам унинг халқ орасидаги обрўсига обрў кўшди.

Аллома ва шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ўртасида мустаҳкам дўстона алоқа мавжуд бўлиб, ушбу алоқа ҳам бадиий ижод, ҳам маиший турмуш, ҳам ижтимоий муносабатлар соҳасида яққол кўзга ташланар эди. 1469 йилда Ҳирот шахрида асос солинган мазкур дўстлик аллома ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача давом этди.

Абдурахмон Жомий 1472 йилда ҳаж сафари билан Макка шахрига отланади, ушбу сафар жараёнида турли шахарларда бўлиб, машҳур шоир, олим ва мутафаккирлар билан мулоқотда бўлади, адабий жараён, унинг ўзига хос йўналишлари ва мазмуни билан яқиндан танишади. Икки йиллик сафардан сўнг Ҳирот шахрига қайтади ва ўзи орттирган бой тажрибага таянган ҳолда ижод қилади.

Абдурахмон Жомий ҳам ўз асарларида юксак инсоний хислатларни

таъриф этади. Тадқиқотчи Ш.Шомухамедов Абдурахмон Жомийнинг шахси хусусида сўз юритар экан, қуйидагиларни қайд этиб ўтади: «Унинг шахсан ўзи бунга намуна бўлди, поклик шамларидан бири бўлиб порлади».

Аллома учта лирик девони, таълим-тарбия масалаларига оид «Баҳористон», шунингдек, еттита дostonни ўз ичига олган «Ҳафт авранг» («Етти тахт») номли асарлари билан жаҳон маданияти тараққиётида муносиб ўринга эга бўлди.

Абдурахмон Жомийнинг таълимий-ахлоқий қарашларида тарбия мазмуни, шакл ва услублари

Абдурахмон Жомийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари «Баҳористон» асари ҳамда «Ҳафт авранг» («Етти тахт») асарининг таркибидан ўрин олган «Тухфатул ахрор» ва «Силсилатуз заҳаб» («Олтин тизмалар») дostonларида акс этади. Алломанинг “Баҳористон” асари Муслиҳиддин Саъдий томонидан яратилган «Гулистон» асари яратилган услубда ёзилган бўлиб, унда Абдурахмон Жомий ҳақиқий камолотга эришган инсон ва унинг маънавий-ахлоқий қиёфаси борасида тўхталиб ўтади.

Абдурахмон Жомий ҳам бошқа алломалар каби инсон камолотининг биринчи мезони унинг билимлилик даражаси дея таъкидлайди.

«Ҳафт авранг» асарининг биринчи дostonи бўлган «Тухфатул ахрор»да ҳам Абдурахмон Жомий илмнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти кўрсатиб берар экан, илм ҳар қандай муаммоларни ечишда инсонга ёрдам беришини кўрсатиб ўтади.

Аллома ўзининг машҳур «Силсилатуз заҳаб» («Олтин тизмалар») дostonининг «Севимли азиз фарзандга насиҳат» номли бобида, ҳар бир ёшнинг билим олиши зарурият эканлигини таъкидлайди. Зеро, инсон умри жуда қисқа бўлиб, у умрни беҳуда ўтказмаслиги, шунингдек, муайян даражада билимларни эгаллагандан сўнг унга амал қилиш лозим, амалиётда қўлланилмайдиган илм ҳам беҳудадир деган фикрларни илгари суради. Хусусан:

Илм йўлига қадам қўй, чунки шу йўл фаровон,
Аmmo умрингнинг йўли, ғоятда қисқа – бир он.
Ҳар бир кишига бўлмас қайта яшаш муяссар,
Эгалла сен билимни, мангу турар муқаррар.
Билим эгалладингми, унга доим амал қил,
Илминг амалсиз бўлса, сен они бир заҳар бил.
Фараз қилдик биларсан, ул илми кимёни,
Зар қилмасанг мисингни, қолмас ишинг нишони.

Абдурахмон Жомий илмнинг аҳамияти борасида тўхталиб ўтар экан, китобнинг мавжуд билимларни эгаллашдаги ўрни ҳамда китобнинг фазилатларини очиб беради. Чунончи:

Китобга юз ўгиргин, эй жигарим фарзандим,
Китобга улфат бўлгин, қулоққа ол бу пандим,
Танҳоликда мунисинг, билсанг агар китобдир,

Доноликнинг тонгига, шуъла сочар китобдир.
 Бепул, беминнат сенга, устоз бўлиб ўқитар,
 Билим бағишлаб сенга, чигалларингни ечар,
 Китобдур яхши ҳамдам, тери ёпинган олим,
 Иш сиридан гоҳ сўзлаб, аммо гоҳо турар жим.
 Унинг ичи ғунчадек, варақлардан лиқ тўла,
 Ҳар варағи гўёки, дурдонадир бир йўла.

Мазкур ўринда келтирилганидек, аллома китобни «тери ёпинган олим»га қиёслайди.

Абдурахмон Жомий билимларни ёшлиқдан эгаллаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. Айни ўринда жоҳилликни қоралаб, доно билан нодон кишиларни бир-бирларига қарама-қарши қўяди:

Ҳаммадан аввал фарзанд, билимдан баҳраманд бўл,
 Нодонлик юртидан чиқ, билим томон олгил йўл.
 Ҳар бир кишига бу сўз, ойна каби аёндир,
 Доно тирик ҳамиша, нодон ўликсимондир.

Абдурахмон Жомий доноликни олқишлар экан, аввало, мамлакатни бошқарувчи ҳукмдорлар илмли бўлиши зарурлигини, агар раҳбар нодон, жоҳил бўлса, эл бошига жуда кўп надомат, кулфат ва зулм ёғилиши мумкинлигига алоҳида урғу бериб ўтади:

Нодонга раҳбарлик қилса гар доно,
 Илмидан ишлар ҳам бўлади аъло.
 Доно суҳбатидан бош тортса нодон,
 Даврондан яхшилик кўрмас ҳеч қачон.
 Шоҳ агар бўлмаса билимдон, ҳаким,
 Жаҳл ботқоғида бўлур муқим.
 Ёғар ундан доим, жаҳолат, ўлим,
 Эл бошига тушар надомат, зулм¹.

“Баҳористон” асарида эса илмни беҳуда эгалламаслик, ҳар бир шахс жамият ва ўзи учун фойдаси тегадиган илмларни эгаллаши зарурлигини таъкидлайди:

Энг зарур билимни қунт билан ўрган,
 Зарур бўлмаганни ахтариб юрма.
 Зарурини ҳосил қилгандан кейин,
 Унга амал қилмай умр ўткурма.

Дарҳақиқат, Абдурахмон Жомий мазкур ўринда илмнинг инсон учун аҳамияти даражасини тўғри талқин этади. Аллома илм ва ҳунарни эъзозлаган раҳбарнинг ўз халқи ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиши ҳамда раҳбар қачонки, элнинг эҳтиромига муяссар бўлар экан, ана шундагина мамлакат гуллаб яшнаши мумкинлигини таъкидлайди.

Абдурахмон Жомий асарда билимнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳамда ижтимоий жамият тараққиётини белгилашдаги ўрни ва ролини очиб бериш билан бирга ҳар бир киши томонидан маълум ҳунар сирларини

¹ Жомий, Абдурашмон. Танланган асарлар (Тузувчи ва сызбоши муалифи Ш.Шомушамедов). –Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1971, 195- бет.

ўзлаштириш фойдадан ҳоли бўлмаслигини уқтиради. Айни ўринда инсоннинг кадр-қиммати унинг молу мулки билан эмас, аксинча, у томонидан эгалланган ҳунарнинг кишилар маиший ҳаётини фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти билан белгиланишига урғу бериб ўтади. Хусусан, асарда мазкур фикр моҳиятини тўлақонли ёритишга хизмат қилувчи куйидаги мисралар келтирилади:

Одамнинг қиймати эмас симу зар,
 Одамнинг қиймати билим ҳам ҳунар.
 Назар сол, дунёда ҳунар туфайли,
 Хожасидан кадри ортиқ кўп қуллар.
 Қанчалаб хожалар ҳунарсиз учун,
 Қуллари олдида бе ўқ, бе сипар.

Мутафаккир билим ҳамда ҳунарсиз кишини ўтиндан бошқа нарсага ярамайдиган мевасиз дарахтга ўхшатади. У ҳар бир ёшни илму ҳунар сирларини ўрганишга, бу йўлда сабрли, матонатли бўлишга ундайди. Илму ҳунар киши мушкул ахволга тушиб қолган дамларда ҳам асқотувчи восита, аксарият ҳолларда эса киши номини абадийлаштирилишини таъминловси омил эканлигини қайта-қайта уқтирар экан, ҳар бир инсон хоҳ ёш, хоҳ кекса, хоҳ шоҳу хоҳ гадоё бўлсин ҳунар ўрганиши фарз эканлигини таъкидлайди. Мазкур фикрнинг ҳаққонийлигини «Искандар хирадномаси» достонида соҳиби қирон Искандарнинг илму ҳунар ўрганиш йўлидаги саъи-ҳаракатларини бошқаларга нисбатан намуна сифатида кўрсатиш орқали очиб беради. Фарзандининг билим, ҳунар ва донишмандлик сирларини ўрганиб олиши уни бахт-саодатга олиб боровчи йўл эканлигини чуқур англаб етган юнон подшоҳи Файлакус ўғли Искандарни машҳур олим, мутафаккир Арастунинг олдида олиб келиб, унга илму ҳунар сирларини ўргатишни илтимос қилади. Арасту Искандарнинг лаёқати, шунингдек, илму ҳунар асосларини ўрганишга бўлган иштиёқини инобатга олган ҳолда унга мавжуд билимларни ўргатиш билан бирга уни давлатни муваффақиятли бошқариш сирларидан ҳам огоҳ этади. Искандар киёфасида намоён бўлган иштиёқ, илму ҳунар ўрганиш йўлида ҳар қандай машаққатлардан чўчимаслик хислати унинг етук, билимли, мард ва ўта даражада зийрак инсон бўлиб шаклланишига ёрдам беради. Абдурахмон Жомий ушбу ҳолатни куйидаги мисралар орқали ёрқин ифода этади:

Искандарнинг таъби ҳунар санж эди,
 Дилида ҳунардан ғазна – ганж эди.
 Ҳеч зое кетмади чеккан машаққат,
 Йўлига киритди бир олам ҳикмат.
 Зийрак ақли билан дўстларидан ҳам,
 Ҳар соҳада ўзиб кетарди илдам...
 Билим йўлида тик, тўғри бўлди у,
 Донолар наздида ҳикмат фақат шу...
 Қадам қўйса қикмат тўла дил билан,

Ҳамма вақт ҳамма ёқ бўлади равшан¹.

Абдурахмон Жомий инсонни шахс сифатида тарбиялашда моддий омиллар билан бир қаторда маънавий омилларнинг роли ҳам беқиёс эканлигини таъкидлаган ҳолда, мазкур омиллар сирасида мусиқанинг алоҳида ўрни ва роли борлигини кўрсатиб беради. Аллома «Мусиқа ҳақида рисола» номли асарида мусиқа илмининг шаклланиши, оҳангларнинг турлари, мақом куйларининг мазмуни, мусиқа асбоблари ҳамда уларнинг вазифалари борасидаги маълумотларни баён этар экан, мусиқанинг инсон руҳига турлича таъсир кўрсатишини айтиб ўтади. Хусусан, айрим мусиқий асарлар инсоннинг руҳиятига ижобий таъсир этиб, унинг кайфиятини кўтарса, айрим куй ёки қўшиқлар кишида тушкун кайфиятни ҳосил қилишига алоҳида урғу беради.

Аллома доно ҳамда нодон одамларни бир-бирларига қарама-қарши қўяди. Билимли, доно инсонлар билан билимсиз, нодон инсонлар ўртасида ҳамкорлик, ҳамфикрлик юзага келмайди, зеро, нодон одам ҳамиша маълум хатти-ҳаракатларнинг асл моҳиятини тўғри баҳолай олмайди. Абдурахмон Жомий ўзининг «Баҳористон» асарида мазкур фикрнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигини қуйидаги мисоллар орқали очиқ беради:

«Бир бўзчи бир олимга пулини омонат қўйган эди. Бир неча кундан кейин ўзига керак бўлиб қолди ва олимнинг уйига келди. Олим эшиги тагидаги супада ўтириб мударрислик қилар, олдида шогирдлари саф тортиб ўтиришар эди.

- Эй, устод, кечаги омонатни берсанг, керак бўлиб қолди, - деди бўзчи олимга.

- Бирпас ўтир, дарсим тамом бўлсин.

Бўзчи кутиб ўтирди, аммо дарс чўзилиб кетди, домланинг дарс пайтида бошини чайқаб қўйиш одати бор эди. Шошиб турган косиб буни кўриб, дарс бериш бош қимирлатишдан иборат экан, деб ўйлади-да, устодга:

- Сен кириб омонатни олиб чиқ, сенинг ўрнингга мен бош ирғаб турай, имшим зарур, - деди.

Донишманд буни эшитиб кулиб деди:

Билимдин лоф урар шаҳар фақиҳи,

Ҳар илмни билар ошқору ниҳон.

Ундан не сўрасанг қўл билан имо,

Ёки бош ирғишлаб қилади осон¹.

Абдурахмон Жомий асарларида ҳам бошқа алломаларнинг асарларида ифода этилганидек шахс тарбиясини самарали ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилади. Етук инсонга хос бўлган ахлоқий хислатлар унинг барча асарларида кенг ифода этилади. Хусусан, комил инсон қиёфасида акс этувчи маънавий-ахлоқий сифатлар - яхшилик, сахийлик, ширинсуханлик, камтарлик, сабр-қаноат, ростгўйлик, дўстлик, меҳнатсеварлик кабиларни тарбиялаш зарурлиги таъкидланади. Саховат, камтарлик ҳамда

¹ Жомий, Абдурашмон. Танланган асарлар. – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 196-бет.

олийжанобликни эса энг улуғ инсоний фазилатлардан деб билади. “Баҳористон” асарида аллома “саховат бирор нарсага қараб ёки бирор нарса эвазига бўлса, ҳатто талаб этилган нарса мактов ва миннатдорчилик бўлгани тақдирда ҳам у саховат эмас”, - дейди. Хусусан:

Сахий дема саховатига,
Бирор талаб қўйса гар одам.
Сахийликмас, бу савдогарлик,
Бунда йўқдир шараф ва карам.
Саховатдан кимнинг мақсади –
Агар бўлса шуҳрат, овоза,
Аҳли карам шахрида унга,
Ҳар доим беркдур дарвоза¹.

Абдурахмон Жомий инсон қаноатда ҳирс ва таъмадан узоқ бўлишни истади. Бу борадаги фикр «Баҳористон» асарида қуйидаги ҳикоят мисолида янада ёрқин ифода этилган:

Итдан сўрадилар:

- Нима учун сен бор уйга гадо қадами етмайди, сен ётган остонани тиламчи ҳатлаб ўтмайди?

Мен ҳирс ва таъмадан йироқман, - деди ит. – Таъмасизлик ва қаноатда машҳурман. Дастурхондан бир бурда нонга қаноат қиламан, қозондан бир ғажилган устихонга хурсанд бўламан. Аммо тиланчи ҳирс ва таъмада шуҳрат қозонган. У ҳамма вақт очман деб нолийди. Орқасида бир ҳафталик овқату, қўлида гадолик ҳассаси. ғаноат ҳамма вақт ҳирсу таъмадан узоқ, қаноатли ҳам таъмагир билан бўлолмас ўртоқ.

Айни ўринда шундай мазмундаги тўртлик ҳам келтирилади:

Кимнинг қалб дилига кирди қаноат,
Ҳирс билан таъмадан қутулди бори.
ғаноат гилами тўшалган ерда
Синди очкўзлигу таъма бозори¹².

Абдурахмон Жомий инсонийлик фазилатларидан саналган камтарликни тарғиб этар экан, кибр-ҳаво, манманлик, разолат, жоҳиллик каби иллатларни қоралайди. Шу ўринда аллома такаббур, манман шахслар бош кўтарган бошоқ каби ўроқ зарби билан ерга йиқилиб, сарғайиб, сўлиши муқаррар эканлигига урғу берса, камтар кишилар хусусида сўз юритганда эса тупроққа ташланган донни қушлар авайлаб ердан кўтариб кетганларидек, улар ҳам эъзозда бўладилар, дея таъкидлайди. Алломанинг бу борадаги фикрлари қуйидаги мисраларда ўз ифодасини топган:

Такаббурлик зиёнди, ундан андиша қилғил,
Кўрдингми, у бошоқни, бош кўтарди ва бўлди,
Ўроқнинг зарби билан ерга йиқилди, сўлди,
Кўрдингми, дон ўзини, тупроққа ташлар камтар,
Уни авайлаб ердан кўтаргусидир қушлар,
Кимки камтарлик айлар, удир улуғликка хос,

¹ Жомий, Абдурашмон. Танланган асарлар. – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 317-бет.

¹² Ёша асар, 297-298-бетлар.

Эгилган бошни ҳар ким, улуғлайди беқиёс¹³.

Абдурахмон Жомий асарларининг мазмунида улуғланган яна бир инсоний сифат – бу дўстлик ва унга нисбатан садоқатли бўлиш ғоясидир. Инсонлар бир-бирлари билан ижтимоий муносабатга киришар эканлар, улар ўртасида юзага келувчи дўстона муносабат юксак камолотнинг ёрқин белгиси сифатида намоён бўлади, дея қайд этади аллома. У ҳақиқий дўстликнинг муҳим белгилари сирасига дўстга содиқлик, қийин ва мураккаб вазиятларда ундан қочмаслик, аксинча, ҳамдард, меҳрибон бўлиш, дўстлиги эвазига бирор нарсани таъма қилмаслик каби хислатларни киритади. Айни ўринда қуйидаги мисраларни келтиради:

Чин дўст ул – дўстлиги ошаверса гар,
 Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам.
 Бошига минг жафо тоши ёғилса,
 Меҳр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам.
 Дўст ҳажридан ошиқ кутар адолат,
 Ё васл эшигида турар бир ҳолат.
 Дўстликдан ўзга бир мақсади бўлса,
 Оламда борми ҳеч бундан разолат¹⁴.

Абдурахмон Жомий томонидан “Искандар хирадномаси” номли достонининг “Искандарнинг покизалар шаҳрига етиши” бобида ифода этилган етук инсонга хос хислатлар борасидаги қарашлар Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарининг таркибий тузилмасидан жой олган “Фозиллар шаҳри ҳокимининг фазилатлари” бандида илгари сурилган фикрлар билан ўзаро уйғундир. Ҳар икки асарда ҳам фозиллар шаҳри аҳолисига хос бўлган хислатлар яхшиликнинг ғолиб келиши барча ёмон иллатлар - уруш, низо, жаҳолат, зулм, бойликка ҳирс қўйиш ҳамда таъмағирликнинг барҳам топиши асосида кечишини очиб беради.

Искандар жаҳон кезиб, ниҳоят бир шаҳарга келади. Ушбу шаҳар аҳолисининг маънавий-ахлоқий қиёфаси, уларнинг турмуш тарзи шоҳни лол қолдиради. Мазкур шаҳарда одамлар тинч, осойишта, уруш-жанжалларсиз ҳаёт кечирадилар; барча бирдек меҳнат билан шуғулланади. Шаҳарда ўғри йўқ, шу боис барча эшиклар қулфсиз. У ерда адолат ҳукмрон бўлиб, фуқуrolар ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлилик ҳисси қарор топган. Бундай ҳаёт тарзи ушбу шаҳар аҳолисига ота-боболаридан мерос қолган бўлиб, улар мавжуд анъаналарни эъзозлаб асрайдилар ва уларга қатъий амал қиладилар.

Абдурахмон Жомийнинг тасаввурларида шаклланган “Ќокизалар шаҳри” алломанинг юксак орзу-умидлари тимсоли, ҳар жиҳатдан мукаммал, идеал ижтимоий тузум намунасидир.

Мутафаккирнинг қарашларига кўра етук, комил инсон элу юрт манфаати йўлида хизмат қилиб, яхши ном қолдириши зарур. “Силсилатуз-заҳаб” достонида баён этилган қуйидаги пандлар Абдурахмон Жомийнинг ижтимоий қарашлари моҳиятини акс эттирувчи умумий ғоя саналади:

¹³ Ыша асар, 191-бет.

¹⁴ Ыша асар, 144-бет

Ўз конингдан ташқари қўйгил қадам,
 Гавҳарингни айла пардоз дам-бадам.
 Конда гавҳар ётгани бефойда,
 Эл учун ундан келур не фойда.
 Қолдирай десанг жаҳонда яхши ном,
 Яхшилик қил, яхшилик қилгил мудом.
 Яхшиликни сен ўзингга пеша қил,
 Ҳеч кишига ранжу озор бермагил.

Мазкур асарда аллома, яна шунингдек, тарбия масалалари хусусида сўз юритар экан, ижтимоий тарбияни ташкил этишга жиддий эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб топади. Бироқ тарбияни изчил ва узлуксиз йўлга қўйишига эришишни бу йўлдаги муҳим вазифа дея ҳисоблайди. Зеро, ҳар қандай гиёҳни ҳам парваришлаш асосидагина ундан яхши ҳосил олишни кўзлаш мумкин. Агарда инсонга унинг болалигиданоқ яхши тарбия берилса, у комил инсон бўлиб вояга етишига ишонч билдирилади. Абдурахмон Жомийнинг «Силсилатус заҳаб» («Олтин тизмалар») достонининг таркибига киритилган «Тарбиянинг аҳамияти ҳақида» номли бобнинг мазмунида куйидаги фикрлар ифода этилади:

Ёқилса олов, бошда яхши ёнар,
 Агар топмаса парвариш тез сўнар.
 Темир ёки тошдан чиқарсанг-да, ўт,
 Ўтинсиз бўлур ушбу ўт бесубут.
 Ўтин-ла олов бўлса гар ҳамнафас,
 Аланга олиб гуркирар басма-бас.
 Қаласанг агар унга тутантурук,
 Ўшанча бўлур шуъласи ҳам бўлуқ.
 Аланга бўлур барча учкунлари,
 Ёниб турғусидир туну кунлари.
 Юрак ўти ҳам худди шундай эрур,
 Агар парвариш топса мангу турур.

Абдурахмон Жомий асарларида яхшилик баркамол инсонга хос бўлган муҳим ахлоқий хислат моҳиятини ифода этувчи хатти-ҳаракат сифатида улуғланилиши бежиз эмас. Зеро, Ер юзида яхшилик ва ёмонликнинг мангу барқарор бўлиши, улар ўртасида борадиган абадий кураш, шунингдек, яхшилик ва эзгуликнинг ёмонлик ва ёвузлик устидан ғолиб келишига бўлган юксак ишонч туйғуси энг қадимги маърифий ёдгорликлардан тортиб, барча панднома жанрида яратилган маърифий асарларнинг асосини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Абдурахмон Жомийнинг етти достондан иборат “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) асарининг “Тухфат-ул-аҳрор” (“Эркинлар тухфаси”), “Сабҳат-ул-аброр” (“Яхшилар тасбиҳи”), “Силсилатус заҳаб” (“Олтин тизмалар”) каби фалсафий-ахлоқий асарлари ҳамда “Хирадномаи Искандар” номли достонида алломанинг баркамол инсон тарбиясига оид умуминсоний ғоялари ўз ифодасини топган.

Абдурахмон Жомийнинг “Саломон ва Абсол” достонида эса тубан

ҳис-туйғулардан тозаланиб, маънавий камолотга эришиш йўли бадиий тарзда ифода этилади.

Асарнинг мазмунида подшоҳнинг ўғли ва унинг тарбиячиси ўртасида юзага келган ишқий кечинмалар рамзий образлар воситасида ҳикоя қилинади. Шоҳ ўз ўғли Саломонга гўзал жувон Абсолни тарбиячи этиб тайинлайди. Саломон ҳам ақлан, ҳам жисмонан етук йигит бўлиб камолга етади. Абсол уни севиб қолади ва Саломонни ҳам макру ҳийла билан ўзига мафтун этади, Саломонда Абсолга нисбатан мойиллик пайдо бўлади. Саломон на отаси (шоҳ)нинг, на устоз (ҳаким)нинг пандларига кулоқ солмай, Абсол билан бирга оролга қочиб кетади. Аммо шоҳ уларни тутиб, асир олади. Имконини қилиб Саломон Абсол билан саҳрога чиқади. У ерда улар олов ёқиб, ўзларини гулханга ташлайдилар. Абсол гулханда куйиб ҳалок бўлади, Саломон эса омон қолади. Саломон Абсолни унута олмай қийналади. Ниҳоят Саломон устози (ҳаким)нинг панд-насихатларига кўра Абсол сиймосидаги Зухрага кўнгил кўяди. Шунда шоҳнинг ҳам кўнгил таскин топиб, тожу тахтни Саломонга топширади. Достоннинг ниҳоясида қиссадан ҳисса баён этилади. Филолог олим А.Қаюмовнинг фикрларига кўра, Абдурахмон Жомийнинг ушбу достонни яратишдан кўзда тутган мақсади ақл-идрок ва соғлом фикрга асосланган ҳолда иш тутиш ҳар доим ижобий натижалар берганлигини очиб беришдан иборатдир. Саломон ва Абсол ўртасида юзага келган муҳаббат рамзий мазмунга эга. Аллома таъкидлаб ўтганидек, жисм жонсиз яшай олмайди. Агар жон мавжуд бўлмаса, жисм ўлик танга айланади. Достонда Саломон образи – руҳнинг, Абсол образи жисмнинг тимсолидир. Саломон билан Абсолнинг оролда ёлғиз қолишлари ҳамда маишатга берилишлари ҳам рамзий мазмунга эга. Чунончи, достонда тасвир этилган денгиз ҳирсени англатади. Саломон ва Абсолнинг ўзларини гулханга ташлашлари мисолида руҳнинг гуноҳлардан фориғ бўлишига урғу берилади. Ўзини гулханга ташлаш билан Саломон ҳирслардан тозаланади. Жисм ўтда куйиб кул бўлади, руҳ омон қолади. Саломоннинг Зухрага кўнгил кўйиши мисолида эзгуликнинг буюк тантанаси ифода этилади. Гуноҳлардан фориғ бўлган руҳнинг янги ҳаёт бошлаши инсоннинг маънавий камолотга эришиш борасидаги ғалабасини намоён этувчи ҳодисадир. Айни ўринда Зухра образи маънавий камолотнинг тимсоли сифатида келтирилади¹.

Демак, Абдурахмон Жомий “Саломон ва Абсол” достонидан ибратли ривоятлар мисолида кишиларга тубан ҳирслардан тозаланиб, маънавий камолотга эришиш йўллари кўрсатиб беради. Инсон ҳар қандай ҳирсу майлдан юқорироқ бўлиши, ақл-идрок ва соғлом фикр юритиб иш кўриши лозим, деган фикрни илгари суради ва тасаввуф ғояларини тараннум этади.

Аллома ўз асарларида юксак инсоний сифатларни тараннум этар экан, уларнинг энг муҳимлари сифатида куйидаги хислатларни қайд этади ҳам мазкур хислатларнинг ҳар бир инсон қиёфасида акс этиши ҳаётий зарурият дея ҳисоблайди: инсонийлик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, саховат ва карам, меҳр-мурувват, чин инчоний муҳаббат, ростгўйлик, камтарлик,

¹ Жомий Абдурашмон. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол (Масъул мушаррир ва сызбоши муаллифи А. +аюмов). – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 5-бет.

жасорат, мардлик ва бошқалар. Айни вақтда инсоннинг такаббурлик, молу дунёга қирс қўйиш, ёлғончилик, жоҳиллик, таъмагирлик каби салбий хислатлардан халос бўлишини мақсадга мувофиқ деб топади. Абдурахмон Жомий инсонга хос бўлган маънавий-ахлоқий сифатлар ва шахсда уларни шакллантириш масалаларини ўз асарларида шеърӣ мисралар орқали янада таъсирчан услубда очиб беришга ҳаракат қилади. Юқорида номлари қайд этилган асарларда баён этилган фикрлар ҳаётӣ хусусиятга эгалӣ боис асарлар давомида ўзининг назарӣ қимматини сақлаб қолишга муяссар бўлмоқда.

6. Алишер Навоӣ. Ҳаётӣ ва фаолияти (1441-1501)

Ўзбек адабиётининг асосчиси, шеърӣт мулкининг султони, маърифатпарвар шоир, давлат арбоби Алишер Навоӣ 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилган. Ёш Алишер фавқулодда истеъдод эгаси бўлиб, истеъдодининг дастлабки кўринишлари у уч-тўрт ёшга тўлган вақтлардаёқ намоён бўла бошлаган. Шу вақтда у Фариддин Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» асарини ёд олади.

Алишердаги илм ўрганишга бўлган кучли қизиқиш ҳамда иштиёқни ўз вақтида англаган ота-онаси уни 1445 йилда мактабга берадилар. Мактабда таҳсил олаётган чоғларида ўтмиш мутафаккирлари ва ўз замонасининг забардаст шоирларининг ижодлари билан яқиндан танишади. Мазкур даврда бадий мавжуд асарлар мазмунини ўқиб-ўрганиш билан кифояланиб қолмай, 10-12 ёшидаёқ мустақил равишда шеърлар ёза бошлайди. Ёш Алишер томонидан яратилган шеърӣ мисралар ўзида юксак бадий ва фалсафӣ ғояларни акс эттирар эди. Чунончи, унинг устози Лутфӣга ўқиб берган куйидаги мисралари бугунги кунга қадар шеърӣт ихлосмандларининг хайратига сазовор бўлиб келмоқда:

Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач куёш.

Қомусӣ билимларни чуқур ўзлаштирган Алишер Навоӣ халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонади. Болаликда бирга улғайган дўсти султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоӣнинг истеъдоди, билими ҳамда ҳаётӣ қарашларини юксак қадрлаган ҳолда уни ўзига вазир этиб тайинлайди. Давлат арбоби сифатида фаолият олиб борган

Алишер Навоӣ фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тарих, тил билимлари, мусиқа, ҳаттотлик, тасвирий санъат ҳамда меъморчиликнинг ривожӣ йўлида амалӣ ҳаракатларни олиб бориш билан бирга ёшларга таълим ва тарбия бериш масалаларига ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратди. Улуғ мутафаккир ўзининг «Хамса», «Маҳбуб-ул-қулуб», «Муножот», «Вақфия», «Мажолис-ун-нафоис», «Муҳокамат-ул-луғатайн», шунингдек, Абдурахмон Жомийнинг «Арбаъин» номли асарининг таржимаси сифатида

яратилган «Чихил ҳадис» («ғирқ ҳадис») каби асарларида таълим-тарбия масалаларига оид қарашларини ифода этади.

Алишер Навоий ўз асарларида комил инсон образларини яратиб, улар қиёфасида намоён бўлувчи маънавий-ахлоқий сифатларни улуғлаган бўлса, таълимий-ахлоқий муаммоларни ёритувчи асарларида эса комил инсонни шакллантириш жараёнининг мазмуни, ушбу жараённинг ўзига хос жиҳатлари, йўллари, шакл ва усуллари борасидаги мулоҳазаларни баён этади.

Алишер Навоийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари, шу жумладан, комил инсонни шакллантириш концепциясининг мазмунини ўрганиш муайян даврларда долзарблик касб этган. Шу боис бу йўлда бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, навоийшунос олимлар О.Шарафиддинов, И.Султонов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, Т.Жалолов, В.Зоҳидов ва С.Ғаниева ва бошқалар томонидан самарали равишда олиб борилган тадқиқотлар шулар жумласидан саналади.

Аллома томонидан яратилган асарлар мазмунидан англанадики, уларда илгари сурилган қарашларнинг марказида инсон ва унинг камолотини таъминлаш ғояси туради. Мазкур ўринда навоийшунос олим В. Зоҳидов куйидаги фикрни ифода этади: «Навоий ижоди ҳамда амалий фаолиятининг энг асосий, марказий масаласи, йўналиш нуқтаси ҳар нарсадан олдин инсон, унинг тақдири, бахти, саодати, унинг яхши яшаши, бу учун зарур жамият масалаларидир».

Алишер Навоийнинг таълимий-ахлоқий қарашларида етук инсон тарбияси мазмуни, шакл ва услуби

Алломанинг тасаввуридаги комил инсон ўз қиёфасида энг юксак инсоний фазилатлар мужассам эта олиши лозим. Чунончи, у ижодкор, қобилиятли, шу билан бирга илм-фанга нисбатан муҳаббатли бўлмоғи зарур. Алишер Навоийнинг қарашларига кўра, ана шундай сифатларнинг соҳиби бўла олган инсонгина ўз кучи ҳамда ақлу заковатига ишонади. Ўз кучи ва ақлу заковатига қаттиқ ишона олган инсонгина турли қийинчиликларга бардош бера олади, у ўта мураккаб муаммоларни ҳам ечимини топа олишга қодир. Илм-фан сирларидан хабардор бўлишнинг инсон аҳамиятини ёритар экан, аллома айни ўринда илмни қоронғуликни ёритадиган чироқ, ҳаёт йўлини нурафшон этадиган қуёш, одамларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсата олувчи омил сифатида таърифлайди. Ушбу фикр мутафаккир томонидан яратилган «Назм-ул-жавоҳир» асарида куйидагича баён этилади:

Ким олим эса нуқтасида барҳақ де они,
 Гар базм тузар бихишти мутлақ де они.
 Ҳар кимсаки йўқ илм ахмақ де они,
 Мажлисдаки илм бўлса учмақ де они¹ .

¹ Алишер Навоий, Назм-ул жавоҳир. Арбаъин. Насойим-ул мушаббат. Асарлар. Ён беш томлик. 15-том. - Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 45-бет.

Мазкур тўртликнинг мазмунида илмли, оқил одам ўз мақсадига эришиш йўлида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади, ким илмни ўзига таянч қилиб олса, у ҳеч қачон қоқилмайди, зеро, илм инсоннинг бахт-саодатини таъминлашга хизмат қилади деган ғоя ўз аксини топган.

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг ўн биринчи мақолатида эса мутафаккир илмни қуёш, ой ҳамда кундуз сифатида қуйидагича таърифланади: «Илм сипехрнинг баланд ахтарлигидаким, жаҳл тунин ёритмоқ учун «айн»и (), қуёшдан ва «лом»и () ойдин ва «мим» () кундуздин нишона айтур. Ва жаҳл шоми тийра манзаралиғдаким, ғафлат чоҳини залолат кечасида зоҳир қилиб, бу кечада шаҳоватдин фасона айтур. Ва олимнинг бовужуди ганжу мол туфроқ аро нажандлиги» («илм осмоннинг юлдузларидек баланд мартаба, мавқега эга, билимсизлик тунини ёритиш учун араб алифбосидаги «айн» қуёш, «лом» ой, «мим» эса кундуз белгиларини ифода этади; билимсизлик шомининг қоронғи кўриниши ғафлат чоҳини пастлик кечасида зоҳир бўлиб, бу кечада олимнинг бутун бахтсиз вужуди қуёшдек юксак, жоҳилнинг эса бутун борлиғи бойлик, мол бўлса ҳам тупроқдек хордир»). Ушбу ўринда араб тилида () айннинг маъноси қуёш, () ломнинг маъноси ой (шаклан ойга ўхшайди ва абжид ҳисобида “ўттиз”ни билдиради), () мимнинг маъноси эса кундуз эканлигига алоҳида урғу берилади¹⁵. Алишер Навоий илмни қуёш, ой ҳамда кундузга ўхшатиш орқали, у инсонни бахт-саодатга элтувчи восита эканлигига эътиборни қаратади.

Алишер Навоий илм ўрганишга интилишни инсон камолотини таъминлаш учун хизмат қилувчи энг зарур фазилатлардан бири деб билади. Илмни инсонни, халқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқазувчи омил сифатида таърифлайди. Асарлари мазмунида илгари сурилган ғоялар ёрдамида кишиларни илмли ва маърифатли бўлишга ундайди. Мутафаккир илм ўрганишни ҳар бир кишининг инсоний бурчи дея эътироф этади. Зеро, илм ўрганишдан мақсад ҳам халқнинг фаровон, бахтли-саодатли ҳаёт кечиришини, мамлакатнинг обод бўлишини таъминлашга ҳисса қўшишдир, дея таъкидлайди. Билимли ва доно кишилар ҳамиша ўз халқининг манфаати ҳамда мамлакатининг равнақи йўлида фаолият олиб боришларига ишонади. Мазкур ўринда Мирзо Улуғбекни ана шундай хислатга эга бўлган кишилардан бири бўлганлигига урғу беради ҳамда унинг номи тарих саҳифаларида абадий сақланиб қолади, деб ҳисоблайди. Алишер Навоий орзу қилган комил инсон фақат илмли бўлиш билан қаноатланиб қолмайди. Уни етук инсон сифатида таърифлаш учун унда, яна шунингдек, сабр-қаноат, сахийлик, ҳиммат, тўғрилиқ, ростгўйлик, тавозе, адаб, вафо ва ҳоказо сифатларнинг ҳам мавжуд бўлиши тақозо этилади.

Алишер Навоий асарлари мазмунида ўз аксини топган ҳар бир фикр амалий аҳамиятга эга, зеро, мутафаккир уларни ўзининг улкан ҳаётий тажрибасига таянган ҳолда баён этади. Аллома узоқ йиллар давомида олиб борган ҳаётий кузатишлари ва тажрибаси асосида «Махбуб-ул-қулуб» («Кўнгилларнинг

¹⁵ Алишер Навоий, Хамса (нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). - Тошкент, Фан, 1960, 94-бет.)

севгани») асарини яратади. Ушбу асарда «Хамса» достонининг таркибий тузилмасидан ўрин олган «Ҳайрат-ул-аброр», шунингдек, «Назм-ул-жавоҳир» каби таълимий-ахлоқий асарларида илгари сурилган ахлоқий қарашларни мазмун жиҳатидан янада бойитади.

Мутафаккир «Маҳбуб-ул-қулуб» асарини ёзишдан кўзлаган асосий мақсадини асар муқаддимасида қуйидаги тарзда очиб берган: «Ҳар кўча-кўйда югурибман ва олам аҳлидин ҳар хил кишиларга ўзимни етказибман. Яхши ва ёмоннинг феъл-атворини билибман, ёмон-яхши хислатларини тажриба қилибман.

Яхшилик ва ёмонликнинг аслини ҳам, захрини ҳам тортиб кўрдим. Хасислар ва карамлар етказган яра ва берган малҳамни кўнглим таг-туғи билан сезгандирман. Замон аҳлидан баъзи ҳамсухбатлар ва давр кишиларидан айрим дўстлар бу ҳоллардан хабарсиз ва кўнгиллари бу яхшилик ва ёмонликлардан асарсиздир...

Бу хилдаги ҳамсухбат ва дўстларни хабардор қилмоқ ва бу ҳоллардан огоҳлантирмоқ лозим кўринадики, ҳар тоифанинг хислатларидан маълумотлари ва ҳар табақанинг аҳволидин билимлари бўлсин, кейин муносиб кишилар хизматига югурсинлар ва номуносиб одамлар суҳбатидан тортинишни зарур билсинлар ва барча одамлар билан махфий сирлардан сўз очмасинлар. Шайтон сифатлар ҳийла ва алдовларига ўйинчоқ бўлиб қолмасинлар. Кимки ҳар хил кишилар билан суҳбатлашиш ва яқинлашишни ҳавас қилса, бу борада каминанинг тажрибаси ёшлар учун етарлидир»¹.

Асар уч қисмдан иборат. Алишер Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, асарнинг биринчи қисмида турли тоифага мансуб одамларнинг феъл-атворлари; иккинчи қисмида яхши хислатлар ва ёмон феъллар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари; учинчи қисмида эса яхши феъл ва хислатлар, инсонда уларни шакллантиришга оид қарашлар баён этилади.

Аллома мазкур асарда кишиларни муносиб ва номуносиб кишилар тарзида икки тоифага ажратади. Ҳар бир инсоннинг ҳаётда учрайдиган номуносиб кишиларни яхши хулқли инсонлардан ажрата олиш лаёқатига эга бўлиши муҳим эканлиги, ёмон хислатларга эга кишилар билан муносабатда бўлишдан сақланиш лозимлигини уқтириб ўтар экан, бу борада «Маҳбуб ул-қулуб» асари ёрдамидан фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмаслигини таъкидлайди. Мазкур ҳолат Алишер Навоийнинг шахсий ҳаётий тажрибалари асосида ёшларни комил инсон бўлиб вояга етишишга ундашишидан далолат беради. Мутафаккир ёшларнинг асар мазмунида ўз ифодасини топган ҳаёт сабоқларидан ўзлари учун тегишли хулосаларни чиқариб олишларига умид билдиради.

Алишер Навоий илм-фаннинг инсон камолотидаги ўрни, билимларни ўрганиш асосида ҳосил бўлган ақл ва идрокнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳамда ақлий тарбия ва унинг моҳиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратади. Аллома инсонга хос бўлган маънавий-ахлоқий хислатлари хусусида сўз юритади ҳамда мазкур сифатларнинг ҳар бирига тўлақонли таъриф бериб

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-қулуб. Асарлар. 15 томлик. 13-том. — Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 192-193-бетлар.

ўтади. Қаноат, сабр, тавозе (адаб), ўзгаларга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиш, ишқда вафодорлик, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, юмшоқ кўнгиллик (ҳилм) каби хислатларни ижобий фазилатлар сирасига киритади ва уларнинг ҳар бирига таъриф берганидан сўнг танбеҳ ва ҳикоятлар воситасида шахсий қарашларини далиллар билан тўлдиради. Асарда, шунингдек, ахлоқий фазилатларнинг антоними ҳисобланган салбий иллатлар ва улардан қутулиш йўллари ҳам баён этилган.

Мутафаккир ахлоқлиликнинг энг муҳим мезони одоб деб ҳисоблайди. Одоби, ахлоқли бўлиш инсонга атрофдаги кишилар ўртасида муайян мавқе ҳамда ҳурматга сазовор бўлишга ёрдам беради. Одобга эга бўлишнинг инсон ҳаётидаги ролини кўрсатиб берар экан, Алишер Навоий шундай фикрларни ифода этади: «Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у дуо баракати билан умрбод баҳраманд бўлади. Адаб, кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнгида абадий қолади.

Ёшларни кўзга улуғ кўрсатади. Уларнинг юриш-туришини халқ улуғвор билади. Ўзига қарши халқ томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини боғлайди ва кишини ҳазил-мазахдан ва камситилишидан сақлайди. Киши табиатини инсонлик йўлига солади ва одам мижозига одамгарчилик манзилида ором беради. Кичикларга ундан мунча натижа ҳосил бўлгач, катталарга аллақачон бўлишини кўрарсан.

Адабдан муҳаббатга безак ва пардоз этади, адаб таркидан дўстликнинг равнақ ва баҳоси кетади. Адаб ва тавозуъ дўстлик кўзгусини ярқиратади, икки томондан ёруғлик еткази.

Тазозуъли ва адаблиларга таъзим ва ҳурмат этади ва у уруғни эккан бу қимматбаҳо ҳосилни тўплаб олади. Халқ муомаласида яхши ахлоқнинг бошланғичи шу хислатлар ва бу хислат қаттиқ ўрнашса, муҳаббатга халал етиши маҳолдир. Агар ҳар икки томонда яхши хулқ бўлса, адаби ва тавозуъ эвазига таъзим пайдо бўлади»¹.

Демак, яхши хулқнинг асоси бўлган одоб Алишер Навоийнинг талқинида барча инсоний хислатларнинг бош бўғини саналади. ғаноат, сабр, тавозе, ишқ, вафо, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, ҳилм (юмшоқ кўнгиллик) каби ижобий фазилатларнинг одобли, ахлоқли кишилар қиёфасидагина намоён бўлишига урғу бериб ўтади. Мутафаккир инсонга хос бўлган маънавий-ахлоқий хислатлар хусусидаги фикрларини уларнинг ҳар бирига тўлақонли таъриф бериш асосида давом эттиради. Чунончи, «қаноат – булоқдир – суви олган билан қуримайди. Ҳазинадир – нақдинаси сочилгани билан камаймайди. Экинзордир – уруғи иззат ва шавкат меваси берадир. Дарахтдир – шохи тортинчоқлик ва ҳурмат меваси еткази.

Кимки, қаноатга одатланса, шоҳ ва гадой борди-келдисидан озод бўлади қаноат кўрғондир, у ерга кирсанг нафс ёмонлигидан қутуларсан, тоғликлардир – у ерга чиқсанг душман ва дўстга қарамликдан халос

¹ Алишер Навоий, Машбуб-ул-улуб. Асарлар. 15 томлик. 13-том. – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 206-207-бетлар.

бўларсан; тубанлашишдир – натижаси юксаклик; зориқишлиқдир – фойдаси эҳтиёткорлик уруғининг меваси фаровонлик»¹.

Алишер Навоий қаноатни тўлдирувчи инсоний фазилатлар сабр, сахийлик, карам, мурувват, ҳиммат эканлиги таъкидлаб ўтади. Мазкур хислатларнинг бир-бирига яқинлиги ҳамда уларни инсоннинг обрў-эътиборини юксак даражага кўтаришга хизмат қилувчи хислатлар саналишини айтиб ўтади. Айтиш мумкин сабр деб аталувчи хислатга шундай таъриф беради: «Сабр аччиқдир – аммо фойда берувчи, қаттиқдир – аммо зарарни даф этувчи. Сабр шодликлар калитидир ва бандлар очкичидир.

У ўртоқдир – суҳбати зериктирарли, аммо мақсадга олиб борувчи; у улфатдир – умиди узун, аммо охири истакка элтувчи.

Уловдир – юриши тахир, аммо манзилга етказувчи; туядир – қадами оғир, лекин бекатга туширгувчи.

Аччиқ сўзли насиҳатчидай табиат ундан олинади, лекин заминда мақсад ҳосил бўлади. Бадхўр дори берувчи табибдай касал ундан қийналади, аммо сўнгида соғлиқ юз беради»².

Асарда сахийлик сифатига эса инсонийликнинг ҳақиқий мезони дея таъриф берилади. Алишер Навоийнинг талқинича, сахийлик, саховат одамларнинг мушкулини осон қилиш мақсадида уларга бериладиган миннатсиз ёрдамдир. Аллома инсонларни бир-бирларига нисбатан саховат кўрсатишга даъват этади. Ҳимматлилиқ, мурувват, карам каби хислатлар эса саховатнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Ушбу фазилатларга таъриф берар экан, мутафаккир қуйидаги фикрларни қайд этади: «Сахийлик (қўли очиклик) кишилиқ боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилиқ ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл гавҳаридир. Яхшилиқ, карам – бир жабрланганнинг қаттиқчилиқ юқини кўтармоқ ва уни ўша қийинчилиқлардан қутқармоқдир. Карам бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва тикан учидан гулдек очилмоқ ва ўша қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғзига олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмаслик»¹⁶. «Мурувват карамнинг уруғ-авлоди, эгизак қариндоши, кимки бу хислатларга эга бўлса иззат ва ҳурматга сазовор бўлади» каби фикрлар асосида эса мурувват деб аталувчи хислатга таъриф берилади. Алишер Навоий карам ва мурувват сифатларини ота-онага қиёсласа, вафо ва ҳаёни эса эгизак фарзандлардир дея таъкидлайди.

Бироқ аллома ҳар қандай кўринишдаги эҳсонни ҳам сахийлик деб тушунмайди. Саховат кўрсатяпман деб исрофгарчиликка йўл қўйишни, кўрсатган ёрдамини таъкидлаб кўрсатиш ва миннат қилиш ҳолатини қоралайди. Алишер Навоий саховат ва ҳиммат каби сифатларга таъриф берар экан, уларнинг маъносини кенг доирада очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу боис уларни ижтимоий муносабатлар даражасида ёритади. Яъни, уларни, энг аввало, ахлоқий-дидактик қоидалар ҳамда жамият

¹ Ыша асар, 203-бет.

² Ыша асар, 204-205-бетлар.

¹⁶ Ыша асар, 216-217-бетлар

равнақини таъминловчи воситалардан бири деб ҳисобласа, иккинчидан, ушбу хислатларга таъриф бериш орқали ёмон фазилатларга эга одамларни қоралайди.

Мутафаккирнинг фикрларига кўра, қаноат – шараф ва иззатнинг тантанасидир, молу давлатга эга, бироқ таъмагир бўлган инсонларни хор ва пасткаш кишилар дея ҳисоблайди.

Асар мазмунида Алишер Навоий ёшликнинг қадрига етиш, энг яхши хислатларни ўзида таркиб топтириш, нафс истагидан ўзини тийиш йўлида олиб борилаётган хатти-ҳаракатларни улуғлайди. Такаббурлик, манманлик, фақат ўз фойдасини кўзлаб иш юритиш, ҳасад, ғийбат, ёлғончилик, нодонлик, жоҳиллик, иккиюзламачилик, таъмагирлик, шошмашошарлик, бачканалик, пала-партишлик, фисқи-фасод юритиш, ялқовлик, ҳаромдан ҳазар қилмаслик каби иллатларни қоралаб, улардан халос бўлиш йўллари борасида ҳам сўз юритади.

Аллома томонидан яратилган қуйидаги рубоий ёмон иллатларга эга инсон бошига турли фалокатлар ёғилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳ этади:

Уч феъл кишига эрур қотил,

қотиллик аро захри ҳалоҳил охир.

Бухл англа бирин, бирин ҳаво бир охир,

қил ужбни ҳам аларга дохил охир¹⁷.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий ўзининг бадиий асарлари билан бир қаторда таълимий-ахлоқий асарларида ҳам ўзи орзу этган етук инсон қиёфасини яратади ва комил инсонга хос бўлган ахлоқий фазилатлар сирасига қаноат, саховат, ҳиммат, мурувват, вафо, тўғрилик, хилм, тавозеъ, адаб ва ҳоказо хислатларни киритади. Мазкур хислатлар таркиб топган инсон ўзгаларга нисбатан ёмонлик ва разиллик қилмаслиги, шунингдек, баркамол инсонларнинг бадт-саодатга эришишлари ва улар яшайдиган жамиятнинг ҳар жиҳатдан равнақ топиши шубҳасиз эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий асарларида тасвирланган бадиий қаҳрамонлар – Фарҳод, Қайс ва Искандар образларида жисмоний етуклик ҳамда ахлоқий камолот ўз ифодасини топгандир. Инсоннинг соғлом, бақувват ва ахлоқли бўлиб етишиши хусусидаги ўғитлар алломанинг дидактик-ахлоқий мазмунидаги асарларида марказий ўринни эгаллаган.

Аллома томонидан яратилган аксарият асарларда йигит киши ёшлигиданоқ ўзлаштириши шарт бўлган ҳарбий-жисмоний фазилатлар борасидаги фикрлар илгари сурилар экан, ёшларда мазкур фазилатларни тарбиялаш йўллари кўрсатиб берилади. Алишер Навоий ҳам бошқа мутафаккирлар сингари ҳар бир йигитнинг қуйидаги фазилатларни ўрганиши муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтади: камондан ота олиш – мерганлик, қиличбозлик, сувда сузиш, кураш туша олиш. Мутафаккир асарларида бош образ сифатида талқин этилган қаҳрамонлар ўзларида ана шу хислатларни

¹⁷ Галоҳил – Ёлдирувчи.

щаво – орзу, майл, истак, шойу щавасга берилиш, кибр осмонига кўтарилиш.

бухл – бахиллик, =урумсо=лик, ҳасислик.

ужб – манманлик, худбинлик, шушратпарастлик, риёкорлик.

таркиб топтиришга муваффақ бўла олгандирлар. Хусусан, Фарҳод, Баҳром ҳамда Искандарлар чавандоз, енгилмас баҳодир ва моҳир мерган бўлиб етишгандирлар. Уларнинг жисмоний камолотга эришиш жараёнларини ёритишга хизмат қилувчи лавҳалар “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” каби дostonларда ўз ифодасини топган. “Сабъаи сайёр” дostonида асар қаҳрамони Баҳромнинг моҳир мерган эканлигини ифодаловчи шундай лавҳа мавжуд: Дилоромнинг истаги билан шоҳ Баҳром овга чиқади. Ов чоғида у камондан ўқ отиб, бир кийикнинг аввал икки оёғини жуфтлайди, кейин эса иккинчи ўқ билан кийикни бўғзига ўқ отиб, бўғизлайди. Лавҳа тасвирланган ҳолат Баҳромнинг нақадар уста мерган эканлигидан далолат беради.

Бизга яхши маълумки, аждодларимиз ҳар бир йигитнинг ҳарбий-жисмоний маҳоратни пухта ўзлаштиришига алоҳида эътибор бериб келганлар. Мерганлик, сувда сузиш, қиличбозлик, шунингдек, кураш туша олиш сирлари ёш, ўқтам йигитларга бу борада чуқур билим ҳамда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган мураббийлар томонидан ўргатилган. Юқорида қайд этилган фазилатларни ўзида намоён эта олган йигитларда мардлик, жасурлик ва қаҳрамонлик каби хислатлар қарор топган. Мавжуд анъанага мувофиқ Алишер Навоий ҳам ўзининг бадиий ҳамда таълимий-ахлоқий асарларида ёшларда ушбу хислатларни тарбиялаш катта ижтимоий аҳамиятга ҳам эга эканлигини таъкидлаб ўтади.

Алишер Навоий билим олиш жараёнида барча фанлар асосларини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблайди. Шу боис аллома турли фанлар йўналишларида етук билимларга эга ва халқ ўртасида алоҳида ҳурмат-эътиборга эга бўлган олиму фозилларни йиғиб, уларнинг ёрдами билан илм-фаннинг ривожини таъминлашга эътиборни қаратади Ана шу мақсад йўлида Самарқандда ўзининг шахсий маблағи эвазига “Ихлосия” мадрасасини барпо этади ҳамда унинг ёнида мактаб очади. Мадраса ва мактаб фаолиятини шахсий маблағи ҳисобига йўлга қўяди. Мадрасада ўзига хос тартиб-қоидаларга мувофиқ фаолият юритилган. Талабалардан мавжуд тартиб-қоидага қатъий риоя қилиш талаб этилган. Шунингдек, талабанинг илм-фан сирларини мустақил равишда ёки етук илм соҳибларининг таълими асосида ўзлаштиришларига ижозат берилган.

Алишер Навоий ўз асарларида илм-фан асосларини пухта ўзлаштирган кишиларни улардан амалий фаолиятда самарали фойдаланишга ундайди. Хусусан, у “Маҳбуб ул-қулуб” асарида илм ўқиб уни ишлатмаган киши уруғ сочиб ҳосилидан баҳра олмаган кишига қиёсланишини айтиб ўтади.

Аллома томонидан яратилган асарларда комил инсонни тарбиялаб вояга етказишнинг услуб, восита ва усуллари юзасидан ҳам сўз юритилади. Алишер Навоий бола тарбияси билан оила ҳамда мактабда шуғулланиш, шунингдек, бола тарбиясини олиб бориш жараёнида намуна услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигига алоҳида урғу беради. Тарбия ва таълим ишлари ўқитувчи ҳамда ота-оналар томонидан олиб борилиши лозим. Мутафаккир болалар билан муносабатда бўлиш чоғида улар томонидан йўл қўйилган хатоликларни бартараф этишда уларга жисмоний жазо беришдан

сақланиш, аксинча, хушмуомалалик билан йўл қўйилган хатоларнинг моҳиятини уларга тушунтириш зарурлигини, бироқ бу ўринда маълум меъёрга амал қилиш зарурлигини айтади. Алишер Навоий ўқитувчининг, айниқса, талабчан бўлиши болаларнинг пухта билим олишлари ва уларда ахлоқий сифатларнинг шаклланишига муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Аллома маълум фан асослари ёки муайян касб-хунар сирларини ўрганишга лаёқатли, истеъдодли болаларни тарбиялашга алоҳида аҳамият бериш жамият учун катта фойда келтиради, қобилиятсизни тарбиялашга уриниш бефойдадир, деган хулосага келади ва бу ўринда қуйидагиларни баён этади: “қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир, қобилиятсизга тарбия хайф. Уни тарбия қилмаслик билан нобуд қилма, бунга тарбиятингни нобуд қилма”¹.

Алишер Навоий асарларида замонавий педагогика фани асослари каторида муҳим ўрин тутувчи омил ўз-ўзини тарбиялаш масаласининг моҳияти ҳам ёритилади. Бу борада билдирилган фикр мазмунига кўра, боланинг ўзи йўл қўйган хато ва камчиликларини ўзи англаб олиши ҳамда уларни бартараф этиш учун имконият яратиш зарур. Мутафаккирнинг эътироф этишича, кимки бу борада яратилган имкониятдан тўғри фойдаланса, ўз хатосини англай олади ва уни бартараф этишга ҳаракат қилади, кимки йўл қўйилган хатони англаш ва уни тўғрилашга ҳаракат қилиш ўрнига турли баҳоналарни рўқач қилаверса, хатолари сонининг яна биттага ошиши учун шахсан ўзи шароит яратади. Келтираётган баҳонаси қанча кўп бўлса, унинг янглишиши, хатоси шунчалик катта кўринади, камчиликнинг мавжуд эканлигини кўрсатган киши билан тортишиш қанча кучли бўлса, эл олдида унинг обрўси шунчалик пасаяди. Қуйида келтирувчи тўртлик ана шу мазмунни ифода этади:

Хатоға тадорик недур беҳилоф,
Аён қилмоқ ўз саҳвига эътироф.
Вагар қилса саҳвиға ижро даил,
Ки яхшидур айлар ики анча бил².

Мутафаккирнинг илм олиш йўллари хусусидаги қарашлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Алишер Навоий билимларни тинмай, узлуксиз ўрганиш зарур, дейди. Бу йўлда дуч келадиган ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин деб ҳисоблайди. Аниқ ҳаётий мақсадни белгилаб олган ҳолда ана шу мақсадни рўёбга чиқиши йўлида кунт билан ишлаш, тиришқоқлик билан ҳаракат қилиш, изчиллик фаолият олиб бориш, бу йўналишда олиб борилаётган ҳаракатни охирига етказишда чидамли, матонатли ва саботли бўлишни маслаҳат беради.

Юқорида баён этилган фикрлар мазмунидан англанадики, аллома ўз даврида илм олиш тамойилларини тўғри кўрсатиб, шунингдек, таълим тизими моҳиятини ҳам ёритиб бера олган. Алишер Навоий томонидан асосланган таълим тизими ўзида қуйидагиларни акс эттиради:

а) мактаб ёки мадрасада таҳсил олиш;

¹ Ю=орида номи =айд этилган асар, 17-бет.

² Ыша асар, 232-бет.

б) олим, ҳунарманд ёки санъаткорларга шогирд тушиш асосида таълим олиш;

в) мустақил равишда илм ўрганиш.

Ёшларга чуқур билим ҳамда ахлоқий тарбия беришда муаллимларнинг роли бекиёсдир. Муаллимлик фаолиятини олиб бориш ўта масъулиятли ва шарафли, айти вақтда мураккаб иш саналади. Ушбу фаолиятни самарали йўлга қўйиш мударрис ҳамда устоз-мураббийларнинг муайян талабларга тўлақонли жавоб бера олишларига боғлиқ. Энг муҳим талаб - уларнинг чуқур билим ва юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлишларидир. Ҳқитувчининг самарали ўқиш (таълим бериш) йўллари ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиши ҳам ниҳоятда муҳим. Алишер Навоий мазкур фикрларни илгари сураган экан, нодон, мутаассиб ҳамда жоҳил муаллимлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларини танқид қилади. Хусусан, “Махбуб-ул-қулуб” асарида мактабдорлар ва уларнинг фаолиятлари мазмуни хусусида тўхталиб ўтар экан, ўқитувчи меҳнати, шунингдек, мураббийлик ҳаққини холисона баҳолайди, бироқ шу ўринда уларнинг каттиққўл, жоҳил ва таъмагир бўлишларини қоралайди:

“Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашдан ожизлик қиларди. У эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким, бунга нима етсин. Шуниси ҳам борки, у тўдада фаҳм-фаросати озлар бўлади, ундан кишига юзларча машаққат келса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларга унинг ҳаққи кўпдир, агар шогирд подшоҳликка эришса ҳам унга (муаллимга) қуллук қилса арзийди.”

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”.

Айти ўринда ҳар бир ёшнинг ақлий ва жисмоний камолотга етишида илм-фан ва тарбиянинг аҳамиятини кўрсатиб бериш билан бирга жамият тараққиётининг таъминланишида асосий ролни ўйновчи илм аҳли, олиму фозилларга нисбатан ҳурмат кўрсатиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш масалаларига ҳам эътиборни қаратади.

Мутафаккир ўқитувчининг ҳурматини қай даражада юқори баҳоласа, унинг шахси ва фаолиятига нисбатан талабни шу даражада оширади. Айтиқса, мадраса мударрисларининг билимли, фозил, доно, камтар ва маънавий жиҳатдан пок бўлишларини талаб этади. Бу борадаги қарашларини қўйидагича ифода этади: «Мударрис (дарс берувчи) керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргизмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса. Ярамасликлардан кўрқса ва нодонликдан қочса, наинки: ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фикс ишларни мумкин, балки ҳалол қилса: ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир».

Алишер Навоийнинг таълимий-ахлоқий асарлари мазмунида ўз ифодасини топган аксарият ҳикматли фикрлар асрлар давомида инсоний муносабатлар

жараёнида такрор-такрор қўлланилиб келиши натижасида мақолларга айлангандир. Чунончи:

Дардлик кўнгил – шуълалик чироқ,
Ёшлик кўз – булоқ.

Туяқушга юк ортиб кўчиб бўлмас.

Ўт иши қовурмоқ,
Ел иши совурмоқ.

Ошнинг таъми туз билан,
Кишининг яхшилиги сўз билан.

Соғлик тиласанг, кўп ема,
Иззат тиласанг кўп дема.

Таъмагирдан яхшилик тилама,
Гадойдан ақча сўрама.
Бахилнинг омонатни асраши ажаб,
Вафодорнинг хиёнат қилиши ажаб.

Бузуқидан ҳаё тилама,
Золимдан шафқат тилама.

7. Жалолиддин Давоний ва унинг «Ахлоқи Жалолий» асари (1427—1502)

XV асрда фақат Эронда эмас, балки Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам ижтимоий-фалсафий, маърифий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Жалолиддин Давонийдир. Давонийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийларнинг ижтимоий фикрлари билан кўп жиҳатдан туташ келади. Улар дунёқарашининг мағзини комил инсон тарбиялаш учун юксак инсоний фазилатларни таркиб топтириш ташкил этади.

Жалолиддин Муҳаммад Ибн Асад ас-Сддиқий ал-Давоний Эроннинг Казарун вилоятидаги Давон қишлоғида 1427 йилда дунёга келган.

Жалолиддин Давоний бошланғич маълумотни қишлоғида олгач, Шерозга келади ва у ерда Дорул ай-том мадрасасида таҳсил кўради. Мадрасада у мусулмон қонуншунослиги (фиқҳ) билан махсус шуғулланади ҳамда илм-фан сирларини машҳур одамлардан ўргана бошлайди.

Унинг отаси Саъиддин ҳам ўз замонининг фозил кишиларидан бўлиб, ўғлининг ҳам илм-фанни чуқур эгаллашига ёрдам беради.

Мадрасани тамомлагач, Давонийнинг илмий қобилиятидан хабардор бўлган эрон ҳукмдори Султон Ёқуб Оқ қўйинли томонидан Шероз шаҳрига кози этиб тайинланади. У мадрасада ҳам мударрислик, ҳам қозилик вазифалари

билан шуғуллана бошлайди. Давоний фақат ўз юртида эмас, балки ўзга мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонади. Турли шаҳарлардан талабалар келиб, унда таҳсил оладилар ва улар орасидан ҳам етук фозилу фузалолар етишиб чиқади.

Давоний кейинчалик Эрон, Ироқ, Ҳиндистонда, Кошон, ғилон, Табриз, Ҳирот шаҳарларида саёҳатларда бўлиб, кўплаб олимлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзининг билими, дунёқарашини янада бойитган.

Давоний умрининг охириги йилларини ўз кишлоғида ўтказган. Олим 1502 йилда вафот этган. У Казарун яқинидаги кишлоғи Давонга дафн этилган.

Давоний ўз даврининг илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшган қомусий олим. Унинг йирик олим бўлиб етишишида Самарқанд, Ҳирот илмий муҳитининг ҳам катта таъсири бўлган. Чунки, илм-фан XIV—XV асрларда худди ана шу икки йирик фан ва маданият марказида тараққий этган. Давоний бу икки шаҳар илм аҳллари, шунингдек, Византия, Озарбайжон, Қирмон, Ҳурмуз, Табаристон, Хуросон ва Журжон олимлари билан узвий алоқада бўлган. Айниқса, Ҳиротда бўлганда машҳур шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомий билан учрашган ва кейинчалик у ердан кетганидан сўнг ҳам аллома билан хат ёзишиб турган.

Демак, Давонийнинг етук олим бўлиб етишишида Яқин ва Ўрта Шарқ, Мовароуннаҳрдаги етук олимлар билан ҳамкорлик қилиши муҳим омил бўлган. Давонийнинг мадрасадаги узоқ вақт мударрислик фаолияти унинг таълим-тарбия тўғрисида ўз қарашларига эга эканлигини кўрсатади.

Ҳ.Алиқулов тадқиқотларида келтирилишича, Давонийнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-педагогик меросини Шарқ ва ғарб олимлари Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» китобига таянган ҳолда тадқиқ этганлар. Самарқандлик олим Абу Тоҳир Хўжанинг «Ахлоқи Музаффарий», Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аллом» асарларида аллома ҳақида маълумотлар берилган. Лекин Ҳ.Алиқулов Жалолиддин Давоний ҳақида батафсил маълумот Али Давонийнинг «Жалолиддин Давоний» номли китобида, А.М.Шастрининг «Ислом маданияти ҳақида лавҳалар» номли асарида, инглиз тилида чоп этилган «Ислом қомуси», М.Дуайт ва Д.Д.Дональдсонларнинг китобларида анча батафсил айтиб ўтилганини таъкидлайди.

Ҳ.Алиқуловнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, Давонийдан қуйидаги илмий мерос қолган: «Рисолаи исботи вожиб» (Заруриятнинг исботи ҳақида рисола), «Рисолат ул-муфрадот» (Моддалар ҳақида рисола), «Рисолат ул-хуруф» (Ҳарфлар ҳақида рисола), «Рисолати фи тавжих ул-ташбих» (Мажоз талқини ҳақида рисола), «тариқати тарбият ул-авлод» (Болаларни тарбиялаш усули), «Арзнома» (Армияни бошқариш қоидалари) кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Давонийнинг шеърлари ҳам «Фоний» таҳаллуси билан чоп этилган. Лекин дунёга машҳур бўлган, форс тилида ёзилган «Ахлоқи Жалолий» асари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган ва шуҳрат қозонган. Мазкур асар 1470—1478 йилларда яратилиб, ғарбий Эрон Ҳокими Узун Ҳасан Оқ қўйинлига бағишланган. Бу асар 1839 йилда В.Ф.Томпсон томонидан инглиз тилига таржима қилинган. 1911 йилда Калькуттада нашр

қилинган. 1948 йилда Эшонжон Ибн Муҳаммадхўжа томонидан ўзбек тилига қисқача таржима қилинган. Мазкур асарни рус шарқшуноси А.А.Семёнов, Рье ва Браунлар фикрига таянган ҳолда уни мусулмон Шарқидаги машҳур китоблар қаторига қўшади, дейди тадқиқотчи¹.

Ҳақиқатан ҳам ушбу асар Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий ва бошқаларнинг ахлоқ мавзуидаги асарлари қаторида туради ва ахлоқий тарбияда ўзига хос ўринга эга бўлган асар саналади.

«Ахлоқи Жалолий»да ҳам инсон камолоти учун энг зарур бўлган ахлоқий фазилатлар йўллари ва усуллари баён этилади.

«Ахлоқи Жалолий» уч қисмдан иборат. Биринчи қисм — ахлоқ фанига, иккинчи қисм — «Одамнинг ички ҳолати» оилавий ҳаётига, учинчи қисм — «Шаҳар (давлат)ни бошқариш ва подшоҳлар сиёсати», деб аталиб, унда муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар кўтарилади. Чунончи, жамиятнинг пайдо бўлиши, давлат ва уни бошқариш масалалари, халқнинг фаровон ҳаёт кечиришида подшоҳларнинг ўрни, илм-фан тараққиётининг жамиятда тутган ўрни баён этилади.

Биз, асосан Давонийнинг инсоннинг ҳақиқий камолотга етишида ақлий ва ахлоқий шаклланиши масалаларига тўхталамиз. Аввало, Давоний ва бошқа мутафаккирларга эргашиб ўзининг ахлоқий қарашларини ўз салафлари каби талқин этди. Масалан, Абу Наср Форобий, Ибн Мискавейх, Насриддин Тусий, Ибн Синолар каби инсон камолотга эришишда адолат, донолик, шижоат сингари юксак фазилатларга эга бўлиши, ҳиссий билим билан бир қаторда нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини идрок қилишни тўғри талқин этди. Давоний инсоннинг камолга эришиши унинг бошқалар билан муносабатига ҳам боғлиқ эканлигини таъкидлайди, жамиятда, маълум ижтимоий муҳитда, бошқалар билан алоқада шалланиб тарбия топган инсон ўзи яшаган жамиятда адолат ҳукмрон бўлса, унда бахт-саодатга эришиши мумкин, дейди. Шунинг учун у «Ахлоқи Жалолий» асарида жамиятни адолатли — фозил шаҳарга ва жоҳил шаҳарларга бўлади. Форобий каби Давоний ҳам фозил шаҳар бошқарувчисидан ўнта энг яхши фазилат мужассамланган бўлиши керак, дейди. Булар: биринчиси — ҳукмдор одамларни эъзозлаши; иккинчиси — давлат ишларини адолатли ижро этиши; учинчиси — хирс ва шаҳватга берилмаслиги; тўртинчиси — ҳукмдорликда шошма-шошарлик ва ғазабга йўл қўймаслиги, балки шафқат ва мурувватга асосланиши; бешинчиси — халқнинг эҳтиёжини қондириш учун худонинг иродасидан келиб чиқиши; олтинчидан — халқ эҳтиёжини қондиришга оид ишларни бажаришга ҳаракат қилиши; еттинчиси — халққа нисбатан одил бўлиши; саккизинчи — ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кенгашиб ҳал этиши; тўққизинчиси — ҳар бир кишини унинг қобилиятига монанд лавозимга тайинлаши, қобилиятсиз кишиларга юқори лавозим бермасликни; ўнинчиси — адолатли фармонлар чиқариши, қонунни бузишга йўл қўймаслик кабилардир. Шунингдек, Давоний ҳукмдорнинг диний мажбуриятларга ҳам

¹ Али=улов Ш. Жалолиддин Давоний. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 20-бет.

риоя этиши кераклигини таъкидлаган. Кўриниб турибдики, адолатли шох тимсоли Давоний истаган ахлоқий камол топган шахсдир.

Давоний «Ахлоқи Жалолий»да ижтимоий-пийёсий масалаларга қайта-қайта мурожаат этади. Чунончи, жамиятнинг пайдо бўлиши, давлат ва уни бошқариш масалалари, адолатли ва адолатсиз подшолар, илм-фан тараққиётининг жамиятда тугган ўрни, ақлий ва ахлоқий тарбия, инсонда ижобий хислатларни таркиб топтириш масалалари ва бошқалар шулар жумласидан.

Давоний ўз асарида инсонни ижтимоий мавжудот сифатида қарайди, инсон фақат жамиятда, кишилар орасида, улар билан муносабатда шаклланади, деган фикрни илгари суради. У ўтмиш олимларининг таълим-тарбияга оид асарларидаги анъаналарни ривожлантирган ҳолда ўз қарашларини ўткир руҳшунос олим сифатида ҳам талқин этади, унинг фикрича бола яхши фазилатларни таълим-тарбия натижасида эгаллаши мумкин. Чунки, болада хис-туйғу жуда эрта шакллана боради, у улғая борган сари айрим жузъий нарсаларни ҳам ажрата бошлайди, тана аъзолари мустахкамланади, нарса ва ходисаларни бир-биридан ажрата бошлайди, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида тасаввурга эга бўла бошлайди, ақли тўлишиб, онги ўсади, дейди олим. Ана шу пайдо бўлган сезги ва ақл орқали ташқи дунёни билиши мумкин дейди.

Ола ўта таъсирчан ва тақлидчан бўлишини таъкидлар экан, олим яхши фазилатни ҳам, ёмон фазилатни ҳам у тезда қабул қилавериши мумкинлигини алоҳида уқтириб ўтади. Бола қалбини нақш солинадиган, суратларни осонликча тушириш мумкин бўлган тахтага ўхшатади.

Давонийнинг фикрича боланинг тарбия олиши, одоб-ахлоқли бўлиши унинг кейинги тарбиясига ҳам боғлиқ. Чунки ҳаётда ҳар куни бола кўрадиган, мулоқотда бўладиган нарсалар унинг хулқига яхши ва ёмон таъсир этади. Болада ҳар куни керак бўладиган инсоний хислатлар: юриш-туриш қоидалари, хушмуомалалик, ота-она ва бошқа катта ёшлиларни ҳурмат қилиш, тўғрилиқ ва ростгўйликни ўрганиш, ширинсуханлик, камтарлик, сўзлашув одобига риоя қилиш кундалиқ турмушда ўрганилади. Шунга кўра бундай хислатларни болаларда ҳар куни тарбияланиб борилиши муҳим. Бундай тарбияда эса ота-она олдида катта вазифалар қўйилади. Ота ва она бола тарбиясида баб-баравар масъулиятлидир, дейди Давоний.

Ота боланинг яхши фазилатларни эгаллаб, касб-ҳунар ўрганиб бориши, илм-фанни чуқур ўзлаштириб олиши учун моддий асос, яъни кийим-кечак, керакли буюмлар билан таъминлайди.

Она бола тарбиясида асосий қийинчиликларни бошидан кечирувчи саналади. У болага яшаш учун қувват беради, эҳтиётлаб асрайди, меҳр-шафқатини аямайди.

Болага оддий ахлоқий қоидаларни ўргатиш, юриш-туриш, ейиш-ичиш қоидаларига риоя этиш, ўз қилмиши олдида жавоб бериш масъулиятини ҳис этишини таркиб топтиришда ота ва она бурчлидир.

Бола тарбиясида ота-она билан бир қаторда мактабга чиққандан сўнг муаллим ҳам жавобгар саналади, дейди олим. Бунинг учун муаллимнинг ўзи ҳам яхши тарбия топган бўлиши шарт. Шу ўринда Давоний муаллимнинг

хислатларига, бола ва унинг ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор беради. Давоний муаллимни «Маънавий падар» деб атайти. Чунки ота болани жисман ҳаётга келтириб, жисмонан тарбияласа, муаллим уни маънавий жихатдан камолотга етказди, дейди олим. Рух қанчалик баданга яқин турса, муаллим ҳам тарбия борасида ота-онага шунчалик яқин деб кўрсатади. У ота-она тарбияси билан муаллим тарбиясини таққослар экан, муаллимнинг тарбия усули, методлари ота-онаникидан юқорироқдир, деб таъкидлайди. Чунки, ота-она тарбия усуллари, методлари билан муаллимчалик қуролланмаган бўлади, муаллим эса тарбия бериш билан бирга илм чўққиларини эгаллашда ҳам заҳмат чекади ва шогирднинг олган таълими ва тарбияси умрбод унинг ҳаёт йўлини белгилаб беради, деб айтади.

Шу ўринда Давонийнинг ақлий тарбия ҳақидаги қарашларини келтириш ўринлидир. Чунки олимнинг қарашларида ақлий тарбия ва билимларни эгаллаш масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Болаларга билим бериш ёшлиқдан бошлаш зарурлигини таъкидлайди. Мутафаккирларнинг фикрини давом эттирган ҳолда Давоний ҳам инсон ақлининг қудратига, унинг ижтимоий ҳодисаларни билишига, ақл илоҳий улуғ бир неъмат, ҳақиқат мезони эканлигига ишонади. Чунки инсон ақл ёрдамида ўз ҳатти-ҳаракатини, фаолиятини бошқаради.

Давонийнинг фикрича, ақл ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида, хоҳ давлат ишида, хоҳ илмни ўрганишда, хоҳ ижобий хулқ-одоб қоидаларини эгаллашда бўлсин, хоҳ ширинсуханлик, шеъриятда бўлсин, фаол қатнашади. Унинг бу ақидаси, яъни ақлий билишга таяниши илм-фан, маърифат, таълим-тарбия ва ахлоқ масалаларини талқин этишида кўпроқ намоён бўлади.

Давоний шунинг учун ҳам болаларга таълим-тарбия беришда ақлий тарбияга катта ўрин беради. Илм кишиларни ёмон одатлардан, разил ишлардан сақлайди, илм билан шуғулланиш ҳар бир инсон учун ҳеч қачон кеч бўлмайди, дейди Давоний. Афлотундан: «Қанча вақтгача таълим олиш ва илм ўрганиш яхши? — деб сўрабдилар. У: нодонликнинг ва жоҳилликнинг айб эканлиги қай вақтгача бўлса, илм ўрганиш ўша вақтгача яхшидир»¹ — деб жавоб берган экан.

Давоний олимларнинг жамиятда, давлатни бошқаришда тутган ўрнига катта аҳамият беради, унинг фикрига кўра ҳақиқий олим давлат ишларида фаол қатнашиши, жамиятга фойда келтирадиган мураккаб муаммоларни ечишда иштирок этиши керак. Олимлар табиат сирларини ўрганиш, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиши, омма ўртасида адолат қоидалари ҳамда ахлоқ нормаларини тарқатиш билан шуғулланиши, бошқалардан илгариги сафда туриши керак. Уларнинг маслаҳатларидан давлат муассасаларини бошқарувчилар фойдаланиши муҳим, деб уқтиради.

Давоний ҳам бошқа мутафаккирлар каби подшоҳларнинг маърифатли бўлишини истайти. Ана шундай подшолар ўз атрофига билимдон кишиларни тўплайди ва илм ақлининг жамият таракқиётида катта роль ўйнашини тушунади, дейди.

¹ Али=улов Х., Омонбоева Р. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ша=ида. Тошкент, Ё=итувчи, 1981, 36-бет.

Давоний инсоннинг маърифатли, юксак фазилатли бўлишида табиий фанларнинг роли катта, дейди. Математика, астрономия, тиббий фанлар жамиятга улкан фойда келтирувчи илм соҳаларидир, деб билади. Риёзиёт фанини ўрганган кишининг табиати қатъий ва саботли бўлади, дейди. Тиб илмининг эса жамиятга фойдаси ҳақида гапириб, табибларга зарур бўлган касалга ташхис қўйиш масалаларига тўхтаб ўтади. Табиб беморга тўғри ва аниқ ташхис қўйгандан сўнггина беморни даволаш кераклигини уқтиради.

Давоний инсоний фазилатлардан доноликни таҳлил этар экан, инсон ўзининг ақлий қобилиятини, истеъдодини тарбиялаш учун қуйидагиларга амал қилиш:

Биринчиси, зукколик — зехн ўткирлиги. Бу кишининг ҳар бир масалани тезда ҳал қила олиш, унда ўзи истаган натижани ола билишида деб кўрсатади. Бу малакани ҳосил қилиш учун кишида тажриба ва ҳаракатчанлик бўлиши талаб этилади;

иккинчиси — фаҳмлилик. Бунда кишининг кераксиз ва иккинчи даражали масалаларга ортиқча тўхталмасдан, бутун диққатни муҳим ва зарур масалаларга тез қарата билиши қобилияти, яъни мураккаб ва чигал масалалар ичидан энг муҳимини танлай билиш малакасини ҳосил қилиш талаб қилинади;

учинчиси — зехн равшанлиги деб кўрсатилади. Бу бирор масалани ҳеч қандай қийинчиликсиз, осон йўл билан ҳал қилиш истеъдоди;

тўртинчиси — билимни тез эгаллаш қобилияти. Киши маълум масалага бутун диққат-эътиборини қарата олиши ва уни ҳеч қандай қарама-қаршиликсиз ўзлаштира олиши;

бешинчиси — қўйилган муаммони тезда англаши;

олтинчиси — ёдлаш қобилияти. Инсоннинг илгари ҳис этгани ва тасаввур қилганларини эсда сақлаш қобилияти;

еттинчиси — хотира. Ёд олинган, ҳис қилинган нарсаларни керак бўлганда эслаш қобилиятини тезда ишга солиши лозим, деб кўрсатади¹.

Демак, Давоний киши ёшлиқдан ўз қобилиятини ўстириши, ривожлантириши лозимлиги, агар у ҳақиқий бахт-саодатга эришмоқчи бўлса, юқоридаги ақлий қобилиятни ривожлантиришга ёрдам берувчи фазилатларни эгаллашга ҳаракат қилмоғи лозим, дейди.

Давоний шу боис инсоннинг ақлий сифатлари ривожланишига катта аҳамият беради.

Давоний болаларнинг ақлий қобилиятини ривожлантириш билан касб-ҳунар ўргатиш ҳақида ҳам қимматли фикрларни билдирган. Давоний муаллимнинг болаларни қайси касбга қизиқиши, қобилиятини яхши билиши зарурлиги ҳақида гапириб, бола қизиқиб бирор ҳунар ёки илм билан шуғулланса, унга ҳар қандай шароитда ҳам имконият яратиб бериш керак, деб уқтиради. Албатта, ҳамма касбларни эгаллаб бўлмайди, аммо ҳар бир одамнинг бирор касбга қобилияти бўлади, дейди олим. Бирор касбни эгаллаб олишга интилган киши бутун истеъдодини сарф этиб, ана шу касбни тезда

¹ Али=улов Х., Омонбоева Р. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ша=ида. Тошкент, Ё=итувчи, 1981, 41-42 бетлар.

ўрганиб олади. Бундай фикрни буюк мутафаккир Форобий ҳам ўз вақтда таъкидлаб ўтган эди.

Агар у ёки бу шахсинг муайян касб-ҳунарга иштиёқи бўлмаса, уни мажбур қилиш мумкин эмас, акс ҳолда у ўзини қийнайди ва бу касб-ҳунар унга бахт-саодат келтирмайди дейди. Давоний инсонга фойда келтирадиган касб-ҳунарни учга бўлади: буни кишиларнинг руҳий қувватига боғлаб кўрсатиб, биринчисини инсон ақлига тегишли, деб кўрсатади ва бунга вазирлик касбини киритади. Иккинчиси таълим-тарбия натижасида вужудга келади, деб бунга астрономия, математика, тиб. геометрия фанлари билан шуғулланишни киритади. Учинчисига кишиларнинг шижоати, жасурлиги билан боғлиқ касбларни, яъни душманга қарши кураш, чегарани кўриқлаш ва бошқаларни киритади. Олим касби бўлмаган, бирор касб билан шуғулланмайдиган кишиларни қаттиқ танқид қилади. Отасининг мол-мулкига ишониб касб-ҳунар эгалламйдиган ёшларни қоралайди. Меҳнат қилиш, ҳунар эгаллашни тарғиб қилар экан, меҳнат инсон камолоти ва бахт-саодати манбаи, деб ҳисоблайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Давоний касб-ҳунар эгаллаш инсоний фазилатларнинг энг муҳими, деб талқин этади. У касб-ҳунар эгаларини қуйидаги тоифаларга бўлиб: чунончи, биринчи тоифага қалам аҳллари: олимлар, ноиблар, мунажжимлар, қозилар, муҳандислар, мусулмон қонуншунослари ва ҳоказо; иккинчи тоифага: ҳарбийлар; учинчи тоифага эса деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчиларни киритади.

Давоний айниқса, деҳқончилик касбини улуғлайди. Давоний ҳам барча мутафаккирлар каби деҳқоннинг меҳнатига юқори баҳо беради. Зеро, деҳқон одамларни озиқ-овқат, моддий бойлик билан таъминлайди. Олим агар деҳқон бўлмаса, инсон зоти майда савдогарлардек йўқ бўлиб кетган бўлур эди, чунки бошқа тоифадаги кишилар инсон ҳаёт кечириши учун улардек моддий неъмат ярата олмайдилар, балки бунёд қилинган нарсаларни бошқа кишиларга берадилар, жойдан-жойга олиб борадилар, шаклини ўзгартирадилар, дейди. Демак, Давоний деҳқон меҳнатини бошқа кишиларнинг меҳнатидан юқори кўяди. Кўриниб турибдики, унинг деҳқон меҳнати ҳақидаги фикрлари бошқа Шарқ мутафаккирларининг фикри билан ҳамоҳангдир. Масалан, Навоий деҳқон меҳнатидан ҳатто қурт-қумурсқалар, ҳашаротлар, ҳайвон ва паррандалар ҳам баҳраманд бўлишини ўз вақтида ҳаққоний баҳолаган.

Давонийнинг касб-ҳунар ҳақидаги қарашлари шу билан аҳамиятлики, у оддий халқ меҳнатини, деҳқон меҳнатини улуғлайди, инсоннинг фақат меҳнати туфайлигина бахт-саодатга эришуви мумкинлигини, меҳнат инсоннинг шахс сифатида камол топишининг бир мезони эканлигини исботлайди.

Давоний киши хусусиятларини иккига бўлади: бири туғма, иккинчиси ҳаёт жараёнида пайдо бўладиган хусусиятлар. Туғма хусусиятларга кишиларнинг ақлий ва хулқий сифатлари, қобилиятлари киради. Масалан, фараз қилиш қобилияти, бир-бирини тезда тушуниш истеъдоди ва бошқалар. Лекин, Давоний кишиларнинг баъзи бир туғма хусусиятларини, қобилияти ва

малакаларини тан олган ҳолда ҳаёт жараёнида касб қилинадиган хусусиятларни ҳам инсон камолоти учун муҳим деб ҳисоблайди. Инсон хусусиятлари ёшлиқдан, тарбия натижасида, кишилар билан ўзаро муносабатларда касб этилади, ҳар бир фазилат вақт ўтиши билан янгилашиши ва ўзгариши мумкин, ривожланиб такомиллашиб боради. «Агар (инсон) хулқи, — деб ёзади олим, — ўзгарувчи бўлмаганида эди, сиёсат ва тарбиянинг кераги бўлмас эди»¹.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, Давоний инсоний фазилатларга эга бўлишда таълим-тарбиянинг ўрнига катта аҳамият берганлигининг гувоҳи бўламиз.

Давоний инсоний фазилатларни тўртга бўлади: донолик, адолат, шижоат, ифбат. Булар орқали қадим-қадимлардан инсоннинг хулқ-одоби белгиланган. Инсон фазилатларини дастлаб Афлотун ва Аристотел белгилайди. Кейинроқ Ўрта Осиё ва Эрон мутафаккирларидан Ибн Сино, Насриддин Тусий, Убайд Зоконийлар ҳам шундай тасниф этганлар.

Давоний мардлик ва шижоаткорликни ҳам инсоннинг энг зарур фазилатларидан, деб ҳисоблади. У шижоатга камтарлик, юмшоқ феъллик, ботирлик, сабр-матонат, чидамлик каби сифатларни киритади. Шижоатга кишининг ҳатти-ҳаракати ва бошқалар билан муносабатини баҳолайдиган тушунча деб қарайди.

Олим агар инсон бирор хавф-хатарга дуч келса, ўзини маҳкам тутиб, эсанкирамаслиги, саботли бўлиши зарурлиги, ана шу хислатлар шижоатга киришини айтади. Шижоаткорлик ҳам ақлга бўйсунуши керак дейди. Давоний аскарларни шижоатли, жасур кишилар дейди, чунки, улар давлат чегарасини кўриқлайди, давлатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, моддий ёрдам бериши зарур, деб кўрсатади. У баъзи кишилар ташқи кўринишидан шижоатли кўринганлари билан жасурлик ва шижоатни ўзларининг манфаатлари йўлида намоён этадилар. Бундай ҳатти-ҳаракатларни шижоаткорликка киритиш мумкин эмас, дейди.

Давоний кўрқокликни шижоаткорликка қарама-қарши қўяди. Баъзи қийинчиликлардан қочган, енгил ҳаёт кечириш йўлини ўйлайдиган кишиларни олим кўрқоқ ва юраксиз кишилар, деб айтади.

Демак, Давоний давлат ҳамда жамиятга фойда келтирувчи кишиларни ҳақиқий шижоатли кишилар деб билади. Олим сабот-матонатни шижоатнинг таркибий қисмига киритади. У ибн Сино фикрига янада чуқурроқ ёндошиб, ҳар қандай эҳтиёж, ҳар қандай фаолиятни шижоатга қўшмайди. Давлат манфаатларига бўйсунадиган, кишилик жамиятига хизмат қиладиган инсон фаолиятини шижоат деб атайди.

Шарқ мутафаккирлари адолат тушунчасига алоҳида фазилат сифатида қараганларидек, Давоний қарашларида ҳам адолат тушунчаси асосий ўринни эгаллайди.

Олим адолат фазилатини 42 га бўлади. Булардан энг муҳимлари вафо, дўстлик, садоқат, меҳр-шафқат, ўзаро ҳурмат... кабилардир, дейди. Давоний

¹ Али=улов Х., Омонбоева Р. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ша=ида. Тошкент, Ё=итувчи, 1981, 41-бет.

садоқатни содиқ кишилар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайдиган хислат сифатида қараб, одам ўзига нимани истаса, дўстига ҳам шуни раво кўриши ва шу тарзда ҳаракат қилиши лозим, деб ҳисоблайди. Демак, Давоний адолатли кишилар ўртасидаги ҳақиқий дўстликни инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат билан боғлиқ ҳолда тасаввур этади.

Вафо тушунчасини Давоний фақат ваъдага вафогина эмас, балки ўзаро ёрдам қоидаларига амал қилиш маъносида таҳлил этди.

Давоний адолатни инсон ақлий камолоти билан биргаликда қарайди. У ҳамма руҳий қувватлар бирлашиб ақлга бўйсунган тақдирдагина ҳақиқий адолат намоён бўлади, дейди. Ҳақиқий одил киши бутун қувватини, ақлини яхши хислатларни касб этишга қаратиши керак, адолат одамларни бахт-саодатли қилиши лозим деб таъкидлайди олим.

Давоний ҳам Форобий каби шаҳарларни фозил ва одил шаҳарларга бўлади. Фозил шаҳарларни одил подшо идора қилса ва ўз ҳукмларида адолатга риоя қилса ва таъмагирликни ақл билан дафъ этса, жоҳил шаҳар бошлиғи ўз манфаатини кўзлаб иш юритади ва бойликка ҳирс қўйиб, халқ фикри билан ҳисоблашмайди, дейди.

Унинг таъкидлашича, давлатни идора этувчи адолатсиз бўлса, унинг қўл остидагилар ҳам таъмагирлик, ёлғончилик ва бошқа хатти-ҳаракатлар қиладилар, яъни подшоҳ ишини фуқаролар ҳам такрорлайди. Хуллас, фуқароларнинг ярамас хулқ-одоблари учун ҳам ҳукмдор айбдор саналади, дейди. Агар ҳукмдор адолатли бўлса, бошқалар ҳам адолатли бўлишга ҳаракат қилади, дейди.

Давоний одил шоҳни моҳир табибга ўхшатади. Доно табиб одамлар саломатлигини доимо кузатиб, унинг ҳолатини мўътадиллаштириб боргани каби одил шоҳ ҳам фуқароларини йўлдан адашса, уларни тўғри йўлга солиб боради, дейди.

Давонийнинг эркинлик тушунчаси ҳақидаги таърифи алоҳида аҳамиятга эга. Эркинликни Давоний касб-хунар орқали моддий бойлик тўплаш ва бу бойликни хайрли ишларга сарфлаш деб билади. У инсон ёмон йўллар билан эмас, балки ақлига ишониб қилган ишлари ва ҳалол меҳнатини эркинлик деб таърифлайди.

Қаноат тушунчасини Давоний киши руҳининг яхши меваси ҳисоблайди. У қаноатни зарурий хатти-ҳаракатлар билан боғлаб тушунтиришга интилади. Киши фақат заруриятга асосланиб иш тутиши лозим, ҳаётда инсон энг зарур нарсаларга интилиши керак, яъни ейиш-ичиш, ҳиссиётларга берилиш ва бошқа хатти-ҳаракатларда меъёрни билиш, мўътадилликка риоя этиш, бойликка ҳирс қўймаслик, қаноатни англатади, дейди.

Давоний инсон ўртасидаги дўстлик туйғусини ҳам улуғлаб, болаларни дўстлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият беради. Бола дунёқарашининг таркиб топишида дўстликнинг таъсири катта. Дўстсиз инсон муайян жамиятда яшай олмайди. Дўст ўзаро муомалада айниқса, инсон бошига кулфат тушганда билинади, аммо ҳақиқий дўст билан сохта дўстни ажрата билиш керак, деб ўқтиради олим. Душман эса кишининг ўзига, камчилигига

эйтибор бермайди, балки ҳамманинг олдида уни фош қилишга интилади, дейди.

Давоний кишилар ўртасидаги адоватни ҳам қоралайди. Ўзаро низоларда ҳурмат йўқолади, шубҳа ва гумонлар кўпайиб, жанжаллар чиқади, деб таъкидлайди.

Давоний севги ва муҳаббат тўғрисида ҳам фикр юритиб, уни ижтимоий муаммолар билан боғлаб талқин этади.

Давоний ўз даври мутафаккири сифатида илоҳий севгини тан олгани ҳолда, инсоннинг бу дунёда фаол ҳаёт кечириши, табиат ва ҳаётни севиши, уни юксакликка кўтариши ҳақида ҳам ўз қарашларини баён этади.

Унинг мулоҳазаларига кўра туғма ва шу билан бирга инсон ирода ва истагига асосланган севги мавжуд. У севги-муҳаббатни беш хилга бўлади:

1. Илоҳий севги.
2. Ота-она муҳаббати
3. Муаллимнинг ўз талабасига муҳаббати.
4. Подшоҳнинг ўз фуқароларига муҳаббати.
5. Илм-маърифатга муҳаббат.

Хусусан инсоннинг ўзаро муносабатисиз, севгисиз камолотга эришиши мумкин эмас, дейди.

Адолат, севги, дўстлик ўзаро алоқада таркиб топади, дейди Давоний. У нафсоний ҳирсга асир бўлиб, фискни ишқ деб ҳисобламаслик, ҳавасни муҳаббат деб билмасликни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Давоний, айниқса, шахвоний ҳирсга берилмасликни, бунда айниқса, подшолар ҳирсу ҳавасдан ўзларини тийиши зарурлигини, улар бўш вақтларини давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларга сарф этишлари зарурлигини айтади.

Олим ҳар бир киши ҳақиқий севгига муносиб бўлишга интилиши, севгига вафосизликдан турли разилликлар пайдо бўлиши, ахлоқсиз хатти-ҳаракатлардан ёмонликлар авж олиши мумкинлигини қайд этади.

Давоний илоҳий севгини тан олса ҳам, мавжуд дунёдаги севгини инкор этмади. У кишиларни ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиш, илм-фан, табиатни ўрганишга, таълим тарбия билан шуғулланишга чақирди.

Давонийнинг тарбия тизимида одамларда учрайдиган нуқсон ва ярамас одатларни бартараф этиш ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовор. Масалан, Давоний салбий руҳий қувватлар: жаҳл, ғазаб, ҳасад, ғамгинлик, дангасалик ва бошқалар ҳақида гапириб, булар руҳий жараён бўлиб, уларни даволаш йўллари, усуллари ҳақида гапиради. Чунки бу руҳий касалликлар ҳам инсон танасидаги касалликларга ўхшаб, давога муҳтож дейди, унинг фикрига кўра киши танидаги касалликларни тиббиёт йўли билан даволанса, кишиларнинг ярамас одатларини руҳий таъсир натижасида даволаш мумкин. Жисмоний даво овқат ёки дори-дармон воситасида амалга ошади, руҳий касалликларни даволаш эса, юқоридаги усуллардан бирмунча фарқ қилади. Руҳий касалга чалинган одам энг аввало яхши хатти-ҳаракатлар қилишга одатланиши зарур. Шундагина у ёмон одатлардан халос бўлади, дейди.

Давоний ғазабни энг оғир руҳий касаллик дейди. ғазаб кишининг катта нуқсони, камчилиги, ақлсизлигидир, агар ақл ғазаб ва ҳиссиётга бўйсунса,

киши ҳайвон даражасига тушиб қолиши мумкин, чунки ҳайвоннинг ақли бўлмаганлиги туфайли у ғазаб қувватини ўзига бўйсундира олмайди. Инсон ақли бўла туриб ғазабни бўйсундира олмаса, буни ҳеч қачон кечириб мумкин эмас. У ҳамма вақт ўз ғазабини ақлга бўйсундиришга ҳаракат қилиши керак, шундагина у ҳақиқий инсон бўлиб етишиши мумкин, дейди. Олим кишилар руҳияти ҳақида гапирар экан, ғазаб қувватини қуйидагиларга бўлади: баъзилар тез ғазабга келади ва тез жаҳлдан тушади, баъзилар эса аста-секин ғазабланиб, тез жаҳлдан тушадилар, баъзилар тез ғазабланиб, узок вақт жаҳлларида тушмай юрадилар. Давоний ғазаб турларидан иккинчисини яхшиси деб, энг охиригисини ёмони деб белгилайди.

Демак, Давоний кишиларнинг салбий руҳий ҳолатларини даволаш мумкин, деб ишонади ва уларни яхши маслаҳат бериш, сўз билан, жазо ва меҳнат қилдириш йўллари билан тарбияласа бўлади, деб ҳисоблайди.

Давоний инсоний хислатлар: меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, инсонийлик, яхшилиқ, хушмуомалалиқ, одиллик, донолик ва бошқа хислатларни ижобий баҳолайди. У инсондаги барча хислатларни ақлий фаолият билан боғлайди. Демак, Давонийнинг илм-маърифат, таълим-тарбия ва ахлоқ тўғрисидаги фикрлари таълим-тарбия тарихида муҳим аҳамиятга эга. Чунки у юксак ахлоқий фазилатларни тараннум этади, кишиларнинг бахт-саодатли бўлиши учун тавсиялари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Давонийнинг ақлий тарбия, инсоний фазилатларни таркиб топтириш борасидаги тарбия усуллари Шарқ педагогикасининг қимматли хазинаси бўлиб ҳисобланадики, бу тавсиялардан биз таълим-тарбия жараёнида фойдалансак, миллий кадрларимизга мурожаат этган бўламиз ва у таълим-тарбияни такомиллаштиришда энг муносиб йўл бўлади.

Хусайи Воид Кошифий

XVII-XVIII АСРЛАРДА ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

XVII-XVIII асрларда ва XIX асрнинг биринчи яримида Бухоро, Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият.

Жаҳон отин Увайсий

МУҲАММАД СОДИҚ ҚОШҒАРИЙ (1740-1834)

Муҳаммад Содик Қошғарий ҳақида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Лекин ҳозирги пайтда бизга маълум бўлган “Одоб ас-солиҳин” асарининг ўзиёқ бизга уни машҳур педагог олим сифатида танитади.

Муҳаммад Содик Қошғарий 1740 йилда Қошғарда камбағал дехқон оиласида туғилган ва 1843 йилда у шу ерда вафот этган. Биз олимнинг қай даражада тарбияшунос эканлигини у томонидан яратилган асарларнинг мазмунидан биламиз. Бизгача унинг “Одоб ас-солиҳин” (“Яхши кишилар одоби”), “Зубдат ал-масойил” (“Масалаларнинг қаймоғи”), “Дур ал-музохир” (“Кўмакдошларнинг дурдонаси”) ҳамда “Тазкираи хожагон” (“Хожалар тазкираси”) номли асарлари етиб келган.

Шарқнинг буюк алломалари - Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар юксак ахлоқийликни шакллантиришга оид йирик асарлар, хикматлар яратганлар. Шу билан бирга ҳулқ-одоб тарбиясига оид “Ахлоқи Муҳсиний”, “Ахлоқи Жалолий”, “Ахлоқи Носирий”, “Қобуснома” каби асарлар яратилган.

Ўзида шахс ва унинг тарбиясини йўлга қўйиш масалаларини акс эттирувчи асарларни яратиш анъанаси мавжуд бўлган даврда Муҳаммад Содик қошғарий томонидан туркий тилда “Одоб ас-солиҳин” (“Яхши кишилар одоби”), “Зубдат ас-масойил” (“Масалаларнинг қаймоғи”) номли асарлар яратилди. “Одоб ас-солиҳин” асари 5 марта, 1889 ҳамда 1901 йилларда Тошкент шаҳрида ва 1891, 1892 ҳамда 1986 йилларда Истамбул шаҳрида қайта нашр этилган.

Мазкур асарнинг номи ва мазмунидан ҳам англаниб турганидек, унда илгари сурилган ғоялар инсоннинг ҳаёти давомида зарур аҳамият касб этувчи ҳулқ-одоб қоидалари хусусида кишилар, шу жумладан, ёшларга муайян даражада маълумотлар беришга хизмат қилади. “Одоб ас-солиҳин” асарида ижтимоий ҳаёт ҳамда кундалик турмушда ҳар бир инсон томонидан қатъий амал қилиниши зарур бўлган зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) одоб ва ахлоқ қоидалари, уларнинг ижтимоий аҳамияти, ёшлар тарбиясини йўлга қўйишдаги ўрни ва роли борасида батафсил сўз юритилади.

Муҳаммад Содик Қошғарий томонидан яратилган “Одоб ас-солиҳин” асари муаллифнинг ўзи таъкидлаб ўтганидек, муқаддима ва 7 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб ўзида 4 фаслни акс эттиради.

Муқаддимада асарнинг мақсади очиб берилади. Асарнинг ёзилишидан кўзда тутилган мақсад борасида сўз юритилар экан, инсоннинг ижобий хулқ-атворга эга бўлишини тақозо этувчи ижтимоий зарурият моҳияти батафсил очиб берилади. Асарда илгари сурилган асосий ғоя – инсонларнинг ижобий хулқ-атворга эга бўлишлари жамиятда руҳий хотиржамлик ва моддий фаровонликни қарор топтирувчи асосий омил эканлигини асослашдан иборатдир. Аллома мазкур ғоя моҳиятини шарҳлар экан, инсон одоб-ахлоқ қоидаларини эгаллай олмаса ҳамда ижобий хулқ-атвори билан муаддаб (одобли) ва музаззаб (тоза) бўлмаса, нафақат ўзи, балки бутун дунёга ёмонлик тарқатади деган қарашни илгари суради. Айи ўринда қуйидаги маснавийни келтиради:

Беадаб танҳо ва худро дошт бад,
Балки оташ дар хама офоқ зар.
(Адабсиз нафақат ўзи учун ёмонлик қилади,
Балки бутун дунёга ўт қўяди).

Шундай экан, ҳар бир инсон ички ҳамда ташқи одоб қоидаларининг моҳиятини тўлақонли равишда англаб, уларга қатъий амал қилиши зарур. Инсон одоб-ахлоқ қоидаларининг моҳиятидан қандай йўл ва усуллар орқали бохабар бўлиши мумкин деган саволга жавоб берар экан, аллома улар етук мутафаккирлар томонидан қимматли, мўътабар китобларда жам этганлиги, мазкур китобларнинг мазмуни билан танишиш орқали одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амал қилиш шартлари хусусида муайян маълумотларга эга бўлиш имконияти мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Асарда комил инсон бўлиб етишишда кундалик ҳаёт ҳамда амалий турмушда ўзига хос аҳамият касб этувчи ботиний (ички) ва зоҳирий (ташқи) одоб-ахлоқ қоидалари: саломлашиш, рухсат сўраш, мулоқот, ухлаш, йўл юриш, меҳмон кутиш, зиёфат, овқатланиш, шунингдек, эр-хотин муносабатларини йўлга қўйиш одоби ва уларга амал қилиш шартлари борасида сўз юритилади. Сухбат

аҳлининг ўзини тутиши, тозалик, озодалик ҳамда сафарга чиқиш қоидалари ҳам асар мазмунининг марказий қисмидан ўрин олган.

Биринчи боб саломлашиш, кўришиш, кўл олишиш ҳамда рухсат сўраш қоидалари тўғрисида маълумотлар беришга йўналтирилган бўлиб, мазкур боб тўрт фаслдан ташкил топган.

Маълумки, Шарқ халқлари томонидан тан олинган ахлоқий қоидаларга кўра бирор кимса ўзгалар хонадонига ташриф буюрса, эшикдан хонадон соҳибларининг рухсатсиз кириб боравермай, маълум қоидаларга риоя қилиши шарт. Ана шу қоидаларнинг энг муҳимлари деб, Муҳаммад Содик Қошғарий ташриф буюрувчи кимса ўзининг келганлигидан хонадон соҳибларини огоҳ этиши (эшикни қоқиши ёки йўталиши), ушбу чорага нисбатан ичкаридан жавоб берилгач киришга рухсат сўраши, сўнгра ичкарига кириши кераклиги лозимлигини баён этади.

Иккинчи фаслда эса саломлашиш одобининг ўн икки қоидаси борасида фикр юритилади. Мазкур ўринда салом бериш ва алик олиш масаласида бугунги кунга қадар давом этиб келаётган мунозарага нуқта қўйилган. Муаллифнинг фикрига кўра, салом бермак суннат, жавоби фарзу айёндир. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг эътироф этишича, салом қуйидаги ҳолатларда қуйидаги кишилар томонидан берилиши мақсадга мувофиқдир: улуғ кичикка, отлиқ пиёдага, юрувчи ўлтиргувчига, озчилик кўпчиликка, хонага кириб келувчи, хона ичкарасида ўтирган кишиларга салом бергай”, деб таъкидлар экан, бир киши кўпчилик олдига кириб келганда, биринчи бўлиб салом бериши, кўпчилик эса баравар овоз чиқармасдан саломга алик олиши жоизлигига алоҳида эътиборни қаратади. Алломанинг саломлашиш одоби хусусидаги фикрлари билан танишар эканмиз, таълим муассасаларида муаллим синф хонаси ёки аудиторияга кириб келганда, “Ким олдин салом бериши керак?”, деган муаммонинг ечимини топгандек бўламиз.

Мазкур бобда яна саломлашишдаги ҳатти-ҳаракатлар, жисмонан заиф ёки бемор кишилар томонидан амал қилиниши лозим бўлган, шунингдек, эркак ва хотин-қизлар ўртасида кечувчи саломлашиш қоидалари, салом бермаслик

ва жавоб қайтармаслик жоиз деб топилган ҳолатлар борасида ҳам муҳим тавсиялар баён этилганки, ушбу тавсиялар бугунги кун учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида берилган мулоқот (учрашув) одобига оид тавсиялар ҳам диққатга сазовор. Бунда учрашганда қўл бериб кўришиш, лекин қўл учи билан эмас, астойдил, бироқ қўлни силамай, очик юз билан кўришиш одоби баён этилади¹. Кучоклашиб кўришиш, сафардан қайтган киши ҳамда ёш болалар билан кўришиш, ўпиб кўришиш одоблари баён этилади.

Иккинчи бобда ухламоқ, кийим кийиш, йўл юриш одоблари ҳақида фикр юритилади. Масалан, ухлаш олдидан эшикларни маҳкамлаб ёпиш, идишларнинг оғзини беркитиш, ўрнидаги кўрпа-тўшакларни бир бора қоқиб ёзиш, ўчоқдаги оловни ҳамда чирокни ўчириш, ухлайдиган ўрнини юмшоқ қилмаслик, ўнг қўлга бир оз суяниб ётиш тавсия этиладикки, ушбу қоидаларнинг аҳамияти уларга риоя қилмаслик натижасида рўй берган нохуш воқеалар мисолида очиб берилади.

Либос кийиш қоидалари ҳам хулқ-одоб меъёрларининг таркибий қисми саналади. Бизга яхши маълумки, либос кийиш борасида ҳам маълум мезонлар қабул қилинган бўлиб, уларга амал қилиш кишини ноқулай вазиятга тушиб қолишдан сақлайди. Муҳаммад Содик ғошғарий ушбу бобда либос кийиш қоидалари ва уларга амал қилиш шартлари юзасидан мулоҳазаларни илгари суради. Бу борада муаллиф кишилар томонидан амал қилиниши ўта муҳим саналган мезонлар қуйидагилар эканлигига алоҳида урғу беради: либос танлашда кишининг имкон даражаси, моддий ҳолати, мавқеи, насл-насаби, ёши, жинси, шунингдек, жойи (географик минтақа, шаҳар ёки қишлоқ, фаолият тури ва ҳоказолар) инобатга олиниши лозим. Танланган либоснинг қулайлиги, фаслга мос бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Либосни тоза тутиш, ўта даражада ҳашамдор бўлган либосларни киймаслик, яхши либос кийганда манманлик қилмаслик,

¹ Мисоллар “Шар= юлдузи” журналининг 1990 йил 5-сонида эълон қилинган Мушаммад Соди=+ошларийнинг “Одоб ас-солицин” асаридан олинди. Кейинги ыринларда шам мазкур манбага таянилади. Нашрга тайёрловчилар: М.Хасанов, У.Соди=ов.

киймайдиган ортикча либосларни мухтожларга инъом қилиш хусусида берилган тавсиялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Йўл юриш қоидалари ҳам ҳар бир инсон билиши зарур бўлган қоидалардан бири бўлиб, муаллиф мазкур масалага ҳам ўз эътиборини қаратади. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг тавсияларига кўра, йўл юрганда атрофга алангламаслик, жамоат жойларида эса бошқаларга халал бермаслик, уларнинг ҳурмати ва саклаш, ҳамроҳлар иштирокида йўл юрилаётган бўлса, уларнинг ёши, мавқеи, саломатлик даражасини инобатга олиш, йўлда таниш киши учраб қолса, у билан саломлашиб, тез ўтиб кетиш, агар зарур бўлса, йўл четига чиқиб сўзлашиш, йўлда оғиз суви ёки балғамни тупурса юзини беркитиш, уни ўнг томонга ёки олдига эмас, чап томонига ёки орқага ташлаш, мухтожларга дуч келиб қолинса, уларга ёрдам бериш, кишиларга азият етказадиган нарсаларни йўлдан олиб ташлаш, мазлумларнинг ғам-андуҳларига шерик бўлиб, уларга ёрдам кўрсатиш, кишиларнинг яхши амалларини маъқуллаб, уларни ёмон ишлардан қайтариш мақсадга мувофиқ эканлиги баён этиладики, ушбу қоидаларни билиш катта-ю кичикка бирдек зарурдир.

Учинчи бобда суҳбатлашиш одоби борасида сўз юритилади. Бизга яхши маълумки, суҳбатлашиш одоби ва унинг шартларига амал қилиш ижтимоий муносабатларнинг мўътадил кечишини таъминловчи асосий ва ўта муҳим омиллардан бири бўлиб, аксарият муаллифлар томонидан яратилган ҳамда ахлоқ-одоб муаммоларига бағишланган асарлар мазмунидан алоҳида ўрин олган. «Одоб ас-солиҳин» асарида ҳам муаллиф суҳбатлашиш одоби ва унинг ўзига хос жиҳатлари борасида батафсил сўз юритади.

Суҳбатнинг яхши ниятларга бой ҳамда беғараз бўлиши муҳим саналади. Муайян мавзуларда ташкил этилаётган суҳбат (бахс-мунозара)га таннинг тозалигига эришган, шунингдек, оғиз ва тишларни тозалаган ҳолда покиза либос билан ташриф буюриш, суҳбат аҳлининг бир-бирларига ҳурмат ва илтифот кўрсатишларига эришиш, улуғларга эътиборини қаратиш, ўтириш қоидаларига риоя этиш, аҳли суҳбат кирганда ва чиққанда ўридан туриш ва

улуғларни юқорига ўтказиш, беадаб сўзлар, ёмон хатти-ҳаракатлар ҳамда ноўрин жимликдан сақланиш, барчага яхши муомалада бўлиш, уларни иззат қилиш, акса келса оғзини тўсиб, паст овозда, енгил акса уриш, суҳбат аҳлига иш буюрмаслик, уларга беминнат хизмат кўрсатиш, дўст ва нотанишларга бир хил очик чехра, гўзал ҳулқ ва одоб билан муомалада бўлиш, ака-укалар, опа-сингилларнинг хатосини кечириш ҳамда уларнинг айбини юзларига солмаслик, агар жоиз бўлса уларга бошқаларнинг эътиборидан четда насихат қилиш, суҳбат жараёнида иштирок этаётган бирор кишининг ёмон қилиғи ёки кабиҳ феълига баҳо бермаслик, зарурият юзага келган ҳолда уни суҳбатдан четлатиш чора-тадбирини кўриш ва хоказо каби одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ҳар бир кишининг инсоний бурчи эканлигини таъкидлаб ўтади.

Аҳли суҳбатга нолайиқ хатти-ҳаракатлардан қочиш мақсадида суҳбат иштирокчиларининг хотиржамлигини бузган кимсага ўз хатти-ҳаракатларининг ноўринлигини имо-ишора билан тушунтириш, у ўзини ўнглаб ололмаса зарур ҳолатда уни даврадан четлатиш, мазкур чора-тадбирни ортиқча шов-шувсиз амалга ошириш, суҳбат чоғида пинакка кетмаслик, ўзини ўзгалардан юқори тутмаслик, суҳбатдошнинг сўзини бўлмаслик, сукут сақлашда ҳам маълум меъёрларга амал қилиш, ортиқча тақаллуфга йўл қўймаслик, ҳамсуҳбати билан баҳс қилмаслик, аммо тортишиш мумкинлиги, ғазаб келганда уни тўхтата олиш, ортиқча қизиқчилик, ҳазил-мутойиба, хушомадгўйлик қилмаслик, бу борада меъёрдан четга чиқмаслик, ўзгаларнинг шахсиятини камситувчи лақабларни тилга олмаслик, давра иштирокчилари орасида бир-бири билан пинҳона ва бошқалар тушунмайдиган тилда пичирмаслик, пинҳона сўзлашаётган ҳамроҳларнинг сўзларига қулоқ солмаслик каби қоидаларнинг моҳияти асар мазмуни орқали тўлақонли ёритилиб берилдики, улардан хабардор бўлиш ҳар бир киши учун ўта муҳимдир. Асарда илгари сурилган эр ва хотин ўртасида ташкил этилувчи муносабатлар одобига оид қарашлар ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Мазкур ўринда қуйидаги фикрлар илгари сурилади: уйланадиган йигит никоҳдан олдин ўзи уйланмоқчи бўлган қизни кўрмоғи, уйланадиган қизнинг бокира бўлиши, шунингдек, тўрт нарса: умрда, қоматда, молда ва насабда эрдан паст ва уч нарса: хусну жамолда, хулқ (одоб)да ҳамда иффатда эрдан юқори бўлиши зарурлиги муаллиф томонидан алоҳида таъкидланади. Юқорида қайд этилган фикрларнинг аҳамияти амалий турмушда ўз исботини топган бўлиб, уларни билиш ҳамда мазкур фикрларга амал қилиш оилаларда тинчлик-тотувлик, фаровонлик ва хотиржамликнинг барқарор бўлишини кафолатловчи омиллар бўлиб хизмат қилади.

Эр киши хотинига яхши муомала қилиш, уни беҳуда ғазаблантирмаслиги, олийжаноб бўлиши, алоҳида мурувват кўрсатиши, ҳавойи нафс балосидан сақланиши, агар аёл жабр ва ситам кўрсатса, унга аввал насиҳат қилиб, хатти-ҳаракатларининг ножоизлигини тушунтириши, агар у ушбу чоратадбирдан сўнг яхши томонга юз тутса, уни авф этиши мақсадга мувофиқ эканлиги борасидаги қарашлар баён этилади.

Асарда, шунингдек, аёл кишининг оиладаги ўрни ва бурчлари юзасидан ҳам бир қатор фикр-мулоҳазалар баён этилади. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг нуқтаи назарига кўра, аёл кишининг оиладаги энг муҳим бурчи қуйидагилардан иборатдир: хотин эрининг рухсатисиз ҳеч жойга бормаслиги ва ҳеч кимни уйига келтирмаслиги, эрининг мол-дунёсини сарф этмаслиги, ўз зиммасидаги масъулиятларни оқилона бажариши, эри хурсанд бўлса - хурсанд, ғамгин бўлса - ғамгин бўлиши, эрининг топиш-тутишига қаноат қилиши, эр вафот этганда мотам тутиб, марҳумнинг руҳини пок сақлаши ва ҳоказолар. Юқорида тилга олинган пандлар бугунги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Муҳаммад Содик Қошғарий “Одоб ас-солиҳин” асарида, касал ҳолини сўраш, таъзия ва мусибат одоблари ҳақида ҳам фикр юритади. Ушбу ҳолатларда амал қилинадиган қоидалар моҳиятидан хабардор бўлиш ҳам ҳар бир киши учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бемор ҳолини сўраш қариндош-уруғ, кўни-кўшни, ёру биродар, шунингдек, дўст учун фарз эканлиги, беморнинг миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, унинг ёнига очик юз билан кириш, унга кўнглини кўтарувчи сўзлар билан мурожаат қилиш, бемор олдига башанг кийиниб ёки кир либосда бормаслик, бемор ётган хонага кулиб кириб, унинг бош томонига яқин ўтириш, кўп сўзланишиб беморни толиқтириб қўймаслик, кўлни пешонасига қўйиб ҳол сўраш, беморни кун ёки кунора келиб толиқтириб қўймаслик, беморнинг кўнгли тилайдиган нарсаларни сўраб-суриштириб, уларни топиб келиш, аммо беморнинг муолажасида уни харом нарсалардан сақлаш, бемор олдида кўп ўтирмаслик, агар бемор олдида узоқ вақт қолиш зарурияти юзага келса, унинг кўнглига ёқадиган, хуш келадиган сўзлар ёки хикоятлардан сўзлаб ўтириш мақсадга мувофиқ эканлигига алоҳида урғу беради.

Ўз навбатида беморнинг касалидан нолиши мумкин эмаслиги, оғир дардга чалинганда ўзига ўлим тиламасдан умр тилаши, дарди оғирлаша бошлаганини сезганда гуноҳларидан тавба қилиб, ўзгалар ҳамда қариндош-уруғ, кўни-кўшни, ёру биродар ҳамда фарзандлар олдидаги қарзларини адо этиб, фарзандлари, қариндош-уруғи ва дўстларидан рози-ризолик сўраши, васият қилиш, шунингдек, уларга сабр-қаноат тилаши энг муҳим қоидалар эканлиги таъкидланади.

Асарда мусибат одоблари хусусида ҳам бир қатор фикрлар баён этилганки, ушбу қоидалардан хабардор бўлиш, кишилар, шу жумладан, ёшлар учун ҳам зарурдир.

Бирон мўминнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитилганда бошига мусибат тушган кишиларга таъзия изҳор этилади. Ушбу тадбир дафн маросимидан олдин ёки кейин амалга оширилиши мумкин. Таъзия билдириш уч кунгача жоиз, ундан сўнг макруҳ дейилади. Тобутни олиб чиқиб кетаётганлар сукут сақлашлари лозимлиги, аёллар тобут кўтарган эркакларга ҳамроҳ бўлиб, эшикка чиқмасликлари, бошига мусибат тушган кишилар йиғилганларида овозни баланд қилиб, фиғон чекмасликлари, майит дафн этилгач, ҳар ким ўз ишига кетиши, бир ерда йиғилиб ўтирмасликлари кераклиги, йиғилиш

уюштириш учун турли тадбирларни излаб топиш ва уларни ўтказиш бидъат эканлиги, бироқ кўни-кўшни, қариндош-уруғ, ёру дўстларнинг турли таомларни тайёрлаб, бошига мусибат тушган кишиларнинг хонадонларига юбориш одамгарчиликнинг муҳим кўринишларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Асарда қабр устига пишиқ ғишт ва тош ҳамда бошқа нарсаларни қўйиш, қубба ва иморат барпо этиш ҳам бидъат ҳисобланишига алоҳида урғу берилади.

Шу ўринда муаллиф қабрларни зиёрат этиш одобига ҳам тўхталиб ўтади. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг эътироф этишича, қабрларни зиёрат этиш одоби қуйидагилардан иборатдир: қабристонни тонгги зиёрат қилиш кўпроқ эркакларга мансуб, ота-онанинг қабрларини зиёрат қилиш хотинларга ҳам ижозат этилади. Қабрларни оёқ ости қилмаслик, қабр устида ўтирмаслик каби ҳолатлар ҳам қабристонларни зиёрат қилиш одобининг муҳим унсурлари эканлиги кўрсатилиб ўтилади.

Асарда зиёфат уюштириш ва меҳмон кутиш одоби борасида ҳам кўпгина ибратли фикрлар баён этилади. Хусусан, меҳмондорчилик одоби юзасидан қуйидаги фикрлар ифода этилади: меҳмондорчиликка кишининг бойлиги, мавқеи ёки мансабига қарамай, ҳамманинг баравар чақириш, оила аъзоларини ҳам ажратмаслик, меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, лекин уч кундан сўнг ортиқча такаллуф кўрсатмаслик, дабдаба қилмаслик, меҳмон учун уйни ортиқча безамаслик, лекин, озода ва тоза кўрпак-тўшаклардан фойдаланиш, дастурхон тузашда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, дастурхонга таом қўйилганда аввал мезбоннинг таомга қўл узатиши, меҳмондан олдин таомдан қўл тортмаслиги, меҳмонга нисбатан ортиқча такаллуф қилавермаслик, имкони бўлса лаззатли ва латиф таомлар тайёрлаб меҳмоннинг кўнглини олиш каби қоидаларнинг моҳияти очиқ берилади.

Асарда меҳмон томонидан хонадон соҳибларига нисбатан кўрсатиладиган ҳурмат борасидаги қоидалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар баён этилади.

Хусусан, зиёфат ёки меҳмондорчиликка чақирилганда, у хоҳ фақир, хоҳ улуғ мартабали киши бўлсин, албатта, чақирилган хонадонга бориши зарурлиги, золим, ахлоқсиз, иккиюзламачи ҳамда хурофотчи кишилар зиёфатга чақирганда эса бормаслик каби одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Мазкур бобда емак-ичмак одоблари хусусида ҳам сўз юритилади. Унда таомни мумкин қадар оз истеъмол қилиш, шубҳали туюлган таомларни истеъмол қилмаслик, фақирона овқатларга қаноат қилиш, гўштли таомларни кам танаввул этиш, овқатларни танаввул қилишда уларнинг пиширилиш ҳолатига кўра бир-бири билан аралаштириб юбормаслик, яъни, балиқни сут билан, сутни нордон мева ёки таом билан, сутни тухум билан, ковурилган гўштни қайнатилган гўшт билан, қотган гўштни янги гўшт билан, иссиқ таом ёки ичимликни совуқ таом ёки ичимлик билан, ични қотирувчи таом ёки меваларни ични сурувчи таом ёки мевалар билан бирга истеъмол қилиш соғлиқка зиён этказувчи ҳолатлар эканлиги алоҳида уқтириб ўтилади. Аллома таом истеъмол қилиш одоблари борасида сўз юритар экан, таомни ўтирган ҳолда ейиш мақсадга мувофиқ эканлигига эътиборни қаратади. Бу борадаги одоб қоидалари сирасига қуйидаги ҳолатлар қам киришига: алоҳида урғу беради: катта ёшли кишилар таомга қўл урмагунларича, таомга қўл узатмаслик, таом истеъмол қилишда озодалиқка қатъий риоя этиш, шунингдек, унинг турига кўра қулай идишлардан фойдаланиш, меваларни кўзга суриб (бизнинг фикримизча, мазкур ҳаракат муайян мева пишиб этиладиган мавсум (давр)га етиб келинганлик, яна бир йил соғ-саломатликда умр кечирганлик учун шукуроналик белгиси сифатида адо этилади), кейин ейиш, таомни истеъмол қилишдан аввал ва кейин қўл ювиш, ювилган қўлнинг сувини силқитмаслик, қўлни тоза сочиққа артиш, таомдан сўнг соҳиби хонадон шарафига дуо қилиш, мазкур меҳмондорчиликда ёши катта кишилар ҳам иштирок этаётган бўлсалар, уларнинг дуо қилишларини кутиш каби қоидаларининг моҳиятини батафсил очиб беради.

Мазкур бобда сув ичиш одоби хусусида ҳам фикр юритиладики, ушбу қоидалари моҳиятини билиш ҳамда уларга қатъий амал қилиш гигиеник жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Сув ичиш (турли кўринишдаги ичимликларни истеъмол қилиш) қоидалари қуйидагилардан иборатдир: сувни бирданига симирмай, балки бўлиб-бўлиб ичиш, унга нафас урилмаслик мақсадга мувофиқдир, сув ўта эҳтиёткорлик билан, унга бирор нарса тушган тушмаганлигига ишонч ҳосил қилинган ичилади, кечаси эса сув солинган идишнинг оғзига латта тутиб ичиш тавсия этади. Агар оғиз ва қўл ёғлик бўлса, сувли идишнинг дастасини ушламаслик, жимжилоқ ва номсиз бармоқ ёрдамида ёки қўл ювилгандан сўнг ушлаш, коса ёки сув идишнинг синган ери бўлса, у еридан сув ичмаслик (чунки у ерда кир тўпланиб қолиши мумкин), ариқ ёки ҳовуз (ҳар қандай очиқ сув ҳавзаси)дан бошни эгиб, сув ичмаслик (зеро, бундай ҳолатда турли зарарли ҳашаротларнинг инсон организмига тушиш эҳтимолининг мавжуд) каби ҳолатлар қатъий таъкидлаб ўтилади. Шу билан бирга сувни аввал ўзи ичмай ёнидагиларга узатиш, бунда сувнинг ўнг томонга узатилишига алоҳида аҳамият бериш, сув узатган кишини дуо этиш қоидалари ҳам энг зарурва муҳим саналган одоб қоидаларидан бири эканлиги уқтириб ўтилади.

Еттинчи бобда сафар қоидалари ва уларнинг моҳияти ёритиб берилади. Алломанинг фикрига кўра, сафарга чиқишдан кўзланган мақсад қуйидаги уч кўринишда ифодаланади: фарз, фазилат, мубоҳ (руҳсат этиладиган). Айни ўринда сафар фарзининг ўзи қуйидаги беш кўринишни намоён этади: жиҳод, ҳаж, ота ва онанинг чақириғига мувофиқ, радди мазолим (зулмни қайтариш) ҳамда илм олиш мақсадида уюштирилган сафар.

Мубоҳ сафарининг уюштирилишидан кўзланган мақсад ҳам икки кўринишда намоён бўлади: 1) ўз манфаати йўлида, ўзгалардан бирор нарсани таъма қилмаган ҳолда уюштирилган тижорат сафари. Мубоҳ сафарининг моҳиятини ёритар экан, Муҳаммад Содик Қошғарий тижорат сафарини уюштиришдан асосий мақсад фақат мол-дунё орттириш бўлса, у ҳолда бундай тижорат сафари унга зиён етказишини алоҳида уқтириб ўтади; 2)

нави-навъи тафарруж (кўнгил очиш) мақсадида сафар уюштириш. Аллома вақти-вақти билан бундай сафарларни ҳам уюштириб туриш мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтади. Муҳаммад Содик ғошғарийнинг таъкидлашига кўра, ҳар қандай мақсад ёки кўринишдаги сафарларни уюштириш чоғида аёлларга албатта уларнинг турмуш ўртоқлари (махрами) ҳамроҳлик қилишлари зарур.

Асар мазмуни орқали сафар ва уларнинг фойдалари хусусида ҳам сўз юритилади. Алломанинг фикрича, сафар қилишнинг фойдали жиҳатлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, ғам-андухдан фориғ бўлиш, иккинчидан, тирикчилик учун сармоя йиғиш, учинчидан, илм олиш, тўртинчидан, одоб ва ахлоқ ўрганиш, бешинчидан, улуғ кишиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш. Олим сафар уюштирилган вақтда турли машаққатларга ҳам дуч келиш мумкинлигини таъкидлаган ҳолда, чақимчи ва ҳасадчилар орасида тирик юргандан кўра, сафар машаққатлари афзалроқдир, деган ғояни илгари суради. Сафарга чиқишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш фойдадан холи бўлмайди: аввало, сафар қилиш учун маълум бир кори-ҳаёр (яхши ният), яъни, ё ҳаж, ё тижорат, ё жиҳод, ё илм олиш, ёки азиз жойларни зиёрат қилишни мақсад қилиб олиш. Сафарга чиқиш олдидан бирор доно киши билан маслаҳатлашиш тавсия этилади. Сафарга чиқиш олдидан ота-она ёки сафарга чиқувчи кишида кимнинг ҳаққи бўлса, ҳақ эгаларидан рухсат сўраш, уларнинг фикрларини инобатга олиш, ота-она ёки қариндош-уруғ, ёр-биродарлар билан видолашиб, уларнинг дуосини олиш суннат саналиши муаллиф томонидан алоҳида қайд этиб ўтилади.

Сафарга ҳеч вақт танҳо чиқмаслик, энг камида уч киши билан сафар қилиш, сафарга чиқувчилар сони кўпчиликни ташкил этса, бир-бирларига яқин манзилга тушиш, гуруҳ бўлиб сафарга чиққанда ўрталаридан бир кишини бошлиқ этиб тайинлаш, унинг кўрсатмалари асосида иш тутиш, бошлиқнинг ҳам ўз навбатида бошқалардан хизматини аямаслиги, гуруҳ сафида заифу нотавонлар ҳам бўлсалар, уларга мададкор бўлиш каби ҳолатлар энг муҳим сафар одоблари сифатида эътироф этилади.

Сафарга чиқишда ўзи билан бирга энг зарур ашёлар, яъни, либос, оёк кийим, соқолтарош, мисвак (тиш тозалагич), қайчи ва бошқаларни олиб чиқиш, борилаётган шаҳарда бирор юқумли касаллик тарқалса, у ердан чиқиб кетмаслик, акс ҳолда касаллик тарқатувчи ўзи бўлиб қолиши мумкинлигига алоҳида урғу бериб ўтилади.

Сафардан қайтганда тўсатдан уйга кириб бормай, аввал уйдагиларни хабардор этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уйга кечаси кириб бориш нолойик ҳисобланади. Сафардан қайтганда хонадон аҳли, шунингдек, қариндош-уруғ, кўни-кўшни ҳамда ёр-дўстларга совғалар улашиш, сафар қилувчи кишини кўргани келган инсонларни турли лаззатли таомлар билан сийлаш ҳам одамийликнинг ёрқин ифодаси эканлигини уқтириб ўтади.

Агар хабар келса, мусофирни кутиб олиш, унинг истиқболига пешвоз чиқиб, ҳурмат билан кутиб олиш, уни сўроққа тутмаслик, мусофир хоҳишини фаросат билан билиб олиш, унинг манзили, ётиш-туриши, ейиш-ичишидан хабардор бўлиб туриш, агар саёҳат қилиш хоҳиши бўлса, диққатга сазовор жойларни кўрсатиш, унинг ташриф буюришидан кўзланган мақсадини билиб, унга ёрдам қилиш каби энг оддий одоб қоидаларининг ҳам моҳияти очиқ берилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Муҳаммад Содик Қошғарий томонидан яратилган “Одоб ас-солиҳин” асари жамият аъзолари, шу жумладан, ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлишларида катта аҳамиятга эга. Мазкур асар ҳар бир инсон томонидан ўрганилиши ва кундалик турмушда қатъий амал қилиниши зарур бўлган ҳулқ-одоб қоидаларининг мажмуи саналади. Шу боис Шарқ педагогикаси тарихида мазкур асар ҳам Унсурул-Маолий Кайковуснинг “Қобуснома” асари каби ўз ўрни ва мавқеига эга.

Ўазорат учун савол ва топшириқлар

1. XVII—XVIII аъдада XIX аъдада Мовароуннахрда кандай ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз берди?

2. Хонликлар давридаги илм-фан, таълим-тарбиядаги ўзгаришлар хақида гапиринг.

3. Мазкур даврда аёллар мактабида таълим тизими ва мазмуни хақида сўзлаб беринг.

4. Жаҳон отин Увайсийнинг қизлар мактабида таълим мазмуни қандай бўлган?

5. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асарининг мазмунини сўзлаб беринг.

6. “Одоб ас-солиҳин” асаридан ўзингиз учун қандай сабоқ олдингиз (кичик иншо ёзинг).

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида таълим-тарбия ва педагогик фикр.

Марказий Осиё заминида Темурийлар ҳукмронлиги инқирозга юз тутгандан кейин, бу ўлкани қўлга киритиш учун жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ҳаракат қилдилар. Ана шулардан бири чор Россияси эди.

Марказий Осиёни Россияга қарам қилиш ғояси Петр 1 дан бошланиб, унинг вафотидан сўнг Екатерина ҳукумати томонидан давом эттирилди. Николай II тахтга ўтиргач, тезлик билан Марказий Осиёни ўзига бўйсундиришга интилди.

Россиянинг босқинчилик юриши XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Чунки бу даврда собиқ империя ўрнида 3 та хонлик – Бухоро амирлиги, Хива ҳамда Қўқон хонликлари бўлиб, булар ўртасида низо кучайган эди. Бундан фойдаланган чор ҳукумати ўзининг ёвуз ниятларини амалга оширишга киришиб дастлаб Қозоғистонни ўзларига тобе қилдилар. Сўнгра Қозоғистон орқали 1864 йилда Туркменистон, Чимкент, Авлиё отани, 1865 йилда Тошкентни забт этдилар. 1867 йилда Еттисув вилояти, 1868 йилда Самарқанд, 1876 йилда Фарғона вилояти Россия қўлига ўтди.

1876 йил 19 февралда подшо Александр II Қўқон хонлиги тугатилганлиги тўғрисида буйруққа имзо чекди. 1885 йилга келиб Марказий Осиёнинг ҳамма ерлари Россия тасарруфига ўтди ва ўлкада Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилади.

Марказий Осиё мустамлака давлатига айлантилгач, чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини юргизди, бу сиёсатга қарши кўтарилган халқ кўзғолонларини эса аёвсиз бостирди. У Марказий Осиё худудида истиқомат қилувчи турли халқларни бир-бирига қарши қўйиш билан улар ўртасида курашни авж олдирди.

Чор ҳукумати халқимизнинг миллий маданиятига ва унинг ривожига

тиш-тирноғи билан қаршилик қилди миллий зулмни кучайтирди. Бу зулм биринчи навбатда маданият, фан, санъат, ижтимоий ва педагогик фикр, турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Халқ ўзининг миллий мероси, кадрияти ва ғуруридан маҳрум бўла бошлади. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман императорга йўллаган бир мактубида Марказий Осиё халқларининг маданий-ижтимоий тараққиёти уч юз йил орқага суриб юборилганини мақтаниб ёзган эди. Инқилобдан олдин масжид ва мадрасалардаги китоблар, ноёб қўлланмалар ёндириб ташланди, бир қисми Петербургга олиб кетилди. Бундай ҳатти-ҳаракатлардан ғазабланган Абдурауф Фитрат халққа қарата: «Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдур! Эй Темурларнинг, Ўғузларнинг оилаларининг шонли болалари! Қуллик чуқурларига недан тушдинг!» қабилидаги жанговар шиорлари билан хитоб қилганди.

Ўлкада юз берган бу воқеликлар илғор зиёлиларнинг фаолиятида ҳам ўз ифодасини топди. Улар ўлкада чор маъмурлари қўллаган жабр-зулмларига қарамай илм-фан ва маданиятнинг умумий ривожига ўз хиссаларини қўшдилар. Улар ўзларидан олдин ўтган улуғ мутафаккирларнинг инсонпарварлик, педагогик фикр, ғояларини давом эттирдилар. Буни Анбар отин, Аҳмад дониш, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Завқий, Саидахмад Сиддиқийларнинг ижодида кўриш мумкин.

Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиёти.

XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида бошланғич маълумот берадиган мактаб ҳамда ўрта ва олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди. Мактабларнинг аксарияти, шу жумладан, қишлоқ мактабларининг кўпчилиги диний таълим берувчи энг оддий бошланғич мактаблар эди. Бу мактабда мачитларнинг имомлари, саводхон муллалар дарс берардилар. Бундай мактабларда ўқитиш энг оддий диний вазифаларни ўргатиш билан, яъни араб тилида ёзилган Қуръонни ўқишни ўргатиш, ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган асосий вазифаларни билдириш билан чекланарди.

Шаҳар мактабларида диний таълимдан ташқари, умумий таълим элементлари – ёзиш ва ҳисоблаш йўллари ўргатиладди.

Шаҳар мактабларида ўқувчилар сони 20-30 тага қишлоқ жойларида эса 10-15 тага етар эди. Ўқишга 6 ёшдан қабул қилиниб, ўзлаштиришга қараб 17-18 ёшларигача давом этарди. Мактабда аввал «Ҳафтияк», кейин «Қуръон» ёд олинар, сўнг «Чор китоб»га ўтиларди.

«Чор китоб» 4 бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлим – ҳақ-худонинг номлари тушунтириларди, дин қоидалари, таҳорат, намоз баён этилади, иккинчисида бидон-эътиқодни англаш, учинчи бўлимда каломи наби-ривоятлар баҳс этилган. Шунингдек, халқ орасида машҳур шоирларнинг шеър ва ғазаллари

ўқитилар эди. Одатда, бундай мактабларнинг ўқувчилари бадавлат оилаларнинг болалари бўлар эди. Улар ўқишни тамомлаб, олган билимларини савдо-сотик ишларида, хунармандчилик устахоналарида кўллар эдилар, баъзилари кўшимча таълим олиб, хаттотлик касби билан шуғулланар, баъзилари мадрасага кириб ўқишни давом эттирардилар.

Олий диний мактаб бўлган мадрасада ўрта асрга оид диний фалсафа ва мусулмон ҳуқуқлари, араб тилининг грамматикаси ва мантик илмларидан дарс ўтиларди. Унинг ўқув режалари вақт ва шароитга қараб ўзгариб турган. Масалан: XV асрнинг 30-40 йилларида Самарқанд ва Ҳирот мадрасаларида дунёвий билимлар: математика, астрономия, мусиқа каби фанлар ҳам ўқитилган.

Мадраса уч бўлимдан иборат бўлган: биринчи бўлимда мусулмон диний ақидалари баён қилинган китоб – араб тили ва қонунчилик ўргатилар эди. Бу бўлим талабаси 9-10 йил ўқиган.

Иккинчи бўлимда қонунчилик, илоҳиёт, (қонунчилик), мушкулот, мантик, араб тили грамматикаси, нотиклик маҳорати калом ўқитилган. Унда 7-8 йил ўқишган.

Учинчи бўлимда илоҳиёт, қонунчилик, калом ўқитилган. Қонунчилик курсида география ва арифметикадан баъзи маълумотлар берилган. Мадрасани тамомлаб чиққанлар имомлик билан шуғулланиш ва қозихоналарда ишлаш ҳуқуқига эга бўлар эди. Мактаб ва мадрасаларда асосан ўғил болалар ўқитилар эди. Шаҳарлардаги диний мактабларда баъзи домлаларнинг хотинлари – отинойилар қизларни ҳам ўқитиш билан шуғулланар эдилар. Мактаб ва мадрасаларда дарс ўзбек, араб ва форс-тожик тилларида олиб бориларди.

Мусулмон мактабларида таълим тизими 5 тоифага бўлинган эди.

Қуйи мактаб – бу мактабларда ўғил болаларга савод ўргатишган (4 йил).

Халилхона мактаби – (намоз) ёд олдириб ўргатилган.

Қорихона - Қуръон ёд олинган.

Мадраса.

Мактаб интернат – ўрта мадраса. Бу мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб, ўрта маълумот берилган.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин мактаб ва мадрасаларда баъзи ўзгаришлар юз берди. Мусулмон мактаблари учун босмахонага чоп қилинган дарсликлар пайдо бўлди. Қозондан босмахонада нашр қилинган қуръон ва ҳафтияклар, Ҳиндистон ва Эрондан шоирларнинг литографияда чоп қилинган тўпламлари келтирилди, Тошкентнинг ўзида ҳам мактаблар учун дарсликларни литография усулида нашр қилиш йўлга қўйилди.

Мустамлака маъмурияти машғулотлар ўрта аср тартибида олиб борилаётган мусулмон мактабларининг ишига аралашмас эдилар. Аммо мактабларда рус тилини ўқитишни рағбатлантирувчи чоралар кўришга ҳам ҳаракат қилинарди. Натижада, маҳаллий ёшлар рус тилини ўрганишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. XX аср бошларида эса мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий қилинсин, деган кўрсатмага биноан 1913-1917 йилларда баъзи

мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий қилинди.

Эски мактабларда ҳам баъзи ўзгаришлар содир бўлди. Рус тузем мактаблари ҳамда янги хил мактабларнинг таъсири остида баъзи эски усул мактабларда бирмунча янгиликлар жорий қилинди, - литографияда босилган алифбелар ёрдамида товуш методи асосида савод ўргатиш жорий қилинди, қизларга ўқишни ўргатиш билан бирга ёзишни ҳам ўргатишга киришилди. Бу янгиликларга кўра ўзбек мактаблари ҳаётида катта силжиш рўй берди.

XX аср бошларига келиб, Туркистон ўлкасидаги йирик марказий шаҳарларда олий таълим маскани ҳисобланган қуйидаги мадрасалар:

Бухорода – 80, Қўқонда – 40, Самарқандда – 22, Марғилонда – 28, Тошкентда -17

, %еваРЕонлигидаР

, Хева хонлигида – 130

<авжудР1ўлибЪ

СлардаР400

4анР5000

ВагачаРВалабаРВацАилР>ларРМдиЮ

1906 9илгаР:елибЪ 1иргинаР!амарқандР2илоятинингР

мавжуд бўлиб, уларда 400 дан 5000 тагача талаба таҳсил олар эди.

1906 йилга келиб, биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 1510 та мусулмон мактаби бор эди, уларда 1482 ўқитувчи 12740 талабага сабоқ берган.

Умуман олганда Туркистон ўлкасида 1905-1906 йилларда 5290 та мактаб бўлиб, уларда 70955 талаба таълим олган.

Бу даврга келиб маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида Хева хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний – Феруз (1844-1910 й.) катта ишларни амалга оширди. Бевосита унинг ташаббуси билан 1884 йили ўз саройида мактаб очилиб, бу мактабда рус ўқитувчиси ва Мирзо. Раҳмонқули қори каби маҳоратли таълим-тарбия усталари ёшларга билим бериш иши билан шуғулландилар.

Феруз фармонига мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда биринчи янги усул мактаби очилди. Унда Ҳусайн Қўшаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади.

Ҳусайн Қўшаев 1906-1907 ўқув йилида хонликдаги илғор маърифатпарвар кишиларнинг истакларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактабини ҳам ташкил этди. Феруз унга ҳомийлик қилиб, Хазина ҳисобидан мактаб учун алоҳида маблағ ажратиб берди.

Феруз ҳомийлигидаги бу мактабда Ҳусайн Қўшаевнинг турмуш ўртоғи Комила Қўшаева қизларга билим бера бошлади.

1909 йилга келиб Феруз қули остидаги мадрасалар сони 130 тага етиб, ундаги муллаваччалар 2300 кишидан ортиб кетди.

Феруз Хева зиёлилари орасида нуфузли ўринни эгаллаган маърифатпарвар Комил Хоразмийни Тошкент шаҳрида гимназия ва мактаблардаги ўқитиш усулини ўрганиб келиши мақсадида сафарга жўнатади. Сафардан қайтгач Комил Хоразмий бу соҳадаги ишларни анчагина

жонлантириб юборди.

Мазкур мактаб ўқув дастури ҳамда режасига – риёзиёт, тарих, жўғрофия, табиат, рус тили, маҳаллий савод (она тили) ва исломшунослик фанларини ўқитиш белгиланади. Машғулот жараёнида Шарқ мутафаккирлари – Навоий, Фузулий, Бедил, Саъдий Шерозий, Машраб, Сўфи Оллоёр кабилар билан бир қаторда рус шоир, ёзувчиларининг асарлари ҳам ўрганилди. Шунингдек, у, воҳада санъат, маориф ва маданият ривожига раҳнамолик қилиб, саройда «Подшоҳи замон типолитографияси»ни ташкил қилди.

«Литография» - юнонча сўз бўлиб «Литос» - тош ва «графос» ёзаман деган маънони билдиради. Бу атама ўзбек тилида тошбосма тарзида қўлланиб келинган.

Феруз саройидаги бу тошбосмахонада илк бор Абу Наср Форобийнинг «Нисобус - сибиён» (Болалар насибаси), Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридан парча, «Хайрат ул-аброр» достони, Шермуҳаммад Муниснинг «Мунис ул ушшок» девони, Ёкубхўжа ибн Иброҳимхўжанинг «Девони Холис» тўплами, Ферузнинг «Девони Феруз» ва бошқа ўнлаб асарлар нашр этилган.

Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олинган, чор маъмурлари минг-минглаб рус оилаларини Марказий Осиёга кўчириб келтиради. Фарғона вилояти, Сирдарё, Самарқанд ва бошқа вилоятдаги (шаҳарлар) маҳаллий деҳқонларнинг серунум ерлари тортиб олиниб, уларга берилади. Уларнинг бундай ҳатти-ҳаракатларидан ғазабланган атоқли шоир Чўлпон «Ҳазон» сарлавҳали шеърида қаҳр ила ёзганди:

Ай, савуқ эллардан муз кийиб келганлар,
У қўпол товушингиз қирларда йўқ бўлсун!
Эй, маним боғимдан мевамни терганлар,
Қоп-қора бошингиз ерларга кўмулсун!

2. Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. Рус-тузем мактаблари ва матбуот.

Рус муҳожирлари Туркистон генерал – губернаторининг фармонида биноан ўлкада рус мактаблари, рус тузем мактаблари, гимназия каби мактабларни очиш ва бу мактабларни кенгайтириш ҳисобига маҳаллий мактаблар, мактаб мадрасаларни сиқиб чиқариш мақсадида маориф ислохотини ўтказиш бошладилар.

Бу билан гўёки, улар Марказий Осиё аҳолисининг саводхонлик даражасини оширишга бўлдилар ва ҳар бир қилинган ишни бўрттириб кўрсатишга уриндилар.

1917 йилги тўнтаришгача 21 фоиз саводхон

сиёРАаводхонликРАаражасиниРАширмоқчиРАўлдиларРАа
РхОРР1ирРВилинганР8шниР1ўрттирибР:ўрсатишгаРСриндиларЮ
1917 9илгиРВўнтаришгачаР21 ДоизРАаводхонР1ўлганР

бўлган ўлка аҳолисини, ёппасига саводсиз эди, дея камситишга уриндилар, куруқ бўхтон ёғдирдилар.

Ўлка аҳолисини саводхон қилиш учун энг аввало рус, рус тузем, гимназия каби ўқув масканлари керак, мадраса ва «усули қадимия» эски усул мактабларида, отинлар мактабларида савод чиқариб бўлмайдиган деган сиёсатни юргизишга ҳаракат қилдилар.

Бунга биз 1897 йилдаги Россия томонидан ўтказилган аҳолини рўйхати маълумотларини кўрсатишимиз мумкин. Масалан, ўша аҳоли рўйхатида қайд этилишича, Марказий (Ўрта) Осиё аҳолисининг саводхондик даражаси қуйидагича белгиланган:

Тожиқлар – 99,5 % саводсиз;

Қирғизлар – 99,4 % саводсиз;

Туркманлар – 99,3 % саводсиз;

Ўзбеклар – 98,4 % саводсиз;

Қозоқлар – 97,9 % саводсиз деб ҳисобланган.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси уйдурма эди. Аслида Туркистон ўлкаси халқларининг саводхонлик даражаси чор Россияси аҳолисининг саводхонлик даражасидан паст эмас эди. Чунки, Туркистон ўлкаси халқлари 1917 йилги тўнтаришдан олдин шахсий ва оммавий мактаблар, мадрасаларда билим олганлар, юксак илм эгаси бўлганлар.

Зеро, юқорида қайд этилган аҳоли рўйхати маълумотномасида рус халқидан, рус миллатидан бошқа миллатга мансуб фуқароларни атайлаб камситиш чор Россиясининг асосий мафкуравий кураши натижасидир. Чунки улар рус ва рус-тузем мактабларини битирганларнигина саводли деб ҳисобланганлар. Ҳатто, улар дунёвий мактаблар очиш, она тилидаги дарслиқлар, газета ва журналлар нашр қилиш ва ҳоказоларни қатъий таъқиб қилар эдилар.

Айни вақтда чор ҳукумати рус бўлмаган аҳоли яшайдиган жойларда мактаблар очар, бу мактаблар эса ўз олдида руслаштириш мақсадини кўяр эди.

Чор ҳукумати томонидан XX асрнинг 60 йилларида мактаб уставлари тасдиқланиб, шулар асосида бошланғич ҳамда ўрта мактаблар қайта тузилиб, рус бўлмаган халқлар учун мактаблар ташкил этишга доир давлат хужжатларини ишлаб чиқишга киришдилар.

Мактаб ишига тааллуқли асосий сиёсий ва идеология соҳасидаги кўрсатмалар 1870 йилда чор Россияси халқ маорифи ноизири Д.А.Толстой томонидан ифодалаб берилган эди. «Бизнинг ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумотли бўлишининг охириги мақсади, деб маълум қилган эди, у, - шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак». Руслаштириш кўрсатмаси 1870 йилда эълон қилинган бўлиб, унга биноан рус миллатига мансуб бўлмаган барча халқлар учта тоифага бўлинган эди.

«Жуда кам руслашган халқлар», буларга Шарқий Сибирь ва Поволжье

халқлари кирар эди. Бу халқлар учун очилган мактабларда ўқишни она тилида бошлаш ва кейинчалик рус тилида ўқитишга ўтиш тавсия қилинар эди.

«Руслар ҳам яшайдиган районларда яшовчи халқлар». Бу жойлардаги мактабларда ўқитишнинг дастлаб рус тилида олиб бориш айрим ҳолларда она тилининг ёрдамига таяниш ва мумкин қадар тезроқ фақат рус тилида ўқитишга ўтиш таклиф қилинар эди (масалан, грузин болалари ўқитиладиган мактабларда ўқитиш шундай олиб борилади).

«Етарли даражада руслашган халқлар». Украинлар, белларусь ва бошқалар, буларнинг мактабларида ўқитишни фақат рус тилида олиб бориш тайинланган эди. Мазкур «Қоида»ларни мана шу тоифага киритилган халқларга қўлланишниш 60 йилларда ижтимоий ҳаракат жараёнида вужудга келган она тилида ўқитиш тажрибасини батамом сиқиб чиқаришга олиб келади.

Мана шу умумий директив ҳужжат асосида улкан Россия империясининг айрим ҳудудлардаги мактабларнинг таълим-тарбиявий иши принципларини белгилаб берадиган йўл-йўриқлар яратилади ва эълон қилинади.

1776 йилда Марказий Осиё туманининг генерал-губернатори ҳузурида Туркистон ўқув юртларининг махсус бошқармаси ташкил этилган бўлиб, аввало, руслаштириш сиёсатини амалга ошириш вазифаси унинг зиммасига юклатилган эди.

Тегишли давлат ҳужжатлари билан мактабларнинг иш тартибини белгилаб ва мактаб идораси органлари ўз мақсадларида мустаҳкамланиб олгач, чоризм ўқитувчиларнинг фаолиятини инжиқлик билан синчиклаб назорат қилиш тизимини тўхтовсиз ошириб борди.

Тарихда ўзбек халқи кўп босқинчиларни кўрган. Масалан, мўғул-татар босқинчилигини оладиган бўлсак, улар одамларни қирган, бойликларини талон-тарож қилган... аммо маданиятига, тилига ва динига тегмаган. Энг даҳшатлиси, руслар Туркистонда барча босқинчилик ишларини олиб бориш билан бирга халқнинг урф-одатидан, тили ва динидан ҳам айирмоқчи бўлдилар.

Генерал Розенбах эса шундай деган эди: «Ўлкани руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб этиши лозим». Ҳақиқатдан ҳам мустамлака даврида рус-тузем мактаблари вужудга келди. Бу мактабларнинг асл мақсади, ўлкани руслаштириш эди. Афсуски бу ўринда бошқа тишга тегадиган нозик бир ҳолат ҳам бор. «Туземец» дегани русча ўзбекча луғатда «махаллий халқ», «туб аҳоли» деб таржима қилинган. Рус олими Владимир Дальнинг «Великорус жонли тилининг изоҳли луғати» китобида мана шундай жумлалар ёзилади: «Туземец. Местнўй относящийся до известной странў...Туземнўе жители части Океании стоят на низшей ступени человечества»

XX 0срР1ошларидаР"уркистондаРх0ммасиР1Ц;ибР20925 8шчиР1Ц;ганЪ ЕолосЮ "емирР9Ц;ларРў;камизнингР1арчаР1ойликлариниР

РоссиягаРВашиБР>лиБР:етишР<аҳАадидаРқСрилганЮ
 ғнгиР>чилганРВурлиР<актабларР<устамлакачиР0малдорларРСчунРВилмочл
 арРВайёрлабР1еришРСчунРЕизматРқ8лганЮ

РоссияРЕалх;ариРСчунРхСкуматР<актаблариЮ

XX аср бошларида Туркистонда ҳаммаси бўлиб 20925 ишчи бўлган, холос. Темир йўллар ўлкамизнинг барча бойликларини Россияга ташиб олиб кетиш мақсадида қурилган. Янги очилган турли мактаблар мустамлакачи амалдорлар учун тилмочлар тайёрлаб бериш учун хизмат қилган.

Россия халқлари учун ҳукумат мактаблари.

Мусулмон аҳолиси яшайдиган жойларда қадимдан мактаб-мадраса ва хоказолар мавжуд бўлиб, буларга қарши чор ҳукумати Россиядаги кўп сонли халқлар учун махсус ҳукумат мактаблари барпо қилар эди. Бу мактабларнинг кўпчилигида ўқитиш рус тилида олиб борилар эди. Уларнинг бири – тўрт йиллик, иккинчиси – икки йиллик эди. Баъзи бир тўрт йиллик мактабларда интернатлар ҳам бўлиб, уларда кўпроқ феодалларнинг ва маҳаллий аҳолининг бой қатлами болалари таълим оларди. Туркистоннинг 1880 йилда Россия тасарруфига ўтганидан кейин Марказий Осиёдаги рус-тузем мактаблари анча машҳур бўлди. Аммо меҳнаткашларнинг болалари учун яхши йўлга қўйилмаган икки йиллик савод чиқариш мактаблари очилган эди. Ўқиш муддати икки йил бўлган миллий мактаблардан, масалан, қозоқларда овул мактаблари, деб аталган мактаблар типик мактаб саналар эди.

Дастлабки овул мактаблари 1892 йилда Тўрғай областининг овулларида ташкил топган бўлиб, аҳолини кўчманчилик турмушига мослаштирилган эди. Овул мактабларида рус тили, арифметика қозоқ алифбоси ва ислом дини ўқитилар эди. Бу мактабларда ўқитиш ўқувчиларнинг она тилида олиб бориларди, лекин уларнинг савияси жуда паст эди. 1916 йилда 169 та овул мактаби бўлиб, уларда 5 минг ўқувчи ўқирди, бу мактаб ёшидаги барча қозоқ болаларининг фақат бир фоизга яқининигина ташкил этарди, холос.

Марказий Осиё ва Шимолий Кавказнинг мусулмон аҳолиси учун уларни руслаштириш мақсадини кўзда тутган рус-тузем мактаблари XIX асрнинг 80 – йилларидан бошлаб очила бошлади. Бу мактаблар ўз дастурларига кўра рус министерлик мактабларидан ислом динининг ўқитилиши билангина фарқ қилар эди. Рус-тузем мактабларида ўқитиш рус тилида, диний таълимот эса ўқувчиларнинг она тилида олиб бориларди.

Туркистонда дастлаб очилган рус мактаблари.

Марказий Осиё хонликларида ислом дини давлат дини ҳисобланар эди. Мусулмон руҳонийлари Марказий Осиёнинг феодал ҳукмронлари билан

маҳкам боғланган эди; шу ҳукмронларнинг ёрдами туфайли бу ерда мусулмонларнинг жуда кўп диний ўқув юртлари, чунончи: масжидлар хузурида мактаблар, мадрасалар ва шунга ўхшаган ўқув юртлари бор эди. Туркистонда биринчи генерал-губернатори бўлган Кауфман барча мусулмон муассасаларига нисбатан «аралашмаслик» (бетарафлик) сиёсатини тутди.

Ўрта аср мусулмон мактабларини ислоҳ қилишдан бош тортган чоризм, руслар ўрнашган ерларда очилган рус мактабларини Туркистонда маориф соҳасида ўз сиёсатининг қуроли қилиб олишга ҳаракат қилди. (Тошкентда дастлабки рус мактаби 1866 йилда очилган эди). Рус мактабларига руслар билан бирга ўқиш учун маҳаллий аҳоли болалари ҳам қабул қилинар эди. Туркистондаги бошланғич рус мактабларида хунарга Россиянинг Европа қисмидагига қараганда, анча кўпроқ ўргатилар эди; бундан мақсад маҳаллий аҳолининг болаларини мактабга кўпроқ жалб қилиш эди.

Чоризмнинг Туркистонда руслаштиришдан иборат мактаб тизими унинг Поволжье (Волгабўйлари) учун мақуullanган «Ильминский системаси»дан фарқ қилар эди. Қозон педагоги Ильминский Волгабўйидаги чувашлар, мариийлар ва бошқа халқлар учун алоҳида рус ва маҳаллий аҳоли мактаблари очган эди. Бу мактабларда ўқиш дастлаб болаларнинг она тилларида олиб борилар, рус тили эса алоҳида фан сифатида ўқитилар эди, шу билан бирга, ҳамма дарсликлар христиан (православие) динини тарғиб қилиш руҳида тузилган эди. Булардан фарқли ўлароқ, ислом дини таъсири кучли бўлган Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси ўртасида христианлар миссионерлигига рухсат этилмас эди; бунинг устига рус мактабларида мусулмон динини ўқитиш ҳам ман этилган эди; рус мактабларига ўқишга кирган ерли аҳоли болалари дастлабки кунданок рус тилида ўқитилар эди.

Туркистонда дастлабки рус ўрта ўқув юртлари 1870 йиллардан очила бошлади: 1876 йили Тошкентда, Вернийда (ҳозирги Олмаотада) эрлар ва Хотин-қизлар гимназиялари. 1879 йили эса Тошкентда ўқитувчилар семинарияси очилди. Гимназияларга ҳам ерли аҳолининг болалари қабул қилинар эди. Ўқитувчилар семинарияларида эса маҳаллий аҳоли болаларига 1ғ3 ўрин ажратилган эди.

Туркистонда дастлаб очилгани баъзи бир рус мактабларида ўқувчиларнинг 1ғ4 ини ва ундан кўпроғини маҳаллий аҳоли болалари ташкил этган бўлса-да, лекин бутун Туркистон ўлкаси бўйича ҳисоблаганда бундай мактабларда ўқувчи маҳаллий аҳоли болалари 200 тадан ошмас эди. Буларнинг ҳам кўпи қозоқ болалари бўлиб, ўзбек ва тожик болалари жуда оз эди, чунки мусулмон руҳонийлари «кофирлар» мактабларига қарши тарғибот юргизар эдилар. Рус мактабларида, айниқса ўрта мактабларда ўқувчилар ўртасида ўз ижтимоий аҳволига кўра бойлар ва оқ суякларнинг болалари кўпчиликни ташкил этар эди.

Чоризмнинг мактаб соҳасидаги сиёсати руслаштиришдан иборат бўлса ҳам, лекин рус болалари билан маҳаллий аҳоли болаларининг биргаликда ўқишлари, улар ўртасида ўзаро дўстликни тарбиялар эди.

Рус мактабига ўқишга кирган болалар рус тилини мутлақо билмас эдилар, натижада анча қийинчилик туғилар эди. Шунинг учун рус мактабига

кирган, лекин рус тилини мутлақо билмайдиган ўқувчи рус тилида сўзлашишни ўрганиб олмагунча одатда қуйи бўлимда ўқир, рус тилида сўзлашишни ўрганиб олгандан кейингина юқори бўлимга ўтказиларди. Юқори бўлимларга ўқув йилининг ўрталарида ҳам ўтказилар эди, чунки мактаблар кичкина бўлиб, бир вақтнинг ўзида машғулотлар бир неча бўлимлар билан олиб борилар эди.

Рус мактабларида ўқийдиган қозоқ болаларнинг кўпчилиги интернатларда яшар эдилар, худди шу интернатларда рус тили янада тезроқ ва пухтароқ ўрганиб олинар эди.

Тошкентдаги гимназияда дастлабки йилларда, маҳаллий аҳолининг болаларини рус тили билан кўпроқ шуғуллантириш учун лотин тилини ўргатишдан озод қилинар эди.

1880 йилларнинг бошларига келиб рус мактабларида ўқийдиган ўзбек ва тожик болалари учун ислом динини ўқитиш керак, токи ота-оналари бу мактаблардан кўрқмасинлар, деган фикр тарқалган эди. Туркистон маъмурлари бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини текширишга қарор қилдилар. 1884 йил 19 декабрда Тошкентда, «эски шаҳар» қисмида синаб кўриш учун биринчи рус-тузем мактаби очилган эди. 10 йиллардан кейин Тошкентда бундай мактаблар сони тўрттага кўпайди. Бу типдаги мактаблар ўлкадаги йирик шаҳарлар ҳамда қишлоқларда ҳам ташкил этила бошлади. Ўлкада рус, рус-тузем мактаблари илк бор XIX асрнинг 70 – йилларида юзага келган бўлса, 1904 йилга келиб уларнинг сони 57 тага етди.

Тадқиқотчи А.Муҳаммаджоновнинг маълумотига кўра ўлкада ташкил этилган рус-тузем мактаблари 1870-1904 йилларда қуйидаги ҳолатда эди

А.Муҳаммаджоновнинг маълумотига кўра: 1870-1904 йилларда қуйидаги ҳолатда эди.

Йиллар
Мактаблар сони
Ўқувчилар сони

Ўғил болалар
қиз болалар

1870
1874
1884
1886
1889
1891
1904

1
2
3
4
17
22
57
29
69
110
116
374
418
1830
-
-
-
-
-
8
104

Рус-тузем мактабларида ўқувчиларга рус муаллими рус тилини ҳамда арифметикани ва бошқа фанларни ўргатар, бунинг учун ўқиш вақтининг ярми ажратиб қўйилган эди. Ўқиш вақтининг қолган ярми «Мусулмон домла» ихтиёрига бериб қўйилган бўлиб, у эски усул мактабларидагидек болаларга диний дарслар ўқитиш билан шуғулланарди.

Рус-тузем мактабларида фақат ўғил болалар ўқитилар эди. Ота-оналар қизларини бундай мактабларга бермас эдилар. 1903 йилда Туркистон педагогика тўғараги, Тошкентда қизлар учун рус-тузем мактаби очилди. Лекин бу мактабнинг фаолияти узоққа чўзилмай, икки йилдан кейин ёпилиб қолди.

Рус-тузем мактабларида рус тилини ўқитиш дастури ва услуби рус бўлмаган ўқувчилар учун мўлжаллаб тузилар эди. (бу мактабларда баъзан рус болалар ҳам учраб қолар эди).

1884 йили, синаш учун очилган рус-тузем мактабида (Туркистон ўқитувчилар семинариясининг рус қисмида) тарбияланувчилар учун ўзбек тили киритилди. Наманган яқинида бир қишлоқда 6 йил яшаган ва ўзбек тилини яхши ўрганиб олган В.П.Наливкин, бу мактабда биринчи бўлиб ўзбек тилини ўқитган эди. У синаш учун очилган рус-тузем мактабининг биринчи ўқитувчиси эди. Наливкин В.П. семинарияда 1890 йилгача дарс берди. Дарс чоғида Наливкин бўлажак чўқитувчиларга фақат ўзбек тилинигина ўргатиб қолмасдан, балки уларда ўлкани ўрганишга ҳам ҳавас уйғотган эди. Семинарияда ўқиб чиққанлар орасида рус-тузем мактабларида ишлашга

тайёр бўлган ва бу ишни севиб қолганлар анчагина эди.

Туркистоннинг рус аҳолиси мактаб таълими билан ерли аҳолига қараганда анча яхшироқ таъминланган эди. Туркистон ўлкасида биринчи бўлиб рус мактаби Тошкентда 1866 йилда, Самарқандда 1870 йилда, орадан 1-2 йил ўтгач, Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўлди.

Бу рус мактабларида маҳаллий аҳоли болалари жуда кам сонни ташкил этарди. 1876 йилда Тошкентда эркаклар прогимназияси ва қизлар прогимназияси очилади. 1894 йилда реалъ билим юрти очилди. Бу ўқув юртларида бошқа шаҳарлардан келган ўқувчилар учун пансион (ётоқхона) ҳам бор эди. Бу мактаблар давлат бюджетидан таъминланар эди.

1879 йилда Тошкентда Туркистон муаллимлар семинарияси очилди. Бу семинария мактаблари рус бошланғич синфлари учун ўқувчиларга она тилидан муаллимлар тайёрлаб бериши лозим эди. XIX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб семинария рус-тузем мактаблари учун ҳам муаллимлар тайёрлашга ҳам киришди. Маҳаллий тилни ўрганиш мажбурий қилиб қўйилганлиги Тошкентдаги бу семинариянинг хусусиятларидан бири бўлди. Семинарияда В.П.Наливкин ўзбек тилида дарс бера бошлаган биринчи ўқитувчи бўлди. 1887 йилда Наливкин тузган луғат ва грамматика рисоласи нашр этилди. Булар тилшунослик тарихида ўзбек тилига доир биринчи қўлланма бўлди.

Мактаблар учун ажратилган маблағларнинг каттагина қисми ўрта ўқув юртларига сарфланарди. Тошкентдаги кодетлар корпусига айниқса кўп маблағ сарф бўлар эди. Ишлаб турган тўртта ўқув юртидан ташқари 1900 йилдан бошлаб яна бешта ўқув юрти очилди. Самарқандда ва янги Марғилонда қизлар ва эркаклар гимназиялари ишга тушди; 1905-1916 йиллар ичида ўрта мактаблар сони икки баравардан зиёдроқ кўпайди; уезд марказларининг деярли ҳаммасида ўрта мактаблар пайдо бўлди.

Иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган Кўқон ва Тошкент шаҳарларида 1905-1907 йилларда янги типдаги ўрта мактаблар - ўғил ва қиз болалар бирга ўқийдиган коммерция билим юртлари очилди.

Туркистоннинг иқтисодий ривожланиши ҳунар-техника типидagi мактабларнинг очилишига олиб келди. Чунончи, 1896 йилдаёқ Тошкентда пахта заводлари ва бошқа заводларни таъмирлаш учун кадрлар тайёрлайдиган билим юрти очилди; 1897 йилда ирригация назоратчилари тайёрлайдиган курс ташкил этилди. 1902 йилда Тошкент яқинида қишлоқ хўжалик гидротехника мактаби очилди. 1904 йилда Самарқандда боғдорчилик ва шу йилнинг ўзида Тошкентда темир йўл техника билим юрти очилди. 1908 йилда А.М.Малиновская Тошкентда қўл-ҳунар усталари ҳамда ҳисобчилар тайёрлайдиган хусусий қизлар ҳунар мактабини очди. Шу тариқа Туркистонда маданий иқтисодий ривожланиш анча юкса поғонага кўтарилди.

Текшириш ва назорат саволлари.

XIX – асрнинг II ярми ва XX аср бошларида Чоризм сиёсати.

Туркистон ўлкасида ўтказилган ислохатлар асосида қандай мактаблар

ташқил қилинди?

Туркистонда дастлабки очилган рус мактабларини фаолияти.

3. Туркистонда жади́дчи́лик ҳаракати ва таълим-тарбия.

Туркистондаги жади́дчи́лик ҳаракати бу бир тасодиф ходиса бўлмай, балки ҳаётимиздаги ижтимоий-сиёсий зиддиётлар махсулдир.

Жади́дчи́лик оқимини ижтимоий-сиёсий ва маърифий томонларини профессор Б.Қосимов ўз тадқиқотида батафсил баён этган.

XIX асрнинг бошларидан Бухородаги маърифатпарвар мусулмон руҳонийлари ва зиёлилари орасида мадраса ва мактаблар тизими га ҳамда ислом динига кириб қолган бидъатларни ислоҳ қилиш фикри пайдо бўла бошлайди. Шундай ислоҳот тарафдорларини жади́дчи́лар, яъни янгилик тарафдорлари деб атай бошлайдилар. Жади́дизм (арабча «жади́д» сўзидан олинган бўлиб «янги» деган маънони билдиради). Ўша даврлардан бошлаб бунга қарама-қарши турган оқим, яъни феодал-ўрта асрчилик, диний фанатизм руҳида бўлган кишиларни эса қадимистлар, деб атай бошладилар. XIX аср бошларида бир қанча маърифатпарвар мударрислар Бухоро шаҳридаги 200 га яқин мадрасани ислоҳ қилиш ғояси билан чиқдилар. Бу ҳаракат бошида мадраса мударриси Абу Наср Ал Курсавий турган эди. Қадимистлар эса уларни кофирлик ва худосизликда айбладилар. Бухоро амири Ҳайдар эса Курсавийни зиндонга ташлатиб, ўлим жазосига ҳукм қилади. Аммо унинг тарафдорлари уни зиндондан қочирадилар. Курсавий Қозонда ўз фаолиятини давом эттириб, 1813 йилда вафот этади. XIX асрнинг 50-60 – йилларида диний ислоҳотчилик ҳаракати янада кенгая бошлайди. Энди бу ҳаракат бошида бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний (1818-1889), ғиждувонлик домла Фозил, Мўминжон Вобкандий, мулла Худойберди Бойсуний ва бошқа мударрислар турар эдилар. Улар мадраса ва мактабларни ислоҳ қилишни эмас, балки ортиқча дарсларни олиб ташлаш тарафдори эканликларини ёзадилар. Ислоҳотчилар раҳнамоси Маржоний ўзининг дастурида қуйидаги олти асосий масалаларни кўяди:

Қуръондаги ҳар қандай диний масала юзасидан кишилар билган ҳолда ўзлари эркин фикр юритсинлар.

Бировнинг бировга кўр-кўрона эргашиши қатъий манн қилинсин.

Мадрасаларда ўқитиладиган хошия ва шрқ каби қуруқ мазмунга эга бўлган ва мадраса ўқувчилари учун фойдасиз бўлган ҳамда уларнинг 8-10 дақиқа вақтини бекорга олувчи дарслар дарс жадвалларидан олиб ташлансин.

Мадрасаларда Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, уларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарслар ўтилсин.

Арифметика, тарих, жўғрофия, табобат, хандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўқишга қаршилиқ кўрсатилмасин.

Ҳар бир ишда мусулмончиликни Муҳаммад алайҳиссалом давридаги қадимий ислом маданиятига қайтариш кўзда тутилсин.

Маржоний ва унинг тарафдорлари бўлган ўша даврнинг жади́длари мусулмон тараққийпарварларидан эдилар, улар мадрасаларда диний дарслар

билан бир қаторда қадимий ислом маданияти давридагидек дунёвий дарсларни ўқитишни шарт қилиб қўйдилар. Бироқ, қадимистлар ва амирнинг реакцияси натижасида таъқибга учраган Маржоний Бухородан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Унинг маслакдошларидан кўпчилиги зиндонга ташланиб, орқаларига 75 дарра урилгач, улар тавба қилиб, қайтиб бундай ишларни қилмасликка ваъда бердилар

ухороданРГих8бР:етишгаР<ажбурР1Ц;диЮ
#нингР<аслакдошлариданР:Ц?чилигиР7индонгаРВашланибЪ >рх0ларигаР75
4арраРСрилгачЪ СларРВавбаРқ8либЪ
қОйтибР1ундайР8шларниРқ8лмасликкаР2аъдаР1ердиларЪ.

XIX 0срР>хириР

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида жаидчилик ҳаракати кучайиб кетди. Бу ҳаракат мавжуд жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини қайта қуришга қаратилгани сабабли эски тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорларининг кучли қаршилигига дуч келди. Бу қарши куч вакиллари қадим ё қадимчилар деб аталган бўлса, янги ҳаёт шабадаларини олиб келишга уринган кишилар эса жаид ёки жаидчилар деган ном олдилар. Шу тарзда асримиз бошларида жаидлар ва жаидчилик ҳаракати юзага келди. Янги асрнинг бошланиши билан аввалгидек ижтимоий ҳорлик, иқтисодий ва маданий қолоқлик шароитида яшаш мумкин эмаслиги улар учун ойдек равшан эди. Нафақат Марказий Осиё, балки Россияда яшовчи халқлар ҳам ўз тақдирларини ўзгартирибгина, феодал тузумнинг негизларини парчалабгина янги ҳаётга қадам қўйишлари мумкин эди. Оқ подшо идора қилган мамлакатдаги ана шу оғир вазият туфайли 1905 йил тўнтариши содир бўлди. Бу тўнтаришдан мақсад жамиятни демократлаштириш, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш, дворянлар ихтиёридаги катта ер-мулкни олиб, деҳқонларга бўлиб бериш ва ҳоказолар эди. Биринчи рус тўнтаришининг бу дастури билан танишган Марказий Осиёлик тараққийпарвар зиёлилар татар қардошлари ортидан бориб, жаидчилик ҳаракатига келиб қўшилдилар. 1907 йил Эрон буржуа тўнтариши, 1908 йил Туркия буржуа тўнтариши, Марказий Осиёда жаидчилик ҳаракатининг расмийлашуви ва кучга киришида катта аҳамият касб этди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислохотлар йўли билан халқ ва жамият ҳаётини яхшилашга, маданий юксакликка олиб чиқишга қаратилган дастурни бажаришга киришдилар. Улар таъсирида ўзбек заминининг бошқа гўшаларида ҳам жаидчилик ҳаракати авж олди.

Жаидчилик жамияти тўнтариш йўли билан эмас, ислохотлар йўли билан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилади. У ўзининг бу вазифасини адо этишда, фақат бир синфга – пролетариатгагина таянмади. Умуман жаидчилик инсониятни синфларга бўлиб ташлаш тарафдори эмас. Жаидлар ҳатто қадимчилар билан ҳам иттифоқ тузиб, халқ ва келажак манфаати йўлида бақамти ишлаш, бугунги ифода билан айтганимизда турли

сиёсий қарашларга эга бўлган халқ қатламларининг тинч-тотув яшаши ва ишлаши ғоясини кўтариб чиқдилар. Бехбудий ана шу «муттаҳид» фронт тузиш ғоясини баён қилар экан, «уламо ёки зиёли ва тараққийпарварларимиз бой ва авомимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватаннинг ривожини учун хизмат этсак»², деб ёзган. Жадидларнинг бундай муттаҳид фронтни тузишга интиланларининг боиси турли шароит билан белгиланганди. Авом ҳам, бойлар ҳам, уламо ҳам, зиёлилар ҳам чор ҳукумати қармоғида бўлган мустамлаканинг бири оз, иккинчиси кўп сиқувда бўлган кишилар эдилар. Марказий Осиё бозорларида рус савдо ва саноат буржуазияси ҳукмрон бўлиб, маҳаллий буржуазия вакиллари сина бошлаган эдилар. Бошқача айтганда, мустамлакачилик азобини маҳаллий бойлар ва савдогарлар ҳам сеза бошладилар. Ана шундай тарихий шароитда, жадидларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, оддий халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётини яхшилаш қандай зарур бўлса, чет эл капитали исканжасидан, мустамлакачилик кишанларидан қутилиш ҳам шунчалик кечиктириб бўлмас вазифа эди.

Жадидлар 1906 йилдаёқ «Тараққий» деб номланган газета нашр эттириб, ўз ғояларини тарқата бошладилар, орадан кўп ўтмай, «Хуршид», «Шухрат» сингари янги газеталар дунё юзини кўрди. Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида жадид мактаблари бодрокдек очилиб, уларда диний илмлар билан биргаликда дунёвий билимлар ҳам кенг тарғиб қилинди. «Жадидлар нима ҳақида гапиришмасин, ҳаммаси янги нафас, янги ғоя эди, пролетар мафкураси ҳам, ишчилар синфи ҳам йўқ эди, табиат бирламчи дегувчиларнинг мафкурасини деярли ҳеч ким тушунмас, биладиганлар эса жуда озчиликни ташкил қилар эди. Шунинг учун жадидчиликнинг янги ғоялар билан пайдо бўлиб, руҳонийларга, ҳукмрон синфларга қарши туриши, маданиятни яратиши, бир сўз билан айтганда, янгилик эди, «жадид» жумласининг маъноси ҳам «янги» демакдир».

Агар лўнда қилиб айтсак, жадидларнинг ҳаракат дастури қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

Диний таассуф ва фанатизмга қарши кураш.

Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари ўрнига Оврўпо қабиладаги дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мосланган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, феодал даври маориф тизимини ислоҳ қилиш.

Жадидчилик ғояларини кенг халқ оммасига етказиш ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, матбуот ҳурлиги учун кураш, халқ оммасига тушунарли адабиёт ва театрни яратиш.

Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва жадид мактабларига қатнашларини таъминлаш йўли билан улар тақдирини ўзгартириш ва оилада ислоҳот ўтказиш.

Маҳаллий бойлар ва савдогар аҳлининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқуқда бўлиши, маҳаллий амалдорларнинг чор ҳукмдорлари томонидан сиқувга олишига қарши кураш. Шу йўл билан мустамлакачилик сиёсатини ислоҳ қилиш.

Асосий талабалари ана шундан иборат бўлган жадидлар учун илм ва маърифат ягона қуроли бўлиб, улар шу қурол ёрдами билан ўлкада ижтимоий-

иқтисодий ва маданий таракқиёт учун курашмоқчи бўлдилар.

Назорат учун саволлар:

Жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиш омиллари нималардан иборат?

Жадидчилик қандай ғояларни илгари сурган?

Туркистоннинг ривожланишида жадидчилик ҳаракати қандай аҳамият касб этади?

Маҳмудхўжа Бехбудий таълим тизимини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшди?

Мунаввар Қори қандай ғоялар билан майдонга чиқди?

Абдурауф Фитрат Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ривожланишига қандай ҳисса қўшди?

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ (1874-1919)

Туркистонда жадидлар ҳаракати асосчиларидан бири, жаҳонга машҳур бўлган ўзбекнинг ягона жўғрофияшуноси, атоқли жамоат арбоби, буюк исломшунос, улуғ педагог ва ахлоқшунос, юксак дидли журналист, Маҳмудхўжа Бехбудий 1874 йил 10 мартда Самарқанднинг Бахшитепа кишлоғида руҳоний оиласида таваллуд топди.

Маҳмудхўжа 6-7 ёшларида ўқиб хат-савод чиқаргач, отаси уни қори қилиш мақсадида Қуръонни ёдлата бошлади. Маҳмудхўжа Қуръонни ёд олгач, қорилик билан қаноатланмай 15 ёшларидан тоғаси муфти мулла Одил хузурида дарс олишга киришди. Бу ерда у «Қофия», «Шаҳри мулло», мантиқдан «Шамсия», «Мухтасар ал вақоя», «Ҳошия» ва ҳисоб илмини ҳам ўрганди. Маҳмудхўжа ўқувчилар орасида ибратлиси ҳисобланган, ўткир зеҳнли ва ўқишга ҳаваси баландлардан эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий отаси вафот этганидан сўнг ўқишни тарк этиб, касбкорлик қилишга мажбур бўлади. Самарқанд музофати «Чашми об»да эндигина қози бўлган тоғаси Муҳаммад Сиддиқ хузурида мирзолик хизматида ишлади. Бу ерда икки йил хизмат чоғида, қозихона ишлари кенг танишди. Иш юритиш, ҳуқуққа хос ҳамда муфтиликка тегишли барча юмушлардан хабардор бўлди. У икки йилдан сўнг «Қлбуд» бўлисига ўтиб мирзолик қилади ва тез орада муфтиликка кўтарилади. 1916 йилгача шу ерда ишлайди.

Бехбудий маккага бориш учун жиддий тайёргарлик кўради, араб тилини ўрганди, ислом назариялари билан танишади. Ҳажни етуклик имтиҳони деб билади ва ниҳоят 27 ёшида Маккада бўлиб, Ҳожи ва муфти унвонлари билан қайтади.

Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида, мактаб-маорифида чинакам тўнтариш ясаган, туркий қавмларнинг чинакам ифтихори бўлган Исмоилбек

Ғаспирали томонидан ишлаб чиқилган «усули жаид»да номи тарихда катта ўрин тутгани сингари, Бехбудийнинг номи ҳам Туркистон мактаб-маорифида кенг ўрин эгаллайди. У биринчи бўлиб ўлкада бу янгича усулдаги мактабларни ташкил этишни тарғиботчиларидан ҳамда амалиётчиларидан ҳисобланади. Бу соҳада Бехбудий Исмоилбек ғаспиралидан кўп янги томонларни ўрганди. «Таржимон» газетаси Бехбудий учун вазиятни англашда зарурий восита бўлди. Газетанинг дастлабки сонларида: «Бир бечора фақирни кўрсак, ачинамиз. Ўлаётган бечорани кўрсак, юрагимиз изтиробдан оринади. Ҳатто бирор ҳайвоннинг қийналиши раҳмимизни келтиради. Лекин бир эмас, минглаб кишиларнинг, бутун бир халқнинг жаҳолатдан мислсиз қийналаётганини кўрмаймиз . . . », деб ёзилган сатрлар бор. Кейин «Таржимон» саҳифаларида янги мактаблар ташкил этиш, илғор ва янги фикрларни бериш кенг ўрин эгаллади. Бу эса Исмоилбек ғаспиралининг биринчи томонидан миллатлар қариндошлигини ҳимоя этса, иккинчи томондан умумдемократик характерга эга эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Бехбудий ўзига ғаспиралининг тутган йўлини танлайди ва ундан маслаҳатлар олади ҳамда маслакдош бўлдилар.

Бехбудий «усули жаид» мактабининг зарурлиги, унинг қонун-қоидалари, мактабда ўтиладиган дарслар, қандай имтиҳонлар олиниши, мактабнинг қай тарзда тузилиш, унга қандай асбоб-ускуналар кераклиги, муаллимларнинг вазифалари, уларнинг таъминот масалалари ва бошқа кўп жиҳатларини ғаспиралидан ва унинг асарлари ҳамда мақолаларидан ўрганди. Шулар асосида Туркистонда «усули жаид» мактабларини ташкил этиш учун бор кучини сарфлади. Нафақат ташкил этиш, у шу мактабларни китоблар билан таъминлашда ҳам жонбозлик кўрсатди. У Самарқанднинг эски шаҳар қисмида бепул кутубхона, қироатхона, ўз ҳовлисида мактаб очди. Машҳур педагог Абдулқодир Шуқурийнинг янги усулдаги мактабини ўз ҳовлисига кўчириб келди.

1918 йилда Самарқандда «Мусулмон ишчи ва деҳқон шўраси» тузилганда Бехбудий маориф комиссари этиб тайинланади. Шунда у янги мактаблар тармоғини янада кенгайтиради. Ўқув режалари тузиш, янги дарсликлар яратиш, ўқитувчилар тайёрлайдиган курслар очиш каби ишларини ривожлантириб юборади.

Маҳмудхўжа Бехбудий «усули жаид» мактаблари учун бир қанча дарсликлар ёзади. «Мухтараси тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Мадхали жўғрофия умроний» («Аҳоли жўғрофиясига кириш»), «Мухтараси жўғрофи русий» («Россиянинг қисқача жўғрофияси»), «Амалиётчи ислом» ва ҳоказо китоблари дарслик сифатида ўқитилганди.

«Усули жаид» мактабларида ҳамма ўқиш ҳуқуқига эга бўлган. Чор амалдорлари бу пайтда Туркистондаги янги усулдаги мактабларни Бирон айб топиб дарҳол бекиттириб қуяр эди. Чунки, подшо ҳукумати «бегона халқ»нинг қисман бўлса ҳам илм-маърифатли бўлишини, дунёвий билимларни ўрганишини истамасди. Янги усул мактабларини фақат подшо ҳукумати эмас, балки маҳаллий руҳонийлар, эски мактабнинг домлалари ҳам ёқтирмас эдилар. Улар янги усул мактаблари «ислом динига раҳна солади»,

«бу мактабларнинг муаллимлари «кофир», деб ташвиқот юритар эдилар. Бундай караш ва тўсиқларга қарамасдан Бехбудий ва унинг маслакдошлари «усули жаид» мактабларида Туркистон фарзандларини ўқитиш ишларини жадал суратда олиб борардилар. Махмудхўжа Бехбудийнинг ««усули жаид» мактабидаги ўқитиш ишлари қуйидаги тартибда олиб борилар эди: «Мактаб икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич – ибтидоий қисм, деб номланган. Бунинг тахсил муддати тўрт йил. Биринчи йилида: форсча ва арабча ёзув ҳамда ўқишни ўрганилган. Суралар ёд олинган. Ҳисоб дарси ўргатилган. Умуман бир йил давомида ёзмоа ўқимоқни ўлик ўрганганлар. Иккинчи йилида: хафтияк, имон ва эътиқоддан дарс, форс, туркий ва араб тилида шеърлар, қасидалар ўқитилган. Учинчи йилида: Қуръони Карим, ислом ибодати, тажвид, Саъдийдан насихатлар, форс ва туркий тил пухта ўргатилиб, ундан иншолар ёздириларди. Ҳисобдан турли тақсимот ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилида: эса Калому Шариф, муфассал тажвид, форсий ва туркий назм ва наср, ахлоқ дарси, туркий ва форсий тил, ҳисоб тарих, жўғрофия ўқитилган. Бу тўрт синфни тамомлаган болаларни муаллимларнинг ўзи тақсимлаган. Хоҳласа иккинчи босқичга қолдирар, уларнинг ўзлаштиришларига қараб мадрасага юборар, боланинг ўзи хоҳласа Европа мактабларига юборар ёки тирикчилик учун ишлашга йўлланма берарди.

Мактабнинг иккинчи босқичи – рушадия бўлиб, бунга тўрт синф – ибтидоий қисмни тамомлаганлар ўтказилар эди. Бу босқичда ўқитиладиган дарс ва илмларнинг мундарижаси қуйидагича: биринчи йили араб тили, жўғрофия, шафақия, форс тили, таржима жумла мухтасар, тарихи анбиё ва ислом тарихи, Саъдийнинг «Гулистон», туркий тили ўқитилган; иккинчи йил – араб тили, шифохия, тарих, ислом ахлоқ, турк тили, ҳисоб, форс ёзуви ва ҳоказолар; учинчи йил – араб тили, ҳисоб, хат ёзуви, тарих туркий тил, рус тили ҳам ўқитилган; тўртинчи йил – араб тили, рус қозихона хатлари, бўлистойхона хатлари, турк тили ва адабиёти, саломатлик, мактаб ва ҳаёт, ишқ ва муҳаббатсиз ахлоқ ва бошқа кўпгина ҳаётий дарслар ўқитилган.

Бехбудий мактабида ҳар йилнинг охирида тантнали имтиҳонлар ўтказилиб туриларди. Имтиҳонларга, албатта, ота-оналар ва бошқа меҳмонлар ҳам таклиф қилинарди. Бу биринчидан: «усули жаид» мактабларини кўпроқ тарғиб қилиш ва унинг ўқиш тартибларини кўрсатиш бўлса; иккинчидан: мактабни ҳаётийроқилиш, яъни оила ва мактаб бирлигини амалга ошириш эди.

Саккиз синф, яъни икки босқични тамомлаган шогирд арабча, форсча ва туркчада бемалол сўзлаб ёзарди. Русчани ҳам ўқиб, бемалол гаплаша оларди. Туркистоннинг бошқарма маҳкамаларининг барчасида ишлашга қурби етарди. Бу шогирд мактабда муаллимлик ҳам қила олар, тижорат билан ҳам шуғулланар, ҳатто муҳаррирлик ҳам қўлидан келарди.

Ҳар йилги имтиҳонларга барча жойдаги вакилларга хат юборилиб таклиф этиларди. Лекин кўпчилик мактабнинг ютуқларини кўра олмаганидан келмасди. Бехбудий айтар эдики: «Келиб кўрсунлар, дуруст бўлса, ривож берсунлар, нодуруст бўлса, далил ила исбот қилсунлар... мақсадимизда

хизматдан ва миллатдан бошқа нарса йўқдур».

«Усули жаид» мактабини йўлга қўйиш осон кечмади. Беҳбудий ва Шакурый бунинг учун барча мусулмон тараққий этган шаҳарларидаги мактабларини ўрганди. Бундай мустамлакачилик даврида Туркистоннинг истиқболи учун ўз ҳовлисида илм-маърифат ўчоғини очгани учун Беҳбудийнинг бошида неча-неча таёқлар синди. Шунга қарамасдан жафокаш муаллим «усули жаид» мактабини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Унинг мактабига чор рус инспекторлари келиб тафтиш ўтказишганида жўғрофия, тарих ва ҳисоб китобларини отхонанинг охури тагига яшириб қўйган.

Беҳбудий бутун вужуди билан муаллим эди. Унинг ўзи ҳам юқори синф талабаларига жўғрофия ва тарихдан сабоқ берар. Миср, Туркия, Қозон ва бошқа жойлардан олиб келган турли янги-янги китобларини юқори синф ўқувчиларига ҳамда энг яхши ўқиганларга ҳамда муаллимларга тортиқ қиларди. У не қилса улуғ Туркистон учун ва унинг келажаги бўлган ёшлар учун қиларди.

Беҳбудий ахлоқ ва тарбиянинг асоси – мактаб, барча илмнинг боши ва ибтидоси мактаб. Саодатнинг, фозил инсоннинг маънавий чашмаси – мактаб деган ақидага амал қиларди. Бу борада «Туркистон вилоятининг газетаси», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Осиё», «Турон», «Хуррият», «Оина», «Самарқанд», «Меҳнаткашлар товуши», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Тирик сўз», «Таржимон», «Вақт», «Шўро» каби матбуот саҳифаларида юзлаб мақолалар билан чиқишлар қилди. Ушбу мақолалар асосан таҳсил ва таълимнинг тараққиётига бағишланарди. Масалан: «Таҳсил ойи», «Эҳтиёжи миллат», «Самарқанд усули жаид мактаби хусусида», «Мажлис имтиҳон», «Тарих ва жўғрофия», «Самарқанд китобхон исломия», «Самарқанд китобхона ва матбаахона», «Самарқанд ислоҳ русум мажлиси», «Бухорода усули жаида» каби чиқишларида янги усул мактаблари, унинг аҳамияти ўқитиш тизимлари, янги маориф ва маданиятни ривожлантириш, дунёвий фанларнинг нафи, маърифатга рағбат, комил инсоннинг тарбияси ҳақидаги муҳим маърифий фикрларни ўқиш мумкин эди.

Беҳбудий таълим ва тарбия ҳамда унинг муаммолари тўғрисида бой публицистик мерос қолдирди. Жумладан, «Имон ва ислом», «Ихтиёжи миллат», «Бухорода усули жаида», «Хуррият – озодлик - эркинлик», «Таҳсил ойи», «Икки эмас, тўрт тил лозим», «Туркистон», «Миллатни ким ислоҳ этар», «Ёшларга мурожаат», «Ватанпарварлик керак», «Бизни кемирувчи одатлар», «Бухоро хонлигига саёҳат», «Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли», «Бизга ислоҳ керак», «Ҳақ олинур, берилмас», «Самарқандда миллий ишлар ҳақида» ва бошқалар.

1917 йилнинг 16-23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг Қуролтойида миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоқ бўлишга чақиради. Аммо у ўз орзуларига эриша олмади. Беҳбудий 1919 йил 25 мартда ана шу ғоялари учун миллатчи жаид сифатида айбланиб, Шаҳрисабзда қамоққа олинади ва қатл этилади. У ўлими олдидан қилган васиятида: «Биз ўз

қисматимизни биламиз. Агар бизнинг ҳаётимиз ҳурият ва халқнинг бахт саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз... мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек маориф ва халқ бахт-саодатини таъсинлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга ҳайкал бўлади...».

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг янги мактаблар учун ёзган асарлари мактабларнинг ислоҳида катта ҳодиса бўлди. Аини даврда бу дарсликлар назарий, илмий ва амалий жиҳатдан кенг қўлланилди. Бу китобларнинг бугунги кунда ҳам кадри йўқолганича йўқ. «Китобатул атфол» («Болалар мактуби») асари ўз даврида бир неча марта нашр этилганди. Бу китобга қирқтага яқин форсий ва туркий иншоолардан намуналар киритилган. Шаҳодатнома ва бошқа иш юритишга доир ҳужжатлар ёзишни ўрганишдан таълим беради ҳамда намуналар ҳам келтирилган. Волостнойхона, қозихонада ёзиладиган ҳужжатлар ҳам мана шу китоб орқали ўргатилган. Ёш ва катталарга мўлжалланган 36 саҳифалик тўплам Республикамизга давлат мақоми берилган, мустақиллик қарор топаётган дамларда бу китоб назарий-маърифийгина эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Ўзбек тилида иш юритишимизда бу китоб жуда қўл келади. Китобнинг мақсади ҳам шунга қаратилган.

Бехбудий ўша даврдаги мадрасалар аҳволини ўзининг 1907 йилда ёзган «Фарёд Туркистон» мақоласида шундай таърифлайди:

«Бир мадрасага 20 талаба гапи ила бир ноақл мударрис сайланур, бир волостда 40 нафар Эл бошлариндан 21 нафарни садоси ила бир жоҳил қози сайланур» деб Бехбудий бу мударрис, муфти ва қозиларни саксон фоизи қариялардир. Улар ёшларга қандай билим ва тарбия бера оладилар, дейди.

Бехбудий Туркистоннинг келажагини унинг янги кадрларида, мутахассисларида ва ўқимишли ёшларида, деб биларди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир ёзган мақоласида янги тараққиётга жавоб берадиган кадр тарбиялаб етиштириш масаласини кўярди. Савдо-сотик ишларини кенг ривожлантириш, касса очиб миллий даромадни кўпайтириш зарурлиги ҳақида тушунтиришлар олиб борарди: «Иморат қилмоқчи бўлсак режа лойиҳаси лозимки, муҳандисларга муҳтож бўлурмиз. Аммо, биз ҳануз муҳандис илмини билмаймиз. Контур ва расмий дафтар тутиб, касса тузиб тижорат этмоқ лозим?» деганди.

Бехбудий Туркистонда етиштирилаётган маҳсулотлар арзон баҳоларда Оврупо бозорларига олиб кетилаётганидан ачинади. Бизда ҳам Оврупо бозорларида савдо-сотик қиладиган мутахассисларнинг етишиб чиқишларини истайди: «Туркистон меваси... донаси, тоши, туфроғи... ва немусалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо доллари келиб оз баҳога олиб кетар. Меҳнатни биз қилармиз, фойдани улар кўрар». Шунинг учун дейди, Бехбудий: «Оврупа ила савдо қилатургон киши аввало замона илми ўқимоғи лозим. У миллат тараққиётининг маънавияти - ҳам тарбияси, ҳам иқтисоди, ҳам маърифати» деб қаради.

Бехбудий Туркистоннинг келажагини ўйлар экан, миллатимизнинг тараққиёти борасида турли йўللارни қидирди. Бойларга ҳам мурожаат этди:

«Бошқа миллатларнинг бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар солдурурлар, фақир ва етимларнинг ўқимоғи учун воқф (стипендиялар) тайин қилур. Бутун Туркистон ўн бой элинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошкентда (диний ва замонавий) бир пансионли ва наҳорли мукаммал мактаб бино бўлур, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур». Агар шундай бўлсаки, ўн йиллар орасида бизда яхши-яхши ўқимишли муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос, иқтисодчи каби мутахассислар етишиб чиқарди, деб умид қилади.

Драматургия соҳасида ҳам муваффақиятли ижод қилган Бехбудийнинг 1913 йилда босилган. «Падарқуш» драмаси унга жуда катта шуҳрат келтирди. Бу драма қисқа вақт мобайнида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Андижон, Наманган, Каттақўрғон ва бошқа шаҳарларда илк театр Труппаларида оммавий суръатда сахналаштирилди. Бу соҳада ҳам Бехбудий Карвонбоши бўлди.

Бехбудий «Падарқуш» драмасида бойнинг уйдирма гапларига ишонган ўғли отасини ўлдирганини илмсизлик ва тарбиясизлик оқибатидан деб кўрсатади. Отаси ўлади, ўғли қамалади, уйда ёлғиз қолган онага янги фикрли домла тасалли бериб айтади:

«Онажон, сизга сабрдан бошқа чора йўқ, бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб, жаҳолат ва нодонликдир, беилмлиқ ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Сизни беилмлиқ хонавайрон қилди. Ўғлингизни беилмлиқ Сибирга юборади. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айритадур. Болангизни отаси тарбия этмади, ўқитмади. Охири балога учради, ёмон рафиқлар (одамлар) йўлдан чиқардиларки, қурбони жаҳолат бўлдингиз.

Номакул ўғил ота-онанинг эркалиштишларидан талтайиб, бекорчиликдан ёмон кишиларга қўшилиб, ёмон йўлларга юриб, охир-оқибатда ўзининг ва қолган оила - азолари умрини хазон қилади. «Бизларни – деб ёзади Бехбудий, - хонавайрон... беватан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдир, беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақирлик, зарурат ва хорликлар - ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидир... Мадомики, бизлар тарбиясиз болаларимизни ўқитмаймиз, бу тарика ёмон ходисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмрон бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқдир».

Бехбудий ижодий фаолиятидаги бош масала Туркистонда маориф таракқиётидир. У «- дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илм фанидан бебаҳра миллат, бошқа миллатларга паймол бўлур» - деган шиорга содиқ ҳаракат қилди.

Мустамлака Туркистонни илмсизлик жаҳолатидан қутқариш учун эски мактабни ислоҳ қилишни зарурлигини исботлаб, усули жадидияга асос солди.

Бехбудийнинг ғоялари миллий педагогика тарихга қўшилган улкан ҳиссадир. Унинг педагогик фикрлари фақат у яшаган давр учунгина эмас, балки ҳозирги ёшлар тарбиясида ҳам самарали хизмат қилади.

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОН ЎҒЛИ (1878—1931)

Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли Туркистон тарихида миллий маориф ва маданият, ижтимоий-сиёсий соҳада туб бурилиш ясаган, жадиличлик ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири бўлган.

У ўз миллати фидойиси сифатида Туркистон мусулмон халқлари миллий-озодлик ҳаракатининг Тошкентдаги “Шўрои Исломия”, Қўқондаги “Туркистон мухторияти” ташкилотларига раҳбарлик қилган.

Абдурашидхон Сотиболдихон олим ўғли Мунаввар қори 1878 йилда Тошкент шаҳрининг марказий даҳаси — Шайх Холванд Тахурнинг Дархон маҳалласида мударрис Абдурашидхон ва Хосият отин оиласида дунёга келади. У етти ёшида отасидан ажрайди. Дастлабки таълимни онаси Хосият отиндан олади, хат-саводи чикгач, ўша даврдаги йирик мактабдорлардан бири — Усмон домлада ўқийди, сўнг Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида таҳсил кўради. Бироқ, ўша даврда Ўрта Осиёда илм маркази Бухоро эди. Шунинг учун у 1898 йилда Бухорога бориб, мадрасалардан бирида таҳсил ола бошлади. Аммо кўп ўтмай, моддий қийинчиликлар туфайли Тошкентга қайтиб келади ва Дархон масжидида имомлик қилади. Шу даврда Тошкентда ҳам жадиличлик ҳаракати кучайиб боради. Мунаввар қори ҳам тараққийпарварлар сафига кўшилиб, тезда унинг йўлбошчисига айланади. У айниқса Исмоилбек ғаспиралининг “усули савтия” мактабига, чор ҳукумати мустамлака ўлкаларидаги аҳолини қандай маънавий-маданий узлатда сақлагани ва ундан кутулиш чоралари ҳақидаги фикрларига ҳавас ва ихлос билан қарайди. Чунки, бу даврда биринчидан, эски араб ва форс мактаби услубида фаолият кўрсатувчи ибтидоий мактаблару мадрасаларнинг ўқув педагогика ишлари анча эскириб қолган эди. Иккинчидан, чор ҳукумати Туркистон ўлкасида маорифни ривожантирмаслик учун астойдил ҳаракат бошлаб юборган эди. Ўлка аҳолисини руслаштириш сиёсати биринчи ўринда турар эди.

Пировард мақсад миллатни йўқ қилишдан иборат бу маънавий тажовузни айниқса ўзбек зиёлилари ҳам ҳар қадамда сезиб юришган ва ҳис қилишган. Бундан ташқари, мустамлакачилар Туркистонга оч назар билан қараб, унинг бойликларини шафқатсиз ташиётганликлари, миллий озодлик ҳаракатларини қонга ботираётганликлари фақат оддий меҳнаткашларнинг эмас, балки бойлар ва зиёлиларнинг ҳам кўзини очиб бораётган эди. Халқни бу балолардан фақат мактаб таълим-тарбиясидаги кескин ислохотлар қутқара олар эди. Шу боис, Мунаввар қори рус-тузем мактабларига қарши ўз янги мактабларини очишга аҳд қилди.

Шундай қилиб, Мунаввар қори 1901—1904 йилларда қримлик дўсти Расм Кешод ёрдамида Тошкентда “усули савтия” мактабини очади, айни вақтда мактабда имомлик ҳам қилади. 1906 йилда эса янги усул мактаби соҳасидаги фаолиятини ўз уйининг ташқари ҳовлисида давом эттиради, орадан кўп вақт ўтмай мактаб учун икки хоналик қўшимча бино қурдиради.

Қисқа муддат ичида бу мактаб доврўғи ортади, болалар сони кўпайиб кетади. Натижада қори акага ҳаммаҳалла бўлган Бувахон тўра Пошшахон ўғлининг ташқи ҳовлисида мактабнинг икки синфли шўъбаси очилади. Бу ерда 1, 2-синфларни битрган болалар ўқишни Мунаввар қори ҳовлисида давом эттирганлар.

1913—14 ўқув йилида мактабда юқори синфлар (5 ва 6-синфлар) очила бошлади. Тўртинчи синфдан рус тили ҳам ўқув фани сифатида ўргатилади. У мактабни ислоҳ қилмай туриб, одамларнинг онгида ўзгариш ясаб бўлмаслигини яхши тушуниб етган эди. У “Бизни жаҳолат-жаҳл мураккаб” мақоласида “Туркистонда мактаб ва мадраса йўқ эмас, бор, аммо улар бенизом ва беусулдир... Туркистонлик ёшларнинг тарбияси ва таълим олишига жиддий эътибор берилмаяпти, миллатнинг истиқболига лоқайд ва бепарво қаралмоқда”, деб танқид қиларди. Мунаввар қори фарзандларининг тақдири учун оталар зиммасида катта масъулият борлигини таъкидлайди. У куйиниб ёзади: “... илм беришни ўйламай, жонидан шириш болаларини кўча-бакўча кездириб, бечора масъумни азиз умрини жаҳолат оташила ёндиғувчи беҳамият ва бедиёнот оталар ҳам орамизда оз эмасдур.” “... Бошқалари ўз фарзандларини асло мактабга бермай, орқаларидан эргаштуруб руслар эшикида ўзлари каби хизматчиликга ўргатуб дунёи ва охиратни саодати ўлғон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибo қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутуб мактабга олиб борур. Муаллимдан талаб қилурки, “Таксир, шу ўғлимнинг гўшти сизники, устухони бизники, бир илож қилуб тезлик ила нақд ва насиа ёзмокни ўргатиб берурсиз” дер. Мана, оталарнинг фарзандлари тақдирига, истиқболига бўлган муносабати.

Мунаввар қори мактаб ўқитувчиларининг (домлаларнинг) ҳам киёфасини тавсифлаб, аксар ўқитувчилар — бадхулқ, золим, болаларни калтаклашади, яъни “Муаллим афанди қўлида зўр бир таёқ, қайси болани боши ҳаракатдан қолса, ушбу таёқ шу болани бошида ўлур. Аммо ўқуғон-ўқумағон ила ҳеч кимни иши йўқ. Бошни кимирлатиб ўтурса, кифоя қилур. Ҳаттоки ўтган йилларда бу тариқа золим муаллимларни таёқини остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди. Бу тариқа золим ва бадхулқ, жоҳил муаллимларни тарбиясида ўскан боллардан нима умид қилмоқ керак”... Мунаввар қори ўқитишнинг бундай ярамас усули қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида куюниб ёзади: “... бошқа вилоятларда хат билмайтурғон киши юздин ўн бўлса, Туркистон вилоятида юздин тўқсондир”¹. Бунга боис мактабда ўқитиладиган дарс ва китобларнинг усул (методика) жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмаслиги, муаллимларни педагогик талабларга жавоб беролмаслиги кабилардир дейди.

Мунаввар қори мактаб тартиб қоидаларига қатъий амал қилишни муаллимлардан ҳам талаб қилган, болалар билан қўпол муомалада бўлишни, уларни уриш ва жеркишни тақиқлаган. У болаларга бериладиган жазо ва танбеҳ жуда демократик ва инсонпарварлик руҳида бўлиши лозим, дейди.

¹ Мунаввар =ори. («Тара==иёт» газетаси, 1906 йил, 14 июнь, №1.)

Мунаввар қори зиёли ёшларни чет элга юборишни, у ерда илм-фанни ўрганишни тарғиб қилади. Масалан, у 1916 йили Тошкентда йиғилишда нутқ сўзлаб шундай дейди: “Ўзбек зиёли болаларининг Германияга юбориб ўқитишга жуда муҳтожмиз, болалар ўқуб, илм таҳсил олиб келсалар, миллатга катта хизмат қила оладилар”¹⁸.

Мунаввар қори 1909 йили Убайдулла Хўжаев, Абдулло Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Карим Норбеков ва бошқалар билан ҳамкорликда тошкентлик бир бойнинг раислигида “Жамияти хайрия” ташкил этади. Бу жамият орқали қашшоқ ва касалманд кишиларга, ўқувчиларга ёрдам кўрсатади ва бу билан чекланмайди, у Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига талабалар юбориш билан ҳам шуғулланди. Айрим маълумотларга қараганда шу жамиятнинг ёрдами билан Мирмуҳсин Шермухаммедов Уфадаги “Олия” мадрасасида ўқиган. Мунаввар қори 1906 йил сентябрида “Хуршид” журналини нашр эттириб, ўзи муҳаррирлик қилади. Бу журнал ўзбек халқининг кўзини очишга, фикрий уйғонишга, ўз ҳақ-хуқуқини танишига хизмат қилгани учун оқ пошшо малайлари томонидан тезда ёпиб қўйилди. Кейинроқ у “Нажод”, “Сурат”, “Ҳақиқат”, “Турон”да бош муҳаррир бўлиб ишлади. У матбуотни элни ғафлат уйқусидан уйғотувчи буюк куч, маданият ва маърифатга чорловчи қудратли восита, ҳақиқат кўзгуси, деб қаради. У Туркистоннинг мустамлакага айланиши, миллатнинг инқирозга учраши сабабларини очиб беради: “Бу замондан юз йилдан зиёдроқ муқаддам замондан бошлаб оҳиста-оҳиста миллат деворларининг ҳар тарафига раҳна пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва уламоларимизнинг ўз нафслари риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди. Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилган хизматлари танҳо хотин олмоқ ва кучук уруштирмоқ ва беғайрат ва беҳаққоният диндор кишиларни бадарға қилмоқ ва тутиб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима ва шарият нима билмадилар. Шунинг учун миллат деворининг раҳналари тобора зиёда бўлди”¹⁹.

Яна буюк мураббий миллатнинг инқирозга учраш сабабларидан бирини “бўзахўрлик, қиморбозлик, ... лар”га ўхшаш иллатларни бизларнинг ота-боболаримиз расмларидир, деб истеъмол қилганларида кўради.

Мунаввар қори форс, араб, рус, турк тилларини мукамал билган, у кўп улуғ адибларнинг асарини мутолаа қилган. Мунаввар қори ўлканинг қоқоқлиги сабабини ахтарар экан: “Бизнинг Туркистон мамлакатини тупроқ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардан бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз?” деб афсус-надоматлар қилади. “Мана, кет-бакет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдан хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдир. Бу нодонлик ва дунёдан хабарсизлик балосидан қутилмак учун аввал орамизда ҳукм сурган бузук одатларнинг бузуклигини билмак ва ўрганмак керакдир”, дейди у.

Маълумки, золим Николай II нинг 1916 йил 25 июнда «Фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирь ва Кавказ инонародецларидан ўн тўққиздан 31 ёшгача эр кишилардан мардикорликка олиш ҳақида 1526

¹⁸ «Шар= юлдузи» журнали 1992 йил, 5-сон, 108-бет.

¹⁹ «Шар= юлдузи» журнали 1992 й., 5-сон, 109-бет

рақамли фармони эълони қилинади. Бу ноқонуний фармонни ўлка қонини сўриб ётган губернаторлар бош-бошдоқлик билан амалга оширадilar. Оқибатда, Туркистоннинг кўпгина вилоят ва шаҳарларида аҳоли ўртасида норозилик туғилиб расмий исёнлар бошланиб кетади. Исёнлар шафқатсизлик билан бостирилади. Ана шу паллада тошкентлик тараққийпарвар кишилар сукут сақламай, аҳолига ёрдам беришга киришадilar. Ушбу ҳаракат натижасида «Туркистон мардикорликка олиш кўмитаси» ташкил этилади. Мунаввар қори шу кўмита раисининг ўринбосари этиб сайланади. У чор ҳукумати олиб бораётган бу сиёсатнинг нотўғрилигини халққа тушунтиради ва бу масалада Петербургга вакил юборишни ташкил этиш ишларида фаол қатнашади.

Ўзбек халқини маърифатли қилишга интилган буюк мураббий 1918 йил май ойида Тошкент шаҳрида “Турк ўчоғи” илмий-маданий жамияти тузади. У бу жамиятни Туркистон туркларини миллий туғ остига тўплаб, аларга руҳ ва маърифатларимизни, тижорат, зироат ва санъатимизни ривожлантириб, чин маданият вужудга келтирмак ва шу тариқа миллатимизни руҳий ва жисмоний қувватини орттириш мақсадида ташкил этган эди. Мунаввар қори ана шу ғоя асосида иш олиб боради.

У инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча виждон уйғонмаса на ўзини, на халқининг эркини муҳофаза қилаолишини, бу имонсизлик эканини мутафаккирона нозиклик билан ўз асарларида ифода этади. “Сўнгги икки йил ичида, — дейди у, — Туркистон халқининг бошина келган фалокатлар ҳар бири ёлғиз нодонлик ва маорифсизлик орқасидангина бўлганлиги ҳар кимга маълумдир. Келажакда бундай фалокатлардан қутулмоқ ва Туркистон халқи тилаган равишда идора қилмоқ ва душманлардан сақламоқ ёлғиз маориф воситаси илагина мумкиндир”, дейди у.

Ҳа, бу Мунаввар қорининг имон-эътиқодидан, виждонидан далолат эди. Зеро, тошкентлик жадиждлар — тараққийпарварлар миллатни иллатдан, асоратдан маърифатгина қутқаза олиш ҳақидаги хулосага келадilar.

Умуман, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли маърифатпарвар инсон, истиқлол учун курашган, педагогик фикр ривожига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир олим сифатида шуҳрат қозонди.

Ўз халқини, ватанини жони-дилидан севган Мунаввар қори Абдурашидхонов шахсга сиғинишнинг дастлабки қурбонларидан бири бўлди. У аввал Тошкентда, сўнг Москвада тергов қилиниб, отиб ўлдиришга ҳукм этилади. Бу улуғ инсоннинг исми шарифи халқ ёдидан ҳеч қачон ўчмайди.

ИСҲОҚХОН ИБРАТ (1862—1937)

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган йирик алломалардан бири Исҳоқхон Ибротдир. У маърифатпарвар шоир, забардаст тилшунос, тарихшунос олим, илк ўзбек матбаачиларидан бири, сайёх, каллиграф, наққош, оташин публицист ва илғор педагогдир.

Ибротнинг асли исми Исҳоқхон, отасининг исми Жунайдулладир. Иброт унинг адабий тахаллусидир. Исҳоқхоннинг ўзига «Иброт» тахаллусини олишнинг боиси шундаки, у ижодининг дастлабки йилларидан бошлаб маърифатпарвар шоир, олим сифатида ном чиқарди ва кишиларни замон илмидан, илғор маданиятдан, таълим-тарбиядан ўрнак олишга чақирди. Шунинг учун ҳам ўзига «Иброт» тахаллусини танлади.

Исҳоқхон 1279 ҳижрий (1862 милодий) йилда Наманган яқинидаги Тўрқўрғон қишлоғида туғилди. Унинг отаси Жунайдуллаҳўжа Суннатиллаҳўжа ўғли анча билимли соҳибкор боғбонлардан эди. У адабиётга, шеъриятга анча ихлос қўйган ва «Ходим» тахаллуси билан бирмунча шеърлар битган киши бўлган. Онаси Ҳурибиби, ўз даврининг ўқимишли, оқила аёлларидан бўлиб, ўз уйида қишлоқ қизларини ўқитарди. Ҳурибиби ҳам адабиёт ихлосманди бўлиб, у ҳам шеър ёзган. Лутфий, Алишер Навоий, Жомий, Бедил, Машраб каби буюк шоирларнинг асарларини мутолаа қилиш бу хонадон учун севимли машғулот ҳисобланарди. Оиладаги бундай ҳаётий вазият Исҳоқхонда адабиётга муҳаббатнинг эрта пайдо бўлиши учун асосий омил бўлди.

1870 йилда Жунайдуллаҳўжа вафот этиб, Исҳоқхон отадан жуда эрта етим қолди. Энди оила қийинчиликлари бутунлай онаси Ҳурибиби зиммасига тушди. Муштипар она отинлик қилиб зўр-базўр рўзғор тебрата бошлади.

Ҳурибиби ўз мактабида ўқувчиларга дарсни ёд олдириш билан чекланмай қизларга ёзишни, ҳуснихатни ўргатар эди. Исҳоқхон ҳам ёшлигидан ҳуснихатга қизикди ва ўзининг бўш вақтларини ана шу санъат сирларини ўрганишга бағишлади. Адабиёт ва санъатга зўр муҳаббат қўйган Исҳоқхон анча мукамал саводга эга бўлгач, ўқишни давом эттириш учун уни Қўқонга юбордилар. У Муҳаммад Сиддиқ Тункатор мадрасасига 1878 йилда ўқишга киради.

Исҳоқхон Иброт мадраса берадиган илмлар билан чекланиб қолмади. У ўқиш мобайнида буюк Шарқ мумтозлари асарларини мустақил тарзда кунт билан мутолаа қилди ва бу асарлар умрининг охиригача унга энг яқин ҳамроҳ бўлди. Исҳоқхон мадрасада араб ва форс тилларини чуқур ўрганиш билан бирга бўш вақтларида рус тилини ҳам мустақил ўрганди.

Исҳоқхон Иброт 1886 йилда Қўқон мадрасасини тугатиб, ўз қишлоғи Тўрақўрғонга қайтиб келди ва у ўз ижодини илғор ўқитувчи сифатида қишлоқда маърифат тарқатиш билан бошлади. Ўша йили у ўз қишлоғида мактаб очди. Исҳоқхон очган мактаб эски маҳалла мактабларидан анча фарқ қиларди. Исҳоқхон ўз мактабига нисбатан илғор бўлган товуш (савтия) методини татбиқ қилди ва усули савтиянинг эски метод тарафдорларидан ҳимоя қилди.

1887 йилда Ҳурибиби ўғлига Маккага олиб боришини илтимос қилади, ва улар йўлга отланадилар. Бироқ онаизорга ўз диёрига яна қайтиб келиш насиб этмади. У йўлда қаттиқ шамоллаб қолди. Олти ой бетобликдан сўнг Ҳурибиби Жидда шаҳрида вафот этди. Исҳоқхоннинг Шарқ мамлакатларига сафарга чиқишидан асосий мақсади, биринчидан онасининг ҳажга олиб бориш ҳақидаги илтимосини қондириш бўлса, иккинчидан чет эл халқлари ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш, бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш эди.

Исҳоқхон онасини Жидда шаҳрида дафн этиб, Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатни давом эттирди ва Европанинг Истамбул, София, Афина ҳамда Рим сингари марказий шаҳарларида бўлди. Анча вақт Афғонистоннинг Кобул, Арабистоннинг Жидда каби йирик шаҳарларида истикомат қилди. Арабистоннинг Макка шаҳридан Қизил ва Ҳинд денгизлари орқали Ҳиндистонга келди. 1892—1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарлари Бомбай ва калькуттада яшади. Исҳоқхон Ибрат у ерларда кўп ишлатиладиган арбаил лисонни, яъни тўрт тилни: араб, форс, хинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганди. У чет элларда ўша ерлик халқ ҳаётини, маданияти ва санъатини ўрганди. Шарқ мамлакатларига европаликлар орқали кириб келган Европа маданияти, тили ва санъати билан яқиндан танишди. «Луғати ситта-ал-сина», «Жомеъ хутут», «Тарихи Фарғона» каби илмий асарлари учун материаллар тўплади. У бу даврда Шарқ халқлари тиллари билан бир қаторда ғарб халқлари тилларини ҳам билиш зарур деб ҳисоблади ва Арабистонда француз тилини, Ҳиндистонда инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганди.

Исҳоқхон 1896 йилда Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Қашқарга ўтди. Қашқардан ўз ватани Наманганга қайтиб келди. У чет эллардан бир қанча маданият ашёлари, Ҳиндистондан «Сантур» номли мусиқий асбоб олиб келди.

Ибрат бу мамлакатлардан яна граммафон, турли миллат мусиқа ва кўшиқлари ёзилган пластинкалар олиб келди. Бу кўшиқ ва мусиқани ўз уйида ҳамқишлоқларига эшиттирган.

Исҳоқхон Ибрат чет элларда олим ва фозил кишилар билан, улар қайси дин ёки қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, яқин алоқада бўлди. Бу ҳақда у кейинчалик қуйидагиларни ёзади: «Ҳар бир заввор¹ ва аҳли фазл кишини кўрсам кайфият ва таълимот маолларини² андин сўрадим».

Рус тили билан бир қаторда яқин шарқ ва ғарб тилларини анча мукаммал билган Исҳоқхон Ибрат бу муҳим масалада ҳам ўз халқига ёрдам қўлини чўзди. У олти тилдаги: арабча, форсча, хиндча, туркча, сартча (ўзбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган «Луғати ситта-ал-сина» номли мукаммал луғат китобини яратди. Муаллиф русча ёзув тизимини билмайдиганларга ҳам қулай бўлсин учун рус сўзларини араб ёзуви билан беради. Маълумки, рус ва Европа сўзларини араб ёзувида ифодалаш анча мураккаб иш, лекин Исҳоқхон Ибрат бу мураккаб ишни муваффақиятли ҳал қилди.

¹ Заввор — сафар =илувчи, ажнабий.

² Маол — мазмун, натижа, о=ибат.

Исҳоқхон Ибратнинг мазкур «Луғати ситта-ан-сина» асари бир неча йиллик саргузаштлардан сўнг 1901 йилда Тошкентда нашрдан чиқди.

Мазкур луғат илғор педагоглар томонидан очилган усули савтия мактабларида ҳам рус тилини ўрганишда бирдан-бир дарслик қўлланма сифатида фойдаланиб келинди.

Тилшунослик фанининг бу мураккаб соҳасида Исҳоқхон Ибрат анча мукамал «Жомеъул хутут» («Ўзувлар мажмуаси») номли илмий асар яратди. Бу асарда муаллиф ўзувларнинг энг ибтидоийси пиктографик ўзувлардан, то сўнгги давр энг мукамал ўзувларигача босиб ўтилган тарихий тараққиётни ёритиб беришга ҳаракат қилди. Олимнинг мазкур асари анчагина катта ҳажмда — 132 бетдан иборат бўлиб, 1912 йилда ўзининг босмаҳонаси «Матбааи Исҳоқия»да нашр қилинди.

Исҳоқхон Ибратнинг тилшунослик соҳасида чуқур илмга эга эканлиги мазкур асарида намоён бўлди. Асарда пиктографик ўзувлардан кейин вужудга келган энг қадимий товуш-ҳарф ўзувлари: финикия, ҳинд, латин, арман, грузин, уйғурча ва бошқа қирқдан ортиқ ўзувлар, уларнинг келиб чиқиши, тараққиёт ҳақеаа іаіуёііò ááðèèääè. Ёáðàò òàқàò ўç ààòàіèääè ёçóâèàðіèіá намуналарини ўрганиш билан чекланмай араб мамалакатларидаги қадимий ўзувларни ҳам ўрганди, бу ўзувларни тўғри ўқишга ҳаракат қилди. У эрамиздан 2000 йил илгари финикия халқлари томонидан вужудга келтирилган ўзув ёдгорликларини, Кипр оролидаги ғорлардан топилган ўзув қолдиқларини ўз асарида акс эттирди. Ибрат ўзувлар тарихини ўрганар экан, товуш ҳарф ўзув тизими биринчи марта финикия халқлари томонидан яратилган ва бошқа қўшни халқлар: яҳудий, сурия, араб ўзувлари финикия ўзувлари асосида вужудга келган, деган илмий хулосага келди. Муаллиф ушбу асарида араб ўзувлари тарихи, уларнинг ривожланиш эволюциясига алоҳида тўхталади. У ўз текширишлари натижасида қуйидаги хулосага келади: араб ўзувлари финикия халқлари ўзувларидан келиб чиққан бўлиб, VII асрдан бошлаб икки шаклда куфи ва насҳ ўзувлари шаклида ривожланган. Куфи ва насҳ ўзувлари асосида нисбатан содда бўлган «сулс» ўзуви яратилди.

«Жомеъул хутут» асарида дунёда машҳур бўлган 41 хил ўзув тизими ҳақида, шу жумладан, араб хатининг сулс, тавкеъ, райхон зулф, хумоюн, турра каби шакллари ҳақида маълумот берилган ва шу билан бирга унда ҳуснихат санъатига оид фикрлар билдирилган. Ибрат ушбу асарида инглиз, француз, немис, латин каби чет тилларни ўрганиш ҳам илм-фан ва маданиятни эгаллашда катта роль ўйнашини алоҳида таъкидлайди.

Исҳоқхон Ибратнинг жаҳон халқлари тарихига бағишланган мазкур «Жомеъул хутут» асарининг нашр этилиши, ўзбек матбаачилиги маданияти тарихида, ўзувлар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди.

У ўзининг «Тарихи маданият» асарида хабар беришича, кейинги 20 йил ичида 14 та илмий тарихий, лингвистик, педагогик асарлар ва 30 йиллик поэтик ижодининг мажмуи бўлмиш «Девони Ибрат» шеърлар тўпламини яратди. Исҳоқхоннинг тилшуносликка оид «Луғати ситта-ал-сина», «Жомеъул хутут» асарларидан ташқари тарихшуносликка оид «Тарихи

Фарғона», «Тарихи маданият» ва «Мезонул замон» илмий асарлари бизгача етиб келган.

Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезонул замон» асарларида ҳам ўзининг педагогик-маърифатпарварлик қарашларини илгари сурди. Исҳоқхон ўзининг чет эл саёҳатида техника ва маданият ривожланган улкан шаҳарларда бўлди. У Туркистон шаҳарлари ҳам вақти соати етиб маданий шаҳар каторидан ўрин олишига ишонди. Буни амалга оширишнинг бирдан-бир йўли илм-фандан, ўқиш-ўрганишдан деб билди.

Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда эски мактабларга нисбатан бирмунча илғор бўлган мактабни очди. 1907 йилда эса иккинчи марта қишлоқ болалари учун эски мактаблардан бутунлай фарқ қилувчи бепул янги усули савтия мактаби очди. Бу мактабда ўз фарзандлари Аббосхон, Ваққосхон, Фаёзхонларни ҳам 25 нафар қишлоқ болаларини ўқитди. Мактаб ўз уйида, ёруғ деразали хонага жойлашган бўлиб, у янгича ўқув қуроллари — парта, стол, стул, янги китоблар, дарсликлар, дафтар, доска кабилар билан жиҳозланганди, ўқиш-ўқитиш ишларини бўлса, у ўзи тузган дастури асосида олиб борди. Исҳоқхон ўз мактабида ўзининг «Луғати-сита-ал-сина», «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» асарларидан, Туркистонда рус-тузем мактабларининг асосчиси ва бундай мактаблар дарсликларининг биринчи автори С.М.Граменицкий уч қисмдан иборат «Книга для чтения» (Ўқиш китоби), рус-тузем мактабларининг биринчи ўзбек ўқитувчиси ва бу мактаблар учун ўзбек тилида дарслик яратган Саидрасул Саидазизовнинг «Устод аввал», Али Асқар ибн Байрамали Калининнинг «Таълимус соний», Наманган рус-тузем мактабининг ўқитувчиси М.М.Орақуловнинг 1887 йилда нашр қилинган «Самоучитель» русского язўка для русско-мусульманских школ» каби дарслик ва қўлланмаларидан фойдаланди.

Исҳоқхон янгича таълим-тарбия тизимининг ниҳоятда катта афзалликларини исботлашда кўпроқ ўзи эришган ютуқларга, ўзи амалиётга татбиқ қилган янги методларига таянади. Исҳоқхон ўз мактабига ҳафталик дарс жадвалини жорий қилди.

Исҳоқхон илғор ўқитувчи сифатида болаларни мактабдан бездирувчи, уларда ўқитувчига нисбатан нафрат уйғотувчи тан жазосига биринчилардан бўлиб барҳам берди. Исҳоқхон фақат мактабда эмас оилада ҳам болани калтаклаб тарбиялаш ўта нотўғри усул эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Исҳоқхон Ибрат илғор педагоглар орасида биринчи «қалдирғочлардан» бўлиб, 1914 йилда Тўрақўрғонда рус мактаби очди ва уни «Учитель» номи билан атади. Бу мактабда 1916 йилгача Тўрақўрғон ва қўшни қишлоқлардан 30 нафар ўқувчи таҳсил кўрди. Ибрат бу мактабига рус ўқитувчиларни ҳам жалб қилди, ўзи ҳам ўқитувчилик қилди. Мактаб 1916 йилда ёпилди.

Исҳоқхон Ибрат рус маданияти ва техникасини ўз кўзи билан кўриш мақсадида 1907 йилда Россиянинг Оренбург шаҳрига боради. У ердаги маданият, санъат ва техника янгиликлари билан яқиндан танишади. Исҳоқхон Оренбургдаги Гауфман деган матбаачидан, пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан кредитга (1901 йилда чиққан) литографик машина сотиб олади. Исҳоқхон литографик машина ва ҳарфларни жуда

машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келди. 1908 йилда ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида «Матбааи Исҳоқия» ташкил қилди.

Туркистоннинг чекка қишлоғида матбаанинг вужудга келиши ўзбек халқининг фан ва маданият соҳасидаги катта ютуғи эди. Бу литография ўз фаолиятини илм-маърифат тарқатишдан, мактаблар учун дарслик-қўлланмалар нашр қилишдан бошлади. У бу ерда биринчи марта 1908 йилда савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат, Қалами Мирражаб Бандий» асарини нашр қилди. Савод чиқаришда ва хуснихат намуналарини ўргатишда бу асарнинг аҳамияти шубҳасиз катта бўлган.

Исҳоқхон матбаага нур таратаётган қуёшнинг тасвирини ишлаб, қуёш ичига “илм” сўзини ёзган. Бу билан маърифатпарвар Ибрат илмни нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамзий белги матбаада чоп этилган китобларнинг кўпида мавжуд эди.

Халқ ўртасида китоб ва турли рисолаларга талабнинг ортиши натижасида литография 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди ва типолитографияга айлантирилди. Бу даврда матбаа Туркистон миқёсида катта аҳамият касб этди, “Матбааи Исҳоқия”да катта ҳажмдаги асарлар ҳам нашр қилина бошланди.

Исҳоқхоннинг хуснихатга, хат-савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат», «Қалами Мирражаб Бандий» рисоласи, «Илми Ибрат» номли шеърлар тўплами, ёзувлар тарихига бағишланган «Жомеъул хутут» каби маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган рисола ва китоблари ўзи ташкил қилган матбаада нашр этилди.

Наманган матбааси маҳсулотининг кун сайин ортиб бориши шаҳар ва қишлоқларда китоб дўконлари ва китоб бозорларининг бирмунча кўпайишига сабаб бўлади. 1910 йилдан бошлаб Наманган шаҳрида 13 та, Чустда 2 та, Попда 2 та, Янгиқўрғонда 1 та китоб дўкони очилди. Бу дўконларда асосан «Матбааи Исҳоқия»да нашр қилинган китоблар жуда арзон нархларда сотилар эди.

Маърифатпарвар Исҳоқхон халқнинг билим савиясини янада ошириш ниятида кутубхона ташкил қилишга киришади, у яна ташаббусни ўз қўлига олиб ўз уйида анчагина бой кутубхона ташкил қилди ва уни «Кутубхонаи Исҳоқия» деб атади. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланувчи Юсуф Хос Ҳожибга тегишли «Кутадғу билиг» асарининг Наманган нусхаси, деб ном олган нодир қўлёзмаси «Кутубхонаи Исҳоқия»га мансубдир.

Ибратнинг маърифатпарварликка оид фаолиятининг туб моҳияти шундаки, унинг хоҳ илм-маърифатга чорловчи шеърларида, хоҳ публицистик, хоҳ илмий асарларида, хоҳ амалий фаолиятида бўлсин, инсон тақдири биринчи ўринга олиб чиқилади. У ўз ижодида халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётига хизмат қилувчи илм-фанни, техникани қуйлайди. Шу нуқтаи назардан унинг «Тарихи чофхона», «Маданият ҳақида маснавий», «Туркистон аҳлига хитоб», «Газета хусусида», «Табрик Намангандин»,

«Қалам», «Тарихи манзумаи вагон Ибратдин ёдгор», «Муҳаммаси Ибрат» каби шеърлари айниқса диққатга сазовордир. Шоир бу шеърларида илғор фан-техника, маданиятнинг оташин куйчиси сифатида майдонга чиқиб, мамлакатни, халқни қоқоқликка етакловчи амалдаги конун-қоидаларни кескин фош қилади.

Исҳоқхон Ибрат ўз шеърларида халқ фарзандларини дунёвий билимлардан баҳраманд қилишга чорлайди:

Ўқингиз илми ҳикмат сизга бу иш катта ибратдур,
Агар илм ўрганурсиз барча ишда сизга нусратдур.
Агар илм ўлмаса, нодон умри барча кулфатдадур.

... Маданиятни топадурғон ва юргизадурғон асбоби илм экан, илм бўлса мактаб бирла бўлур. Мактаб бўлмаса оламни ваҳшият тутиб, ҳамма хароб бўлуб иш қўлдан кетар. Энди лозим бўлдики, маданият илм билан, илм эса мактаб билан бўлур... Мактаб бўлмаса бу оламда маданият жорий бўлмайдур, дейди.

Исҳоқхон хотин-қизлар озодлиги, уларнинг эркаклар билан бир қаторда илм олишлари, меҳнат қилишлари учун кураш олиб борди. 1919 йилда унинг ташаббуси билан Наманганда ўзбек аёллари учун биринчи марта янги мактаб очилди ва Исҳоқхоннинг таклифи билан Хусайн Мақаевнинг равиқаси Фотима Мақаева ўзбек аёлларига дарс бера бошлади.

Исҳоқхон Ибрат аёллар, ёшлар ўртасида мактабнинг аҳамияти, илм-фан ютуқлари ҳақида суҳбатлар, маърузалар уюштириб турди.

Исҳоқхон Ибрат бу даврда ижодий иш билан бир қаторда жамоат ишлари ҳам олиб борди. У қишлоқни ободонлаштириш, маориф, маданият, таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилашда фаол қатнашди. Мактаблар очиш, малакали ўқитувчи кадрлар тарбиялаб етиштириш, ёппасига саводсизликни тугатиш, халқ фарзандларини мактабларга тортиш ишларида фаол иштирок этди.

Исҳоқхон Ибрат 1937 йилда 75 ёшида вафот этди. Ижодкор халқимиз фан, техника, маданият, адабиёт ҳамда педагогикамиз тараққиёти тарихидаги улкан хизматлари учун Тўрақўрғон тумани марказидаги 44-ўрта мактабни унинг номи билан аташга қарор қилди. Маърифат дарғаси, оташин шоир, олим ва моҳир ўқитувчи, шубҳасиз, ана шундай таҳсинга лойиқдир, албатта.

САИДАҲМАД СИДДИҚИЙ (1864—1927)

Саидахмад Сиддиқий ҳам таълим-тарбия соҳасида ўз ўрнига эга.

Саидахмад Сиддиқий хунарманд-деҳқон оиласида туғилиб ўсди. Бошланғич мактабни тугатганидан сўнг мадрасага ўқишга кирди. Аммо тез орада турмуш қийинчиликлари сабабли мадрасани ташлаб, ота касби тикувчилик билан машғул бўлди. Шунинг билан бир вақтда рус тилида

ташқил этилган мактабга ҳам қатнай бошлайди ва рус тили ҳамда адабиётини мукаммал эгаллаб борди.

Саидахмад Сиддиқий Россия, Европа ва Осиёдаги қатор мамлакатларда саёҳатда бўлади. У 1903 йили Самарқандга қайтиб келиб, маданият ва маорифнинг фаол тарғиботчисига айланади.

Сиддиқий Самарқанд вилоятидаги Халвои номли ўз қишлоғида дехқон ва хунармандларнинг болаларига янги усул мактабини ташқил этиб, унда таълим-тарбияни ўша давр илғор мактабларнинг тажрибаси асосида куради. У янги усул мактабининг ижтимоий, сиёсий ва педагогик ютуқларини кенг ёритишга дадил эътибор берди.

Сиддиқий вилоятда биринчи бор катталар учун янги усул мактаби очиб, маданий ҳаётда катта ўзгариш ясади. У 1914 йил «Зарафшон» номи билан китоб савдо дўкони очиб, унда кўرғазмали куроллар, методик, дарслик адабиётлар, ўқув куроллари ҳамда журналлар билан савдо қилишга шароит яратади.

Сиддиқий кўплаб асарлар ёзди. Кейинчалик улар тожик ва ўзбек тилларида нашр қилинган эди. Унинг асарлари «Миръоти Ибрат» (1912 йил, Тифлис), «Анжумани арвоҳ» (1912 йил, Тифлис), «Ганжинаи ҳикмат» (1914 йил, Тошкент) ва «Айнул адаб» (1915 йил, Тошкент) каби тўпламларида нашр қилинган эди.

У ўзининг қатор асарлари ва нутқларида мактабларда дунёвий фанларни кўплаб ўқитиш, дунёвий таълим бериш ғоясини олға суриб, бунинг учун Улуғбек, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқалар ижодини пухта ўргатиш, тарбиявий ишда қўллаш ғояларини тарғиб қилади.

Маълум бўлдики, Сиддиқий биринчилардан бўлиб Самарқанддагина эмас, қишлоқ туманларида ҳам янги усул мактаблари очиб, унда нафақат ўзбек, тожик болаларини, балки рус болаларини ҳам ўқитишга муяссар бўлган.

Сиддиқий таълим услубиятига катта меҳр билан муносабатда бўлиб, ўқитишнинг янги усулини илмий, онгли, тушуниб ўқитиш принципларини эскича ҳижжалаб ўқитишга қарама-қарши қўйди. Моҳир ўқитувчи дарсларни қатъий тартиб дарс жадвали асосида ташқил этиб, ўзбек, рус тилларида чуқур таълим бера олган. У табиатшунослик, география дарсларида машғулотларни Булунғур дарёси ёнида очик ҳавода амалий машқлар билан ўтишга эришган. Шу усул билан болаларнинг фан, жамият, табиат қонунларини, сирли воқеаларнинг асл мазмунини тушуниб олишларига алоҳида диққат қилган. Болаларга уй вазифаси бермаган, ота-оналар билан жуда яқиндан муносабатда бўлган.

Саидахмад Сиддиқий 1918—21-йиллар давомида ҳуқуқ ишлари комиссари вазифасида ишлади. 1921 йилдан умрининг охиригача педагогик ишда ишлаган, «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» юксак унвонига сазовор бўлган.

АБДУҚОДИР ШАКУРИЙ
(1875—1943)

Абдуқодир Шакурий 1875 йилда Самарқанднинг Ражабамин қишлоғида боғбон оиласида туғилди.

Шакурий эски усулдаги мактабни тамомлаганидан кейин Самарқанд шаҳридаги мадрасага ўқишга кирди. Шакурий ўзбек ва тожик тилларида ёзган таржимаи ҳолларида рус гимназиясига бориб, унинг ички тартиб қоидалари ва ўқитиш усуллари билан танишлигини қайд қилади. Шундан кейин ёш муаллимда ўз халқининг болалари учун ҳам шу тартибдаги янги мактаб ташкил қилиш орзуси пайдо бўлади.

Шакурий дўстлари ёрдамида Қўқон шаҳрига боради ва у ерда ўн кун давомида янги мактабдаги ўқиш-ўқитиш усуллари билан танишади. Самарқандга қайтиб келгач, бу янги усулларни ўзи очган мактабда қўллаш бошлайди.

Шакурий дастлаб мактабда ўқув жиҳозларини ўзгартиради. У усталарга парта ва доскалар буюради. Шу асосда биринчи марта ўз қишлоғи Ражабаминда 1901 йилнинг кузида янги усулдаги мактаб ташкил қилади. У даврларда дарслик ва қўлланмалар бўлмаганлиги сабабли Шакурий ҳарфларни доскага ёзиб кўяр, ўқувчилар эса шуни ўз дафтарларига кўчириб ёзар эдилар. Шунингдек, у қисман татар тилида ёзилган китоблардан ҳам фойдаланар эди.

Шакурий ўз хотираларида татар педагоги Абдулҳодий Мақсудийнинг «Муаллими аввал», «Муаллими соний» каби дарсликларидан ўз вақтида фойдаланганлигини кўп мартаба эслайди.

Чор ҳукуматининг маҳаллий амалдорлари бу мактабнинг очилишига расман қарши бўлиб, унинг ўқув дастурини қаттиқ назорат қилардилар. Улар мактабда ўтиладиган диний дарсликларга ҳеч қандай тўсқинлик қилмас, аммо дунёвий фаннинг ўқитилишидан ташвишланар эдилар.

Шогирдларининг айтишича, Шакурий қийинчиликлар билан қўлга киритган ягона глобусни фақат махсус вақтда синфга олиб кирар, бошқа вақтда эса яшириб кўяр экан.

Шакурий мактабида тожик ва ўзбек болалари бирга ўқитилар эди. Бу ерда тожик тили асосий тил ҳисобланар, боланинг саводи чиққач, ўзбек ва тожик тилларида ёзилган китоблар ўқитилар эди. Шу билан бир қаторда, ўқувчиларни озарбайжон ва татар адабиёти намуналари билан таништириш мақсадида шу тилларда ёзилган айрим парчалар ҳам ўқитилар эди. Шакурийнинг таржимаи ҳолида айтилишича, бу мактабнинг тўлиқ дастури бўлган.

У вақтларда мактабларда Қуръони Карим ўқитилар ва ёдлатилар эди. Шунинг учун янги усул мактабларида ҳам диний китоблар ўқитилар эди, чунки ҳеч бир ота-она Қуръон ёки бирор диний китоб ўқитилмаган мактабга болаларини бермас эди. Шунинг учун мактабларда «Ҳафтияк» ҳам асосий ўқиш китобларидан бири ҳисобланар эди.

Татар педагоги Мақсудий ўз мактаби учун дарсликлар тузганда, араб тили қоидалари ва алфавитини ўқитишга алоҳида эътибор берган. Шакурий ҳам ўз мактабида бунга риоя қилганди. Ўқитишдаги бу усул эски

мактаблардаги ўқитиш усулларига қараганда савод чиқаришни анча енгиллаштирар эди.

Шакурий ўз ўқувчилар учун бир йилда бир марта имтиҳон уюштирар эди. Имтиҳонда у ота-оналар олдида ўқувчилар билимининг натижаларини намойиш қилдирар эди, ота-оналар эса ўз болаларининг қисқа муддат ичида хат-саводли, ҳисоб, география ва тиббиётдан маълумотга эга бўлганини кўриб хайратланардилар.

Шакурий мактабининг шуҳрати кенг тарқала бошлади, Ўрта Осиёдаги бошқа маърифатпарвар кишиларнинг диққатини жалб этди.

Жумладан, ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк шоир, драматург ва педагог Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Шакурий очган мактаб билан жуда қизиққан. У 1909 йилда Шакурий очган мактабини кўриш, унинг имтиҳонларида қатнашиш учун Самарқандга келади. Бу мактабдаги ўқиш-ўқитиш тартиби ва имтиҳон натижалари Ҳамзада яхши таассурот қолдиради. Ҳамза ва Шакурий бир-бирлари билан дўстлашиб, кўп йиллар давомида хат ёзишиб турадилар.

Шуни қайд қилиш керакки, Шакурий фақат ўқитувчилик қилиш билангина чекланиб қолмаган, у ўз мактаби учун дарсликлар ёзиб, уларни ўз маблағлари ҳисобига нашр қилдирган. Чунки, тожик ва ўзбек болаларини татар тилида ёзилган дарсликлар билан ўқитиш катта қийинчиликлар туғдирар, бу дарсликлар болалар учун унча тушунарли эмас эди. Шунинг учун, у ўқувчиларга уларнинг она тилида дарсликлар яратиш зарур, деб ҳисобларди.

Шундай бир шароитда Шакурий болаларнинг ўз она тилида ўқиш китоблари, дарсликлар яратиш заруриятини яхши тушунади. У боланинг ёш хусусиятига мувофиқ тарзда ахлоқ, одоб ва турмуш қоидаларидан дастлабки маълумот беришни кўзда тутиб, ана шундай дарсликлар тузишга киришади. Биринчи навбатда, алифбени Шакурийнинг ўзи тузди. «Раҳнамои савод» («Савод чиқариш раҳбарияти»), деб аталган бу китоб яхши қоғозда настаълик хати билан ёзилган эди. Шакурийнинг шогирди, ёзувчи Раҳим Ҳошимнинг айтишига қараганда, бу китобда сўзлар бўғинларга ажратиб кўрсатилган, китоб охирида ўқиш учун кичик-кичик материал берилган экан. Шакурий кўп йиллик педагог фаолияти натижасида болаларни ўқитишда «товуш-ҳарф» методи (ҳар бир товушни алоҳида ҳарф билан ёзиш)нинг қулай ва осон эканлигини аниқлади ва 1913 йилда унинг раҳбарлигида ўз шогирдларидан ва Самарқанднинг машҳур педагогларидан бири Исматулла Раҳматуллаев товуш-ҳарф усули асосида янги алифбе тузди. Бу китоб Тошкент шаҳрида нашр қилинди. Бу китоб араб ҳарфида тожик тилида ёзилган бўлиб, у кўп йиллар давомида савод чиқаришда энг яхши ўқув қўлланмаси сифатида қўлланиб келинди. Китобнинг кириш қисмида тез ва осонлик билан саводли бўлиш масаласига оид методик маслаҳатлар берилади.

«Алифбе таълими» Исматулла Раҳматуллаевнинг 10—12 йиллик ижодий ишлари ва унинг устози Абдуқодир Шакурийнинг кўп йиллик амалий фаолиятининг натижасида яратилди. Улар кўп йиллар давомида бошланғич таълимнинг турлича методларини қўллаш, ўз тажрибалари, шунингдек янги

усулдаги ўқиш-ўқитиш усуллари ва кўпдан-кўп алифбе китобларини ўрганиш, умумлаштириш асосида бу китобни туздилар. Алифбе 46 бетдан иборат бўлиб, тахминан 90 та дарс учун мўлжалланган.

Шакурий томонидан 1907 йилда ёзилган иккинчи китоб «Жомеъ ул ҳикоят» («Ҳикоялар тўплами»)дир. У қайта тузатилиб, тўлдирилиб, 1911 йилда иккинчи марта нашр қилинган. Китоб бошланғич мактабнинг иккинчи синфи учун хрестоматиядир.

Етмиш икки бетли бу китобнинг матни нафис қоғозда аниқ, чиройли хат билан ёзилган. Биринчи қисмига тарбиявий аҳамиятга молик 48 та кичик-кичик ҳикоялар киритилган. Иккинчи қисмида мумтоз ёзувчиларнинг асарлари ва таржималаридан олинган 15 та шеърӣ парча берилган.

Китобнинг таълим-тарбиявий аҳамияти шундан ибортаки, ундаги ўқув материалларининг ҳаммаси болаларда ахлоқий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Шакурий томонидан тузилган ва нашр қилинган яна бир китоб «Зубдат ул ашъор» тўплами бўлиб, унда кўп шоирларнинг шеърлари берилган.

Китобдаги янги усул мактабига атаб ёзилган тожик тилидаги шеърда шундай дейилади:

— Эй муаллим, мактабнинг тараққиёт топиб, сернур бўлсин, яхши номинг то абад дунёда машҳур бўлсин. ғайрат қил, токи биз олиму доно бўлайлик, - ахир, бир савтия усулининг севгучиларимиз, тарбият қил, ҳар кишининг хотирини шод қил. Ҳар фандан бизга ўргат, биз баҳраманд бўлиб нодонликни нари қувайлик. Гарчи нодон кишилар сенга таъна-ҳақорат этсалар ҳам ғам ема. Албатта, душманлар шармсор бўлурлар!

Ўша даврдаги қийинчилик ва тўсқинликларга қарамай, халқнинг бу содиқ дўсти, маърифатпарвар педагог Шакурий бутун куч-қувватини янги усулдаги мактаб ташкил қилишга сарф қилди, катта ғайрат, зўр ҳавас билан янги усул асосида ўқиш-ўргатиш тартибларини ўрганди, саводга ўргатишнинг энг қулай ва осон усуллари танлаб олди, янги усул мактаблари учун дарслик ва қўлланмалар тузиб нашр қилдирди.

Шакурий дастлаб қизлар учун ҳам янги усулдаги мактаб ташкил қилиб, унда ўз раҳбарлигида хотини муаллималик қилар эди. Кейинчалик ўғил ва киз болалар гуруҳини бирлаштириб ўқита бошлади.

Демак, у Самарқандда янги усулдаги мактабнинг тарғиботчи ва ташкилотчиларидан бири эди. Бу ишда у ҳеч қандай моддий манфаатни кўзда тутмас ва айни чоқда ҳеч ким унга моддий ёрдам бермас эди.

Абдуқодир Шакурий 1917 йил тўнтаришига қадар ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланди. 1917 йилда Самарқанд шаҳрининг бир гуруҳ илғор кишилари А.Шакурийнинг педагогик фаолиятининг 15 йиллигини нишонладилар.

1921 йилда Самарқанд шаҳридаги 13-мактабга мудир қилиб тайинланди. У болаларни тарбиялаш, ўқитишга катта ғайрат билан киришди, кўп йиллар давомида шу мактабнинг мудирӣ ҳамда она тили ва адабиёт ўқитувчиси вазифаларида ишлади.

Самарқанд мактабларига Шакурий биринчи бўлиб меҳнат ва мусиқа дарсларини киритди. У болаларни қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик ишлари билан таништиришдан ташқари, уларга муқовасозлик, дурадгорлик ва бошқа хунарларни ҳам ўргатар эди, бу машғулотлар учун алоҳида соатлар ажратган эди.

1923 йилнинг бошларида «Правда» газетаси мамлакатимиз бўйича энг намунали илғор мактаб ҳамда моҳир ва тажрибали ўқитувчилар учун танлов эълон қилди. 1923 йилнинг 8 июлида газетада шу танлов натижалари эълон қилинади. Ана шу ўқитувчилар таркибида республикадаги мактаб ўқитувчиларидан А.Шакурий бор эди. Бошқа илғор ўқитувчилар қаторида унинг номи ҳам «Правда» газетасининг қизил доскасига киритилади ҳамда пул мукофоти топширилади ва Шакурий ҳақида бир яхши мақола эълон қилинади.

Бундан кўринадики, маърифатпарвар педагог Шакурий янги усулдаги мактаблар ташкил қилишда, ўқиш-ўқитишнинг янги тартибларини жорий этиш ва ўқитувчиларнинг катта гуруҳини тарбиялаб етиштиришда хизматлари жуда катта бўлган ва газета редакцияси томонидан юқори баҳоланган.

1925 йилда А.Шакурийнинг ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси ўз маблағлари ҳисобига тўрт синфли янги мактаб қуриб ишга туширади.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ **(1878—1934)**

Таниқли маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний педагогик фикр тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, ўз асарларида ўзбек халқининг энг яхши анъаналарини, таълим-тарбияга оид муҳим ҳаётий масалани акс эттирган педагог, олимдир.

Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкент шаҳрининг Мерганча маҳалласида, майда хунарманд-тўқувчи оиласида дунёга келди. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлар. Абдулла Авлоний эски усул мактабини тамомлагандан кейин 12 ёшида мадрасага ўқишга киради. У ёзда ишлаб ота-онасига ёрдам қилар, бошқа вақтларда ўқир эди. Ўта иқтидорли бўлган Абдулла Авлоний 15 ёшида шеърлар ёза бошлади. Дастлабки шеърларида ва «Ҳижрон» деган мақоласида халқни янги усул мактабларида ўқиб-ўрганишга тарғиб қилди. Абдулла Авлоний 1907 йилда «Шухрат», «Осиё» номли янги газеталар чиқара бошлади, лекин чор амалдорлари тез орада газеталарни ёптириб қўяди. Абдулла Авлоний кейинроқ «Садойи Туркистон» (1914—1915), «Турон» (1917), «Иштирокиюн» (1918) газеталарида, «Қасабачилик ҳаракати» (1921) журналида муҳаррир бўлиб ишлайди. Шундан сўнг, у ўзбек матбуотининг забардаст вакили, ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири сифатида танилади.

Абдулла Авлоний халқ орасида илғор фикрларни тарқатишда, илм ва маърифатни ташвиқ қилишда газета, журналларнинг роли ғоят катта эканлигини яхши билар эди. У 1907 йили «Шухрат», «Осиё» номли газеталар

чиқариб унга муҳаррирлик қилади. Газетанинг биринчи сониди матбуотнинг роли, газетанинг вазифаси ҳақида фикр юритиб, «Матбуот ҳар инсонга ўз ҳолини кўрсатувчи, аҳвол оламдан хабар берувчи, қоронғи кунларни ёритувчи, халқ орасида илм, иттифоқ, ҳиммат ғоялари»ни ёювчидир деб, балиқнинг сувсиз яшамоғи мумкин бўлмагани каби инсоннинг ҳам илмсиз яшамоғи мумкин эмаслигини уқтиради.

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида педагогик фикрларнинг ривожиди Абдулла Авлоний алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолияти даврида у ўз халқига хизмат қиладиган комил инсонни етиштириш, унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди.

Абдулла Авлоний ўзбек халқнинг санъати ва адабиёти ҳамда миллий маданиятини, халқ таълими ишларини йўлга қўйишда катта хизматлар қилган адиб, жамоат арбоби ва истеъдодли педагогдир.

Абдулла Авлоний ўзбек зиёлилари ичида биринчилардан бўлиб, ўзбек халқ театрини профессионал театрга айлантириш учун 1913 йилда «Турон» номи билан театр труппасини ташкил қилади. Бироқ бу труппанинг профессионал театрга айланиши учун катта тўсиқлар бор эди. Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати халқнинг ижтимоий онгининг уйғонишига ёрдам кўрсатувчи театрларнинг барча шаклларига қарши эди. Театрга ана шундай салбий муносабатда бўлган бир пайтда Авлонийнинг театр труппасини ташкил қилиш ва ижтимоий мазмундаги пьесаларни саҳналаштириши унинг халқ маърифати йўлидаги зўр жасорати эди. Театршунос М.Раҳмонов Авлонийнинг театрчилик фаолияти ҳақида шундай ёзади:

«Авлоний труппа учун «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Икки муҳаббат», «Портуғолия инқилоби» каби драмалар ёзди, «Қотили Қарима», «Уй тарбиясининг бир шакли», «Хиёнаткор оиласи», «Бадбахт келин», «Жаҳолат», «Ўликлар» каби саҳна асарларини татарча ва озарбайжончадан таржима қилади»¹. Аммо бу асарлар нашр қилинмади.

1916 йили озарбайжонлик машҳур актёр Сидқий Руҳилло Тошкентга келиб, «Турон» труппаси билан бирга «Лайли ва Мажнун» спектаклини кўяди. Авлоний бу спектаклда Қайснинг отаси ролини ижро этади. Труппа аъзолари билан Авлоний 1914—1916 йиллари Фарғона водийсида гастролларда бўлади.

Абдулла Авлоний 1917 йил тўнтаришига қадар Туркистонда жуда катта ижтимоий-маърифий ишларни амалга оширган жаҳидлар ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан эди. Абдулла Авлоний илғор зиёли кишилар билан ҳамкорликда театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитадиган «Усули жаҳид», яъни янгича илғор усулдаги мактаблар очдилар ва бу мактабларда халқ болаларини ўқитдилар. Улар ўз миллатларидан етук олимлар, билимдон мутахассислар, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод, Ватанни озод, фаровон этишларини орзу қилдилар ва бу йўлда фидойилик кўрсатдилар.

¹ М.Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан Оў аср аввалигача), «Фан», Т., 1968 йил, 333-бет.

Абдулла Авлоний 1907 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги мактаблар очди. Мактаблардаги ўқув асбоб-жиҳозларини ўзгартирди, ўз кўли билан парта ва доскалар ясади. Мактабга қабул қилинган болаларнинг асосий қисми камбағал кишиларнинг болалари бўлганлиги учун уларни кийим-кечак, озиқ-овқат, дафтар-қалам билан таъминлаш мақсадида, дўстларининг кўмагида «Жамияти хайрия» ташкил этади ва бу жамиятга ўзи раислик қилади. «Нашриёт» ширкати тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» номли китоб дўконини очди. Авлонийнинг мактаби ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига кўра машғулотларни синф-дарс тизими асосида ўз она тилида олиб борилиши билан эски усул мактабларидан фарқ қилади. У ўз мактабида болаларга география, тарих, адабиёт, тил, ҳисоб, ҳандаса, ҳикмат каби фанлардан муайян маълумотлар беради.

Абдулла Авлонийнинг илк ўқувчилардан бири, Тошкент Давлат университетида узоқ йиллар дарс берган таниқли педагог, марҳум Юсуф Тоҳирий Авлоний Мирободда ташкил қилган мактаб ҳақидаги хотираларида шундай деб ёзган эди:

«Шаҳарнинг қарама-қарши чеккасида, темир йўл ишчилари истиқомат қиладиган Мирободда янги типдаги мактаб очилганлиги ҳақида эшитиб қолдик. Тез орада бу мактабнинг фазилатлари ҳақидаги шов-шувлар, унинг муаллими Авлонийнинг довуғи бутун шаҳарга тарқалди. Ҳамманинг тилида: «Мирободдаги мактаб 6 ойда ўқиш-ёзишни ўргатармиш, жўғрофия, ҳисоб, табиатни ўрганиш деган дарслар ўқитилармиш», — деган гап юрарди. Бизга жуда сирли туюлган бу мактабни ва унинг донишманд муаллимини кўришга ошиқардик. Ниҳоят бир куни уч-тўрттамитиз боришга жазм қилдик.

Мактаб пастаккина, ним қоронғу бўлиб, масжид йўлагига жойлашган эди. Хонанинг тепасида ёруғлик учун қолдирилган туйнукдан қиш ва баҳорда қор билан ёмғир ҳам тушиб турарди. Лекин хонада ўқувчилар ва домланинг шогирдлари кўп эди. Хаёлимизда домланинг аллақандай бир сирли томони бор эди. Бизни қотмагина, кичик жуссали, қорачадан келган, истараси иссиқ, чўққи соқол бир киши кутиб олди. Бу номи тилга тушган муаллим Авлоний эди. Ўқишга қабул қилиндик. Кўп ўтмай кўз олдимизда янги бир дунё очилганига тўла ишонч ҳосил қилдик. Болаларимизнинг олди бир неча йилдан бери мактабга қатнаб юрган бўлсалар ҳам мирободликлар олдида уялиб қолдик. Улар ўқиш-ёзишда, ҳисоб масалаларини ҳал этишда, табиат ҳодисаларидан хабарлари билан ҳаммамизни лол қолдиришди. Айни замонда бизнинг эски мактабимиз бўшаб, Мирободдаги Абдулла Авлоний мактаби биздан борган болалар билан лиқ тўлди. Шу тариқа бу мактаб тобора шуҳрат топиб борди¹».

Абдулла Авлоний «Усули жаид» мактаблари учун тўрт қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» ҳамда «Биринчи муаллим» (1912), «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913), «Иккинчи муаллим» (1915), «Мактаб гулистони» (1917) каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди. Бу асарларида

¹ Ю.Тоҳирий. Доно Мураббий. «Тошкент о=шоми» газетаси, 1966 йил 10 ноябрь.

хамда публицистик мақолаларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанни, мактаб ва маорифни улуғлаб, ўз халқини илмли, маданиятли бўлишга чақиради.

XX аср бошларида янги мактаблар учун ёзилган алифбелар анчагина эди. Шулар орасида Авлонийнинг «Биринчи муаллим»и ҳам ўзига хос ўринга эга; «Биринчи муаллим» 1917 йил тўнтаришига қадар 4 марта нашр этилган. Авлоний уни ёзишда мавжуд дарсликларга, биринчи навбатда Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал»ига суянади (дарс бериш жараёнида орттирган тажрибаларидан самарали фойдаланади).

Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» китоби «Биринчи муаллим» китобининг узвий давомидир. Биз биринчи китобини, шартли равишда, алифбе деб, иккинчи китобини хрестоматия деб атасак жоиз бўлар, десак хато бўлмас.

Китоб мактабни олқишловчи шеър билан бошланади:

Мактаб сизи инсон қилур,
Мактаб ҳаёт эҳсон қилур,
Мактаб ғами вайрон қилур,
ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий хаёл,
ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Бу шеърда Авлоний мактабни инсоннинг нажот йўли, ҳаётнинг гулшани, кишиларни камолот сари сафарбар қилувчи куч, деб мақтайди.

Китобдаги дастлабки берилган икки ҳикоя «Сахийлик» ва «Бахиллик» деб номланган. Биринчи ҳикояда ўша давр турмушига хос бўлган воқеа тасвирланади. Саид исмли боланинг отаси ҳар куни ўғли мактабга кетиши олдидан унга 10 тийин овқат пули берарди. Бир куни Саид мактаб йўлида фақир кишини учратади.

«Ўғлим икки кундан бери очман, таом олиб ей десам устимдаги йиртик чопонимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ»,— дейди у. Саид қўлидаги 10 тийинни беради ва ўша кунни овқатланмасдан ўтказади. Отаси ўғлоннинг олижаноблигидан мамнун бўлади, «Сахий Саидим» деб олқишлайди. Эртасига 20 тийин бериб юборади.

«Бахиллик» ҳикоясида бир бадавлат киши мисолида унинг бахиллиги, хасислиги, зикналиги ва пасткашлиги кўрсатилади.

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар таракқиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий тарбиявий асардир. Асарда инсонларни «яхшиликка чақирувчи, ёмонлардан қайтарувчи» бир илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатлардан

караганда бу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Аҳмад Донишнинг «Фарзандларга васият» асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир.

Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб «Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, аллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур», — дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Ўзбек педагогикаси тарихида Абдулла Авлоний биринчи марта педагогикага «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фанидир», деб таъриф берди. Табиий бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради.

Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрт бўлимга ажратади: 1. «Тарбиянинг замони». 2. «Бадан тарбияси». 3. «Фикр тарбияси». 4. «Ахлоқ тарбияси» ҳақида ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади.

«Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни ёшлиқдан бериш зарурлигини, бу ишга ҳаммани: ота-она, муаллим, ҳукумат ва бошқаларнинг киришиши кераклигини таъкидлайди.

«Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт—ё мамот, ё нажот—ё ҳалокат, ё саодат—ё фалокат масаласидур» деб уқтиради, Авлоний.

Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ҳисоблайди адиб.

Тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб, умрнинг охирига қадар давом этади. У бир қанча босқичдан — уй, боғча, мактаб ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши лозимлигини уқтиради.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўкумок, ўкутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир».

Абдулла Авлоний бадан тарбияси масаласида болани соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, болани фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятларига алоҳида эътибор беради.

Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шуғулланиши бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг «диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас

вазифадур... Негаки фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур»²⁰.

Айни замонда муаллиф таълим ва тарбия узвий боғлиқ эканини ҳам таъкидлайди: «Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур»²— дейди.

Абдулла Авлонийнинг фикрича, инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча махлуқотлардан афзалдир. Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак, чунки инсон унинг соҳибидир. Чунки инсоннинг ақли бор. У шу ақл ёрдамида илм эгаллайди, илм туфайли дунёни бошқаради.:

«Ақл, — дейди Авлоний, — инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидур, руҳ ишловчи, ақл бошловчидур. ...инсонни хайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Лекин инсон ақл ва идроки соясида ўзига келадирган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги хайвонларни асир қилиб, бўйнидан бойлаб, ипларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур». Авлоний инсонга ва унинг ақлига ана шундай юксак баҳо беради. «Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари нажотидур. Агар ақлингни қўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмони йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, аммо ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур».

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилади. Абдулла Авлоний китобда илм тўғрисида бундай дейди: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий, муқаддат бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилмоқ, ... Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур...». Авлоний илмни умуман эмас, балки унинг амалий ва ҳаётий фойдаларини айтиб, «Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур. Маданият инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур»²¹.

Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичидаги мағиз. Уни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш, яъни чақиб уни пўчоғидан ажратиб олиш керак.

У илмнинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у, ёшларни илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини ечишга, китоб мутолаа қилишга чақиради. Унинг фикрича, илм агар жамият манфаатига хизмат қилмаса, халқ фаровонлиги йўлида қўлланмаса, у ўликдир. А.Авлоний ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб атайди.

²⁰ Абдулла Авлоний. «Иккинчи китоб», 14-бет

² Ёша китоб, 15-бет.

²¹ А.Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ». 17-бет.

Абдулла Авлоний ўтмиш мутафаккирлари каби ёшларни фойдали касб-хунар эгаллашга чақиради. Адиб бойлик кетидан қувувчиларни, уларнинг одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланаётганини кўриб, улардан нафратланади. Авлоний ёшларни бойликка ружу қўймасликка ундайди. Бойликни ўткинчи булутга ўхшатади.

Абдулла Авлоний меҳнатсиз кун кечирришни барча ёмон сифатларнинг ибтидоси, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у, меҳнатни улуғлайди, меҳнат кишининг энг гўзал фазилатидир, дейди. Бу жиҳатдан унинг «Ақлли боғбон» ҳикояси характерлидир.

Ҳикояда айтилишича: «бир боғбоннинг уч ўғли бўлиб, улар дангаса ва ишёқмас бўлганлар. Отада уларга мерос қоладиган тангатило йўқ. Ота умри тугаётганини сезиб, фарзандлари тақдирдан ташвишга тушади. Ўйлаб-ўйлаб шундай йўл тутди. Ҳар уччала ўғлини ёнига чорлайди. «Кўзим очик экан, васиятимни сизларга айтиб кетай. Меҳнату машаққат ила бир кўза олтин йиққанман. Уни мана шу боққа, тоқларнинг бирини тагига кўмганман. У — сизларники. Бироқ бу ишга кўп йил бўлди. Ҳарчанд уринсам ҳам кўмилган жойни хотирлай олмадим. Уни ўзларингиз излаб топинглар ва ўзаро бўлишиб олинглар»²², дейди. Бир кўза тилладарагини эшитиб уч ишёқмас уни излашга тушиб кетади. Боғнинг ҳамма ерини ковлаб чиқишади. Сирли кўза чиқмайди. Яна эринмай ковлашга тушадилар. Кутилган натижа эса ҳамон йўқ. Шу тахлит боғ ичи бир неча қайта ағдар-тўнтар қилинади. Ерлар қазилавериб, тупроғи упага айланиб кетади ҳамки, олтинли кўза топилмайди. Бу орада узумзордаги тоқларнинг энг чуқур илдизларигача очиб кўрилади. Боғда ўша йили чунонам ҳосил бўладики, ундан бир неча кўзани тўлдиргулик олтин оладилар.» Уч дангаса ўғиллар ота гапларининг асл маъносини, олтин — меҳнатда эканлигини тушуниб етадилар»²³.

Адиб ўша ҳикоячаси билан меҳнатни улуғла йди, ўқувчи қалбида меҳнатга муҳаббат уйғотади. Киши бахт ва саодатга фақат меҳнат орқалигина етишишини уқтиради.

Абдулла Авлоний ўз асарида сабр, тоқат, сабот ва матонат масалаларига тўхтаб, «Ҳар бир ишда сабр ила ҳаракат қилмоқ лозимдур. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдир, мақсадга етиш йўлидир. Нафсни сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, ғурурдан сақлар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шахватни ифбатга, ғазабни шижоатга, шиддатни ҳилмга, катталиқни тавозуъга, ёмонликни яхшиликка айландурмоққа қуввати етар... Сабр шодлиғнинг калитидур...».

Авлоний интизомни инсон характерини тарбияловчи, мукаммаллаштирувчи манба, деб билади, ҳамда унга доим риоя қилиш кераклигини таъкидлайди: «Интизом қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмоқни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшай олмас эдилар. Ҳар бир миллатнинг тараққийси ва толийси ишларини вақтида, низомдан

²² Абдулла Авлоний. Тошкент тонги. //улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил, 227-бет.

²³ Ёша китоб, 228-бет.

чиқармай тартиби ила юритилмоқға боғлиқдур... Чунки тартиб ва низомни рию қилмаган кишиларнинг ишлари ҳамма вақт нотамом, ўзлари паришон бўлурлар. Аммо ишларини тартиб ўзра юритган кишиларнинг ишлари ерда, ўзлари тинч ва роҳатда ўткарурлар»²⁴.

Ватан туйғуси энг инсоний ва энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас, унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ у билан фахрланмоқ керак. Авлоний Ватан ва унинг олдидаги бурчни шундай тушунади:

«Ҳар бир кишининг туғулиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсгон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси — туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас...

Биз туркустонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдиғимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимулар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёд суярлар. Агар суймасалар эди, хавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилур эди»²⁵, — дейди Авлоний.

Авлоний идрок ва зако деб очуқ фикрни, хуштабиат, зийрак бўлмоқни тушунади. У идрок ва закони маърифатпарварлик билан боғлаб, «ёшлиқдан бошлаб зехн ва идрокимизни қувватландурмоқ учун азиз умримизни ўйинкулгу, сафсата, моляъни каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, ғазета ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зехнимизни қувватландурмоқ лозимдур»²⁶.

Бу эса Авлонийнинг халқни маърифатга ташвиқ қилганидан далолат беради. Хусусан, шоирнинг қуйидаги шеъри фикримизнинг далили бўла олади:

Идрок ила ақлинг-ла аюр яхши-ёмонни,
Беҳудага сарф этма, шу қимматли замонни.
Саъй эт, жадал эт, илму фунуна ҳаракат қил,
Боқ, найладилар ҳикмат ила ушбу жаҳонни»²⁷

Абдулла авлоний ўз она тилини мукамал билиш, ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатиш, миллий адабий тилининг тараққийси учун жонкуярлик қилиш зарур, — дейди. «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатурғон ойнаи ҳаёти: тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдур. Ҳайҳот! Биз Туркистонликлар миллий тилни сақламоқ, бир тарафда турсун кундан-кун унутмоқ ва йўқотмоқдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ёпиштирмоқдадурмиз. Дуруст, рус тилини билишимиз керак, лекин ўз еринда

²⁴ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 26-бет.

²⁵ Ыша китоб, 28-бет.

²⁶ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 31-бет.

²⁷ Ыша китоб, 32-бет.

ишлатмоқ ва сўзламоқ лозимдур. Зиғир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб, аралаш-куралаш қилмоқ тилнинг руҳини бузадур²⁸.

... «Боболаримизга етушғон ва ярағон муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳам камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва ахтарсак, йўқолганларини ҳам топамиз. Йўқолса йўқолсин ўзи бошимга тор эди,» — деб Еврупа қалпоғини киюб, кулгу бўлмоқ зўр айб ва уятдур²⁹.

Авлоний сўзлашув одобига ҳам алоҳида эътибор беради. У сўзнинг инсон кадр-қимматини белгилашдаги моҳиятига юқори баҳо бериб, «Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазилини ўлчаб кўрсатадурган тарозусидир. Ақл соҳиблари кишининг тилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, кадр ва қийматини сўзлаган сўзидан билурлар»³⁰, — дейди.

Инсон такомили учун зарур бўлган омиллардан яна бири — виқордир (виқор — оғирлик, чидам, улуғворлик). Авлоний қайд қилишича, эл-улусдан, кишилардан ўзини ҳоли тутишга ёки юқори тутишга уринган шахс элнинг, кишиларнинг назаридан тушиб, яккаланади ва унутилади. Кишининг камтар бўлиши зарурлиги таъкидланади: «Фикор деб кибр ва ғурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламоқни айтилур», — деб ёзади Авлоний. Чунки ғурур, манманлик, такаббурлик кишини хор, халқ орасида безътибор қилур. Ҳар қанча илм ва давлат соҳиби бўлса ҳам бир пулча кадр ва қиймати бўлмас... Вуқур киши кибр ва ғурурдан пок бўлур. ... Виқорнинг ҳақиқий даражасига етмак учун илм ва маърифат лозимдур³¹».

Авлоний хасисликни жуда содда, аниқ ифода ва деталлар ёрдамида ўқувчига етказишга уринади.

Ипак қуртнинг тақдирини кўз олдингизга келтиринг. У пилла ичида ўралиб, ҳаётини маҳв этади. ғанчалар машаққат билан ҳосил бўлган ипак бошқаларга насиб қилади. Умрини мол-дунё ҳирси билан ўтказган инсонлар тақдири ҳам шундай, — дейди адиб.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»нинг биринчи саҳифасидан то сўнгги саҳифасигача Авлонийнинг инсонпарварлик ғоялари ифодаланган. У ҳаммадан бурун халқ манфаатини кўзлайди, халққа бажону дил хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Унинг назарида кишилар ғамини емаган, халқдан узоқ турган иғвогар, ғийбатчи инсон эмас.

Муаллиф чақимчилик, ғийбат, ҳасад, мунофиқлик, ёлғончилик, иккиюзламачилик ҳақида тўхталиб, уларнинг инсонлар ҳаётига зарарини атрофлича кўрсатиб беради.

ғийбатчи ва чақимчи кишиларни Авлоний бузоқбошига ўхшатади. Бузоқбоши дарахт илдизини кемириб қуритгани каби чақимчи ва ғийбатчилар ҳам кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат дарахтини емирадилар. Донишмандлардан бири айтганидек, «Мол ва ашё ўғриларидан кўра одамлар

²⁸ Ыша китоб, 32-бет.

²⁹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 32-бет.

³⁰ Ыша китоб, 33-бет

³¹ Ыша китоб, 34-бет.

орасида дўстлик, улфат, муҳаббатни ўғирлайдурган одамлардан сақланмоқ лозимдир»³².

Авлоний ғийбатчилик ва унинг оқибатини шундай таҳлил этади: «Инсон бошқа гуноҳларини нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ё бир бошқа кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки, сўз бориб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. ғазаб қони ҳаракатга кирар. ғийбатчидан ўч олмоқ фурсатини пойлар. Шундай қилуб, ғийбат соясида икки мусулмон орасига зўр душманлик тушар. Охири ўлумгача борур. Шул тариқа ғийбатдан туғулган адоват чўзулмоқға оид бўлиб, душманлик зўраюб, ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурган миллий ишлардан маҳрум бўлмақлари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқолувиға сабаб бўлурлар»³³.

ғийбатни сўйламоқ ҳаром ўлгани каби эшитмоқ ҳам ҳаромдир.

Расули акрам набийи муҳтарам саллолоҳу алайҳи вассалам афандимиз:

«ғийбатдан сақланингиз, ғийбат зиндондан ҳам ёмонроқдур»³, — демишлар.

Ўша китобида авлоний ҳар бир киши ўз вазифасига садоқат билан киришиши, агар у мураббий бўлса, ўз шогирдларининг кўнглиға маърифат ишқини солиши, халқ ўртасига маърифат тарқатиши зарурлигини таъкидлайди.

«Ҳозирги замонда мақсадға етмак, ўз миллатига хизмат қилмоқ, халқға мақбул бўлмоқ учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанадур. ...Мол топмоқнинг энг баракатли йўллари: ҳунармандчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарликдур. Буларнинг ҳар бириға ҳам бу замонамизда билим лозимдур... Америколиклар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ олурлар. Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни кетуруб, ўзимизға йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо биз осиеликлар, хусусан туркистонликлар, думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ бериб, сут ошиймиз, нон ўрниға кесак тишлаймиз», деб Авлоний ҳозирги замонға мувофиқ киши бўлмоқ учун илм ва маърифатни эгаллашимиз керак деган шиорни ўртаға ташлайди.

Абдулла Авлоний 1917 йил тўнтаришидан кейин, 1918 йилдан бошлаб республикамизда ўқитувчилар уюшмаси, қровуллар, тунукачилар, кўнчилар, ҳунармандлар ва босмаҳона ходимларининг касаба уюшмаларини ташкил қилиб, уларға раҳбарлик қилади. Собиқ эски шаҳар ишчи деҳқон Совет Ижроия Комитетига раис қилиб сайланади. Авлоний Туркистон республикаси миллий Комиссариятининг масъул ходими сифатида миллий урф-одатлар ва янгича маданий нормалар ҳамда қонунларға доир масалалар билан шуғулланади.

1919—1920 йилларда Авлоний Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида Совет элчихонасида бош консул бўлиб ишлади. Халқимиз ўртасида биродарликни

³² Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 50-бет.

³³ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 51-бет.

мустаҳкамлаш соҳасидаги олиб борган ишлари учун Афғонистон шоҳи Омонуллахон томонидан кумуш соат билан тақдирланди. Булар Авлонийнинг тарихимиздаги ўзига хос ўрни борлигини кўрсатади. 20-йилларда Авлоний турли ижтимоий вазифалар билан бирга муаллимлик касбини ҳам давом эттирди, саводсизликни тугатишда фаол қатнашди. Абдулла Авлоний 1920 йилдан бошлаб Тошкентда ташкил қилинган ўлка билим юртида, сўнгра хотин-қизлар билим юртида мудирлик қилди. У халқ маориф институтида, туркфронт ҳарбий мактабида (ҳарбий билим юрти) ўқитувчи бўлиб ишлади. 1924—29 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетида (САГУ) ва бошқа олий ўқув юртларида ўқитувчилик қилиш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

Абдулла Авлоний янги адабиёт дастури асосида 1933 йилда ўзбек мактабларининг VII синфлари учун «Адабиёт хрестоматияси» тузди.

Абдулла Авлонийнинг меҳнати юксак тақдирланиб, унга ўзбек маданияти ва адабиётини юксалтиришда, ходимлар тайёрлашда, узоқ йиллик ҳалол меҳнати учун 1925 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвони, 1930 йилда меҳнатсеварлиги, илмий ишлари ва асарлари учун «Ўзбекистон маорифи зарбдори» унвони берилди.

Абдулла Авлоний 1934 йилнинг 25 августида Тошкентда вафот этди.

Абдулла Авлонийнинг таълим-тарбия соҳасидаги қарашлари ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи, миллий кадриятлари билан чамбарчас боғланган. Унинг бой педагогик мероси миллий мактаб, миллий педагогикани ривожлантиришда қимматбаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Шу маънода Авлонийнинг сиймоси, фаолияти биз учун қадрлидир.

АБДУРАУФ ФИТРАТ (1886—1938)

«О, ер юзида юрган не-не кимсаларни
биз тирик санаймиз, аслида улар ўлик.
Ер остида ётган не-не зотларни ўлик са-
наймиз, аслида улар тирик!»

Абулҳасан Ҳарақоний

Маънавиятимизнинг илк намояндаларидан бири Абдурауф Фитрат гарчанд катагон қурбони бўлиб, жисмонан орамизда бўлмаса ҳам у ҳамиша тирик. Қисмати оғир бўлган улуғ сиймолар қатори Фитрат бутун куч-қудратини халққа бағишлади.

Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 1886 йили Бухоро шаҳрида туғилади. «Фитрат» Абдурауфнинг адабий тахаллуси бўлиб, бу сўз туғма табиат, туғма

истеъдод деган маънони англатади. Унинг отаси ўзбек, онаси тожик бўлган. Фитратнинг отаси савдогарчилик билан шуғулланган, диндор, ўқимишли шахс бўлиб, олам кезишни, тижоратни яхши кўрган.

Фитратнинг онаси Мустафбиби нозиктаъб, саводли аёл бўлиб, фарзандлари таълим-тарбияси билан асосан у шуғулланган. Оилада Абдурауфдан ташқари яна икки фарзанд — укаси Абдурахмон ва синглиси Мадбуба бўлган. Мустафбиби болаларининг саводли, билимдон кишилар бўлиб етишишларини учун ҳаракат қилган. Абдурауф дастлаб эски мактабда сўнгра Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил кўради. У араб, форс-тожик, турк адабиётларини, фалсафани, шарқ халқлари тарихи ва маданиятини чуқур ўрганади.

XX аср бошида бутун Шарқда бўлгани каби Бухорода ҳам ижтимоий фикр тараққиётида жиддий уйғониш бошланиб, жадидчилик ҳаракати кенг ёйилади. Бухородаги жадидчиликнинг ўзига хос томонлари бор эди. Ф.Хўжаев Туркистон жадиждлари билан Бухоро жадиждларини фарқламок кераклигини уқтириб ўтган эди: «Бу фарқ рус Туркистони билан ярим мустақил Бухорода вужудга келган хўжалик ва сиёсий муносабатлар ўртасидаги фарқдан келиб чиқади»¹. Туркистон жадиждлари ошқора иш олиб бордилар. Амир истибдодининг оғирлиги Бухоро жадиждларини махфий жамият тузишга мажбур қилди. Махфий тўғараклар очиб, тўғаракларга нисбатан фаолроқ иш олиб борди.

Бухорода жадиждлар «Ёш бухороликлар» номи билан иш олиб борди.

Фитрат мана шу ҳаракатнинг раҳбарларидан бири эди. Ёш бухороликлар ўз фаолиятларини бошларида (биринчи яширин жамият Бухорода 1908 йилда тузилган) янги усулдаги мактаблар очиб, уларда бой ҳамда камбағалларнинг болаларини ўқитдилар.

Жадиждлар Оренбург, Қозон, Уфа, Истамбул каби мусулмон маданияти марказларининг билим юртлари орқали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берадилар. Шу мақсадда 1909 йил 18 июнда Бухоро ёшлари «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») номли хайрия жамияти тузатдилар. С.Айнийнинг ёзишича «... жамиятнинг биринчи мақсади Истамбулга ўқувчилар юбормоқ чорасига киришмоқ эди. Икмоли таҳсил учун Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли (1878—1968), унинг биродари Атом Хўжа (1894—1938), Мазхар Махзум Бурхон Махзум ўғли, Абдурауф Фитрат, Муқимбек Истамбулга сафар қилдилар. Фитрат мазкур талабаларнинг энг истеъдодлиси ва энг фозили эди».

Шундай қилиб Фитрат 1909 йили 25 ёшида «Жамияти хайрия»нинг кўмагида Туркияга ўқишга кетади.

Истамбулдаги барча бухоролик ва туркистонлик ўқувчилар бу жамиятга аъзо бўлиб, Бухоро маърифатпарварларининг бир қисми ҳам унга сиртдан аъзо бўлган эдилар.

Жадиждлар ўз ғояларини матбуот орқали тарғиб қилишга интилдилар. Улар «Маърифат» ширкатларини ташкил этиб, бунда ўзбек ва тожик

¹ Ф.Хўжаев. Танланган асарлар, 1-том, 82-бет, Т., 1976 й.

тилларида дарсликлар нашр эттирадилар. Тожик тилида «Бухоройи Шариф», ўзбек тилида «Турон» газеталарини чиқарадилар, кутубхоналар очадилар.

Фитрат ҳам барча жадиждлар қатори халқни илмли қилиб, ҳаётни, жамиятни янгилашга интилади. У ҳам илмий ва бадиий ижод соҳасидаги дастлабки қадамларини маърифат излаш ва ҳаммани маърифатга даъват этишдан бошлайди.

Абдурауф Фитрат маърифатпарвар адиб сифатида «Мунозара»да Бухоро амирлиги идорасида муайян ислоҳот-ўзгариш киритиш ғоясини илгари сурган бўлса, «Ҳинд сайёҳи қиссаси»да янгича ғояни — муайян даражада Бухоро амирлигига нисбатан ўз эътирозномасини баён этади. У ислоҳот ғояларидан воз кечмайди, бироқ Бухоро давлатининг маданияти, табобати, саноати ва ҳатто ер ости бойликларидан халқ манфаати йўлида фойдаланиш ҳақида қайғуради.

1913 йил 4 йиллик ўқишдан сўнг Фитрат илғор қарашлар билан Туркиядан Бухорога қайтиб келади. У энди фақат маърифат ва маданият тарқатиш ғояси билангина яшай олмасди. Энди унинг жадиждлар ҳаракатидаги сиёсий жиҳатдан аралашуви фаоллашади.

Фитрат 1916 йили «Оила» номли фалсафий асарини ёзади. Бу асар форс тилида ёзилиб, С.Айнийнинг айтишича Мирза Абдулвоҳиднинг харажатлари ҳисобидан нашр этилади. Асарда оилавий ҳаётнинг ислоҳотидан баҳс юритилиб, адиб нажот йўллари ахтаради.

1917 йили эса Боқудаги маорифчи дўстлари ёрдамида ўзининг ибтидоий мактабларнинг сўнгги синфлари учун мўлжаллаб ёзилган, ўзбек тилидаги «Ўқув» номли китобини нашр эттиради. Бу китоб ўша йилларда Бухородагина эмас, Самарқанд, Тошкентда ҳам М.Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов ўқув китоблари сингари янги усул мактаблари учун жуда керакли тарбия китоби бўлиб қолган эди.

Абдурауф Фитрат ўзининг маърифатпарварлик йўлини кейин ҳам давом эттириб боради. У бошқа маърифатпарвар ёзувчилар: Васлий, Бехбудий, Сиддиқий, С.Ализода, Ҳожи Мўйин каби ўзбек ва тожик зиёлилари билан ҳамкорликда Самарқандда «Хуррият» газетасида ишлайди, газетага муҳаррирлик қилади (газета 1917 й. апрелда чиқа бошлаган).

1922—1923 йилларда Фитрат Бухоро Халқ Республикасининг маориф нозири сифатида барча ўзбек, тожик ва бошқа миллатларнинг болалари учун мактаблар очиш, ўқувчиларга методик қўлланмалар тайёрлаш соҳасида катта ишлар олиб борди. Хотин-қизлар мактабларини кўпайтиришга, хотин-қизларни маърифатга тортишга алоҳида эътибор берди.

Фитрат ўша йилларда Бухоро Халқ Республикасидан Германияга, Туркияга талабалар юбориш, у ердаги илғор Европа таълим-тарбияси, илм-фан, техника сирларини ўрганиш, янги Бухоро Халқ Республикаси ва Туркистонда маориф ва маданиятни ривожлантирувчи маҳаллий миллий кадрлар тайёрлаш ташаббусқори ва танловчиларидан бири бўлди. Айни чоғда Бухоро Халқ Республикаси раиси Файзулла Хўжаев ҳам Туркистон Шўролар Республикаси раҳбарлари Турор Рисқулов, Абдулло Раҳимбоев, Назир Тўрақуловлар билан бирга Бухоро ва Тошкент, Самарқанд ва Фарғона,

Хўжанд ва Хивадан Саттор Жаббор, Сайидали Хўжа, Марям Султонмуродова, Ҳайринисо Мажидхонова, Саида Шераҳмад кизи Аҳмад Шукрий, Аҳмаджон Иброҳимов каби ўнлаб маҳаллий миллат ўғил ва кизларини Германияга ўқишга юборади. Уларнинг аҳволи, моддий ва маънавий, тарбиявий ишларидан хабардор бўлиб туради. Германиядаги ўзбек талабалар «Кўмак» номли ўзбекча журнал чиқаришади. Фитратнинг «Ҳинд истилочилари» сахна асарини, Садриддин Айнийнинг «Қиз бола ёки Холида» ўқув китобини нашр этишади. Бу асар Бухоро ва Туркистондаги миллий зехнлилар орасида кенг тарқалади ва севиб ўқилади.

Фитрат 1923—1924 йилларда Москва ва Ленинградда яшаб ижод қилади.

Ленинград Давлат дорилфунуни 1924 йили Фитратга ўзбек ва тожик мумтоз адабиётлари намояндлари тўғрисидаги тадқиқотлари учун профессорлик унвонини беради. Фитрат Ўрта осийнинг биринчи профессори бўлиб тарихга киради. У «Ўзбек адабиётидан намуналар» китобида ўнлаб мумтоз адабиётимиз вакиллари ҳақида маълумот беради.

1925 йилдан Фитрат турли маданий-оқартув, маориф ва илмий-тадқиқот институтларида ишлайди. Ўзбекистонда биринчи ташкил бўлган Самарқанд Педакадемиясида, Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт институтида, кейинчалик Тошкент Давлат педагогика институтларида шарқ адабиёти ва тили, тарихидан юксак савияда дарс беради.

Профессор Фитрат ўша йиллардаёқ дунёга машҳур бўлган олимлар академик А.Самойлович, С.Малов, Е.Э.Бертельслар билан ҳамкорликда ўзбек, тожик ва бошқа миллат шарқшунос, адабиётшунос, турколог олим, муаллимлар тайёрлаш ишига ҳам яқиндан ёрдам беради. Бу соҳада Фитрат то 1937 йил қатағонга учрагунга қадар Яҳё ғуломов, Иброҳим Мўминов, Ойбек, Ходи Зарифов, Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Раҳим Ҳошим каби марказий Осийнинг бўлғуси таниқли олимларига бевосита ёки билвосита мураббийлик ҳам қилган эди,

1934 йил Ўзбекистон Фанлар комитети қошида тузилган мустақил илмий-тадқиқот институтларига айланган илмий муассасаларда ўша даврда таниқли олимлардан Отажон Ҳошим, ғози Юнусов ва бошқалар билан бирга ёш адабиётшунос ҳамда тилшунос олимларга ўзбек адабиёти тарихи ва форс тилидан дарс беради. Шарқ адабиёти, тили, тарихининг катта билимдони сифатида шуҳрат топади ва шогирдлари қалбида ўчмас из қолдиради.

Фитратнинг ижодий ва ижтимоий фаолиятини нисби равишда икки даврга ажратиш мумкин. Фаолиятининг биринчи даврини 1908—1918 йилларда ёзган «Раҳбари нажот», «Мунозара», «Сайёҳи ҳинди баёноти», «Оила» сингари асарлари ташкил этиб, булар ёш бухороликлар ҳаракатининг ғоявий дастури бўлиб хизмат қилган эди.

Бу даврда Фитратнинг «Сайҳа» шеърлар тўплами, «Бегижон», «Мавлуду шариф», «Абомуслим», «Темур сағанаси», «Чин севиш» каби драматик асарлари ҳамда «Сиёсий ҳоллар», «Туркистон мухторияти» каби публицистик мақолалари ҳам яратилади.

Фитрат ана шу дастлабки асарлари билан ўзи яшаб турган жамиятнинг гоёвий асосларини ларзага келтиради.

Фитратнинг дастлабки асарларида ватанпарварлик мавзуси асосий ўринни эгаллайди. У ватани билан фахрланади, лекин ватанининг ҳоли хароблигидан азият чекади. Ватани учун нажот йўлини қидиради ва бу нажот йўлини маърифатда деб билади. Шунинг учун ўз халқига маданият ва маърифат бериш учун тинимсиз меҳнат қилади.

Фитрат ижодий ва ижтимоий фаолиятининг иккинчи даври 1918—1924 йилларни ўз ичига олади.

Бу даврда Фитратнинг «Учқун» шеърлар тўплами (1912 й.), «Қиёмат» хикояси, «Ўғузхон», «Қон», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари», «Абулфайзхон» драма ва асарлари ҳамда бир қанча публицистик мақолалари майдонга келади.

Йирик олим Фитратнинг ўзбек ва шарқ адабиёти тарихи хусусида ёзган асарлари 20—30 йиллардаги Шарқ адабиётининг билимдонлари Е.Бертельс, И.Крачковский, Л.Климовичларнинг асарлари билан ёнма-ён туради. Фитрат хатто уларга кўрсатмалар берган. Фитрат уларга айрим кўлёмаларнинг матнларини етказиб берган, ўша асарларнинг ўрганилиш даражасини кўрсатиб, тушунтирган. Мана шуларнинг ҳаммаси унинг хассос шоир, истеъдодли адиб, драматург, публицист, чуқур илмий-тарихий тадқиқотлар ёзган адабиётшунос олим, бир неча дарсликлар муаллифи, улкан тарихчи эканлигини кўрсатиб турибди. Лекин 1937 йилга келиб Фитрат Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Элбек кабилар билан бирга қатағон қурбони бўлди. Улар «халқ душмани» деб қораланиб, уларга «пантуркизм» тамғаси босилди.

Суд Фитратни 1938 йил 5 октябрда отишга ҳукм қилади. Бу ҳукм бир кун олдин ижро этилади.

Абдурауф Фитрат йирик давлат арбоби, таниқли тилшунос ва адабиётшунос олим, файласуф, шоир, драматург, публицист, географ, математик, табобат ва диний илмлар билимдони бўлиши билан бирга Ўзбекистонда мактаб ва таълим-тарбия ривожига катта ҳисса қўшган етук маърифатпарвар ва моҳир ислохотчи педагог сифатида халқ хотирасида қолди.

Абдурауф Фитратнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари

Абдурауф Фитрат зуллисонайн ёзувчи сифатида Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий анъаналарини давом эттириб, ўзбек ва тожик тилларида бирдай мукамал асарлари ярата олди.

Фитратнинг «Раҳбари нажот» асари тўла равишда таълим-тарбия масалаларига бағишланади. Айниқса, асарнинг учинчи боби оила, бола тарбияси, ахлоқ-одоб мавзуларига бағишланган бўлиб, бу масалалар ҳозирги даврда ҳам катта маърифий аҳамиятга эгадир.

Фитрат ота-онанинг вазифаси ўз болаларини етук кишилар қилиб тарбиялашлари зарурлиги, бунда айниқса, уч тарбияга: 1. Жисмоний тарбия

— саломатлик, 2. Ақлий тарбия — соғлом фикрлилик, 3. Ахлоқий тарбия — ахлоқий сано, яъни ахлоқий покликка эътибор бериш кераклиги таъкидланади.

Асарнинг «Бола тарбияси» масалалари бобида қуйидагилар кўрсатиб ўтилади.

Тарбияи авлод

«Оила вазифаларидан бири авлодни тарбиялашдан иборатдир. Ёш авлодни тарбиялаш ҳаётий вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Маълумки, дунё курашнинг умумий майдонига ўхшайди ва бу майдоннинг паҳлавонлари инсонлардир. Ҳар бир киши баркамоллик ёшига етгач, у ўз саодати таъмини учун шу майдонга кирмасдан иложи йўқдир. Бу курашда ғолиб чиқиш учун уч хил ўлчов қуроли (салоҳи массеҳ)га эга бўлиш керак. 1. Саломатлик; 2. Соғлом фикр (нуксонсиз фикр, яъни юқори истеъдод); 3. Ахлоқи сано (олий даражали ахлоқ, яъни ахлоқи поклик).

Фитрат «Ҳар бир киши шу уч қуролдан бирисисиз майдонга кирса, албатта мағлуб бўлиши табиийдир, деб айтиб, бу билан уч тарбияни доимо кўшиб олиб бориш кераклигини, агар бу тарбияларнинг биронтаси кам бўлса, етук киши тарбиялаб бўлмаслигини кўрсатмоқчи бўлади. Яна айтадики: «Агар ҳар бир ота ўз фарзандининг бадбахт бўлишини хоҳламаса, уни бу майдоннинг ғолиби қилиб тайёрлаши керак. Фарзандингизни жисмоний, ақлий, руҳий томондан баркамолликка етказинг ва жамиятнинг қобил аъзосига айланиши учун ғамхўрлик қилинг».

У бола тарбияси фақат оиладагина олиб борилмасдан, бу иш билан кенг жамоатчилик, давлат ҳам шуғулланиши кераклигини, чунки давлатнинг келажаги мана шу ёшлар кўлида бўлишини таъкидлаб ўтади. «Болаларни баркамол қилиб етказиш учун унинг тарбиясига фақат оилагина жавобгар бўлмасдан, бутун қавм аъзолари жавобгардирлар, чунки ёшлар ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбияланса, қавмнинг келгуси тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлади».

Тарбияи бадания

Фитрат жисмоний тарбияга, кишининг саломат ва бақувват бўлиб тарбияланишига алоҳида эътибор беради: «Бадан тарбиясига қадим замонлардан бошлаб катта аҳамият берилган. Инсоннинг бутун аъзоси саломат ва қувватга эга бўлмаса, унда инсон узоқ яшамайди. Агар инсоннинг танасидаги аъзоларидан бирига ҳалал тегса, у киши ишдан қўлини тортиб, бошқаларнинг муҳтожига айланади. Бизнинг фарзандларимиз илм олиш билан бирга, уларнинг бадан тарбиясига аҳамият беришимиз лозимдир».

Фитрат болаларнинг тоза ҳавода бўлишлари, атроф, табиат гўзалликларидан эстетик завқ ола билишларига аҳамият беради ва дейди: «Ҳаво инсон учун овқатдан ҳам муҳимдир. Беш-олти соат овқатсиз туриш мумкин, бир дақиқа ҳавосиз туриш мумкин эмас. Шунинг учун гўдакларни

хамма вақт соф ҳавога, боғ-чорболарга олиб чиқиш лозимдир. Фарангдаги шаҳарларнинг ҳар тарафларида болалар учун чорбоғлар, ҳаво майдончалар яратилган. Булардан ташқари, уларнинг мактабларида болалар танаффус вақтларида махсус майдончаларда турли ўйинлар ўйнайдилар.

Фитрат болаларнинг жисмоний тарбиясида турли ҳаракатли ўйинлар катта ўрин тутишини ҳам айтиб ўтади. Ота-оналарига ўз болаларининг шундай ўйинлар билан машғул бўлишларини таъмин этишларини маслаҳат беради: Ҳаракат ҳар бир киши учун, айниқса болалар учун ҳам зарурдир. Шунинг учун болаларни жисмоний чиниқтиришда уларни айрим ўйинлар билан машғул қилиш фойдалидир. Болаларни ўйиндан ман этишнинг фойдаси йўқдир. Уларнинг доимо бир жойда ўтиришлари, ҳаракат қилмасликлари уларни баданларини заиф бўлишларига олиб келади. Ота-оналар доим ўз болаларини ўйинга ташвиқ ва тарғиб қилишлари лозимдир. Аммо болаларнинг ўйинлари одоб ва ахлоқ доирасидан ташқари чиқмаслиги керак. Фитрат бу ҳаракатли ўйинлар боланинг ақли, фаросати, илмини ривожланишига ва тўғри ахлоқий тарбия топишига ёрдам бериши керак, деб ҳисоблайди. У бу ўйинлар орқали болага ҳаётни ўргатиш, ақлий ва ахлоқий тарбия ҳам бериш мумкин, асосийси болани жисмонан чиниқтиради, деб билади».

Фитрат яна болаларнинг соғлом, жисмонан етук бўлишлари учун тозаликнинг аҳамияти жуда катталигини тушунтириб ўтади: «Назофат (тозалик) ва покизалик катталар учун қанчалик лозим бўлса, кичик болаларга улардан кўра ўн баравар зарурдир. Унинг зарурлигининг икки жиҳати бор. Аввал болалар катталарга нисбатан олдинроқ хасталик қобилятига эга. Шунинг учун ифлослик ҳар қандай беморликни келтириб чиқарадиган манба бўлиб, ифлослик катталарга нисбатан болаларга ўн баробар зиён етказилади.

Иккинчидан, улар ёшлиқдан бошлаб покизаликка ўргатилса, покизалик бора-бора уларнинг одатига айланади. Аксинча, ёшлиқдан ифлосликка ўргатилса, катта бўлганда ҳам шундай одатга ўрганадиларки, бу кишиларнинг нафратига сазовор бўлади».

Муаллиф болаларга шахсий гигиена қоидаларига амал қилишни ўргатишни алоҳида таъкидлаб ўтади: «Ота-оналар ва муаллимлар болаларни ҳар куни юзларини совунлаб ювдирсинлар, оғиз ва тишларини тозалаб ювсинлар, доимо либосларини назорат қилсинлар, мумкин қадар болаларни чивин ва пашшалар бўлмаган жойларга ўтказсинлар, чунки бу ҳашаротлар турли касалликларни тарқатувчидирлар».

Кейинроқ Фитрат фикр — ақл тарбияси тўғрисида, яъни ақл ривожланишида муҳокаманинг роли ҳақида гапириб беради.

Тарбияи фикрия

Фикр ва ақл инсонни камолотга етказилади ва ўқиш, ўрганиш қобиляти уни саодатманд қилади. Инсоннинг комил ақли яхшилик муҳокамасидир. Муҳокама нима? Муҳокама икки қисмга бўлинади: биринчиси Казийятҳои

маълум (маълум бўлган ҳукм, воқеа ва ҳодисалар), иккинчиси Казиятҳои мажхул (номаълум воқеа ва ҳодисалар)дан хулоса чиқарилишидир.

Масалан, «Ватан хизмати вожибдир»(шартдир). Бу ҳукм номаълум (мажхул)дир. Бу ҳукмга яна бошқа икки маълум ҳукм лозимдир, яъни «Ватан бизнинг валинеъматимиздир» (саҳоватмандимиз, неъматлар билан таъминловчимиздир). «Ҳар бир валинеъмат (олий ҳиммат инсон)нинг Ватан учун хизмати вожибдир», бас «Ватан хизмати вожибдир» деган ҳукм юқоридаги икки маълум кази(й)ятлар билан очилади.

Демак, муҳокама уч қисмдан ташкил топиб, аввалги ҳукм номаълум бўлиб, қолган икки қисми аввалгисини тўлдиради ва кази(й)яти маълум деб, аталади. Демак, инсон муҳокама орқали камолотга етади. Муҳокамани аниқ ва равшан бўлиши учун уч нарсаси зарур бўлиб ҳисобланади.

1. Исобот. 2. Истиқомат. 3. Суръат.

Исобот маълум казийяти ҳукмнинг тўғрилигига, беҳатолигига айтилади. Истиқомат маълум воқеа-ҳодисаларнинг ҳукмнинг барқарорлиги, суръат эса тўхтовсиз, тезлик билан тартиб берилиши демакдир.

Аввало, болаларни Исобот соҳиби бўлишларида, бир воқеа ва ҳодиса устидан фикр юритганларида уларга тўғри, беҳато маълумотлар берайлик, чунки хато фикрлар уларни хатоларга, хатарли йўлларга олиб бориши табиийдир. Асосиз муҳокама болалар тарбиясига катта зиён етказади. Кейин болаларни истиқомат соҳиби қилиб фикр юритишларига аҳамият беришимиз керак, уларни маълум казийятларни номаълум казийятлардан тўғри, аниқ ажрата оладиган ҳолатда тарбиялаш лозим, яъни ҳар бир масала соҳасидаги маълумотларни ғалати тушунмасликлари учун болаларни муҳокама қилишга одатлантириш керак. Ёмоннинг ёмонлигини, яхшининг яхшилигини муҳокама орқали тушунтириш, доимо шунга диққат қилинган, болалар ҳеч нарсани кўр-кўрона тақлид сифатида қабул қилмасинлар. Маданиятли актомлар (қавмлар, халқлар) ўз мактабларида ҳисоб, тарих, маданият, физика, жўғрофия, ашъвий дарси ва бошқа махсус фанларни юқоридаги икки мақсад — (Исобот ва Истиқомат мақсадлари)га жалб қилиш учун ўқитадилар.

Фитрат бу фикрлари билан болага тўлиқ ақлий таълим бериш учун мана шу юқоридаги ижтимоий, илмий, дунёвий фанларни мактаб дастурларига киритиш керак деган хулосага келади. Ва жаҳидлар билан очган янги усул мактабларида иложи борича шу фанларни ҳам болаларга ўргатадилар.

Фитрат мактабларда болаларга нисбатан қўлланиладиган тан жазоларини бутунлай қоралайди, унга қарши чиқади. Болани таёқ зарби билан яхши инсон қилиб тарбиялаб бўлмаслигини тушунтириб беради.

Фитрат ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш зарурлигини, унга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, қилган гуноҳларини ўзига тўғри, яхши сўз билан тушунтириш кераклигини, шунда у ҳам ўқитувчини ҳурмат қилишини уқтиради.

Фитрат яна болага бериладиган билим унинг ёши ва билиш даражасига мос бўлиши, болага қийинлик қилмаслигини, агар бериладиган билим болага

жуда осон ёжуда қийинлик қилса у билим олишдан безиб қолишини уқтиради.

Фитрат ўша вақтдаги Самарқанддаги ибтидоий мактаблар ишига яхши баҳо беради, айниқса Шакурий мактабига. «Самарқандликлар икки-уч ибтидоий мактабга эга, уларнинг энг яхшиси Шакурий мактаби. Гарчи бу мактаб унчалик тараққий этган бўлмаса-да, ҳар ҳолда мудир ва муаллимларнинг олижаноб ҳимматлари соясида қисқа вақт ичида ривож топиб, камолотга етишига умид боғласа бўлади».

Фитрат инсон камолотига эришиш учун доимо интилиши, ҳаракат қилиши лозимлиги, доимо олдига мақсадлар қўйиши ва унга етишиш учун курашиши кераклигини, ҳеч бир бахт ёки бойлик ҳам инсон интилмаса ўз-ўзидан келмаслигини уқтириб ўтади ва бу ўринда Қуръони Каримдан қўйидаги парчани келтиради: «Инсон ҳар нима топмасин, ўзининг интилишидан топади, интилмас экансиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз».

Фитрат билим ва иқтидор инсон учун энг зарур эканлигини, у мана шу билими ва ақли билан дунёдаги барча махлуқлардан ҳам устун туришини, шунинг учун инсон доимо билим олишга ва ўз билимини янада ошириб боришга интилиши керак.

Фитрат дейди: Парвардигоримиз инсонларга «Сизларни оламнинг энг олий махлуқи қилиб яратдим», — дер экан, шуни яхши билиш керакки, биз кўз ва қошларимиз эвазига эътиборли махлуққа айланганимизча йўқ, балки эътиборлигимиз ва устунлигимиз билимимиз ва иқтидоримиздан фойдаланмасак, наинки, эътиборли балки энг ёмон ва паст махлуқлардан ҳам пастроқ ва ёмонроқ бўлиб қолишимиз аниқдир.

Фитрат педагог олим сифатида мактаблар, олий ўқув юртлари учун бир қанча дарслик ва амалий ўқув қўлланмаларини ҳам ёзади. Булар 1917 йилги ибтидоий ўзбек мактабларининг сўнгги синфлари учун ёзилган «Ўқув» номли китоби, 1918 йили Ш.Раҳимий ва Рамазон билан ҳаммуаллифликда ёзган «Она тили» дарслиги, 1919 йилда ёзган «Имло масалалари», 1925 йилда ёзган «Ўзбек тилининг сарфи», «Тожиқ тилининг сарфи», 1927 йилда ёзган «Ўзбек тилининг наҳви», 1926 йилда ёзган «Адабиёт қоидалари», 1927 йилда ёзган «Эски турк адабиёти намуналари» ва бошқа кўплаб қўлланмалар шулар жумласидандир.

Фитрат йирик олим сифатида адабиёт назариясига, ўзбек адабиёти ва санъат тарихига жуда катта ҳисса қўшди. У яратган илмий ишлар: «Кутадғу билиг», «Адабиёт қоидалари», «Аҳмад Яссавий ҳикматлари», «Аҳмад Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар», «XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Муҳаммад Солиҳ», «Аруз ҳақида», «Абулқосим Фирдавсий», «Эртақлар ва ҳақиқатлар», «Ўзбек шоири Турди», «Тилимиз», «Ўзбек тили сабоқлари», «Ўзбек мусиқаси тўғрисида», «Ўзбек мумтоз мусиқаси ва унинг тарихи», «Шарқда шахмат» ва бошқалар. Алишер навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Муҳаммад Солиҳ, Турди, Машраб каби ижодкорларнинг бадиий меросларига оид илмий ишлари. Бу ишларнинг номиданок кўриниб турибдики, адабиётимиз, санъатимизнинг бугунги кунда биз тадқиқ этишга киришмоқчи бўлиб юрган муаммоларини

Фитрат бундан 60—70 йил илгари ҳал қилиб берган. У яна форс-тожик шоирлари Фирдавсий, Умар Ҳайём, Бедил ижоди ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб боради. Унинг бу илмий ишлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Абдурауф Фитрат ахлоқий қарашларининг ўзига хослиги

Абдурауф Фитрат кишининг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишида ахлоқий тарбиянинг ўрни жуда катта эканлигини ҳар бир асарида ва тадқиқот ишларида такрор-такрор уқтирди. Шунинг учун у ўзининг қарашларида фикрий ва жисмоний тарбиялар билан бирга ахлоқий тарбияга ҳам жуда катта эътибор билан қаради. У ўзининг «Раҳбари нажот» асарида ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаси, уни амалга ошириш йўллари ҳақида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича ахлоқий тарбиянинг вазифаси «инсонни ахлоқий баркамолликка етказиш ва уни жамиятга фойдали инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун аввало болаларни жисмоний ва фикрий тарбияга даъват қилинг, кейин ахлоқий қувватларни муҳокама орқали тушунтиринг, уларни яхши ишларга одат қилдириг, ёмон ишлардан нафратлантиринг».

Фитрат ахлоқий тарбияни болалар энг аввало ўзи яшаётган атроф-муҳит ва кўчадаги болалардан олишларини таъкидлаб ўтади. Фитрат ижтимоий муҳитнинг бола тарбиясидаги аҳамияти жуда катта эканлигини кўрсатиб беради.

У болаларни сувга ўхшатиб: «Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шарт шундан иборатки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон аҳволни ўз уйларида, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги ўқувчилардан қабул қиладилар». Бу фикрлар билан Фитрат яна бола тарбияси билан фақат мактаб эмас, балки аввало оила ва жамоатчилик ҳам шуғулланиши кераклиги кўрсатади. Айниқса ахлоқ тарбиясида оиланинг, ота-онанинг роли жуда катта эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Фитрат боланинг ахлоқий тарбиясида мактабдаги бошқа болаларнинг жуда катта таъсири борлигини кўрсатиб, мактабдаги ахлоқи ёмон болаларни тезда тузатиш чораларини кўриш лозимлигини «мактаблардаги бадахлоқликда машҳур бўлган болаларни, агар уларни тузатиш иложи бўлмаса, мактабдан четлаштириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтади. Чунки, у бола ўзининг ёмон ахлоқий сифатларини бошқа болаларга ҳам ўтказмаслиги учун шундай чорани кўриш лозим», деб ҳисоблайди Фитрат.

У ахлоқи бузуқ кишиларни мактабда муаллимлик вазифасигагина эмас, балки мактаб қоровуллигига ҳам яқинлаштирмасликларини жуда тўғри ҳаракат, деб билади. Яна у болалар ахлоқига зарарли бўлган, ёшига мос келмайдиган китобларни ҳам болаларни ўқишларига руҳсат бермасликни маслаҳат беради.

Фитрат «Раҳбари нажот» асарида мактабларда бериладиган ахлоқий тарбия даражаси қандайлигини ўз ҳаётидаги воқеа мисолида кўрсатиб беради:

«Мен мактабда ўқиб юрган вақтларимда, кунлардан бир куни мактаб таътилидан сўнг уйга келаётган эдим, бир эркак кишини кўрдим, у телбаларча сўкиниб, каловланиб зўрға юрар, ҳамма жойи лойга беланган. Раис мулозимларидан икки киши келиб олиб кетдилар. Мен бу ким деб сўрасам, ичиб маст бўлибди, дедилар. Мен бу воқеани дадамга айтсам: «Сен нега мастнинг орқасидан бординг»—деб дашном бердилар...»

Фитрат ўз асарларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, озодлик, мақсад сари интилиш, инсонларга меҳр-шафқатли бўлиш, ўз манфаатидан халқ манфаатини юқори қўйиш ғояларини улуғлайди. Виждонсизлик, порахўрлик, иккиюзламачилик, бошқаларни эзиш эвазига бойлик тўплаш, халққа зулм ўтказиш каби сифатлар эса қораланади.

Абдурауф Фитрат ўзининг бутун ҳаёти давомида миллий мустақилликка эришиш ва мустамлакачиликка қарши кураш, Оврупа илми, техникаси, маданиятидан ўрганиш муаммоларини тинимсиз тарғиб қилган сиймолардан бири сифатида барча кишиларга, энг аввало ёшларимизга ибратдир.

У 1905—1906 йилларда жадидчилик оқимининг кўзга кўринган тарафдори сифатида, сўнгра ўзининг «Ҳинд сайёҳи», «Раҳбари нажот» сингари асарлари орқали маърифатпарвар ва ёзувчи сифатида мусулмонларни, энг аввал ёшларни ғафлат уйқусидан уйғотишга, энг муҳими ўзлигини танишга, фан-техникани ривожлантириш учун ғайрат билан ўқиш-ўрганишга ундайди.

Кўриниб турибдики, Фитрат ёшларни янги жамият куришга даъват этади. Эл-юртнинг бахти, саодати, истиқлоли учун курашишга даъват этади. У «Халқ бахти учун курашмаган ёшларни бўшанг, жасоратсиз», деб тушунади.

Мустақиллик, демократия, озодлик ғоялари Фитратнинг бутун фаолияти ва барча асарлари ва мақолаларида бош мақсад бўлиб қолганлиги билан ҳозирги ёшларимизга, уларнинг мустақил Ўзбекистоннинг ривожлантиришларида ибрат-намунадир.

Абдурауф Фитрат маориф соҳасида ишлаган кишиларнинг бошини силаган, маорифни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ҳаммага бирдек озодлик йўлини кўрсатган. Озодликни тезликда рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган атоқли маърифатпарвар ўқитувчи бўлиши билан бирга уларнинг устози ҳамдир.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиш омиллари нималардан иборат?
2. Жадидчилик қандай ғояларни илгари сурган?

3. Туркистоннинг ривожланишида жадиличлик ҳаракати қандай аҳамият касб этади?
4. Маҳмудхўжа Бехбудий таълим тизимини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшди?
5. Мунаввар қори қандай ғоялар билан майдонга чиқди?
6. Абдулла Авлоний ва Абдурауф Фитрат Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ривожланишига қандай ҳисса қўшдилар?

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929)

Ўзбек халқининг тўнғич педагоги, шоир, адиб, драматург, композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йил 16 июлда Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди. Ҳамза ўзининг ўқишга бўлган зўр иштиёқи туфайли 12 ёшидаёқ тўла хат-саводли бўлиб етишади. 1906 йилда мадрасага кириб ўқий бошлайди, Бироқ, мадраса таълими Ҳамзани қаноатлантирмайди. Шунга кўра у мустақил суратда Лутфий, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат асарларини ўқиб ўрганади.

Ҳамза турмушда кўп қийинчиликларга дуч келади, илм-фанга ҳаваси зўр бўлса-да, кўнгилдагидек ўқий олмайди. Бу аҳволни кейинчалик эслаб, унга сабаб «Ота-она таассуби ва ҳукумат истибдоди, фақирлик» эканини кўрсатиб ўтади.

1909—1910 йилларда Наманган, Тошкент шаҳарларида ёлғиз, оғир аҳволда яшади. Шунга қарамай «Кўкалдош» мадрасасида ўқиди. Бироқ бу мадрасадаги таълим уни қаноатлантирмаганлиги, иқтисодий қийинчиликлар сабабли Ҳамза ўқишдан кетишга мажбур бўлди. У ўша оғир аҳволни тасвирлаб ёзган хотира хатида шундай дейди:

Ҳамиша яхши юрдим, бовужуд отим ёмон бўлди,
Шакардек сўзларим ота-онамга бир тикон бўлди,
Кечиб фарзандидан, душманларга меҳрибон бўлди,
Бошимда ота-онам, мен юрарман дарбадарликда,
Юрай бир йўла энди ким қатор бепадарликда.

Ҳамза ёзувчилик ишига 1905 йилдан, 16 ёшидан бошлаб киришган. Унинг шахсий архивида сақланган материаллар орасида 1905—1914 йиллар мобайнида ёзилган 214 шеърининг рўйхати бор. Ҳамзанинг «Девон»ига 214 шеърдан 197 таси киритилган.

Ҳамза 1911 йили Қўқоннинг Ҳожибек гузарида мактаб очиб, етим ва камбағал болаларни ўқитади, ўқувчилар учун «Енги адабиёт», «Ўқиш китоби» ўқув қўлланмаларини яратади. Мактабда ўқиш-ўқитиш ишларига баъзи бир ўзгаришлар киритиб, куруқ ёд олиш услубини йўқотишга ҳаракат қилди. Ўқувчиларни уриш ва сўқишни тақиқлади, синфдан ташқари тарбиявий машғулотларга кўп эътибор берди, она тили дарсига алоҳида аҳамият билан қараб, машғулотларга кўпроқ вақт ажратди.

ижодидаги муваффақиятларини ва жамоат ишидаги фаолиятини тақдирлаб, «Халқ шоири» деган фахрий унвони берилади ва умрбод шахсий нафақа тайинланди.

Ҳамза бир қатор асарларида халқ маорифини демократик асосда қайта қуриш, халқ маорифи тизимини яратиш ғояларини олға суради. Унинг фикрича, «Инсонни инсон қаторига қўшиш», инсонни камолатга етказиш, инсонни олижаноб фазилатларга эга қилиб етиштириш тарбияга боғлиқдир. Юксак кучга эга бўлган тарбия, илм, одоб, ҳунар тарбиясини ўз ичига олган бир бутун жараён бўлиши керак.

Демак, мактаб ёшларни илмли, одобли қилиб тарбиялаши ва ҳунарга ўргатиши керак, Ҳамза Ҳакимзода ҳунар ўргатишни кенг маънода тушунади.

Ҳамза Ҳакимзода ўз педагогик қарашларида ҳар бир инсон жамият, табиат ва ҳайвонот дунёсидан хабардор бўлиши кераклиги ҳақида сўзлар экан. Бунинг учун илм-фанларни эгаллаш зарурлигини таъкидлайди.

Ҳамза Ҳакимзода ақлий тарбия ҳақида сўз юритар экан, ақлий тарбия орқали табиат ва жамият қонунларини, табиат ҳодисаларини, улар ўртасидаги боғлиқликни билиш кераклигини айтади. Шоир ана шундай маълумотга эга бўлган ва жамият, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган ёшларни етиштиришга даъват этади.

Ҳамзанинг фикрича, болаларни шундай баркамол киши қилиб етиштириш учун ўқитувчининг ўзи чуқур билимга эга бўлган, қобилиятли ва юксак ахлоқий фазилатли бўлиши керак.

Ҳамза Ҳакимзода таълим-тарбия ҳақида билдирган фикрларида болаларнинг соғлом бўлишига ҳам эътибор беради. У айниқса, таълим-тарбияда ота-оналарнинг муҳим ўрин тутишини таъкидлайди, боланинг гўзал ахлоқли бўлиб камол топиши учун оила муҳитида тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши зарурлигини айтади. Шоирнинг фикрича бола — одобнинг бошини ота-онадан олади, ўрганади, бунга жиддий эътибор берилмаса тарбия жуда қийин кечади ва ёмон оқибатларга олиб бориши аниқ эканлигини аниқ-равшан баён этади.

Ҳамза Ҳакимзоданинг ахлоқий тарбия хусусидаги қарашларида ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, ёшлардаги инсонпарварлик кишиларнинг кадр-қимматини англаш, уни ҳурмат қилиш, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя этиш, уларга ҳурмат билан муомала қилишдан иборат бўлиши керак.

Ёшларни инсонпарвалик руҳида тарбиялаш уларда ўзига яқин бўлган кишиларга, аввал ота-онасига самимий муҳаббат туйғусини ривожлантиришдан бошланиши керак. Шу туфайли ҳам, шоир ўз дарсликларига киритган бир қатор шеър ва ҳикояларида болаларни ўз ота-оналарига меҳрибон бўлишга, уларни қадрлашга ва ҳурмат қилишга чақиради.

Ҳамза Ҳакимзода ўзининг «Бахил», «Саҳий», «Золим», «Раҳм», «Хиёнат», «Ҳоин», ва «Садоқат» ҳикояларида ёшларни садоқатли, кишиларга меҳрибон ва ғамхўр қилиб тарбиялаш, уларда бахиллик, золимлик,

зўравонлик, хиёнат ва хоинликка нафрат туйғуларини тарбиялаш ғоясини илгари суради.

«Эй болалар, — деб ёзади «Қироат китоби»да Ҳамза, — бахил деб ўзидаги бор нарсаларни мухтожлардан аяган кишиларга айтилади. Бахил уч қисмдадир: буларнинг биринчиси бахил, иккинчиси хасис, учинчисига ... дейилур, улар ўзлари ҳам егани кўзлари қиймай, бировга ҳам бермай... 40—50 йил нарса қилиб, бир кунда қанча жойга кўчириб, ўлар вақтида 10—15 кун илгари тилсиз, оёқсиз қолиб, нафаслари ичида ўлиб кетурлар. Айримлар борки, камол рашкликдан жонларидан кечиб, ўзларини ўлдирурлар».

Ҳамза саҳийларни таърифлаб: «Саҳийлар, ўзлари ҳалол қилиб топади. Ўзлари ҳам ейди, бошқаларга ҳам беради. Биров илтимосини қайтармайди... кўприкларни тузатади, бева-бечораларга ош-нон, кийим-бош қилиб беради. Етим болаларни мактабларга бериб ўқитади, улар доим умум фойдаси тегадиган ишларни қилади. Умум фойдаси учун жонидан ҳам кечурлар», дейди.

Ҳамза Ҳакимзода фикрича, болаларни, сабр-тоқатли, сабот ва матонатли қилиб тарбиялаш керак. Унинг фикрича: "Шитобнинг зидди—душмани — сабрдир. Сабр — чидамли, яъни ҳар ишда ... ошиқмаслик ... сабрли кишиларда пушаймон ва армон бўлмас ... сабр кишиларнинг юраги бўлиб, дунёдан бало келса-да, кўкрагига етмай йўқ бўлиб кетар. Сабрли кишилар ҳар ерда иззатлик, ҳар ким қаршисида ҳурмат ва обрўли бўлур. Сабрли кишиларни ҳар ким севар ва чин кўнгилдан дўст тутар ... агар сабрга ўзини билиб ўргатиб олган киши сўнгра ... оғирлик писандига ҳам келмай колур".

Ҳамза сабрга берган таърифини шундай хулосалайди:

«Сабрдин топгай улуғ мансаб киши,
Бесабрдин бўлмагай ўнг ҳеч иши».

Ҳамза Ҳакимзода ўз педагогик фаолиятида ва адабий ижодида хотин-қизларнинг илм олишига, жамият ишларида фаол иштирок этишларига жиддий эътибор берди.

Ҳамза ўзининг характер хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турадиган шахс эди. У ғайратли, жасоратли, тиниб-тинчимайдиган ижодкор сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Доимо нималарнидир яратиш ва ташкил қилиш, нималаргадир бош кўшиб, фаоллик кўрсатиш билан банд эди. У бир қарасангиз, мактаб очиб мазлум болаларни ўқитар, бир қарасангиз, труппалар тузиб, элга концерт ва спектакллар кўрсатар, яна бир қарасангиз, Туркистон fronti бўйлаб юриб, жангчилар хизматида бўлар, гўё, ҳаёт уни зарур нуқталарга чорлар, шоир эса «Лаббай», дея ўзининг санъаткорлик, бинобарин фуқаролик бурчини иккиланмасдан адо этарди.

Ҳамза Ҳакимзода Шохимардонда бўлган вақтида ҳам ўз илғор фикрларини тарғиб қилади. Аммо у бу ерда жойлашган душманлар томонидан 1929 йил 18 мартда фожиали ҳалок қилинади.

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Ҳамза Ҳакимзода ажойиб педагог, ёзувчи ва композитор сифатида ўз халқига сидқидил билан хизмат этди. У меҳнаткаш халқни маърифатли қилиш, ёш авлодларни ҳар томонлама билимли қилиб етказиш йўлига ҳаётини бағишлади.

Умуман, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий республикамизда педагогик фикрнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган мохир педагог шоирдир.

VIII БОБ. 1917-1990 ЙИЛЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, МАОРИФ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

1. Ўзбекистонда 1917-1924 йилларда мактаб ва маорифат.

1917 йил тўнтаришидан кейин Марказий Осиё халқларининг ҳаётида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ва халқ маорифи соҳаларида кескин ўзгариш юз берди.

Туркистон ўлкасида миллий демократия вакиллари, машҳур маърифатпарвар зиёлилар томонидан янги усулдаги мактабларнинг кенг тармоғини яратиш, мактаб-маориф борасида зудлик билан ислохотларни амалга ошириш юзасидан бир қатор таклифлар илгари сурилди.

Бу даврда миллий зиёлилар фаолияти кенг тус олди, жумладан: жадижди зиёлилар Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Садриддин Айний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, ғози Юнус, Хуршид ва бошқа зиёлилар маданият, маориф соҳаларида жонбозлик қилдилар ва янги усулдаги мактабларнинг кенг тармоқларини яратиш соҳасида фаолият кўрсатдилар.

1917 йил февралдан октябрь орасида Туркистоннинг йирик шаҳарларида турли тилларда дарс бериладиган хусусий мактаблар очилди.

Туркистон ўлкасининг маркази — Тошкентда 1917 йил 9—14 май кунлари ўқитувчиларнинг 1-ўлка курултойи бўлиб, бунда «Туркистон ўқитувчилар иттифоқи» ташкил этилди.

1918 ёёёёёёёё 23 ăăăăăăăă ĐŃŃŃŃŃŃ İâîðeó Őăëķ Êîîëññăðëëëăë Òóðëëñòíí ýëëâñë Őăëķ Êîîëññăðëëëăë Êâîââăøë ýëëâ ðăëķ ðâúëëëë êâîââăøëëë ðàøëëë ýòèø хăкëăă áóéðóķ ÷ëķăðăë. İàçéóð Êâîââăø Őóðëëñòíí хóăóăëăă ðăëķ ðâúëëëë ðèçëëëăă ðàхăăðëëë кëëëøë êîçëì ýăë. Æîëëăðăă óëăðîéîă âëëîýò, øàхăð, óăçă êâîââăøëăðë хóçóðëăă ðăëķ ðâúëëëë êâîââăøëăðë ðàøëëë ýòèëëë.

1918 ёёёёёёёё ёçëăă Ñàîăðķàîâăăă “íóñóëîíí ўқитувчилари учун педагогик курслар” очилди. Ўша йилнинг кузида Тошкентда — Тошкент уездининг туб ерли аҳолиси учун мактаб ўқитувчилари курслари очилди.

1918 йил 9 апрелда Мунаввар Қори уйида тўпланган жадиждлар Туркистон Халқ дорилфунунининг мусулмон бўлимини ташкил этиш мақсадида 9 кишидан иборат ташкилот комиссиясини тузади. Улар 22 кун ичида мусулмон бўлими дастурларини тузадилар. Ўша йилнинг 3 майида дорилфунуннинг мусулмон бўлими раҳбариятига сайлов бўлиб, унда Мунаввар Қори раис (ректор), Исо Тўхтабоев биринчи муовин, Бурхон Ҳабиб иккинчи муовин, Абдусамад Қори Зиёбов хазинадор, Мухтор Бокир саркотиб бўлиб сайланди. 13 май (якшанба) куни Тошкентнинг эски шаҳар қисмида

Викула Морозовнинг собиқ дўкони биноси (ҳозирги ўзбек ёш томошабинлар театри)да мусулмон аҳоли учун “Халқ дорилфунуни” очилади. Бу бўлим тез орада ўзига хос йирик билим масканига айланади.

Университет таркибида ижтимоий-иқтисодий, табиий-математика, тарих-филология, қишлоқ хўжалиги ва техника факультети бор эди. 1919 йил февралдан университет қошида ишчи факультети ҳам фаолият кўрсата бошлади.

1918 йил ноябрда Тошкентда махсус шарқшунослик ихтисослигидаги олий таълимнинг тўнғичи — Туркистон шарқ институти ташкил қилинди. Институт ҳақидаги Низомда унинг асосий вазифалари қилиб Туркистон маҳаллий аҳолиси ва кўшни мамлакатлар аҳолиси тилини яхши биладиган шарқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар тайёрлашдир, деб белгилаб қўйилган эди.

1920 йилда Туркистон халқ университетига муқобил Туркистон давлат университети (кейин Ўрта Осиё, ҳозирги М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети) ташкил қилинди¹.

Университет фаолиятининг биринчи йили охирига келиб унда 6 та факультет: ижтимоий-иқтисодий, тарих-филология, физика-математика, техника, тиббиёт, қишлоқ хўжалик факультетлари иш олиб борди.

Вақт ўтиши билан университет фақат энг йирик ўқув юртигина эмас, балки илмий-назарий ва амалий тафаккурнинг, табиий ва амалий фанларнинг жуда хилма-хил соҳалари бўйича олиб бориладиган тадқиқотларнинг энг муҳим маркази ҳам бўлиб қолди.

Большевикларнинг аксил миллий, умуминсоний илғор маърифатчиликка душманлик қилишларига қарамасдан 1917—1924 йилларда Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида маданий-маърифий турмуш вужудга келди, халқ маънавиятида ўз аксини топди.

Халқ таълимининг истеъдодли ташкилотчилари Абдулқодир Шакурӣ, Исматулла Раҳматуллаев, Исҳоқхон Ибрат, Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний ва бошқалар катта педагогик иш олиб бордилар.

Узоқ тарихга эга бўлган ўзбек халқи, ижтимоий-сиёсий, диний тўсиқларга қарамай, Марказий Осиёдаги бошқа халқлар каби илғор фикр эгаларини, буюк олимларни етказди, инсониятга илм-фан, маънавият соҳасида ўлмас дурдона асарлар, фикрлар қолдирди.

Бундай илғор фикрли мутафаккир олимларнинг асарлари Туркистон ўлкаси мактабларида то 1917 йил октябрь тўнтаришига қадар асосий манба сифатида фойдаланиб келинган. Жумладан, «Ҳафтияк» китоби бўлиб, унда Қуръон сураларидан етгитадан бири танлаб олинган. Тахминан, VIII асрларда ёзилган. X—XII асрларда форс-тожик тилида ислом дини рукнлари баён этилган “Чоркитоб”, XII асрлардан бошлаб эса Аҳмад Яссавийнинг хикматлари асосида билимлар берилган.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. (туз. Н.Жыраев ва бош.=). 2-китоб, Т., «Шар» 2000 йил 148-бет.

Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулкосим Маҳмуд бин Умар Замахшарий, Алишер Навоий асарларидан ҳам кенг фойдаланилган. Зеро, бундай нодир асарлар ва шарқ мутафаккирларининг олийжаноб ҳикматлари, ғоялари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида педагогик ва услубий фикрларнинг тараққий этишида муҳим роль ўйнади. Айниқса Туркистон халқларининг маърифатпарварлик педагогикаси тараққиётида асосий замин бўлди.

Марказий Осиё, жумладан Туркистон ўлкасида маҳаллий мактабларнинг хусусияти, таълим-тарбия ишларининг мазмуни, уни ташкил этиш усуллари ўша давр тарбияси мақсадига мос бўлган.

Умуман Марказий Осиёда Октябрь тўнтаришига қадар бир неча турдаги мактаблар мавжуд эди. Улар:

1. Мусулмон диний мактаблар:
 - а) мактаб (хона) — эски мактаб;
 - б) қорихона;
 - в) мадраса;
2. Рус мактаблари:
 - а) умумий маълумот мактаблари;
 - б) касб мактаблари;
 - в) рус-тузем мактаблари;
 - г) рус тилини ўргатиш мактаблари.
3. “Янги усул” мактаблари (усули жаид).

Бу давр ижтимоий-маданий ҳаётидаги кучлар ўртасида юз бераётган синфий курашнинг мураккаблиги мактаб-маориф масалаларида ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Демак, энди турли воситаларни ишга солиб янги мазмундаги маърифатни ташвиқ қилиш, тарбия усулларини замонавийлаштириш таълимда қулай усулларни топиш муаммолари турар эди. Бу борада Туркистон ўлкасидаги дастлабки мактабларда илғор-маърифатпарвар педагоглар — тошкентлик Саидрасул Саидазизов, Абдулла Авлоний, наманганлик Исҳоқжон Жунайдуллаев — Ибрат, самарқандлик Абдуқодир Шакурий, Саидахмад Сиддиқий, Исматулла Раҳматуллаев, кўқонлик Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар муҳим роль ўйнашди.

Улар XIX асрнинг II ярмида майдонга келган маърифатчилик ҳаракатининг меросхўрлари сифатида бутун ўлкада катта обрўга эга бўлиб, рус, озарбайжон, татар ва бошқа қардош халқ педагогларининг таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини ҳамда дарсликларини ўрганиб ўлка мактабларида кенг ёйишда жонбозлик кўрсатдилар. Туркистонда очилган рус ва татар муаллимлари бошчилик қилган ўзбек мактабларида қўлланган усуллардан фойдаланиб ўзлари ташкил қилган мактабларда узоқ вақт давом этган “ҳижо” усули ўрнига “усули савтия”да таълимни ташкил қилдилар ва дарсликлар яратдилар.

2. Туркистонда миллий давлат чегараланиши ўтказилганидан сўнг халқ таълими ва педагогик фикрлар (1924-1941)

1924 йилда амалга оширилган миллий давлат чегараланиши натижасида минтақа қартаси қайтадан тузилди.

Собиқ Совет ҳокимияти йилларида коммунистик партия раҳбарлигида республикада адолатсиз миллий сиёсат амалга оширилди.

Тўнтаришнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатда бир томонлама маданий инқилобнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият берилди, мактабларда ўқув-тарбия ишлари мазмуни тузумнинг мақсади асосида ўзгарди. Дин ва «Қуръони Карим»га эътибор умуман тақиқланди. Тарих дарсларида воқеалар бузиб талқин этилди. Адабиёт дарсларига эса кўпроқ рус ёзучиларининг асарлари билан таништиришга катта аҳамият берилди.

Шўролар тузуми даврида коммунистик фирқа қарорлари асосида педагогика фанини шакллантиришда рус педагоглари асарларидан унумли фойдаланиб асарлар ёзишга зўр берилди. Аксарият ҳолларда эса рус педагог олимлари ёзган дарсликлардан фойдаланилди. Натижада ўзбек педагогикаси марксча-ленинча назария доирасида шаклланган сохта фанга айланиб кетди. Бу даврда нафақат педагогика, балки бошқа фанларнинг ҳам ривожланиши суст кечди. Масалан, «Ўзбекистон тарихи» аслида «СССР тарихи» дарслигининг иловаси эди. «СССР тарихи» эса Россия тарихидан иборат бўлганлиги маълум. Худди шу каби ўзбек педагогикаси ҳам совет педагогикасининг таркибий қисмига айланди. Ўша даврларда ёзилган кўпгина педагогик асарлар бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотди. Чунки ўзбек педагогикаси ниҳоятда сиёсийлашган эди. Педагог олимлар тадқиқотларида Маркс, Энгельс, Ленин асарларидан кўчирмалар асосий ўринни ишғол қиларди.

Болалар ва ўсмирларга умумий таълим беришни тезлаштириш ҳамда катталар ўртасида саводсизликни тугатиш ҳаракати бошланди. 1930 йил 14 августда собиқ ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети томонидан қарор қабул қилинди. Бу қарор умумий бошланғич таълимни жорий этиш ва саводсизликни қисқартиришга ёрдам берди.

30-йилларнинг охирига келиб, умумий етти йиллик таълимни амалга оширишга киришилди.

Бироқ бу борада жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Жумладан, мактаб ёшидаги болаларнинг бир қисми ўқишга тортилмади. Маҳаллий миллат болалари орасида ўқишни ташлаб кетиш ортиб борди. Кўпгина мактабларда муаллимларнинг билим даражаси етарли бўлмаганлиги туфайли ўқиш савияси талабга жавоб бермас эди. Шунингдек, мактаблар сони муттасил ортиб бораётган бўлсада, уларнинг ўқув моддий базаси ночор аҳволда қолаётган эди.

Маълумки, большевиклар мафқураси негизида синфий кураш ғояси устиворлик қилди. Ўзгача фикрлашни «синфий душман» деб баҳоланди.

Таълим соҳасини «синфий душман»дан тозалаш мақсадида ҳатто махсус қарорлар ҳам қабул қилинди. Масалан, ВКП (б) МҚ Ўрта Осиё

бюроси 1933 йил 27 мартда ўқитувчи кадрлар сафини тозалаш ҳақида қарор қабул қилади ва унинг натижалари шу йилнинг 25 апрелида бўлиб ўтган Ўрта осие бўйича партиянинг маданий соҳага бағишланган кенгашида муҳокама қилинади. Бунда мавжуд 700 ўқитувчидан фақат 120 таси мактабларда ишлашга лойиқ деб топилди.

Бундай «тозалаш»дан мақсад савияси паст бўлсада меҳнаткаш табақаларидан чиққан кишиларни танлаб олиб, энг заковатли омилкор кишиларни сиқиб чиқариб, «шаклан миллий, мазмунан пролетар маданияти»ни вужудга келтиришдан иборат эди. «Тозалаш»да кишининг қобилияти, маданий савияси ва маълумот даражаси эмас, балки ижтимоий келиб чиқиши асосий мезон қилиб олинди.

Собиқ СССР МК ва ХККнинг 1929 йил 7 август қарорига асосан араб алифбеси ўрнига лотин алифбоси қабул қилинди. Араб ёзувининг лотинлаштирилиши динга қарши ташвиқотнинг бир шакли эди. Бу ислоҳотнинг оқибатида Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини ўзида мужассам қилган минглаб араб ёзувидаги қимматбаҳо манбалардан Ўзбекистон халқларини маҳрум қилдилар. Ўша даврнинг таниқли тилшунос олими ғози Олим Юнусов ва илғор педагоглар бу ислоҳотни маданий билимсизлик деб баҳоладилар.

1940 йилнинг май ойида Ўзбекистонда «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитидан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига кўчириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мазкур сиёсатлар туфайли ўзбек халқи ўз тарихи, миллий урф-одату анъана, умуминсоний қадриятларини билиш ва ўрганиш имкониятларидан маҳрум бўлди. Миллат тақдири, маориф равнақи учун жон фидо қилган, эркин, ҳур фикрли аллома маърифатпарварлар — Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Элбек, Отажон Ҳошимов, Шокир Сулаймон, Чўлпон, Абдулла Қодирий қатл этилди. Усмон Носир, Боту ва бошқалар Сибирга сургун қилинди.

Юқорида айтилган фикрлардан хулоса шуки, гўё тўнтариш Туркистон ўлкасида маърифатнинг, ижтимоий тузумнинг, ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада ривожланишида муҳим рол ўйнаган. Ўлкада жуда кўплаб зиёлилар етишиб чиқди, завод ва фабрикалар қурилди, лотинча саводсизликка барҳам берилди. Лекин кези келганда шу нарсани ҳам қайд этиш керакки, Октябрь тўнтариши ўлкада, юқорида таъкидланганидек, собиқ совет ишларини амалга оширишда катта аҳамият касб этиш билан бирга, ўзбек миллий қадриятларига путур етказишга, миллий халқни руслаштиришга ҳаракат қилингани, маънавиятимизнинг йўқолаётганлигига, тарихимизнинг топталишига уринишлар бўлганлигини ҳеч ким инкор этолмайди, албатта. Чунки ҳар қандай халқ ўз миллийлиги, қадриятлари ва маданияти билан буюқдир. Ўзбек халқининг ана шу буюқлиги руслар истилоси остида кўп йиллар давомида топталиб, оёқ ости қилинди. Эндиликда шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан йўқотаёзган барча миллий ва маънавий бойликларимиз, қадриятларимиз тикланмоқда.

Бу албатта, шу бугунги ўзбек мактабини, унинг таълим-тарбиясини шарқона услубда, жаҳон педагогикасининг илғор тамойиллари асосида қайта қуришимизда муҳим аҳамият касб этади.

3. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика

Тарихдан маълумки, собиқ Совет давлати, халқи ўз бошидан кечирган оғир даврлардан бири иккинчи жаҳон уруши йилларидир. Ўша даврда мамлакатимиз ёшларини, хусусан республикамиз ёшларини юқори ахлоқ руҳида, айниқса ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, онгли интизом, фидокорлик, бирдамлик руҳида тарбиялаш авж олиб кетди. Бу тарихий шароит тақозоси эди.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси ҳужум қилмаслик ҳақидаги битимни бузиб, уруш эълон қилмай туриб собиқ Совет Иттифоқида бостириб кирди.

Собиқ Совет Иттифоқи ҳамма халқларни Ватанни яқдиллик билан мудофаа қилиш учун отлантирди. Шарқда машъал — Ўзбекистон ҳам ҳимояга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Кишилар фабрика ва заводларда, шахта ва темир йўлларда, колхоз, совхоз ва МТС ларда — ҳамма жойда **“Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун”** деган шиор остида фидокорона ишладилар. Бутун куч, восита ва имкониятлар Ватан мудофаасига, душман устидан ғалаба қилишга сафарбар этилди. Мудофаа фонди тузиш, танклар, самолётлар ҳамда бошқа жанговар техникалар қуриш учун маблағ йиғишда умумхалқ ҳаракатининг авж олиши халқларнинг ватанпарварлигини яна бир бор исбот этди.

Мамлакатлар мудофаа фондига пул, қимматбаҳо нарсалар, давлат облигациялари, хуллас кимда нима бўлса, ҳаммасини топширдилар. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ биргина Тошкент шаҳрининг ўзида мудофаа фондига 5,5 миллион сўмдан ортиқ пул йиғилди. Ватан учун белгиланган шанбаликлар ватанпарвалик руҳи остида ўтди.

Душман вақтинчалик босиб олган ерлардаги анчагина заводлар, фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналари, турли муассасалар Ўзбекистонга кўчирилди. Ўзбекистон уларни жой, ишчи кучи билан таъминлади. Бунинг устига фронтдаги армияни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш асосан ўзбек халқи зиммасига тушди. Ишчи кучи етишмаганидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териш олиш анча орқага чўзилиб кетмоқда эди. Собиқ СССР Олий Совет Президиумининг 1942 йил 13 февралда чиқарган “Уруш йилларида меҳнатга қобилиятли бўлган барча кишиларни ишлаб чиқариш соҳасига ва қурилишга жалб қилиш тўғрисида”ги фармони мамлакат ичкарисидаги ишларни бирмунча изга солди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида мактабларнинг ўқув дастурлари шароитга мослаштирилди.

Собиқ СССР Халқ Комиссарлари Совети 1943 йил июль ойида бир қатор йирик шаҳарларда ўғил болалар билан қиз болаларни алоҳида

ўқитишни жорий этди. Масалан: Ўзбекистонда алоҳида ўқитиш 1943 йил сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида амалга оширилди. 1 декабрдан бошлаб яна 4 та йирик шаҳарларда — Бухоро, Урганч, Фарғона ва Марғилонда амалга оширилди.

Уруш йилларида ҳарбий-физкультура дарслари соати кўпайди. ҳарбий ўқиш 1-синфдан бошлаб ўтила бошланди, ҳарбий таълим фақат ўғил болаларга эмас, қиз болаларга ҳам ўргатила бошланди.

Ўқувчилар БГТО, ГТО, ВС нормаларини жуда яхши ўзлаштириб, ҳаво ҳарбий ҳужумига қарши курашиш малакаларини эгалладилар.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб уруш кетаётган жойлардан Ўзбекистонга кўплаб ёш болалар ва катталар эвакуация қилинган эди. 1942 йилда эвакуация қилинганлар сони 716 мингга етди.

1943 йилда Ўзбекистон ҳудудида 154 та болалар уйи бор эди. Болалар уйининг сони 1945 йилга келиб 242 тага, ундаги тарбияланувчилар сони эса 31.500 га етди.

Уруш даврида ўқитувчилар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. Чунки кўпчилик педагоглар фронтга сафарбар қилинганлиги учун Республика бўйича 1940—1941 ўқув йилида 36267 нафар ўқитувчидан 30616 киши қолди. Фронтга кетган ўқитувчилар ўрнини тўлдириш учун қисқа муддатли ўқитувчилар тайёрлаш курслари очилди. 1941 йилдан 1943 йилгача бу курсларни 16 минг ўқитувчи битириб чиқди. Бошқа соҳада ишлаётган ўқитувчилар ҳам мактабга қайтарилди.

Маҳаллий мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш ишига, айниқса, ўзбек хотин-қизларидан кўпроқ жалб этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Шаҳарлардаги мактабларда ўқиш уч сменада олиб борилар эди. Бу ҳол эса табиий ҳолатда таълим-тарбия жараёнини қийинлаштиришга олиб келган эди. Дарслар 40 минутга қисқарган. Ашула ва расм дарслари умуман ўтилмаган.

Китобларнинг етишмаслиги туфайли ўқитувчилар оғзаки тушунтиришга катта эътибор бердилар. Янги ўтиладиган дарс ўқитувчи томонидан доскага ёзилар, ўқувчилар уни дафтарга кўчириб олишар эди.

Шароит тақозоси билан кўпчилик ўқувчилар ҳам мактабда ўқиб, ҳам қишлоқ хўжалик ишларида фаол қатнашдилар. Барча ишлаб чиқариш муассасаларида, завод ва фабрикалар қошида курслар очилиб, ўқувчилар ўқишдан ажралмаган ҳолда меҳнат қилдилар.

Ўзбекистон маҳаллий Советлари, собиқ СССР ХКС кўрсатмасига биноан, 1943 йилнинг 1 январидан бошлаб 8—10-синф ўқувчиларини ҳамда катта ёшдаги ўзбек ўқитувчиларини ўқиш ҳақи тўлашдан озод этди. Қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, туркман ва бошқа маҳаллий халқлар болалари ҳам ўқиш ҳақи тўлашдан озод бўлишди.

1942 йилнинг бошида собиқ СССР Халқ Комиссарлари Совети қишлоқ хўжалик асосларини мактабда ўқитиладиган фанлардан бири сифатида киритиш ҳақида буйруқ чиқарди.

Давлатнинг махсус кўрсатмасига биноан 1943 йилдан бошлаб баъзи мактабларда ўқув ишлаб чиқариш устахоналари очила бошланди.

Иккинчи жаҳон уруши ғалаба билан тамом бўлгач республика халқ таълими урушдан кейинги йилларда бир қатор жиддий қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди.

Уруш даврида мактаблар тармоғи бирмунча қисқарган, ўқувчилар сони ҳам шунга яраша камайган эди. Кўпчилик ўқувчилар турли синфлардан ўқишни ташлаб, фронтга, фронт учун қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган завод ва фабрикаларга ишга кетиб қолишди.

Ўша йилларда янги мактаб бинолари қурилмаганлиги ва эски мактабларни ўз вақтида таъмирланмаганлиги сабабли кўп мактаб бинолари ўқув жараёнини маромида ташкил этиш ва гигиена талабларига жавоб бермас эди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда ўқувчиларнинг мактабни ташлаб кетиши гарчи бирмунча камайган бўлса ҳам, ҳар ҳолда давом этаверди: 1945—46 ўқоа ёеёёаа Ўсááёёñòíí íàèòááéàððéàááè ўқоá÷ééàð ñíèè ðáæááááè 1 íéí.10 íéíá èèøè ўðíéáá 823 íéíá èèøéááí éáíðàò áýëáè. Ñéíóáá kíéááí ўқоá÷ééàð ñíèè ҳàì êýíí áýëéá, 1946 ёеёёáá ó áàð÷à ўқоá÷ééàððíéíá 37%èíè òàøéèè ýòàððáè. Áéíèкñà кèç áíèàèàððíè íàèòááááá æàéá кèèèø, óèàððíè ўкèøíèè òóáááóí÷à òóèáá òóðèø àéíхèáá íóàííí ñèòàðèáá êýííáèáíá áýëéá òóðàððáè.

Ўкèðóá÷è òíàèíèàðð íàñàèáñè òðóøááí éáééíáè èèèèàðáááè ýíá æèááèèè íóàíííèèàðááí áèðè ýáè. ×óíèèè íàèàèáèè ўкèðóá÷èèàðð àñíñáí òðóøáá ðáíðèèááí, óèàððíèíá êýíí÷èèèáè ҳàèíè áýëááíáè. Óóñóñáí, 1947 ёеёёáá ðáñíóáéèèè áýèè÷à 4 íéíá ўқитувчи етишмасди. Туман халқ маориф бўлимлари мудирлари, мактаб директорлари ва таълим бўйича директор муовинларининг 60% дан кўпроғи тегишли маълумотга эга эмасди. 1950 йилда 7125 мактаб ўқитувчиларга муҳтожлик сезарди.

Расмий Ҳокимият сохта пролетар байналмилаллигини амалда кучайтириш мақсадида мактабларда рус тили ва адабиётини кенгрок ўқитишга урғу берди. Натижада 60-йилларда Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва адабиёти, чет тили, мусиқа ва ашула дарслари ҳажми кескин қисқарди ва улар ўқув режасида белгиланганидан ҳафтасига 16,5 соат камайиб кетди. Улардан бўшаган соатларга эса рус тили ва адабиёти фани ўқитилди. Масалан, ўқитувчилар «XIX асрни иккинчи ярми — XX аср бошларида ўзбек адабий муҳити», «Миллий маданий жараёнлар» тўғрисидаги мавзуларда дарс ўтиши лозим бўлган соатларда рус маданиятининг «прогрессив» аҳамиятини кўрсатиб беришга мажбур бўлдилар. Натижада бой ва кўҳна ўзбек халқи тарихини ўрганишга 52 соат ажратилган ҳолда бошланғич мактабларда рус тили ва адабиёти фанлари учун 1600 соат ажратилган¹.

Халқ хўжалигини тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасида урушдан кейинги биринчи беш йилликда ўзига хос жиддий камчиликларга дуч келинди. Биринчидан, аҳоли ўзи туғилиб ўсган шаҳарларига қайтиб кўчиб ўтаётганлиги сабабли аҳоли сонидан кескин ўзгаришлар рўй берди.

¹ Насыров Р. Социальное развитие сел Узбекистана. (1965—1983)-Т., 1994, с.27—28.

Иккинчидан, мажбурий таълим мактабларида ўқитиладиган болаларни ҳисобга олишнинг аниқ ва тезкор тизими белгиланмаган эди.

Шунинг учун ҳам маориф ходимлари тезлик билан мактаб шохобчаларини тиклаш ва кенгайтириш ҳамда ота-оналари билан бирга эвакуациядан қайтиб келаётган болаларни ё уруш вақтида мактабни ташлаб кетган болаларни мактабларга тортиш соҳасида жуда катта ишлар қилиш керак эди. Аундай масъулиятни бажаришда улар дастлаб бошланғич мактабларни тамомлаган болаларнинг ҳаммасини тўла равишда ўқишга тортишга айниқса катта эътибор беришлари лозим эди. Ва бу иш анча муваффақиятли амалга оширилди. Бу эса болаларни ва ўсмирларни умумий-мажбурий ўқитишни кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратиб берди.

Бу даврга келиб ўрта мактабни битириб чиқаётганларнинг сони олий ўқув юртларига қабул қилинаётганларнинг сонига қараганда анча ортиб кетди. Ўрта мактабларни тамомлаб чиққанларнинг кўплари саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишлашларига тўғри келди. Бироқ улар бу амалий фаолиятга етарли суръатда тайёрланмаган эдилар: мактабларда ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишлари яхши йўлга қўйилмаган эди.

Ўрта мактабларни тамомлаганларни махсус касбий тайёрларлигини ошириш мақсадида техникумлар сони кўпайтирилди ва шу техникумлар қошида тўлиқ ўрта маълумотли кишиларни қабул қиладиган бўлимлар очилди. Бу бўлимларга ўқиш муддати 2—3 йил қилиб белгиланди. Меҳнат захиралари тизимида ўрта мактаб негизидаги техника билим юртлари очила бошлади. Бу техника билим юртлари 1—2 йиллик ўқиш муддати билан юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бериши керак эди.

Урушдан кейинги йилларда 1943 йилда очилган ишчи ва деҳқон ёшлари мактаблари (кечки ва сменали) тармоғи бирмунча кенгайтирилди.

1951—55 йилларга мўлжалланган бешинчи беш йиллик режада политехника таълимига катта ўрин берилди. Шу муносабат билан иттифокдош республикаларнинг Таълим вазирликлари ўқув режалари ва дастурларини қайта қуриб, политехника таълимини ошириш тўғрисида мактабларга кўрсатмалар бердилар.

1957—58 ўқув йилидан бошлаб баъзи педагогика олий ўқув юртларида бошланғич мактаб учун олий педагогика маълумотига эга бўлган ўқитувчилар тайёрлашга киришилди ва бунинг учун махсус факультетлар ташкил этилди. Лекин урушдан кейинги йилларда ҳамда мавжуд жамиятни ривожлантириш жараёнида республика мактабларида ҳамма нарса рисоладагидек олиб борилди дейиш хато бўлар эди. Чунки ўтган даврлар чуқур таҳлил қилинганда қатор камчиликлар борлигини кўриш мумкин. Чунончи, кўпгина мактабларда ўқув-тарбия ишларининг сифати давлат стандарти талабларига етарлича жавоб бера олмас, бир синфда икки йил қолган ўқувчилар сони ҳамон кўп, ўқувчиларнинг мактабни ташлаб кетишлари эса тобора кўпаяётган эди. Кўпгина мактабларнинг моддий-техника базаси типовой талабларига жавоб беролмасди, мактабларда математика, физика, рус тили ва чет тили фанларида дарс берадиган малакали ўқитувчилар етишмас эди, етти йиллик умумий мажбурий

таълимни амалга ошириш ва ўрта таълимни ривожлантириш борасидаги ишларда ҳам муайян нуқсонлар йўқ эмас эди. Бу камчиликларни бартараф этиш ўша куннинг биринчи галдаги вазифаси эди.

Бошланғич мактабда тўрт йиллик бошланғич таълимдан уч йиллик бошланғич таълимга ўтиш амалга оширилди.

Тўлиқсиз етти йиллик ўрта мактаб ташкил этилиб, умумий мажбурий саккиз йиллик таълим мактабига айлантирилди.

Саккиз йиллик мактабни тамомлаган ўқувчилар қуйидаги ўқув юртларида ўқишлари мумкин эди. Улар: 1) Тўлиқ умумий таълим ўрта мактабларида (IX—X синфларда); 2) ўқиш муддати уч-тўрт йиллик бўлган техникумларда; 3) ҳунар ва умумий таълим билимларини биргаликда берадиган ҳунар-техника билим юртларида ҳамда 4) ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида.

1959—1975-йилларда республикада интернат-мактаблар, махсус мактаблар ва куни узайтирилган гуруҳлар тармоғи ривожланди ва уларда тарбияланувчиларнинг сони ўсди; жисмонан нуқсонли болалар учун махсус мактаблар ташкил қилинди; педагог ходимлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғи кенгайтирилди.

70—80-йилларда Ўзбекистон мактабларида аҳвол сифат жиҳатидан ўзгармай қолаверди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланмади. Аммо мактаблар, ўқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бораверди. Масалан, Ўзбекистонда 1945—46-ўқув йилида жами 4525 мактаб бўлиб, уларда қарийб 998 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1970—71-ўқув йилида республиканинг умумий таълим мактаблари сони 7072 тага, ўқувчилар сони эса 3 млн.164 минг кишига етди... 1970—1980-йилларда халқ таълими учун давлат томонидан ажратилган маблағ 11% дан 8% га камайиб кетди... 5% дан ортиқ мактабларда иссиқ овқат буфетлари ташкил этилмади¹.

Ўйлаш керакки, келажакда оқимнинг ўсиши билан таълимнинг сифати ҳам ўзгариши мумкин. Ўзбекистонда таълимнинг сифати ҳам ўзгариши мумкин. Ўзбекистонда таълимнинг сифати ҳам ўзгариши мумкин. Ўзбекистонда таълимнинг сифати ҳам ўзгариши мумкин.

СИДДИҚ РАЖАБОВ (1910—1993)

Сиддиқ Ражабов Республикамизда халқ маорифининг ривожланишига педагогика илмининг тараққиётига, ихтисосли педагогик кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган, дастлабки педагогика фанлари номзоди, дастлабки педагогика фанлари доктори, профессор ва дастлабки академикдир.

¹ Эргашев К. Развитие общеобразовательной школы в Узбекистане. 70-е—90-е г. и проблемы и тенденции. — Т., 1996. С.20.

Сиддиқ Ражабов 1910 йил 1 апрелда Қозоғистоннинг Авлиё-ота (ҳозирги Жамбул) шаҳрида камбағал-қосиб оиласида туғилди. Унинг отаси Ражаб ака ямоқчилик билан кун кўрар, лекин шундай бўлса ҳам оиланинг бош фарзанди Сиддиқнинг ўқиб, илм олишини орзу қилар эди. Ражаб ака ўғлини янги мактабга ўқишга берди. Лекин кўп ўтмай ота вафот этди. Ота васияти ва илмга бўлган иштиёқ унга тўғри йўлни кўрсатиб берди.

1926 йилда ўн олти ёшли Сиддиқ Ражабов ғайрат билан ўқишга, меҳнат қилишга киришди. Шаҳар ёшларининг халқ ўртасида олиб борган маданий-оқартув ишларида фаол қатнашди.

1927 йилда Фарғона педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1930 йилда бу билим юртини муваффақиятли тамомлади. Билим юртини тугатгандан сўнг Қашқадарё вилоятининг ғузур туманига ишга юборилди. У шу тумандаги Авғонбоғ қишлоғида бошланғич мактаб очади, шу мактабда ҳам муаллимлик, ҳам мудирлик вазифасини бажаради.

1930 йилда Фарғона педагогика институтига кирган С.Ражабов 1933 йилда институтнинг ижтимоий-адабиёт факультетини имтиёзли тугатди. С.Ражабовни институт Илмий кенгаши педагогика кафедрасига ассистент вазифасига тавсия этди.

Ана шу даврда бўлажак олим Фарғона шаҳридаги «Ўзбекистон беш йиллиги» ишчи факультетида, айна пайтда Ҳамза номидаги педагогика билим юртида директорлик вазифасини бажарди.

С.Ражабов педагоглар жамоаси ва талабалар эътибори ҳамда фаолиятини билим юрти олдида турган энг муҳим масалаларга — мактабларга ҳамма фанлардан дарс бера оладиган, педагогиканинг илмий асосларини, таълим мазмуни, тамойиллари ва методларини пухта эгаллаб олган ёш мутахассисларни тайёрлаш ишига қарата олган эди.

Ана шу даврларда Я.А.Коменский, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний каби атоқли педагогларнинг асарларини кунт билан ўрганди. Эгалланган билимлар ва тўпланган тажрибалар асосида маҳаллий матбуотда С.Ражабовнинг дастлабки педагогик мақолалари чиқа бошлади. Мақолаларда мактаблар истиқболи, тарбия масалалари, ёш педагог мутахассислар тайёрлаш ҳақида баҳс юритилар эди.

Илмга бўлган иштиёқ С.Ражабовни Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги аспирантурага етаклади. У 1934—37 йилларда аспирантурада таҳсил кўрди ва педагогика фанининг энг муҳим муаммолари устида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Уни республикамиз халқ маорифининг тараққиёти ва бу тараққиётнинг объектив қонуниятлари, халқ маорифининг ривожланиш истиқболлари, ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалалар қизиқтирар эди.

У аспирантурани тамомлагач, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига илмий ходим ва Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти педагогика кафедрасига ўқитувчи қилиб тайинланди. Ёш олим илмий тадқиқот ишини педагогик фаолияти билан қўшиб олиб борди. Шу йилларда С.Ражабов кечки педагогика институти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ҳамда ёш ўқитувчи сифатида

мутахассислар тайёрлашда катта фаолият кўрсатди, ўз ишини пухта билган раҳбар, етук илмий ходим ва маҳоратли ўқитувчи сифатида элга танилди. Ёш олим матбуотда тез-тез илмий, педагогик, публицистик мақолалари билан чиқа бошлади. Шу йилларда у «XIX аср ва XX аср бошларида Бухорода мактаб ва маориф тараққиёти очерки» асарини ёзиб тамомлади. 1941 йилда ана шу мавзуда номзодлик диссертациясини республикада биринчи бўлиб муваффақиятли ҳимоя қилди. С.Ражабов 1942 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир ўринбосари лавозимига тайинланди. Бу ишда ўзининг ижодий ва ташкилотчилик қобилиятини кўрсата олди.

Шуниси муҳимки, С.Ражабов қаерда ишламасин халқ таълими ва педагогик масалалардан узоқлашмади, аксинча, ёш авлодни юксак ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳида тарбиялаш масалалари билан қизиқиб, қатор илмий мақолалар нашр этди, педагогика тарихига, халқ маорифи тараққиётига, шунингдек, йирик педагогларнинг меросини ўрганишга оид рисоалар яратди.

С.Ражабов 1947 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти педагогика кафедрасига мудир қилиб тайинлангандан кейин унинг ўз илимий педагогик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг имконият яратилди. У ўз атрофига педагогика илми мухлисларини тўплаб, йирик педагогик муаммоларни ҳал қилиш ва ўрганишга бошчилик қила бошлади, республикамизда педагогика фанини янги тараққиёт босқичига кўтаришда жонбозлик қилди.

Олимнинг 1958 йилгача бўлган даврдаги ижодий фаолияти янада салмоқли бўлди. Бу йилларда унинг «Педагогикани ўқитишни ҳозирги замон фани талаби даражасига кўтарайлик», «Ўқитувчилар касби ҳақида», «Ўзбекистонда 25 йил ичида мактабларнинг тараққиётига доир», «Педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг илмий тадқиқот ишлари ҳақида», «Ўзбекистон мактабларининг 30 йил ичидаги тарихидан», «Ўзбекистонда умумий таълим ó-óí êóðàø àà ìàèòàáèàððàà ўқóâ-òàðáèý èøèàðè», “40 èèè è÷èäà Ûçááèèñòííäà ðàèķ ìàíðèðè” èààè æàìè 26 òà èèìèè, èèìèè-ìíìàèè èøèàðè ìàøð кèèèìèè.

1958 èèèäà Ñèäàèķ Ðàæàáíáíèíä èèìèè òàíèèýðèèàà óíòèèèìàñ àíķàè ñíàèð áýèèè. Ìàèòàáèàð òàðèðèèäà àíèð àíèòíðèèè àèññàðòàòèýñèèè ìóáàðòàķèýðèè xèíý kèèèè. Ҳàķèķàðàí xàì ìèèìèíä ìàçèòð èèìèè òààķèķìðè ðãñíóáèèèàìèç ðàèķ ìàíðèðè òàðàķķèèðèèè, ìàèòàáèàðèèèç òàðèðèèèè ýðàáèèø èýèèäàèè ààñòèäàèè ìóxèì kàààì ýàè.

1959 èèèäà ìäàäííèèèà òàìè àíèòíðè Ñèäàèķ Ðàæàáíá ñíàèķ ÐÑÓÑÐ Ìäàäííèèèà фàìèàðè Àèäàáèèýñèèäà ìòáàèð àúçì кèèèä ñàèèèàìèè àà 1960 èèèäà óíä ìðíòãññíð èèìèè óíáíèè àáðèèèè. Ñ.Ðàæàáíáäà ìèñààðàí àèèèèðèèèäàí áó èàðòà èøí÷èè ìèèèäà ýíäàà ìàñúòèèýðèè ààçèðàèèð ðèèäàè. Ó ðãñíóáèèèàìèçäà ìäàäííèèèà òàìèèèè ýíäàà ðèäàèæèèàìèðèèø, ðķíðè ìàèèèèèè èèìèè ìäàäííä òíàèèèèàð òàèèèèèø ìàñàèàñèèäà ðìķķàт-эътиборни қаратди. Ўз атрофига қобилиятли ёшларни тўплаб улар эътиборини педагогика фанининг долзарб масалаларига қаратди, мактаб-маориф учун зарур бўлган мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб боришга илҳомлантирди.

1961 йилда Сиддиқ Ражабов Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига директор қилиб тайинланди. Олим мазкур институтга олти йил раҳбарлик қилди. Институтни юқори малакали мутахассис ходимлар билан таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини ҳаётга—мактаб амалиётига яқинлаштиришга бошчилик қилди ҳамда тадқиқот натижаларини ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Таъкидлаш жоизки, С.Р.Ражабов фақат раҳбарлик фаолияти билан чекланиб қолмади, аксинча, 1958—1966 йилларда 50 дан ортиқ илмий ва ўқув-методик ишлар муаллифи бўлди. Чунончи, “Л.Н.Толстойнинг педагогик фаолияти ҳақида”, “Педагогика фанининг янги вазифалари”, “Педагогика назарияси ва тарихига оид илмий-оммабоп мақолалар тўплами”, “Дарсда ўқувчилар активлигини ошириш йўллари”, “Тадқиқотчиларнинг кучини бирлаштирайлик”, “Таълим бериб тарбиялайлик, тарбиялаб таълим берайлик”, “Энг шарафли бурчимиз”, “Мактаб ҳақида ғамхўрлик — умумхалқ иши”, “Ўзбекистонда халқ маорифи”, “Педагогика фанининг равнақи учун” каби ишлари, шунингдек, 1962, 1966 йилларда нашр қилинган “Педагогика” дарсликларига ҳаммуаллиф бўлди.

Бу даврда олим педагогика фанини чин қалбдан севган мутахассисларни, кўпгина иқтидорли ёшларни ўз атрофига чорлади. Ёш олимларга ҳамиша ёрдам бериб келди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш унинг ҳаётий эътиқоди ва турмушининг мазмунига айланиб кетди. Шу боис М.Очилов (1962 йил), Ф.Абдуллаев (1962 йил), К.Х.Ҳошимов (1964 йил), С.Р.Раҳимов (1964 йил), А.Аҳмедов (1965 йил), Б.Нурлибеков (1965 йил), М.Аҳмедова (1965 йил), Т.Мўминжонов (1966 йил), С.Н.Нурматов (1966 йил), А.К.Тюленов (1966 йил), Д.А.Урумбаев (1966 йил), С.Х.Файзулина (1966 йил) каби илм-фанда ўз йўлини топиб олган иқтидорли ёшлар олим раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Шунингдек, профессор С.Ражабов илмий маслаҳатчилигида докторлик диссертациялари тайёрлана бошланди ва бу соҳадаги дастлабки иш ҳимоя қилинди.

Умуман Сиддиқ Ражабовнинг Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтидаги фаолияти мазкур институт тарихида катта из қолдирган. Олим раҳбарлигида, у билан ҳамкорликда ишлаган кўплаб илмий ходимлар ўша йилларни эслар эканлар. С.Ражабов ҳақида, унинг раҳбарлик фаолиятини мамнуният билан тилга оладилар.

1964 йилда С.Ражабовнинг илмий педагогик фаолиятига юксак баҳо берилиб, унга “Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони берилди.

С.Ражабов 1966—1990 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти “Умумий педагогика” кафедрасининг катта жамоасига бошчилик қилди. У кафедра аъзоларининг ҳар бирига мураббий, устоз эди. Бугина эмас, олим ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамкасблари — институтнинг етук олимлари билан бир қаторда ўрта ва олий таълимга алоқадор жуда кўп муаммоларни хал қилишда фаолият кўрсатди.

Профессор С.Ражабовнинг ушбу институтдаги чорак асрлик узлуксиз илмий-педагогик фаолияти алоҳида муҳим давр бўлди:

Илмий-педагогик муаммоларни ҳал қилишга алоҳида биринчи навбатда кафедрани юқори малакали илмий-педагогик ходимлар билан таъминлаш, маъруза ва амалий машғулотлар сифати ва самарадорлигини ошириш, қолаверса, кафедра жамоасининг илмий ва методик савиясини юқори кўтариш каби масалалар ҳал қилина борди.

С.Ражабов бу даврда жуда кўплаб методик муаммоларни кафедра аъзолари ва илмий жамоатчилик томонидан муваффақиятли ҳал қилинишига бошчилик қилди. Хусусан, дидактика — таълим назарияси, хусусий методика, тарбия назарияси ва методикаси, шунингдек мактабшуносликнинг долзарб муаммоларига алоқадор асарлар яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олим бу даврда ўз илмий фаолиятини бир неча йўналишларда олиб борди. Жумладан, педагогика фанининг методологик муаммолари, одоб-ахлоқ ва тарбия масалалари, олий таълим дидактикаси, педагогика тарихини ўрганиш ва унинг ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш масалалари илмий фаолиятида марказий ўрин тутди.

Амалга оширилган илмий-ижодий ишлар натижаси сифатида олимнинг 300 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалари, рисоалари, кўлланмалари, дарслик ва монографиялари эълон қилинди.

С.Ражабов Шарқ мутафаккирлари педагогик меросини ўрганиш масалаларига ўз фаолиятида катта ўрин берди. Унинг А.Навоий, З.М.Бобур сингари мутафаккирларнинг педагогик қарашлари ҳақидаги мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, У.К.Ҳошимов билан “Ўзбекистонда педагогик фикрлар антологияси” (Москва: Педагогика нашриёти 1986 йил)нинг тузувчиларидан ҳисобланади. Бу антология Ўзбекистон ва собиқ Иттифоқдаги барча миллатларга, айниқса, русий забон миллатларга Ўрта Осиё қомусий олимларининг ҳаёти, таълим-тарбия соҳасидаги ғояларидан маълумот берувчи муҳим манба сифатида қимматлидир.

С.Ражабов ўзининг асосий ишини жамоат ишлари билан мунтазам боғлаган ҳолда олиб борди. У 1961—1988 йилларда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг хайъат аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. У вазирлик томонидан халқ таълими тармоғини янада кенгайтириш, мактабларда ўқув-тарбия ишларини давр талаблари даражасига кўтариш борасида амалга оширилаётган ҳамма тадбирларда бевосита қатнашиб келди.

С.Ражабов педагогика фанлари бўйича илмий даражалар берувчи бир неча ихтисослашган Илмий кенгашларнинг раиси ҳамда Душанбе Давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи кенгаш аъзоси сифатида катта фаолият кўрсатди.

Сиддиқ Ражабовнинг кўп қиррали жамоатчилик фаолиятида унинг республика педагогика жамияти марказий Кенгаши Президиумига раислиги асосий ўрин эгаллайди.

Сиддиқ Ражабовнинг педагогика фани ва халқ таълими равнақи йўлидаги меҳнатлари ҳукумат ва халқимиз томонидан юксак баҳоланди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Сиддиқ Ражабов яшаган даврдаги ижтимоий муҳит ва мактаб-маориф масалалари.
2. Сиддиқ Ражабов асарлари ва унда таълим-тарбия масалалари.
3. Сиддиқ Ражабовнинг педагогика ва педагогик кадрлар тайёрлашдаги фаолиятига Сизнинг муносабатингиз.

XX асрнинг 70—80-йилларида Ўзбекистонда халқ таълими

Халқ таълими тизимида муҳим ўринни эгаллаган умумий таълим мактаблари республикамиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, давлатнинг мафкуравий, маданий вазифаларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам республикамизда ҳукумати, халқ таълими вазирлиги жойлардаги ҳокимиятлар ва жамоатчилик халқ таълими тизимини, жумладан, умумий таълим мактабларини ривожлантириш, уларнинг тармоқларини кенгайтириш ва янги бинолар билан таъминлаш, ўқув моддий ва техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларни юқори билимга эга бўлган ўқитувчилар билан таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жамиятимиздаги мавжуд маориф тизимининг барча бўғинларида жамият тараққиёти талаблари асосида ёш авлоднинг камолотга етиши, бир бутун шахс сифатида шаклланишига ниҳоятда кам эътибор берилар эди. Натижада умумий таълим мактабларида таълим-тарбия тизими, мазмуни, шакл ва методлари, ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган яхлит шахс сифатида шакллантиришга мос келмай қолди.

Бу эса умумий таълим ва ҳунар мактабларни ислоҳ қилишни тақозо этди.

Ислоҳотда умумий ўрта таълим ўн бир йиллик бўлиб, I—IV синфлар — бошланғич мактаб, V—IX синфлар эса тўлиқсиз ўрта ва X—XI синфлар — барчаси умумтаълим мактабини ташкил қилади. Шунингдек, ўрта ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари каби номланган. Мазкур тузилишга биноан ўрта умумий таълим мактабларида болаларни олти ёшдан бошлаб ўқитиш назарда тутилади.

Ҳунар-техника таълими эса қайта тубдан ўзгартирилиб, “Ўрта ҳунар-техника билим юртлари”га айлантирилди.

Ўрта маълумотга эга бўлмаган, ишлаб чиқаришдаги фаол ёшлар учун кечки (сменали) ва сиртки мактаблар сақланиб қолинди.

Умумий ўрта ва ҳунар таълими тизимининг ўзгариши билан, олий ўқув юртлари, билим даргоҳларига қабул қилишнинг янги қоидалари, талаблари ишлаб чиқилади.

Умумий ўрта ва ҳунар таълими билан унда бериладиган таълимнинг мазмуни, шакллари, методлари ва усулларини ҳам ташкил этилишини ўзгартиришни тақозо этади. Бунинг учун ислоҳот тақозо этганидек,

таълимнинг мазмунини такомиллаштириш зарур. Таълимнинг мазмунини такомиллаштиришнинг муҳим шартлари ўқув дастурлари ва дарсликлари материалларини ўқувчиларнинг ёшига мос ҳолда соддалаштириш, ортиқча иккинчи даражали материаллардан халос этиш зарур эди.

Ўқув фанларининг амалий йўналишини кучайтириш, меҳнат тарбияси ва касб танлашга ўргатишни йўлга қўйиш, таълим мазмунининг политехник йўналишини таъминлаш масаласи асосан амалга оширилади.

Ўқув дарсликлари, методик қўлланмалар яратилди; ўқув режасига “Атроф муҳит билан танишиш” (I—II синфларда), “Информатика фаҳисоблаш техникаси асослари” (X—XI синфларда), “Оила этикаси ва психологияси” (X—XI синфларда), “Ишлаб чиқариш асослари. Касб танлаш” (VIII—X синфларда) каби фан асослари киритилди ва ўқитилмоқда, ўқитувчилар меҳнатига табақалаштириб ҳақ тўлаш жорий этилди, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайтадан тайёрлаш масаласида ижобий силжишлар рўй берди, ўқувчиларни меҳнат таълими ва тарбиясининг мазмуни такомиллаштирилди; ҳунар-техника таълими тизимида ишчи ходимлар тайёрлаш кенгайтирилди; маорифнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласига нисбатан жамоат ташкилотларининг муносабатлари бирмунча ўзгаргандек туюлди. Бироқ, бу ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, уюштириш учун етарли эмас эди, албатта. Ислоҳот биринчидан, “қайта қуриш” шароитида, мактаб ислоҳотининг эволюцион характерга эгалиги, мактаб ишининг мазмуни, илмий-педагогик кадрлар, моддий-техникавий таъминланиш, бошқаришнинг тубдан ўзгартирилмаганлиги таълим-тарбиянинг ривожланишига тўсик бўлди. Ислоҳни амалга оширишдаги ташкилотчилик ишларининг етарли бўлмаётганлиги, бошқаришдаги бюрократик методга асосланилаётганлиги, халқ хўжалигининг эҳтёжига мос равишда кадрлар тайёрлаш мўлжалланмаганлиги ҳам ислоҳот талабларини қийинчилик билан ҳам этилаётганлигига сабаб бўлди. Булар эса ўз навбатида таълим-тарбия савиясини оширишга салбий таъсир этди.

Шуни қайд этиш зарурки, ўзбек мактаблари собиқ иттифоқ даврида миллий заминдан батамом узилиб қолган эди. Ўқиш-ўқитишда Оврўпо, хусусан ўрус тизими қабул қилинди. Янги даврдаги замонавийлаштиришнинг “билимдон” ва “зукко” ташкилотчилари минг йиллик ёзувимизни ҳам қайта-қайта алмаштириб, натижада мактабларимиз ўқув-тарбиявий ишлар ва халқ руҳиятидан деярли ажралиб қолди, авлод-аждодларимизнинг дунёвий, маънавий-ахлоқий, маърифий мероси эса умуман ўқитилмай, ўргатилмай ташлаб қўйилди.

IX БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАҚҚИЁТИ

1. Мустақиллик ва таълим тизимида ислоҳотлар.

Мустақиллик эълон қилинган (1991 йил 1 сентябрь) дастлабки йилларданок Ўзбекистон ҳукумати таълимга устивор соҳа сифатида эътибор бериб

келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасида аниқ ва равшан ҳамда илмий асосланган давлат сиёсати мавжуд бўлиб, у инсонпарварлик ва демократик тамойилларга асосланади ҳамда ҳар бир фуқаронинг билим олиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунийлаштирилган.

Мустақил Республикамизда халқ таълими тизими мазмунини янгилаш ва янги ижтимоий муҳит шароитида уни янада ривожлантириш зарур эди. Чунки ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларда асосий мақсад ҳам барча фуқароларнинг ҳаётини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, маънавий жиҳатдан юксалтириш, энг муҳими, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир.

Ана шу мақсадни амалга ошириш борасида Республикамиз ҳукумати халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилишни ва миллий кадрларга бўлган эҳтиёжни тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб таълим тизимини ҳам янгилашни тақозо этар эди. Шу мақсадда 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясида “Таълим тўғрисида” Қонун ҳамда “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури” кенг муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. “Таълим тўғрисида”ги Қонун таълим, тарбия фуқаролар касбий тайёргарлиги ва ҳар бир фуқаронинг илм олиш конституцион ҳуқуқини таъминлаш каби қатор долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Республикамиз бугунги кунда тубдан янги давлат бўлиб, унда ҳар бир сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги ислоҳотлар ҳам янги таълим тизимида босқичма-босқич олиб боришни назарда тутди. Зеро, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам янги босқичма-босқич ўтиш тамойилига асослангандир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳам узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ташкилий, илмий ва методик асоси бўлиб ҳисобланади. Миллий дастурнинг асосий мақсади узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш бўлиб, у ижодий ва мустақил фикрловчи, тафаккури ривожланган, эркин шахсни шакллантириш билан барча соҳаларда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни кафолатлаш билан аҳамиятлидир.

Шунга кўра, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок бой маданиятимизни тиклаш ва уни ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш, уни замон талабларига жавоб бера оладиган жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадига эътибор бериб борилмоқда.

Таълим соҳасида “Таълим тўғрисида” Қонун қабул қилинганлиги, 1996—1997 йилдан бошлаб биринчи синфларда ўқишнинг лотин ёзувига асосланган янги алифбода дастур, қўлланма, дасрликларнинг яратилганлиги — бу таълим соҳасида қўйилган дастлабки одимлар эди.

Ўтган даврда янги турдаги таълим муассасалари ташкил этилди. Олий ўқув юртлари қошида лицейлар очилди. Қобилиятли ўқувчилар чет элларда таълим ола бошлади. Ўқитувчилар хорижий давлатларда бўлиб, илғор тажрибаларни ўрганиб кела бошладилар.

Вилоятларда янги-янги бизнеч мактаблари, кичик ва ўрта касб хунар курслари очила бошлади ва бозор иқтисоди шароитида фермер, солиқ ва божхона ходимлари, аудит в.б. янги мутахассисликлар киритилди.

Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди. Вилоятлардаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди, чет эл мутахассислари республикамиз ўқув муассасаларига жалб этилди.

“Маҳалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Улуғбек”, “Умид” жамғармалари ҳам таълим соҳасини ривожлантиришга ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Лекин ҳозирги даврда амалга оширилган барча ишларга қарамай таълим тизими ҳали ҳаёт талаби даражасида натижаларга эришмаётгани, эски Шўро замонидан мерос бўлиб қолган мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан халос бўла олмагани, шунингдек, узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш муаммолари тўлиқ ҳал этилмагани ва ниҳоят, амалдаги таълим тизими тараққий этган давлатлар даражасида ривожлана олмаганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мутахассислар кадрлар тайёрлаш, уларга билим ва тарбия бериш тизими мамлакатимизда амалга ошаётган ислохотлар билан боғланмагани, мактабларнинг моддий базаси талабга жавоб бера олмаётгани, кадрлар, ўқитувчилар тайёрлаш муаммоси ҳали ҳал этилмагани маълум бўлди. Ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар ҳам талабга жавоб бера олмаётганини ҳаёт кўрсатмоқда

Олий таълим соҳасида ҳам ислохот ўтказишни талаб қила бошлади. Буларнинг барчаси ҳисобга олиниб, 1997 йил март ойида Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, таълим тизимини ислох этилиш, кадрлар тайёрлаш жараёнига замон талаби даражасида ўзгартиришлар киритиш мақсадида махсус комиссия тузилди ва натижада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида” Қонун Олий Мажлис сессиясида қабул қилинди.

Бу икки ҳужжатга биноан таълим тизими ислох қилишни босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилади:

Биринчи босқич — ўтиш даври. 1997—2001 йиллар. Бу йилларда янги талаб доирасида педагог кадрлар тайёрлаш, таълим стандартларини яратиш, ўқув дастурлари устида ишлаш, умумтаълим мактабларини қайта қуриш, ўрта махсус ва касб-хунар билим юртлари тизимига замин тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимига асос солиш.

Иккинчи босқич — 2001—2005 йилларга мўлжалланади. Бу даврда миллий дастурни тўлиқ амалга ошириш мўлжалланади. Унинг баъзи ғоялари ва коидаларига ўзгартиришлар киритилиш ҳам кўзда тутилган.

Учинчи босқич — 2005 йил ва ундан кейинги йиллар бўлиб, ислохот тажрибалари таҳлил этилиб, умумлаштирилади ҳамда кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилиб, ривожлантирилиб борилади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунга асосан Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёт соҳасида устувор деб эълон қилинди.

Таълим соҳасидаги давлатнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерида эканлиги;
 - Таълимнинг узлуксиз ва изчиллиги;
 - Умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
 - Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицей ва касб-ҳунар коллежида ўқишни танлаш ихтиёрийлиги;
 - Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
 - Давлат стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
 - Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
 - Билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш;
 - таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш.
- Халқ таълимининг асосий бўғини — узлуксиз таълими тизимини ташкил этади.

3. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги узлуксиз таълим тизими асос қилиб олинган.

Бола шахсини соғлом ва етук ўқишга тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Мазкур таълим уч ёшдан олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар, бошқа хил таълим ташкилотларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим.

Умумий ўрта таълим қуйидаги босқичларга бўлинади:

Бошланғич таълим (I-IV сەиò)

О́иòиèè ùðòà òàùèèì (I-IX сەиòèàð)

Бошланғич таълимда умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникмалар асослари шакллантирилади. Биринчи синфга болалар 6—7 ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълимда билимларни зарур ҳажми берилади. Болаларда мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмалари ривожлантирилади.

Касбга йўналтиради, таълимнинг навбатдаги босқичига ёрдам беради.

Ихтисослаштирилган макталар ҳам ташкил этилиши ва болалар қобилияти, истеъдодга кўра бундай мактабларда таълим олиши мумкин.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими.

Ҳар бир йигит-қиз умумий ўрта таълимга эга бўлгандан сўнг академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни ихтиёрий равишда танлаши мумкин. Бу таълим муассасаларида ўқиш муддати уч йилдан кам бўлмайди.

Лицей ва коллежлар эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини беради ва ҳамда иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириши учун асос бўладиган махсус, касб-ҳунар таълим беради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Олий таълимда юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш университет, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида ўрта махсус, касб-хунар таълим асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичда: бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият — олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим бериладиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура — аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Иккинчи ва ундан кейинги олий таълим шартнома асосида олинади.

Олий ўқув юртидан кейин малакали илмий ва илмий педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжга қараб олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот муассасаларида аспирантура, адъютантура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик тарзида давом эттирилади.

Олий таълимдан сўнг кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимини ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва янгилашга қаратилади.

Болалар ва ўсмирларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун маданий-эстетик, илмий-техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд. Бундай масканларга болалар, ўсмирлар, ижодиёти саройлари, уйлар, клублар ва марказлар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари киради ва бу жойларда болалар ўз эҳтиёжлари ва қизиқишларига кўра шуғулланадилар.

Таълим ислохотларида кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларини асосан қуйидагилар ташкил қилади:

- шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;
- давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;
- узлуксиз таълим — малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳити ўз ичига олади;
- фан — юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;
- ишлаб чиқариш-кадрларга бўлган эҳтиёжни, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қуйидаги талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий техник жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурда интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш назарда тутилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида фан, жумладан, педагогика фани, ҳам янги фундаментал ва билимларни шакллантириш орқали муҳим илмий натижаларни жамлайди. Олий малакали ва илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашнинг амалга оширилиши, илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш орқали илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлашни амалга ошириш кўзда тутилади, илғор ахборот ва тенденция технологияларини жорий этиш механизмларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Мустақил йилларда педагогика соҳасида ҳам йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, Ўрта ва олий таълим вазирлигида йилига 17 аспирантура ва 7 докторантура; Халқ таълим вазирлигида 5 аспирантура, 1 докторантура ўринлари мавжуд.

Педагогика ва психология фанлари бўйича докторлик ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун ихтисослашган Кенгашлар фаолият кўрсатмоқда.

4. Мустақиллик йилларида педагогик фикр тараққиёти.

Мустақиллик йилларида педагогика фанининг энг долзарб муаммолари устида докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Чунончи, ОМусурмонова “Юқори синф ўқувчиларида маънавий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари”, С.Нишонова “Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси”, У.Маҳкамов “Юқори синф ўқувчиларининг ахлоқий маданиятини шакллантириш”, М.Иномова “Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари” каби докторлик диссертациялари шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлар илмий тадқиқот институти, ҳунар таълими илмий тадқиқот институти, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълим соҳаси бўйича Давлат илмий-техникавий дастурининг ижрочилари ҳисобланадилар.

Ҳозирги даврда, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти стратегияси, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш йўлидаги эзгу орзу-умидларини, миллий истиқлол мафкурасини асл моҳиятини ёшлар қалбига ва онгига сингдириш жараёни кечаётган бу даврда бу муҳим ишни “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида узлуксиз тарзда олиб боришни тақозо этади.

Зеро, истиқлол мафкураси хур фикрлилик ва журъатсизликдан ҳоли бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялайди.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Республикамизда мустақиллик эълон қилингандан сўнг таълим соҳасида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

2. Таълим соҳасидаги ислохотларнинг моҳияти нимадан иборат эди?

3. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғриси” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим тизимида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

4. Республикамизда таълим тизими қачон тузилган?

5. Мустақиллик йилларида педагогика фани тараққиёти ҳақида сўзланг?

7. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини қандай сингдириш мумкин?

Х. ЖАҲОН ПЕДАГОГИКА ФАНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ БАЁНИ

1. Қадимги Юнонистон ва Рим даврларида таълим-тарбия.

Тарихий тараққиётнинг кейинги даврларига келиб, ибтидоий жамоа тузуми ўрнини янги ижтимоий формация кулдорлик тузуми эгаллади. Қадимий Шарқда биринчи синфий жамиятлар пайдо бўлди ҳамда моддий ва маънавий маданиятга асос солинди. Айниқса, қадимги Юнонистон ва Рим халқлари бу маданиятни ривожлантиришда ўзларини катта ҳиссасини қўшдилар.

Дарҳақиқат, тарихий тараққиёт давомида турли мамлакатлар ва халқлар жаҳон маданиятига турлича ёндашдилар ва ривожлантирдилар. Масалан, Хитойда қоғоз ихтиро қилинди, Ҳиндистонда ҳисоблашнинг ўнлик тизими кашф этилди, Месопотамияда эса ер куррасини градусларга, суткани соатлар, минутлар ва дақиқаларга бўлиш ўйлаб топилди.

Эрамиз бошланишидан олдин Ўрта Осиёнинг жанубий чеккасига яқин бўлган жойда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни бирлаштирувчи карвон йўли қурилди. Сўнгра Ўрта Осиё орқали Хитойдан Ўрта денгизга томон «Буюк ипак йўли» очилди. Натижада Ўрта Осиё халқаро савдо-сотиқ марказига айланди. Бу эса ўз навбатида Ўрта Осиё воҳаларида маданиятнинг ривожланишига таъсир этди, ёзувнинг тарқалишига ёрдам берди.

Айниқса, қадимги Юнонистонда маданият, мактаб ва дастлабки педагогик фикрлар бошқа мамлакатларга нисбатан жуда эрта ривожланди.

Юнонистон унча катта бўлмаган бир қанча кулдорлик давлатларидан ташкил топган. Унинг мўътабар шаҳарлари Лакония (бош шаҳри Спарта) ва Аттика (бош шаҳри Афина)дир. Буларнинг ҳар қайсисида тарбиянинг алоҳида тизимлари вужудга келиб, Спарта усулидаги тарбия ва Афина усулидаги тарбия деб аталадиган бўлди. Аммо иккала давлатда ҳам кулдорлик тузуми ҳукмрон эди.

Юнонистонда кулларни «гапирадиган иш қуроли» деб ҳисоблар эдилар. Куллар оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум эдилар.

Лакония (Спарта)да кемалар тўхтайдиган қулай гаванлар бўлмаганлиги туфайли куллар меҳнатига асосланган деҳқончилик ҳукмрон эди. 9 минг оиладан иборат бўлган кулдорлар 250 мингдан кўпроқ аҳолига ҳукмронлик қиларди. Спартада куллар шафқатсиз таъқиб остига олинар эди.

Тарбия ишлари эса давлат ихтиёрида бўлиб, унинг асосий мақсади спарталикларнинг болаларини бақувват, жисмоний соғлом, бардошли,

чиниққан жангчилар қилиб тарбиялаш ва бўлажак кулдорларни етказишдан иборат эди.

Спарталикларнинг болалари 7 ёшгача уйда яшар, кейин «агелла» деб аталувчи давлат муассасасида 18 ёшга етгунча тарбияланар эди. Улар «педоном» раҳбарлигида жисмоний соғлом бўлиш учун турли машқлар билан чиниқтирилар, совуққа, очликка ва чанқоқликка чидашга, оғриққа бардош беришга ўргатилар эди. Таълимнинг асосий қисмини ҳарбий гимнастика машқлари эгаллар эди.

Қадимги юнон тарихчиси, файласуф олим Плутарх Спарта мактабларидаги таълим-тарбия ҳақида гапириб, шундай дейди:

«Ўқиш ва ёзишга келганда болаларга фақат уларнинг энг зарури ўргатилар эди, тарбиянинг қолган қисми эса битта мақсад: ҳеч сўзсиз итоат қилдиришни, чидамли бўлишни ва енгиш илмини ўргатишни кўзда тутар эди».

Спартада таълим-тарбиянинг яна бир муҳим вазифаси ёшларни кулларга нисбатан шафқатсиз, уларни менсимайдиган қилиб тарбиялашдан иборат эди. Шу мақсадда ёшлар «**Крептиялар**»да, яъни кечалари кулларни тутиш машқларида қатнашар, шубҳали бўлиб кўринган ҳар қандай иллатни (кулни) ўлдирар эдилар.

Ёшларга ахлоқий тарбия беришда давлат раҳбарлари махсус суҳбатлар ўтказиб, шу йўл билан уларга ахлоқий ва сиёсий тарбия берар эдилар. Шунингдек, болаларни савол-жавоб жараёнида аниқ, қисқа ва лўнда қилиб жавоб беришга ўргатиб борилган.

Спартада 18—20 ёшга етганда йигитлар «**Эфеблар**» ўспиринлар гуруҳида ҳарбий хизматни ўтаганлар.

Спартада қизлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилган. Уларни ҳарбий ва жисмоний тарбия малакалари билан куроллантириб борилган. Чунки эркаклар жангга кетганларида улар шаҳарни кўриқлаб, кулларни итоат сақлашини таъминлар, улар ҳатто жангда ҳам қатнашар эдилар.

Афинада эса ҳаёт, тартиб, интизом, мактаб тизими ва ундаги таълим-тарбия спартаникидан бутунлай фарқ қилар эди. Куллар хусусий мулк ҳисобланар эди. Афинада эрамиздан илгариги V—IV асрларда маданият барқ уриб ўсди. Фан, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик тараққий қилди.

Афинада энг кўркам ва баркамол инсон деб ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук кишини ўзларининг «идеали» деб ҳисоблар эдилар. Бу идеал фақатгина юқори табақали кулдорларга хос эди. Жисмоний меҳнат эса фақат кулларнинг қисмати деб ҳисобланар эди.

Афинада болалар 7 ёшга етгунча уйда тарбияланар, ўғил болалар 7 ёшдан бошлаб мактабга қатнар, қизлар эса оилада она кўмагида уй-рўзғор ишларига ўргатилар эди. Афинада хотин-қизларнинг ҳаёти уй доирасидан чиқмас, асосан ичкарида ўтар эди.

Афинада болалар дастлаб 7 ёшдан 13—14 ёшгача «**грамматист**» (савод ўргатиш маъносида), «**кифарист**» (грекча мусиқа ўқитувчиси маъносида) мактабларда таҳсил олганлар. Бу мактаблар хусусий бўлиб, ўқиш

пуллик эди. шунинг учун фуқароларнинг болалари бу мактабларда таълим ололмас эдилар.

Бу мактабларда «**дидаскол**» деб аталган ўқитувчилар машғулот олиб борар эдилар. (мен ўқитаман, деган маънодаги «дидаско» сўздан кейинрок «дидактика» — таълим назарияси келиб чиққан).

Ўғил болаларни мактабга қуллардан бири бошлаб борар эди, бундай кул **педагог** деб аталар эди («пайс» - бола, «агогейн» - етаклаб бориш деган сўзлардан олинган). **Грамматист** мактабида ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилар эди. Ўқишда ҳарфларни ҳижжалаб ўқитиш усули, сўнг қўшиб ўқиш усулидан фойдаланганлар. Ёзувни ўргатишда мум сурилган ялтирок тахтачалардан фойдаланганлар. Улар ингичка чўп ёрдамида ёзганлар. Сонлар бармоқлар, сопол тошлар, саноқ тахтаси ёрдами билан ҳисоблаганлар. **Кифарист** мактабида ўғил болаларга адабий билим ва эстетик тарбия берилар, музика, ашула, декломациялар ўргатилар эди.

Ўғил болалар 13—14 ёшга етганларидан кейин **палестра** («кураш мактаби») деб аталган ўқув юртига ўтар эдилар. Бу ўқув юртида улар икки—уч йил давомида жисмоний машқлар билан шуғулланар эдилар. Масалан, сакраш, югуриш, кураш тушиш, диск ва найза ирғитиш, сувда сузиш кабилар ўргатиларди. Палестрада ўқиш текин эди, шунинг учун ҳам ёшларнинг кўпчилик қисми палестрада ўқиш билан чекланиб қолар эди.

Ёшларнинг бадавлатроқ оиладан бўлган қисми палестрани тугатгач **гимнасийга** (жисмоний, ижтимоий тарбия) кирар эди. Уларга фалсафа, сиёсат, адабиёт фанлари ўргатилган. Бу мактабни тугатган ёшлар давлатни бошқаришда қатнашишлари мумкин эди.

Ниҳоят, Спартада бўлгани каби, Афинада ҳам 18 дан 20 ёшгача бўлган ёшлар Эфеблар қаторига ўтиб, ҳарбий хизматга тайёрланар ва ўзларини сиёсий билимларини оширишни давом эттирар эдилар.

Аҳолининг кўпчилик қисми болаларни мактабларда ўқита олмаганлиги сабабли уларга касб-ҳунар ўргатиш одат тусига кирган эди. Айрим хат-саводи бор оталар болаларига ўқишни ўзлари ўргатар эдилар. Бу каби тартиб давлат томонидан қонунлаштирилиб қўйилиб бечораҳол табақага мансуб ота-оналар ўз болаларига бирор касбни ўргатишга мажбур эдилар. Акс ҳолда уларнинг болалари келгусида кексайиб қолган ота-оналари тўғрисида моддий ғамхўрлик қилишдан озод этилар эди. Қулдор зодагонлар меҳнат билан шуғулланувчи эркин аҳолига нафрат билан қарарди. Қулларни эса «гапирадиган иш қуроли» деб ҳисоблар эдилар.

Қадимги Юнонистонда педагогик назарияларнинг туғилиши

Юнонистонда мактаб ва маданиятнинг тез ривожланиши педагогика назариясининг ҳам туғилишига имконият яратди. Педагогика назариясига олим ва файласуфлардан Сукрот, Платон, Аристотель ва Демокритлар асос солдилар. Улар ўз қарашлари билан таълим-тарбия ривожланишига жуда катта ҳисса қўшдилар. Қуйида бу файласуф олимлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Сукрот. (эрамиздан аввалги 469—399 йиллар) Ўзининг демократик ижтимоий келиб чиқишига қарамай (у камбағал хунарманд, яъни ҳайкалтарош ўғли) консерватив заминдор аристократларнинг идеологи эди. Бу албатта унинг фалсафий ва педагогик қарашларида ўз аксини топди. Сукрот дунёнинг тузилишини, буюмларнинг физик ҳолатини билиб бўлмайди, одамлар фақат ўзларинигина билиши, ахлоқни камол топтириши лозим деб ҳисоблар эди. Сукрот файласуф бўлиши билан бирга ажойиб нотик ҳам эди. У кенг майдонларда сўзга чиқиб, ахлоққа доир масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказар, тингловчиларни савол-жавоб йўли билан ҳақиқатни ўзлари топишларига ва билишларига ундар, шу йўл билан одамларни ҳақиқатни излашга ўргатар эди. Суҳбатни бу методи «Сукрот методи» деб юритилган. У педагогика оламига ана шундай савол-жавоб методини, яъни «**эвристик**» суҳбат методини янги (савол бериш ва саволни тўлдириш) методини олиб кирди.

Сукрот — фалсафий диалектиканинг асосчиларидан бири. У бахс орқали, яъни муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан ҳақиқатни аниқлаш мумкин деб тушунган.

Аристотель фикрича Сукрот мавжуд ҳақиқатдан умумий тушунчаларга ўтиш ҳақидаги индуктив таълимотни ҳамда ҳар бир нарсанинг моҳиятини билишнинг биринчи имкониятини берадиган тушунчаларни аниқлаш ҳақидаги таълимотни яратган. Унинг этика соҳасидаги асосий тезиси шундан иборат: эзгулик билимдир; донишмандлик, яъни яхшиликни билувчи яхшилик қилади; ёмонлик қилувчи эса яхшиликни ё билмайди, ёки пировардида яхшиликнинг тантанаси учун ёмонлик қилади. Сукротнинг тушунишича, ақл билан ахлоқ ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас. У тарбияда ахлоқий, эстетик, жисмоний тарбия мезонини ишлаб чиқди. Лекин Сукротнинг ахлоқий қарашларида тенгсизликни яққол сезиш мумкин. Унинг фикрича, ахлоқ фақат имтиёзли «мумтоз»ларгагина хос, «мумтоз» кишилар ҳақиқий ахлоқнинг ягона эгалари бўлганликлари учун ҳокимият ҳам уларнинг қўлларида бўлмоғи керак дейди.

Сукрот демократияга душманликда асоссиз айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. Лекин ўзи заҳар ичиб ўлган. Ҳақиқатда эса у адолатга хилоф бўлган давлатни бошқаришнинг ҳамма формаларини — монархия, тирания, аристократия, плутократия ва демократияни танқид қилган.

Платон эрамиздан илгари (424—347 йилларда) яшаган. Қадимги Юнонистоннинг машҳур – идеалист файласуфи, Сукротнинг шогирди, объектив идеализм назариясининг асосчиси эди. У «ғоялар дунёси»ни бирламчи, ҳис қилувчи нарсалар дунёсини иккиламчи деб ҳисоблади.

Платон оламини ҳодисалар дунёси ва ғоялар дунёси деб иккига бўлди. Унинг фикрича ғоялар абадий ва ўзгармасдир. Унинг назарида, нарсалар ғоялар оламининг соясидир, холос.

Афина аристократиясининг намояндаси бўлган Платон, аристократиянинг абадий ҳукмронлиги ҳақидаги назарияни илгари сурди. Унинг фикрича идеал аристократик давлат уч хил ижтимоий гуруҳ: файласуфлар, жангчилар, хунармандлар ва дехқонлар гуруҳидан иборат

бўлиши лозим. Файласуфлар давлатни бошқарадилар, жангчилар уни ҳар қандай душмандан ҳимоя қиладилар, учинчи гуруҳ эса меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириб, файласуфлар ва жангчиларни боқадилар, деган фикрни олға суради. Шунингдек, у кулларни ҳам сақланиб қолишини айтиб, унинг тасаввуридаги идеал давлатда куллар ҳам, ҳунармандлар ҳам ҳуқуқсиздирлар, пасткашлик ҳамда қаноат ва итоаткорлик фазилатларигина ҳунарманд косибларга ва деҳқонларга хос деб таъкидлайди.

Платоннинг фикрича, у олға сурган ғоя, бу давлатнинг мақсади олий эзгулик ғоясига яқинлашишдир: бу ғоя, асосан, тарбия йўли билан рўёбга чиқишини таъкидлайди.

Тарбия, — дейди Платон, — давлат томонидан ташкил этилмоғи ва ҳукмрон гуруҳларнинг — файласуфлар ва жангчиларнинг манфаатини кўзламоғи лозим. Платон ўзининг педагогика тизимида Спарта ва Афина тизимининг баъзи бир белгиларини бирлаштиришга интилади.

Платоннинг фикрича, болалар 3 ёшдан бошлаб 6 ёшгача давлат томонидан тайинлаб қўйилган тарбиячилар раҳбарлигида майдончаларда турли ўйинлар ўйнаш билан шуғулланишлари муҳимдир. Платон ўйинларни мактабгача тарбия воситаси деб ҳисоблаб, уларга катта аҳамият беради, шунингдек, болаларга ҳикоя қилиб бериладиган материалларни синчиклаб танлаш кераклигини ҳам уқтириб ўтади. У болаларга энг ёшлик чоғиданок ижтимоий тарбия бериш тарафдори эди.

Болалар 7 ёшдан 12 ёшгача давлат мактабларига қатнайдилар ва бундай мактабларда ўқиш, ёзиш, ҳисоб, мусиқа ва ашула ўргатилади.

Болалар 12 ёшдан 16 ёшгача одатдаги бадантарбия машқлари ўрганиладиган палестрада, яъни жисмоний тарбия мактабида ўқийдилар. Палестрани тамомлаган ўспиринлар 18 ёшгача ҳисоб, геометрия ва астрономияни ўрганадилар, бунда кўпроқ амалий мақсадлар (уларни жангчилар қилиб тайёрлаш) кўзда тутилган. 18 ёшдан 20 ёшгача йигитлар «Эфебия»да тарбияланадилар, яъни ҳарбий гимнастика тайёргарлигини ўтайдилар. Ақлий машғулотга майли бўлмаган йигитлар 20 ёшдан бошлаб, жангчилар қаторига ўтадилар. Абстракт тафаккурга қобилияти борлиги очиқ кўринган ёшлар, яъни йигитларнинг озроқ қисми 30 ёшга қадар фалсафа, шунингдек, ҳисоб, геометрия, астрономия ва мусиқа назариясини ўрганиш билан шуғулланиб, шу тариқа илм олишнинг учинчи, олий босқичини ўтайдилар, аммо бунда амалий мақсад кўзда тутилмасдан, балки фалсафа— назарияни мукамал ўрганиш кўзда тутилади. Шу тариқа улар давлат мансабларида ишлашга тайёрланадилар. Истеъдоди ғоят ўткир эканлиги маълум бўлган ва жуда озчиликни ташкил этган йигитлар фалсафа илмини ўрганишни яна 5 йил (35 ёшга қадар) давом эттирадилар, шундан сўнг 35 дан 50 ёшгача давлатни бошқарадилар.

Платон ҳам хотин-қизлар тарбияси хусусида фикр юритиб, Спартадаги усулни маъқуллайди.

Умуман Платон тарбия тизимининг бутун мазмуни ва моҳияти жисмоний меҳнатдан ғоят нафратланиш руҳи билан суғорилган. Платон ғоясига кўра бўлажак файласуфлар ва жангчиларнинг «жисмоний меҳнат

тўғрисида хато ўйлашлари» ҳам тақиқлаб қўйилган, шунингдек кулларнинг болаларини ўқитмаган маъкул, деган ғоя илгари сурилган.

Бирок, Платон мактабгача тарбия тўғрисида, давлат томонидан изчиллик билан олиб борилиши лозим бўлган тарбия тизими тўғрисида бир қанча муҳим фикрларни айтди, ижобий ўрнак намунасида тарбиялаш кабиларни талаб қилди.

Платон ўзининг ахлоқий тизимини яратар экан, устози Суқротга эргашиб, объектив идеализм йўлини тутди. Платон этикасининг асосий назарий таянч нуқтаси — инсон онги чегараларидан ташқарида бўлган ва мангулик ғоялари оламида худонинг доимий назорати остида бўладиган ягона ўзгармас «яхшилик» ғоясидир. Унинг фикрича, ердаги яхшиликларнинг ҳамма тури ўзида меъёр, гўзаллик ва ҳақиқатдан иборат уч тушунчани жамлаган олий «яхшилик ғояси»нинг инъикосигина бўлиши мумкин.

Платон фикрича, одамнинг ахлоқий ҳаёти шу олий «яхшилик ғояси»га интилишга тўла бўйсунган ва хушбахтлиқни ташкил этадиган, фақат олий «яхшилик» ғоясига интилишдагина хулқнинг намунасини кўриш мумкин. Шундай қилиб, Платон инсоннинг хулқини худо хоҳишига бўйсундиришга ҳаракат қилган.

Платон инсонга хос категориялар ва тушунчаларни синчиклаб ишлаб чиқиб, уларнинг барқарорлиги ва муайянлигини исботлагани ҳолда уларни кишилар жорий қилишини ҳам эътироф этмади. Шу билан, у ахлоқий қонунлар кишилар учун мажбурий ёки номақбул бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрга ўрин қолдирмади. У бу ўринда аристократ зодагонларнигина назарда тутган ҳолос. Халқ оммасига келганда унга ахлоқий ҳаётда арзимас ўрин берилган, унинг фикрича, халққа фақат бўйсунуш, итоаткорлик ахлоқигина хос. Куллар ҳеч қандай фазилатга эга эмаслар, деб ҳисоблагани сабабли Платон ахлоқий этикасига кўра, улар умуман чинакам ахлоқ эгаси бўлиши мумкин эмас.

Платон ахлоқий тушунчаларни ўзгармас ва барқарор деб қараши ҳамда уларни мутлақлаштириши жамият сиёсий тузилишининг ўзгармаслиги ғояларини ҳимоя қилишга ва қулдорлик давлатини идеаллаштиришга хизмат қилди. Натижада Платон этикаси аристократия назарида жозибадор бўлиб кўринади. Улар унинг этикасида ўз ҳаётлари тарзининг инъикоси ва ҳимоячисини кўрдилар.

Платоннинг шогирди бўлган, македониялик Искандарни тарбиялаган, қадимги Грециянинг энг йирик идеалист-файласуфи ва олими Арастунинг педагогика назариясини яратишдаги ва уни ривожлантиришдаги хизматлари жуда улкан.

Арасту—Аристотель (эрамиздан илгари 384—322 йиллар)да яшаган. Платоннинг шогирди бўлган, македониялик Искандарни тарбиялаган, Қадимги Юнонистонинг йирик идеалист-файласуфи ва олими эди.

Платон олимни ғоялар дунёси ва ҳодисалар дунёси деб иккига бўлган бўлса, унинг шогирди Арастунинг айтишича, ғояни шаклга ўхшатиш мумкин. Ҳар қандай буюмда биз унинг моддасини ва шаклини кўришимиз

мумкин. Моддада нарсалар бўлиши учун имкониятлар бор; модда бирон шакл олганидан сўнггина нарса бўлиб қолдаи. Чунончи, мраммарнинг ўзи бир моддадир, аммо унга маълум шакл берилса, хайкал тусини олиши мумкин.

Бутун ҳаёт тараққиёт жараёнидир, бу жараён, Арастуниг фикрича, ташқи кучларнинг таъсири остида содир бўлмайди, балки ички тараққиётнинг ўзидир. Арасту ташқи оламнинг мавжудлигига шубҳа қилмайди ва ҳиссий тажрибани, сезгиларни билишнинг асоси деб ҳисоблайди. Арастуниг таъкидлашича билишдаги хатолар нотўғри тафаккурдан, яъни ҳиссий тажрибани нотўғри талқин қилишдан келиб чиқади. Энг муҳими шундаки, Арасту шакл билан мазмуннинг бирлигини кўрсатиб ўтди, тараққиёт ғоясини олға сурди.

Арасту оламда тана ва жон бор, тана билан жон материя билан шакл тариқасида бир-бирдан ажралмаган ҳолда мавжуддир, дейди. Унингча, уч хил жон бор: ўсимликдан таркиб топган жон озикланиш ва урчиб кўпайишда намоён бўлади; ҳайвонотдан таркиб топган жон, ўсимлик хоссаларидан ташқари сезгиларда ва истакларда намоён бўлади; ақлнинг ифодаси бўлган жон, ўсимлик ва ҳайвонот хоссаларидан ташқари, у тафаккур ёки билиш хислатларига ҳам эгадир. Инсондаги жоннинг ҳайвоний қисми ақлга тобе бўлганлиги сабабли, уни ирода деб аташ мумкин.

Арастуниг фикрича, жоннинг мана шу уч хилига мувофиқ уч хил тарбия — жисмоний тарбия, ахлоқий тарбия, ақлий тарбия бўлиши керак. Тарбиянинг мақсади, унинг фикрича жоннинг олим томонларини — ақл ва иродани камол топтиришдан иборат эди. Ҳар бир моддада ривожланиш имконияти бор бўлганидек, инсонга ҳам табиат фақат қобилиятларнинг бошланғичинигина беради, инсонда камол топиш имконияти табиатда мавжуддир ва бу имконият тарбия воситаси билан рўёбга чиқарилади. Табиат жоннинг уч хилини бир-бири билан чамбарчас боғлаб қўйган, биз ҳам тарбияда табиат белгилаб берган йўлдан бориб, жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб боришимиз лозимлигини уқтиради.

Арастуниг фикрига кўра, давлатнинг умумий битта обирги мақсади бор, у ҳам бўлса, давлат ҳамма фуқароларга бир хилда тарбия берилишини таъминлаши лозим, мана шундай тарбия бериш эса хусусий ташаббуснинг вазифаси бўлмасдан, балки давлатнинг иши бўлиши лозим.

Ўқувчиларимизга айтишимиз керакки, инсоннинг табиатдан бериб олинган имконияти табиатда мавжуддир ва бу имконият тарбия воситаси билан рўёбга чиқарилади. Табиат жоннинг уч хилини бир-бири билан чамбарчас боғлаб қўйган, биз ҳам тарбияда табиат белгилаб берган йўлдан бориб, жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб боришимиз лозимлигини уқтиради.

Арастуниг фикрига кўра, давлатнинг умумий битта обирги мақсади бор, у ҳам бўлса, давлат ҳамма фуқароларга бир хилда тарбия берилишини таъминлаши лозим, мана шундай тарбия бериш эса хусусий ташаббуснинг вазифаси бўлмасдан, балки давлатнинг иши бўлиши лозим.

Ўқувчиларимизга айтишимиз керакки, инсоннинг табиатдан бериб олинган имконияти табиатда мавжуддир ва бу имконият тарбия воситаси билан рўёбга чиқарилади. Табиат жоннинг уч хилини бир-бири билан чамбарчас боғлаб қўйган, биз ҳам тарбияда табиат белгилаб берган йўлдан бориб, жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб боришимиз лозимлигини уқтиради.

Арасту ўғил болалар 7 ёшдан бошлаб давлат мактабида ўқиши лозим, деб уқтиради. Болаларга ақлий тарбия берилиши кераклигини айтиб, у ўғил болалар аввало бадантарбия муаллимларининг қўлига топширилсин, деб талаб қилади; бунда у болаларни ҳаддан ташқари чарчатиб қўймаслик кераклигини айтади ва уларни жисми мустаҳкамланиб олгунча енгил машқлар билан шуғуллантиришни тавсия этади.

Арасту жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан боғланган, деб қарайди. Бошланғич таълим вақтида, бадантарбиядан ташқари, яна ўқиш, ёзиш, грамматика, расм ва мусиқа ўргатилиши кераклигини алоҳида уқтириб ўтади. Ўсмирлар мактабда жиддий маълумот олишлари керак, улар адабиёт, тарих, фалсафа, ҳисоб, фалакиёт, мусиқа ўрганишлари шарт. Гўзалликни ҳис қилишни ўстириш учун мусиқа ўрганмоқ керак, аммо расм чизиш сингари мусиқа ўрганиш ҳам оддий хунарга айланиб кетмаслигини кузатиб туриш муҳим дейди. У хотин-қизларнинг тарбияси хусусида гапириб, бу эркакларнинг тарбиясига ўхшаб кетмаслигини, чунки уларнинг табиати мутлоқ эркакларникидан фарқ қилишини айтади.

Арасту ўз педагогик қарашларида ирода, фаолиятни асос қилиб олгани ҳолда, ақлий тарбия соҳасида ахлоқий кўникмаларга катта аҳамият беради. Табиий истеъдод, шу билан бирга, кўникма орттириш (матлуб ҳаракатларни ўрганиш, тез-тез такрорлаб туриш) ва ақл — булар ахлоқий тарбиянинг уч манбаидир, дейди.

Фазилатлар ҳосил бўлиши учун эзгу хулқ-одатларини ва кўникмаларини таркиб топтирадиган, яхши ўйлаб ўтказиладиган машқлар бўлиши ҳам зарур, бунга одатланиш, бунинг учун доимий ҳаракат қилиш лозим, одатдан, кўникишдан эса ахлоқий хатти-ҳаракат ҳосил бўлади, деб таълим беради.

Арастунинг қайд этишича, ҳар қандай истак ва фаолиятда камчилик, ортиқчалик ва ўртачилик бўлади. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсадан фақат ўртачилик, фақат мувозанат яхши ва фойдалидир. Демак, ҳамма нарсада ортиқчалikka ҳам, камчилikka ҳам йўл қўймайдиган хатти-ҳаракат яхшиликнинг нишонасидир. Мана шундай хатти-ҳаракатни ҳосил қилмоқ учун кўпроқ машқ қилиш керак, деган фикрларни олға сурди.

Арасту Платондан фарқ қилиб, оилани тарбиядан четлаштирмайди, ахлоқий тарбия бериш, асосан, оиланинг зиммасида бўлиши керак, дейди.

Арастунинг қарашлари антик педагогиканинг тараққиётига катта таъсир ўтказади. Айниқса унинг “Никомах этикаси” ва “Сиёсат” асарлари ахлоқ масалаларини назарий ишлаб чиқишга бағишланди.

Арасту, ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, “Табиат инсон кўлига қурол — ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин: шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади”, — дейди.

Арасту антик даврининг бошқа файласуфларига қараганда ахлоқий муносабатларнинг табиатини теран тадқиқ қила олди. Унинг фикрига кўра, ахлоқий фазилат — фаолият, хатти-ҳаракат демакдир. Барча ахлоқий

фазилатлар адолат, дўстлик, муҳаббат, сахийлик, сулҳпарварлик, хушфееълик ва ҳоказолар фақат инсон фаолиятида намоён бўлишини асослаб беради.

Одам жамиятда яшагани сабабли унинг ахлоқий фазилатлари ҳеч қачон соф, холис ҳолда намоён бўлмайди, балки фақат ижтимоий фаолиятдагина амалга ошади. Шунинг учун барча ахлоқий фазилатлар ижтимоийдир, дейди Арасту.

Инсон табиатан фазилатларга эга бўлмагани, балки фазилатга ўргангани сабабли, тарбиянинг (фақат болаларнигина эмас, шу билан бирга барча аҳолини тарбия қилиш) ролига катта аҳамият бериб, хусусан ҳиссиётларни туйғуларда идрокли тарбиялашга аҳамиятни қаратади. Унинг фикрича, бундай тарбия кишиларнинг ахлоқли бўлиб яшашга ўрганишлари учун зарур бўлган мавжуд қонун-тартиботлар ёрдамида амалга оширилади. Мутафаккир фазилат деганда ҳамиша ота-она ўрнини босиши мумкин бўлган давлатга хизмат қилишни назарда тутди.

Арасту ахлоқий фазилатлар билан бир қаторда инсон учун муҳим бўлган ақлий фазилатларга — билим, донишмандлик, фаҳмлаш ва бошқаларга ҳам катта аҳамият беради. Аммо ахлоқий фазилатларни ақлий фазилатларга бўйсундирган ҳолда ифодалайди.

Арасту фақат ақл фаолиятини тан олади. Шу сабабдан у бахт идеалини ҳақиқатан интеллектуал мушоҳада этишда деб билади.

Умуман антик файласуфлар Сукрот, Платон, Арастулар ўзларининг назарияларида ҳар бир нарсада меъёр бўлмоғи лозимлигини уқтириб ўтганлар. Улар ахлоқни инсоннинг бахтга эришиш воситаси деб қараганлар.

Атомизм назариясини яратган атоқли файласуф — материалист **Демокритнинг** қарашлари (эрамиздан аввалги 460—370 йиллар) қадимги юнон фалсафасининг чўққисидир. Демокрит ўз асарларида юқорида номлари қайд этилган мутафаккир файласуфлар каби тарбия масалаларига катта эътибор беради. У ўз назариясида табиат қонунларига, хурофотни ва кўрқувни емириб ташлайдиган чинакам билимларга мурожаат қилади.

Демокрит тарбияни табиатга мувофиқлаштириш масаласини биринчи бўлиб илгари сурди. “Табиат билан тарбия бир-бирига ўхшайди” деб ёзади у. Демокрит “таълим меҳнат асосидагина гўзал нарсаларни ҳосил қилади”, деб, тарбия ишида меҳнатнинг роли жуда катта эканлигини таъкидлади.

У доимо меҳнат қилиб туришни талаб қилди, меҳнатга одатларна борган сари, меҳнат енгил бўлиб боради, дейди. У ёмон ўрнадан эҳтиёт бўлиш керак, деб таъкидлайди ва яхши хулқ ҳосил қилишда машқнинг аҳамияти катта, деб ҳисоблайди.

Демокрит барча табиий жараёнларга, жумладан, инсоннинг ахлоқий муносабатларида ҳам киши хулқини реал, бу дунёдаги асосини топишга уринади. Демокрит ахлоқни одамнинг ўз табиатидан келиб чиқиб асослашга ҳаракат қилади. Билиш назариясида Демокрит моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлади, билиш жараёнида сезги ва тафаккур ролини кўрсатди. Унингча сезгиларимиз орқали олинган билим «қоронғи»; у оламнинг моҳиятини очиб беролмайди; ақл орқали олинган

билим «ёруғ», ҳақиқий билимдир. Табиат сирларини фақат фикрлаш йўли билан билиб олиш мумкин.

Демокритнинг ахлоқий ва педагогик қарашлари диний қобикдан холи эди. Шунинг учун ҳам ўзидан кейинги файласуф олимларга катта таъсир этди.

Айниқса, уларнинг инсон камолотидаги назарий қарашлари, тарбиянинг ролига берган катта аҳамиятлари педагогика тарихи назариясини яратишда асосий замин бўлиб хизмат қилди.

2. ғарбий Европада мактаб, маориф ҳамда педагогик фикрлар тараққиёти

Ўрта аср ғарбий Европа мамлакатларида икки гуруҳга бўлинган ва етти фанни ўз ичига олган таълим дастури вужудга келган эди. Биринчи гуруҳ учта фандан иборат эди, шу сабабли унга лотинча «тривиум» номи берилди. Бунга грамматика (лотин тили грамматикаси), риторика ва диалектика кирар эди. Иккинчи гуруҳ тўрт фандан иборат бўлгани учун уни лотинча «квадривиум» дейилади. Унга арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа кирар эди. Ҳаммаси бўлиб бу етти фанни «етти эркин санъат» деб аташ расм бўлиб қолди.

Мазкур ўқув фанлари қадимги Юнонистон таълим тизимидан олинган эди, бироқ ўрта асрларда уларга диний мазмун берилиб, ҳаммаси рамз билан диний маънода тушунтирилар эди. Масалан: грамматикани ўрганишдан мақсад — муқаддас диний китобларни ўқишни билиб олиш, риторика (нотиклик санъати назарияси)ни ўрганишдан мақсад ваъзхонлик қилиш, хутба ўқиш санъатини эгаллаб олиш, мусиқа дейилганда эса диний мусиқа назарда тутилари (католик черковида ибодат вақтида орган мусиқа асбоби чалинади ва диний ашулалар айтилади). Диалектика, мунозара, баҳслашиш санъати деб тушунилар ва католицизмга қарши чиқувчилар билан мунозара қилишга ёрдам берадиган фан деб ҳисобланар эди. Ҳаттоки математикага ҳам диний маъно берилар эди. Геометрия черков биноларини қуриш учун зарур фан ҳисобланар эди, арифметикани ўқитганда айрим сонларни рамз билан диний маънода (масалан «1» рақами бу худонинг бирлиги симболи (рамзи) деб тушунтирилар эди. Астрономиядан эса диний календарь тузишда фойдаланардилар.

Ҳамма фанларнинг тожи деб — теология ҳисобланар эди. Ўрта асрларда бериладиган таълим дастури черков мактаблари орқали амалга оширилар эди.

Черков мактабларининг асосий турлари: приход мактаби (яъни черковга қарашли), монастырь мактаби ва бош черков ёки епископ мактабларидан иборат эди.

Приход мактаблари бошланғич диний мактаблари бўлиб, унда ўғил болалар ўқир эди. Улар маҳалладаги черковга қарашли бўлиб, унда руҳоний ёки унинг ёрдамчиси ўқитувчилик вазифасини бажарар эди. Приход

мактабларида болалар христиан дини асослари ва қоидаларини, диний ашулалар айтишни, лотин тилида ўқиш ва ёзишни ўрганардилар. Баъзиларида эса болалар бошланғич ҳисоб илмини ҳам ўрганардилар.

Монастирь мактаблари монастирь ҳузуридаги мактаблар бўлгани сабабли шу ном билан юргизилади. Ўрта асрлар Европадаги монастирлар фақат тарки дунё қилган монахлар яшайдиган диний муассасагина бўлиб қолмай, балки баъзи жойларда улар ўз замонасига муносиб маданият маркази, маърифат ўчоғи ҳам эдилар. Бундай монастирларда турли китоблардан нусха кўчириш, китобхоналар ташкил қилиш билан шуғулланар, баъзи монахлар илмий муаммолар устида иш олиб борар эдилар. Монастирь мактабларида ўқитиш вазифаси учун махсус монахлар тайинланарди. Шу ишда ишлаб турган монахлар таълим-тарбия ишини уюштириш ва уни олиб бориш соҳасида анча тажриба тўплайдилар.

Монастирь мактабларининг кўпида приход мактабида ўқитиладиган фанлардан ташқари, яна юқорида айтилган «еттита эркин санъат»дан дарс берилар эди.

Монастирь мактабларига бошда фақат монах бўлишга тайёрланадиган ўғил болалар қабул қилинар эди, кейинчалик эса бу мактабларга ўқишни хоҳлаган ҳар бир киши қабул қилинаверди. Шу сабабдан монастирь мактаблари «ички мактаб» (монастирь девори ичида, фақат келгуси монахлар учун) ва «ташқи мактаб» (монастирь девори ташқарисида, ҳамма ўқишни истаганлар учун) номли икки мактабга бўлина бошлади.

Бош черков ёки епископ мактаблари марказий диний округдаги бош черков (собор)га қарашли мактаблар эди. Бундай округда дин ишлари бошқармаси жойлашган бўлиб, унинг бошида юқори лавозимли руҳоний — епископ турар эди. Шунинг учун бу мактабларни бош черков ёки епископ мактаблари дейилар эди. Бу турдаги диний мактабларда фақат ўғил болалар ўқир эди. Бош черков мактабларида одатда юқорида кўрсатилган етти фаннинг ҳаммаси ўқитилиб, бу фанлардан ташқари энг олий ва асосий фан деб ҳисобланган теология (дин ақоидлари) ҳам ўқитилар эди. Монастирь мактаблари сингари, бу мактабларга руҳоний бўлиш мақсадини қўймаган шахслар ҳам қабул қилинаверар эди, чунки хат-саводи бўлган кишиларга талаб тобора кучайиб борар эди. Шу сабабли монастирь мактаблари сингари, бу мактаблар ҳам «ички мактаб» (фақат руҳонийларни етиштирувчи) ва ҳамма ўқишни истовчилар учун «ташқи епископ мактаблари» номи билан икки хил мактабга бўлина бошлади.

Ўқиш черков томонидан тасдиқланган дин дарсликлари ва дин ақидаларини ёдлашдан иборат эди. Бу мактабларда белгиланган ўқув йилига риоя қилинмай, мактабга истаган вақтида кириб, уни турли вақтда тамомлаб чиқиш мумкин эди. Синф-дарс тизими ҳам йўқ эди. Ўқувчилар бир хона ичида тўпланган бўлсалар ҳам, ҳар қайсиси фақат ўз сабоғи билан шуғулланар, ўқитувчи эса шогирдларини битта-биттадан ўз олдига чақириб, ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида сабоқ берарди.

Бу мактабларда қаттиқ интизом ўрнатилар эди. Ўқувчилар қилган ҳар бир айби учун қаттиқ ва шафқатсиз жазоланардилар. Бундай мактабларда

одатда ўқувчиларга тан жазоси берилар эди (савалаш, оч қолдириш ва шу кабилар).

Ўрта асрларда ғарбий Европада мулкдор феодал ва аслзода табақаларига мансуб оилаларда туғилган қиз болалар одатда хотин-қизлар монастирлари ичида ёки махсус мураббиялар ва оилага биркитилган руҳонийлар қўл остидаги уйларда тарбия олардилар.

Рицарлик тарбияси. ғарбий Европада ҳам дунёвий феодаллар муҳотида рицарь фазилатларига эга бўлган тажрибали, моҳир ва мард жангчи, шунингдек, олижаноб, назокатли, одобли, хушмуомалали, виждонли, фидокор ва содиқ инсон — тарбияси билан боғлиқ алоҳида тарбия тизими, яъни рицарь тарбияси майдонга келди.

ғарбий Европа мамлакатларида рицарь тарбияси XII асрга келиб тўла таркиб топди ва ривожланди. Рицарь тарбиясининг мазмуни, «рицарларга оид етти фазилат»дан ташкил топди. Бу фазилатлар қуйидагилардан иборат эди: от миниб юришни, қиличбозликни, найзобозликни, суза олиш, ов қила билиш, шашка (кейинчалик шахмат) ўйнашни билиш, шеър тўқиш ва қўшиқ айта олиш. Бу фазилатлардан биринчи ўринда турган учтаси рицарга берилмоғи зарур ҳарбий тарбияга тааллуқлидир: рицарь отлик аскар, қилич ва найза эса ўша замон жангчисининг асосий қуроли эди. Сузиш ва ов қилишни билиш жисмоний чиниқиш, чаққонлик ва бардошлиликни ўстириш учун талаб қилинарди. Бундан ташқари, ов қилиш, шунингдек, ўзининг қаердалигини аниқлай билиш (ориентация қобиляти), топқирлик, хушёрлик, душманнинг изини топиш ва шу каби сифатларни ўстириш воситаси ҳисобланарди. Шашка ва шахмат ўйини, бир томондан, бекорчи вақтини банд қилиш, яъни ҳужум ва мудрофаа режасини туза билиш қобилятини ўстириш воситаларидан ҳисобланарди. Шеър тўқиш ва қўшиқ айта билиш эса ўзининг сюзеренига (кичик феодаллар устидан турган ҳоким, бошлиқ ва рицарнинг ҳомийси) мадҳия ўқиш ва ўзининг содиқлигини изҳор қилиш, унинг мардлигини, зафарларини, қаҳрамонлигини макташ ва шу орқали унинг илтифотига сазовор бўлиш ҳамда ўзи учун маҳбуба қилиб белгиланган феодал хоним-бегимга мадҳиялар ўқиш учун талаб қилинар эди. (Ўрта асрларда ғарбий Европа дворянлар жамиятида шундай расм бор эдики, бунга мувофиқ ҳар бир рицарь биронта аслзода феодал хонимнинг ҳомийлигида бўлмоғи лозим эди, рицарь ўзининг ҳомийси бўлган хонимни («дама сердца») дилига жо қилиб, унинг олдида тиз чўқар ва ўзини унга бағишлар эди).

Рицарга оид ана шу еттита фазилатни эгаллаш билан бирга, ўша даврларда дворянлар жамиятида қабул қилинган одоб ва назокат қоидаларини ўргатиш ҳам рицарь тарбиясининг мазмунига кирар эди.

Рицарь тарбиясининг амалий йўллари қуйидагилардан иборат эди: феодал ўз ўғилни 7 ёшданок сюзереннинг саройига жойлаштирар эди; бу ерда унинг ўғли 14 ёшгача паж вазифасини бажарар эди, яъни овқат вақтида хизмат қилар, сюзерен хони, феодал бегимнинг ва бошқа хонимларнинг юмушларини қилар, улар билан бирга сайрга чиқар, саройдаги қабул маросимларида ҳозир бўлар, ҳар қандай сарой байрамида ва томошаларида

иштирок қилар ва шу туфайли феодал дворянлар жамиятидаги расм ва қоидаларни эгаллаб олар эди, сўнгра 14 ёшдан 21 ёшгача сюзереннинг қурол-яроғини кўтариб юриш вазифасини бажарар эди. У сюзереннинг қурол-яроғини тартибда сақлар, сюзерен билан бирга жанг ва урушларда иштирок қилар, у билан овга чиқар, ҳарбий мусобақа ва ўйинларда, турнирларда (рицарларнинг куч синаш мусобақаларида) иштирок қилар ва шу туфайли ҳарбий билим ва ҳарбий санъатни эгаллаб олар эди. 21 ёшга кирганда унга катта тантана билан рицарлик унвони берилар эди.

Шаҳар мактабларининг вужудга келиши. ғарбий Европада XII—XIII асрларда ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши шаҳарларнинг ўсишига ва шаҳар маданиятининг вужудга келишига сабаб бўлди. Шаҳарнинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи ҳунарманд ва савдогарлар ўз болаларига амалий фаолият учун зарур бўлган билим беришни истар эдилар. Улар ўша даврларда черков мактабларидан қаноатланмадилар. Ҳунармандлар цехларга уюшиб, ўзларининг цех мактабларини оча бошладилар, бундай мактабларда ҳунармандларнинг болаларига ўз она тилларида ўқиш ва ёзиш, ҳисоб ва дин ўргатилар эди: ҳунар эса уйда — оталарининг устахонасида ўргатилар эди. Гильдияларга уюшган савдогарлар ҳам ўзларининг гильдия мактабларини оча бошладилар ва ўз болаларига дастур асосида билим бера бошладилар. Кейинроқ бориб цех ва гильдия мактаблари магистрат мактабларига, яъни шаҳар бошқармаси (магистрат) ҳаражатидаги мактабларга айланди.

Бу мактабларнинг мудир ва ўқитувчилари тегишли цех, гильдия ва магистратура томонидан тайинланардилар ва улар черковга қарам эмас эдилар. Бу мактабларда пул тўлаб ўқиларди.

Черковга қарашли диний мактабларга нисбатан, бу мактабларда диний расмлар билан бир қаторда амалий иш учун зарур бўлган хат, савод ва ҳисоб малакаларини эгаллашга кўпроқ эътибор бериларди. Баъзи мактабларда эса грамматика, риторика ва геометрия ўқитилар эди.

Бир талай цех, гильдия ва магистрат мактабларида ўқиш лотин тилидан она тилига кўчирилди ва лотин тили эса айрим ўқув фани бўлиб қолди.

Мазкур мактаблар билан бир қаторда хусусий мактаблар очила бошлади. Хусусий мактабларда ўқиш она тилида олиб борилар эди ва ўқиш учун пул тўланар эди.

Цех, гильдия ва магистрат мактабларининг вужудга келиши, ғарбий Европа мамлакатларидаги мактаб ишининг тараққиётида катта ютуқ эди. Ҳаёт талабларига жавоб берадиган шаҳар мактаблари аста-секин ривожланиб борди. XV асрга келиб бундай мактаблар ғарбий Европа мамлакатларининг деярли ҳамма йирик шаҳарларида мавжуд эди.

Европада дастлабки университетлар ҳамда Академияларнинг ташкил топиши ва улардаги таълим тизими. Европада биринчи университетлар XII асрнинг иккинчи ярмида Италияда (Болонья шаҳрида), Англияда (Оксфорд шаҳрида), Францияда (Парижда) ташкил қилинди. Бу университетлар дастлаб профессор ва студентларнинг мустақил идора

килинадиган уюшмаси (корпорацияси)дан иборат эди. Кейинчалик XIII асрда бу корпорациялар ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда давлат томонидан расмий тасдиқланди. Черков эса университетни тамомлаган студентларга илмий даража ва ўқитувчилик ҳуқуқини беришни ўз ихтиёрига олди. Ана шу тариқа университетлар расмий ўқув муассасасига айланиб қолди. XIV—XV асрларга келиб университетлар Европа мамлакатларининг ҳаммасида очилган эди.

Ўрта аср университетларида тўрт факультет бўлар эди. Тайёрлов факультетида «етти эркин санъат» (травиум ва квадрилиум) фанлари ўқитилар эди. Бу факультет ўрта мактаб вазифасини бажарарди. Бу факультетда 6—7 йил ўқиб, «санъат магистри» даражасини олар эди. Шундан сўнг улар асосий уч факультетдан бирида: илоҳиёт, медицина ёки юридик факультетида ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлар эди. Бу факультетларда ўқиш муддати 5—6 йил бўлиб, уни тамомлаганлар доктор, ёки олим унвонини олар эди.

Ўрта аср университетлари черков назорати остида ишлаганликлари оқибатида схоластика руҳидаги мактабга айланиб қолган эдилар. Бунда атроф-теваракда реал факт ва ҳодисаларни ўрганиш билан эмас, балки черков руҳонийлари томонидан маъқулланган ва тавсия қилинган китобларни ёдлаб олиш билан шуғулланардилар. Шу сабабдан бунда ўқиш қурук кироатхонликдан иборат бўлиб қолди. Университетларда ўқитиш методлари лекция, черков томонидан тасдиқланган дарслик ва асарларни ёдлаш ва диспут (мунозара)лардан иборат эди. Университетларда ўқиш фақат лотин тилида олиб борилар эди.

Университет таълимининг ва ундаги методларнинг схоластик мазмунидан қатъи назар, Ўрта аср университетлари Европа маданиятининг ривожланишида катта роль ўйнайди. Улар маърифат тарқатиш ва ўша даврдаги маълумотли кишиларни етиштиришда катта хизмат қилди.

Университетларнинг вужудга келиши ва уларнинг ривожланиши. XII—XIII асрда бир қанча ғарбий Европа мамлакатларида олий маълумот берадиган ўқув юртлари сифатида университетлар пайдо бўла бошлайди. Университетларнинг вужудга келишига ўша вақтларда кўп европаликларнинг араб маданияти (хусусан, медицина ва фалсафа) билан танишуви катта таъсир кўрсатди. Бу маданият билан танишишга ғарбий Европа феодалларининг XI аср охирида Шарқдаги араб мусулмон мамлакатларига қарши бошлаган ҳарбий ҳаракатлари сабаб бўлди. Ўша замон араб мамлакатларида маданият ва маърифат ғарбий Европадаги маданиятга нисбатан кўп жиҳатдан тараққий қилган эди. Хусусан араблар томонидан VIII асрда истило қилинган Испанияда ташкил қилинган араб олий ўқув юртлари Европа университетлари учун маълум даражада намуна бўлди. Испанияда араблар барпо қилган феодал мусулмон давлатининг пойтахти Кордова шаҳрида ташкил қилинган араб олий ўқув юртларида фалсафа, математика, астрономия, медицина фанлари ўқитилар эди. Европанинг турли мамлакатларидан келган кўп талабалар Кордовада ўқиб, олий маълумот олардилар.

Шунингдек, католик ва черков ақидаларига хилоф бўлган турли диний таълимот ва бидъатлар ҳам Европада университетлар ташкил қилинишига таъсир этди, чунки мана шу бидъатларга қарши кураш олиб борадиган олий маълумотли католик руҳонийларга эҳтиёж туғилди. Мавжуд черков мактаблари эса, бундай ходимлар тайёрлаш вазифасини бажара олмас эдилар. Католик черковига хилоф диний таълимотларнинг тарқалиши ва ривожланиши муносабати билан католик черкови маориф ишини батамом ўз қўлига олишга мажбур бўлди. Натижада католицизмга содиқ бўлган олий малакали ўқитувчиларга ҳам эҳтиёж юзага келди.

Университетларнинг пайдо бўлишига яна бир сабаб шу эдики, Европада катта давлатлар барпо қилинганлиги ва марказлаштирилган монархия ҳокимиятининг кучайганлиги муносабати билан илмли ва юксак малакали ҳуқуқшуносларга талаб туғилди. Мазкур сабаблардан ташқари XII-XIII асрларда ғарбий Европа ҳаётида юз берган иқтисодий, маданий ўзгаришлар, яъни ҳунар ва савдонинг ривожланиши, шаҳарларнинг ўсиб бориши ва шунга боғлиқ ҳолда дунёвий шаҳар маданиятининг тараққий қилиб бориши, халқаро алоқаларнинг кенгайиши, ёшлар ўртасида олий маълумот олиш ҳаракатини туғдирди, бу ҳол ўз навбатида университетларнинг пайдо бўлишига катта таъсир кўрсатди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Қадимги Юнонистонда тарбия, мактаб ва педагогика соҳасидаги фикрлар.

а) Спарта ва Афинада қандай таълим-тарбия муассасалари мавжуд эди, уларнинг фарқини изоҳланг?

б) Қадимги юнон файласуфларининг педагогик қарашларида қандай ғоялари илгари сурилган?

2. ғарбий Европадаги мактабларга тавсиф беринг?

3. Рицарлик тарбияси нима?

4. Ўрта аср университетларидаги таълим тизимини изоҳлаб беринг?

ЯН АМОС КОМЕНСКИЙ (1592—1670)

Чехословакиялик гуманист-педагог Ян Амос Коменский педагогика илмининг пойдеворини қурган, унинг кейинги ривожланиш йўлларини кўрсатиб берган, ўзининг онгли ҳаётини, амалий педагогик фаолиятини болаларни ўқитиш ва тарбиялашдек олижаноб ишга бағишлаган улуғ педагогдир.

Буюк чех педагоги Я.А.Коменский 1592 йил 28 март «Угорский Брод» деган жойда Моравияда тегирмончи оиласида дунёга келади. Унинг оиласи руҳоний «Чех қардошлари» жамоасига тегишли бўлиб, бу жамоа Чехиянинг озодлиги учун курашувчи ватанпарварларни ўз атрофига тўплаган эди.

Коменский ота-онасидан ажралиб, анча вақт ўқий олмайди, 16 ёшида «Чех қардошлари» жамоасининг ёрдами билан лотин мактабига ўқишга киради, бу ерда у тарбия тизимининг ёмонлигини, ўқув методларининг ярамаслигини кўради ва тушунади. «Мен ўша вақтдаёт тарбия масаласида мамлакатимни орқада эканлигини кўрдим. Мен ўша даврдаёқ фан ва тарбия ҳаммага тегишли бўлиши кераклиги ўйладим»— деган эди Коменский. Мактабни тугатгач Хорборни университетига (Германияда) ўқишга киради, уни тугатгач Гейдельберг университетига маъруза курсини тинглайди, бу университетда ўша даврда илғор профессорлар ишларди. Коменский Австрия, Голландияда бўлиб иқтисодий, сиёсий ва маданий турмушни ўрганайди. Шунингдек, ўзининг илми ва дунёқарашини кенгайтиради.

Ўша даврда уруш алоҳида князликлар орасида тез-тез бўлиб турар эди. 30 йиллик уруш (1618—1648) давомида чех қардошлари жамоаси ўзининг мустақиллиги учун курашиши сабабли немис дворянлари томонидан ҳайдалади. Ҳайдалиш натижасида Коменский хотини ва боласидан жуда бўлади. Кўлёмалари йўқолади.

«Чех қардошлари» кўчиб келиб ўрнашган Польшадаги Лешно шаҳрида Коменский қардошлик мактабига раҳбарлик қилади, у ерда гимназия ташкил этади. У ўзининг қарийб 80 йиллик умри давомида педагогика, таълим-тарбия, фалсафа, илоҳиётга оид 250 дан ортиқ асарлар, дарсликлар яратди. Булардан йириклари: «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очик эшиги» (1631), «Буюк дидактика» (1632), «Оналар мактаби» (1632), «Пансофия мактаби» (1651), «Яхши ташкил этилган мактаб қонунлари» (1653), «Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари» (1658) номли асар ва дарсликлар. Шунингдек, логика, физика, лотин тили, грек тили каби китоблар ёзади. Дарсликлари ҳаётлик давридаёқ кўп тилларга таржима қилиниб, Коменскийнинг номини бутун дунёга танитади.

Коменский «Кишилик жамияти ишларини яхшилаш ҳақида ҳаммага таллуқли маслаҳат» номли 7 жилдли катта асар ёзди (У ҳаёт эканлиги вақтида ҳаммаси бўлиб 2 жилди босилиб чиқди, қолган жилдлари эса фақат 1935 йилда топилди ва Чехословакияда чоп қилинди). Бу асарида «Ҳаммани ва ҳамма нарсада ҳар томонлама тузатиш»нинг инсонпарварлик ва демократик дастурини белгилаб чиқди ва кишилик жамиятини ислоҳ қилиш режасини илгари сурди.

«Буюк дидактика» асарида «**пан софия ғоясини**» (*пан* геркча — бутун, *хамма*, *софия* — донолик, ақллилик) **хамма нарсани билиш, хамма учун билим бериш**» демакдир. Пан софияда у табиат ва жамият билимларининг йиғиндисини беради. Мактаб — бу муассаса, у ерда «Ҳаммани ҳар нарсага ўргатмоқ керак» деган фикр кўп марта такрорланишини кўрамиз.

Коменскийнинг пансофия иши Англиянинг илғор кишилари томонидан қувватланиб, парламент томонидан қақрилади. Коменский 1641 йили Англияга келади, лекин граждандар уруши бошланиб кетиб, бу иш қолиб кетади. Коменский дуёга танилгандан сўнг ҳамма мамлакатларга уни

таклиф эта бошлайдилар. Швецияда лотин тили дарслигини ва тил ўқитиш методикасини тузади.

Коменский чех қардошлари жамоасига епископ қилиб тайинлангач, 1648 йилда Лешнога қайтиб келади. Жамоа тарқатилгандан сўнг у яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради. Бир неча йил Венгрияда мактабларни бошқаради. **«Видимўй мир в картинках»**, яъни **«Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари»** деган асар ёзиб, ўқиш ишини расмлар билан олиб боришни илгари суради. Бунда «Ёшларнинг хулқ қоидаси», «Яхши ташкил топган мактабларнинг қонуни» деган бир қанча педагогикага доир ишлари берилган.

1656 йили Швед—поляк уруши вақтида Лешнодаги чех қардошлари жамоаси тор-мор қилинади. Коменский Гамбургга қочади. Ундан Амстердамга ўтади. Шунда Голландия сенатининг буйруғига мувофиқ унинг асарлари тўплами босилиб чиқади.

Коменский ўз ватанини жуда севар ва унинг мустақиллиги учун кураш олиб боради. Унинг кўп асарларида ватанпарварлик ҳисси акс этган. У чех халқ поэзиясини йиғиб чех мақоллар тўпламини тузади ва ўз халқининг тилини сақлашга, севишга ундайди.

Коменскийнинг дунёқараши. Коменскийнинг дунёқарашида уч хусусият таъсирини кўрамиз.

1. Натур фалсафаси. 16—17-асрларда инглиз файласуфи — материалист Бекон сенсуалистик фалсафа назариясини илгари суради. Коменский ўқитиш жараёнига шу позициядан қарайди. Билиш сезишдан бошланади. Сезиш бўлмаган ерда билиш ҳам йўқ, дейди у.

2. Чех қардошлари жамоаси диний жамоа бўлганлиги учун Коменский ҳам диндор руҳонийдир. Лекин Коменскийнинг руҳонийлиги турмушга амалий қараш билан боғлиқ эди.

3. Коменский дунёқарашининг баъзи жиҳатлари Уйғониш даври таъсирида вужудга келади. Одамларга нисбатан муҳаббат, ҳушчақчақлик, одамларнинг яхшилиқ яратишига ишонч билан қараш, буларнинг ҳаммаси ўрта аср одамига нисбатан ишончсизлик билан қарашга қарама-қаршидир.

Коменский ташқи объектив дунёнинг ҳукм суришига ишонади. Дунё бир бутун. Дунёда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Ажралиб қолган нарса йўқ. Дунё қарама-қаршилиқлардан иборат. Дунё қотиб қолган эмас. У ўсишда, ўсиш эса ўз қонуниятига эга. Қонуният борлиққа, яъни худога тегишли, дейди.

Коменский ўзининг педагогик назариясида тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши тўғрисидаги тушунчани илгари суради. «Буюк дидактика»да ўқитиш табиийликка бўйсунуши, ўқитиш табиат талабига бўйсунуши керак, дейди. **Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаган бўлади.** Масалан, боғбон дарахтларни парвариш қилади, унинг ўсиш хусусиятларини ҳисобга олади. Худди шундай ўқитувчи тарбиялаш қонуниятига бўйсинади. Ўқитиш жараёни табиатга ўхшаб секинлик билан амалга ошади. Табиийлик принципида кишини табиатнинг бир бўлаги деб қараши (худо томонидан бунёд этилмаган) табиат қонунлари

унинг ўсишига таъсир этади дейиши ўз даврида илғор саналади. Лекин киши ижтимоий борлиқ бўлиб, ижтимоий қонун таъсирида ўсади.

Коменский, тарбиячи боладаги истеъдодни ўстириши керак. Агар бола педагогик таъсирсиз яшаса, бу истеъдод тасодифан ўсади. Киши дунёга келганда кишига хос истеъдодга эга бўлади. Худди олмадаги уруғга ўхшаб баъзида кўпроқ, баъзида камроқ бўлади.

Коменский тарбиянинг табиатга уйғунлик масаласида ҳамма нарсанинг асоси 4 та дейди. Масалан: Олам 4 нарсадан юзага келган, яъни; ер, сув, ҳаво, ёруғлик. Дунёнинг ривожланиши ҳам 4 қисмга бўлинади, булар: баҳор, ёз, куз, қиш. Инсоннинг ривожланиши ҳам 4 даврга бўлинади; гўдаклик, болалик, ўсмирлик, етуклик. Шунингдек таълим жараёни ҳам 4 га бўлинади; мактабгача тарбия, бошланғич таълим, ўрта таълим, олий таълим.

Умумтаълим ғояси. Коменский яшаган даврда ҳаммани ўқишга тортиш шарт эмас, қобилиятли кишигина ўқиши керак, деган ғоя мавжуд эди. Коменский эса ўқишга ҳамманинг тортилишини, ҳамма ўз она тилида умум бошланғич таълим олиши кераклигини уқтиради. Умумтаълим тўғрисида гапирганда аёлларни ҳам ҳисобга олади. Ўша даврда хотин-қизлар учун ўқиш жуда катта муаммо эди, шунга қарамай, у бу масалани илгари сурди.

Коменскийнинг педагогик назариясининг яна бир қимматли томони **ўқувчилар билим олиш тушунчасига эга.** Ойнани қанчалик чанг босган бўлса ҳам, барибир киши ўз аксини кўриши мумкин, албатта, тоза ойна киши аксини тоза кўрсатади. Ўқитувчининг вазифасини ойнадаги чангни артиб ташлаш, яъни билимни бола онгига етказиш, ани ақлий томондан ўстиришдир, деган эди.

Коменский ўз асарларида тарбиянинг мақсадини кўрсатади. Тарбиянинг мақсади кишини мангулик дунёсига тайёрлашдан иборатдир. Буни уч хил тарбия орқали амалга ошириш мумкин:

1. Ақлий тарбия.
2. Ахлоқий тарбия.
3. Диний тарбия.

Бу мақсад боланинг туғилганидан то 24 ёшигача амалга ошади, бу давр ичида бола тўрт мактабни ўқиб тугатиши, ҳар бирида 6 йил ўқиши керак, деб ҳисоблайди.

Коменскийнинг болани ёш даврларга бўлиши. Бунда у табиийлик принципига амал қилиб, бола ёшини 4 даврга бўлади.

1. Туғилганидан 6 ёшгача — она мактаби. Бу даврда боланинг сезиш органларини ўстиришга, боланинг қабул қилишини, атрофдаги дунё билан таништиришга катта аҳамият беради. Болани меҳнатга ўргатиш, ўз-ўзига хизмат қилишга жалб этиш керак. Она боладаги ахлоқий тарбиянинг асосларини, тўғрилиқ, ҳаққонийлик, меҳнатни севиш ва бошқаларни вужудга келтиради. Она мактаби боғча ёшидаги бола тарбиясини кўзда тутди.

2. 6—12 ёшгача — халқ мактаби ёки она тили мактаби. Бунда ўқувчи эса сақлаши, сўзлашга ўрганиши, ёзиш, бошланғич мактаб кўникмасини ҳосил қилиши керак бўлиб, бунинг учун геометрия, география, табиийёт фанларини ўрганиши лозим.

3. 12—18 ёшгача — гимназия. Бу ўқув юртининг вазифаси бола тушунчасини, тафаккур қобилиятини ўстиришдан иборат бўлиб, унда классик тиллар, табиийёт билимлари, ахлоқ, илоҳий фанлар ўқитилиши керак.

4. 18—24 ёшгача — Университет. Академия. Бу ўқув юртлари ўқувчининг иродасини, шахсини бир бутун ўстириши керак.

Шундай қилиб, мактаб Коменский қарашича ўқувчиларни ўйлашга, ҳаракатлантиришга, масалаларни амалда мустақил еча билишга, ўқувчиларни сўзлашга, ўз фикрини тўғри ифода қилишга ва исботлаб беришга ўргатиши керак. Меҳнат кишини улуғлайди, дейди Коменский. Шунинг учун меҳнатга ҳам ёшлиқдан ўргатиш кераклигини илгари суради.

Коменскийнинг педагогик назариясида таълим-ўқитиш, яъни дидактика катта ўринни эгаллайди. Бунда у табиийлик усулини асос қилиб олади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда боланинг ёши, билим даражаси, психологик хусусиятлари ҳисобга олиниб, дарсни табиат борлиғига мослаб олиб бориш керак, деган ғоя илгари сурилади.

Масалан: Қуш ўзига уя ясайди, уя иссиқ ва юмшоқ бўлиши керак. Мактаб ҳам худди шундай бўлиши керак.

Коменский ўзининг «Буюк дидактика» асарида мактабда ўқитиш тизимини амалга оширишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилишни тавсия этади.

1. Кўрсатмалилик тамойили;
2. Онглилик тамойили;
3. Изчиллик ва тизимлилик тамойили;
4. Машқ қилиш, билим ва малакаларни пухта эгаллаш тамойиллари.

1. Кўрсатмалилик тамойили — Коменский кўрсатмалилик тамойилини назарий жиҳатдан исботлаб, муфассал баён қилиб берди. У бу принципни фақат кўрсатиб ўқитиш усули тариқасидагина эмас, балки барча сезги органларини нарса ва ҳодисаларни асосли ва яхши ўзлаштириб олишга жалб этиш воситаси тариқасида кенг маънода тўғри тушунади.

Кўрсатмалиликни ўқитишнинг «Олтин қоидаси» деб атайди. Кўрсатмалилик принципида: а) болага реал нарсаларни кўрсатиш, б) дунёни расмлар орқали тушунтириш, в) нарсалар моделини кўрсатиш, г) ўқитувчининг сўзи. Коменский «Мир чувственнѹх вещей в картинках», яъни «Дунёдаги нарсаларнинг расмларда акс этиши» асарида ўқитилаётган, ўрганилаётган нарсаларни ушлаш, кўриш, ейиш, ҳидлаш кераклигини айтиб, бу ўрганилаётган материални чуқур бўлишга ва эсда узоқ вақт сақланишига олиб келади, дейди.

2. Онглилик тамойили. Коменский онглилик тамойилини илгари сураётган экан, ўқитишда маъно-мазмунини тушунмай, оғзаки ёдлашга қарши чиқади. «Ақл-идрок билан яхши тушуниб олинган нарсадан бошқа ҳеч бир нарсани зўрлаб ёдлатмаслик лозим». Ўқувчилар «Ўрганилаётган нарса кундалик ҳаётда қандай фойда етказишини ўқитувчи ёрдамида англаб олишлари керак. Шу билан ҳодисаларнинг сабабларини англашмоқ, ҳар бир нарсани тўла тушунтириб бўлгунча, шу нарса устида тўхтатмоқ керак» деб ҳисоблайди.

3. Коменский таълимнинг **тизимли** бўлишини талаб қилади. Ўқитилаётган материал ўқувчиларга асосий қодилар тариқасида лўнда баён қилиниши керак. Ўқитишда далиллардан хулосаларга, мисоллардан қонунларга ўтиш, далиллар ва мисолларни қоидалар тизимига солиб, умумлаштириб бериш лозим, акс ҳолда ҳодисаларнинг тизимсиз уюми ҳосил бўлиб қолади. Конкретдан абстрактга, осондан қийинга, умумийдан хусусийга ўтиш керак; аввал нарса, яъни ҳодисага умумий тушунча бериб, кейин унинг турли томонларини айрим-айрим ўрганиш кераклигини кўрсатади.

Изчиллик тамойилида — фан асосларини изчил баён қилиш ва системали тарзда ўргатиш талаб этилади. Изчиллик тамойилида, кун, ой, йилга вазифа қўйиш ва уни амалга ошириш учун интилиш кераклиги айтилади. Бунда аниқ вақтни белгилаш, ўқишнинг бола ёшига мос бўлиши, материал изчиллик билан ўрганилиши, яъни бугунги материал эртаги билан боғланиши ва кейинги ўтиладиган материалга йўл очиш керак.

Коменский **материални мустаҳкам, асосли ўзлаштириб олишларига** катта аҳамият бериб, «мустаҳкам асос» вужудга келтириш, ўқитилаётган нарсаларни бир-бирига боғлаган ҳолда олиб бориш лозим, дейди. Ҳар бир мавзу қисқа, аниқ қоидалар асосида берилиши керак. Ўтилган материални машқ қилдириш ва такрорлатиш ўқувчиларнинг материални мустаҳкам ўзлаштиришига олиб келади. Такрорланган дарс материали эса яхши сақланиб қолади. Овоз чиқариб такрорлашнинг фойдаси кўплигини кўрсатади. Машқлар ўрнида бир қанча қоидаларни белгилаб, такрорлаш йўллари аниқлаб беради. Ўқитишда тақриб билан таҳлилни бир-бирига қўшиб олиб бориш кераклигини кўрсатади.

Коменский мактабларда машқ қилиш билан ёзишни, нутқни машқ қилиш билан гапиришни, ашулани машқ қилиш билан ашула айтишни, хулосалар чиқариб бериш йўли билан хулосалар чиқаришни ва шу кабиларни ўргансинлар, токи мактаб иши қизиқ турган бамисоли бир устахона бўлсин дейди. Шунингдек, у ўқувчиларнинг билиш қобилиятини ўстиришга, билимга бўлган иштиёқини кучайтиришга ва илм ишига бўлган ғайратини оширишга интилди.

Синф — дарс тизими. Коменский ўқитувчи бутун синф билан жамоа бўлиб иш олиб боришини, яъни синф — дарс тизимида ўқитишни олиб боришни тавсия этди. Коменский синф — дарс тизимини ишлаб чиқади. Дарс вақтида ўтган дарсни қайтариш, янги мавзунини тушунтириш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш кераклигини кўрсатади. Дарсни режалаштириш ва олиб бориш тўғрисида кўрсатмалар беради. Ҳар бир дарснинг ўз мавзуси ва ўз вазифаси бўлишини айтади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг дарс машғулотларида фаол қатнашишларини таъминлаши, кузатиб бориши, синфда интизом сақланиши кераклигини уқтиради. Ўқув жараёнини ташкил қилишни ҳаддат ташқари ошириб юбориб, ўқитувчи бир вақтда 300 ўқувчи билан дарс олиб бориши мумкин, деб ҳисоблади. Ўқитувчи ўзига яхши ўқувчини ёрдамчи қилиб олиши мумкинлигини айтади.

У мактабда ўқув йили ва уни ўқув чоракларига бўлиш, таътилар берилишини киритди. Ўқув кунини (она тили мактабида 4 соат, лотин мактабида 6 соат) белгилаб берди. Ўқувчилар мактабга бир вақтда қабул қилиниб, ўқиш кузда (сентябрда) бошланиши керак, деб ҳисоблади.

Коменский дарслик қандай бўлиши тўғрисида қимматли фикрлар айтиб, ўз замонаси учун намунали бўлган бир неча дарсликлар ёзди. Ўзининг назарий фикрларини дарсликларида амалга оширди. Дарсликда ўқув материали етарлича бўлиши, қисқа, мазмунли, тушунарли, изчил берилиши керак. Дарслик оддий, болаларга тушунарли тилда ёзилиши, расмларга бой бўлиши керак. Дарсликдаги материал мунтазам тартиб билан жойлаштирилиши, болаларнинг ёшига қараб равшан баён этилиши шарт, дейди. Бу фикрларни ўзининг «**Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги**» ва «**Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари**» каби дарсликларида баён этади.

«Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги» дарслигини ўзининг дидактик тамойилларига амал қилган ҳолда тузди. Дарслик турли соҳаларда болалар тушуна оладиган билимлар билан таништиради.

«Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари»ни бошланғич билимларнинг болалар учун ёзилган энциклопедияси дейиш мумкин. 150 та суратлар билан берилган қисқа мақолада табиат ҳақида (олам, географияга доир, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон танаси ҳақида), одамнинг фаолияти ҳақида (касб-хунар, қишлоқ хўжалиги, маданият), ижтимоий ҳаёт ҳақида (давлат бошқармалари, суд ҳақида) маълумотлар беради. Бу китоб кўп тилларга таржима қилинди, бошланғич таълим учун 150 йилдан кўпроқ яхши дарслик сифатида хизмат қилади.

Ахлоқий тарбия. Интизом. Коменский ёшлигидан бошлаб болада ахлоқ ва одоб ҳосил қилиш кераклигини айтади. Мардлик, ўзини тута билиш, чидамлилиқ, вақт ва вазият талаб қилганида фойда етказишга тайёр бўлиб туриш, бурчни адо қилиш каби ҳислатлар фазилатдир. Шу асосий фазилатлардан ташқари камтарлик, мўмин-қобиллик, кишиларга хайрихоҳлик, покизалиқ, пухталиқ, хушмуомалалиқ, катталарни ҳурматлаш, меҳнатсеварлик ҳислатларни тарбиялашни ҳам муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

У қуйидагиларни ахлоқий тарбия воситалари деб билади: а) ота-она, ўқитувчи, ўртоқларининг намунаси; б) болаларга йўл-йўриқ кўрсатиш, улар билан суҳбатлар ўтказиш; в) болаларни яхши хулққа ўргатишда машқлар ўтказиш, ялқовлик, ўйламай иш қилишга, интизомсизликка қарши курашиш.

Коменский интизомнинг катта аҳамияти борлигини кўрсатиб, «**Интизомсиз мактаб бамисоли сувсиз тегирмондир**» деган чех мақолини келтиради. Ўрта аср мактабларида калтак воситаси билан ўрнатиладиган интизомга у қарши чиқади. Болаларга инсоний муомалада бўлишни тавсия этади. Интизом: ўқитувчининг намуна кўрсатиши, самимий, очиқ хайрихоҳлиги, ўқитувчининг болага бўлган тўғри муносабати (агар у болани севса, унинг яхши бўлишини истаса, дарси мазмунли бўлса, тушунтира олса

интизомлилик вужудга келади), болани кўпчилик олдида, ўртоқлари ўртасида оқилона мақташ ёки қоралаш интизомлиликка олиб келади, дейди.

Ўқитувчининг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар. Коменский ўз даврида истеъдодсиз, маълумотсиз ўқитувчиларни қаттиқ танқид этди. Ўқитувчиликни «ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб» деб ҳисоблади. Бу ўқитувчига нисбатан янги илғор қараш эди, чунки ўша даврда ўқитувчилик касбига ҳурмат билан қаралмас эди. Коменский аҳолининг ўқитувчига ҳурмат билан қарашини талаб этиши билан ўқитувчининг ўзи жамиятда муҳим вазифани бажараётганини тушуниб олиши ва ўз кадр-қимматини яхши билиб олиши лозимлигини уқтиради. Ўқитувчи соф виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли бўлиши, ўз ишини севиши, ўқувчиларга оталардек муомала қилиши, уларда билимга ҳавас туғдириши лозим. «Ўзи» намуна кўрсатиб, ўқувчиларни ўзига эргаштириши ўқитувчининг биринчи вазифасидир, деган эди.

Шундай қилиб, таниқли славян педагоги Ян Амос Коменский бутун дунёда педагогика илмига асос солиб, мактаб тараққиётига, педагогик илмига катта таъсир кўрсатди. Уни кўп ғарбий Европа мамлакатлари мактаб ишини яхшилаш мақсадида таклиф этдилар. Унинг дарсликлари кўп тилларга, жумладан ўзбек тилига ҳам таржима этилди. 150 йилдан ортиқ вақт давомида унинг ёзган асарлари бошланғич таълим учун дарслик сифатида хизмат қилди. Машҳур немис олими Лейбниц қайд қилиб ўтганидек, фалсафани тараққий эттиришда Коперник қандай роль ўйнаган бўлса, педагогикани тараққий эттиришда Коменский ҳам шундай роль ўйнади.

Коменскийнинг педагогикаси илмий педагогик бўлиб, жаҳон маданиятига қўшилган катта ҳиссадир. Унинг қарашлари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Я.А.Коменскийнинг тарбия ҳақидаги фикрларини изоҳланг?
2. Я.А.Коменскийнинг синф-дарс тизими нималардан иборат эди?
3. Я.А.Коменский ўқитувчилар ҳақида қандай фикр билдирган?
4. Я.А.Коменскийнинг дидактикаси ва ундаги янгиликлар нималардан иборат?
5. Мустақил иш. Я.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарининг XVIII-XIX-XX-XXI бобларини ўқиб ўрганиш.

ИОГАНН ГЕНРИХ ПЕСТАЛОЦЦИ (1746—1827)

Песталоццининг педагогик фаолияти. Иоганн Генрих Песталоцци Швейцариянинг Цюрих шаҳрида врач оиласида туғилди. Песталоцци отадан ёш жудо бўлиб, онаси ҳамда оддий деҳқон аёл — уларнинг собиқ хизматчиси тарбиясида ўсди.

Песталоцци аввал бошланғич мактабда, сўнгра лотин мактабида ўқиб илм олди. Песталоцци ўрта мактабни тамомлагач, кўпроқ гуманитар фанлар ўқитиладиган олий ўқув юртига — коллегийумга, унинг филология ва фалсафа бўлимларига кириб ўқиди. Песталоцци коллегийумни тамомламай туриб, халқнинг аҳволини яхшилаш тўғрисида ўзининг азалдан орзу қилиб келган ниятини амалга оширишга қарор қилди. 1769 йилда Песталоцци ўзининг ижтимоий тажрибасини бошлади. У пул қарз олиб, кичикроқ кўрғон ва ер сотиб олди, бу ерга «Нейгоф» («Янги кўрғон») деб ном берди ва теварак-атрофдаги деҳқонларга ўз хўжалиklarини унумдор хўжаликка айлантиришни ўргатиш мақсадида, бу ерда намунали ферма ташкил қилмоқчи бўлди. Тажрибасиз ва хўжалик ишларидан беҳабар бўлган Песталоцци орадан кўп ўтмай синди, ва у халқ фойдасини кўзлаб яна янги йўллар қидиришга мажбур бўлди.

У 1774 йилда «Нейгоф»да «Камбағаллар муассасаси»ни очиб, етим ва боқимсиз болалардан 50 га яқин кишини шу муассасага тўплади. Песталоццининг фикрича, болаларнинг ўзлари ишлаб топган пуллар шу етимхонанинг харажатини қоплаши керак эди. Етимхонада тарбияланаётган болалар далада ишлар, шунингдек, тўқув ва йигирув дасгоҳларида ип йигириб, мато тўқир эдилар. Песталоццининг ўзи болаларга ўқиш, ёзиш ва ҳисоб ўргатар, уларни тарбиялаш билан шуғулланар эди. Ҳунарманд усталар эса болаларга ип йигириш ва тўқишни ўргатардилар. Шу тариқа, Песталоцци ўз муассасасида болаларни ўқитишни уларни унумли меҳнатга ўргатиш билан қўшиб олиб боришга уринди.

Песталоцци бошлаган иш тезда барбод бўлди, чунки сиёсий ҳокимият ва моддий маблағларнинг эгалари уни қўллаб-қувватламадилар. Болалар минг машаққат билан меҳнат қилиш туфайлигина ўзлари яшаб-ишлаб турган етимхона харажатларини кўтара олар эдилар, лекин гуманист ва демократ Песталоцци ўзи тарбиялаётган болаларни бундай оғир шароитда яшашини истамасди ва бунга йўл қўя олмас эди. У болаларни меҳнатини, аввало, болаларнинг жисмоний кучларини ақлий ва ахлоқий қобилиятларини ўстириш воситаси, деб билди. У болаларга фақат ҳунар ўргатибгина қолмасдан, балки уларни кенг равишда меҳнатга ўргатишга интилди.

Песталоцци Нейгофда ўтказган тажрибанинг педагогика учун аҳамияти катта бўлди. Песталоцци тажрибани давом эттириш учун маблағ бўлмаганлиги сабабли орадан кўп вақт ўтмай етимхонани ёпишга мажбур бўлди. Лекин бу муваффақиятсизликлар уни, халққа ёрдам бериш мақсадидан қайтара олмади.

Песталоцци 1798 йил Швейцария инқилоби натижасида етим қолган 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган 80 болага мўлжалланган етимхона очди. Бу етимхонанинг иш мазмуни уни 1799 йили ёзган «Станца бўлиши тўғрисида дўстларидан бирига юборган мактуб»ида қуйидагиларни баён этади:

«Эрталабдан то кечгача уларга якка ўзим ҳамроҳ эдим^{3/4} Менинг қўлларим уларнинг қўлида, кўзларим уларнинг кўзларида эди. Улар йиғласа, мен ҳам йиғлар эдим, улар кулса, мен ҳам кулар эдим^{3/4} Улар нима еса, мен

хам шуни ейман, нима ичса, мен ҳам шуни ичар эдим. Менинг ўшалардан бошқа уйим ҳам, дўстим ҳам, хизматчим ҳам йўқ эди^{3/4}»

Песталоцци етимларнинг севимли отаси, энг яхши дўсти эди. Уруш харакати бошлангандан кейин етимхона ёпилди.

Кейинги ўн саккиз йил давомида Песталоцци ўша даврнинг энг муҳим масаласини: деҳқон хўжаликларини қандай қилиб тиклаш, уларнинг турмушини яхшилаш, меҳнаткашларнинг ахлоқий ва ақлий ҳолатини қандай қилиб ўзгартириш масаласини ҳал қилишга жамоатчилик эътиборини тортишга интилиб, адабий фаолият билан шуғулланди. У «Лингард ва Гертруда» (1781—1787) деган ижтимоий-педагогик роман ёзиб, бу романда хўжаликни оқилона усулда олиб бориш ва болаларни тўғри тарбиялаш воситаси билан деҳқонларнинг турмушини яхшилаш тўғрисидаги ўз гояларини олға сурди.

XIX асрнинг бошларидаёқ Песталоццининг «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади», «Оналар китоби ёки оналар учун ўз болаларига кузатиш ва гапиришни қандай ўргатиш ҳақида қўлланма», «Кузатиш алифбеси ёки ўлчаш ҳақида кўрсатмали қўлланма», «Сон тўғрисида кўрсатмали таълим» деган китоблари босилиб чиқди. Бу китобларида бошланғич таълимнинг янги усуллари баён қилинди.

1800 йили Песталоцци раҳбарлигида институт ташкил этилди. Институт таркибига, интернат шаклидаги ўрта мактаб ҳамда ўқитувчилар тайёрлаш семинарияси киритилган эди. Тез орада бу институт бутун дунёга машҳур бўлди. Песталоцци 1825 йили Иверден институти ўқитувчилари орасидан келиб чиққан низолар натижасида ўз қишлоғи «Нейгоф»га қайтади ва 80 ёшга етган, қария бўлишига қарамай, бу ерда ўзининг охирги асари — «Оқ қуш қўшиғи» (1826) асарини ёзди.

Песталоцци ўзининг бутун истеъдоди ва кучини меҳнаткашларнинг оғир аҳволини яхшилашга сарфлаган бўлса ҳам, лекин уларнинг аҳволини яхшилашга муваффақ бўлолмаганлигининг сабаби нималигини тушунолмади. У 1827 йилда вафот этди.

Песталоццининг ижтимоий-педагогик ва фалсафий қарашлари. Песталоцци ўз халқини оёққа турғозишни орзу қилди, у меҳнаткашларни ўқитиш ва тарбиялаш йўли билан уларнинг турмушини ўзгартириш мумкин, деб ўйлади. У халқ бошига тушган кулфатларнинг манбаи иқтисодий шароит эмас, балки маърифатнинг йўқлиги деб билди.

Песталоцци ҳамма одамлар тарбия ва илм олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим, мактаблар жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиши кераклигини таъкидлади. Унинг фикрича, ҳар бир кишининг ҳақиқий инсоний кучлари ҳаракатга келиб, мустаҳкамлангандагина энг муҳим ижтимоий масалалар ҳал қилинади. Бунга тарбия йўли билан ҳам эришиш мумкин.

Песталоццининг фикрича, меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситасидир, меҳнат одамнинг жисмоний кучларинигина эмас, шу билан бирга, ақлини ҳам ўстиради, шунингдек, унда ахлоқ ҳам таркиб топтиради. Меҳнат билан шуғулланаётган одам меҳнатнинг жамият ҳаётида

жуда катта аҳамияти бор деган ишонч туғилади, бундай ишонч эса одамларни аҳил ва мустаҳкам ижтимоий иттифоқ қилиб, бир-бирига боғловчи энг муҳим кучдир.

Песталоццининг фикрича, билиш сезги органлари орқали идрок қилишдан бошланади ва тасаввурларни қайта ишлаш йўли билан ғоялар даражасига кўтарилади, ғоялар эса, гарчи равшан бўлмаса ҳам одамнинг онгида таркиб топтирувчи куч тариқасида мавжуд, лекин ўзининг намоён бўлиши ва жонланиши учун сезгилар етказиб берувчи материалга муҳтождир.

Песталоццининг дунёқараши инсонпарварлик руҳи билан, демократик интилишлар руҳи билан суғорилган ҳамда баъзи бир материалистик даъволарни ва диалектик қоидаларни ўз ичига олган эди.

Тарбиянинг мақсади ва моҳияти. Песталоццининг фикрича, тарбиянинг мақсади одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини ўстириш, ўстирганда ҳам ҳар томонлама ва бир-бирига уйғун равишда ўстиришдир. Тарбиянинг болага кўрсатаётган таъсири унинг табиатига уйғун бўлиши лозим.

Песталоцци тарбиянинг моҳияти тўғрисидаги тасаввурга асосланиб, тарбиянинг янги методларини — инсоннинг кучини инсон табиати билан мувофиқлаштириб, ўстиришга ёрдам берадиган методларни яратишга интилади. Болани тарбиялашни, дейди у, унинг туғилган куниданоқ бошлаш лозим: «Бола туғилган соат — унга таълим беришнинг биринчи соатидир». Шу сабабли чинакам педагогика онани тўғри тарбиялаш методлари билан куроллантириши керак. Педагогика санъати эса шу методикани ҳар бир она, жумладан, оддий деҳқон аёл ҳам эгаллаб оладиган қилиб соддалаштириб бериши лозим. Оилада табиатга мувофиқ қилиб бошланган тарбия мактабда ҳам давом эттирилиши лозим.

Барча инсоний кучлар ва имкониятлар энг оддий нарсалардан ривожлана бошлайди ва секин-аста мураккаброқ даражага кўтарила беради. Тарбия ҳам ана шу йўлдан бориши лозим.

Ҳар бир болага хос бўлган туғма куч ва қобилиятлар кўрсатқларини табиий тартибга мувофиқ одам камолотининг абадий ва ўзгармас қонунларига мувофиқ ҳолда мунтазамлик билан машқ қилдириб, ўстириш керак.

Элементар таълим назарияси. Песталоцци назариясига кўра тарбиялаш энг оддий элементлардан бошланиб, аста-секин тобора мураккаброқ даражага кўтарилиб бориши лозим.

Песталоццининг элементар таълим назарияси жисмоний тарбияни, меҳнат тарбиясини, ахлоқий ва эстетик тарбияни ҳамда ақлий тарбия ва ўқитишни ўз ичига олади. Тарбиянинг мана шу жиҳатларини Песталоцци бир-бирига боғлаб олиб боришни таклиф қилди, мана шундай тарбиялаш натижасидагина инсоннинг ҳамма жиҳатлари бир-бирига уйғун бўлиб камол топишини таъминлаш мумкин, деди.

Жисмоний тарбия ва меҳнат тарбияси. Песталоцци боланинг барча жисмоний кучлари ва имкониятларини ўстиришни уларни жисмоний

жихатдан тарбиялашнинг мақсади деб, боланинг ҳаракатга, ўйнашга, бир жойда ўтириб қолмасликка, ҳамма нарсага ёпишишга, ҳаммаша ҳаракатда бўлишга мажбур қилувчи табиий интилишини жисмоний тарбиялашнинг асоси, деб ҳисоблади.

Песталоцци инсон шахсини камолотга етказишда жисмоний тарбияга жуда катта аҳамият беради ва уни болаларнинг ўсишига катталарнинг оқилона таъсир кўрсатишининг биринчи тури, деб ҳисоблади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ўқитишни унумли меҳнат билан қўшиб олиб бориш Песталоццининг педагогик тажрибаси ва назариясидаги асосий қоидалардан бири бўлди. Песталоццининг фикрича («Лингард ва Гертруда» романида ёзёёёёёёёёёё) мактабда болалар кун бўйи йиғириш ва тўқиш дастгоҳларида ишлаш билан вақт ўтказадилар; мактаб ҳузурида ер участкаси бўлиб, бу участкада ҳар бир бола ўзига ажратиб қўйилган пайкалдаги экинларни парвариш қилади, чорва молларини парвариш қилади. Болалар зиғирпоя толасини ва жунни ишлашни ўрганадилар, қишлоқнинг энг яхши хўжаликлари билан, шунингдек, ҳунармандчилик устахоналари билан ҳам танишадилар. Ўқитувчи иш вақтида, шунингдек, ишдан бўш вақтларида болалар билан машғулотлар ўтказди, уларга савод, ҳисоб ва турмуш учун зарур бўлган бошқа билимларни ўргатади. Песталоцци одамнинг камолотга етиши учун меҳнат тарбиясининг аҳамияти катта эканини ўқитиб ўтди. У иш вақтида «болаларнинг кўнглини хушвақт қилиш ва ақлини ўстиришга» интилди. Шунингдек, у меҳнаткашларнинг болаларини келгусида, «индустрия»да, саноат корхоналарида ишлашга тайёрлашга ҳаракат қилди.

Ахлоқий тарбия. Песталоцци тарбиянинг асосий вазифаси — келгусида ижтимоий ҳаётда қатнашиб фойда етказа оладиган ва ҳамма жихатлари уйғун бўлиб камол топган инсон етиштиришдир, деб билади. Болани бошқаларга фойда келтирадиган ишларда муттасил машқ қилдириш йўли билан унинг ахлоқи вояга етказилади. Песталоццининг фикрича, бола организмнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш асосида болада онага нисбатан туғилаётган меҳр-муҳаббат ахлоқий тарбиянинг энг оддий элементи дир. Боланинг ахлоқи учун оилада негиз солинади. «Ота-онанинг уйи, — дейди Песталоцци, — ахлоқ мактабидир!». Боланинг онага бўлган муҳаббати аста-секин оиланинг бошқа аъзоларига ҳам ўтади.

Ақлий таълим. Песталоццининг ақлий таълим тўғрисидаги таълимоти бой ва мазмунли таълимот дир. Песталоцци ўзининг инсоннинг ҳамма жихатларининг бир-бирига уйғунлашиб камолга етиши тўғрисидаги асосий ғоясига таяниб, ақлий таълимни ахлоқий тарбия билан боғлаб олиб бориш кераклигини кўрсатади ва тарбияловчи таълим олиб боришни талаб қилади.

Ҳар қандай таълим кузатишга ва тажрибага асосланиши ҳамда хулосалар ва умумлашмалар даражасига кўтарилиши лозим, дейди Песталоцци кузатишлар натижасида болада кўриш, эшитиш сезгилари ва бошқа сезгилар ҳосил бўлади, бу сезгилар болада фикрлаш ва сўзлаш эҳтиёжини туғдиради, дейди.

Одамнинг сезги аъзолари ёрдамида ташқи дунё тўғрисида ҳосил қилган тасаввурлари дастлаб равшан ва аниқ бўлмайди. Таълимнинг вазифаси ҳам шундан иборатки, у мана шу тасаввурларни тартибга солиши ва аниқлаши, равшан тушунчалар даражасига етказиши, «тартибсиз тасаввурларни равшан тасаввурларга ва равшан тасаввурларни очиқ кўриниб турган тасаввурларга» айлантириши керак. Таълим, биринчидан, ўқувчида ўзининг сезги аъзолари воситаси билан ҳосил қилган тажрибалар асосида билимлар захирасини тўплашга ёрдам беради, иккинчидан, боланинг ақлий қобилиятларини ўстиради.

Песталоцци таълимнинг ҳар босқичи учун махсус равишда танлаб олинган, ҳар бир боланинг ўзига хос ақлий кучларини ҳамда қобилиятларини тинимсиз ва мунтазам равишда ўстириб борадиган тизим воситаси билан болаларга ақлий таълим беришга интилни.

Песталоцци таълимни соддалаштиришга ва психология негизига қуришга интилиб, нарсалар ва буюмлар тўғрисидаги ҳар қандай билимнинг энг оддий элементлари бор, одам шу элементларни ўзлаштира бориб, ўз атрофидаги оламни билиб олади, деган фикрга келди. У сон, шакл ва сўзни мана шундай элементлар деб ҳисоблади. Ўқитиш жараёнида бола ўлчаш йўли билан шаклни, ҳисоблаш ва нутқни ўстиришдан иборат бўлади. Песталоцци ўз замонидаги бошланғич мактабда ўқитишнинг мазмунини тубдан ўзгартиради, ўқитиладиган дарслар қаторига ўқиш, ёзиш, арифметикани ва геометриянинг бошланғич қисмларини, ўлчаш, расм чизиш, ашула, гимнастика, шунингдек, география, тарих ва тиббиётга доир энг зарур билимларни киритди. Шундай қилиб, Песталоцци бошланғич мактабнинг ўқув режасини анча кенгайтди ва бу мактабда ўқитишнинг янги методикасини вужудга келтирди. Ўқитиш методикаси болаларни билимлар билан бойитишга ҳамда уларнинг ақлий кучларини ва қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради.

Песталоцци кўрсатмалилик принципини таълимнинг энг муҳим негизи деб ҳисоблайди. Бу принципни кенг равишда қўлламадан туриб, теварак-атроф тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилишга, тафаккурни ва нутқни ўстиришга эришиб бўлмайди.

Песталоцци мактаб болаларининг қобилиятларини ўстириши, уларга билим бериши билан бир қаторда, уларда кўникма ва малакалар тарбиялаши ва лозим, деб ҳисоблади. Кишининг камолга етган ақли ва олийҳиммат қалби талаб қилган нарсаларни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қила билишига боғлиқдир.

Бошланғич таълимнинг хусусий методикаларини яратиш.

Песталоцци ўзининг умумий дидактик қоидаларига таяниб, бошланғич таълимнинг хусусий методикаси асосини яратиб берди.

Песталоцци она тили ўқитишнинг асосий вазифаси боланинг нутқини ўстириш ва унинг сўз бойлигини орттиришдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблади. Песталоцци савод ўргатишда товуш методини биринчи ўринга

қўйди, бундай қилиш ҳарфларни қўшиб ўқитиш методи ҳукмронлик қилиб турган ўша вақт учун ғоят муҳим эди.

Песталоцци она тили ўқитишни кўрсатмали принцип асосида олиб бориш ва болларга табиийёт, география ва тарихга доир элементар маълумотлар бериб, шу тариқа болаларнинг сўз бойлигини орттириш тўғрисида қимматли кўрсатмалар берди.

Песталоцци зериктирарли ва бир хилдаги машқлар қилдириш билан болаларда кузатиш, нарса ёки ҳодисанинг белгиларини аниқлай олиш малакасини ўстиришга, бирор нарсани аниқ ва тўла тасвирлаб бера олиш малакасини ҳосил қилишга интилди.

Болаларда ёзув малакасини ҳосил қилмоқ учун Песталоцци дастлаб тўғри ва эгри чизиқларни — хатларнинг элементарларини чиздириб, машқ қилдиришни тавсия этди. Песталоцци ёзув ўргатишни нарсаларни ўлчаш ва суратни чизиш билан шунингдек, нутқни ўстириш билан боғлаб олиб боришни таклиф қилди.

Ўлчашни ўргатмоқ учун Песталоцци дастлаб тўғри чизиқ чизишни, сўнгра бурчак, квадрат чизишни ва бу квадратни бўлақларга (яримта, чоракта қилиб ва ҳоказо) бўлишни ўргатишни таклиф қилди. Тарбиячи болаларга турли геометрик жисмларни кўрсатиш ва уларнинг номларини айтиб бериши лозим. Болалар бу геометрик жисмларни кузатиб, уларнинг хоссалари ва номларини ўзлаштириб оладилар, уларни ўлчашни ўрганадилар.

Бола ўлчов натижаларини чизиб ва ёзиб олиши лозим; бундай машқлар болага ёзув ўргатишнинг асосидир.

Песталоцци педагогика назарияси ва тажрибасининг аҳамияти. Песталоцци кўзга кўринган назарийгисини ва амалиётчи эди.

Песталоцци одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини бир-бирига уйғун қилиб ўстиришдек вазифани тарбиянинг асосий вазифаси деб билди. У элементар таълим назариясини яратди, бу назария догматик таълимга, яъни маъносини тушунмай ёдлашга қарши олиб борилган XIX асрда халқ мактабини ривожлантиришга ёрдам берган курашда катта роль ўйнади. У болани жисмоний тарбиялаш, меҳнатда тарбиялаш, ахлоқий ва ақлий тарбиялаш тўғрисида жуда қимматли фикрларни айтиб ўтди. Песталоцци бошланғич мактабда бериладиган билимларнинг мазмунини кенгайтиришни талаб қилди, бошланғич мактабни халққа яқинлаштиришга, уни халқ оммасининг турмуши ва эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлашга интилди, болаларни меҳнатга ўргатишга, уларни турмушга тайёрлашга катта эътибор берди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Песталоццининг дунёқараши ва уни педагогикада тутган ўрни.
2. Песталоццининг таълим назариясини изоҳлаб беринг?
3. Песталоццининг педагогикага қўшган (олиб кирган) янги ғояларини изоҳлаб беринг?

ИОГАНН ГЕРБАРТ (1776—1841)

Иоганн Фридрих Гербарт Германияда туғилди. Гербарт дастлаб лотинча классик мактабда, сўнгра эса Иен университетида ўқиди.

Гербарт университетни тамомлагач, швейцариялик бир аристократ оиласида тарбиячи бўлиб ишлади. 1800 йилда у Песталоццининг Бургдорф институтига борди. Лекин у улуғ педагогнинг демократик қарашларини ўзлаштира олмади.

1802 йилдан бошлаб Гербарт Гёттинген ва Кенигсберг университетларида профессор бўлиб ишлади. Гербарт бу университетларда ўзининг педагогик фаолиятини кенгайтириб юборди: психология ва педагогикадан лекциялар ўқиди, ўқитувчилар тайёрлаш семинарияларига раҳбарлик қилди. У семинария хузурида тажриба мактаби очиб, ўзи бу мактабда математикадан дарс берди.

Гербарт ўзининг «Тарбия мақсадларидан келиб чиққан умумий педагогика» (1806), «Психология дарслиги» (1816), «Психологияни педагогикага татбиқ қилиш тўғрисидаги хатлар» (1831), «Педагогикага доир лекциялар очерки» (1835) деган китобларида педагогикага доир ғояларини кенг баён қилиб берди.

Тарбиянинг моҳияти, мақсади ва вазифалари. Гербарт тарбия мақсадини белгилаб олишга катта аҳамият берди. У тарбиянинг мақсади яхши фазилатли кишини таркиб топтиришдан иборат, деб ҳисоблайди. Гербарт шу мақсадни абадий ва ўзгармас деб ҳисоблаб, одамларни мавжуд муносабатларга мослаша оладиган, ўрнатилган ҳуқуқ тартибини ҳурматлайдиган, шу тартибга итоат қиладиган кишилар қилиб тарбиялашни кўзда тутди.

Педагог ўзи тарбиялаётган боланинг олдига шундай мақсад қўйиши лозимки, бола ҳам ўсиб катта бўлганидан кейин ўз олдига шундай мақсадлар қўя билсин. Мана шу бўлажак мақсадлар: 1) рўёбга чиқиши мумкин бўлган мақсадлар ва 2) зарур мақсадлар деб иккига бўлиниши мумкин.

Одам бир вақти келиб муайян ихтисос соҳасида ўз олдига қўйиши мумкин бўлган мақсадлар рўёбга чиқиши мумкин бўлган мақсадлардир.

Зарур мақсадлар деб шундай мақсадларга айтиладики, бу мақсадлар одамга ўз фаолиятининг ҳар қандай соҳасида керак бўлади.

Тарбия рўёбга чиқиши мумкин бўлган мақсадларни ўз олдига қўйгач, у одамда хилма-хил, ҳар томонлама идрок қилиш қобилиятини ўстириши, қизиқиш доирасини кенгайтириши ва тўлароқ қилиши лозим, мана шунинг ўзи ички эркинлик ғоясига, такомиллик ғоясига мувофиқ бўлиб тушади. Зарур мақсадларга келганда тарбия бўлажак арбобнинг ахлоқини хайрихоҳлик ғояси, ҳуқуқ ва адолат ғояси асосида таркиб топтиришга ёки Гербартнинг сўзи билан айтганда, бу арбобда барқарор ахлоқий характер вужудга келтиришга мажбурдир. Гербарт тарбиянинг моҳияти боланинг кўнглини тасаввурлар билан бойитишдан иборат деб ҳисоблаб, болага

фазилатли хулқ ғояларини ва сабабларини сингдиришни ва шу асосда унда ахлоқий характер вужудга келтиришни истайди.

Гербарт тарбия жараёнини бошқариш, ўқитиш ва ахлоқий тарбия бериш, деб уч бўлакка бўлади.

Бошқариш ўз олдига боланинг келажагини эмас, балки ҳозирги вақтнинг ўзида, яъни тарбия жараёнининг ўзида тартиб сақлаб туришни вазифа қилиб қўяди. Гербарт «ёввойи шўхлик» болаларга хос бир нарса деб ҳисоблаб, бошқариш ана шу «ёввойи шўхлик»ни йўқотиши лозим дейди. Бошқариш ташқи тарбияни сақлаб туриши билан тарбияланиш учун шарт-шароит вужудга келтиради. Лекин бошқаришнинг ўзи тарбияламайди, балки тарбиялашнинг мутлақо зарур шартидир, холос, дейди.

Гербарт бошқаришда хилма-хил жазолар системасини батафсил ишлаб чиқди. Жумладан: пўписа ва назорат қилиш, буйруқлар бериш, тақиқлаш ва тан жазоси кабилар.

Гербарт бу методлардан аниқ, тўғри ва адолатли фойдаланилса болалар тарбиясида яхши натижаларга эришиши мумкин, болаларни бошқариш воситалари ичида тан жазоси бериш методи асосий ўринни эгаллайди, деб таъкидлайди.

Гербарт тарбия ишида ақлий таълимга катта аҳамият берди. У таълимни тарбиянинг энг катта ва асосий воситаси деб ҳисоблади. Гербарт педагогикага тарбияловчи таълим терминини киритди. Таълимсиз тарбия бўлмайди, дейди у. Гербарт тарбияламайдиган таълимни тан олмайди. Аммо Гербарт ўзидан олдин ўтган педагогларнинг, жумладан, Песталоццининг тарбияловчи таълим тўғрисидаги қимматли ғоясини такомиллаштирди.

Гербартнинг фикрича, таълим қизиқишларнинг баъзилари теварак-атрофдаги воқеликни билишга, баъзилари ижтимоий ҳаётни билишга интилади.

Гербарт турли қизиқишларни олтига мустақил турга бўлади. У қуйидаги қизиқишларни биринчи гуруҳ қизиқишлар қаторига киритади: империк қизиқиш — фикр юритишга йўллайди; эстетик — қизиқиш бу ходисаларга бадиий баҳо беришни таъминлайди. Қуйидаги қизиқишлар иккинчи, гуруҳ қизиқишлар қаторига киради: ёқтирувчи қизиқиш — бу қизиқиш ўз оила аъзоларига ва жуда яқин таниш-билишларига қаратилган қизиқишдир; ижтимоий қизиқиш — одамларнинг кенгроқ доирасини, жамиятни, ўз халқини билишга қаратилган қизиқишдир. Гербартнинг фикрича, одамзод ўз тарихининг бошланғич даврида болаларга ва ўспиринларга хос нарсаларга ва фаолият турларига қизиққан. Шу сабабли дейди у, — ўқувчиларга қадимий халқлар тарихи ва адабиёти доирасидан олинган ва тобора мураккаблашиб борадиган гуманитар билимлар бериш керак.

Гербарт қадимий тилларга ва математикага ҳам жуда юксак баҳо берди, шу билан бирга, у математикани асосан тафаккурни ўстириш воситаси деб, «руҳ учун кучли гимнастика» деб ҳисоблайди.

Гербарт мактаб тизими масаласини ўзининг консерватив ижтимоий қарашларига мувофиқ ҳал қилишга уринди. У мактабларнинг қуйидаги

типларини: элементар мактаб, шаҳар мактаби ва гимназияни таклиф қилди. Мактабларнинг бу типлари бир-бирига боғлиқ эмас, уларнинг ҳар қайсиси мустақил яшайверади: элементар мактаб ва шаҳар мактабларидан махсус мактабларгагина ўтиш мумкин, гимназиядан эса олий ўқув юртларига ўтиш мумкин. Классик гимназия таълими Гербарт замонидак ўз умрини тугатиб қолган бўлса ҳам, лекин Гербарт бу таълим тизимини қизгин ёқлаб чиқди. Унинг фикрича, савдо-сотик, саноат, ҳунар-касб ва ҳаёт учун амалий аҳамияти бўлган бошқа хил ишлар билан шуғулланиши лозим бўлган кишиларгина реал мактабда ўқиб тарбияланиши керак. Ақлий машғуллотлар, раҳбарлик ва бошқарув ишлари билан шуғулланиши лозим бўлган кишилар, яъни жамиятнинг интизомли табақалари эса Гербартнинг фикрича, фақат классик гимназияда ўқиб таълим олиши лозим.

Гербарт таълим босқичлари назариясини ишлаб чиқди, бу назария ҳамма мамлакатларнинг педагоглари орасида кенг тарқалди.

Гербарт таълимни тасвирий таълим, аналитик таълим, синтетик таълим деб уч турга бўлди.

Тасвирий таълим чекланган тарзда қўлланилади, лекин ўз чегараси доирасида унинг аҳамияти жуда катта. У боланинг тажрибасини аниқлаб олишни ва бу тажрибани тўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўқитувчи материални жонли, образли ҳикоя қилиб бериш йўли билан ўқувчиларнинг билимларини кенгайтиради. Бунда кўрсатмали воситалар катта роль ўйнайди.

Аналитик таълим «айни бир вақтда атрофни ўраб турган» нарсаларни айрим нарсаларга, бу нарсаларни эса таркибий қисмларга, бу таркибий қисмларни ҳам белгиларга бўлиш вазифасини ўз олдига қўяди. Болалар мактабга келганларида уларнинг бошларида жуда кўп тасаввурлар бўлади. Вазифа шуки, ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг бу фикрлари бўлақларга ажратилиши, тузатилиши ва такомиллаштирилиши лозим.

Синтетик таълим, асосан, юқори синфларда қўлланилади. Ўқитувчи янги материални баён қилар экан, уни тасвирлаб бериш билан чекланиб қолмайди, балки умумий хулосалар чиқаради, ўқувчиларга бўлақ-бўлақ ҳолда маълум бўлган, уларнинг онгида бир-биридан алоҳида-алоҳида турган турли тасаввурларни бир бутун ҳолга келтириб, тақриб қилади. Гербарт синтетик таълимга катта аҳамият беради.

Гербартнинг фикрича, тасвир, таҳлил ва тақриб ўқув жараёнида бирин-кетин киритиладиган ва бирининг ўрнини иккинчиси изчиллик билан алмаштириб турадиган, бир-биридан ажратиб қўйиладиган қандайдир таълим методлар эмас. Таълим жараёни таълимнинг шу уч усулида бирлик бўлишини таъминлаши лозим.

Гербарт ахлоқий таълимнинг ниҳоят даражада интеллукуализм руҳи билан суғорилган тизимини ишлаб чиқди. Унинг педагогика тизимида ўқитувчининг ўқитиш воситаси билан ўқувчи онгига ахлоқий тушунчаларни синдиришга катта аҳамият берилади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Гербарт бошқаришни ахлоқий тарбиядан ажратди, у фақат ҳозирги вақт учун тартиб ўрнатиши лозим

бўлган бошқаришга нисбатан ахлоқий тарбиянинг принципиал фарқини топишга уринди, лекин бунга озроқ бўлса-да, ишонтирарли далил топа олмади, зотан бундай далил топиш мумкин ҳам эмас эди. Чунки интизом тарбиянинг ҳам шарти, ҳам натижасидир.

Гербарт ахлоқий тарбия принциплари бошқариш принципаларига қарама-қаршидир. Бошқариш боланинг иродаси ва онгини тартибга солиб туради. Ахлоқий тарбия тизимида эса тарбияланувчида мавжуд бўлган яхши белгиларнинг ҳаммаси ахлоқий тарбия методларига таянч бўлиши лозим. Ахлоқий тарбия «тарбияланувчининг яхши хислатларини чуқур маъқуллаш воситаси билан унинг «ўз шахсини» ўзининг назарида улуғлашга» интилиши лозим. Тарбиячи ҳатто йўлдан озган тарбияланувчининг ҳам яхши белгиларини топиши ва бунга дарҳол эриша олмаса, умидсизликка тушиб қолмаслиги зарурдир. Ахлоқий тарбия тизимида «бир учкун шу ондаёқ иккинчи учкунни чакнатиши мумкин».

Гербарт ахлоқий тарбиянинг ўзига хос воситалари қаторида кўйидагиларни кўрсатиб ўтади.

1. Тарбияланувчини тийиб туриш (болани бошқариш, уни итоаткор бўлишга ўргатиш — бу воситага хизмат қилади). Болалар учун хатти-ҳаракат чегараларини белгилаб қўйиш керак.

2. Болани белгилаб олиш, яъни уни шундай шароитга қўйиш керакки, бу шароитда у «қулоқ солмаслик оғир кечинмаларга олиб келишини» фақат тарбиячининг кўрсатмаларидангина эмас, балки шу билан бирга ўз тажрибасидан ҳам тушуниб оладиган бўлсин.

3. Хулқнинг аниқ қоидаларини белгилаб қўйиш.

4. Тарбияланувчининг кўнглида «осойишталик ва равшанлик» бўлишини таъминлаб туриш, яъни «тарбияланувчида ҳақиқатга нисбатан шубҳа туғилиши» учун асос бермаслик.

5. Маъқуллаш ва сазо бериб туриш йўли билан боланинг кўнглини «тўлқинлантириб» туриш.

6. Болани «хабардор» қилиб туриш, яъни унинг нуқсонларини кўрсатиб ва тузатиб туриш.

Ахлоқий тарбияда жазо чораларини ҳам қўллаш керак, лекин интизом ўрнатиш учун қўлланиладиган жазо чоралари тарбиялаш мақсадида бериладиган жазо чораларидан фарқ қилиниши лозим, тарбиявий жазо чоралари қасос ғояси билан боғланмасдан, балки тарбияланувчига хайрихоҳлик билан қилинаётган огоҳлантириш чоралари бўлиши лозим.

Тарбияланувчининг онгида ҳар қайси нарсани ўзимча мустақил ҳал қила бераман, деган фикрнинг кучайиб кетишига йўл қўйиш жуда хавфлидир. Тарбияланувчининг ҳар қандай одамлар орасида (улфатчиликда) бўлишига жуда эҳтиётлик билан қараш керак, «ижтимоий турмуш оқими болани ўз гирдобига тортмаслиги ва тарбияга қараганда зўрроқ бўлиб кетмаслиги лозим». Гербарт тарбиячининг обрўсини ниҳоятда даражада юқори кўтаришни талаб қилди, бу обрў тарбияланувчининг назарида «кўпчиликнинг фикридан» ҳамиша устун бўлади деб ҳисоблади, шунинг учун ҳам «тарбиячи жуда зўр обрўга эга бўлиши, тарбияланувчи бундай обрў

олдида бошқаларнинг ҳар қандай фикрини назар-эътиборга олмайдиган бўлиши ғоят зарурдир».

Гербарт ғоялари Германияда, Россияда, ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалди. Америкада ҳам бу ғояга талаб туғилди.

Европа ва АҚШ да классик ўрта мактаблар кўп жиҳатдан Гербарт педагогикасига асосланиб қурилди. Гербартнинг болаларни бошқариш тизими кенг ёйилди. Бу тизим болалар ташаббусини бўғишга ва уларни катталарнинг обрўйига ҳеч сўзсиз бўйсундиришга қаратилган тизим эди.

Гербарт педагогикани илмий фан даражасига кўтариш учун кўп иш қилди. У педагогиканинг ўзига хос тушунчалар тизими борлигини кўрсатди.

Гербартнинг дидактика масалаларини ишлаб чиққанлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг кўп томонлама қизиқиш тўғрисида, таълимнинг тизимли бўлиши тўғрисида, қизиқиш ва диққатни ўстириш тўғрисида айтган фикрлари ҳеч шубҳасиз қимматлидир. Гербартнинг таълим билан тарбия ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб беришга уринганлигига ижобий баҳо берса арзийди.

АДОЛЬФ ДИСТЕРВЕГ (1790—1866)

Адольф Дистервегнинг ҳаёти ва ижтимоий-педагогик фаолияти. Атоқли немис педагоги Фридрих Вильгельм Адольф Дистервег Вестфалиядаги саноат шаҳарчаси Зигенда чиновник-юрист оиласида туғилди.

Дистервегнинг ўзи ўрта мактабда ўқиган чоғидаёқ догматик таълимдан умрбод нафратланадиган бўлиб қолганлигини айтади. У 1808 йилда Герборн университетига кириб ўқиди, математика, фалсафа ва тарихни ўрганди, сўнгра Тюбинген университетига ўтди ва уни 1811 йилда тамомлади, кейинроқ бориб эса фалсафа фанлари доктори унвонини олди.

У халққа маърифат бериш ишига ўзини бағишлашга қарор қилди ва дастлаб Мерс-Рейнда, сўнгра эса Берлинда ўқитувчилик семинарияларига узоқ вақт бошчилик қилди, уларни намунали семинарияларга айлантиришга муваффақ бўлди. Дистервег семинарияда педагогика, математика ва немис тилидан дарс берди, айтилиши вақтда шу семинариялар ҳузуридаги бошланғич тажриба мактабларида ҳам ўқитувчилик қилди. Дистервег педагогик соҳасида самарали иш олиб бориш билан бир вақтда, адабий ва методик ишларини ҳам зўр муваффақият билан бажариб турди. У «Немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўлланма» деган китобни нашр қилдирди (1835), бу китобда Дистервег таълимнинг умумий вазифаларини ва принциплари тўғрисидаги ўзининг прогрессив қарашларини баён қилиб берди, шунингдек, у математика, немис тили, география, математик география, астрономияга доир йигирмадан ортиқ дарслик ва қўлланмалар нашр қилди; бу дарсликлар ва қўлланмалар Германияда ва бошқа кўпгина мамлакатларда катта шухрат қозонди.

Дистервег тирик чоғидаёқ асарлари Россияда машхур бўлган эди. Чунончи, 1862 йилда унинг «Элементар геометрия»си рус тилида нашр этилди; Россиянинг илғор педагоглари бу китобни бошланғич мактабларда геометрия ўқитиш учун энг яхши қўлланма деб ҳисобладилар.

Дистервег 1827 йилдан то умрининг охиригача «Гарбия ва таълим учун Рейн варақалари» деган журнал чиқариб турди. У бу журналда педагогиканинг турли масалаларига доир тўрт юздан ортиқ мақоласини бостирди. Дистервег бошланғич мактабларнинг ўқитувчиларини тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш учун курашди. У немис халқ ўқитувчиларини бирлаштириш учун жуда кўп иш қилди.

Дистервег ҳаёт чоғидаёқ «немис муаллимларининг муаллими» деган фахрли унвонга сазовор бўлди.

Дистервег умрининг охирги кунларига қадар прогрессив ижтимоий педагогика ишлари билан шуғулланди. Дистервег вабо билан оғриб, 1866 йилда вафот этди.

Дистервег Германияда тоифавий мактаб тарафдорлари билан ҳамма учун баробар бўлган умумий мактаб тарафдорлари ўртасида авж олиб кетган курашда актив қатнашди. Тоифавий мактаб тарафдорлари немил халқ маорифи тизимида аҳолининг ҳар бир тоифаси учун алоҳида мактаб бўлишини (аҳолининг энг камабағал тоифаси учун — халқ мактаби, бюргерлар учун — реал ўрта мактаби, дворянлар ва чиновниклар учун — классик гимназия бўлиши) лозим деб ҳисоблар эдилар. Ҳамма учун баробар бўлган мактаб тарафдорлари ва шулар қаторида Дистервег ҳам болалар учун очиқ бўлган мактаб вужудга келтиришни талаб қилдилар.

Тарбиянинг моҳияти, мақсади ва асосий принциплари. Дистервег умуминсоний тарбия ғоясини ҳимоя қилиб чиқди, шу ғояга таяниб туриб, педагогика оид масалаларни юқори тоифавий ва шовинистик манфаатларни кўзлаб ҳал қилишга қарши курашди. Унинг фикрича, мактабнинг вазифаси «чинакам пруссияликлар» эмас, балки инсонпарвар кишилар ва онгли граждандар тарбиялаб етиштиришдир. Одамларга инсониятга ва ўз халқига бўлган муҳаббат бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда ривожлантирилиши лозим. Дистервег «инсон — менинг номим, немис — менинг лақабимдир» дейди.

Дистервег Песталоцци сингари тарбиянинг энг муҳим принципи — унинг табиатга уйғун бўлишидир, деб ҳисоблади. Дистервег тарбиянинг табиатга уйғун бўлишини қуйидаги мазмунда талқин қилди, яъни тарбия одамнинг табиий камол топишига қараб олиб борилиши, ўқувчининг ёши ва ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак, деди. Дистервег ўқитувчилар болалар диққати, хотираси, тафаккурининг ўзига хос белгиларини синчиклаб ўрганишлари керак, деб айтди; у психологияни «тарбия тўғрисидаги фаннинг асоси» деб билди. Дистервегнинг катта хизмати шундаки, у педагоглик тажрибасини педагогикани тараққий эттиришнинг манбаи деб ҳисоблади. У моҳир педагоглarning болаларни тарбиялаш ва бу соҳадаги иш тажрибаларини ўрганиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Дистервег табиатга уйғун бўлиш принципига қўшимча равишда тарбия маданий уйғун характерда бўлиши ҳам керак, деб талаб қилди.

Дистервег тарбиянинг олий мақсадини белгилаб, бу «ҳақиқатга, гўзалликка ва яхшилиқка хизмат қилишга қаратилган ташаббускорликдир» деб айтди.

Ақлий таълим. Дистервег ҳам Песталоцци сингари, таълимнинг асосий вазифаси болаларнинг ақлий кучларини ва қобилиятларини ўстиришдан иборатдир, деб ҳисоблайди. Лекин у формал таълим моддий таълим билан чамбарчас боғланганлигини кўрсатиб, Песталоццига нисбатан олға томон катта қадам қўйди. Дистервег, умуман соф формал таълим бўлмайди, лекин ўқувчининг ўзи мустақил олган билимлари ва малакаларигина қимматга эгадир, деб уқтирди.

Таълим инсоннинг ҳар томонлама камолотга етишига ва унинг ахлоқий тарбиясига ёрдам бериши лозим. Ўқитилаётган ҳар бир нарса таълим жиҳатдан қимматга эга бўлиш билан бир қаторда, ахлоқий аҳамиятга эгадир.

Дистервег ватан тарихини ва географиясини, она тили ва адабиётни ўқитишнинг болаларга таълим беришда катта ўрниборлигини кўрсатиб ўтди. У табиёт ва математика фанларига айниқса юксак баҳо берди, бу фанлар болаларнинг ақлий ўсиши учун муҳим восита эканлигини кўрсатди ва ҳамма типдаги умумий таълим мактабларида бу фанлар ўқитилиши лозим деб ҳисоблади. Шу билан бирга, табиёт ва математика ўқувчиларни зарур билимлар билан лозим бўлган даражада қуроллантириши, уларни келажак амалий фаолиятига тайёрланиши лозим, деб талаб қилди.

Дистервегнинг фикрича, бошланғич мактабда ўқувчиларнинг ўқитилган материални ўзлаштириш устида мустақил ишлай оладиган қилишга, уларда бунинг учун малака ҳосил қилишга, уларнинг ақлий куч ва қобилиятларини ўстиришга асосий эътибор берилиши зарур. Ўқитувчи кўрсатмали ўқитиш йўли билан болалардаги барча сезги аъзоларини ўстиришга алоҳида эътибор бериши лозим. Ўрта мактабда «моддий мақсад ҳам аста-секин олдинга сурила беради» — ўқувчилар хилма-хил ва чуқур илмий билимлар билан қуроллантира берилади.

Дистервег бошланғич мактабнинг ўқув режасига табиётни, физикадан бошланғич маълумотлар, амалий геометрия, географияни киритиб, бу режани кенгайтиришни талаб қилди. У ўрта мактабда реал билимларни ўқитиш принципини қизғин ҳимоя қилди ва ўз замонидаги классик гимназияни қоралади.

Дистервег такомиллашиб боровчи таълим дидактикасини яратди, бу дидактиканинг асосий талабларини таълимнинг 33 қонуни ва қондаси тариқасида баён қилиб берди. Дистервег аввало табиатга уйғун қилиб, бола идрокининг хусусиятларига мувофиқ қилиб ўқитишни талаб қилди. У мисоллардан қондаларга: буюмлар ва бу буюмлар тўғрисидаги аниқ тасаввурлардан шу буюмларни ифодаловчи сўзларга ўтишни таклиф қилди. Дистервег болаларни уларнинг сезги органлари бевосита ҳис қила оладиган буюмлар билан таништиришга жуда катта аҳамият бериш билан бир вақтда,

боланинг ўз сезги аъзолари билан идрок қилаётган бутун материални ўйлаб кўриши ва англаб олиши зарурлигини уқтириб ўтади. Дистервег таклиф қилган кўрсатмали таълим «яқиндан узоққа», «оддий нарсалардан мураккаб нарсаларга», «осонроқ нарсалардан қийинроқ нарсаларга», «маълум нарсадан номаълум нарсага» ўтиш керак, деган қоидалар билан боғланган таълимдир. Ўз вақтида Коменский таърифлаб берган бу қоидаларни Дистервег янада таракқий эттирди, педагог бу қоидаларни юзаки қўлланмаслиги керак деб ҳақли равишда огоҳлантирди.

Дистервег ўрганилаётган материални онгли ўзлаштиришга катта аҳамият беради. Ўқувчиларнинг ўрганилган материал моҳиятини равшан ва аниқ баён қилиб бера оладиган бўлиши шу материалнинг ўзлаштирилганлигини кўрсатувчи белгиларнинг биридир. Дистервег ўқитилаётган материалнинг мустаҳкам ўзлаштирилишига кўп эътибор беради. Дистервег «Ўқувчилар ўрганиб олган нарсаларни унутиб қўймасликларига ҳаракат қил» деган қоидани илгари суради ва ўтилган материал эсдан чиқиб қолмаслиги учун уни тез-тез такрорлаб туришни маслаҳат беради. Дистервегнинг қоидаларидан бирида «асосларни ўрганишдан шошилма» дейилади.

Дистервегнинг ҳаққоний равишда таъкидлашича, муваффақиятли таълим ҳамиша тарбияловчи характерда бўлади. Бундай таълим боланинг ақлий кучларинигина ўстириб қолмай, балки унинг шахсини, иродасини, сезгиларини, хулқ-атворини ҳам камол топтиради.

Ўқитувчига нисбатан қўйиладиган талаблар. Дистервегнинг фикрича, ўқитиш чоғида болаларнинг ташаббускорлигини ўстириш, уларни билимлар билан қуроллантириш ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнаганидагина мумкин бўладиган ишдир. Коменский сингари ўқитиш ишида пухта ишланган ўқув режаси ва яхши дарсликнинг бўлишига катта аҳамият беради. Дистервегнинг Коменскийдан фарқи шуки, у таълимнинг муваффақиятли бўлиши оқибат натижада дарслик ёки методга эмас, балки ўқитувчига боғлиқ деб таъкидлайди. Дистервегнинг фикрича, яхши ўқитувчи ўз фанини мукамал эгаллаб олган бўлиши ҳамда ўз касбини ва болаларни севиши керак. Дарс чоғида ҳамма болалар тетик бўлиб туриши, ўқитувчи ғайрат билан дарс бериб, ўқувчиларнинг ақлий кучини уйғотиши, уларнинг иродасини мустаҳкамлаши, уларнинг характерини таркиб топтириши керак. Ўқувчилар ўзларининг илгарилаб бораётганликларини ҳамиша сезиб туришлари лозим. Яхши ўқитувчи, — дейди Дистервег, — ўзининг тарбия принципларини қатъият билан оғишмай ўтказиб боради, бу принциплардан ҳеч қайтмайди. Ўқитувчи муттасил ўз устида ишлаши лозим. Шундагина у ўқувчиларни билимларни эгаллашда матонатли бўлишга ўргатади ва уларни ўз йўлларида учрайдиган қийинчиликларни енга оладиган қилиб тарбиялайди. Дистервег ўқитувчининг мустаҳкам характери ва ўткир ирода кучи ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Ўқитувчи қаттиқўл ва талабчан бўлиш билан бирга, адолатли бўлиши ҳам керак, фақат шундагина у ўз ўқувчилари орасида обрў қозониши мумкин. Ўқитувчи ҳақиқий инсон, мустаҳкам эътиқодли бўлиши лозим, дейди.

Дистервегнинг фикрича, «ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бериб қўя қолади, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни топишига ўргатади». Дистервег ўқитувчиларга ўз билимларини қандай қилиб оширишлари тўғрисида бир канча қимматли маслаҳатлар беради, ўқитувчиларга ўзлари ўқитаётган фанга тааллуқли асарларни биринчи навбатда ўқишни тавсия қилади, шунингдек, ўқитувчи тарих ва адабиётни билиши, педагогика, психология ва методикага доир чиқаётган янги асарларни кузатиб бориши керак, деб таъкидлайди. Дистервег ўқитувчиларни амалий педагогик маҳорати ва малакалари билан куроллантиришга катта аҳамият берди.

КОНСТАНТИН ДМИТРИЕВИЧ УШИНСКИЙ (1824—1870)

Машҳур рус педагоги, рус педагогикаси ва халқ мактабларининг асосчиси, «рус ўқитувчиларининг ўқитувчиси» Константин Дмитриевич Ушинский 1824 йилнинг 19 февралда Тула шаҳрида туғилди.

Ушинский 9 ёшга қадар оилада тарбияланиб, савод чиқарди. Сўнгра Новгород-Северск гимназиясига ўқишга кириб, уни 1840 йилда муваффақиятли тамомлади. Ўша йили Москва дорилфунунининг юридик факультетига ўқишга кирди ва ўша даврнинг машҳур профессори Редкиннинг бевосита раҳбарлиги остида таълим олди.

Ушинский 22 ёшида Ярослав лицейига камераль (юридик) фанлар профессори вазифасини бажарувчи сифатида хизматида кирди ва иш бошлади. У уч йиллик дастлабки педагогик фаолиятида катта истеъдод эгаси эканини намоён этди. Шунингдек, Ушинский зўр иштиёқ билан ўқитувчилик ишини олиб бориб, талабаларга ҳавас билан билим беришга ҳаракат қилди, уларда илм-фанга нисбатан қизиқиш уйғотди, энг муҳими, ўз халқи ва она юртини жондан севиш, ардоқлаш ҳамда виждонан ҳалол меҳнат қилишга даъват этди. Бу ёш ва истеъдодли профессорнинг мазмунли маърузаларини лицей талабалари мароқ билан тинглаб, чуқур ва мустаҳкам сабоқ олар эдилар.

К.Д.Ушинский педагогик фаолиятини илмий-ижодий иш билан бирга қўшиб олиб борди. 1848 йилда унинг биринчи илмий иши — «Камерал фанларни ўқитиш ҳақида» деган асари нашр қилинди. Бу асарда Ушинский олий ўқув юртларидаги мавжуд ўқитиш тизимига нисбатан танқидий кўз билан қаради. Ҳукумат томонидан эркинлик берилишини талаб этди. Ўқитиш тизимини яхшилашга оид йирик услубий муаммоларни ўртага қўйиб, уларни қандай ҳал этиш йўллари кўрсатиб берди.

Ушинскийнинг илм-фанни демократик тарзда тарғиб этиши реакцион доираларга маъқул тушмади. 1849 йил сентябрида Ушинский ва унинг дўстлари, демократик руҳдаги ўқитувчилар, сиёсатда шубҳали, ҳукуматга ишончсиз кишилар сифатида лицейдан четлатилди. К.Д.Ушинский бошқа иш топиш мақсадида 1849 йилда Петербургга кўчиб бориб, жуда катта қийинчиликлардан сўнг 1850 йилда ички ишлар вазирлигида кичик бир амалдор вазифасида ишлашга мажбур бўлди ва у ерда тўрт йил ишлади.

Ушинский фақат 1854 йилдагина Ярославль лицейи собик директорининг тавсияси билан Гатчино институтида тил-адабиёт ва қонуншунослик ўқитувчиси бўлиб ишга киради ва у ерда тез фурсатда шу институтнинг синфлар инспектори вазифасига кўтарилади. Ушинскийнинг педагогик фаолияти том маъноси билан ана шу вақтдан бошланди. У 1859 йилда Смольний институтининг синфлар инспектори вазифасига тайинланиб, унга шу институтнинг жуда ачинарли ҳолга тушиб қолган илмий бўлим ишларини қайтадан тартибга солишдай муҳим топшириқ юкланди. Ушинский бу ишни эпчиллик билан пухта бажариб, педагогик жараёни уюштириш соҳасида катта қобилият соҳиби эканини кўрсатди. Шу билан бирга унинг педагогика масалаларига бағишланган ва мунтазам чоп этилаётган назарий тадқиқотлари унинг фақат амалиётчи эмас, балки ўз ихтисоси бўйича кучли назарийчи эканлигини кўрсатди.

Ушинский 1857 йилдан бошлаб «Гарбия журналы» («Журнал для воспитания»)да, сўнгра «Халқ маорифи журналы»да жуда кўп сермазмун мақолалар эълон қилди. 1860 йилда у «Халқ маорифи журналы»нинг муҳаррири қилиб тайинланди. Ушинский 1861 йилда ўзининг «Болалар дунёси» («Детский мир») номли ўқиш китобини нашр эттирди. Бу китоб ўша йилнинг ўзидаёқ икки марта чоп этилди.

Ушинскийнинг педагогик фаолиятига соя солувчи (1862 йил) имзосиз хат уни ўз ишини тўхтатишга мажбур қилди. Бу хатда у гўё сиёсий жиҳатдан ишончсиз киши, деб айбланган эди. Бунинг оқибатида у чет эллардаги хотин-қизлар маорифининг йўлга қўйилишини ўрганиш ва педагогикадан дарслик ёзиш учун ўз ватанидан кетишга мажбур бўлди. У хорижий мамлакатларда юрган даврида ўзининг бутун куч-ғайратини таълим-тарбияга доир асарлар ёзиш ва уларни чоп эттиришга йўналтирди. Натижада, 1861 йилда унинг I ва II ўқув йиллари учун «Она тили» дарслиги нашр этилди ва унга «Муаллимлар учун қўлланма» деган методик асари илова қилинди. 1870 йилда эса III ўқув йили учун ҳам «Она тили» дарслиги босилиб чиқди. Бундан ташқари, Ушинскийнинг педагогика соҳасидаги асосий назарий асари ҳисобланган «Инсон — тарбия предмети сифатида» («Педагогик антропологиядан тажриба») номли асари айрим жилдларга бўлиниб нашр қилина бошлади. 1867 йилда бу асарнинг I жилди, 1869 йил II жилди босилиб чиқди. Ушинский бу китобнинг ҳамма жилдларини қисқартириб инглиз тилига таржима қилиш мақсадида учинчи жилд устида зўр ғайрат билан ишлай бошлади. Афсуски, бу ишни тамомлаш унга насиб бўлмади. У Қримда даволаниш пайтида қаттиқ шамоллаб қолди. Бу шамоллаш ва зўр бериб ишлаши ҳамда хизмати билан боғлиқ бўлган кўнгилсизликлар орқасида заифлашиб толиққан эди. Натижада 1870 йил 21 декабрда Одессада зотилжам касалидан вафот этди.

К.Д.Ушинскийнинг педагогика назарияси халқчиллик ғояси асосида қурилгандир. «Ҳар бир мамлакатда болаларни тарбиялаш тизими, — деб айтган эди у, — халқнинг ривожланиш шароитлари, унинг эҳтиёж ва талаблари билан белгиланган». «Ҳамма учун умумий бўлган биргина туғма мойиллик борки, тарбия ҳамиша шунга таяниши мумкин; бу биз халқчилик

деб атаган нарсадир. Халқнинг ўзи томонидан яратилган ва халқчилик асосига қурилган тарбия шундай тарбиявий кучга эгаки, бундай куч абстракт ғояларга асосланган ёки бошқа халқлардан олинган энг яхши тизимларда ҳам йўқдир^{3/4}»

Ушинский халқчиллик деб ҳар бир халқнинг ўзига хослигини тушунар эдики, бу ўзига хослик ўша халқ яшаши ва меҳнат қилиши лозим бўлган тарихий тараққиёт, географик ва табиий шароитлар билан ифодаланади.

У «Ижтимоий тарбияда халқ руҳи» сарлавҳали мақоласида тарбиянинг халқчиллик руҳида бўлиши кераклигини айтиб, бошқа халқ педагогикасини механик суратда рус тупроғига кўчиришни ақлга мутлақо мувофиқ эмаслигини таъкидлайди.

Ушинский тарбияда халқ руҳининг энг яхши ифодаси она тили эканлигига, рус болаларини ўқитишда рус тили асос бўлишлигини; бошланғич мактаблардаги таълим ҳам болаларни рус тарихи, Россия географияси ва унинг табиати билан таништирмоғи лозим дейди.

Ушинскийнинг педагогика тизимида она тилининг тарбиявий ва таълимий аҳамияти тарбиянинг асоси бўлган халқчиллик билан чамбарчас боғлиқдир.

Ушинский ўзининг «Она тили» сарлавҳали мақоласида «Халқ тили — унинг қадим замонлардан бошланувчи бугунги маънавий ҳаётининг энг яхши, ҳеч қачон сўлмайдиган, доимо янгидан очилиб яшнаб турадиган гулидир. Бутун халқ ва унинг ватани тил билан тирикдир^{3/4} буларнинг ҳаммаси халқ ижод этган тил орқали ифодаланади^{3/4} Халқ авлодлари биринкетин яшаб ўтаверади, аммо ҳар бир авлод ҳаётининг натижалари кейинги авлодларга тил орқали мерос бўлиб ўтади. Ҳар бир авлод ўз ҳис-туйғуларини, тарихий воқеалар, диний эътиқод, маслак натижаларини, бошидан кечирган қайғу ва хурсандчиликларини она тили хазинасига қўшади^{3/4} Тил энг жонли, энг бой ва мустаҳкам алоқа воситаси бўлиб, халқнинг яшаб ўтган, яшаётган ва келажакда яшайдиган авлодларини бир-бирлари билан чамбарчас боғлайди, уларнинг улуғ, тарихий, жонли бир бутунга айлантиради. Тил бор экан, халқ ҳам бор, халқнинг ҳаёт эканлигини тил орқали билиш мумкин. Тил халқнинг ҳаётидир. Халқ тили йўқолганида халқнинг ўзи ҳам йўқ бўлади»¹, — деб уқтиради. Она тили — Ушинскийнинг фикрича — на китоб, на мактаб бўлмаган вақтда ҳам халқни ўқитган энг яхши халқ устозидир.

Ахлоқий тарбия мақсадлари ва воситалари. К.Д.Ушинский тарбия ишидаги турли воситалар орасида ахлоқий тарбияга катта эътибор бериб, «Тарбиянинг асосий вазифаси ахлоқий жиҳатдан таъсир этишдан иборатдир, бу ақлни умуман ўстириш, бошни билимлар билан тўлдиришдан кўра ҳам муҳимроқдир», — деб ёзган эди.

¹ К.Д.Ушинский. Танланган педагогик асарлар. Ы=увпеддавнашр, 1959, 138—139-бетлар

Ахлоқий тарбия болаларда одамларга ҳурмат ва муҳаббат билан карашни, уларга нисбатан самимий, хайрихоҳ ва адолатли муносабатда бўлишни ўстириши керак.

Ушинский кўр-кўрона, таёқ интизомига қарши норозилик билдириб, «Эски мактабда интизом ниҳоятда ғайритабиий асосга ёки мукофотлар ва ёки жазолар улашиб берувчи ўқитувчидан кўрқиш асосига қурилган эди. Бу кўрқув болаларни зарарли ҳолатларга: сусткашликка, синф доирасидаги зерикашга ва иккиюзламачиликка олиб келди» деб у болаларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишни талаб қилди.

Ушинский эгоистлик, мансабпарастлик, бекорчилик, ғаразгўйлик, мунофиқлик сингари нуқсон ва камчиликларни қаттиқ қоралайди.

Ушинскийнинг фикрича, ахлоқий тарбиянинг воситалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак: 1. Таълим (ахлоқий тарбияда китоб ва дарсликларни ўрни); 2. Ўқитувчининг шахсан намуна бўлиши (Ушинскийнинг образли ифодалашича, «бу нарса ёш қалб учун қуёшнинг баракали нуридирки, уни ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайди»); 3. Эътиқод; 4. Ўқувчиларга моҳирлик билан муносабатда бўлиш (педагогик одоб); 5. Огоҳлантириш чоралари; 6. Рағбатлантириш ва жазолаш.

Ушинский болалар меҳнати ҳақида гапириб, инсоннинг тўғри ривожланишидаги зарур шарт меҳнатдир, деб ҳисоблаган эди. Унинг фикрича «агар тарбия кишини бахтли қилмоқчи бўлса, уни бахт учун тарбияламаслик керак, балки ҳаётдаги меҳнат учун тайёрлаши лозим». Тарбия кишида меҳнатга муҳаббат ва одатни ўстириш керак. Ушинский киши ўз фаолиятида жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатни бирлаштиради, жуда фойдали бўлур эди, деб ҳисоблайди. У ўқувчилар меҳнати ҳақида гапириб, «Ўқиш меҳнатдир ва меҳнат бўлиб қолиши, аммо тўла маъноли меҳнат бўлиши лозим», — дейди. У таълимни овунчоқлик, кўнгил очиш йўли билан ўтказишга, баъзи педагогларнинг таълимни мумкин қадар енгилроқ қилишга ҳаракат қилишларига қарши чиқди. Болалар ўқиш даврида меҳнатга, қийинчиликларни енга олишга ўрганишлари керак. Фақат кичкина болаларнигина ўйнаб туриб ўқишга ўргатиш мумкин, деб ёзади Ушинский. Ақлий меҳнат оғир, ўрганмаган кишини тезда чарчатиб қўяди. Шунинг учун болаларни кучи етадиган ишлар билан секин-аста ўргатиш лозим.

К.Д.Ушинскийнинг ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан қўшиб олиб бориш тўғрисидаги, ўқиш ва дам олишни тўғри ташкил этиш ҳақидаги педагогик фикрлари ҳозирги кунда ҳам қимматлидир.

К.Д.Ушинскийнинг дидактика соҳасидаги қарашлари педагогика тарихида ўзининг чуқурлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушинский таълимни болаларнинг психологик жиҳатдан камол топишларининг ёш босқичларини ҳисобга олишни ва улар психологиясининг хусусиятларини эътиборга олиб ташкил этиш кераклигини талаб қилди.

Ушинский хотира билан эсда сақлаб қолиш тўғрисида гапириб, нутишнинг олдини оладиган тез-тез такрорлаш йўли билан тарбия оловчиларда ўз хотираларига ишончни мустаҳкамлаш керак, деб кўрсатди. У

дарсда кўрсатмалилик тамойилига катта аҳамият бериб, психологик нуқтаи назардан кўрсатмали таълимни моҳиятини ёритиб берди.

Ушинский кўрсатмали таълим тамойилларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишга ва уни амалда татбиқ этишга доир жуда кўп қимматли фикрлар киритди. Ушинский ўқитиш жараёнида кўрсатмали таълимга муносиб ўрин берди: у кўрсатмали таълим ўқувчиларнинг ривожланишини таъмин этадиган шартлардан биридир, деб билди.

Ушинский болаларнинг ўқув материални **англаб, пухта ва мустаҳкам** ўзлаштириши тамойилига катта эътибор берди. У бу тамойилларни тушуниш ва татбиқ қилишда ўзидан илгари ўтган педагогларга нисбатан кўпгина янгиликлар киритди. Масалан, ўқув материални такрорлаш тўғрисида батафсил методика ишлаб чиқди.

Ушинский таълим йўналишида икки йўналиш борлигини қайд этди. Биринчи йўналиш болалар ўқитувчининг раҳбарлигида буюм ёки ҳодисани кузатадилар ва шу буюм ёки ҳодиса тўғрисида умумий тушунча ҳосил қиладилар. Иккинчи йўналишда олинган билимлар умумлаштирилади ва мустаҳкамланади.

Ушинский мактабнинг икки ходими: мураббий билан ўқитувчи ўртасида тарбия ва таълим (функциясини) жараёнини бўлиб қўйишга қарши норозилик билдирди. У таълимни тарбиянинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблади.

Ушинский ўзининг педагогик тизимида **дарс ҳамда таълим методига** катта аҳамият берди.

Дарсда машғулотлар турлича бўлиши мумкин: янги билим бериш, ўқувчиларнинг машқлар бажариши, ўтилганларни такрорлаш, ўқувчиларнинг билимини ҳисобга олиш, ўқувчиларнинг ёзма ишларни бажаришлари. Ҳар бир дарс маълум мақсадга қаратилган, тугалланган бўлиши ва етарли даражада тарбиявий характерга эга бўлиши лозим. Ушинский машғулотларни алмаштириб ва методларни хилма-хил қилиб туришни тавсия қилди.

Ушинский болаларда мустақил ишлаш қобилиятини ўстиришга эътибор бериб, ўқитувчи мактабга янги кирган болаларга дарсда мустақил ишлашнинг тўғри усулларини ўргатиши керак, болалар то мустақил ишлаш малакаларини мустаҳкам ўзлаштириб олмагунча, уларга уйга вазифалар бериш ярамайди, дейди.

Ушинский «Рус тилини дастлабки ўқитиш» (1864) сарлавҳали мақоласида бир қанча қимматли методик кўрсатмалар берди. Унинг фикрича, ўқитишнинг учта вазифаси бор: 1) боланинг нутқини ўстириш; 2) болаларни рус тилинининг бойлигидан онгли суратда фойдаланишга ўргатиш ва 3) тилнинг мантиқини (грамматикасини) ўзлаштириш. Бу уч вазифа бир вақтда бирликда бажарилади.

Россияда ўқишга ўргатишда **товуш методини** жорий қилиш ва кенг тарқатишда Ушинскийнинг хизмати катта бўлди.

Ушинский ўқитувчиларнинг ролига юксак баҳо бериб, «педагогнинг ўқувчиларга таъсири шундай тарбиявий кучга эгадирки буни ҳеч қандай

устав ва дастур билан, ўқув юртини ҳар қанча қулай ташкил этиш билан алмаштириб бўлмайди», деб ҳисоблар эди. У «¾ тарбия ишида мураббийнинг шахси энг асосий нарса», деб ёзган эди.

Ушинский педагогика ўқитувчилари ва ўрта мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган педагогика факультетлари тўғрисидаги фикрни олға сурди. У бундай деб ёзган эди: бизда медицина факультетлари бор-у, педагогика факультетлари йўқ экан, бу шуни кўрсатадики, биз ахлоқий ва тарбиявий соғлиғимизга қараганда танамиз соғлиғини кўпроқ кадрлар эканмиз. Унинг бу фикри сўнгги йилларда амалга ошди.

К.Д.Ушинскийнинг хизмати шундаки, у ўз ватанига, ўз халқига хизмат қилишни педагогик фаолиятининг асосий бурчи деб ҳисоблади. К.Д.Ушинский илмий-амалий педагогик фаолиятининг асосий ғояси ва йўналиши ҳам юқоридаги меҳнатлари билан бевосита боғлиқдир. К.Д.Ушинский педагогиканинг ўзига хослигини, миллий хусусиятларини химоя қилди, шунингдек, тарбия халқчил бўлиши лозим, деб ҳисоблади. К.Д.Ушинский меҳнатга инсон бахт-саодатининг асосий сифатида қаради, болаларни меҳнат орқали тарбиялашга катта эътибор берди. Ушинский таълимотининг мазмуни, тамойиллари, шакл ва методларини ишлаб чиқишда ҳам кўп ишлар қилди. У таълимни ва унинг кўрсатмалилигини, онгли ва узвий таълим-тарбия масалаларини ишлаб чиқди. Ўқитиш шакл ва методларининг ранг-баранглигига эришишни талаб этди.

К.Д.Ушинский ўқитувчининг меҳнатини ва унинг тарбияланувчи шахсга таъсирини юқори баҳолади. Ушинский ўқитувчилар тайёрлаш тизимини биринчи марта ишлаб чиқди.

Ушинский бошқа халқларнинг ҳам педагогикаси ва халқ мактаблари тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

1895 йилда Ушинскийнинг вафотига 25 йил тўлиши муносабати билан бўлган йиғилишда, унинг ишини давом эттирувчилардан бири, Модзалевский айтиб ўтганидек, «Худди Лермонтов — бизнинг халқ олимимиз, Суворов — бизнинг халқ лашкарбошимиз, Пушкин — бизнинг халқ шоиримиз, Глинка — бизнинг халқ композиторимиз бўлганидек, Ушинский ҳам — бизнинг ҳақиқий халқ педагогимиздир» деганда ҳақ эди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. К.Д.Ушинскийнинг ҳаёти ва талабалик йиллари?
2. К.Д.Ушинский дарсликлари ва «Тарбияда халқчиллик ғояси».
3. К.Д.Ушинский ақлий, ахлоқий тарбия ва унинг воситалари ҳақида.
4. К.Д.Ушинскийнинг дидактик таълимоти ва унинг аҳамияти.
5. К.Д.Ушинскийнинг педагогика, мактаб ва маориф тараққиётидаги ўрнини изоҳлаб беринг?

XI-БОБ. РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Америка Қўшма Штатларида таълим тизими

Америка Қўшма Штатларида болалар 6 ёшдан 17 ёшгача 12 йил ўқийдилар. Таълим тизими қуйидагича ташкил этилган:

1. 3 ёшдан 5 ёшгача мактабгача тарбия муассасаларида.
2. Бошланғич мактаб. Бу босқич 1—5-синфларни ўз ичига олади.
3. Тўлиқ бўлмаган ўрта мактаб. Бу босқич 6—8-синфлардан иборат.
4. Юқори мактаб. Бу босқич 9—11-синфлар бўлади. Мазкур Юқори мактаб билан Олий таълимни аралаштирмаслик керак.

Америка мактабларида 9-синфгача асосий эътибор математикага эмас, балки табиий фанларга қаратилади, юқорида тасдиқланган ягона дастурлар бўлмайди. Ўқувчилар учун ягона, мажбурий дарсликлар, қўлланмалар йўқ. Америка мактабларида техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланган, синфлар компьютерлаштирилган. Ҳар бир мактабда бошланғич синф ўқувчиларини ташийдиган махсус автобуслар, стадионлар, турли лабораториялар бор. Америка мактабларининг аксарияти давлат ихтиёрида бўлиб, давлат маблағи билан таъминланади. Лекин шахсий мактаблар ҳам анчагина. Катта шаҳарларда яшовчи ўзига тўқ ота-оналар фарзандларини шахсий мактабларга беришга ҳаракат қилишади. Давлат мактабларида текин, шахсий мактаблар эса — пуллик ўқитилади. Вашингтон шаҳридаги шахсий мактабда болани ўқитиш учун бир йилга тахминан ўн минг доллар тўлаш керак. Бундай мактабларда бой оила фарзандлари таълим оладилар. Шахсий мактабларнинг ҳар бири ўзи хос хусусиятларга, махсус дастурларга, махсус ўқитувчиларга эга. Бундай мактабларда синфда ўқийдиган ўқувчилар сони кам бўлди. Шахсий мактабларда бошланғич синфлардан бошлаб эстетик тарбияга, санъатга алоҳида эътибор берилади.

Америка давлат мактабларининг юқори синфларидаги ўқиш-ўқитиш тизими бизникидан тубдан фарқ қилади. Юқори синфлардаги ҳар бир ўқувчига алоҳида ўқитувчи-мураббий бириктирилади. У шу ўқувчининг қобилияти, қизиқишларини синчиклаб ўрганиб, фақат шу ўқувчига мос алоҳида режа тузади, унинг ўқишига раҳбарлик қилади. У ўрганиши лозим бўлган мажбурий фанлар рўйхатини тузиб чиқади. Масалан, 9-синф ўқувчиси бир фандан, дейлик, кимёдан кучли бўлса-ю, чет тилидан оқсаса, бу ўқувчига 9-синфда ўнинчи синф режаси бўйича кимёни ўрганишга рухсат этилади. У чет тилини 9-синф ҳажмида ёки енгиллаштирилган режа бўйича ўрганиши мумкин. Кимёдан ёки математика, биология, физика ва бошқа табиий фанлардан мактаб режасини муддатидан олдин тугатган, барча контрол ишларини топширган ўқувчига мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ шу фанлар бўйича ўзи кирмоқчи бўлган коллежнинг биринчи курси имтиҳонларини ҳам топширишига имконият яратилади.

Американинг Юқори мактабларида шундай ўқитувчилар борки, улар коллежларнинг биринчи курсларида ўқитиладиган маълум фанлардан дарс

беришлари ҳамда имтиҳон олишлари шарт. Америка мактабларида битириш имтиҳонлари йўқ. Олий ўқув юртларига кириш учун биздагидек кириш имтиҳонлари олинмайди. Бироқ ҳар бир абитуриент олий ўқув юртига кириш учун математика ва инглиз тилидан синов (тест) топширади. Бундай тестлар Америкада ҳар йили 3—4 марта ўтказилади. Синов саволлари китоб шаклида ҳар йили чоп этилади. Уларда мингга яқин машқлар, масалалар ва уларнинг ечимлари кўрсатилади. Синфларда қандай саволлар бўлиши бизга ўхшаб сир тутилмайди, балки очиқ-ойдин «математика ва инглиз тилидан бу йил мана шу саволларга жавоб бериш лозим» деб кўрсатилади. Ўқувчилар бу китобни олиб, кириш синовларига тайёрланади.

Америкада талабалар математика ва инглиз тилидан кириш синовларини 10-12 синфларда ўқиб юрган вақтларида, ўзларига қулай пайтда топшира оладилар.

Америка олий ўқув юртларига кириш учун белгиланган синов (тест)лар икки хил бўлади:

SAT (Схоластик аптитюд тест);

AKT (Американ коллеж тест) синовлари.

SAT синовлари мураккаброқ бўлади. Машҳур университетларга кириш учун SAT синовларини топшириш шарт бўлади.

Булардан ташқари Мураккаблаштирилган синов ҳам бор. Бу синовни олий мактабларга кираётган барча талабалар ҳам топширишлари шарт эмас. Мабодо бирор талаба шу мураккаблаштирилган синовларни топшириб университетга кирса, у талабага махсус стипендия берилади. Американинг энг катта бойлиги — бу ақл. Ақл бу мамлакатда қадрланади, ақлли талабалар алоҳида тақдирланади. Ақлли, аълочи талабалар ўқув юртларининг фахри саналгани сабабли ҳам, уларга турли йўллар билан ёрдам бериш, стипендиялар тайинлаш орқали уларни ўқув юртларида сақлашга ҳаракат қиладилар. Ўзи танлаган соҳада ютуқларга эришаётган талабалар рўйхати ҳар йили алоҳида китобда нашр этилиб турилади. Бундан мақсад мазкур соҳа билан қизиқувчи компанияларнинг эътиборини бўлажак олимларга қаратишдир.

Юқорида санаб ўтилган синовларнинг натижалари ва юқори синфларда барча фанлардан олган баҳоларининг ўртача миқдори талабани университетга қабул қилиш ёки қилмаслик учун асос ҳисобланади. Америка коллежлари икки йиллик ва тўрт йиллик бўлади. Икки йиллик коллежларни битирган талаба олий таълим поғонасидаги энг бирламчи даражага эга бўлади. Тўрт йиллик коллежларни тугатган талабалар бакалавр даражасини олиб, олий маълумотнинг биринчи поғонасига эришадилар. Тўрт йиллик коллежлар бизнинг тўрт йиллик институт ва айрим университетларга мос келади. Америка университетлари таркибига икки ва тўрт йиллик коллежлар, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда иккинчи босқич олий маълумот берувчи ўқув юртлари киради.

Иккинчи босқич олий маълумот берувчи ўқув юртлари бизнинг аспирантурага тўғри келади. Бу ўқув юртига кириш учун икки фандан имтиҳон топширилиши шарт. Ўқишни муваффақиятли битирган талаба

магистрлик даражасини олади. Магистрлик илмий даражасини олган талаба докторантурага кириши мумкин. Америкада докторантурага кириш учун фақат мутахассисликдан жиддий имтиҳон топширилади. Имтиҳон комиссияси таркибида талабанинг бўлажак илмий раҳбари ҳам иштирок этади. Ўқишни муваффақиятли битириб, диссертация ёқлаган талаба докторлик илмий даражасини олади. Ижтимоий фанлардан докторлик диссертацияси ёқлаган талабаларнинг ҳаммасига «фалсафа доктори» илмий унвони берилади. АҚШ мактаблари — олий мактабгача мана шундай босқичларга эга.

Японияда таълим тизими

Япония таълимининг шаклланиши 1867—1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида икки вазифани: 1—бойиш, 2—ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилади.

1872 йили «Таълим ҳақида Қонун» қабул қилинди. Бунда япон таълими ғарб таълими билан уйғунлаштирилади. 1908 йил Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қуйидагича: боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари. Болалар ёш хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади. Японияда мактабгача таълим муассасаларининг 59,9% хусусий, 40,8% муниципал, 0,3% давлатникидир.

Мажбурий таълим. Таълимнинг поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. 6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир, текин дарсликлар билан таъминланган. Мухтож оилаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таъминланади. Зарур бўлган тақдирда уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилади. Шу қаторда хусусий мактаблар ҳам мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаб 10, 11, 12 синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртки ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда ўқийдилар.

Японияда ўқув йили 240 кун (АҚШ 180). Ўқув йили 1 апрелдан бошланиб мартда тугайди. Ёзги каникул июнь ойининг охирида бошланиб, августда тугайди. Дарслар 7 соатдан ўтилади.

Дорилфунунларга катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1-тоифадаги

университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар. Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шаҳобчасига эса (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни қамраб олади). Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиш муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиш 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Коллежлар:

1-кичик коллеж;

2-техник коллеж

3-махсус коллежларга бўлинади.

Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Жанубий Кореяда таълим тизими

Жанубий Кореяда таълим ҳақидаги Қонун 1948 йилда қабул қилинган. Таълим тизимига асос қилиб анъанавий ғарб модели олинган: 6 йил — қуйи мактаб, 3 йил — ўрта, яна 3 йил — олий мактаб; сўнгра тўрт йиллик коллеж ва бакалавр унвони берилади; танланган фан яна 2 йил чуқур ўрганилгандан сўнг магистр унвонини олиш мумкин. Фан доктори бўлиш учун яна 3 йил вақт сарфлаш лозим.

Мамлакатда олий ўқув юртларининг ишлари яхши йўлга қўйилган. Кореяда 104 та олий ўқув юрти бор, уларнинг 80 фоизи хусусийдир. Ҳозир мамлакатда олий ўқув юртларида ўқишга қизиқиш жуда кучайиб кетган. Ҳар йили мактабларни битирувчиларнинг 40 фоизи ўқишга киради. Талабалар сони бўйича Корея дунёда биринчи ўринда туради. Лекин мактабгача таълим муассасалари ишида муаммолар бор. Талаб эҳтиёжни қондира олмаяпти. Шунинг учун 1982 йилда мактабгача тарбия ҳақида қонун қабул қилинди. Бу ерда тарбияга болалар боғчасида асос солинишини яхши тушунишади. Шу туфайли бу тармоқ кейинги йилларда 60 фоизга кенгайди. Бунда диний ташкилотларнинг ҳиссаси каттадир.

Бошланғич мактаб масаласига келганда (бу мактабга олти ёшлилар келишади) синфларнинг тиғизлигини кузатиш мумкин. Ҳар синфда 50 нафаргача бола ўқийди. Дарс нагрузкалари ҳам кўпроқ. Лекин ўйинлар дам олиш ўқув дастурига киритилган. Шунинг учун дам олишга имконият бор.

Бошланғич мактабда дарс 40 минут давом этади. Ўрта мактабда эса дарслар 45 минут.

Олий мактабда дарснинг давомийлиги 50 минутга тенг. Бу ерда икки муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Олий мактабга, албатта, кириш имтиҳонлари топшириб кирилади, ўқишлар пуллик.

Бошланғич мактабда 9 та фан ўқитилади. Корейс тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари арифметика, айрим ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади.

Ўрта мактабда фанлар яна 4 тага кўпайтирилган. 7-синфдан бошлаб чет тиллар ўргатилади. Мамлакатда инглиз тилига эътибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади. Чет тилларни ўқитишга ҳафтасига 4—5 соат ажратилган. Корейслар яна бир тилни — классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 8-синфдан бошлаб Хитой тарихи ўрганилади.

Ҳунар мактаблари Кореяда 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45 фоизи бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23 фоизида техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисослари ўзлаштирилади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталик қиладилар. Таълим ҳақидаги қонун талабларидан бири шудир.

Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор кучли. Сўнгги йилларда 5 та спорт, 6 та илмий мактаб очилган. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган.

Кореяда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳар қадамда кузатиш мумкин. Айтайлик, бу ерда аравачалар ёрдамида ҳаракатланувчилар учун ер ости лифтлари мавжуд, махсус жиҳозланган паст қилиб қурилган телефон-автоматлардан ногиронлар бемалол фойдаланадилар, ривожланишдан орқада қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган. Давлат мактабларида дин ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб «Одобнома» каби махсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат вақт ажратилган.

Бу фан ўз ичига динни ҳам қабул қилади. У қотиб қолган бир нарса сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга. Бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак. Фан ўқитувчиси бирмунча кўпроқ ўқийди.

Кореяда ўқитувчининг иш ҳақи 700 долларга тенг. Агар бунга педагогика олий ўқув юртларига ўқишга киришдаги юқори танловни ҳам қўшадиган бўлсак, бу мамлакатда ўқитувчи касбининг эъзозланиши сабаблари аёндр.

Жанубий Кореяда таълимнинг обрўси нақадар катталагини қуйидаги мисолдан ҳам кўрсак бўлади:

Солиқлар тизимида таълимий солиқ жорий қилинган: ишлаб чиқарувчилар фойданинг маълум фоизини маорифга юбордилар. Давлат бюджетининг 24 фоизи таълимга сарфланади. Мамлакат президенти (у халқ таълими Давлат кенгашини бошқаради) шахсан провинциялар таълим бошқармалари (биздаги халқ таълими бошқармалари каби) бошлиқларини тайинлайди. Бу ҳам ушбу мамлакатда маорифга қанчалар зўр аҳамият берилишини кўрсатиб турибди.

Францияда таълим тизими

Франция таълим тизими ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақида»ги Қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақида»ги Қонуни 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички, ташқи сиёсатдаги ислохотлар, юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илғор тажрибаларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тadbиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари;
2. Хусусий мактаблар;
3. Оралиқ мактаблари мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртача ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат, дарснинг давомийлиги эса 60 минут. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларида ўқиш эрталабки ва тушдан кейинги қисмларга бўлинади. Эрталаб ўқувчилар она тилидан, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар. Математика, она тили ва адабиёти база предмети, тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар куйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Францияда бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув

машғулотлари эрталаб соат 9 дан 12 гача, ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Дастурларда ўқув предметларнинг барчасига уч босқич бўйича аниқ, алоҳида-алоҳида талаблар қўйилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорида болаларни билимига, қобилиятига қараб дарс жадвалини табақалаштирган ҳолда тузиш ҳуқуқи берилди.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда берилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб, энг кичик синф 6-синф, 5-4 ўрта синф, 3-синф эса катта синф ҳисобланади. Демак синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади. 6-5 синфлар умумий ўрта таълим, 4-3 синфлар эса ўқувчиларнинг мойиллигига қараб берилади. Бу биринчи босқични тугатгач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Сўнгра иккинчи босқич бошланади. Бу босқичда 15-18 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар. Улар уч йил ўқиб бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шунда диплом олган ўқувчиларгина олий ўқув юртларга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар. Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Олий таълим университетларда уч туркумда амалга оширилади.

Биринчи туркум: умумий бўлиб, ўқиш муддати икки йил давом этади.

Иккинчи туркум: ўқиш бир йил давом этади. Талабалар уни магистр даражаси билан яқунлайди.

Учинчи туркум: ўқиш 1—2 йил давом этади. Бу циклда:

- бирон бир предметни чуқурлаштириб ўрганилганлиги ҳақида диплом 1 йил;
- ихтисослаштирилган олий маълумот тўғрисида диплом 1-йил;
- учинчи туркум докторлик диссертацияси 1—2 йил;
- давлат докторлик диссертацияси бирон-бир соҳани мукамал ўрганиб диссертация ёзиш каби ҳужжатлар олиш мумкин.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат, маиший хизмат кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, саккиз хафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутаяди.

Сиртки таълим шохобчалари жуда кенг бўлиб, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай

марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади. Ўқишни яқунлагач, суҳбатдан, тест имтиҳонларидан ўтадилар. Директор дарс бермайди. Унинг иш фаолиятини икки йил давомида диққат билан кузатиб борилади. Шу икки йил давомида мактаб директори талантли ташкилотчи, етук раҳбар сифатида фаолият кўрсата олмаса, у бу лавозимидан олиб ташланади. Мактаб ўқувчиларига қўйилган талаб Францияда ўта юқори. Айниқса, бошланғич мактабларда ўқитувчи ўз касбини устаси, ажойиб нотик, санъаткор, мусикачи, спортчи, ташкилотчи, намунали хулқ-атвор эгаси бўлмоғи лозим.

Ўқитувчилар ўз назарий — услубий малакаларини оширишга аҳамият берадилар. Малака ошириш курсларидан ўтиш учун аниқ муддат белгилаб қўйилмаган. Ўқитувчилар ўз ихтиёрлари билан тест марказларида имтиҳон топширадилар.

Шу имтиҳонлар даврида ўқитувчи фаолиятида айрим нуқсонлар сезилиб, малака оширишга эҳтиёж аниқланса, ўз вақти ва маблағлари ҳисобига малака оширилади.

2000 йилда Франция мактабларидаги аҳвол синчиклаб ўрганилиб, ўқувчиларнинг кўпчилик дарсларга кирмай бошқа ишлар билан машғул бўлиб юриши аниқлангач, бу камчиликни тузатиш учун жиддий чоралар кўрилмоқда. Полицияни бу ишга жалб этиб, дарс вақтида бошқа жойларда юрган болаларни тутиш, уларга жарима солиш ва мактабга элтиб қўйиш юклатилади. Ўз фарзандларини мактабга юбормоган ота-оналарни эса суд ҳукми билан жазоланади. Унда ҳатто қамоқ жазоси ҳам белгилаб қўйилган. Чунки айнан дарсга қатнашмай юрган болалар ўртасида наркомания ва ҳуқуқбузарлик каби ҳолатлар кўп учрайди. Умуман Францияда таълим тизимини ривожлантириш учун бу йил жуда катта маблағ ажратилган.

Германияда таълим тизими

Мактабгача тарбия тизими Германия таълим тизимида ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Болалар боғчалари таълимнинг кўйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналар, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасидадир. Ота-оналар болалар боғчаларига ўз фарзандларини тарбиялаётганликлари учун анча миқдорда пул тўлайдилар. 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80% боғчаларга қатнайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгача тарбияланадилар. Куннинг ярмида эса уйда, оилада бўлади. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Хусусий мактаблар озроқ. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади

(фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар: булар — асосий, махсус мактаб, реал билим юртлири. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлири асосий мактаб ва юқори босқич мактаби ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-10 синфгача) ва тўла ўрта маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртлирига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради. Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3—3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилда иккинчи йилга ўтиши синов имтиҳонлари ўтказилиб ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, федерал ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртлирига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озиқ-овқат ҳаражатларини кўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга кўра улар молия ёрдамида оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярими қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимнинг ислоҳ қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қискартириш таклиф

килинмоқда. Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Германияда Халқ университетлари мавжуд бўлиб, улар партия ва диндан ташқари муассаса. Уларнинг кўпчилиги кечки бўлиб, фақат 1989 йилда университетларда 400000 курслар ташкил этилган ва бу курсларда, 5,5 млн. тингловчи малака оширган. Давлат малака оширганларни рағбатлантиради ва бу учун ҳар йили 5,5 млн. марка маблағ ажратади. Малака ошириш курсларида ўқиш даврида тингловчиларга маблағ билан молиявий ёрдам берадилар. Асосан ишсизлар ўз малакасини ошириш имкониятларидан кўпроқ фойдаланадилар ва бу билан иш топишлари тезлашади. Ярим йил давомида малака оширган ишчиларнинг 75% иш билан таъминланади. Черковлар ҳам фуқароларнинг билим даражаларини оширишда фаол иштирок этади. Евангель черкови ўзининг 15 академиясида долзарб мавзулар бўйича конференциялар ташкил этади.

Католиклар малака оширишда никоҳ, оила масалаларига, теология ва маданият соҳаларига катта аҳамият берадилар.

Олий ўқув юртларида тадқиқот билан шуғулланиш уларнинг қадимий анъаналаридан бири. Ўтган аср бошларида Вильгельм фон Гумбольдт прусс университетларини ислоҳ қилди, ўшандан бери «Тадқиқот ва ўқитиш бирлиги» уларнинг ҳаётий принципларига айланиб қолган. Олий ўқув юртлари тадқиқотларининг асосий йўналиши-фундаментал амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради. Германия таълими ўзига хос йўналишга, жуда мураккаб тизимга эга. Шу билан бир қаторда ҳозирда Германияда таълим тизимини ислоҳ этиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ривожланган хорижий давлатларда таълим йўналишлари қандай белгиланган?
2. АҚШда таълим тизими қандай ташкил этилган?
3. Япония таълим тизими ҳақида гапириб беринг.
4. Жанубий Кореяда таълим тизими қандай ташкил этилган?
5. Франциядаги таълим тизимини сўзлаб беринг.
6. Германия таълим тизими қандай ташкил этилган?

Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар тажрибасидан қандай фойдаланиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

И.А.Каримов. «Ижобий ишларимизни охирига етказайлик». Т.: Ўзб, 1994 й. 8-9 бетлар

1 И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997 йил 137-140-бетлар.

Ибн Халмиқон ҳақида. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китобидан олинди. Т. Абдулла Қодирий номидаги Хлақ мероси нашириёти, 1993, 204 бет

Абу Наср Форобий. Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М.М.Хайруллаев. Т. «ФАН», 1975. 71-72 бетлар.

Аль Фараби социално – этические трактатў . Алма – ата. 1976. 122 бет

Абу Наср Форобий. «Бахт саодатга эришув ҳақида». Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М.М.Хайруллаев. Тошкент. «ФАН». 1975. 76-бет

Ўша асар. 23-24-бетлар.

Ўша асар. 23-24-бетлар.

Абу Наср Форобий. «Бахт саодатга эришув ҳақида». Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М.М.Хайруллаев. Тошкент. «ФАН». 1975. 77-78-бетлар.

Аҳмедов А. Беруний ва унинг «Гиодезия»си ҳақида. Беруний. Танланган асарлар. III том. Т., «ФАН», 1982 йил, 21-бет.

Беруний туғилган кунининг мингйиллига тўплам. Т., 1978 йил 101-бет.

Абу Райҳон Беруний. Танл. Асарлар. I т. Т., 1968 й, 151 бет.

Абу Райҳон Беруний. Минералогия. 25 – бет.

Саъид Нафисий, Пур – и Сино, Техрон, 1333 (1954), 9-27-бетлар.

Ибн Сино. Тайр қиссаси. «Фалсафий қиссалар» китобидан. Т., Ўзадабийнашр, 1963, 15-бат.

Ибн Сино. Тадбири магзил, 15-16 бетлар

Раҳимов С., Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида. Т., Ўқитувчи, 1967, 75 – бетлар.

Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида. Т., Ўқитувчи, 1967, 75-бет.

Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси, Т., «Фан», 1980, 160-бет

Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси, Т., «Фан», 1980, 162-бет

Ирисов А. ўша асар, 162-бет

Ирисов А. Абу Али ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий мероси. Т., «ФАН», 1980, 137-139-бетлар.

Дж.Неру, Открўтие Индии, М., 1956, 243-бет

А.Аҳмедов «Улуғбек» Т., «ФАН» 1991 50-бет.

В.Бартольд. соч., т. II, М., 1964, 126-бет.

Вальтер, танланган асарлар, Женева, 1769, IX., 199 саҳифа.

#луғбекЮ

Улуғбек. Новўе Гурагонова астрономическая таблицў. Т., изд. «ФАН»

АН.Руз., 1994 й. 31-32-бетлар.

И.А.Каримов. Истиклол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994 й., 97-98-бетлар.

Неру Жавоҳарлал. Открўтие Индии. М., Наука 1955. 272-273 бетлар.

Лаъл Муни. Бобур юблеи олдидан. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 й., 23 декабр.

Бобур З.М. Бобурнома. Т., Юлдузча 1989 й. 21-бет

1 Ойбек. Ўзбек адабиёти антологияси. Т., «ФАН» 1958 й. 8-бет.

1 З.М.Бобур. Девон. «ФАН» 1994 й. 78-бет.

ЎНаР:итобЮ 92-1етЮ

Ўша китоб. 92-бет.

ЎНаР:итобЮ 32-1етЮ

Ўша китоб. 32-бет.

ЎНаР:итобЮ 32-1етЮ

Ўша китоб. 32-бет.

ЎНаР:итобЪ 76-1етЮ

Ўша китоб, 76-бет.

А.Муҳаммаджонов. Школа и педагогическая мўсль узбекского народа XIX – начала XX в. Т., «ФАН», 1978 й., 23,89-бетлар.

Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз шоҳ ва шоир қисмати, Тошкент, ғ.ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1991 й., 100-бет.

И.Турсунов. Истиклолга интилган қалблар нидоси. Тошкент. 1993. 11-бет

В.Даль «Толковўй словарь живого Великорусского язўка». М., 1980 й., 440-бет.

А.Муҳаммаджонов. школа и педагогическая мўсль узбекского народа XIX – начала XX в. Тошкент, «ФАН», 1978 йил, 44-бет.

Н.Йўлдашев. «Маърифат фидоийлари» мақоласи. «Гулистон» журнали. 1991 йил, 4-сони, 20-бет.

2 «Санъат» журнали. «Жадидчилик қандай оқим» мақоласи. 1990 йил, 12-сони, 6-бет.

Б.Қосимов. Исмоилбек ғаспирали, Тошкент, 1992 йил, 25-бет.

Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. “Туркистон” рўзномаси, 1992 йил, 26 феврал.

1 Б.Қосимов. «Исмоилбек ғаспирали». Т., 1992 йил, 31-бет.

2 Б.Қосимов. «Исмоилбек ғаспирали». Т., 1992 йил, 34-бет.

3 «Янги дунё» ҳафталиги. 1991 йил, 13-сони.

«!адоиР"уркистонh. 1914 9Ю,

«Садои Туркистон». 1914 й., №42

Инқилоб газетаси, 1992, 1-сони.

«Эҳтиёжи миллат» (1913 №26) дан.

«Падарқуш». Шарқ юлдузи, 1989, 7-сони, 155-бет.

³ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 51-бет.